TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI

«AGRAR SEKTORNI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHNING NORMATIV-HUQUQIY, TASHKILIY-IQTISODIY VA AXBOROT TA'MINOTINI TAKOMILLASHTIRISH»

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI

2019-YIL 5-NOYABR

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВАЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

«АГРАР СЕКТОРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ, ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ, АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»

мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани

2019 йил 5 ноябрь

ТОШКЕНТ – 2019

УЎТ: 333, 338, 339, 575, 597, 631, 632, 633, 634, 635, 657

Аграр секторни инновацион ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ахборот таъминотини такомиллаштириш: *Республика илмий-амалий ажумани мақолалари тўплами. /* Муаллифлар жамоаси. –Т.: ТДАУ таҳририят-нашриёт бўлими, 2019.-360 б.

Мазкур мақолалар тўпламида таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, таянч докторант, докторант ва илмий изланувчилар, иқтисодий йўналишларда таълим олаётган иқтидорли ёш талаба, магистрантлар ва уларнинг илмий раҳбарларининг илмий мақолалари келтирилган. Унда мамлакат тараққиётини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган кўплаб ижтимоий-иқтисодий мазмундаги материаллар ўрин олган бўлиб, асосан республика аграр соҳасидаги стратегик муаммоларни ҳал этишдаги янгича йўналишлари ва тажриба натижалари акс эттирилган.

Мақолалар тўплами 2019 йил 5 ноябрь куни Тошкент давлат аграр университетида ўтказилган илмий-амалий анжуман якунига бағишлаб ўтказилган йиғилиш қарорига мувофиқ нашрга тайёрланди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

№	Ф.И.Ш.	Лавозими
1.	Б.А.Сулаймонов	Тошкент давлат аграр университети ректори, раис
2.	Б.К.Мадартов	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини
3.	Р.Д.Дўсмуратов	«Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси мудири, и.ф.д., аъзо
4.	Б.Ю.Менгликулов	«Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси профессори, и.ф.н., аъзо
5.	Д.У.Мамадияров	«Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси доценти, и.ф.н., аъзо
6.	И.Р.Давлетов	«Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси доценти, PhD, аъзо
7.	А.С.Болтаев	«Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси катта ўқитувчиси, аъзо
8.	У.Х.Урманова	«Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси катта ўқитувчиси, аъзо
9.	А.У.Вафоев	«Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси таянч докторанти, аъзо
10.	Х.Ҳ.Назаров	«Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси ассистенти, аъзо
11.	О.Р.Файзиев	«Агробизнес ва инвестицион фаолият» кафедраси ассистенти, аъзо
12.	Ш.Холова	Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи, аъзо
13.	Т.Шамсиддинов	Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, аъзо

Тақризчилар:

Б.Султонов- “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти директори, и.ф.н.

Н.Рахмонов -“Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.н.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси»га мувофиқ, Тошкент давлат аграр университетида **2019 йилнинг 5 ноябрь** куни **«Аграр секторни инновацион ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ва ахборот таъминотини такомиллаштириш»** мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани ташкил этилди.

Ушбу мақолалар тўпламида мустақиллик йилларида Республикада инновацион иқтисодиётни ривожлантириш бўйича соҳада олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар аниқ рақамлар ва далиллар асосида таҳлил қилиниб, ушбу соҳа олдида турган мавжуд муаммоларнинг ечими мамлакатимиздаги етакчи профессор-ўқитувчилар, соҳа мутахассислари, тадқиқотчи олимлар, иқтидорли ёш магистратура ва бакалавриатура талабалари томонидан чуқур ўрганилиб, қимматли таклиф ва тавсиялар берилган материаллари жамланган.

Мақолалар тўплами олий таълим ва илмий-тадқиқот институтларининг олимлари, профессор-ўқитувчилари, талабалари, шунингдек, аграр сектор корхоналарининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари учун мўлжалланган.

Ташкилий қўмита:

Б.А.Сулаймонов (раис), Б.Мадартов (раис муовини), Р.Д.Дусмуратов, Т.Шамсиддинов, Ш.Холова, Б.Ю.Менгликулов, И.Р.Давлетов, Д.У.Мамадияров, Б.М.Джураев, Н.Р.Рахмонов, А.С.Болтаев, У.Х.Урманова, О.М.Азизов, А.У.Вафоев, Х.Ҳ.Назаров, О.Р.Файзиев, А.К.Айтимбетов, Г.Б.Турсункулова, Н.А.Худойназарова

Мақола мазмуни ва унда келтирилган фактлар ва рақамларнинг тўғрилиги учун муаллифлар жавобгардир.

КИРИШ СЎЗИ

Ҳаммамизга маълумки, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги экин ер майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархини ошириб бориш ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлиги таъминланмоқда.

Бугунги кунда, жамият вадавлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шу боисдан, мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг барча жабхаларида бўлгани каби қишлоқ хўжалигини ҳам тубдан ислоҳ қилиш, соҳага бозор механизмларини жорий этиш, маҳсулотларни қайта ишлаш тизими ва қўшимча қийматни шакллантиришни янада такомиллаштиришда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Соҳани ривожлантириш бўйича узоқ истиқболли янги вазифалар белгилаб олинмоқда.

Хусусан, мамлакатимиз президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун ва моҳиятида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва интенсив ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр сектор экспорт салоҳиятини оширишга катта эътибор бериб, соҳа мутахассислари олдига вазифа қилиб қўйдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси”да мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш бош мақсад этиб белгиланган. Бунга сабаб шуки, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига кириши бўлиб ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, иқтисодиётнинг аграр секторини модернизация қилишда фан ва технологиялар муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш ва интеллектуаллаштириш туфайли қишлоқ хўжалигига агроинновацияларни жорий этиш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш баробарида деҳқонлар даромади ортишига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси»**га мувофиқ, Тошкент давлат аграр университетида **2019 йилнинг 5 ноябрь** куни **«Аграр секторни инновацион ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ва ахборот таъминотини такомиллаштириш»** мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманини ўтказиш режалаштирилган.

Ўйлаймизки, бугунги ўтказилаётган мазкур Республика илмий-амалий анжуман ишида юқорида таъкидланган норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилишда Сиз олим ва мутахасисларнинг таклиф ва тавсияларингизни ҳамда фикр ва мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

Тошкент давлат аграр университети
ректори, академик Б.А.СУЛАЙМОНОВ

1-ШУЪБА. АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АГРАР СЕКТОРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Турдибоева Р.Э. *-ТДАУ академик лицей директори, ю.ф.н., доцент*

Қишлоқ хўжалиги - Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Мамлакатимизда иқтисоднинг барча соҳаларида, жумладан Қишлоқ хўжалигида ҳам ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, уни бошқариш тартиби ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш усуллари тубдан ўзгариб кетди. Қишлоқ хўжалигида юз берган бу чуқур ислоҳотлар тегишли муҳим қонун-қоидалар воситасида амалга оширилмоқда. Масалан, Ер кодекси, Ер кадастри, Деҳқон хўжалиги, Қишлоқ хўжалик кооперативлари, Фермер хўжалиги тўғрисида ва бошқа қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ҳуқуқий асос яратилиши билан улардан кундалик ҳаётда мукаммал ва тўғри фойдаланишни ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган чора-тадбирларни қўллашни таъминлашнинг таъсирчан механизмни яратиш муаммолари долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириш, муаммоларни тўғри ҳал қилиш, бунинг учун зарур ҳуқуқий воситалардан тўғри фойдаланиш, масъул ходимлардан юқори малакали билимга ва қобилиятга эга бўлишни талаб қилади.

Айни пайтда дастлабки йиллардан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, вақтида йиғиб-териб олиш, хом ашё маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш, айирбошлаш, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, бозор иқтисодиёти қонуниятларини агросаноат мажмуида кенг жорий этишга қаратилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, маданий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлди.

Охирги йилларда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий база ривожлантирилди.

Ҳуқуқий ҳамда меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалигида:

1. Ер ислоҳоти амалга оширилмоқда. Бунда ерга нисбатан умуммиллий бойлик деб қаралмоқда, яъни давлат мулкчилиги сақланган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга ердан фойдаланишга эгалик қилиш ҳуқуқи берилмоқда;
2. Мулк ислоҳотини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Натижада тармоқда нодавлат мулкчилик шаклларидан жамоа, хусусий, шахсий ҳамда аралаш мулкчилик турлари босқичма-босқич барпо этилиб, ривожлантирилмоқда;
3. Шаклан ва мазмунан афзал туб молия, кредит, солиқ ва баҳо ҳамда ташкилий-таркибий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилиши зарур бўлган агроиқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Буни қабул қилинаётган қонунлар, Президент Фармонлари ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари исботлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (12.02.2018), “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори (17.04.2018), “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (29.03.2018), “Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (14.03.2018.). “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарорлари (06.04.2018) ҳамда Ўзекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги (03.04.2018), Ўзбекистон Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (09.10.2017), “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (27.04.2018) Қарори, “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”да (14.03.2019) қарори, “Ўзбекистон республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (20.03.2019) Қарори, “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (17.04.2018) Қарори, “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” (17.06.2019) Қарори, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (29.07.2019) Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали

фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (9.01.2019) [1] Қарори каби ҳуқуқий ҳужжатлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи бўлими, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йуналишлари учинчи бандида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш буйича алоҳида бир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилган бўлиб, ҳозирги кунда бу вазифалар ўз тасдиғини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз парламенти - Олий Мажлисга Мурожаатномасида келтирилганидек**, “Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”**[2]. Инновация (инглизча innovation) - янгилик, янгилик киритиш, ихтиро. Инновация - янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, қишлоқ хўжалиги соҳасига инвестицияларни киритиш, модернизациялаш жараёнини чуқурлаштириш юксак технологиялар ва инновацияларни жорий этиш олдимиздаги асосий вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш жараёнлари аграр секторни қайта шакллантиришда янгича ёндашув - қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги устуворликларни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради. Жаҳон амалиётидан маълумки, иқтисодиётнинг аграр секторини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда асосан давлат етакчи ўрин тутади.

Ўзбекистон аграр сиёсатининг устувор йўналиши бўлган соҳани модернизациялаш инновацион иқтисодиётга ўтиш ва унинг рақобатдошлигини ошишини таъминлаб беради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатдошлигини ошириш учун жаҳон амалиёти ва тамойилларини, аввало, қисқа фурсатларда маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш унинг жаҳон бозорига кириб боришини таъминлашга эътиборни қаратишга асосланган Ўзбекистон аграр секторини инновацион ривожлантириш стратегияси зарур бўлади. Аграр соҳани модернизациялашда қишлоқ хўжалигида инвестицион ва

[1] www.lex.uz сайти

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 22.12.2017 йил.

инновацион фаолиятни ривожлантириш устувор йўналишларини аниқлаш ва амалга оширишда давлат етакчи ўрин тутади.

Ўз навбатида, инвестициялар қандай шаклда бўлмасин, уларнинг жалб этиладиган миқдори муайян тармоқ ёки субъектнинг инновацион фаоллигини ривожлантириш ва рағбатлантиришга кенг имкониятлар яратиши лозим. Зотан, инвестиция киритиладиган соҳа, фаолият тури ёки объект инновация маҳсулотларини қанчалик тез ва самарали жорий этиб, ўзининг даромадлилик даражасини оширса, у бозор иқтисодиёти шароитидаги шавқатсиз рақобатларга шунчалик чидамли, яъни рақобатбардош бўлади. Шунингдек, инновацияга асосланган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) соҳасида инвестицион муҳит ва жозибадорлик ҳамда инновацион фаолият юритиш даражаси ҳар доим юқори бўлади. Ўзбекистон Республикаси "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига биноан Инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади.

- Капитал инвестицияларга асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шу жумладан янги қурилишга, модернизациялашга, реконструкция қилишга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар киради.
- Инновация инвестицияларига янги ёки такомиллаштирилган товарларни (ишларни, хизматларни), ишлаб чиқариш жараёнини, тадбиркорлик фаолиятини юритишда янги маркетинг услубини ёки ташкилий услубни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга киритиладиган инвестициялар киради.
- Ижтимоий инвестицияларга инсон салоҳиятини, кўникмаларини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номоддий неъматларнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар киради.[3]

Инвестиция жалб қилиш объекти нуқтаи назаридан инвестицион муҳит ва жозибадорлик мамлакат ва унинг агроиқтисодий ҳудудлари, вилоятлари ҳамда туманлари, халқ хўжалиги тармоқ ва соҳалари, хўжалик юритиш субъектлари даражасида аниқланади. Инновацион ечимлар эса, масалан қишлоқ хўжалигида, асосан унинг қуйи тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, шунингдек уларга кўрсатиладиган хизмат турлари билан боғлиқ барча агротехник жараёнларни такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимлик навлари ва чорва моллари зотларини яхшилаш, сифатли янги турдаги хизматлар кўрсатиш, бошқаришнинг янги усулларини қўллаш каби кўплаб йўналишларни қамраб олади. Демак, қишлоқ хўжалиги ва унинг таркибий тармоқларига инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш, уларнинг қайтимлилигини таъминлаш, инвестицион жозибадор қилиш ва инвестицион муҳитини яхшилаш соҳанинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятлари даражасига, уларни ошириш захиралари ва энг муҳими, инновацион

[3]Ўзбекистон Республикаси "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуни. 2014 йил 9-декабрь. ЎРҚ-380-сон.

ишланмалар негизида модернизациялаш тадбирларидан тезкор равишда оқилона фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Бинобарин, инновацион ва инвестицион жараёнларининг самарадорлигини белгилаш ва ошириш нуқтаи назардан модернизациялаш тадбирлари ва йўналишлари ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) логистик занжирининг якунловчи ва ҳал қилувчи компоненти сифатида муҳим рол ўйнайди.

Ҳар қандай соҳада, шу жумладан қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам инновация етук мутахассис ва рақобатбардош кадрлар билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 19-август куни "Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4421-сонли қарорни имзолади. Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида қишлоқ хўжалиги таълими ва илм-фанини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида:

- қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, "ақлли қишлоқ хўжалиги" (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;
- ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, фан дастурларида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, юқори унумли ва ресурстежамкор илғор технологиялар соҳасидаги билимларни шакллантиришга қаратилган вазифаларни акс эттириш каби асосий вазифалар белгиланди.

Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмини ҳамда аграр секторнинг экспорт салоҳиятини оширишга имкон беради.

Агросаноат мажмуаларини инновацион ривожлантириш йўлига ўтиш шароитларида уни модернизациялашнинг такомиллашган аграр соҳани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш заруриятини қўйди. Натижада Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқилиб, унда энг катта эътибор бозор механизмларига ва инновацияга қаратилиши назарда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини таркибий ислоҳ қилиш ва ривожлантириш мақсадида республика ҳукуматининг тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари асосида қишлоқ хўжалигида инвестициялар ва инновацион ишланмалардан оқилона фойдаланишга кенг имкониятлар яратилган. Лекин, фермер ва деҳқон хўжаликларининг инвестицион лойиҳаларда иштирок этиш, инновацион фаолият билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш соҳасидаги қобилият ва имкониятлари объектив ва субъектив сабабларга кўра чекланганлигини эътироф этиш лозим. Шунингдек, 2017 йилда бошланган тизимли ислоҳотлар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги маъмурий тартибга солиш механизмларига ҳали ҳам муҳим ўзгаришлар киритилмаган. Жумладан:

- айрим экинлар учун ерни мажбурий квоталашни бекор қилиш (агар давлат буюртмаси сақланиб қолса-да, фермерларга ишлаб чиқариш

таркибини оптималлаштириш учун ерлардан эркин фойдаланиш имконияти берилиши керак);

- пахта ва буғдой учун эркин ва рақобатбардош бозорларни шакллантириш ва ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича барча маъмурий тўсиқларни бартараф этиш;

- қишлоқ хўжалиги ерларини хусусий мулкка эгалик қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ер лизинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, мавжуд лизинг шартномаларини ҳимоя қилиш;

- қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида кластер тизимини кенг жорий этиш;

- “Ақлли қишлоқ хўжалиги”, жумладан рақамли инфратузилма технологияларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий, ташкилий ва институционал асосларини яратиш;

- ақлли-сервис хизматларига бўлган талабни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; ақлли-сервис хизматлари ишланмаларини яратиш ва жорий этишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш;

- қишлоқ жойларида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаларига қулай муҳит яратишни таъминлаш;

- қишлоқ хўжалигида ишлашнинг жозибадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида ахборот-коммуникация технологиялари мутахассисларига бўлган эҳтиёжни кўпайтириш, қишлоқ жойларида аҳоли даромадларини ошириш;

- қишлоқ хўжалигининг таркибий қуйи тармоқларини истиқболли ривожлантириш ва уларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий салоҳиятларини янада юксалтириш учун инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, улардан самарали фойдаланиш, инновацион жараёнларни ривожлантириш ва рағбатлантириш механизмларини татбиқ этиш учун давлатнинг мувофиқлаштирувчи функциясини кучайтириш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакллари, яъни фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини бозор муносабатлари асосида юритиш уларни молиялаштириш тизимини янада соддалаштириш, эркинлаштириш ва такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларни макробашоратлаш тизимини, қишлоқ хўжалиги техникаларини бошқариш, об-ҳаво башоратлари ва ўсимликлар вегетациясини объектив назорат қилиш воситалари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш элементлари, қишлоқ хўжалиги рақамли платформасини рақамли иқтисодиёт жараёнлари билан интеграциялашни таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги ислоҳотларни амалга ошириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, ерлардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини диверсификация қилиш, шу жумладан мева-сабзавот ва ем-хашак экинларини кўпайтириш имконини беради. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқаришининг умумий ҳажмини ҳамда аграр секторнинг экспорт салоҳиятини оширишга имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда, аграр соҳага оид қабул қилинган барча қонун, фармон ва қарорлар фермер хўжаликлари фаолиятини, энг аввало қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт салоҳиятини ошириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ва аграр сохадаги барча ислоҳотлар самарадорлиги учун ҳуқуқий асос сифатида катта аҳамият касб этади. Ёки бир сўз билан айтганда аграр секторни инновацион ривожлантиришнинг норматив- ҳукукий таъминоти талабга жавоб беради, аммо уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришни давр талаб этмоқда.

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ЖўраевТ.И.*-ТДИУ доценти,*
СиддиқовЗ.Т.*- ТДАУ доценти,*
Исмоилова Г.Т.*- ТДИУ магистранти*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизациялаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг янада кучайтирилиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион жараёнлар узлуксизлигини таъминлаш ва кўламини ошириш билан тавсифланади. Бу эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлиги бевосита фан ютуқларига асосланган ишланмалар, ихтиро ҳамда лойиҳалар, илм-фан сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий қилиш билан белгиланади.

Мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш бўйича эътиборли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан 2018 йил21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида”гиФармони қабул қилинди. Стратегиянинг бош мақсадиинсон капиталиниривожлантириш,2030 йилгачаГлобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг50таилғор мамлакати таркибига кириш этиб белгиланди ва мамлакатимизда интеллектуал ва технологик салоҳиятни оширишнинг узоқ муддатли дастурларида асосий йўналиш – инновацияларни ривожлантириш, корхоналарда инновацион фаолият билан фаол шуғулланишни рағбатлантириш кўрсатиб ўтилган. Бу иқтисодиётнинг устувор соҳа ва тармоқларини инновацион ривожлантиришнинг янги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик миллий инновация тизимини яратиш билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши туфайли илм-фан ва инновация фаолияти соҳасидаги асосий йўналишлар ривожланиш йўлига тушиб олди. Илмий-техник салоҳият мустаҳкамлангани, илмий тадқиқотлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг йирик муаммоларини ҳал этишга йўналтирилгани, мамлакатимизда инновация фаолиятини фаоллаштириш, белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун катта миқдорда валюта маблағлари ажратилаётгани шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг2018 йил7 майдаги ПҚ-3698-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан39таДавлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан иқтисодиётни реал секторини ривожлантириш бўйича “Йул харита”лариишлаб чиқилиб ҳамкорликда самарали ишлар йўлга қўйилди.20гаяқин ташкилотда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармалари ташкил этилиб, жами45,46млрд. сўммаблағ йўналтирилди.

Венчургаасосланган молиялаштиришни жорий этиш ва инновацион лойиҳаларга тадбиркорлик субъектларининг молиявий маблағларини кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг2019 йил24 ноябрдаПФ-5583-сон Фармони қабул қилиндива инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг тубдан янги тизими жорий этилди.

Иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида инновацион жараёнларни янада ривожлантиришга тааллуқли муаммоларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, инновацион фаолиятни самарадорлиги биринчи навбатда мамлакатда инновацион муҳитни яхшилашга қаратилган қонунлар доирасида ягона ҳуқуқий нормалар тизимини шакллантирадиган институционал асосларни ишлаб чиқиш даражасига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз инновацион фаолиятни ривожлантиришда “Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти” (ИҲРТ) томонидан ишлаб чиқилган инновацияларни бошқариш бўйича халқаро стандартлар ва услубий тавсияларни чуқур ўрганиш зарур. Буларга 1995 йилда ИҲРТ томонидан қабул қилинган “Илмий ва илмий-техникавий соҳада банд меҳнат ресурсларини аниқлаш” (Manual On The Measurement Of Human Resources Devoted To S&T - Canberra Manual), 1997 йилда қабул қилинган “Миллий инновация тизими” (National Innovation System), 2002 йилдаги “Илмий тадқиқот ва ишланмалар бўйича ҳисобот стандартлари” (Proposed Standard Practice for Surveys of Research and Experimental Development), “Миллий инновация тизимини ўзгариши” (Dynamising National Innovation Systems), “Фраскати қўлланмаси” (The Frascati Manual) каби халқаро стандартлар ва услубий тавсияларни таъкидлашимиз мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳияти биринчидан, инновацион фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, инновацион лойиҳалар, ғоялар ва ихтироларни молиялаш тизимини ривожланганлик жиҳатларига боғлиқ бўлади. Бу инновацион жараёнларнинг институционал асосларини ташкил этади.Шу нуқтаи назардан иқтисодиётни глобаллашуви ва ишлаб

чиқаришни модернизациялаш шароитида давлатнинг устувор йўналишларидан бири мамлакатнинг инновацион салоҳиятини ошириш масалалари ҳисобланади. Натижада давлат томонидан миллий иқтисодиётни модернизациялаш, техника ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, диверсификация қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги "Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 ноябрдаги "Илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг моддий-техника базасинимустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2008 йил 15 октябрдаги "Технологиялар трансфери Агентлиги" Давлат унитар корхонаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорлари муҳим аҳамият касб этади.

Мамалакатда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини тартибга солишнинг бугунги кундаги зарурлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

– ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш соҳаларига инновацияларни киритиш ўзининг иқтисодий самарадорлиги, талаб ва таклиф қонуниятларига жавоб бериши билан алоҳида аҳамият касб этаркан, бу соҳаларга инновациянинг жадал суръатлар билан жалб қилиниши ушбу муносабатларнингиқтисодий ва ҳуқуқий асослари мавжуд бўлишини тақозо этади;

– чет элдан янги технологияларни, янги қурилмалар, ишлаб чиқариш воситалари ва янги моддалар олиб кирилишига кенг имкониятлар бериш ва бунда халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакат иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин тутишидан келиб чиқиб, инновацияларни чет элдан жалб этишга нисбатан ҳуқуқий талабларни яратиш зарур бўлади;

– маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, илмий-техник муассасалар томонидан яратилган инновациялар ва инновацион лойиҳаларнинг шартномавий тартибини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш, яратилган янги инновациялар: янги технологиялар, янги қурилмалар, янги моддалар, янги усулларнинг ҳуқуқий мақомини ва уларга нисбатан ҳуқуқларни белгилаш талаб этилади;

– инновация фаолияти субъектларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва улар фаолияти, ҳуқуқлари кафолатларининг асосларини ўрнатиш, инновация дастурларига ҳомийлик қилиш ва давлат томонидан кўмак беришнинг ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Инновация фаолиятининг субъектлари инновация дастурлари, лойиҳалари, тадбирлари ва ишлари буюртмачиси ва ижрочиси, инвесторлари, инновация истеъмолчилари, моддий-техник ресурслар билан таъминловчи, шунингдек, воситачи, инновация жараёнига хизмат кўрсатувчи

функцияларини бажаришлари мумкин. Агар шартномада бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса, буюртмачи инновация фаолият иштирокчиларининг тадбиркорлик ва бошқа турдаги фаолиятига аралашмаслиги лозим. Буюртмачи, агар у инвестор бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ, шартнома амал қилиши давомида ва унда белгиланган ваколатлар доирасида инновацияларга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишида ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини тартибга солиниши илмий-техник тараққиётнинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилишида намоён бўлади.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ-ИЖТИМОИЙМУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ

Мардиев Н.*-ТДАУ Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси доценти,*
Мусаев Д.А.*-ТДАУ талабаси*

Маълумки, Республикамизда 2018 йилда меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган Меҳнат кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилди. Кодекснинг янги таҳририга бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, норасмий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган рағбатлантирувчи нормалар, ишнинг ўзига хос хусусиятига кўра, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилишнинг соддалаштирилган тартиби, ходим билан бир вақтда иш берувчининг ҳам манфаатларини ифодалайдиган қоидалар, Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларини имплементация қилиш ва меҳнат муносабатларини тўғридан-тўғри тартибга солувчи нормалар киритилади.

2018 йилдан замонавий меҳнат муносабатларининг мослашувчан янги шакллари жорий этилади (1-расм).

1-расм. Замонавий меҳнат муносабатларининг мослашувчан янги шакллари

(Фрилансер (англ. freelancer) - эркин ишчи. ***Аутсорсинг*** (outsourcing: (outer-source-using)) - бу керакли соҳада шуғулланувчи бошқа компанияларга шартнома асосида корхонани, ишлаб чиқариш тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари ёки функцияларини бериш. ***Аутстаффинг***- бу корхона штатида бўлмаган мутахассис меҳнатидан фойдаланиш. Бошқача айтганда, персонал арендаси).

Бугунги кунда норасмий сектор, яъни меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан, меҳнат шартномаси, доимий иш ҳақига эга бўлмаган, даромад солиғи ва Пенсия жамғармасига ажратма қилмасдан ишлаётган аҳоли сони умумий иш билан бандларга нисбатан ***60 фоизни*** ташкил этмоқда.Ҳозирги даврда ишсизлик иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 9 фоизни ташкил этмоқда. Лекин ишсизликни ҳисоблаганда латент, кўринмайдиган, яъни, доимий ишда ишламоқчи бўлган, лекин имкони йўқлиги учун вақтинчалик, мавсумий ишларда ишлаётган ёки иқтисодий нофаол бўлиб турган шахсларни ҳисобга олсак, 20 фоизгача кўтарилади.

Бу борада 2019 йилда иш ўринларини яратишнинг давлат буюртмаси механизмига ўтилади, бунда яратиладиган иш ўринлари молиявий манбалар ва аниқ инструментларни бириктиришга катта аҳамият берилади (2-расм).

2-расм. Бандликка кўмаклашиш давлат дастурийўналишлари

2019 йилда 940 минг аҳоли бандлигини таъминлашга Давлат буюртмаси берилади, шундан, 400 мингта доимий иш ўринларини ташкил этиш лозим (2018 йил дастури бўйича - 346,7 минг). Яратилаётган иш ўринларида ва аҳоли бандлигини таъминлашда тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилади.

2019 йилда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган ишсиз фуқароларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга ***Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиятақдим этиш*** тизими яратилади.

Субсидия тақдим этиш тизими қуйидагича бўлади (3-расм). Бандликка кўмакашиш жамғармаси орқали ишсизлик юқори бўлган туманларда ***200 миллиард сўмлик*** микрокредитлар ажратилади. Ҳудудий жамғармалар

орқали ***500 миллиард сўм*** миқдорида микрокредитлар ажратилиши тахмин қилинмоқда. Натижада, ***50 мингга яқин*** иш ўринлари яратилади.

Бундан ташқари, тижорат банклари маблағлари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси, «Ёшлар келажагимиз» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилаётган кредитлар натижасида ***155 минг***иш ўрни яратилади.

3-расм. Ишсиз фуқароларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия тақдим этиш тизими

Янги иш жойларини яратиш ва қайта ишлаш корхоналарини кенгайтириш йўли билан ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат таъминланишига маълум даражада имкониятлар вужудгакелтирилади.

2-ШУЪБА. АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ШАРОИТИДА РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Хушматов Н.С. *- Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминотиилмий-ишлаб чиқариш маркази Бош илмий котиби, и.ф.д. профессор*
Калимбетов Х. *- Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети доценти*

Маълумки, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ресурсларнинг юқори даражадаги самара бериши нафақат ресурслардан самарали фойдаланиш, замонавий илм-фан натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ресурстежамкор техник воситалар ва технологиялардан фойдаланиш, бозордаги истеъмолчининг талабига мослашиб бориш каби масалаларга балки яна бир муҳим масала - мавжуд ресурснинг ҳолатига, ўзгариб туриш йўналишларига ҳам боғлиқ бўлади. Бу қишлоқ хўжалигидаги бошқа фаол ресурсларнинг иқтисодий самарадорлигини белгиловчи ресурс - республика ҳудудларининг табиий-иқлим хусусиятлари ва албатта ҳудудларда шаклланган деҳқончилик маданияти ҳисобланади (расмга қаранг).

Мазкур ресурсни, бизнинг фикримизча қишлоқ хўжалигида фаол иқтисодий ресурслар қаторига киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарали тармоқларнинг ҳаммаси ҳам ҳар бир вилояда бир хил иқтисодий самарани бермайди (ёки иқтисодий самарасиз бўлиши ҳам мумкин).

Демак, фермер хўжаликлари ихтиёридаги фаол иқтисодий ресурслар ҳар бир ҳудудда турлича миқдорда иқтисодий самара беради. Ёки ҳудудий хусусиятлар ҳисобга олинмаган ҳолатда улардан фойдаланиш (қўшимча тармоқларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш) умуман ўзини иқтисодий жиҳатдан оқламаслиги ҳам мумкин.

Юқоридаги назарий хулосага таянадиган бўлсак, ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва шунингдек фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида ер, капитал ва меҳнат ресурслари ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминловчи муҳим иқтисодий асослар бўлиши билан бирга республиканинг ҳудудий табиий-иқлим ҳусусиятлари (баҳор ойларидаги ёғингарчиликлар ва йиллик самарали ҳарорат миқдори, йиллик вегетация даври давомийлиги, тупроқ унумдорлиги, сув таъминоти) ва асрлар давомида шаклланган деҳқончилик маданиятидан унумли фойдаланишгина иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

Аммо, тилга олинган ҳудудий табиий-иқтисодий хусусиятлар ва ресурслар сарфи бирлиги ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ишлаб чиқарувчи учун қулай тарзда таъминлаши мумкин. Бу борадаги муҳим масала ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг харидори мавжудлиги (бозор талабига эга бўлиши) ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қўшилган қиймат яратиш ҳисобига тадбиркорлик субъектларининг молиявий аҳволини яхшилаш тадбирларини кенгайтиришда, республика ҳудудларининг глобал иқлим ўзгариши шароитида муҳим бўлган қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш лозим:



Расм. Қишлоқ хўжалигида фаол иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи ҳудудий хусусиятлар[4]

Ҳудудий табиий-иқлим хусусиятлари - ҳудудларда вегетация давридаги ҳаддан зиёд иссиқ об-ҳаво, аномал иссиқликлар мавжудлиги; экинларни экиш ва ҳосилни йиғиштириб олиш давридаги ёғин сочинлар ва об-ҳаво қулайлиги; йиллик вегетация даври давомийлиги ва самарали ҳарорат миқдори каби ҳолатларни қишлоқ хўжалиги фойдаланиш мумкин бўлган ресурслар қаторида ҳисобга олиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

[4]Манба: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Ресурслардан самарали фойдаланиш масаласини ҳал этишда ҳудудий хусусиятни эътибор олишда: - ҳудудларда ҳаво ҳароратининг нисбатан эртароқ исиши ҳисобига эрта баҳорда бозорга маҳсулот чиқариб кўпроқ даромад қилиш ва шунингдек йил давомида ер майдонлари ҳисобига бир неча ҳосил олиш имкониятидан фойдаланиш масаласи назарда тутилмоқда. Шунингдек, тупроқ унумдорлиги юқорилиги, мелиоратив ҳолати яхшилиги, йиллик-ёғин сочинлар миқдори ва вегетация давридаги сув таъминотининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имконини бериши, такрорий экин ҳисобига қўшимча ҳосил етиштириш, боғдорчилик, чорвачилик соҳаларини ҳам ривожлантириш имконини бериши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Ҳудудларда шаклланган деҳқончилик маданияти (интеллектуал ресурс сифатида) ёки қишлоқ хўжалиги тармоғининг ҳудудий ихтисослашуви – ресурс сифатида бошқа ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва натижада ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаши, тадбиркорлик субъектлари учун кенг иқтисодий имкониятлар яратиб беради.

Бунда асосий масала: ҳудудларда шаклланган ихтисослашув алоҳида йўналишларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини аниқ маҳсулотлар турлари доирасида ривожлантириш имконини беради. Чунки узоқ йиллик ҳудудий ихтисослашув қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги тажрибалар, билимлар тўпланиши, деҳқончилик маданияти шаклланиши маҳсулот етиштириш самарадорлигини таъминлаши билан биргаликда, ҳудудлар аҳолиси ўртасида алоҳида маҳсулотлар истеъмоли интенсивлигини ҳам таъминлайди. Бу эса бозор талаби орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга туртки беради, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади, ресурсларни нисбий тежаш имконини беради.

Ҳудудларда инфратузилма объектлари ривожланиши даражасининг – қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланиши ва ресурслар фойдаланиш самарадорлигини таъминловчи иқтисодий ресурс сифатида майдонга чиқиши, энг аввало турли ҳудудларда Машина-трактор парклари, Сув истеъмолчилари уюшмалари, нефт маҳсулотлари ва минерал ўғитлар, техник воситалар билан таъминлаш борасидаги хизматларнинг турличалиги билан изоҳланади.

Шунингдек, маҳсулотларни сотиш субъектлари, маҳаллий бозорларнинг харидор ва сотувчилар учун қулайлиги, электр энергияси таъминоти, табиий газ таъминоти даражаси, коммунал хизматлар сифати ва кўлами, асосий йўлларнинг умумий ҳолати, транспорт, ахборот коммуникация тизимлари ривожланиши ҳолати ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини, уларни тежаш учун ишлаб чиқаришнинг муқобил йўналишларини белгилаш, хизматлар кўрсатиш субъектлари ва уларнинг муқобил турларини танлаш имконини беради.

Ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш тизимининг ривожланганлик ҳолати – биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасида тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга жалб қилинган ресурсларнинг иқтисодий самарадорлигини

белгилайди. Ишлаб чиқариш соҳаларидаги ресурсларнинг юқори даражадаги қайтими эса ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, бозор талаби асосида диверсификациялаш учун шарт-шароитларни кенгайтиради.

Таъкидлаш мумкинки, ресурстежакорлик ва модернизация ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлайди. Чунки тежамкорлик масаласи бугунги кунда фақатгина ресурсларни мутлоқ тежаш билан белгиланмайди. Чунки технологиялар тез ривожланиши, инсонларнинг истеъмол диди ва талаби таркиби ҳам миқдор ва сифат жиҳатидан интенсив равишда ўзгариб бориши, бозорга чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи кўриниши ва шунингдек сифатини яхшилаб боришни талаб қилади. Бу эса ўз-ўзидан ишлаб чиқариш шароитида мутлоқ тежамкорликни инкор қилади.

Шаклланган ҳудудий ижтимоий-демографик вазият – ҳам қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига кучли таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланиши боисдан уни эътиборга олиш лозим.

Ишлаб чиқаришининг иш кучи билан таъминланиши, мавсумий ишларга қўшимча иш кучини жалб қилиш имконияти, иш кучининг мавсумий миграцияси фаоллиги, маҳаллий аҳолининг миллий анъаналари ва бошқа социал омиллар туфайли ресурслар турлича қайтим беради.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектлари томонидани олинадиган фойда миқдорини оширишнинг пойдевори асосий ресурслар ҳисобланган ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий ҳамда тежамкор агротехнологияларни жорий этиш, амалиёт синовларидан ўтган илғор тажрибалар, аграр илм-фани натижаларидан унумли фойдаланиш, нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш балки, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш, мавсумий сақлаш, қадоқлаш ҳисобига қўшилган қиймат яратиш ташкил қилади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар маҳсулот етиштириш ҳажмининг камлиги ҳисобидан эмас, балки етиштирилган маҳсулотларни сотиш борасидаги муаммолар туфайли аксарият ҳолларда ўз фойдасини бой беради. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маҳсулотлар ёппасига пишиб етилган даврда ички бозорнинг маҳсулот билан тўйиниши, таклиф миқдорининг маълум муддат ортиб бориши натижасида бозор баҳоси пасайиши кузатилади.

Юқоридаги вазиятда агрро ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири - бу тез бузиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва маҳсулотларни сифатини бузмасдан узоқ муддатли сақлаш имконини берадиган омборхоналар тизимини барпо этиш ҳисобланади.

Бу борада бизнинг назаримизда қишлоқ хўжалигида қачон ва қандай ресурслар учун нисбий тежамкорлик ва қайси ресурслар учун мутлоқ тежамкорлик режимини қўллаш заруратини илмий асослаш ҳисобланади. Бу масала қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари учун айниқса фермер хўжаликлари учун қулай амкалий имкониятлар яратиб бериши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОРГАНИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУАММОЛАР, УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Юсупов Э.Д. *- ТДАУ Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси мудири, и.ф.д.*

Органик қишлоқ хўжалиги синтетик материаллардан энг кам миқдорда фойдаланиш билан бирга, маъданли ўғитлар, пестицидлар, гени ўзгартирилган уруғлар, консервантлар, қўшимчалар, радиактив нурлантиришлардан воз кечишни тарғиб қилади. Асосийси, аниқ майдонда мақбул қишлоқ хўжалик амалиёти билан шуғулланиб, тупроқнинг узоқ муддатда унумдорлигини сақлаш ва оширишда органик ўғитлар (гўнг, компост), сидератлар, алмашлаб экиш, тупроқларга жуда кам даражада ишлов бериш, ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик усуллардан фойдаланишни таклиф қилади.

Органик қишлоқ хўжалиги - атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситаларни ишлатмасдан, биологик хилма-хилликни асрайдиган, қолаверса, агроэкотизимнинг санитария ҳолатини яхшилайдиган, тупроқ унумдорлигини оширадиган ва инсонлар саломатлигини муҳофаза қиладиган ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ягона тизими ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда бундай усул 172 та давлатда қўлланилаётган бўлиб, унга ажратилган ер майдонлари 43,7 миллион гектар, жалб этилган фермерлар сони эса 2,3 миллионни ташкил қилади. Шунингдек, ўтган йили 87 та мамлакат мазкур тизимда иш юритиш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга эга бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ва БМТнинг бошқа ташкилотлари мутахассислари ўтказган тажрибалар хулосаларига кўра, 2050 йилда дунё аҳолиси 9 миллиард кишига етиши тахмин қилинмоқда. Бу жуда катта кўрсаткич ҳисобланиб, сайёрамиз ресурслари аҳоли эҳтиёжидан анчагина камлигини кўрсатади. Бундай ҳолатда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, инсонларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган ноз-неъматлар миқдорини 60 фоизга ошириш зарур бўлади. Шу билан бирга, ўсиб бораётган аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун органик қишлоқ хўжалиги технологиялари ва тамойилларини ҳамма жойда жорий қилиш ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Органик қишлоқ хўжалиги экотизимнинг ўзаро боғлиқ элементлари - тупроқ, ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамларнинг мақбул, соғлом ва самарали мавжудлигини таъминлайдиган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ягона тизимидир. Органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясининг асоси барқарор экотизимни сақлаб қолишдир, бу эса энг ёпиқ ишлаб чиқариш циклини таъминлайди. Шу билан бирга, синтетик равишда ишлаб чиқарилган ўғитлар ва пестицидлардан

фойдаланиш кескин чегараланади, бу эса атроф-муҳитнинг ифлосланиш эҳтимолини камайтиради. Чорва озуқасида зарарли моддалар, антибиотиклар ва гормонлар бўлмаслиги лозим, ва чорва моллари эклогик ем таъминотига эга бўлиши лозим. Органик қишлоқ хўжалигининг натижаси нафақат соғлом озиқ-овқат, балки одамлар учун юқори сифатли ҳаёт ва ўсимликлар ва чорва моллари учун оптимал экологик даражани таъминлайдиган барқарор табиий муҳитдир.

Қишлоқ хўжалигининг маҳаллий экологик тоза маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бозорга чиқариш имкониятларини ўрганиш ва Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини ривожлантириш муаммоларини белгилаш ҳамда юқори маҳсулдор ва экологик тоза агро хўжалик юритиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари ишлаб чиқиш заруриятини белгилаб беради.

Ўзбекистонда экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг тарқалмаган, чунки истеъмолчиларнинг аксарияти, биринчи навбатда, харид қилиш вақтида маҳсулот нархига асосланади ва органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда катта харажатларни талаб қилади, бу уларнинг қийматини оширади. Органик қишлоқ хўжалиги саноатининг ривожланиши билан экологик тоза маҳсулотларга бўлган талаб доимий равишда ўсиб бормоқда, бу эса фермерларнинг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Органик қишлоқ хўжалигининг асосий тамойиллари, ҳаёт айланиш босқичлари ва бошқалар. органик қишлоқ хўжалигининг асосий тамойиллари қуйидагиларда шаклланади: соғлиқни сақлаш принципи - тупроқ, ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон ва бутун сайёрамизнинг соғлиғини сақлаб қолиш ва яхшилаш учун ўғитлар, пестицидлар, ем-хашак қўшимчалари ва бошқа кимёвий препаратлардан фойдаланишни тақиқлаш; экология принципи: ердан фойдаланиш тизимини лойиҳалаш, яшаш жойларини яратиш ҳамда генетик ва қишлоқ хўжалиги хилма-хиллигини таъминлашда экологик мувозанатга риоя қилиш; адолат принципи: келажак авлодлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий ва экологик адолат тамойилига мувофиқ ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда фойдаланиладиган табиий ресурслардан фойдаланиш; ғамхўрлик принципи: органик қишлоқ хўжалигини бошқариш келажак авлодлар ва атроф-муҳитнинг саломатлиги ва фаровонлигини ҳимоя қилиш.

Органик маҳсулотнинг ҳаёт айланиш жараёнининг асосий босқичлари. Хом ашё: экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқариш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежайдиган компонентларни таъминлайдиган хом ашёни қаттиқ назорат қилишни назарда тутади.

Ишлаб чиқариш жараёни: экологик хавфсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Қайта ишлаш: экологик талабларга жавоб бериш учун якуний маҳсулот, ишлаб чиқариш чиқиндилари осонгина қайта ишланиши ва йўқ қилиниши талаб қилинади.

Қадоқлаш: органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг энг муҳим муаммоси-маҳсулотни қайта ишлаш ва йўқ қилиш қобилияти билан баҳоланади.

Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий муаммолар ва тадқиқот жараёнида эътибор қаратиладиган жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

- органик қишлоқ хўжалиги тамойилларини тартибга солувчи давлат стандартларининг йўқлиги;
- маҳсулотларни истеъмол қобилиятига эга истеъмолчиларга етказиб бериш каналларининг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- халқаро бозорларга чиқиш учун катта транспорт харажатлари;
- давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва субсидиялар чоралари йўқлиги;
- оммавий талабнинг етишмаслиги;
- истеъмолчилар билан таълим ва тушунтириш ишларининг етишмаслиги;
- паст истеъмол қобилияти ва аҳолининг экологик онги даражаси.

Бугунги кунда экинлардан юқори ҳосил олиш учун кўпинча меъёридан зиёд минерал ўғитлар солинади ёки кимёвий ишлов берилади, оқибатда тупроқ сифати бузилади. Энг ачинарлиси, буларнинг ҳаммаси инсонлар соғлиги ва атроф-муҳитга зарар етказади. Табиий савол туғилади: қандай қилиб ўзимизни ҳимоя қилишимиз, ерни сақлашимиз ва келажагимизни асрашимиз мумкин. Мутахассис олимларнинг фикрича, бунинг оддий ва қулай йўли - органик қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Бундай усул тупроқларнинг биологик хилма-хиллиги, биологик цикллик ва биологик фаолликни қамраб олган агроэкотизимни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашдир. Мазкур усул ташқи қишлоқ хўжалик ресурсларидан фойдаланишдан кўра, мавжуд экотизимни бошқариш тажрибаларига таяниб, тизимни ўз ҳудудига мослаштирилган талабларни қабул қилишга эътибор қаратади. Буларнинг барчасида агрономик, биологик ва механик усулларни қўллаш имкониятларига боғлиқ ҳолда амалга оширилиб, синтетик материаллардан фойдаланишни рад этади ҳамда ички тизимни шакллантиришни таъминлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)/ВОЗ Кодекс Алиментариус комиссияси башоратига мувофиқ “Органик қишлоқ хўжалиги тупроқларнинг биологик хилма-хиллиги ва даврийлиги ҳамда фаоллигини қамраб олган агроэкотизимни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш тамойилларини илгари сурадиган ишлаб чиқаришни бошқаришнинг яхлит тизимини намойиш этади. Унда тизимни маҳаллий шароитларга мослаштириш талаб этилиб, минтақавий шароитларга эътибор қаратилган ҳолда қарор қабул қилиш асосида агроэкотизимли (хўжалик) ташқи хўжалик таъсирларини бошқариш тажрибасидан фойдаланишни афзал кўриш таъкидланади. Бунга мавжуд тизимлар доирасидаги қандайдир аниқ вазифани бажариш учун синтетик

материаллардан фойдаланишга қарши турадиган агрономик, биологик ва механик усуллар имкониятидан фойдаланиш ҳисобига эришилади”.

Ҳозирги кунда жаҳон фани ва амалиёти органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга табиий атроф-муҳитни сақлашнинг асосий усулларидан бири сифатида эътибор қаратмоқда. Ривожланган давлатлардаги органик қишлоқ хўжалигининг вазифаси нафақат маҳсулот етиштирувчилар, балки тадбиркор-ишбилармонлар учун ҳам қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобланади. Бизнинг республикамизда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлсада, деҳқонлар ва фермерлар, қолаверса, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам ушбу йўналишнинг имкониятлари ҳақида етарлича маълумот ва ахборотларга эга эмас. Шу нуқтаи назардан табиий атроф-муҳит ва тупроқдаги биохилма-хилликни асраш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлигини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда етиштирилаётган ўзига хос таъм ва сифатга эга бўлган маҳсулотларнинг экспорт географиясини кенгайтиришда органик қишлоқ хўжалигининг имкониятларини аҳолининг кенг қатламига етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Инновацион ривожланиш асосида барқарор иқтисодий ўсиш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш, унинг рақобатдошлигини оширишнинг стратегик йўналишларини тадқиқ қилиш, инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, демографик жараёнларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда прогнозлаштириш ва тадқиқ этиш, истъмол бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ҳамда аҳолини зарур экологик тоза маҳсулотлар билан таъминлаш даражасини оширишни иқтисодий асослашнинг методологик негизини шакллантириш ҳамда амалиётга жорий этиш учун норматив - ҳуқуқий базани шакллантириш ва халқаро амалиётга мослаш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Yusupov E. D., Durmanov A.Sh. The impact of hudropower objects to social – ekologik balans. Актуальные вопросы развития аграрной науки в современных экономических условиях. Материалы IY – Международной научно – практической конференции молодых ученых. ФГБНУ «ПНИИАЗ» 2015 г.
2. Yusupov E. D., Рыночные принципы диверсификации деятельности субъектов бизнеса в сельском хозяйстве. Журнал “Вестник ККО АН РУ”, 2018 год №2. 123-126 ст.
3. Yusupov E. D., Экономико-организационные аспекты эффективной организации пчеловодческого бизнеса. Материалы международной научно-практической конференции: «Повышение эффективности социально-экономической деятельности государства и международных отношений в условиях обеспечения конкурентоспособности Казахстана» Алматы 2019, стр. 109-112.

4. Yusupov E.D., Теоретические проблемы оптимизации субъектов аграрного рынка. Материалы международной научно-практической конференции: «Повышение эффективности социально-экономической деятельности государства и международных отношений в условиях обеспечения конкурентоспособности Казахстана» Алматы 2019, стр. 112-116.
5. Yusupov E.D., Диверсификации деятельности субъектов бизнеса в сельском хозяйстве: теоретические основы и рыночные принципы ее реализации. Российский электронный научный журнал. № 4 (30), 2018. DOI: 10.31563/2308-9644-2018-30-4-162-167.

“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИ”НИНГ ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

Аманов Ш.Б. *- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасида стратегик таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси бошлиғи, қ/х.ф.д., к.и.х.*
Файзиев О.Р. *– ТДАУ “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедраси ассистенти*

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан бир қатор туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Натижада 2017 йил барча тоифадаги хўжаликларда 8 116,5 минг тонна (2016 йилга нисбатан 98,2 %) дон экинлари, 436,7 минг тонна (96,6 %) шоли, 189,1 минг тонна (192,3 %) дуккакли дон ишлаб чиқарилган, 3 014,6 минг тонна (101,9 %) картошка етиштирилган, 11 433,6 минг тонна (101,4 %) - сабзавотлар, 2 094,8 минг тонна (102,4 %) - полиз, 3 076,3 минг тонна (101,1%) - мева ва резаворлар, 1 748,9 минг тонна (100,8%) узум йиғиб олинган.

Тирик вазнда 2 281,1 минг тонна гўшт (2016 йилга нисбатан 5,0 % кўп), 10 083,2 минг тонна сут (3,9 %), 6 605,5 млн. дона тухум (7,4 %), 82 275,1 (26,0 %) тонна балиқ ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларини ривожлантириш учун жами 2 004,3 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди.

2018 йилда эса барча тоифадаги хўжаликларда 6 375,4 минг тонна (2017 йилга нисбатан 87,5%) дон экинлари, 2 750,1 минг тонна (98,4 %) картошка 9 635,1 минг тонна (94,3 %), сабзавотлар 1 904,9 минг тонна (93,8 %), озиқбоп полиз 2 589,7 минг тонна (99,0%), мевалар ва резаворлар, 1 564,5 минг тонна (96,2 %) узум йиғиб олинди.

Тирик вазнда 2 417,4 минг тонна гўшт (2017 йилга нисбатан 5,7 % га кўп), 10 480,7 минг тонна сут (4,3 % га), 7 360,5 млн дона тухум (16,2

% га), 94 049,1 тонна балиқ (12,1 %), 13 002,0 тонна асал (10,8 %) ишлаб чиқарилди.

2019 йил якуни билан 10,5 млн. тонна сабзавот (2018 йилга нисбатан 865 минг тонна ёки 109 %), 2,2 млн. тонна полиз (296 минг тонна ёки 115 %), 2,8 млн. тонна картошка (50 минг тонна ёки 102 %), 3 млн. тонна мева (411 минг тонна ёки 115 %) ва 1,7 млн. тонна узум (136 минг тонна 109 %), 400 минг тонна шоли (170 минг тонна ёки 175 %) ишлаб чиқариш кутилмоқда.

Шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ишга солинмаган имкониятлар жуда ҳам кўп.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан манфаатдор вазирликлар мутахассислари, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи делегацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат ҳеч бир ўзгаришларсиз қабул қилинди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги даврни бошлаши кутилаётган Стратегияни ҳақиқатан ҳам инқилобий ҳужжат деб аташ мумкин.

Стратегияда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 9 та устувор йўналиши белгилаб берилди.

аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;

қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш;

давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш;

тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш;

қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш;

тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш.

Белгилаб берилган ушбу йўналишлар қаторида қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилган.

Чунки таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини ташкил этмасдан қишлоқ хўжалигига янги инновацион билимлар, технологияларни жорий этиш мумкин эмас.

Бугунги кунда илмий-тадқиқот, таълим ва ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатишни ўзаро боғлайдиган қишлоқ хўжалигига оид билим ва ахборотларни тарқатиш бўйича самарали тизимнинг йўқлиги соҳани илмий асосда ривожлантиришдаги энг жиддий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда илмий-тадқиқотлар учун давлат инвестициялари даражаси қишлоқ хўжалиги умумий бюджетининг 0,2 фоизини ташкил этади.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги давлат томонидан молиялаштирилган илмий-тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий қилишни сезиларли даражада чекламоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинлари маҳаллий навларининг ҳосилдорлиги паст ва ташқи бозор талабларига жавоб бермайди. Импорт қилинадиган қиммат ва маҳаллий шароитларга мослаштирилмаган қишлоқ хўжалиги экинлари навларига қарамлик янада ортиб бормоқда.

Таълим муассасаларида ўқув ва касбий тайёргарлик курслари, таълим тизими, шакли ва ўқитиш усуллари замон талабларига жавоб бермайди. Меҳнат бозори талабларини ўрганиш ва янги мутахассисликларни жорий этиш учун тармоқлараро ва идоралараро мувофиқлаштириш тизимини яратиш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатда қишлоқ хўжалигига оид билим ва ахборотлар тарқатиш учун замонавий хусусий тузилмалар мавжуд эмас.

Шу боисдан Стратегия доирасида мазкур утсувор йўналиш доирасида бир қатор вазифаларни амалга ошириш белгилаб ўтилган, жумладан:

тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти ва илм-фан соҳасини тубдан ислоҳ қилиш;

донор ташкилотлар техник кўмагида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кадрларнинг таълим ва касбий тайёргарлик тизимини ислоҳ қилиш;

агробизнес субъектлари учун мўлжалланган давлат хизматлари ва тизимларининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш мақсадида мавжуд маъмурий тизимларни аудитдан ўтказиш, шунингдек, таркибий қайта тузиш ва соддалаштириш режаларини ишлаб чиқиш;

экологик хавфсиз услублар ҳамда қишлоқ хўжалиги амалиётлари ва технологиялари, иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш борасидаги ахборот-маслаҳат хизматларини Мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш;

агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказларига махсус ходимларни тайёрлаш;

мамлакатнинг барча ҳудудларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ахборот-маслаҳат марказларини ташкил этиш.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш натижасида:

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси амалга оширилади;

кадрлар тайёрлашда олий ва ўрта таълим ўртасида узвий алоқадорлик таъминланади;

илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланади, лаборатория жиҳозлари янгиланади, ходимларнинг малакаси оширилади;

қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасалари ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказилади.

АГРАР ТАРМОҚДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Юсупов Э.Д. *- ТДАУ Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси мудири, и.ф.д.*

Республикамизда кейинги даврларда аграр тармоқда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналиши ёки фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида амалга оширилган йирик иқтисодий-маъмурий тадбирлардан бири уларнинг ер майдонлари ҳажмини оптималлаштириш (оптималлаштириш) эканлиги мазкур масаланинг ўта жиддий назарий - илмий масала эканлигини кўрсатади. Мазкур муаамонинг қанчалик даражада ўта жидий масала эканлигини кейинги ўн йилликда бу борада олиб борилган маъмурий ислоҳотларнинг натижалари тўлалигича исботлайди.

Фермерлик фаолияти бошланган дастлабки даврларда ташкил топган аксарият фермер хўжаликларида ер майдонлари ҳажмининг кичиклиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига ва барқарор фойда олишга тўсқинлик қилганлиги табиий бўлиб, натижада иқтисодий аҳволи ночор бўлган бундай фермер хўжаликлари ўзларини зарур техника воситалари ва айланма маблағ билан таъминлашга, банкдан кредит олиш учун гаров таъминоти қўйишга имконияти етмади, олинган қарз мажбуриятларини қоплаш учун тўловга қобиллик (ликвидлик) даражасига эга бўлмади. Энг муҳими, улар ўз харажатларини ўзи қоплаш ва фойда билан ишлаш, даромадларини муттасил ошириб бориш сингари бозор иқтисодиёти тамойилларига мос бўлиб тушмади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳукумат томонидан фермер хўжаликларининг ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва улар фаолиятини танқидий баҳолаш асосида фермерларга бириктирилган ер майдонларини оптималлаштиришга қаратилган чора – тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси таъминланиб келмоқда.

Мазкур чора-тадбирлар фақат маъмурий хусусиятга эга эканлиги натижасида 2008 йилдан бошлаб, ўн йил ичида фермер хўжаликлари ер майдонларининг оптимал барқарорлашуви масаласи ўз ечимини топмаяпти.

Таҳлил маълумотларидан кўринмоқдаки, ўрганилаётган давр мобайнида барча соҳалар бўйича фермер хўжаликларини ўртача ер майдонларининг ўзгаришида нобарқарорликни яққол кузатиш мумкин. Яъни, оптималлаштириш бошлангунга нисбатан, дастлабки экспремент натижасида ер майдонлари ўлчами 27,6 гектадан 56,5 гектаргача ёки 2,1 мартага, иккинчи бооқичда 56,5 гектардан 62,4 гектаргача ёки 1,1 мартага, учинчи босқичда

62,4 гектардан 80,1 гектаргача ёки 1,3 мартага кўпайгани ҳолда тўртинчи босқичга келиб, аксинча 80,1 гектадан 22,3 гектаргача ёки 3,6 мартага қисқарган ва охирги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сон "Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори ижроси бўйича олиб борилган бешинчи босқич натижасида 22,3 гектардан 48,1 гектаргача ёки 2,2 мартага ортган.

Жадвал

Оптималлаштириш натижасида фермер хўжаликлари ер майдонларининг ўзгариши динамикаси

Оптималлаштириш босқичлари	Бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони, га				
	Ўртача	Пахтачилик ва ғаллачилик	Сабзавотчик ва полизчилик	Боғдорчилик ва узумчилик	Чорва-чилик
Оптималлаштириш бошлангунча (01.10.2008)	27,6	37	10	3	154
01.01.2009 йил ҳолатига (Президентнинг 06. 10. 2008 й.Ф-3077 фармойиши)	56,5	92	25	6	170
01.01.2010 йил ҳолатига (Президентнинг 22. 10. 2009 йил № Ф-3287 фармойиши)	62,4	84,5	19,1	9,5	162,2
01.01.2014 йил ҳолатига	80,1	101,1	25,6	15,3	183,2
25.05.2016 йил ҳолатига	22,3	55,2	4,0	2,8	29,0
25.02.2019 йил ҳолатига	48,1	98,1	11,4	13,7	29,4

Худди шундай тенденцияни барча соҳадаги фермер хўжаликлари ер майдонларининг ўзгаришида ҳам кузатиш мумкин. Аграр соҳада амалга оширилган мулкий-таркибий ислоҳотлар жараёнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, жумладан хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши натижасида тармоқда бутунлай янги хўжалик юритиш шакли сифатида вужудга келишдан бошлаб, асосий қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилардан бирига айланган бўлсада, лекин айрим ривожланган мамлакатлардаги каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мутлоқ кўп асосий қисмини етказиб берувчи субъектга айланмаганлиги ҳам биринчи навбатда оптималлаштириш сиёсати асосан бир томонлама маъмурий ёндашувлар орқали олиб борилганлиги ҳамда муаммо ечимини

назарий ёндашувлар ва ишланмалар натижаларини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилаётганлиги оқибати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сон “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда тизимли муаммолар мавжудлиги соҳани барқарор ривожлантиришга салбий таъсир этаётганлиги таъкидланиб, тегишли давлат идораларининг фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига фаолият юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқулланган ҳолда “Танловда асосий эътибор талабгор юридик ва жисмоний шахснинг ҳисобварағидаги мажбуриятлардан озод бўлган мавжуд пул маблағлари мавжудлигига, талабгорга ёки унинг оила аъзоларига тегишли яроқли қишлоқ хўжалиги техникалари мавжудлигига, талабгорнинг етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортга йўналтирганлигига, яратиладиган янги иш ўринлари сонига, сўнгги уч йил давомида маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномаларнинг бажарилишига қаратилиши лозим”лиги қайд этилган [3].

Мазкур Ҳукумат қарори мазмунини таҳлил қилиш орқали, унинг илмий асосга эга бўлмаган маъмурий оптималлаштириш хусусиятига эга эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Бундай хулоса қарорда тармоқлар бўйича белгилаб берилган ер участкаларини бириктиришнинг энг кам ўлчамлари миқдори оптималлаштириш бўйича қўйиладиган талаблар мазмуни ва илмий ишланмаларга асосланмаганлиги билан асосланади.

Фермер хўжалигининг оптимал ўлчамларини ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалигида банд ходимлар ҳисобида тўғри келаётган ер миқдорининг камайиб бораётганлиги билан бирга, унинг ҳар бир ҳудуднинг демографик ҳолатларини инобатга олганда ўта долзарблик касб этади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, ҳар бир фермер хўжалиги ўз фаолиятини ташкил қилишда унинг йўналишларини тўғри танлаш, хўжаликнинг оптимал ўлчамларини тўғри белгилаш, унинг келажакда самарали фаолият кўрсатиши, моддий ва молиявий омиллардан самарали фойдаланиш орқали бозор иқтисодиёти талаблари асосида ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаши, шахсий истеъмолга йўналтирилган даромад эса фермер хўжалиги аъзолари ва фермер оиласининг турмуш даражасини юкори даражада бўлишини таъминлаши каби муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қилиш зарурлиги муаммосини келтириб чиқаради [2].

Фермер хўжалигининг оптимал ўлчамларини аниқлашда бир хўжаликка тўғри келадиган ер юкламасидан келиб чиққан ҳолда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги мезонлардан асос сифатида фойдаланиш тавсия этилади:

1. Ҳудудлардаги демографик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда тармоқда

банд битта ходимга белгиланган ер ажратиш меъёрлари;
2. Мазкур хўжалик ўз маблағларининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш тамойиллари асосида фаолият кўрсатиш учун етарли бўлиши;
3. Аъзолар учун ушбу хўжаликдан олинадиган даромад улар оилавий даромадининг асосий қисмини ташкил этиши;
4. Бириктириб қўйилган ер майдонлардан юқори самара билан фойдаланишни таъминлаш.

Фермер хўжаликларнинг оптимал ўлчамларларини аниқлашда “нисбий иқтисодий самарадорлик”ни аниқлаш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, юқорида санаб ўтилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда у қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$\frac{\textbf{Дфх}}{\textbf{Ис}} \times \frac{\textbf{\textit{Пт}}}{\textbf{Эм}} \times \textbf{Рд} \rightarrow \textbf{max}$$

бу ерда,

Дфх- фермер хўжаликлари аъзоларининг ўртача ойлик даромади, сўм.

Ис- бир кишига тўғри келадиган бир ойлик **истеъмол саватчаси** қиймати, сум.

Пт- ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинган пул тушуми;

Эм- экин майдони, га

Рд- ҳақиқий рентабеллик даражаси, коэффициент

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги, шу жумладан дехкончилик тармоқлари ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб туради. Натижада маълум экин тури бўйича аниқланган оптимал ўлчам бошқа экин турига тўғри келмайди, ушбу хусусият фермер хўжаликлари фаолиятига баҳо бериш ва оптимал ўлчамини аниқлашнинг «қиёсий баҳолаш услубидан»дан фойдаланиш зарурлигини келтириб чиқаради. Бу услуб қўйидагича кўринишга эга бўлади.

$$\frac{\textbf{\textit{Дфх}}}{\textbf{Истс}} \times \frac{\textbf{Рд}}{\textbf{Рдктич}} > \textbf{1,0}$$

бу ерда,

Рд – ҳақиқий рентабеллик даражаси, коэффициент

Рдктич – кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи рентабеллик даражаси, коэффициент

Айтиш лозимки, оптимал ўлчамга чиқиш асосан икки омил таъсирида амалга ошади:

а) ҳосилдорлик даражасини ошириб бориш;

б) битта фермер хўжалиги аъзосига тўғри келадигаи экин майдони юкламасини ошириб бориш.

Республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари оптимал ўлчамларининг услубий асослари ишлаб чиқилмаганлиги туфайли бир субъектга тўғри келадиган ўртача ер юкламасидан келиб чиққан ҳолда пахтачиликка ихтисослашган хўжаликда 3 хил ҳосилдорлик вариантлари бўйича қиёсий иқтисодий самарадорликни аниқлаймиз:

25 ц/га: 1536,8 / 2600 : 819000 / 18 х 0,250 = 0,59 х 45500 х 0,250 = 6711,2

30 ц/га: 1888,0 / 2600 : 982800 / 18 х 0,283 = 0,72 х 54600 х 0,283 = 11126,2

35 ц/га: 2690 / 2600 : 1146600 /18 х 0,340 = 1,024 х 63700,0 х 0,340 = 22394,2

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра **таққосланаётган уч вариантдан** нисбатан юқори қиёсий самарадорлик кўрсаткичи пахта ҳосилдорлиги 35,0 центнерни ташкил этганда ва ундан юқори бўлгандагина эришилмоқда. Юқоридаги фикримизни **асосли эканлигини тасдиқлаш** учун бугунги кундаги молиявий иқтисодий шарт шароитларда пахтачилик тармоғи учун рентабелликниг мақбул **35,0 фоизлик** меъёрида нисбий самарадорлик кўрсаткичларини **келтирамиз:**

25 ц/га:1536,8/ 2600: 0,25/0,35 = 0,59 х 0,714 = 0,42 < 1,0

30 ц/га:1888,0/ 2600: 0,28/ 0,35 = 0,72 х 0,801 = 0,57 < 1,0

35 ц/га:2690/ 2600: 0,34 / 0,35 = 1,034 х 0,971 = **1,01**> 1,0

0,42 < 0,57 < 1,01

Тавсия этилаётган услубиёт бўйича ҳисоб-китоб натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида 35,0 центнер ва ундан юқори ҳосилдорликда аниқланган қиёсий самарадорлик коэффициенти бирдан катта бўлмоқда, яъни хосилдорликнинг ушбу **даражасида** фермер хўжалигини ўзини ўзи маблағ таъминлаш тамойилига ўтиб ишлаши ва аъзолар оиласини боқиши учун зарур даражадаги даромадларга эга бўлишлари учун моддий ва молиявий имконият яратилади. Аммо ҳосилдорлик даражаси **25,0** ва **30,0** центнер бўлганда юқоридаги қиёсий самарадорлик бўйича белгиланган талаб бажарилмайди. Ушбу вариантларда моддий ва молиявий омиллардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари паст бўлиб, фермер хўжалиги аъзоларининг олган даромодлари уларни турмуш шароити учун етарли бўлиши ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш зарурияти шартларига жавоб бермайди. Ҳосилдорлик бўйича оптимал ўлчамни белгилашда 35,0 центнерлик кўрсаткични у ёки бу томонга ўзгариши, яъни оптимал ўлчамларни таъминлайдиган ҳосилдорлик кўрсаткичлари пахта хом ашёсини сотиб олиш тизимини, жумладан баҳо тизимини ўзгартириш билан боғлангандир.

Юқорида келтирилган назарий мулоҳазалар ва таҳлиллар натижаларидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, бугунги кундаги хўжалик юритиш амалиёти ва молиявий иқтисодий муносабатлар шароитида фермер хўжалигининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ер юкламаси ўзгармаган ҳолда, истъмол саватчасини қопланиши нуқтаи назаридан ҳамда хўжаликни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳосилдорлик даражасининг 35,0 ц/га ва ундан юқори

бўлишигина оптимал ўлчамдаги пахтачилик фермер хўжаликларини ташкил этиш имконини беради. Акс ҳолда, фермер хўжаликлари ер майдонларини қанчалик катталаштирилиши ёки кичиклаштирилиши бошқа ижтимоий муаммоларни келиб чиқиши каби ижтимоий - иқтисодий ва ҳуқуқий оқибатларини келтириб чиқариши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Юсупов Э.Д. Теоретические проблемы оптимизации субъектов аграрного рынка, Материалы международной научно-практической конференции на тему «Повышение эффективности социально-экономической деятельности государства и международных отношений в условиях обеспечения конкурентоспособности Казахстана» Алматы 2019, 112-116 стр. http://narxoz.kz/ru/event/show/160
2. Юсупов Э.Д. Диверсификации деятельности субъектов бизнеса в сельском хозяйстве: теоретические основы и рыночные принципы ее реализации. Российский электронный научный журнал №4 (30), 2018. https://http://journal.bsau.ru/numbe4-2018.php
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сон “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори lex.Uz

АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Алиев Я.Э. *- ТДИУ Саноат иқтисодиёти кафедраси доценти, и.ф.н.*

Бугунги кунда аграр соҳада инновацион жараёнларни самарали бошқариш ва уни натижадорлигини таъминлаш амалга оширилаётган инновацион лойиҳаларни таҳлил қилиш ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишни талаб қилади. Бу жараёнларни баҳолашда инновацион фаолиятни маҳсулот ва технологик жараёнлардаги ўзгаришлардан фарқлай олиш лозим.

Аграр соҳада инновацион жараёнларни самарали ташкил этишда энг аввало инновацион фаолиятни амалга ошириш босқичлари, киритилган ўзгартириш ва яратилган янгиликларни бир-биридан фарқлаш лозим (1-расм).

Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмунини ўрганишдан олдин “инновация” ибораси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш зарур. Ушбу тушунча инглиз тилидан олинган бўлиб, “innovation” янгилик, янгилик киритиш деган маъноларни англатади.

Австриялик иқтисодчи И.Шумпетер ўзининг илмий ишланмаларида “Инновация - бу мавжуд жараёнга янгича қараш, ёндашув бўлиб, замонавий кашфиёт ва ишланмани ёки инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган янги

ишлаб чиқаришни маълум бўлган қандайдир жараёнга қўллашдир” - дея таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча ҳам инновация - бу янги технологияларда мужассамлашган янги билимлар, ноу-хау, ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинацияларини қўллаш натижасида янги маҳсулотлар яратиш жараёнидир. Яъни, инновацияларни ғоялар, изланишлар, ишланмалар, янги ёки мукаммал илмий-техник ёки ижтимоий-иқтисодий қарорлар трансформациясининг натижаси сифатида ҳам қараш мумкин. Умуман айтганда, инновация - бу янги ғояларни яратиш асносида бозордаги талабга қараб замонавий ва сифатли товарларни ишлаб чиқариш орқали рақобатчиларидан ўзиб кетиш жараёнидир. Бундай ўзгаришлар таркибига ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга ёки маҳсулотга “товар” кўринишини беришга ёрдам берувчи ўзгаришларни киритиш мумкин бўлади.

1-расм. Аграр соҳада инновацион жараёнларни амалга ошириш босқичлари

Интеллектуал фаолият - бу одамнинг бозорда мавжуд бўлмаган талабни қондиришга йўналтириладиган янги маҳсулотни яратиш борасидаги интеллектуал жараёндир.

Инновациялар кўлами ва янгилигини, инновацион ўзгаришларнинг интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда таснифлаш йўналишлари инновацияларни миқдорий ва сифатий хусусиятларини ифодалайди ҳамда иқтисодий баҳолаш ва инновацион бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда асосий омил сифатида қатнашади.

Аграр ривожланишнинг инновацион типи ижтимоий ишлаб чиқаришда янги илғор технологияларга урғу бериш, юқори технологиялар асосида агромаҳсулотлар ишлаб чиқариш, микро ва макроиқтисодий жараёнларда

илғор ташкилий ва инновацион бошқарув қарорларини қабул қилиш, технопарк, технополис, кам энергия талаб этадиган агротехнологиялардан фойдаланиш билан тавсифланади. Аграр соҳада инновациялар қуйидаги турларга ажратиш мумкин (2-расм):



2-расм. Аграр соҳадаги инновацияларни турлари

Аграр соҳадаги технологик инновациялар - мавжуд маҳсулотнинг янги ёки самарали ишлаб чиқаришининг такомиллашган технологик ўзгариши ҳисобланади.

Аграр соҳадаги ижтимоий инновациялар - инсоннинг яшаш тарзини янгича қарашлар доирасида ўзгартириш натижасида яратилади.

Маҳсулот ва маҳсулдорлик инновацияси - маҳсулотларни янги ва фойдалилик (нафлилик) хоссаларини яратиш натижасида шаклланади.

Аграр соҳадаги ташкилий инновациялар - бошқарув тизимини такомиллаштиришга ҳизмат қилувчи жараёнлар ҳисобланади.

Маркетингли инновациялар - янги ёки яхшиланган маркетинг усулларини жорий этиш жараёни ҳисобланиб, дизайндаги жиддий ўзгаришлар, сотишнинг замонавий шаклларини татбиқ этиш, янгича нарх стратегиясини қўллаш ва бошқалар.

Аграр соҳада инновацион бизнеснинг энг муҳим муаммоларидан бири инновацион лойиҳаларни молиялаштириш муаммосидир.

Ушбу муаммони ҳал қилишда инновацион фирмалар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар жалб қилинган. Бундай ташкилотлар бизнес ва технологияларнинг инкубаторлари ҳисобланади. Инкубаторларнинг асосий мақсади кичик инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Ҳозирда инкубаторлар “Инновация маркази”, “Технологиялар бизнес маркази” деб номланиб, аграр соҳада инновацион фаолиятни ташкил этишда мустақил иқтисодий субъект сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда бундай инкубаторлар маҳаллий ҳокимиятлар, университетлар, саноат корпорациялари томонидан ташкил этилади ва уни молиялаштириш молиявий барқарор тузилмалар томонидан амалга оширилади. Аксарият бизнес инкубаторлари “аралаш” корхоналардир. Уларни тўртта асосий турларини кўришимиз мумкин бўлади (3-расм).



3-расм. Бизнес инкубаторларни асосий турлари

Аграр соҳада бизнес инкубаторларни молиялаштиришни асосий манбалари ва уларни ташкил этиш нуқтаи назаридан бир биридан фарқлаш мумкин. Улар ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд бўлиб, мижозларнинг бизнес инкубатордан ўтиш тартиби қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади.

1. Даъвогарлар орасидан мижоз танлаш. Танлов мезонлари - бу ғоянинг янгилиги ва уни кичик корхоналар томонидан амалга оширилиши;

2. Бизнес инкубатор технопаркига кириш ва белгиланган тартибда иш фаолиятини бошлаши;

3. Аграр соҳада инновацион кооперацияларни шаклланиши ва уни ривожланиши;

4. Бизнес-инкубаторлар хизматларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналарида инновацион маҳсулотларни яратилиши.

Умуман айтганда, аграр соҳада инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, инновацион жараёнларни бошқариш, инновацион бизнесни ривожлантириш ўз навбатида аграр маҳсулотлар ҳажмида фан сиғимини кўпайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Rafael Baptista Palazzi, Antonio Carlos Figueiredo Pinto, Marcelo Cabus Klotzle, Erick Meira De Oliveira Can we still blame index funds for the price movements in the agricultural commodities market? International Review of Economics & Finance Volume 65, January 2020, Pages 84-93. https://doi.org/10.1016/j.iref.2019.10.001
2. Kaiyi Zhao, Ruizhi Sun, Chao Deng, Li Li, Qiannan Wu, Sicong Li Visual Analysis System for Market Sales Data of Agricultural Products. IFAC-PapersOnLine Volume 51, Issue 17, 2018, Pages 741-746. https://doi.org/10.1016/j.ifacol.2018.08.107
3. Monica Mihaela Tudor Utilization of Land Resources in Agriculture – Opportunity or Risk for Romanian Agri-food Sector Competitiveness. Procedia Economics and Finance Volume 8, 2014, Pages 720-728. https://doi.org/10.1016/S2212-5671(14)00150-6
4. Jianghui Zhou, Chunming Cheng, Li Kang, Ruizhi SunIntegration and Analysis of Agricultural Market Information Based on Web Mining. IFAC-PapersOnLine Volume 51, Issue 17, 2018, Pages 778-783. https://doi.org/10.1016/j.ifacol.2018.08.101
5. Jinxia Wang, Qi Cui, Ricky Robertson, Kevin Chen Climate change impacts on China's agriculture: The responses from market and trade. China Economic Review Available online 28 November 2018. https://doi.org/10.1016/j.chieco.2018.11.007
6. Коваленко Н. Экономика - это сельское хозяйство. Москва: Юрайт. 2017.
7. Добрынин И., Тарасевич С. Экономическая теория. Питер-2009. стр 58-69.

ДОРИВОР ҚОНЧЎП (*CHELIDONIUM MAJUS* L) ЎСИМЛИГИНИНГ ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Шодиева З.Ш. *- Самарқанд ветеринария медицинаси институти ассистенти*
Хамдамов И. *- Самарқанд ветеринария медицинаси институти профессори*

Ҳозирги кунда дунёда беморларни даволашда қўлланилаётган дори воситаларининг 70 фоизини синтетик дори воситалари ташкил қилади. Таҳлилларга қараганда, синтетик усул билан олинган дори воситалари беморларда турли нохуш асоратларга сабаб бўлмоқда.

Касалликни даволаш мақсадида доривор ўсимликлардан дори турлари тайёрланади ёки улардан дори препаратлар ва соф ҳолда доривор моддалар олинади. Бунинг учун шу ўсимликларнинг касалликларни даволаш хусусиятига эга биологик фаол моддаларга бой бўлган қисмларидан, яъни баъзи ўсимликларнинг ер остки органларидан (илдиз, илдизпоя, туганак ёки

пиёз), баъзиларининг эса устки органларидан (барги, гули, меваси, уруғи, пўстлоғи ёки ўт ўсимликларнинг ер устки қисми) фойдаланилади.

Бундан шу нарса аниқ бўлмоқдаки, ўсимлик хом ашёларидан тайёрланадиган дори-дармонларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бу ҳол шифобахш ўсимликлардан кенгроқ фойдаланишни тақозо этади. Ана шундай шифобахш ўсимликлардан бири Доривор қончўп - *Chelidonium majus* L.

Ботаник тавсифи. Доривор қончўп - *Chelidonium majus* L. Кўкнордошлар - *Papaveraceae* оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик, бўйи 30 - 100 см.га етадиган ўт ўсимлик. Илдизпояси кўп бошли ва калта. Пояси тик ўсувчи, юқори қисми шохланган. Барги оддий, илдизолди ва поянинг пастки қисмдагилари эса бандсиз, пояда кетма - кет ўрнашган. Гуллари поя ва шохлари учида 4 - 8 тагача бўлиб, оддий соябонни ташкил этада. Меваси - кўп уруғли, пишганда икки хонали кўсакча. Уруғи тухумсимон, қора рангли ва эшкаксимон думчали бўлади. Ўсимликнинг ҳамма қисмида тўқ сариқ сут - шира бор.

Ўсимликнинг ер устки таркибида 0,97-1,87 %, илдизида эса 1,9-4,14 % алколоидлар бўлади. Алколоидлар суммасидан хеладонин ва бошқа алколоидлар ажратиб олинган. Қон чўп алколоидлари опий алколоидларига яқин бўлиб, у изохинолин унумларига киради. Маҳсулот таркибида алколоидлардан ташқари 0,01 % гача эфир мойи, 175 мг % гача витамин С, витамин А ва органик кислоталар, мевасида мойи 40 % гача бўлади. 14,9 мг % гача каротин ҳамда органик кислоталар (хелидон, олма, лимон ва қаҳрабо кислоталари), флавоноидлар ва сапонинлар бўлади.

Маълумки**,** қончўп табобатда қадим замонлардан мавжуд ва маълум. Ўтган асрда баъзи олимлар Қончўпдан саратонга қарши доривор модда сифатида фойдаланишган. Қон чўпидан тайёрланган препаратлар ўсмалар жарроҳлик йўли билан олиб ташлангандан кейин местастоз ҳосил қилмаслиги учун фойдаланилган. Терида, лабларда ва бачадон бўйнидаги шундай, ўсмаларда қон чўпи ўсимлигидан тайёрланган дорилар билан даволанган. Кучли оғриқни қолдиради.

Қон чўпнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама жигар ва ўт пуфаги касаллигида ўт ҳайдовчи восита сифатида, ер устки қисмидан тайёрланган пастаси эса тери силини даволашда ишлатилади. Ҳўл ўсимликдан олинган шира халқ медицинасида сўгал ва қадоқни йўқ қилишда

ҳамда тери касалликларини даволашда қўлланилади. Қон чўп ўсимлиги ва унинг алколоидлари бактериотсит хусусиятга эга. Қон чўп шарбати жароҳат жойига суртилади. Ўтидан тайёрланган бўтқа боғлам тарзда 20-30 дақиқа жароҳат жойига қўйилади, бавосил (геморрой)ни табиий усулда даволашда қон чўп дамламаси суюқ дори шаклида ишлатилади, шунингдек уни ванналарга қўшиш ҳам мумкин. Ер устки қисми ўт ҳайдовчи чойлар-йиғмалар таркибига киради.

Қон чўп доривор ўсимлиги Россиянинг Европа қисми, Қрим, қисман Сибир, Олтой, Қозоғистон, Қирғизистоннинг тоғли ҳудудларида ва Узоқ Шарқда ва салқин ерларда, буталар орасида, ўрмон четларида, жар бўйларида, аҳоли яшайдаган жойларда, боғ ва полизлар орасида, баъзан бегона ўт сифатида ўсади.

Намгарчилик кўп ва соя шароитларда яхши ўсади. Хуллас Қон чўп *Chelidonium majus* L нинг барча қисми табобат учун ҳеч чиқиндисиз ишлатиладиган кони фойдали неъматдир. Қон чўпдан тайёрланган маҳсулотларга бўлган талаб кун сайин ўсиб бормоқда. Қон чўпнинг нақадар истиқболли доривор ўсимлик эканлиги юқорида келтирилган маълумотлардан маълум. Шу сабабли унинг табиий ресурсларини асраб қолиш ва ундан ҳалқ саломатлигини яхшилашда унумли фойдаланишда бу ўсимликдан маданий ўсимлик сифатида экиб ўстириш йўлларини излашни мақсад қилиб қўйилди. Ҳозирги кунда бу ўсимлик уруғининг биологик хусусиятларини уни экишнинг технологик элементларини аниқлаш учун тажриба қўйилди. Бу ўсимликни маданий ўсимлик сифатида экиб, ундан медицинада ва бошқа соҳаларда фойдаланиш катта иқтисодий самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Х.Х.Холматов, У.А.Ахмедов. Фармакогнозия. - Тошкент, Абу Али Ибн Сино номидаги Тиббиёт нашриёт, 1997. – 432 б.
2. И.Э.Акопов. Важнейшие отечественные лекарственные растения и их применение. – Т.: Медицина, 1986. –567 с.
3. Х.Х.Холматов, А.И.Қосимов. Русча-лотинча-ўзбекча доривор ўсимликларнинг луғати. - Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт, 1992. – 200 б.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

Рустамова И.Б. – ТДАУ доценти, и.ф.н.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизда асосий тармоқлардан бири бўлиб, унда амалга оширилаётган жараёнлар маълум хусусиятларга эга. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳолатларини таҳлил қилишда эконометрикнинг асосий

инструментларидан бири бўлган ишлаб чиқариш функцияларидан (ИЧФ) кенг фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлаб чиқаришининг самарадорлигини аниқлашда Кобба-Дуглас ишлаб чиқариш функциясидан (ИЧФ) фойдаланилади:

$$y = A \cdot K^{\alpha} \cdot L^{\beta} \cdot N^{\gamma}, \qquad (1)$$

бу ерда: y - қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, млрд. сўм;

K - қишлоқ хўжалиги асосий фондлари қиймати, млрд. сўм;

L - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлганлар сони, минг киши;

N - қишлоқ хўжалиги экинлар майдони, минг га.;

A, α, β - номаълум параметрлар.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғи фаолиятининг 2000-2018 йиллардаги маълумотларидан фойдаланиб қуйидаги ишлаб чиқариш функцияси тузилди:

$$\hat{y} = 0{,}00041 \cdot K^{0{,}244255} \cdot L^{0{,}902269} \cdot N^{1{,}332751} \qquad (2)$$

$$R^2 = 0{,}9801;\ F_{\text{хисоб}} = 246{,}816.$$

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги бўйича тузилган (2) ИЧФдаги 0,00041 коэффициент ҳисобга олинмаган омиллар таъсирини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги асосий фондлари қиймати бўйича ҳисобланган 0,244255 коэффициенти эластиклик коэффициенти бўлиб, у қишлоқ хўжалиги асосий фондлари қийматининг бир фоизга ортиши, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ўртача 0,244255 фоизга ортишини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони бир фоизга ортиши, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ўртача 0,902269 фоизга ортишини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг бир фоизга ортиши эса, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ўртача 1,332751 фоизга ортишини кўрсатади.

Агар (2) моделдаги ҳар бир омилнинг эластиклик коэффициентларига эътибор берадиган бўлсак, республикамизда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини яратилишида қишлоқ хўжалиги асосий фондлари 9,85 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлганлар 36,39 фоизни ва қишлоқ хўжалиги экинлари майдони 53,76 фоизни ташкил этмоқда.

Бу шуни кўрсатадики, республикамизда қишлоқ хўжалиги ривожланишининг 90,15 фоизи асосан экстенсив омиллар (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлганлар сонини ортиши ва қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини кенгайтириш) ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида интенсив ривожланиш йўлига ўтишни тақозо қилади.

(2) модель бўйича ҳисобланган детерминация коэффициенти 0,9801 га тенг. Бу эса республикамизда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 98,01 фоизи (2) моделга киритилган омиллардан (қишлоқ хўжалиги асосий фондлари қиймати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлганлар

сони ва қишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари) боғлиқ эканлигини кўрсатади. Қолган 1,99 фоизи эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсиридир.

(2) модель бўйича ҳисобланган Фишер F-мезони қиймати жадвал қийматидан катта эканлиги аниқланди ($F_{\text{хисоб}} = 246{,}816 > F_{\text{жадвал}} = 3{,}29$). Бу эса тузилган ишлаб чиқариш функциясининг статистик аҳамиятли (ўрганилаётган жараёнга мос) эканлигини кўрсатади ҳамда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳолатини бевосита аниқлаб беради. (2) ишлаб чиқариш функциясидаги барча омиллар ишончлилиги Стьюдентнинг *t*-мезони ёрдамида текширилганда, улар қўйилган талабга жавоб берар экан (мазкур омилларнинг $\alpha = 0{,}05$ аниқликдаги эҳтимоллиги 0,05 дан кичик), яъни $t_{\ln K} = 15{,}6406$ $\text{prob} = 0{,}0000$; $t_{\ln L} = 3{,}3640$ $\text{prob} = 0{,}0043$; $t_{\ln N} = 2{,}1808$ $\text{prob} = 0{,}0455$.

(2) модель бўйича натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжудлиги текширилди. Дарбин-Уотсон мезонининг ҳисобланган қиймати 1,762 га тенг. Дарбин-Уотсон мезонининг жадвалдаги қуйи қиймати ($DW_L = 0{,}97$) ва юқори қиймати ($DW_U = 1{,}68$) тенг экан. Бу эса натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

Демак, олиб борилган тадқиқотлар ва қишлоқ хўжалиги бўйича тузилган (2) Кобба-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси параметрлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, республикамизда қишлоқ хўжалиги тармоғини диверсификация қилиш, инновацион технологиялар асосида ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалигини самарали юритишнинг янги моделини ва инновацион ривожланишининг янги концепциясини ишлаб чиқариш зарур.

Республикамиз қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш учун кўп омилли эконометрик модель тузиш зарур. Бунинг учун натижавий омил сифатида - қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, млрд. сўм (*Y*), таъсир этувчи омиллар сифатида эса - қишлоқ хўжалиги асосий фондлари қиймати, млрд. сўм (X_1), қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар, млрд. сўм (X_2), инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарган корхоналар сони (X_3), жорий қилинган инновациялар сони (X_4), қишлоқ хўжалиги бўйича тадқиқотчилар сони (X_5), қишлоқ хўжалигида кашфиётлар ва ихтиролар бўйича патентлар сони (X_6), илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) бажарган ташкилотлар сони (X_7), ИТТКИ бажарилган ишлар ҳажми, млн. сўм (X_8), қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича ИТТКИга харажатлар, млн. сўм (X_9), ўз кучи билан бажарган ИТТКИга харажатлар, млн. сўм (X_{10}), ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажми, млрд. сўм (X_{11}), қишлоқ хўжалигида ташкилий, маркетинг ва технологик инновацияларга харажатлар, млн. сўм (X_{12}) олинди.

Омиллар ўртасида корреляцион таҳлил ўтказилганда бир қатор омиллар ўртасида мультиколлениарлик аниқланди ва ушбу омиллар кўп омилли эконометрик моделга киритилмади.

Натижада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғининг 2000-2018 йиллардаги маълумотлари бўйича кўп омилли чизиқли эконометрик модель қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$\hat{y} = 5839{,}11 + 0{,}753x_1 - 2{,}031x_2 + 35{,}363x_6 + 44{,}343x_7 + 0{,}072x_8 - 2{,}498x_{10} - 2{,}762x_{11} \qquad (3)$$

$R^2 = 0{,}9976$, $F_{\text{хисоб}} = 660{,}13$, $DW_{\text{хисоб}} = 2{,}159$.

Тузилган (3) кўп омилли эконометрик модель статистик аҳамиятли экан. Чунки, ($\alpha = 0{,}05$, $k_1 = 11$ ва $k_2 = 7$ бўлганда) $F_{\text{жадвал}} = 3{,}01$ га тенг. $F_{\text{хисоб}} = 660{,}13 > F_{\text{жадвал}} = 3{,}01$ бўлганлиги учун (3) кўп омилли эконометрик модель статистик аҳамиятли ва ўрганилаётган жараёнга мос эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари таъсир этувчи омилларнинг ишончлилиги Стьюдентнинг *t*-мезони орқали текширилди ва улар ишончли эканлиги тасдиқланди. Натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмаслиги аниқланди ($DW_{\text{жадвал}} = 2{,}159$).

Кўп омилли эконометрик модель (3) асосида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ва қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларнинг прогноз қийматлари 2019-2025 йилларга прогноз қилинди. (1-2 расмлар).

1-расм. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 2000-2018 йиллардаги динамикаси ва 2019-2025 йилларга прогноз қийматлари, (млрд. сўм).

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти прогноз даврида ўсиш тенденциясига эга. Ялпи маҳсулотнинг йиллик ўртача ўсиши 2,3 трлн. сўмни ташкил этмоқда. Ушбу ўсиш 2000 йилга нисбатан 3,3 баробарни, 2010 йилга нисбатан эса 2,25 баробарни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири бўлиб, мамлакатимиз аграр соҳасига инновацион технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усулларидан фойдаланиш ва бошқа бир қатор омиллар таъсирида амалга оширилади.

2-расмдан кўринадики, мамлактимиз қишлоқ хўжалигида ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажми 2014 йилдан сезиларли даражада ўсиб келиб, 2018 йилда 118,5 млрд.сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 3,5 мартага, 2017 йилга нисбатан эса 2,5 мартага кўпайган.

Бу ижобий ўзгаришлар сўнгги йилларда ҳукуматимиз ва мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган, шу соҳага бевосита тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таъсирида содир бўлганлигини таъкидлаш лозим.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажмининг 2000-2018 йиллардаги динамикаси ва 2019-2025 йилларга прогноз қийматлари, (млрд. сўм)

Прогноз даврида қишлоқ хўжалигида ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажми йиллик ўртача 4,0 млрд. сўмдан кўпроқни ташкил этмоқда. 2010 йилда қишлоқ хўжалигида ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажми 2,07 млрд. сўм бўлган бўлса, 2025 йилга келиб 69,95 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Ўсиш 33,8 баробарни ташкил этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда республикамиз қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш – бу асосан қишлоқ хўжалигида илм кўп талаб қиладиган йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни талаб қилади.

Унинг натижаси эса ўз набатида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ошишига ҳамда қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини ўсишига олиб келади.

DRONE TECHNOLOGY AS A TOOL FOR IMPROVING AGRICULTURAL PRODUCTIVITY

"IPReS" project member: ***Primov A.*** *(TSAU) and (IAMO)*
PhD student: ***Eshmatov S.*** *(TIIAME)*
PhD student: ***Murodov Sh.*** *(TIIAME)*

In particular, drones will be used for the measurement and observing of crops, including vegetables, melons, grapes, potatoes, and gardens as well as

evaluation of germination. In addition, while using drones it can be helpful to identify the areas of the arable land, assess the condition of the soil to plan the level of complexity for agricultural technological work to achieve the scheduled harvest, inventory and mapping of agricultural land.

In Uzbekistan, unmanned aerial vehicles or drones are using to monitor agricultural crops on fields under control by the Ministry of Agriculture. According to Jensen (2019), farmers today have a variety of complex factors that influence the success of their farms. From water access to changing the climate, wind, soil quality, the presence of weeds and insects, variable growing seasons and others. As a result, farmers are turning to high-level drone technology to help approach these problems and provide fast as well as efficient solutions. By implementing drone technology, farms and agriculture enterprises can improve crop yields, save time and easy make land management decisions that will improve their long-term success. Furthermore, agricultural drones can further help farmers to increase crop yields and profitability while lowering the levels of traditional inputs needed to grow crops (land, water, fertilizer, herbicides, and insecticides) (Jensen, 2019).

Economic factors will lead to the adoption of this technology in Uzbekistan



Figure 1. Induced Technical Change

When farmers start using drones, capital and labor costs decrease from I2 to I1 line. In here I1 and I2 are outputs and outputs remain the same, but the costs and price for products decrease.

In the I1 case, before farmers adopt technology, as farmers hired more labor, the costs increased. And the second case, when they use the drone, they don't need more labor and at the same time, this causes the decreasing of the costs associated with labor and other input costs.

Main characteristics of adopters and non-adopters of this technology:

In the present era, there are too many developments in precision agriculture for increasing crop productivity. Especially, in developing countries like Uzbekistan, over 60% of the rural people depend upon the agriculture fields. The agriculture field faces dramatic losses due to diseases, climate changes, and other negative factors.

As much as Uzbekistan depends upon agriculture, still it is far short from adopting the latest technologies in it to get a good farm. Developed countries have already started the use of drones in their precision agriculture, photogrammetry, and remote sensing. It is very fast and it could reduce the workload of a farmer.

It is critical to recognize that modern technologies are not homogeneous in their effects on the agrarian structure. Advances in modern technology are usually accompanied by scale economies, resulting in the economy in management effort as well as in the use of labor in production. The relation between new technology and income distribution is closely related to the characteristics of both the new technology and the structure of the economy into which it is introduced. But, in rural communities of poor and/or developing countries, a major cause of inequality in income distribution has often been the inequitable distribution of land ownership.

The majority of farmers in Uzbekistan are small farmers rather than large farmers. And most of the farmers have not enough financial reserves to implement drones. Besides that, we know according to Roger's conclusion there are three types of adopters: early adopters, late adopters, and laggards. And according to the above-mentioned majority of farmers in Uzbekistan are late adopters because of their small enterprises in agriculture. But we cannot disclaim the existence of early adopters who are evidently richer and have bigger lands, so it gives more chances to implement drones and get more benefits.

Besides that, there is another reason for agricultural controversy in agriculture, especially in drone tech adoption, law prohibition of drone use in Uzbekistan. That factor also makes a huge influence on drone tech adoption. In conclusion, we can say in order to implement sufficiently drone technology in Uzbekistan agriculture small and medium farmers need government support, as subsidies or giving quotas for new tech adoption.

Why this technology will not be adopted despite it is better than alternatives?

Why does drone adoption of better alternatives fail? What kind of factors could be reasons for that? The answer can be that the drones' tech diffusion process in Uzbekistan proceeds very bad. Such a process can be reviewed on the diffusion process figure.



Figure 2. Technology Lock-in

According to figure because of lack of innovation adoption share new tech like drone tech are adopted very lately, which causes loss of time and loss of benefit in agriculture-related too bad implementation of innovations. According to Rogers, conclusions adoption of new technologies behavior differs across social-economic groups which are related to agricultural producer's plans, objectives and goals, farmer's learning style and education, beliefs and opinions, lack of acceptance and low trust to innovation tech advisers that leads to negative presumed assumption.

According to theory lock-in has a meaning that drones are dominant and besides that technology lock-in arises from systemic interactions among technologies and institutions. And institutions consist of two types: formal and informal. So development of informal institutions can make influences informal institutions which can lead to expanding of new tech implementation easily and after that farmers can be committed to the dominant technology and create lock-in at their own level, farmers tend to focus preferentially on existing competencies, they make an investment to reduce production costs and incrementally perfect existing products and etc.

Because it leads to benefit and increases crop so it means more profit. If we compare drones and people, it is evident that drones are more useful in all contents. First of all, it decreases extra expenses, it has very easy channel remote control which decreases labor expenses, and it does not need rest so it can be used anytime and anywhere.

Possible consequences of the adoption of this technology:

When referring to our national legislation

As a rule, fines are not small for unauthorized delivery of drones to Uzbekistan, sale and use was banned from January 1, 2015. According to law No. 436 of 13 July 2017 unauthorized use of the devices may result in criminal or administrative liability. That is, fines are from 4,054,600 UZB sum to up to 50,682,500 sum. If this is a serious cause of death, loss of life and other the consequences are punishable by up to 10 years' imprisonment.

Permission

Access to use and bring to the territory of the Republic of Uzbekistan of drones are permitted by the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan based on law dated November 26, 2014 No. 322 with the separate decision.

Drones are available at the «Geo-innovation Center» of the Republic of Uzbekistan. The center is given authority for the sale and rent of drones. Generally, a long-term contract is made and every flight pre-ordered. Because they also need to get their flights booking permission in advance.

Price changes can induce the development and spread of new technologies

Price competition: In the case of the fruit and vegetables, low seed quality, high input costs, labor, taxes, and high pre and post-harvest losses are the main causes of price increase in Uzbekistan. Even in the season, the prices are high for local consumers. Export opportunities are available despite some challenges, but in

world markets, it is being difficult for Uzbek producers to compete with other major players (countries) both in quality and price.

To decrease the cost of goods produced and sold, Uzbek farmers need to adopt new technologies such as Drones. Using drones help farmers mapping, manage inputs' usage, quick assessment of field elevation to create positive returns for their operations.

Drones provide estimated yield increase

Assumption: Current crop yields are not achieving their maximum potential. Yield is, on average, about 20% less than it could be under the optimal circumstance.For our estimation drones can reduce the management yield gap by up to 25 %.

Drones provide input savings and reduce cost prices of products

Assumption: Farmers tend to over-apply resources and with accurate calculation, they manage misusage of inputs and reduce extra costs. Remote-controlled drones are estimated to improve efficiency by between 40-60 times compared to manual labor, and up to 5 times faster than tractor application of pesticides. Spraying by agriculture drones is estimated to save up to 90% of water usage irrigation and could save from 30% to 50% of chemicals in crop spraying.

Drones provide information that enhances variable rate technology, reducing input costs. Studies show that there is a 5% additional input saving by using the information collected by a drone.



Figure 3. Cost comparison for satellite, aircraft and agricultural imaging

Source:https://www.precisionhawk.com/blog/media/topic/quantifying-the-economic-value-of-agriculture-drones

Possible winners and losers from the adoption of this technology

If we look globally, there are many developed countries are already adopted modern technologies for agricultural purposes. In the case of Uzbekistan, large-scale farmers and agricultural organizations will be winners whilst operating drone technologies due to enhancing their farming system and production operations in order to achieve a multitude of goals. While implementing drone technology farmers and agricultural enterprises can greatly reduce costs, they are able to

provide 24/7 monitoring their fields and compute overall soil and field health to determine if improvements are needed before planting. Besides that, using agricultural drone modern farmers can spray faster, more accurately and more efficiently all the crops. Moreover, agricultural drones allow farmers to obtain access to a wealth of data they can use to make better management decisions, improve crop yields, and increase overall profitability.

Reference:

1. Jeremy Jensen, (2019): Agricultural Drones: How Drones Are Revolutionizing Agriculture and How to Break into this Booming Market, available on: https://uavcoach.com/agricultural-drones/

Internet sources:

1. https://en.trend.az/casia/uzbekistan/
2. https://www.precisionhawk.com/blog/media/topic/quantifying-the-economic-value-of-agriculture-drones

«АҚЛЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ» ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КЕЛАЖАГИМИЗ РАВНАҚИ

Собирова Д.А. *- ТДИУ ҳузуридаги ПККТУМО Тармоқ маркази катта ўқитувчиси*
Азизов О.М. *- ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси*

Ўзбекистонда ҳукумат, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳалар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини ҳам рақамлаштириш жараёни амалга ошмоқда. “Рақамли қишлоқ хўжалиги”, “Ақлли дала”, “Ақлли ферма”, “Ақлли иссиқхона” тушунчалари рақамлаштириш, сунъий ақл технологияларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёнларини автоматлаштиришни назарда тутади.

Соҳани такомиллаштиришнинг жаҳон тажрибасини қараб чиқсак, қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларнинг қўлланилиши деҳқон ва чорвадорнинг машаққатли меҳнатини енгиллаштириш, фаолият натижаси самарадорлигини ошириш ва шу билан бирга инсон турмуш тарзининг ошишига хизмат қилаётгани гувоҳи бўламиз.

2017 йилдан 2022 йилгача бутун дунё бўйлаб “ақлли” қишлоқ хўжалиги учун автоматлаштирилган тизимлар ва технологияларнинг оммалашиши тахмин қилинмоқда. Хусусан, VRT (ўзгарувчан тезликдаги технология) тизими ва GPS - қабул қилувчи қурилмалар ушбу тармоқ ўсишида салмоқли ҳисса қўшади.

Олимларнинг тахминларига кўра, 2050 йилга бориб Ер сайёраси аҳолиси 9,6 миллиардга етиб, уларни озиқ - овқат билан таъминлаш учун бугунгига нисбатан 70 фоиз кўп маҳсулот керак бўлар экан. Ушбу муаммони деҳқончилик фаолиятини ўзгача усуллар асосида бошқариш, хусусан, соҳага **буюмлар интернети (IoT)** концепцияси каби замонавий технологиялар ва

инновацион ечимлар киритиш, бир сўз билан айтганда “ақлли” қишлоқ хўжалиги орқали ҳал этиш мумкин.

“Golgman Sachs Group” (АҚШ) таҳлилчилари прогнозига кўра, янги технологик ечимларни жорий этиш билан, 2050 йилга бориб деҳқончиликни дунё бўйича 70 фоизга оширишга эришиш мумкин.

Албатта булар устида ишлаш учун ҳозиргидан тамомила бошқача машина ва агрегатлар керак.

Муаммони ечиш учун масалан, қуйидагиларни жорий этиш лозим:

- ҳайдовчисиз трактор ва учиш аппаратлари;
- қишлоқ хўжалиги вегетацияси автоматлаштирилган тизимлари;
- қорамол фермаларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари в.ҳ.

Деҳқончиликда датчик ва сенсорлардан фойдаланиш, ***интеллектуал ферма*** ташкил этишда муҳим қадам ҳисобланади. Ўнлаб квадрат километр жойдан улар радиоканаллар орқали назоратдаги объектлар ҳолати - асосан, тупроқнинг намлик даражаси, ҳарорати, ўсимликнинг соғломлик даражаси, ва бошқа муҳим параметрлар ҳақида узлуксиз маълумот етказиб туради. Бундай технологиялар чорвачилик ва балиқчилик хўжалигини ривожида ҳам самарали ҳисса қўшади.

Қорамолларни сунъий йўлдош орқали назорат қилувчи “Find My Sheep” машиналараро ечими бунга ажойиб мисол бўла олади.

Бугунги кунда Республикамизда ҳам қишлоқ хўжалигида замонавий инновацион технологияларини жорий этиш борасида салмоқли амалиётлар бажарилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини жорий этиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу концепциянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, ҳайвонларининг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига юқори технологияларни жорий этиш бўйича тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида ақлли технологияларни қўллаш қуйидагиларни жорий этишни тақозо этади:

- маълумотлар алмашинувининг рақамли форматига ўтиш, ҳисобот турларини қисқартириш билан иштирокчиларнинг ўзаро ва давлат билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;
- ресурстежамкор технологиялар, хусусан аниқ уялаб экадиган сеялкалар, GPS ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ хўжалиги техникаларини қўллаш;
- сув ресурслари, ўғитлардан самарали фойдаланишни назарда тутувчи сувтежовчи суғориш технологиялари;
- қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини парваришлаш ва сутни соғиш бўйича робототехникалар;
- республиканинг қишлоқ хўжалиги қуйи тармоқлари ва ҳудудлари кесимида умумфойдаланишга қаратилган ***билим*** ва ***технологиялар банки***ни яратиш;

– рақобатбардош, бозор ва экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалигини шакллантириш;
– хорижий аналогларга мос келадиган **“Ақлли қишлоқ хўжалиги”** технологияларини режали асосда жорий этиб бориш.

Концепциянинг асосий вазифаларидан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:
– меҳнат унумдорлигини ошириш учун рақамли қишлоқ хўжалигига ўтиш ва рақамли технологиялардан фаол ва кенг фойдаланиш;
– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини баҳоловчи ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида истеъмолчилар билан боғловчи **“Ақлли қишлоқ хўжалиги” платформаси**ни яратиш;
– соҳада глобал режалаштиришни ва бозор иштирокчиларига аниқ тавсиялар тақдим этишни таъминлаш, шу жумладан сунъий интеллектни қўллаш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилар ва давлат маълумотлари оқимини “Ақлли қишлоқ хўжалиги” платформасига интеграциялаш;
– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг давлат, банк, солиқ ва суғурта маълумотларига киришларининг очиқлигини таъминлайдиган “Ақлли қишлоқ хўжалиги” платформаси функцияларини интеграциялаш;
– қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлашнинг механизмларини ва чора-тадбирларини шакллантириш;
– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳаракат кузатувчанлигини (қидирувчанлигини) таъминлаш (белгилар, чиплар, идентификаторлар, технологиялар, қурилмалар, тизимлар орқали);
– турли хил рақамли очиқ платформаларга киришни таъминлайдиган маҳаллий ишланмаларни рағбатлантириш (рақамли майдон, рақамли пода, техника, иссиқхоналарни бошқариш ва бошқалар);
– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун савдо онлайн-платформа ва тизимларни жорий этиш;
– қишлоқ жойларида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаларига қулай муҳит яратишни таъминлаш, шунингдек интернет тезлигини ва ундан фойдаланиш имкониятларини ошириш в.ҳ.

Бугунги кунда фермерлар фаолиятини автоматлаштириш мақсадида мобил ***«Рақамли хўжалик»*** мобил иловаси ишлаб чиқилган бўлиб, бу соҳа мутахассислари фаолияти самародорлигини оширишда хизмат қилади.

Ушбу мобил илова фермерларга экинлар парвариши ва ернинг ҳолатини яхшилаш бўйича масофадан тавсиялар олиш имконини беради.

Илованинг негизида фермер томонидан юклаб олинадиган маълумотларни таҳлил қилувчи ва ўсимликларнинг ҳолати ҳақида аниқ маълумот берувчи сунъий ақл мавжуд. Дастур салбий омилларни ўз вақтида аниқлаш ва фермерларга қишлоқ хўжалиги экинларининг касалликларига ўз вақтида чоралар кўриш, тупроқ ҳолатини таҳлил қилиш ва юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар беришга мўлжалланган.

Фойдаланувчи интерфейси жуда оддий ва интуитив идрок этилиши мумкин: тавсияларни олиш учун фермер мобил телефон орқали касаллик ва

зараркунандалар билан эгалланган хўжалиги экинларини ёки тупроқнинг салбий ҳолатини суратга олиб муаммонинг тавсифи билан расмни юборади. Тезкор алоқа учун Телеграм-бот билан яратиладиган чатга 24 соат ичида тавсия келади. Дастлабки босқичда сунъий ақл тавсияларини маҳаллий ва хорижий мутахассислар кузатиб борадилар. Кейинчалик сўровларга тезкор ва тўғри жавоб бериш учун тизимда етарли маълумотлар базаси шаклланади.

Келажакда, ҳар бир янги сўров келиб тушиши билан сунъий ақл томонидан тавсиялар ва жавоблар тезроқ ва сифатлироқ юборилади ва тизим томонидан тўпланган маълумотлар базаси қишлоқ хўжалиги тенденцияларини таҳлил қилиш ва фермерларга онлайн режимда амалий маслаҳатлар бериш имконини кенгайтиради.

Ҳозирги вақтда дастур синов босқичида ва тез орада уни Play Market иловасида юклаб олиш мумкин бўлади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу ёндашув фермерларнинг энг оддий ва одатий хатоларини бартараф этиш орқали ҳосилдорликни 15-20 % га оширади.

Фермер хўжаликларининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ягона онлайн порталини ишлаб чиқиш бўйича ишлар бошланган бўлиб, унда фермерлар ўзларининг тажрибалари билан алмашиши ва бутун жаҳоннинг экспертларидан маслаҳат олишлари мумкин.

Портал qishloq-market plays функциясини ҳам бажаради, онлайн режимда маҳсулотни сотиш имконияти билан, бу мижозларни қидириш жараёнини сезиларли даражада мақбуллаштириш имконини беради.

Ўзининг барча афзалликларига қарамай, ақлли қишлоқ хўжалиги ҳали ривожланишнинг бошланғич босқичида. Аҳолимизнинг йилдан йилга кўпайиб бораётганини, сув, электр энергияси ва бошқа табиий захираларимизнинг чекланганини инобатга олсак, “ақлли” қишлоқ хўжалигининг нақадар аҳамияти катта эканлигини англаб етамиз.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги кадрларининг узлуксиз малака ошириш тизимини жорий этиш, уларда қишлоқ хўжалигини автоматлаштирадиган рақамли технологиялардан фойдалана олиш кўникмасини шакллантириб бориш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Жўраев Т.И. *- ТДИУ доценти, и.ф.н.*
Исмоилова Г.Т. *- ТДИУ изланувчи*

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш муаммолари мамлакатимиз учун алоҳида долзарблик касб этади, чунки фақатгина янги ресурс тежовчи, илғор технологиялардан кенг ва самарали фойдаланган ҳолда инновацион ривожланиш атроф муҳитни сақлаб қолишни ҳисобга олиб иқтисодиёт барқарорлигини жадал суръатларда ўсишини таъминлайди.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш”, “...таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” масаласи устувор вазифа сифатида белгилаб, ҳар йилги давлат дастурларини ишлаб чиқишда бунга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш шароитида ишлаб чиқариш соҳасига қаратилинаётган эътибор, мазкур соҳанинг барқарор ривожланишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида аниқ стратегиянинг шакллантирилганлиги, унинг асоси қисқа ва узоқ муддатли дастурлар орқали мустаҳкамланиб борилаётганлиги соҳа тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Шунга қарамай иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва модефикациялаш орқали соҳа тараққиётини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлашда мақсадли йўналишларни шакллантириш билан боғлиқ жараёнларни инновацион бошқарувга йўналтириш иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари тараққиётига мустаҳкам асос яратади. Мазкур жараённинг тизимли таҳлил қилиш ва истиқболли йўналишлар доирасида тегишли прогнозларни амалга ошириш бугунги кун иқтисодиёти олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодиёт соҳаларига инновацияларни кенг жорий этиш учун иқтисодий, технологик,ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, ижтимоий-психологик омилларни ҳаракатга келтириш лозим.

Ҳозирда республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий йўли - инновацияниривожлантиришдир. Бунда, ўзаро муносабатларнинг янги қоидаларига асосланганхўжалик субъектлари, давлат ҳокимияти органлари ва ўзини-ўзи бошқарувчи маҳаллий органлар умумий тизими сифатида чиқиши керак. Бироқ, нафақат иқтисодий тизимини барпо этиш, балки ҳаракатланишнинг умумий инновация қоидаларини ишлаб чиқиш ҳам кўпчилик омиллар ёрдамида белгиланади.

Инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ихтирочилари, инвесторлар ва Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон қарори билан белгиланган усуллар орқали ишланмаларни тижоратлаштириш таъминланган. 2019 йил 1 июль ҳолатига жами 62 та инновацион ишланма

тижоратлаштирилмоқда. Олиб борилган ишлар натижасида умумий қиймати 11,9 млрд. сўм миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилган ва 4,9 млрд. сўмлик маҳсулот сотилган. 30 та ишланма бўйича 19 та инновацион стартап компаниялар ташкил қилинган, унда 15 та илмий муассаса, 6 та тижорат банки ва 6 та инвестор қатнашган.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни инвесторларга ўтказиш бўйича 11 та лицензия келишувлари тузилди ва инновацион ишланмалар муаллифларига йиллик 3-15 % миқдорида даромад олиши таъминланган.

Шунингдек, Умумий ва ноорганик кимё институти иштирокида “понтон” ишлаб чиқарувчи “Кимёвий технология” МЧЖ ташкил этилди. Ҳозирда, Муборак газни қайта ишлаш заводига умумий миқдори 182,5 млн. сўмлик понтон етказиб берилган.

Механика ва иншоотлар сейсмик мустахкамлиги институти томонидан ишлаб чиқилган Хўл типдаги инерцион чанг туткичлар “Навоий ТМК” Дкнинг Қизилқум фосфорит комплексига жами 67,5 млн. сўм миқдорида етказиб берилган.

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг “Биоазот-N” ишланмаси умумий миқдори 77,0 млн. сўмга истеъмолчиларга етказиб берилди.

Сейсмология институтининг “Ўта масъул объектларда сейсмик мониторингни олиб бориш методикаси” ишланмаси бўйича 357,6 млн. сўм маблағ ўзлаштирилган. Институтнинг “Қурилиш майдонларда сейсмик жадалликни баҳолаш методикаси” ишланмаси қурилиш соҳасига жорий қилиниб 476 млн. сўм ўзлаштирилди.

Шу билан бирга венчурли молиялаштириш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майда 414-сон қарори қабул қилинди. Бугунги кунда 2 та Инвестиция компанияси (Венчур Капитал Инвест ва Ўзбек-Амирлик инвестиция компанияси) ташкил этилди.

Инновацион лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган умумий қиймати 113,42 млрд.сўм миқдорида инвестиция лойиҳалари ўзлаштиришга эришилди. Шундан 77,0 млрд. Сўм ички нвестициялар, 1,8 млрд. сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва 34,62 млрд.сўм техник кўмак ҳисобига амалга оширилган. Ушбу инвестицияларнинг салмоқли қисми соғлиқни сақлашга 42 % (47,1 млрд.сўм), таълим соҳасига 30 % (33,7 млрд. сўм) ва саноатга 26 % (29,2 млрд.сўм) йўналтирилган.

Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан умумий ҳажми 1,25 млн. АҚШ доллари ҳамда 1,9 млн. евродан иборат 170 та халқаро илмий грантларнинг бажарилиши таъминланди. Шу билан биргаликда умумий қиймати 54,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 7 та инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Хусусан, умумий қиймати 30,0 млн. доллар бўлган 3 та лойиҳа тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ва ички инвестициялар ҳисобига қиймати 14,4 млн. доллар 4 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ресурстежамкор инновацион жараёнларни чуқурлаштиришга ва ресурстежамкор инновация базасини мустаҳкамлаш учун барча зарур ташкилий-иқтисодий асослар мавжуд. Бироқ соҳаларни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, ёки бошқача айтганда, инновацион лойиҳаларни бир, ҳатто бир неча корхоналар миқёсида ҳам амалга оширишда муаммолар мавжуд.

Мазкур муаммоларнинг ҳал этилиши республикамизда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқлар ва ҳудудлар иқтисодиёти ҳамда истиқболи учун муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун, энг аввало, инновация тизимини қандай кўринишда шакллантириш, инновация фаолиятини қандай ташкил этиш ва давлат томонидан қўллаб қувватлаш лозимлиги ҳақида аниқ тасаввур ва йўналишга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Инновациялар жаҳон иқтисодиётининг барча соҳаларида замонавий ривожланиш мазмунига айланиб улгургани барчага аён ва бунга инновация фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш орқали эришилганлигини ҳисобга олсак, инновация фаолиятининг мазмун-моҳиятини билиш зарурлигини англаб етиш мумкин.

Инновация фаолиятининг бугунги кунда ҳаётимиз мазмунига айланиб бораётганлиги ва ўз келажагимизни қуришда мақсад ва стратегияларимизни амалга ошириш жараёнига тобора чуқур кириб бораётганлиги, шу билан бирга янгидан-янги имкониятларини тақдим этаётганлиги мазкур атаманинг мазмунини ўрганиш ва ёритишга бўлган қизиқиш ва интилишларни янада кучайтирмоқда.

Мамлакатда инновация фаолиятининг ташкил этилиши ва ривожланиши учун қуйидаги шартларнинг мавжуд бўлиши ва бажарилиши мақсадга мувофиқдир:

- давлат инновация сиёсати - Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари томонидан мамлакатнинг инновацион стратегияси мақсадлари ва устувор инновацион дастурлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш;

- инвестиция салоҳияти (давлат, тармоқ, корхона ва ташкилотнинг) - турли кўринишдаги ресурслар йиғиндиси (моддий, молиявий, интеллектуал, илмий-техникавий, иқтисодий ва бошқаларни қамраб олган ҳолда);

- инновация соҳаси - инновацияларни яратиш ва тарқатишни ўз ичига қамраб олувчи инновация маҳсулот (иш, хизмат)ларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг фаолият соҳалари;

- инновация инфратузилмаси – инновация фаолиятининг амалга оширилишига имкон берувчи, таъсир кўрсатувчи турли муассасалар (инноваицион-технологик марказлар, технологик инкубаторлар, технопарклар, ўқув-бизнес марказлари, консалтинг ва инжиниринг компаниялари, рейтинг баҳоловчи агентликлар ва бошқа махсус ташкил этилган муассасалар);

- инновация дастури (корхона, тармоқ, ҳудуд, давлат, минтақа, давлатлараро) - инновация лойиҳалари ресурслари, ижрочилари ва уларни амалга

ошириш муддатлари бўйича келишилган ҳамда янги турдаги маҳсулот (технология)ларни ўзлаштириш ва жойлаштириш бўйича вазифаларнинг самарали ҳал этилишини таъминловчи инновацион лойиҳалар ва тадбирлар комплекси.

Инновацияларнинг жорий этилиши ўз йўналишларига эга бўлишни талаб этади. Шунга мувофиқ, инновацион йўналиш қуйидагилардан ташкил топиши мақсадга мувофиқдир:

- янги товарли инновация маҳсулот жорий этиш;
- ишлаб чиқаришни янги технологик инновация усулини жорий этиш;
- товар ва хизматларнинг янги инновация бозорини ташкил этиш;
- ярим тайёр маҳсулот ва хом ашё жўнатиш бўйича янги маркетингли инновация манбаларини ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва интенсив ривожлантиришга йўналтирилган ресурстежамкор методларни жорий этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкорлик тизимини моддий рағбатлантириш, шу жумладан қайта тикланувчи энергия манбааларидан фойдаланишни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим.

ТЕХНИК САЛОҲИЯТДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Юсупов З.З. *- ТДАУ мустақил изланувчиси,*
Давлетов Д.А. *- ТДАУ талабаси*

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида янги техникалар ва илғор технологияларни жорий этишнинг оқилона шаклларини қўллаш иқтисодга билвосита, яъни ҳосилдорликни ошириш маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархни камайтириш, қўл меҳнатини енгиллаштириш, маҳсулот бирлиги ҳисобига меҳнат сифатини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш орқали таъсир этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелда қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги сохасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5708-сонли Фармонида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари қаторида “кенг кўламли замонавий молиявий хизматларни ривожлантириш ва сифатли қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш имкониятини ошириш орқали қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни рағбатлантириш” муҳим масала сифатида белгилаб берилди [1].

Ҳозирги вақтгача техник салоҳият тушунчасининг аниқ ва ягона таърифи мавжуд эмас. Аввало “техник салоҳият” атамаси 1990 йилда фанга фаол кириб келган бўлиб, олимлар ўртасида бу тушунчанинг моҳиятини талқин қилишда турли хил қарашлар мавжуддир. Бир гуруҳ олимлар техник

салоҳиятни илмий ишланмаларнинг моддийлашган кўриниши ва янги техника воситаларини ёппасига ишлаб чиқаришга жорий этилиши деб талқин қилишади. Ушбу ёндашув иқтисодиёт фанига 30 йил аввал кириб келган ва “илмий–техник салоҳият” тушунчаси таркибида кўриб ўтилади.

Бошқа бир тушунча тарафдорлари техник салоҳият интелектуал салоҳият билан чамбарчас боғлиқликда бўлишини ва уларнинг фикрича техника воситалари ва малакали кадрлар биргаликда техник ва технологик салоҳиятни ташкил этади деб тушинтиришади. Хусусан, А.И.Аверкиев техник салоҳиятни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самардорлигининг омили сифатида қарашни ва машиналарни бор имкониятларини намоён қилишда кадрлар малакаси даражасига узвий боғлиқ деб ҳисоблайди. Бундай ёндашувларни ҳаққоний эмас деб бўлмайди, чунки биринчидан, техник салоҳият ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келувчи техника воситалари сифат жиҳатдан ўзгаришига олиб келувчи фан ютуқларига асосланган ҳолда шаклланади, иккинчидан машиналарнинг техник даражаси ишчи кучининг малакавий даражасини белгилаб беради.

Бундан келиб чиққан ҳолда “техник салоҳият”, “АСМнинг техник салоҳияти” ва “қишлоқ хўжалигининг техник салоҳияти” каби тушунчаларнинг ўртасидаги чегарани аниқлаш лозим бўлади. Ушбу категорияни аниқлаш мақсадида лотин тилидан таржима қилганда «potentia»- сўзи куч, қувват мавжуд воситалар йиғиндиси ёки бирон бир соҳанинг имкониятлари эканлигидан келиб чиқиш лозим.

Иқтисодий адабиётларда кўпинча “АСМнинг техник салоҳияти” ва “қишлоқ хўжалигининг техник салоҳияти” каби тушунчалар бир хил эканлиги ҳақида талқин қилинади. Бизнинг фикримизча, агросаноат комплексини фақатгина техника воситалари энергетик турлари билан, яъни трактор, комбайн ва автомобиллар билан баҳолаш ҳаққоний бўлмайди. Агар бундай бўлганда АСМнинг алоҳида соҳаси бўлган қишлоқ хўжалигининг техник салоҳияти билан ҳеч қандай фарқланиш бўлмай қолади.

Қишлоқ хўжалигининг техник салоҳияти бу – қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги барча мавжуд техника воситалари, техника ва эҳтиёт қисмлар сотиш, механизация хизматлари кўрсатувчи барча корхоналар, уларда ишловчи юқори малакали кадрлар ҳамда бу воситалар ёрдамида амалга ошириладиган технологиялар ва унга боғлиқ билим ва кўникмалар мажмуидир (1-расм).

Шундай қилиб, ҳар қандай турдаги салоҳиятнинг асосини уни негизини ташкил этувчи “ресурс” билан ифодаланади. Демак, техник салоҳиятнинг фундаментини машиналар тизими ташкил этади. Техник салоҳиятга ўзида мазкур соҳада фаолият олиб борувчи тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, чорвачилик ва маҳсулотни қайта ишлаш жиҳозлари ва транспорт воситалари киради.

Унинг таркибида эса асосий ўринни техника воситаларининг мобил энергетик турлари ташкил этади ва бир гектар қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобига қувватлари йиғиндиси қишлоқ хўжалигини техник қуролланганлигини ифодалайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини

ошириш ва ишлаб чиқариш самарадорлиги соҳани техник қуроллланганлигига, машина-трактор парки ҳолатига, ундан унумли фойдаланишга ва бошқа бир қатор кўрсаткичларга боғлиқдир. Техник ва технологик салоҳиятни ошириш биринчи навбатда модернизация жараёнларини жадаллаштиришни тақозо этади ва у бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини кўтаришда энг асосий йўналиш бўлиб қолмоқда.



1-расм. Қишлоқ хўжалигининг техник салоҳияти[5]

Қишлоқ хўжалиги соҳасига фан-техника ютуқларини жорий этишни жадаллаштириш масаласига ҳукуматимиз ва аграр-иқтисодчи олимлар томонидан алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Чунки, фан-техника тараққиёти республикамизни барқарор ривожланишининг асосини ташкил этади. Жамият ривожланиши бевосита ёки билвосита меҳнат қуролининг такомиллашганлиги ва ишлаб чиқаришни техникаси даражасига боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигининг техник салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ, жумладан:

- қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари қувватларидан тўлиқроқ фойдаланиш механизмини жорий этиш;
- қишлоқ хўжалигида лизинг муносабатлари, дилерлик, механизация ва техника воситаларига сервис хизматларини доимий такомиллаштириб бориш;

[5] Манба: муаллифнинг илмий - тадқиқотлари асосида тузилган.

- қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводидан бошлаб, механизация хизмати кўрсатувчи корхоналар ва қишлоқ хўжалиги корхонасигача модернизациялаш имкониятларини ишга солиш;
- соҳага тегишли бўлган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш;
- соҳага ички ва ташқи инвестиция маблағларини жалб этиш учун қулай ташкилий-иқтисодий муҳит яратиб бориш;
- қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари, лизинг компаниялари, дилерлик пунктлари, механизация хизмати кўрсатувчи корхоналари билан истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириб бориш.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этиш қишлоқ хўжалигининг техник салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини янада такомиллаштиришга ҳамда келгусида қишлоқ хўжалигининг техник салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелда “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5708-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонуни. -Т.: 1999., 14 апрел.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 майдаги “Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2176-сон Қарори.

ҚЎШМА КОРХОНА ВА ЛОЙИҲАЛАР: ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАМДА БАНДЛИК МУАММОЛАРИ ЕЧИМИ

Қодирова И.Б. *- Самарқанд ветеринария медицинаси институти ассистенти*
Агзамов Ш.А. *- Самарқанд ветеринария медицинаси институти ассистенти*
Саламов И. *- Самарқанд ветеринария медицинаси институти, илмий маслаҳатчи*

Чет эл компаниялари, қўшма корхона ва қўшма лойиҳалар асосида Ўзбекистон Республикасида 5500 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатишади. Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб келаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар, жумладан қўшма корхоналар сони кундан кунга кўпаймоқда. Қозоғистон, Жанубий Корея, Россия, Хитой, Германия, АҚШ мамлакатлари ўртасидаги алоқалар, уларнинг Ўзбекистон Республикасини

ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшаётган улушлари, қўшма корхоналарнинг бандликни таъминлашдаги ўрни каттадир.

Россиянинг Ўзбекистонда хориж капитали билан ишлаётган 1000 га яқин корхоналари фаолият олиб боради. Ўзбекистоннинг Россиядаги корхоналари 700 га яқиндир. Биргина Самарқанд вилоятида 2019 йилнинг сентябрь ойигача фаолият кўрсатиб келаётган хориж сармояси иштирокидаги корхоналар сони 400 дан ошиб кетди. 2019 йилнинг ўзида бу кўрсаткич 28 тага кўпайди. Уларда янги иш жойлар 248 тага ошди. Чунки, 2019 йилнинг 19 июнда меҳнат вазири ишсизлар сони энг кўп бўлган вилоятларни санаб ўтди. Ўзбекистонда 1,4 миллион киши расман ишсиз, деб хабар қилинган. Бандлик ва меҳнат вазирининг маълум қилишича, 2019 йилнинг 1 кварталида Ўзбекистонда ишсизлар сони иқтисодий фаол аҳоли орасида 9,4 % ни ташкил қилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,3 % га кам. Ишсизлик миқдори энг юқори - 9,7 % бўлган ҳудудлар: Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларидир. Иш излаётган аҳоли сони 1 391 минг кишини ташкил қилди. Ишсизлар орасида энг кўп учрайдиган тоифа - бу 30 ёшгача бўлган фуқаролардир. Ёшлар орасида ишсизлик даражаси - 15,3 % ни ташкил қилди. Ушбу кўрсатгич ўтган йилда - 9,7 % ни ташкил қилган эканлиги айтилмоқда. Аёллар орасида ишсизлик даражаси - 13 % ни ташкил қилган. Вазир маълумотига кўра, айни дамда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 18 954 000 кишини (ёки 33,5 млн. аҳолининг 56,6 фоизи) ташкил қилади. Шундан 13 376 000 киши ёки 40 фоизи иш билан таъминланган. Ишлайдиганлар орасида 5 403 000 киши расман ишлайди (40,5 %). Қолган 7 964 000 (59,5 %) киши эса норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланади. Шундан 2 365 400 киши хорижда ишлаётгани билдирилади. Қўшма корхоналар, қўшма лойиҳалар асосида фаолият кўрсатишида янги иш жойларининг очилиши аҳолининг бандлигини таъминлаш имкониятлари кўпаяди. Биргина Самарқанд вилоятида 2019 йилнинг январь-август ойларида қиймати 33,5 миллиард сўмлик 195 та лойиҳа амалга оширилиб 531 киши янги иш ўрнига эга бўлишдилар. Бандлик муаммолари ҳам аста-секин ўз ечимини топмоқда. Ушбу йўналишни чуқурроқ ўрганиш учун мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшган чет эл компаниялари фаолиятидан айрим мамлакатлардан мисоллар келтирамиз. 2019 йилнинг ўтган даврини таҳлил қилганимизда қуйидаги натижалар келиб чиқади.

Қозоғистоннинг 230 дан ортиқ корхонаси Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистоннинг 151 та корхонаси Қозоғистонда фаолият кўрсатмоқда. Қозоғистоннинг 50 га яқин компаниялари бизнес форумда иштирок этишди. 2019 йилдаги Ўзэкспомарказдаги Бизнес форумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев иштирокида 1,2 миллиард АҚШ долларига шартномалар тузилди. 2020 йилгача икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 5 миллиард долларга етказилиши бўйича шартномалар 2017 йилнинг 16-17 сентябрдаги бизнес форумда имзоланган эди.

АҚШнинг Ўзбекистонда улар сармояси асосида ишлаётган 241 та

корхоналари, жумладан, қўшма корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар киритган сармоя 2 миллиард доллардан ошиб кетди. 2011 йил якуни билан АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги товар айланмаси 250 миллион АҚШ долларига тенг бўлган эди. 2017 йилда эса 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ҳозирда бундай ҳолат ўзининг ижобий йўналишига эришмоқда. Буни кўп йиллик илмий-амалий изланишлар натижаси асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлди. 2012 йилнинг 17-августида Тошкент шаҳрида Америка-Ўзбекистон бизнес форуми иш бошлаган эди. Унда АҚШнинг 25 та дунёга машҳур компаниялари 80 дан зиёд тадбиркор-ишбилармон-бизнесменлар, компания раҳбарлари ва вакиллари иштирок этишдилар. Бизнесни Ўзбекистонда амалга ошириш учун барча шароитлар яратилганлиги нафақат Америка ишбилармон доираларини, балки, бутун дунё тадбиркор-ишбилармонларини ўзига жалб қилаётганлигини қўшма корхоналар фаолиятини илмий-амалий таҳлиллар қилиш натижасида кўриш мумкин. Бу нафақат Ўзбекистон иқтисодиётини, балки, бизни мамлакатимиз билан дипломатик алоқаларни ўрнатиш учун қизиқаётган мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш учун ҳам хизмат қилмоқдадир. АҚШнинг 25 та компанияси томонидан 2,8 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 21 та лойиҳа Ўзбекистонда улар иштирокида амалга оширилмоқда. АҚШнинг самолёт ишлаб чиқарадиган "Бойинг" компаниясининг 13 та самолётини Ўзбекистон ҳаво йўллари компанияси сотиб олиб ишлатмоқда. Американинг дунёга машҳур компанияларидан бири, яъни бизнес формда иштирок этган "Женерал электр" компаниясида 301 минг киши ишлайди, унинг дунёнинг 160 мамлакатида ваколатхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу компания Ўзбекистонда газ конларини топиш, электр энергияси билан таъминлаш, қуёш ва шамолдан фойдаланиб муқобил электр энергияси олиш, ускуналарни ишлаб чиқариш ва тадбиқ этиш ва бошқа йўналишларда ҳам фаолият олиб боради. Улар ўз бизнесини йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистонга ташриф буюрдилар. Жаҳон банки раҳбарияти ҳам бу бизнес формда қатнашиб, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун бир миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратишни режалаштирди. Американи жаҳонга машҳур компанияларининг Ўзбекистонга бундай таркибда кириб келиши 21 йил давомида биринчи марта бўлди. Кейинги йилларда Ўзбекистон билан АҚШ ҳамда қўшни ва дунёнинг кўпгина мамлакатлари ўртасидаги алоқалар ўз тараққиётини топмоқда. **Германия** билан Ўзбекистон ўртасида 134 та ҚК бўлиб, 2009 йил товар айланмаси 464,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2018 йилга келиб, қўшма корхоналар сони 200 дан ошди, товар айланмаси 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон билан Германия мамлакати ўртасидаги алоқалар кун сайин ривожланмоқда. 27 корхонаси 100 фоиз хориж сармояси билан фаолият қилмоқда. Товар айланмаси 520 млн. дол.31 та Германия компаниялари аккридитациядан ўтган. **Хитойнинг хориж капитали билан** Ўзбекистонда ишлаётган корхоналари сони 2019 йилга келиб 700 тага етди,Ўзбекистонга 28 йил давомида жалб қилинган хориж сармоясининг 40 фоиздан ортиғини Хитой

мамлактиникидир**.** Келажакда товар айланмасини 3,5-4,0 миллиард долларга етказишга ҳаракат қилинмоқда. Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов Хитойга кейинги борганида икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни давом эттиришга 26 та шартнома имзоланган эди. Худди шунга ўхшаш шартномалар 270 тадан ошиб кетди.Бир орқага назар ташласак, собиқ иттифоқ ўз фаолиятини тугатгандан кейин, мустақил мамлакатлар ҳамма томонлама муаммоларга дуч келишди. Шунда иккинчи нон бўлган картошкани мамлакатимиз Хитой, Голландия ва Польша мамлакатларидан импорт қилишга мажбур бўлган эди. Бугунги кунда ўз халқимизни картошка билан ўзимиз таъминлаш даражасига эришдик. Агар собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон ўз халқини ун ва унли маҳсулотлар билан 4 фоизга таъминлаган бўлса, бугун 100 фоиз таъминлаш билан бирга, дунёнинг бошқа мамлакатларига ғалла экспорт қилиш имкониятларига ҳам эга бўлди. Жумладан, Белорусь, Озарбайжон, Афғонистон ва бошқаларга. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев видеоселекторда 2018 йилда 420 та боғча учун 771 миллиард сўм маблағ ажратилишини айтди. 50,100,150 ўринли мактабгача таълим муассасалари қурилишини **Жанубий Корея тажрибасига** асосида кўрилиши давом этмоқда. Мактабгача таълим тизимида Ўзбекистонда 818 минг ёки болаларнинг 33 фоизи, Данияда 99 фоизи,Японияда 95 фоизи, Ж.Кореяда 95 фоизи, Россияда 75 фоизи боғча ва яслилар билан таъминланган. Жаҳон банки 2019-2022 йилларга мўлжалланган лойиҳаси билан 10 миллион доллар грант маблағлари, 50 миллион доллар имтиёзли кредитлар ажратишга қарор қилди. **Ўзбекистон Республикамизда қишлоқ хўжалигида, яъни қишлоқ ҳудудларида** қўшма лойиҳалар, қўшма корхоналар кам бўлганлиги учун вилоятда 2018 йил якунларини иқтисодий таҳлил қилганимизда тармоқлар қуйидаги рентабеллик даражасига эга бўлишдилар: пахтачиликда-(-9,9 % зарар билан йил якунланди), ғаллачиликда-16,9%, тухум етиштиришда- 20,8 %, асалчиликда - 18,3 %, балиқчиликда - 21,3 %, сутчиликда - 8,5 %, сабзавотчиликда - 26,6 %, узумчиликда - 31,9 %, мевачиликда - 30,9 %, полизчиликда - 28,2 % ва ҳ.к. Ушбу иқтисодий таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, хориж компаниялари билан ишлаётган йўналишларда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари яхши бўлган. Уларсиз фаолият кўрсатиб ишлаётган тармоқларда рентабеллик даражаси паст,айниқса пахтачилик тармоғида 2018 йил зарар билан якунланди. Энг юқори ижобий кўрсаткич узумчилик тармоғида 31,9 фоизни, мевачилик тармоғида 30,9 фоизни ташкил қилди.Шу боисдан хориж тадбиркор-инвесторларини Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига икки томонлама фойда олиш учун ҳамкорликга жалб этиш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Мамлакатимиз иқтисодий-молиявий тараққиётини таъминлашда қўшма лойиҳа, қўшма корхоналар, хориж тажрибалари ва шартномалар асосида ишлаш мамлакатларимиз ривожига истиқболда хизмат қилиши ва тараққий топиши бўйича **қуйидаги таклифларни берамиз:** 1) Қўшма лойиҳалар,қўшма корхоналарни хориж компаниялари, фирмалари, балки мамлакатимиз ичидаги корхона ва ташкилотлар билан ҳам тузиш; 2) Бугунги кунда сувни

тежавчи ускуналар,моддалар **(Гидрогел моддаси - Ўзбекистон),** муқобил электр энергияси, шамол генераторлари, биогумос, биоэнергия ишлаб чиқарувчилар, биргаликда ишлайдиган ва ўрнатиб бериш ва шу соҳасида фаолият юритаётган чет эл компаниялари билан қўшма лойиҳалар, қўшма корхоналар ва шартномалар асосида ишлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади; 3) Қўшма лойиҳа,қўшма корхоналарда ишловчи ишчилар, мутахассис ва менжерларни ёшликдан тайёрлашни йўлга қўйиш ҳамда жойларда,айниқса узоқ қишлоқларда қисқа муддатли курслар,ўқув-семинарлари,учрашувлар ташкил қилиш; 4) 100 фоиз ўз капитали билан ишлайдиган ҳамда қўшма лойиҳалар ва қўшма корхоналарни тузиб ишлаётган хориж компанияларини бир меъёрда доимий ишлашини таъминлаш. Чунки, айримлари ҳар хил сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатиб қўймоқда; 5)Қўшма Корхоналарни келгусида инфратузилма йўналишларида тузиш жуда кўп муаммоларни ечимини ижобий ҳал этишга катта кўмак беради, деб ўйлаймиз. Айниқса мамлакатимиз ҳудудининг қишлоқ жойларида ташкил қилиш натижасида қишлоқ аҳолисининг ижтимоий- иқтисодий, жумладан молиявий ҳолатининг тез ўзгаришига асосий сабабчи бўлади ҳам янги иш жойларини очиш,аҳолини бандлигини таъминлаш муаммолари ечими топилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. 2019 й.10 январь, 2450-сон
2. Садикова Г.Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аҳамияти. 21.07.2015 й.
3.Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалик ҳамда статистика бошқармасининг 2016,2017, 2018 йиллар ҳисоботлари.
4. Муаллифларнинг кўп йиллик илмий-амалий изланишлари материаллари.
5. Интернет маълумотлари ва бошқа манбалар.

ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА ПРОЦЕСС СУШКИ ПЛОДОВ И ОВОЩЕЙ

Худайбердиев Т.Л. *- Наманганский инженерно-технологический институт, доцент,*
Тожибоев Ғ.Ғ. *- ассистент*

Учёными Наманганского инженерно-технологического института ведутся научно-исследовательские работы по усовершенствованию технологии сушки плодоовощных продукций с применением современных оборудований. В связи этим нами приведены обзорные сведения по изучению технологии сушки плодоовощных продукций.

Сушка плодов и овощей даёт возможность сохранять их в течение круглого года. В свежих плодах и овощах содержится от 75 до 95 % воды.

После сушки количество воды должно составлять в плодах 14-22 %, а в овощах 12-14 %. Для получения после сушки высококачественных продуктов необходимо соблюдать режимы сушки, то есть правильно сочетать температуру нагрева с влажностью продукта на всех этапах сушки. Во избежание запаривания и порчи продукта необходима в 1-й период сушки усиленная вентиляция или повышенная скорость движения сушильного агента. Наиболее широкое применение имеют однозначные режимы. Для ряда продуктов в туннельных сушилках применяются многозначные режимы. В Наманганском инженерно-технологическом институте разработан ступенчатый режим с применением в начале сушки повышенных температур, с понижением их по мере подсушки продукта. Они способствуют сохранению качества продукта и сокращают время сушки. Разработанная технология внедрено в сушильном производстве ООО “Афруз Камол Наби“ (г.Наманган) с применением современных оборудований. Большое значение при сушке плодов и овощей имеет подготовка сырья, которая заключается не только в физической обработке его до сушки (сортировке, калибровке, мойке, очистке, резке), но и в разрушении ферментов. Это достигается либо проваркой продукта в кипящей воде или щелочных растворах, либо окуриванием сернистым ангидридом. После обработки сырьё промывают в воде и сушат. Применяют сушку естественную (солнечную и теневую) и искусственную в сушилках разных конструкций .Солнечной сушкой, распространённой в южных районах Республики Узбекистан, пользуются при сушке абрикосов, винограда, вишни, персиков, яблок, груш. Сушка ведётся на солнце (на деревянных подносах - лотках), досушка - в тени. По данным учёных Ташкентского государственного аграрного университета абрикосы сушат на урюк (целые плоды с косточкой), курагу резаную и рваную (половинки), кайса (целые плоды без косточек). Влажность кураги и кайсы до 20 %, урюка - 16-18 %. Абрикосы, подготовленные к естественной сушке, раскладывают на подносы, окуривают сернистым ангидридом (2 - 21/2 часа из расчёта 1 - 2,75 кг серы на 1 т сырья), расставляют на площадке, а затем досушивают в тени. Сушка продолжается от 4 до 7 дней. Высушенные абрикосы содержат около 50 - 60% сахара. Виноград сушат в кистях и без кистей, без предварительной обработки и с обваркой в кипящем щелочно-известковом растворе с промывкой водой. Виноград для сушки должен иметь не меньше 20% сахара, мясистую мякоть и тонкую кожицу. Виноград сушат на изюм (ягоды семянных сортов) и на кишмиш (ягоды бессемянных сортов). После обработки виноград раскладывают на подносах. При сушке винограда в тени (теневая сушка) его окуривают сернистым ангидридом в течение 1 часа. Длительность сушки 7 дней. Яблоки сушат в нарезанном на кубики и кружки толщиной 5 - 7 мм. Перед сушкой окуривают сернистым ангидридом.

Персики, идущие в сушку, должны содержать большое количество сахара, плотную мякоть оранжевого или жёлтого цвета и хорошо отделяющуюся косточку. Предварительно их окуривают сернистым газом. Сушат половинками. Вишню сушат на солнце без предварительной

обработки.Искусственная сушка плодов и овощей ведётся в сушилках при строгом соблюдении температурных режимов. Предварительно продукт проходит соответствующую подготовку. Так, яблоки сортируют, моют с удалением кожицы и сердцевины (или без удаления), режут на кружки, дольки или половинки, бланшируют в кипящей воде в течение 1 - 4 мин., но чаще окуривают сернистым ангидридом 10 - 15 мин. (из расчёта 2 кг серы на 1 т яблок) и затем сушат при температуре 75 - 85°, снижая её в конце процесса до 60°. Количество сернистого ангидрида в сушёных яблоках не должна быть больше 0,1%. Груши, обработанные сернистым ангидридом, сушат вначале при температуре 80 - 85°, а затем досушивают при 50 - 55°. Вишни, обработанные 0,2 - 0,3%-ным раствором щёлочи, сушат вначале при температуре 40 - 45°, затем температуру повышают до 70 - 75°. Сливы на чернослив сначала сортируют по размеру, обрабатывают в течение 10 - 20 сек. в кипящем 0,5 - 1,5%-ном растворе едкой щёлочи, промывают в воде и затем сушат сначала при темп-ре 45 - 55°, а затем при 70 - 75°. Сушка слив продолжается около 10-12 суток. Искусственной сушке подвергают также ягоды (землянику, малину, чернику, чёрную смородину, крыжовник, ежевику). После сортировки и мойки их сушат при температуре 50 - 60°. Картофель, идущий в сушильную камеру, моют, сортируют по размеру, очищают от кожицы и режут на столбики толщиной 5 - 7 мм (лапша) или на кружки толщиной 3 - 5 мм, бланшируют в кипящей воде и после охлаждения сушат при температуре 80-85°. Сушёный картофель должен быть полупрозрачным, хрупким и иметь стекловидный излом. Из картофеля можно получать сушёную крупку или вермишель. Для этого проваренный картофель перед сушкой протирают сквозь проволочное сито. Морковь режут на столбики, бланшируют в кипящей воде и сушат при температуре 65 - 75°. Сушёная морковь должна быть эластичной. Свёклу столовую, после обрезки корешков и головки, мойки и бланшировки (целыми корнями) в кипящей воде, сушат при интенсивной вентиляции сушилки и температуре 80°. Сушёная свёкла при сгибании не должна ломаться. Капусту белокочанную (позднеспелые сорта), после зачистки от верхних листьев, удаления кочерыги, шинкуют и сушат при температуре 55°. Капуста после сушки бывает хрупкой, а затем становится эластичной. Лук-репку очищают от чешуй, обрезают шейку и донце, режут на кружки толщиной 3 - 4 мм и сушат вначале при температуре 55°, а затем 65°. Сушёный лук должен быть эластичным. Правильно высушенные овощи сохраняют в значительном количестве витамины.

В Ташкентском химико-технологическом институте применялась сушка плодов и овощей инфракрасными лучами. Так, для сушки моркови были исследованы 3 режима облучения: 1) непрерывный, 2) прерывный - 1-й вариант (5 сек. облучения и 10 сек. последующего перерыва) и 3) прерывный - 2-й вариант (3 сек. облучения и 10 сек. перерыва). Наиболее рациональным оказался 3-й режим, при котором сохранилось 96% каротина. Температура нагрева моркови на протяжении всего процесса была около 40°. Общая длительность облучения 60 мин. Хорошие результаты были получены при

сушке и других видов овощей. Впервые применялась сушка плодов (яблок, лимонов) сублимацией. При этом методе коэффициент усадки сырья во много раз меньше, чем при сушке обычным способом. Яблоки, высушенные методом сублимации, сохраняют свой естественный цвет и форму и при оводнении ничем не отличаются от свежих яблок. Установлено, что чем ниже температура, тем длительнее сушка. Так, при $t_м$=-10°С τ=3,5 часа, при $t_м$=-25°С τ=9 час; сушка яблок сублимацией требует подвода тепла. Глубина вакуума от 0,1 до 1 мм.

Наиболее распространённым способом сушки сельхозпродукций является конвективная сушка, которую мы и выбрали. В связи с этим, научные исследовательские работы ведутся в производственных условиях ООО «Афруз Камол Наби», который оснащён современными оборудованиями по подготовке сырья и конвективной сушильной установкой (рис.1).

Рис.1. Оборудования сушильного производства ООО «Афруз Камол Наби».

Однако имеются недостатки технологии как неоднородная сушка ломтиков продукта по толщине, что приводит к повторной сушке и повышает себестоимость. Для устранения указанных недостатков нами ведутся научно-исследовательские работы по обоснованию толщины слоя высушиваемого продукта, температуры агента сушки, оптимального режима работы оборудований с учётом разновидности и особенности сельхозпродукций.

Использованная литература:

1. Широков Е.П., Полегаев В.И. Хранение и переработка продукции растениеводства с основами стандартизации. – М.: Колос, 2000.

2. Гинзбург А. С. Теплофизические характеристики картофеля, овощей и плодов. – Москва.: Агропромиздат, 1987.

3. Кац С. Н. Теория сушки овощей и фруктов. – Москва.: Колос, 1990.

4. Воскобойников В. А. и др. Сушёные овощи и фрукты. Пищевая промышленность. - Москва, 1990. – № 4.

МЕВАЧИЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Маджидова М. *– СамВМИ талабаси,*
Тагаев А.С. *- СамВМИ ўқитувчиси, илмий раҳбар*

Республикамизда мева маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ва экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш масаласи кун тартибидаги долзарб масалалардан биридир.

Мамлакатимизда мевачилик соҳасини ривожлантириш, тармоқнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, юқори ҳосил берадиган интенсив боғларни яратиш, мева маҳсулотли етиштирувчиларнинг инновацион янгиликлар ҳамда илғор технологиялар жорий этишга бўлган моддий манфаатдорлигини таъминловчи иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, олиб борилган саъй-ҳаракатлари натижасида сўнгги йилларда илғор хорижий тажрибалар асосида интенсив усулда боғлар барпо этиш, иссиқхоналар ташкил этиш, мава маҳсулотларини етиштириш учун ҳосилдорлиги юқори бўлган кўчатлар билан таъминлаш, етиштирилган мева маҳсулотларини замоновий музлаткичларда сақлаш, уларни қайта ишлаш ва қадоқлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2020 йиллар давомида паст рентабелик пахта ва ғалла майдонларни мақбуллаштириш ҳисобига 2020 йилгача 235 минг гектар майдонлари оптималлаштирилиб, уларнинг ўрнига 40,9 минг гектар картошка, 96,7 минг гектар сабзавот, 49,8 минг гектар озуқа экинлари, 15,1 минг гектар мойли экинлар ҳамда 20,9 минг гектар интенсив боғлар ҳамда 12 минг гектар токзорларга қўшимча майдонлар қўшилиши режалаштирилган.

Мева маҳсулотлари бозордаги талаб ва таклиф асосида етиштирилиши, уларни еркин нархларда ва хоҳлаган бозорда сотиш имкониятининг яратилиши, тармоқда ҳақиқий бозор муносабатларининг амал қилаётганлигидан далолатдир. Маълумки, қишлоқ хўжалиги тармоғи аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда саноатни хом-ашё билан таъминлашда муҳим ўрин эгаллаб, бу соҳада охирги йилларда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси ҳамда белгиланган чора-тадбирларнинг мақсадли амалга оширилиши натижасида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланиб келинмоқда. Қишлоқ хўжалигига қаратилаётган эътибор, қишлоқ одамларига яратиб берилаётган муносиб меҳнат шароитлари туфайли ушбу эзгу мақсадга тўлиқ эришилмоқда. Бундай дейиш учун асосларимиз етарли, албатта. Масалан, 2019 йилда 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 2 миллион 731 минг тонна мева, 1 миллион 850

минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум етиштирилади. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун 38 трлн сўмга харажат қилиниши режалаштирилган. Етиштирилган маҳсулотни истемолчиларга етказиб беришда маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда улардан қайта ишлаш саноатида тайёрланадиган маҳсулотларни кўпайтиришга этибор бериш зарур.

Республикамизда етиштирилган маҳсулотни сифатли сақлаш ва бозорларимизга узлуксиз етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада совутиш камерасининг ташкил этилиши ва модернизация қилиниши муҳим ўрин эгаллайди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича дунё бозорида етакчи мавқега эга. Республикамиз эҳтиёжидан ортиқча мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар АҚШ, Япония, Таиланд, Индонезия, Мўғулистон, Саудия Арабистони, Россия, Словакия сингари 80 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.Маҳсулот етиштирувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш, уларга ўзлари етиштирган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш мақсадида мамлакатимизда жорий йилдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро ярмаркалари ташкил этилади. Уларда кейинги йил учун экспорт шартномалари тузилади.

Ҳозирги кунда республикамизда йилдан-йилга мева-сабзавот, полиз маҳсулотларини етиштириш даражасининг ортиши кузатилаётган бўлсада, уларнинг қайта ишланган ёки қадоқланган шаклдаги маҳсулотларига бўлган талабнинг қондирилиши қониқарли даражада эмас. Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги ушбу турдаги маҳсулотларнинг асосий қисми фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилиб, улар маҳсулотларнинг бир қисмини бозорларга чиқармоқда. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори кичик ҳажмни ташкил етиши сабабли, уларнинг қайта ишловчи корхоналар ўзаро муносабатлари яхши йўлга қўйилмаган, ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаши мумкин бўлган тизилмалар ишлаш механизмида оқсоқликлар бор.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда мевачилик соҳасида агробизнесни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва маҳсулотни қайта ишловчи саноат ўртасидаги узвий ижтимоий-иқтисодий боғлиқликни ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда ягона мақсад мамлакат бозорларини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўйинтириш масаласини самарали ҳал етилиши таъминлашдир. Юқоридагиларни инобатга олиб, мевачилик соҳасини ривожлантиришда ихтисослаштиришга алоҳида этиборни қаратиш муҳим аҳамият касб етади. Бунда республикамизда етиштирилаётган мевалар сифатини сақлаган ҳолда етиштирилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш масаласи ҳал бўлади. Республикамиз мевачилигида фидокорона меҳнат қилаётган деҳқон ва фермерларяратиб берилган қулай шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб нафақат жамиятимизга наф келтираяпти, балки ўзлари катта манфаат ҳамда рағбат кўраётир. Уларнинг ишлаб топган даромади оила аъзоларининг фаровон турмуш кечириши, дастурхони

тўкинлиги, юртимиз тараққиётининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Республикамизда мева маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда мавжуд муоммаларни тахлил этиш асосида бу соҳани ривожлантиришга оид қуйидаги тавсияларни берамиз:

- етиштирилган тайёр маҳсулотларни экспорт қилишда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш;
- мева маҳсулотларининг рақоботбардошлигини таъминлаш;
- бозорларни ўрганувчи маркетинг хизматларини ривожлантириш.

Республикамизда мевачилик соҳасини янада ривожлантириш ушбу соҳада фаолият юритаётган фермер хўжаликларига имтиёзлар бериш, мевани қата ишловчи агрофирмалар фаолиятини янада ривожлантириш вилоят иқтисодиётини барқарор ўсишига хизмат қилади. Олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ортаётгани, уларни сақлаш инфратузилмаси ривожланаётгани, қайта ишлаш саноати такомиллашаётгани халқимиз дастурхони тўкинлиги манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони. Тошкент шаҳри, 2018 йил 29 март.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

ТошбоевА.Ж. *- ТДАУ доценти, и.ф.н.*
Сиддиқов З.Т. *- ТДАУ доценти, и.ф.н.*
Расулова Д. *- ТДАУ катта ўқитувчиси*

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши жараёнида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали аҳоли учун арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш фермер ва бошқа маҳсулот етиштирувчи субъектлар олдидаги долзарб муаммолардан бўлиб келган. Ўзбекистон Республикасининг 1991-2018 йилларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларининг пулдаги ифодаси, ялпи ички маҳсулот 32,4 миллиард сўмдан 407514,5 миллиард сўмга ёки 12734,8 баробарга, шундан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 37,3 пунктадан 28,7 пунктга камайганлигини кўриш мумкин. Бунда қишлоқ хўжалиги соҳасидан ташқари, хизматлар, қурилиш ва саноат соҳаларини ривожланаётганини кўриш мумкин. Солиқлар ҳам 0,1 пунктга камайишидан кўриниб турибдики, тадбиркорлик субектлари томонидан етиштирилаётган

маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг ривожланиши ҳамда солиқ ставкаларининг камайтирилиши ҳисобига бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олиб борилаётган иқтисодиётдаги ислоҳотлар, жумладан таркибий ўзгаришлар жараёнида, аввало ҳудудий иқтисослаштириш нечоғли аҳамиятли эканини кўрсатди. Йиллар давомида монопол тармоққа айланиб қолган айрим экин турлари ўрнида батамом янги бўлган ва экспортга йўналтирилган экинларни районлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Пахта майдонлари кескин қисқартирилиб унинг ўрнига сабзавот ва полиз маҳсулотлари экилмоқда, боғлар барпо этилмоқда. Бу ижобий ўзгаришларда биринчи моддий-техник базани яхшилаш ва замонавийлаштириш, экспорт учун етарли миқдорда идиш ва қадоқлаш материалларига эга бўлиш керак. Ҳозирги пайтда далада ишлаётган ускуналарнинг 50 фоиздан зиёдроғи маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган. Масалан, Олтинсой, Бойсун туманидаги узумни қайта ишлаш заводларида шарбатни консервалашнинг сустлиги, помидорни қайта ишлаб унинг шарбатини оладиган заводларни кўрсатиш мумкин. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, давлат мустақил бўлгунга қадар етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларимизнинг қарийб 30,0 фоиздан ортиғи исрофгарчиликга учраб, товар маҳсулотига айланмаганлиги сабабли унга бўлган эътибор сустлигича қолиб келган. Товарга айланмайдиган маҳсулотни кўпайтириш шарт эмас, унинг ўрнига товарлилик даражаси юқори бўлган экинлар экиш учун кўплаб инновацияларни ўрнаниш ва уни жорий этиш учун малакали кадрлар таёрлаш тизими йўлга қўйилиши лозим. Малакали кадрлар томонида фан ишланмаларини ишлаб чиқаришга, яъни амалиётга кенг жорий этаётган ва ундан юқори натижага эришаётган корхоналар ва уларнинг раҳбарлари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги илғор парник (кўчатхона) хўжалигида бир сотих ерга картошка уруғини кўпайтириб, 600 гектар экин майдонлари картошка уруғи билан таъминламоқда. Бу лойиҳанинг аҳамияти шундан иборатки, аввало хориждан серҳосил картошка уруғини олиб келиш харажатлари камаяди, сара уруғ олинади, картошка уруғини сақлаш учун ортиқча харажатларга барҳам берилади, ортиш, тушуриш, логистика хизматларидан ташқари бошқа иш ҳақи ва агротехник тадбирлар учун харажат кескин камаяди. Бизнинг фикиримизча, ташқи инновация билар бир қаторда ички инновация натижаларини амалда қўллаш тизимини такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Республикада 4,3 миллион гектар майдонга узоқ йиллардан буён деҳқончилик қилиб келинмоқда. Лекин илғор мамлакатлар қаторида бир гектардан олинган ҳосил миқдори масалан, пахта, ғаллада олдинги йилларга нисбатан камайганлигини кўриш мумкин. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар замирида агрокластерлар ташкил этилмоқда. Тошкент вилояти, Чиноз туманида тузилган агрокластер таркибига туманнинг Янгиобод ҳудуди, Содир Рахимов, Эрназаров, Ўзбекистон ҳудуди ерлари берилган. Бу ҳудудлар туманнинг энг қолоқ ҳудудлари бўлиб, ҳар йили 2-3 минг гектар экин ерларига қишлоқ хўжалик экинлари экилмасдан қолиб кетарди. Агар экин экилган тақдирда ҳам ҳосилдорлиги жуда пастлигидан ташқари, бутун

туманнинг қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилмаслигига сабаб бўлар эди. Республика ҳудудларида 1920 йилда 93,0 минг гектар пахта экин майдонини ташкил этган ва ўртача ҳосилдорлик 3,3 ц/га бўлган холос. 2015 йилда пахта экин майдонлари 1298,1 минг гектарни, ҳосилдорлик эса 26,2 ц/га ошганлигини кузатишимиз мумкин. Бу эса кейинги йилларда фан-техника тараққиётини ривожланиши ва илғор технологияларни жорий этилиши натижасида ҳосилдорликни 3,3 ц/га дан, 26,2 ц/га ошишига эришилган. Келгусида йилларда ҳосилдорликни янада ошириш учун, энг аввало минтақалар шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, агротехник тадбирларни самарали ташкил этишга ва уларни бажарилишини ўз муддатида амалга оширилишига кўпроқ боғлиқ.

2000 йилда пахта ҳосилдорлиги республика бўйича 21.8 ц/га ташкил қилиб, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 27,2 ц/га етган. Бу кўрсаткич ушбу йиллар давомида бирмунча ортгандек кўринсада, аммо 1991 йилда пахта ҳосилдорлиги 27 ц/га ташкил этганини ҳисобга олсак, охирги 20 йил давомида пахта ҳосилдорлиги камайиш тенденциясини кўриш мумкин. Республика бўйича жами экин майдонлари таркибида пахта майдонлари салмоғи ва умуман пахта экин майдонлари миқдори камайиши билан бирга пахта ҳосилдорлиги пасайиши, ишлаб чиқарилган пахта миқдорини камайишига таъсир этган.

Чунки мавжуд техникаларни шу ҳудудларга сафарбар қилинарди. Эндиликда биргина агрокластерда шу йилнинг ўзида 10 тадан ортиқ ҳайдов тракторлари олиб келинган бўлиб механизация ишларини амалга оширмоқда. Кластер ерларига сув билан таъминланиш даражаси жуда оғир бўлиб, деҳқончилик, асосан сув насослари орқали амалга оширилади. Қарийб 5 километрлик ички зовур қазилиши керак бўлган обектдаги суғориш ишлари амалга оширилди. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида аграр соҳада бошқарув ва хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларини тубдан такомиллаштириш ишлари жадал олиб борилаётганлиги сабабли ўзлаштирилмаётган ва ҳосилдорлиги паст бўлган ерлардан юқори натижаларга эришиш имкониятлари шаклланди.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини деҳқон даласидан истеъмолчига етказиш жараёнларида узулишлар ва маълум миқдордаги исрофгарчилик ва сифат бузилишлари бўлмоқда. Тадқиқотчи олимларнинг маълумотларига кўра сут ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашдаги исрофгарчиликнинг умумий ҳажми 7,5 фоизини ташкил этади. Умуман, исрофгарчиликнинг 40 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фаолиятида бўлар экан. Бу ўз навбатида сут маҳсулотларини сотиш баҳосини ва таннархини кескин оширади. Кейинга муаммолардан бири бу фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган сабзавотлар асосан барра кўринишида олиниб деҳқон бозорида сотилиши ҳам ҳосилдорликни пасайишига олиб келади. Маҳсулотларнинг жуда кўп қисми турли чакана савдо шохобчаларига тўғридан-тўғри жўнатилади. Маҳсулотнинг бир қисми мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналарга сотилади. Қолган маҳсулот бозорларда ва бошқа истеъмолчиларга, жумладан вилоят ташқарисига

сотилади. Сабзавот маҳсулотларини бу тарзда сотиш жуда катта нобудгарчиликка олиб келиши мумкин. Нобудгарчиликлар, сифатнинг пасайиши, маҳсулотни сотишдаги чиқитлар, ташиш пайтидаги бузилишлардан ҳосил бўлади. Экспертлар маълумотларига кўра нобудгарчилик таннархда сабзавотлар бўйича - 2,5 - 3,6 фоизни, картошка бўйича - 2,0 - 3,6 фоизни ташкил қилади. Бу эса маҳсулотлар сотилишининг иқтисодий натижаларига салбий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар жараёнида ҳар бир гектар ердан самарали фойдаланишдан иборат

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Тошбоев А.Ж., Азизқулов Б. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ресурстежовчи технологиялардан фойдаланиш йўллари. Монография. -Т**.:** “MUXR-PRESS”,2017, 176 бет.

ЗАРАРЛИ ТЕМИРЧАКЛАРГА ҚАРШИ ИҚТИСОДИЙ ТЕЖАМКОР КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Ҳамроев И.А. *- ЎҲҚИТИ тадқиқотчиси, қ.х.ф.ф.д.*

Дунёда тўғриқанотлилар туркумига мансуб темирчаклар, чигирткалар, чирилдоқлар ва бузоқбошлар кенг тарқалган ҳашаротлар ҳисобланади. Уларнинг ер куррамизда 20000 дан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, Яқин ҳамдўстлик давлатларида эса 800 дан ортиқ турлари тарқалган, ҳозирги даврда ҳам зарарли темирчак ва чигирткаларнинг кўпайиши ва тарқалиб жиддий зарар етказиши оқибатида Африка, Австралия ва Осиё мамлакатларида олинаётган ҳосилга жиддий зарар берилаётган ҳолатлари кузатилмоқда. Ҳозирги кунда ер юзида иқтисодий инқироз юзага келиши туфайли барча ресурслардан оқилона фойдаланиб, тежамкор технологияларни қишлоқ хўжалигида, хусусан, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида кенг жорий этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий хавф туғдираётган зараркунандалардан бири - тўғриқанотлилар туркумига мансуб бўлган темирчакларнинг зарарли турлари ҳисобланади. Олимлар томонидан, ушбу зараркунанда турлари, уларнинг иқтисодий зарар бериш миқдор мезони, қишлоқ хўжалик экинларига келтирадиган зарари, уларнинг ривожланиш хусусиятлари, фенологияси, биоэкологияси, тарқалиш фаунаси ва тур-таркиби маълум даражада ўрганилишига қарамасдан, бу борада яна ҳам илмий-тадқиқот ишларини изчил давом эттиришни тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам, ушбу зараркунанда тўғрисида янги илмий маълумотлар тўплаш ҳамда уларга қарши самарали препаратларни ишлатиш ва атроф-муҳитга безарар бўлган илмий асосланган кураш тадбирларини ўтказиш зарур.

Республикамизда темирчакларнинг зарарли турлари ғўза, ғалла, боғ ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари атрофларида кўпайиб, зарар келтириши ҳисобига экинлардан олинаётган ҳосил пасайиб, зараркунандага қарши кураш тадбирини ўтказишни тақозо этади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг 3.3 бандида "...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чоралари ишлаб чиқиш ва жорий қилиш" қишлоқ хўжалигида устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Шу сабабли, зарарли темирчакларнинг қишлоқ хўжалик экинларига жиддий зарар келтирадиган турларини аниқлаш, уларнинг ривожланиш хусусиятларини, биоэкологиясини ўрганиш ҳамда уларга қарши атроф-муҳитга безарар замонавий кураш усулларини қўллаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан биридир.

Қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар етказиш хавфи туғдираётган зараркунандалардан бири зарарли темирчаклар ҳисобланади. Зарарли темирчак ва чигирткаларни қишлоқ хўжалиги экинлари яйловлари ва дов-дарахтларга ёппасига ёпирилиб уларни еб битириши натижасида чорва моллари ва жонзотларни қирилиб кетиши, бутун бошли мамлакатларда ва катта ҳудудларда очарчилик юзага келган ҳолатлари тарихдан маълум.

Зарарли чигирткалар қаторига марокаш, осиё, италия ва қир пруси, отбосар, туркман чигириткаларидан ташқари маҳаллий чигирткалардан зарарли темирчаклар киради. Зарарли чигирткаларнинг доимий тарқалиш ва кўпайиш ўчоқлари Республикамизнинг чўл қир - адир ва тоғ олди ҳудудларидаги яйловлар, бўш партов ерлар ва Орол бўйи минтақасидаги қамишзорлар бўлиб, жами 10-12 млн. гектар атрофидаги майдонни ташкил этади. Бундай катта майдонларда уларни тўлиқ назорат қилиш ва йўқотиш имконияти мавжуд эмас.

Зарарли темирчаклар Республикамизда темирчакларнинг кўплаб турлари зарар беради. Жумладан яшил, оқпешона, думли ва кулранг, зарарли темирчаклар кенг тарқалган бўлиб, зовур, каналлар ёнлари, бўш партов ерлар ва экин майдонлари атрофлари уларни ривожланиш ва тарқалиш маконлари ҳисобланади. Улар ёппасига кўпайган жойларда ғўза, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказиш хавфи пайдо бўлади. Ўтган 2006, 2007, 2008, 2009, 2012, 2014 айниқса, 2016 йилларда зарарли темирчакларни энг хавли зарар бериши кузатилиб, республика ҳудудида ва қўшни республикаларда кескин равишда ёппасига кўпайиши ва тарқалиши кузатилди, ҳаттоки Тошкент шаҳри ҳудудига учиб келиш ҳолатлари рўй берди.

Темирчаклар - ўсимликхўр ва аралаш озиқланувчи ҳашарот турларига мансуб. Ўзбекистон ҳудудида уларнинг 50 дан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, уларнинг 5 тури экинларга жиддий зарар етказади. Айрим турлари ўтлоқларда ўсимликлар билан озиқланса, бошқалари маданий ўсимликларни ва дарахт баргларини шикастлаб зарар келтиради.

Яшил темирчак - (Tettigonia viridissima L), бу ҳашарот аралаш озиқланувчи, танаси анча йирик. Катта ёшга ўтиши асосан июн ойининг иккинчи декадасидан сентябр ойигача давом этади. Тошкент вилоятида ем-хашак экин майдонлари ва бутазорларда сезиларли зарар келтиради. Яшил темирчакнинг урчиш вақти 35-45 дақиқагача давом этади. 15 дақиқалардан сўнг эса эркак темирчак яна чириллай бошлайди. Тухумини алоҳида биттадан ерга зич қилиб қўяди. Ўзбекистон шароитида яшил темирчак 70-100 тагача тухум қўяди. Ҳашаротнинг тухумлари баҳоргача тупроқда сақланиб, улардан личинкалар чиқа бошлайди.

Думли темирчак - (Tettigonia caudata Charp). Думли темирчак эркакларининг танаси 22-27 миллиметр бўлса, урғочиларининг узунлиги тухум қўйгичсиз 26-29 миллиметрга етади. Уларнинг танаси кўкимтир - яшил тусда, орқа оёқларининг юқори қисми эса сариқ рангда бўлиб, олдинги жуфт қанотлари жигар рангда бўлади. Олдинги қанотлари одатда, сакровчи орқа оёқларидан бироз узунроқ бўлади. Урғочилари эса бақувват ва анча мураккаб тузилишга эга. Тухумлардан личинкалар асосан апрел ойида чиқа бошлайди. Айрим ҳолатларда ўсимликлар қолдиқлари қалин бўлган жойларда личинкаларнинг тухумдан чиқиш муддати чўзилади. Бунинг асосий сабабларидан бири ўсимликлар қалин бўлганлиги сабабли қуёш тафти бироз кечроқ етиб, ривожланиш муддати чўзилади.

Оқ пешона темирчак - (Decticus albifrons). Ҳаёт тарзи яшил темирчакларга ўхшайди, асосий фарқи катта масофага уча олмайди. Бу турдаги темирчаклар экинларнинг янги ниҳол ва ўсиб чиққан майин майсаларини зарарлаб, ўсимликларнинг баргларини, пояларини, гулларини, ғунчаларини ва меваларини ҳам шикастлайди. Оқ пешона темирчак қўнғир-сариқ ёки яшил қўнғир тусли бўлиб, катталиги 30-45 миллиметрга тенг.

Оддий кулранг темирчак - (Decticus verrucivorus L.) аксарият тоғ ва тоғ олди ҳудудларда учрайди, чорвачилик учун зарур бўлган ўсимликларга зарар келтиради. Бу турдаги темирчак йирик, танасининг узунлиги 29-30 мм, ранги тўқ яшил, аксарият пушти рангдаги холлари кўп, тухумларини ўсимликларнинг пояларига 50-70 тагача қўйиш йўли билан кўпаяди. Ҳаммахўр: ёввойи ўсимликлар ва майда ҳашаротлар билан ҳам озиқланади. Айрим йиллари токзорларга ва боғларга ҳамда қишлоқ хўжалик экинларига ҳам зарар келтиради.

Кейинги йилларда Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда воҳа, қир ва якка тарзда яшайдиган маҳаллий чигирткалар (шоли, турон, туркман, полиз, миср, олақанот) турлари ва темирчак (кузнечик)лар (яшил, оқпешона, думли, кулранг ва бошқалар) турлари сонини кўпайиши кузатилиб, уларни ғўза, ғалла ва бошқа экинларга зарари сезиларли бўлмоқда.

Шунингдек, маҳаллий чигирткалардан зарарли темирчакларнинг 1 $м^2$ сатхдаги ўртача сони 5-8 тадан ошган жойларда кимёвий ишловларни ўтказиш тавсия қилинади.

Зарарли чигирткаларга ва темирчакларга қарши курашда ҳозирги кунда дунё миқёсида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам кимёвий кураш усули энг

мақбул усул бўлиб қолмоқда. 2016-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссияси рўйхатида чигирткаларга қарши тавсия этилган замонавий препаратларни зарарли темирчаклар нинг асосий турларига қарши илк бор турли сарф-меъёрларда синовдан ўтказиб, юқори биологик самарадорликка эришилди. Жумладан**:** Далате плюс 10 % эм.к. (0,1-0,125 л/га), Лямбда 10 % эм.к. (0,1-0,125 л/га), Киллер Нео 10 % эм.к. (0,1-0,125 л/га), Атилла супер 10 % эм.к. (0,1-0,125 л/га), Гунсяо супер 20 % эм.к. (0,0375-0,0625 л/га), Караче 10 % эм.к. (0,1-0,125 л/га), Фаскорд 10 % эм.к. (0,1-0,125 л/га), Энтометрин 25 % эм.к. (0,15-0,35 л/га) Дифуз 48 % сус.к. (0,03 л/га), Анис 20 % (0,035 л/га), Неоклоприд 35% эм.к. (0,04-0,08 л/га), Энтолучо 20 % эм.к. (0,075 л/га) Багира 20 % с.э.к. (0,075 л/га), Химидор 60 % сус.к. (0,035 л/га) инсектицидлари ишлатиш учун тавсия этилади.

Тажрибалар асосан Тошкент вилоятининг Қибрай туманида, Жиззах вилоятининг Зарбдор, Зомин туманларида олиб борилди. Тошкент ва Жиззах вилоятларида асосан оқ пешонали ва яшил темирчаклар кўплиги кузатилди. Қашқадарё вилоятида яшил, оқ пешона, кулранг темирчакларини учратдик ва хар хил тадқиқотлар олиб борилди, қарши курашишда энг самарали, иқтисодий тежамкор препаратлардан фойдаланилди.

ЧЎЛ-ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИ ҚУЙИ МАЖМУАСИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Тангиров А.Э. *– СамВМИ, и.ф.н., доцент*

Республика иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялаш шароити аграр секторни тизимли ва узлуксиз тараққиётини таъминлашда агросаноат мажмуаси корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва самарали фаолият юритишига кўмак берувчи, уларга турли хизматлар кўрсатувчи агросервис субъектларини кўпайтириш ва ривожлантириш ҳисобига тармоқда, хусусан чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси рақобатбардошлигини ошириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг топшириғига биноан чўл-яйлов чорвачилиги ривожлантириш ҳисобига “... жаҳон бозори талабларига мос қоракўл териларни ишлаб чиқариш ва икки йилда экспорт ҳажмини икки баробарга кўпайтириш... ”[1] вазифаси қўйилди. Бу вазифани чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси корхоналарига агросервис ва бозор хизматларни ҳамда улар ўртасида эркин рақобатни замон талабларига мос шакллантирмасдан уддалаш мумкин эмас.

Мамлактимизда агросервис субъектларини устувор ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинмоқда.

Лекин, тадқиқотларнинг кўрсатишича, хизмат кўрсатиш корхоналари суст ривожланмоқда, хўжаликларнинг сервис хизматларига бўлган талаблари етарли даражада қондирилмаяпти. Ушбу соҳаларда ҳанузгача соғлом рақобат муҳити

шаклланмаган, хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг замонавий муқобил ва нодавлат шаклларини ташкил этиш ва зарур инвестицияларни жалб қилиш талаб даражасида эмас. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий субъектига айланган фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонлари ўлчамларининг мақбуллашуви, кўп тармоқли ишлаб чиқаришга ўтилиши каби сабаблар нафақат агросервис хизматларига бўлган талабнинг кескин ортишига, балки ушбу тизимда диверсификациялаш жараёнини такомиллаштириш заруратига олиб келмоқда. Зотан, ҳозирги шароитда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни сифатли ва арзон агросервис хизматларига бўлган талабини ўз вақтида қондириш жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқдаки, бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига ва рақобатбардошлигига салбий таъсир қилмоқда.

Ҳозирги кунда ривожланган давлатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг даражаси ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 70-80 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич мамлакатимизда 55,0 фоиздан ошмаяпти. Мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларда истиқомат қилишига қарамай, бу ерда хизмат кўрсатиш ҳажми охирги йилда 25-27 фоиздан ошмади. Қоракўлчилик тармоғи жойлашган ҳудудларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига нисбатан таъминот даражаси 10-15 марта паст. Қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликларда, ишлаб чиқариш бинолари 44,5 фоизга, иншоотлар 34,9, узатиш мосламалари 48,0, машина ва ускуналар 35,8 ва транспорт воситалари 64,8 фоизга эскирган. Бу асосий воситалар жисмоний эскирган бўлиши билан биргаликда замонавий ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермаганлиги сабабли ишлаб чиқариш самарадорлиги пастлигича қолмоқда.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ҳажмини кўпайтириш, уларнинг таннархини пасайтириш, сифатини яхшилаш, рақобатбардошлигини оширишда тармоқнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Аммо, қоракўл қўйларининг озуқага бўлган талаби яйлов ҳисобидан камида 85 фоиз таъминланиши ўрнига атиги 50-55 фоизга қондирилиши бир бош қўйга ўртача 15-17 минг сўм ортиқча харажат қилишга олиб келмоқда.

Қоракўлчиликда она қўйларни сунъий қочириш жараёнини илмий асосда ташкил этиш ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини кўпайтириш ва сифатини яхшилашнинг муҳим омил ҳисобланади. Республикада 6,2 млн. бош қоракўл қўйлари мавжуд бўлиб, шу жумладан 4,4 млн. боши деҳқон хўжаликларида 0,5 млн. боши фермер хўжаликларида ва 1,3 млн. боши ширкат хўжаликларида парваришланмоқда. Мавжуд она қўйларнинг 30 фоизигина сунъий уруғлантирилган. Бу эса харажатларнинг ошиб кетишига ва маҳсулот сифатининг пасайишига олиб келмоқда.

Қўзиларни қоракўл тери учун сўйиш, қўйлар жунини қирқиб олиш ва жунга дастлабки ишлов бериб тойлаш ҳам марказлшган ва механизациялашган махсус пунктларда бажарилар эди. Аммо, қоракўл тери учун қўзиларни сўйиш, жун қирқиш пунктлари, сақлаш бинолари ва улардаги машина ва механизмларнинг ишлатишга яроқсиз ҳолга келиб

қолиши ҳамда янгиланмагалиги оқибатида қўзиларни сўйиш, қўйлар жунини қирқиб олиш малакага эга бўлмаган ишчилар томонидан амалга оширлаётгани қўзиларни сўйиш, жунни қирқиш ва дастлабки ишлов бериш, омборда сақлаш жараёниларида етказиладиган нуқсонларнинг кўпайишига ва сифатининг пасайишига ҳатто яроқсиз маҳсулот бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Бир зооветеринария пункти чорва молларнинг жойлашган ҳудуд майдонинг катта-кичиклигига қараб 8,0-12,0 минг бош шартли қўйлар ўринига 48,4 минг бош ёки 4-6 баробар кўп шартли қўйларга хизмат кўрсатмоқда. Қашқадарё вилоят зооветеринария хизматлари кўрсатишга 33,0 млн. сўмлик буюртма олган ва 27,0 млн. сўмга ёки 81,7 % га бажарган холос. Республикада бир бош шартли қўйга кўрсатилган зооветеринария сервис хизмати 15,0 минг сўм ўрнига 80,0 сўмни ташкил қилган.

Сут ишлаб чиқариш учун сервис хизмати кўрсатувчи корхоналар шаклланмаганлиги сабабли 1,0-1,1 млн. бош марри она қўйларни соғишдан ва 450-500 минг тонна озуқавий қиймати юқори бўлган қўй сутини соғиб олишдан воз кечилмоқда.

Келтирилган сабаблар чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини кескин пасайтирмоқда.

Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмни қайта ишлаш қувватлари етишмаётганлиги, қўй сути, мол териси ва жун каби маҳсулотлардан деярли фойдаланилмаётганли ва маҳсулотларнинг чуқур қайта ишланмасдан катта қисми хомашё сифатида сотилаётганлиги чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси рақобатбардошлигини кескин чегараламоқда. Масалан, Навоий вилоятида гўштни қайта ишлаш 18-20 фоиздан, жунни 20-21 фоиздан, мол терилари 30 фоиздан ошмаяпти. Қоракўл тери қайта ишлаш ошлаш, жунни эса ювиш билан якунланмоқда холос. Улардан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш деярли йўлга қўйилмаган. Натижада, жуннинг товарлик даражаси 66,9 фоизни, қоракўл тери 34,7 ва мол териларики 9,9 фоизни ташкил қилган холос ва ишлаб чиқилган 2783,7 ц жун, 3649 дона қоракўл тери ва 15775 дона мол терилари ўз харидорларини топмаган.

Навоий вилояти “Қоракўл” бирлашмаси тизимидаги хўжаликларда етиштирилган ва қайта ишловчилар томонидан ошланган бир дона (32592 дона) қоракўл терини донасини ўртача 10,4 доллардан ва (32592 ц жуннинг) 1 центнер ювилган жуни ўртача 45,4 доллардан экспорт қилинган. Аммо, қоракўл терининг хўжаликлар бўйича ўртача экспорт баҳосидаги 2,17 (16,83 $ ва 7,75 $) баробарга, 1 ц жунники 32,2 (38,5 $ ва 50,9 $) фоизга фарқ қилган. Ишлаб чиқилган қоракўл терининг 40,1 фоизи ва жуннинг 72,0 фоизи экспорт қилинган.

Вилоят ҳудудида жойлашган 8 та тумандан иккитасидагина жун экспорти амалга оширилган холос. Вилоят бўйича 3843,0 тонна жун ишлаб чиқарилган ва 612,3 тоннаси ёки атги 15,9 фоизи ювилган ҳолда ўртача бир тоннасини 461,6 доллардан экспорт қилинган. Конимех туманида етиштирилган жуннинг 100,2 тоннаси ёки 10,1 фоизигина, 1 тоннаси ўртача

500,2 доллардан экспорт қилинган. Томди туманида мос равишда 472,1 ёки 83,6, 472,1га тенг бўлган. Демак, туманда ишлаб чиқарилган жуннинг аксарияти экспорт қилинган. Аммо ўртача сотилиш нархи Конимех туманига нисбатан 23,0 фоизга, вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан эса 16,5 фоизга паст бўлган. Навоий шаҳрида 12 тонна жун ишлаб чиқилган, лекин 40,0 тонна экспорт қилиниши хўжаликлардан тайёрланган маҳсулот ҳисобига юз берган. Аммо, экспорт нархи Конимех туманига нисбатан икки баровар, вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан деярли 46,0 фоиз паст. Демак, экспорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаятганлиги ҳам мажмуанинг рақобатбардошлиги кескин сусайтирмоқда.

Қоракўл тери ва жуннинг асосий қисми республикада 3-4 та фирма томонидан тайёрлананилмоқда ва улар Ўзбекистон бозорида монопол мавқега эгадирлар. Бу эса етиштирилган маҳсулотлар бозор баҳоларидан анча паст сотилиши, харид қилинган маҳсулотлар ҳақи шартномада кўрсатилган муддатларда тўлаб берилмаслиги ишлаб чиқарувчилар моддий манфаатдорлиги камситилишига олиб келмоқда. “Меховая Мода” МЧЖ фаолияти таҳлили кўрсатдики, тузланган қоракўл терини ўртача 38,0 минг сўмдан сотиб олган, уни ошлаб 65,0 минг сўмдан сотган. Ушбу терилардан тайёрланган шубадаги бир дона қоракўл териси ўртача нархи 118,0 минг сўмни ва мос равишда олинган фойда 17,0 ва 64,0 минг сўмни ташкил қилган.

“Истиқлол” наслчилик ширкат хўжалиги (НШХ) тирик вазнда 1 центнер гўштни 683,6 минг сўмдан, гўшт шаклида 2000,0 минг сўмдан ва колбаса шаклида эса 2780,0 минг сўмдан сотган ва мос равишда 229,1, 985,9 ва 1810,0 минг сўм фойда олинган. “Сайхан” НШХ, 1 центнер жуни 800,0 минг сўмдан кигиз тайёрловчи цехга сотиб 26,1 минг сўм фойда олган, цех эса тайёр маҳсулот шаклидаги жуни 3478,6 минг сўмдан сотиб, 1735,7 минг сўм фойда олган.

Баҳо воситасида қайта ишловчи корхоналар томонидан ўзлаштирилаётган 70-75 фоиз фойдани хом ашё ишлаб чиқарувчиларнинг ихтиёрида қолдириш ва иқтисодий адолатни тиклаш мақсадида республикада етиштириладиган барча маҳсулотларни тўлиқ чуқур қайта ишловчи кўп тармоқли фермер хўжаликлари ва хўжаликлараро корхоналар ташкил этиш ўз навбатида чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши муқаррар. Шулар билан биргаликда ўзаро боғлиқ корхона ва ташкилотлар иқтисодий алоқалар механизми такомиллашмаганлиги ва маркетинг хизмати деярли шаклланмаганлиги чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуасининг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Такидланган муаммоларни бошқаришнинг тубдан янги технологияси ҳисобланган агрокластер тизмини жорий этиш билан ечиш мумкин. Бошқаришнинг бу технологияси ишлаб чиқариш тизимни юқори малакали кадрлар, илмий таъминотини амалга ошириш билан биргаликда ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, товарларни сотиш ва сервис хизматларини ўзида

мужассамлаштириб чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуанинг барқарор ривожланишига ва рақобатбардошлигининг ошишига хизмат қилади.

Чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида чўл-чорвачилигидан олинаётган хом ашёларни тўлиқ қайта ишлашни таъминлаш ҳамда ундан тайёланаётган тайёр маҳсулотларга истеъмолчилар талабини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда агрокластер тизмининг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш ва кенг жорий этиш орқали чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси рақоботдошлигининг юқори даражасига кўтаришга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Предиденти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 28 март куни Навоий вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис 55 – баёни.

2. Каюмов Ф.К. и др. Каракулеводческий подкомплекс и его роль в формировании конъюнктуры рынка. Т. "Узинформагропром". 1993 г.

5. Тангиров А.Э. Совершенствование продажи продукции пустынно-пастбищного животноводства и модернизация отрасли. //Формирование и развитие сельскохозяйственной науки в XXI веке//с. Соленое Займище-2016. С.509-514.

ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБЛАРИ

Хасанов Н. *– ТДАУ Агрологистика кафедраси доценти*

“Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017-йилнинг 7 февраль куни мамлакатимизни 2017-2021 йилга ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2021 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида бошқарувнинг замонавий услулларига тўхталиб қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш жиддий эътиборни талаб қилади.

Энг аввало, корпоратив ёки акциядорлик бирлашмаларимизнинг фаолияти самарадорлигини танқидий баҳолаш, уларни хорижий давлатлардаги ана шундай корхоналар билан таққослаб кўриш зарур. Чунки, бугунги кунда иқтисодий ривожланган мамлакатларда, айниқса, саноат соҳасида мулкчиликнинг бундай шакли муҳим ўрин тутади” [1].

Бугун шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар замонавий талабларга ҳали-бери тўлиқ жавоб бермайди.

Биз ҳанузгача эскича фикрлаш қолипидан чиқа олмаяпмиз, ўз умрини ўтаб бўлган, эски ва яроқсиз планли-тақсимот тизими қолдиқлари, афсуски, бутунлай барҳам топгани йўқ. Кескин рақобат шароитида солиқ имтиёзлари ва протекционистик чоралар ҳисобидан яшаш мумкин, деган нотўғри қараш миямизга чуқур ўрнашиб қолган.

Бундай чоралар, аввало, корхоналар манфаатига зарар етказиб, уларнинг даромадини камайтириш билан бирга, давлат бюджетига сезиларли равишда зиён етказиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. энг муҳими, ҳар қандай имтиёз ва преференциянинг умри узоқ эмаслигини эсимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Фақат шундай имтиёз ва преференцияларга таяниб қолган корхоналар очиқ иқтисодиёт шароитида хорижий компаниялар билан нафақат ташқи, балки ички бозорда ҳам рақобатлаша олмайди.

Ўйлайманки, бу масала бўйича тушунтириш ва изоҳ бериб ўтиришнинг даври ўтди, эскича бошқариш қолиплари ва усулларидан қутула олмаётган раҳбарлардан қатъий воз кечадиган вақт келди. Бугун ҳаётнинг ўзи корхона ва бирлашмаларни бошқаришда замонавий фикрлайдиган, пухта тайёргарликка эга бўлган менежерларга таянишни талаб этмоқда» [2].

Ҳаракатлар стратегияси ривожланишининг ҳозирги босқичида бошқарув сохасида бир қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Ватанимиз иқтисодий манфаатлари, жаҳон капитал бозорларига ўзбек эмитентларини олиб чиқиш масаласи республика учун энг мос келадиган бошқарув моделини ишлаб чиқишни тақозо этади. Мазкур бошқарув шакли тадбиркорлар учун янги тушунчадир, ҳозирги вақтда бозор муносабатлари ва мулкдор синфнинг шаклланиши жараёни тез ривожланмоқда, лекин инвестицияларни кенг жалб қилиш орқалигина ўз ишларини ривожлантириш ва кенгайтириш мулкчилигини ҳали тўла тушуниб етгани йўқ, айни шу сабаб мавзунинг нечоғлик долзарблигини кўрсатиб беради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган харакатлар стратегияси асосида режали иқтисодиётдан ёки маъмурий буйруқбозлик йўлидаги бошқарув тизимидан воз кечиб бозор муносабатларига асосланган эркин бошқарув тизимига ўтмоқдамиз. Чунки маъмурий буйруқбозлик бошқарув усуллари соғлом фикрни, ташаббус ва тадбиркорликни йўққа чикариб тараққиётга тўғоноқ бўлгани ҳаммамизга аён.

«Бугунги куннинг энг мухим вазифаси, - деб таъкидлайди Президентимиз Ш.Мирзиёев, - ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига олабиладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, иймони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир»[3].

Ҳозирги раҳбар ҳам аъло мутахассис, ҳам ҳақиқий тадбиркор, ташкилотчи, айни пайтда ўз ҳақ-хуқукини таниган-билган киши бўлиши керак. Шу ўринда бугунги ҳаётимиздаги муайян бир номуносибликни очиқ эътироф этиб, Президентимиз қуйидагиларни баён этади. «Бошқарувнинг

қуйи қатламларида, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида янгиликка интилиш, янгиликни жорий этишга саъй-харакатлар бор, лекин бу олижаноб майл ва харакатлар ўрта ва юқори буғинларда, хусусан, мамлакат вазирликлари ва идоралари даражасида ўтирган, тўрачиликни ўзларига касб этган, лоқайд, эскича фикрлайдиган, ўзини хон, қўланкасини майдон хисоблайдиган, янгиликка йўл бермайдиган ношуд кимсаларнинг каршилигига дуч келмокда. Бизнинг қатъий фикримиз шуки, бундай кишилар ё танқиддан зарур хулоса чиқариб, тез орада ўз фикр ва савияларини ўзгартирадилар, ёйинки биз уларнинг бутунлай бахридан ўтамиз» [4].

Жумладан, ишлаб чиқариш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади меҳнатни тўғри ташкил этиш, маҳсулот сифати ва самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни тубдан яхшилашга қаратилган тадбирлар мажмуасидан иборат. Шу боисдан, бугунги янгиланиш, маънавий юксалиш даврида ҳар томонлама фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллаштириш, барпо этилган ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш, бошқарув тизимини, хўжалик механизмини такомиллаштириш негизида иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда шу асосда халқнинг фаровонлиги янада юксалтириш олдимизда турган долзарб вазифадир. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг самарали ривожланиш стратегиясини танлаш ва шу асосда меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини, шахслараро ўзаро муносабат, меҳнат режими, техникага бўлган муносабат, ҳамжиҳатлик кабилар ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналар ривожланишининг назарий, услубий, амалий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган услубий таклифлар ишлаб чиқиш долзарб масаладир.

УДК:636.2:637.12

СОҒИМ СИГИРЛАРДАН СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ ОЛИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Зубайдуллаев А.А. *- СамВМИ, катта ўқитувчи*
Казакова З.С. *- СамВМИ, ассистент*
Саламов И.*- СамВМИ, илмий маслаҳатчи, доцент*

Чорвачиликда, соғим сигирлардан сут соғиб олиш, унинг миқдорини кўпайтириш билан биргаликда сифатини ҳам яхшилаш учун инновацион техника ва технологиялардан фойдаланиш,маҳсулотларни талаб ва таклиф асосида диверсификация қилиш, тармоқни иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари ҳақида иқтисодий таҳлил натижаларни Самарқанд вилояти туманлари мисолида ўрганилди. Самарқанд вилоятида етиштирилган ва истеъмолчиларга етказилиши керак сут маҳсулоти 2018 йил бизнес-режаси бўйича 1 256 408 тонна этиб белгиланган бўлса, 2018 йилда ҳақиқатда ишлаб чиқарилган сут 1 272 907 тонна бўлди (бу кўрсаткич 2017 йилда 1 240 896

тонна бўлган). Ушбу сутни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказишдаги жами харажатлар суммаси 1 547 153 миллион сўмни ташкил этган бўлса,уларни сотишдан олинган ялпи пул тушуми 1 674 962 миллион сўм бўлди.Олинган фойда эса 127 809 миллион сўмни ташкил этди. Сутчиликдаги рентабеллик даражаси 8,3 фоиз бўлди. 1 тонна сутни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказишнинг ўртача сотиш баҳоси 2 193 минг сўм, 1 тонна сутни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказишдаги жами харажатлар миқдори 2 026 минг сўм. Самарқанд вилоятида сутчилик йўналишидаги рентабиллик даражасини деҳқончилик тармоғининг узумчилик йўналиши билан солиштирсак, узумчиликда 31,8 фоизни ташкил қилган. Таққослаш шуни кўрсатдики, узумчиликнинг сутчиликга нисбатан рентабеллик даражаси 23,5 пунктга юқоридир. Агар ушбу кўрсаткични туманлар мисолида иқтисодий таҳлил қилсак, вилоятда энг юқори рентабеллик даражаси Тайлоқ туманидадир, 2017 йилда ишлаб чиқарилган ва истеъмолчиларга етказилган сут маҳсулотлари 77 566 тонна бўлди. 2018 йил туман бизнес-режасида 81 444 тонна эди, ҳақиқатда эса 86 859 тонна бўлди. Қилинган жами харажат 118 041 миллион сўм, сотишдан тушган ялпи пул тушуми 130 289 миллион сўм бўлди. Сутни сотишдан олинган фойда 12 247 минг сўм, туман сутчилигидаги рентабеллик даражаси 10,4 фоизни ташкил қилди. Тайлоқ туманида 1 тонна сутни сотиш ўртача баҳоси 2 500 минг сўм бўлди, 1 тонна сутни ишлаб чиқариш учун харажатлар эса 2 265 минг сўм. Самарқанд тумани эса, Тайлоқ туманидан кейин иккинчи ўринда рентабеллиги нисбатан юқори тумандир. Туманда 2017 йилда ишлаб чиқарилган ва истеъмолчиларга етказилган сут маҳсулотлари 53 076 тонна бўлди. 2018 йил туман бизнес-режасида белгиланган 53 607 тонна тонна ўрнига ҳақиқатда эса 53 833 тонна сут ишлаб чиқарилди. Қилинган жами харажат 73 967 миллион сўм, сотишдан тушган ялпи пул тушуми 80 750 миллион сўм бўлди. Сутни сотишдан олинган фойда 6 783 миллион сўм, туман сутчилигидаги рентабеллик даражаси 9,2 фоизни ташкил қилди. Самарқанд туманида 1 тонна сутни ўртача сотиш баҳоси 2 500 минг сўм, 1 тонна сутни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказишдаги жами ҳаражатлар 2 290 минг сўм бўлди.

Бугунги кунда сут ишлаб чиқариш жараёни тез ривожланди. Сут етиштириш нафақат мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган инсон саломатлигини сақлаш учун витаминли озиқ-овқат ва аҳоли даромадларини ошириш, оила фаровонлигини яхшилаш масалаларини ҳал этишда зарурий аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Тармоқ ва тармоқ ичидаги йўналишларни тараққиёти кадрларга боғликдир. Шунинг учун бўлғуси мутахассис-кадрлар ушбу соҳаларнинг мазмун-моҳиятини яхши билиб олишлари талаб этилади. Сутчиликни ривожлантиришда, деҳқончилик тармоғининг ҳиссаси жуда каттадир, жумладан узумчилик йўналишининг ҳам улуши бордир. Халқимиз унинг ҳосилидан тортиб, шохлари, барги, уруғию новдаларидан ҳам кенг фойдаланади. Мисол: Навоий вилоятининг Хатирчи тумани Учқора қишлоғидаги оилалар сифатсиз узум, сифатсиз майиз, токнинг навдалари ва баргларини чорвачиликда озиқа рационларига киритишадилар. Узум гули

истеъмол қилинса, чорва молларини сувга бўлган чанқоғини босади, бироқ уни наслдор таналарга бериш тавсия этилмайди. Унинг ҳеч нимаси чиқитга чиқмайди. Узум таркибида 150 дан ортиқ биологик фаол моддалар мавжуд. Турларига қараб, таркибида 20 фоизгача қанд, оксил, ёғ, шунингдек органик кислоталар, турли дармондорилар мавжуд. Узумнинг асосий хусусияти-таркибида кислоталарнинг кўплигидир. Улар чорва молларини нафас олиш йўлларини йўталини юмшатади. Узум таркибида қанд кўплиги сабабли унинг шарбати заифлашган чорва молларига берилади,чунки, соғим сигирларга дармон бўлади. Узум шарбати сийдик ҳайдаш, ҳомилани мустаҳкамлаш хусусиятига эга. Уруғи сигирлар бачадонидан қон кетишида қон тўхтатувчи восита сифатида чорвадорлар томонидан ишлатилинади, Майиз уларни семиртиради, ички яраларни даволайди. Майдалаб, мол ёки қўй ёғига аралаштириб, суртилса шишни йўқотади. Туйилган майизни винога қўшиб, суртилса қорасон, турли яраларни даволайди. Ток баргида 2 фоиз қанд, кўпроқ органик кислоталар мавжуд. Замонавий халқ тиббиётида ток барги қайнатмасининг совутилгани ревматизмдаги кўз хиралашишини даволашда фойдалидир. Қуритилган барг кукуни йирингли яраларга қўйилади, ичак ярасини даволайди. Айниқса, наслдор таналарга берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ток навдалари чорва молларини иштаҳасини очади. Ток шарбатига вино аралаштириб суртилса, экземани даволайди. Бироқ, бу усулни қўллашдан бурун яра сода билан тозаланиши лозим. Ток новдаси ёқилганда чиқадиган суви сугал, сепкил, темираткини даволайди. Агар майиз билан артилса, унинг таъсири кучи янада ортади. Ток новдасининг кули сирка билан қўшиб суртилса, бавосирни даволайди. Шунингдек, ушбу кул эски ёғ, зайтун ёғи ва асал билан аралаштириб сирка билан қўшилганда чорва молларини илон чаққанда ва ит тишлаганда ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун илмий-тиббий жиҳатдан асосланган озиқ - овқат меъёрлари бўйича тавсиялар 1986 йил (Справочник, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий текшириш илмгоҳи - собиқ САНИИЭСХ САО ВАСХНИЛИ 4. 364-бет) ишлаб чиқилган. (**Эслатма:** кейинги даврларда айрим ўзгартишлар киритилганлиги эътиборга олиниши кўзда тутилган). Сут ва ҳар хил сутга айлантирилган сут маҳсулотлари (Молоко и прочие молочное продукты в переводе на молоко) бир кишига кунлик сут ва сутли маҳсулотлар истеъмоли 1270 грамм, ойлик 38,1 кг, йиллик эса 463,6 кг, жумладан мақсадли сут (цельное молоко) кунлик 500,0 грамм, ойлик 15,0 кг, йиллик 182,5 кг. Узум, кунлик 70,0 грамм, ойлик 2,1 кг, йиллик 25,5 кг. Ўзбекистон аҳолисининг сони 33,375,8 минг киши (йил бошидан 120,3 минг кишига ёки 0,4 фоизга ошган). Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги узум-майизчиликга ихтисослашган Учқора қишлоғи чорвадорлари хусусий сектордаги сигирлар озиқаси рационига токзорлардан чиқадиган ток баргларидан тортиб навдаларигача бериш натижасида маҳаллий зот соғим сигирлар сутини 1,2-1,3 баробарга қўпайтиришдилар. Биргина Жиззах вилоятининг Фориш туманида “Farish agro valley” МЧЖи томонидан минг бош “Заанен” зотли эчки боқишга мўлжалланган замонавий ферма барпо этилмоқда. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 11,5

миллиард сўм сарфланиши режалаштирилган. Ушбу маблағнинг 8,5 миллиард сўми банк кредитидир. Маблағ қурилишдан ташқари, “Қараман” сув омборини ишга тушириш, ем тайёрлаш мақсадидида бошоқли ва бошқа озиқабоб экинлар етиштириш, ветеринария хизмати фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда хориждан зотли эчкиларни келтиришга йўналтирилган. “Зеенан” зотли эчкилардан шифобахш сут олинади. Маълумки, эчкичилик, сутдан ташқари жун, гўшт ва тери манбаи ҳисобланади. Битта “Зеенан” эчкисини рацион асосида озиқлантириш ҳисобига йилига 3 тоннагача сут олиш мумкинлиги ўрганилган. Самарқанд вилоятида Қўшробот ва Нуробод туманлари чорвачиликга ихтисослашгандир. Келгусида қўйчилик, қорамолчилик, эчкичилик, туячилик, йилқичилик ва бошқа йўналишларни ривожлантириш имкониятларини истиқболда амалга ошириш учун шароитлар,лойиҳалар тайёрланмоқда. **Хулоса ва таклифлар**: **Хулоса: биринчидан,** Таққослаш шуни кўрсатдики, узумчиликнинг сутчиликга нисбатан рентабеллик даражаси 23,5 пунктга юқоридир. **Иккинчидан,** сут маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини яхшиланиши, инновацион техника ва технологияларни кам бўлсада қўллаш асосида бажарилиши натижали бўлмоқда. **Учинчидан,** хориждан келтирилган маҳсулдор қорамол зотлари бизни шароитимизга аста-секин мослашиб боришмоқдалар. **Таклифлар: 1**) соғин сигирлардан олинаётган сутнинг миқдори ва сифатини оширишда, хориждан импорт қилинган зотли қорамоллар рационини талаб даражасида тузишда олимларнинг илмий-амалий тавсияларига амал қилиш ва токзорлардан чиқаётган ток навдаларини янги ва гранула ҳолатида улар ва маҳаллий сигирлар озиқасига қўшиш; 2) олимлар, педагог-олимлар, тажрибалиларнинг илмий-амалий тавсия ва таклифларига доимий тузилган шартномалар асосида амал қилиш; 3) қишлоқларда фаолият кўрсатаётган кўп тармоқли фермер хўжаликлари билан ривожланган хорижнинг кўп тармоқли фермер хўжаликлари ўртасида қўшма фермер хўжаликлари, корхоналар, қўшма лойиҳалар асосида биргаликда сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқишни, етиштиришни йўлга қўйиш (масалан: Австрия мамлакатининг пойтахти Вена шаҳри атрофидаги биологик тоза маҳсулот етиштиришга ихтисослашган Пальцерлар оиласининг кўп тармоқли фермер хўжалиги билан). 4) Сутни миқдорини ва сифатини оширишда қорамоллар учун ҳудудларда ем-хашак етиштиришга ер майдонларини етарли даражада ожратиш, юқори ҳосилдорликга эга бўлган қурғоқчиликга чидамли ем-хашак экинларини экиш; 5) чорвачилик тармоғига сервис хизматини амалга оширувчи буюртма столига эга бўлган (инфратузилма тизимини) хусусий корхоналарни замонавий талабларга жавоб берадиган даражада ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” китоби, Тошкент. “Ўзбекистон”, 2017. 296-бет.
2. Абдусатторов А. Форишда “Заанен” эчкилари. Қишлоқ ҳаёти мухбири 6 июль 2017 й. Пайшанба 3 бет).

ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИДА ҚИЗИЛМИЯ ЕТИШТИРИШНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

ТошбоевА.Ж. *- ТДАУ, и.ф.н. доцент*
Закимов А. *- ККДУ, докторант*

Қорақалпоғистон Республикасининг ерлари қумоқ, фойдаланиш имкониятлари чегараланган, орол фожиасидан кейин сув танқислигига учраган, узоқ йиллар давомида экинларни жойлаштириш ва ихтисослаштиришга, экспортбоб қизилмия етиштиришга аҳамият берилмаган, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб шўрланиш даражаси ортган шу билан бирга ишсизлик даражаси мавжудлигини инобатга олиб, Ҳукумат томонидан ҳудудни ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар ва қарорлар қабул қилинди. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги «Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 63-сонли қарорга мувофиқ қизилмия илдизидан экспортга йўналтирилган юқори қўшилган қийматли маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда доривор ўсимликларни етиштириш ва уни саноат усулида қайта ишлаш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш кўзда тутилди. Қарорнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Қарақолпоғистон Республикаси ҳудудида Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашни амалга оширадиган уюшма ташкил этилди. Унинг таркибида 34 та масъулияти чекланган уюшмалар ташкил этилган бўлиб уларнинг асосий вазифалари қизилмия илдизини бирламчи қайта ишлаш - механик ёки қўл кучи ёрдамида пўстлоғидан тозалаш ёки майдалаш натижасида таёқча, слайс (баргча) ва гранула (ун) ва хоказо шаклида бирламчи маҳсулот ишлаб чиқариш; иккиламчи қайта ишлаш - тегишлича механик ёки қўл кучи ёрдамида кимёвий ишлов бериб ёки бермасдан қизилмия экстракти маҳсулотини (бирламчи глицирризин кислотаси (Crude GA), кукунсимон ва хамирсимон экстракт, қуруқ спрей экстракти (SDLE), бирламчи флавоноидлар) ишлаб чиқариш;чуқур қайта ишлаш - механик куч ва кимёвий ишлов бериш натижасида глицирризин кислотаси (GA) маҳсулотини (глицирретин кислотаси, глицирризин кислотасининг моноаммоний тузи (MAG) ва унинг турлари, глицирризин кислотасининг дикалий тузи (DPG), глицирризин кислотасидан ишлаб чиқиладиган бошқа қўшимча маҳсулотлар, озиқ-овқат қўшимчалари ҳамда глабридин моддаси) ишлаб чиқаришдан иборат. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулотдан тиббиёт соҳаси учун 200 хилдан ортиқ дори таёрлаш, озиқ-овқат ва косметология маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган кўп йиллик ўсимлик ҳисобланади. Бу ўсимлик Қорақалпоғистон шароитида жуда яхши натижа берадиган, маҳсулотнинг сифати жаҳон стандартларига мос, саноат талабларини қондирадиган бўлганлиги учун ҳукумат томонидан уни кўпайтириш учун

катта эътибор берилмоқда. Қизилмия нафақат бизнинг ҳудудларда балки Россия, Қозоғистон ва бошқа хорижий давлатларда ҳам кенг тарқалган. Бу ўсимликни узоқ йиллардан буён хомашё сифатида фойдаланиб келишган. Қизилмиядан олинадиган маҳсулот бу унинг илдизи бўлиб ҳисобланади. Қизилмия ўсимлиги табиатан яратиладиган ва инсон меҳнати орқали маданийлашган кўринишларга эга бўлади. Маданийлашган усулда кўпайтирилган қизилмиянинг ҳосил олиш даврийлиги 4-5 йилни ташкил этади. Шунинг учун қизилмия маҳсулотини узоқ муддатда сақлаш ва қайта ишлаш имкони борлиги ва уни босқичма-босқич эҳтиёж товарга айлантириш учун уюшмаларнинг фаолиятини яхшилашга кўмак бериш талаб этилади. Масъулияти чекланган уюшмаларнинг асосий вазифалари қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш учун комплекс ривожлантириш дастурларини шакллантириш, амалга ошириш, мувофиқлаштириш, иштирок этиш, соҳада ягона илмий-техник, технологик, инвестиция ва экспорт сиёсатини юритишга кўмаклашиш; ҳудудларда махсус плантациялар ташкил этиш, маҳсулот етиштиришда интенсив технологияларини жорий этиш, қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни саноат асосида чуқур қайта ишлаш ҳамда улардан юқори экспортбоп доривор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кўмаклашиш; қизилмия етиштириш ҳамда қайта ишлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш; инвестиция дастурлари ва лойиҳаларининг амалга оширилишини мувофиқлаштиришда иштирок этиш; хорижий сармояларни, чет эллик мутахассислар ҳамда маслаҳатчиларни фаол жалб этиш, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда мувофиқлаштиришда иштирок этиш вазифалари бажарилишини бошқариш зиммасини уюшмаларга бериш керак. Уюшмалар фаолиятини яхшилаш ва улар томонидан ишлаб чиқиладиган маҳсулотларни янада кўпайтириш ишларни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 феврал 2019 йил 138-сонли қарорида Қизилмия етиштириш кўпайтириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни самарали ташкил этиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган. Қизилмия етиштириш бўйича кўплаб туманларда ерлар ажратилиб, фермер хўжаликлари маҳсулот етиштирмоқда. Фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қизилмия ҳом-ашёсини МЧУ томонидан қайта ишланиб заводларга етказиб берилмоқда.

Келажакда қизилмия етиштиришни илғор технологиялар асосида етиштиришни йўлга қўйиш орқали 2024 йилга келиб ҳар бир гектар майдондан ўртача 7-9 тонна қизилмия илдизини қазиб олиш режалаштирилган. Европа мамлакатларига турли хилдаги қизилмия экстракти маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш учун киймати 6,9 млн долларлик «Lanko Miya» МЧЖ ҚКнинг заводи қуриб битказилиши, шунингдек 2019-2020 йилларда глицирризин кислотасининг моноаммоний тузи (MAG) ва унинг турларини ишлаб чиқариш ҳамда қизилмия илдизини қайта ишлаш ва қизилмиянинг янги турлари плантацияларини ташкил этиш бўйича жами 7 млн. долларлик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши

ҳамда 2019-2023 йилларда қизилмия хом ашёсини 25000 тоннага етказиш истиқболлари кўрсатиб берилган.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди қизилмия етиштиришга ва сифатли маҳсулот етиштиришга ихтисослашган ҳудуд бўлганлиги учун ҳар бир туман қишлоқ хўжалик бўлимларида алоҳида штат очиш, қайта ишлаш заводидан чиқаётган ярим товар маҳсулотларни маниторинг қилиш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланадиган уюшмалар фаолиятини имтиёзли молиявий маблағ билан таъминлаш тизимини ва тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги 138-сонли “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги «Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 63-сонли қарори

МАТЕМАТИЧЕСКАЯ МОДЕЛИРОВАНИЯ ДЕФОРМАЦИЙ ГРУНТОВОГО ОСНОВАНИИ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

Есенбай Н.А., Кенес Д.С. *– студенты гр. ИП-18-4к2*
(ЮКГУ им.М.Ауэзова, Казахстан, г.Шымкент)
Уралов Б.К. *– к.т.н., доцент, научный руководитель*
(ЮКГУ им.М.Ауэзова, Казахстан, г.Шымкент)
Кушаров З.К*.-к.э.н, доцент (ТГАУ)*

Точность прогнозов в механике грунтов в большой степени определяется тем, с какой полнотой в уравнениях состояния отражаются особенности деформирования грунтов. При этом в практике проектирования для конкретных случаев используются расчетные модели грунта разной сложности.

Для широкого круга задач строительства оказалось возможным выделить те, где основной является оценка несущей способности (прочности и устойчивости) грунтов. Напротив, в других задачах наиболее важным будет прогноз деформаций основания и сооружения. Наконец, в некоторых задачах необходимы и оценка несущей способности, и прогноз деформаций грунтов. Однако эти расчеты можно проводить раздельно, что позволило распространить на расчеты оснований общие принципы расчетов по предельным состояниям:

- расчет по несущей способности (потеря устойчивости; хрупкое, вязкое или иного характера разрушения грунта; чрезмерные пластические деформации или деформации неустановившейся ползучести);

- расчет по деформациям (достижение состояния, затрудняющего нормальную эксплуатацию сооружения или снижающего его долговечность вследствие недопустимых перемещений – осадок, разности осадок, кренов и т.п.).

Существо расчетов по первой группе предельных состояний заключается в том, что расчетная нагрузка на основание не должна превышать силу предельного сопротивления грунтов основания. По второй группе предельных состояний совместная деформация сооружения и основания не должна превышать предельной для конструктивной схемы данного сооружения.

Такой подход обусловил возможность использования наиболее простых расчетных моделей грунтов: для расчетов конечных напряжений и стабилизированных осадок – теории линейного деформирования грунта; для расчетов развития осадок во времени – теории фильтрационной консолидации грунта; для расчетов несущей способности, прочности, устойчивости и давления грунта на ограждения – теория предельного напряженного состояния грунта.

Модель теории линейного деформирования грунта

Применимость этой модели к грунтам была впервые обоснована трудами Н.П. Пузыревского, К. Терцаги, Н.М. Герсеванова, В.А. Флорина, Н.А. Цытовича[2]. Эта модель наиболее распространена в инженерной практике благодаря своей простоте и возможности использования хорошо разработанного математического аппарата теории упругости для описания напряженно-деформированного состояния грунтов.

Теория линейного деформирования грунта базируется на предположении, что при однократном нагружении (или разгрузке) зависимость между напряжениями и деформациями в грунтах линейна. Кроме того, при нагружении рассматривается лишь общая деформация грунта без разделения ее на упругую и пластическую составляющие. Первое допущение обеспечивает возможность использования для расчетов напряжений в массиве грунта аппарата теории упругости, а второе – при известных напряжениях рассчитывать конечные деформации основания. Использование теории линейного деформирования грунта всегда требует установления предела ее применимости.

Уравнения состояния модели теории линейного деформирования записываются в виде обобщенного закона Гука[1-3]:

$$\varepsilon_x = \frac{1}{E}[\sigma_x - \nu(\sigma_y + \sigma_z)];$$

$$\gamma_{xy} = \frac{2(1+\nu)}{E}\tau_{xy};$$

$$\varepsilon_y = \frac{1}{E}[\sigma_y - \nu(\sigma_z + \sigma_x)];$$

$$\gamma_{yz} = \frac{2(1+\nu)}{E}\tau_{yz};$$

$$\varepsilon_z = \frac{1}{E}[\sigma_z - \nu(\sigma_x + \sigma_y)];$$

$$\gamma_{zx} = \frac{2(1+\nu)}{E}\tau_{zx},$$

где

E - модуль общей линейной деформации;

ν - коэффициент поперечного линейного расширения (коэффициент Пуассона).

Теорию линейного деформирования иногда называют теорией упругости грунтов. Формально это справедливо, так как она использует математический аппарат теории упругости. Однако нужно иметь в виду, что это сходство чисто формальное, так как теория линейного деформирования рассматривает общие деформации, не разделяя их на упругие и пластические. Кроме того, нагружение и разгругрузка грунта в теории линейного деформирования происходят по разным законам и описываются различными по величине характеристиками деформируемости грунта.

Модель теории фильтрационной консолидации

В наиболее простой постановке теория описывает деформирование во времени полностью водонасыщенного грунта (грунтовой массы)[6]. Принимается, что полное напряжение, возникающее в элементе грунта от приложенной нагрузки, разделяется на напряжения в скелете грунта (эффективные напряжения) и давление в поровой воде (поровое давление). В различных точках массива грунта под действием нагрузки возникают разные значения порового давления. Вследствие этого образуется разность напоров в поровой воде и происходит ее отжатие в менее нагруженные области массива. Одновременно под действием эффективных напряжений происходят перекомпоновка частиц и уплотнение грунта.

Математическое описание этого процесса базируется на основной предпосылке о неразрывности среды, сформулированной академиком Н.Н. Павловским еще в 1922 г., т.е. считается, что уменьшение пористости грунта (его уплотнение) пропорционально расходу воды (оттоку воды из пор грунта). Следствием этого является важное положение о том, что скорость деформации грунта будет находиться в прямой зависимости от скорости фильтрации в нем поровой воды. Поэтому основной характеристикой грунта, определяющей время протекания процесса фильтрационной консолидации, является коэффициентом фильтрации. В теории фильтрационной консолидации скелет грунта принимается линейно деформируемым.

Следует отметить, что в инженерной практике используются и более сложные модели теории консолидации, учитывающие трехкомпонентный состав грунта, сжимаемость поровой воды, ползучесть скелета и другие процессы, возникающие в грунте при его деформациях. Такие модели описаны в трудах Н.М. Герсеванова, В.А. Флорина, М.А. Био, Ю.К. Зарецкого, З.Г. Тер-Мартиросяна[5] и других ученых.

Модель теории предельного напряженного состояния грунта

Данная модель относится только к предельному состоянию, т.е. к такому напряженному состоянию, когда в массиве грунта от действующих нагрузок сформировались значительные по размерам замкнутые области, в каждой точке которых устанавливается состояние предельного равновесия. Потому теорию предельного напряженного состояния часто называют теорией предельного равновесия грунта.

Теория предельного равновесия грунта позволяет определить предельную нагрузку на основание (его предельная несущая способность), но при этом невозможно определять деформации грунта. Решения теории предельного равновесия используются также для общих расчетов устойчивости сооружений и оснований, откосов и склонов, определения давления грунта на ограждения. В основе современных решений теории предельного равновесия лежат фундаментальные работы В.В. Соколовского.

Теории нелинейного деформирования грунтов

Теории нелинейного деформирования грунтов применяются для расчетов напряженно-деформированного состояния и оценки прочности оснований и грунтовых сооружений, когда связь между напряжениями и деформациями существенно нелинейна, поэтому они часто называются теориями пластичности грунтов.

Значительное распространение в инженерной практике получила деформационная теория пластичности, основанная на теории малых упругопластических деформаций академика А.А. Ильюшина. В наиболее простом виде эта теория исходит из допущения, что объемная и сдвиговая деформации зависят только соответственно от среднего нормального напряжения и интенсивности касательных напряжений, т.е[4].

$$\varepsilon_V = \psi(\sigma_m);$$
$$\gamma_i = f(\tau_i).$$

Однако деформационная теория пластичности не учитывает некоторые процессы, происходящие в грунте. Более точные решения можно получить с помощью теории пластического течения. Однако это приводит к усложнению экспериментов для определения параметров уравнения состояния и расчетного аппарата анализа. Теорию пластического течения применяют при решении сложных задач гидротехнического строительства.

Различные модификации теорий нелинейного деформирования грунтов представлены в работах С.С.Вялова, А.Л.Гольдина, Ю.К.Зарецкого, А.Л.Крыжановского, В.Г.Федоровского, В.И.Соломина, В.Г.Николаевского и др [7-8].

Список использованных источников

1. Быховцев В.Е. Компьютерное объектно-ориентированное моделирование нелинейных систем деформируемых твёрдых тел / В.Е. Быховцев - Гомель: УО «ГГУ им. Ф. Скорины», 2017. - 219с.

2. Воеводин В.В. Численные методы алгебры. Теория и алгорифмы / В.В. Воеводин. - М.:Наука, 1966 .

3. Партон В.З. Методы математической теории упругости / В.З. Партон, П.И.Перлин. - М.: Наука, 1999. - 688с.

4. Быховцев В.Е. Численные методы математической физики / В.Е. Быховцев - Гомель: УО «ГГУ им. Ф. Скорины» 2013.-106с.

5. Александров А.В., Потапов В.Д. Основы теории упругости и пластичности.- М.: ВШ, 1990.-400с.

6. Безухов Н.И. Основы теории упругости, пластичности и ползучести.- М: ВШ, 1968. - 512с.

7. Березин И.С., Жидков Н.П. Методы вычислений. - М.: Госиздат, 1962.- 639с.

8. Быховцев В.Е. Компактный алгоритм построения матрицы жесткости в методе конечных элементов // Изв. АН БССР. Серия физ.- мат. наук, 1983.- №1.-С.34-37.

НАЧАЛО КАРДИНАЛЬНОЙ РЕФОРМЫ СТРАХОВОГО ДЕЛО В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Азизов О.М. *- Старший преподаватель кафедры «Бухгалтерского учета в агропромышленности», ТГАУ*
Сабирова Д.А. *- Старший преподаватель ОЦ ПКППК при ТГЭУ*

В целях дальнейшего реформирования и обеспечения динамичного развития национального страхового рынка, внедрения новых востребованных видов страховых услуг, повышения доверия потребителей к страховому рынку, а также в соответствии с Государственной программой по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития»Президент Республики Узбекистан принял постановление «О мерах по реформированию и обеспечению ускоренного развития страхового рынка Республики Узбекистан».[6]

Этим постановлением определены основные направления реформирования и утверждена дорожная карта, а также целевые показатели по ускоренному развитию страхового рынка Республики Узбекистан на 2019-2022 годы.

В направлениях реформы отрасли особое место занимает совершенствование нормативно-правовой базы, в том числе последовательное внедрение стандартов и рекомендаций международных организаций и лучших мировых практик в данной сфере;институциональное развитие системы регулирования страховой деятельности, направленное на обеспечение надежности и устойчивости страхового рынка путем внедрения

[6]Постановление Президента Республики Узбекистан от 2 августа 2019 года №4412

эффективных механизмов регулирования и надзора; повышение уровня капитализации, платежеспособности и финансовой устойчивости профессиональных участников страхового рынка, улучшение качества их активов, а также развитие инвестиционной деятельности страховщиков;развитие и расширение инфраструктуры страхового рынка путем активизации деятельности страховых брокеров, совершенствования системы работы страховых агентов, внедрения механизмов банка-страхования;усиление защиты прав потребителей страховых услуг и других субъектов страховой деятельности, повышение страховой грамотности населения и их доверия к страхованию, обеспечение открытости и прозрачности страхового рынка; расширение объемов, спектра и повышение качества предоставляемых страховых услуг путем внедрения новых инновационных и развития традиционно востребованных страховых продуктов;широкое использование современных информационных технологий в сфере организации и регулирования страховой деятельности, активное внедрение и развитие электронных видов страховых услуг; совершенствование системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации специалистов страхового рынка, применение современных методов обучения, стимулирование научно-исследовательской деятельности в сфере страхования; повышение инвестиционной привлекательности национального страхового рынка, в том числе посредством его интеграции с международными и зарубежными страховыми рынками.

В течение 2020 - 2022 годов поэтапно повышается минимальные размеры уставного капитала страховщиков, дифференцированных в зависимости от видов страховой деятельности (с 1 июля 2020 года добровольное страхование 15 *млрд. сум;* обязательное страхование 25*млрд. сум;* исключительно перестрахование 35 *млрд. сум;* с 1 июля 2022 года добровольное страхование 20 *млрд. сум; о*бязательное страхование35*млрд. сум;* исключительно перестрахование45 *млрд. сум*); увеличивается до 50 процентов от уставного фонда страховой организации предельного размера резервного фонда, формируемого за счет отчислений в размере до 20 процентов доходов с отнесением их к вычитаемым расходам; внедряется механизм оформления электронных полисов (Е-полис) по отдельным видам страхования, в том числе через Интернет, мобильные приложения, инфокиоски, приравняв их к договорам (полисам) страхования на бумажных носителях.

С 1 января 2020 года устанавливается ставка единого налогового платежа для юридических лиц - страховых (перестраховочных) брокеров и страховых агентов, в размере 13 процентов от комиссионных вознаграждений.

Внедряется с 2020/2021 учебного года, порядок приема работников профессиональных участников страхового рынка на заочное и вечернее отделения по направлению образования «Страховое дело» профильных высших образовательных учреждений на платно-контрактной основе вне устанавливаемых квот приема без проведения тестовых испытаний. При этом

прием в высшие образовательные учреждения осуществляется по итогам собеседования и при условииналичия у работника общего среднего или среднего специального, профессионального образования и практического стажа работы не менее двух лет на страховом рынке; осуществления гарантированной оплаты контракта работодателем - профессиональным участником страхового рынка и обязательной отработки работником - выпускником в штате профессионального участника страхового рынка в течение трёх лет после окончания обучения.

Министерство финансов совместно с Фондом «Эл-юрт умиди» обеспечивает в установленном порядке организацию на системной основе обучения, повышения квалификации и прохождения стажировки специалистов страхового рынка в зарубежных образовательных и других организациях.

Постановлением на базе Государственной инспекции по страховому надзору при Министерстве финансов Республики Узбекистан создается Агентства по развитию страхового рынка при Министерстве финансов Республики Узбекистан, которое будет обеспечивать защиты прав потребителей страховых услуг и других участников страховых отношений, содействие в повышении доверия населения к страховому рынку и развитии страховой культуры в обществе;контроля за соблюдением профессиональными участниками страхового рынка законодательства, а также установленных нормативов и требований по обеспечению их финансовой устойчивости;лицензирование страховой деятельности страховщиков (перестраховщиков) и страховых брокеров, сертификация деятельности актуариев и другие связанные со страховой деятельности.

В настоящее время соответствующими органами разрабатывается правовые основы внедрения механизмов обязательного медицинского страхования в Республике Узбекистан, а также её пилотное внедрение в Сырдарьинской области - механизмов оплаты медицинских услуг за «пролеченный случай» и методологию системы финансирования на основе «подушевого норматива» начиная с 2020 года, а также системы обязательного медицинского страхования с 2021 года.

Кроме этого разрабатываетсяпроект стратегии поэтапного внедрения в страховую деятельность международных стандартов достаточности капитала и платежеспособности страховщиков, направленных на риск-ориентированный подход регулирования деятельности страховых организаций.

Внедрение в страховую жизнь вышеуказанных проектов и мер, даёт мощный импульс для развития страховой деятельности в Республике Узбекистан и способствует к интеграции в мировую экономику.

БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Айтимбетов А.К. - *ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси ассистенти*

Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш ва балиқ маҳсулотлари ҳажмини оширишда озуқа базасини мустаҳкамлаш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда балиқчилик соҳасида озуқа базасини мустаҳкамлаш, минерал ўғитларга бўлган талабни етарли қоплаш, ҳосилдорликни ошириш ва шу каби бир қатор муаммолар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида балиқчилик тармоғини ривожлантиришга доир мазкур муаммолар батафсил баён қилинган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4005-сон Қарорида «Сунъий сув ҳавзалари ҳосилдорлигини ошириш учун балиқчилик хўжаликларининг минерал ўғитларга бўлган талаби тўлиқ қондирилмаяпти. Шунингдек, минерал ўғитни бошқа муқобил ўғитлар билан алмаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш йўлга қўйилмаган» [1] деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 845-сон қарорида «… чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини ривожлантиришга етарлича эътибор берилмаяпти. Чорвачилик, балиқчилик фермер хўжаликлари ҳамда ташкилотларини юқори сифатли озуқа билан таъминлаш борасидаги узилишлар туфайли чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларининг ўсиш суръатлари пастлигича қолмоқда» [2] деб таъкидлаб ўтилган.

Юқорида номи қайд этилган қарорларда таъкидланган муаммоларни ҳал этиш ва белгиланган вазифаларни бажариш, хусусан, балиқчилик тармоғининг озуқа базасини ривожлантириш, минерал ўғитларга бўлган талабни етарли даражада қондириш, сув ҳавзалари ҳосилдорлигини ошириш шубҳасиз долзарб ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикасидаги балиқчилик хўжаликларида 2017 ва 2018 йилларда омухта ем ва минерал ўғитлар сарфи ўрганилганда қуйидаги маьлумотларга эга бўлинди (жадвал).

Жадвал маьлумотларидан кўринадики, республика бўйича жами сарфланган омухта ем 2017 йилда 10960,0 тоннани, 2018 йилда 11710,0 тоннани ташкил этган. Минерал ўғитлар сарфи эса мос равишта 1370,4 тонна ва 1469 тонна бўлган.

Бундан кўринадики, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан омухта ем сарфи 750 тоннага, минерал ўғитлар 98,6 тоннага ошган. Бунига ижобий баҳолаш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси туманлари кесимида омухта ем ва минерал ўғитлар сарфи ўрганилганда қуйидаги маьлумотларга эга бўлинди: Нукус, Қўнғирот ва Амударё туманларида омухта ем ва минерал ўғитлар сарфи улуши катта эканлиги ҳамда 2018 йилда 2017 йилга нисбатан ошиб борганлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга, Шўманай, Мўйноқ ва Қораўзак туманларида омухта ем ва минерал ўғит сарфи бироз камайганлигини маълум бўлди. Буни салбий баҳолаш лозим. Агар мазкур туманларда ҳам омухта ем ва минерал ўғит сарфи ижобий бўлганда балиқ маҳсулотлари ҳажми янада ошган бўлар эди. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами омухта емнинг асосий қисми, 2017 йилда 79,9 % и, 2018 йилда 83,2 % и суньий сув ҳавзаларига сарфланган. Минерал ўғитлар эса мос равишта 100 % суньий сув ҳавзаларига сарфланган.

Жадвал маьлумотларидан кўринадики, интенсив технологиялар асосида етиштириладиган балиқлар ҳамма туманларда ҳам мавжуд эмас.

Интенсив технологиялар асосида қафас мосламаларда ва очиқ ҳавзалардаги балиқ етиштириш Мўйноқ, Тахтакўпир ва Элликқалъа туманларида яхши йўлга қўйилган. Интенсив технологиялар асосида ёпиқ сув айланма тизими усулида балиқ етиштириш Нукус ва Хўжайли туманларида ижобий ташкил этилган.

Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик тармоғини ривожлантиришда озуқа базасини мустаҳкамлаш орқали балиқ етиштириш ҳажмини оширишнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

-балиқчилик хўжаликлари насос станцияларидан оладиган сув учун харажатни камайтириш мақсадида мазкур станцияларни давлат томонидан субсидиялаш тизимини такомиллаштириш орқали сув учун тўловлар миқдорини камайтириш;

- балиқчилик хўжаликларига озуқа экинлари экиш мақсадида етарли ер майдонларини ажратиш;

- омухта ем ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналари сонини ошириш ва уларда тайёрланадиган маҳсулотлар сифатини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Жадвал

Қорақалпоғистон Республикасидаги балиқчилик хўжаликларига 2017 ва 2018 йилларда сарфланган омухта ем ва минерал ўғитлар тўғрисида маълумот [3]

т/р	Туманлар номи	Жами сарфланадиган омухта ем ва минерал ўғитлар, тонна				шундан:									
						сунъий сув ҳавзаларга сарфланадиган омухта ем ва минерал ўғит, тонна				интенсив технологиялар асосида етиштириладиган балиқларга сарфланадиган омухта ем, тонна					
										қафас мосламаларида етиштириладиган балиқларга		интенсив усулда очиқ ҳавзалардаги балиқларга		ёпиқ сув айланма тизими усулида етиштирилаётган балиқларга	
		2017 й		2018 й		2017 й		2018 й		2017 й	2018 й	2017 й	2018 й	2017 й	2018 й
		омухта ем	минерал ўғит	омухта ем	минерал ўғит	омухта ем	минерал ўғит	омухта ем	минерал ўғит	омухта ем		омухта ем		омухта ем	
А	*1*	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*	*7*	*8*	*9*	*10*	*11*	*12*	*13*	*14*	*15*
1	Амударё	1231	169	1315	181	1084	169	1206	181		200		662		
2	Беруний	806	103	861	111	659	103	733	111		150		496		
3	Қонликўл	611	72	652	78	464	72	516	78						
4	Қораўзак	235	14	251	17	88	14	97	17						
5	Кегейли	435	45	464	48	288	45	320	48						
6	Қўнғирот	1280	177	1367	189	1133	177	1261	189						
7	Мўйноқ	313	26	334	27	166	26	185	27	330	325	1100	1075		
8	Нукус т	2046	296	2186	317	1899	296	2113	317		100		332	495	630
9	Тахтакўпир	606	71	647	78	459	71	510	78	165		550			
10	Тўрткўл	759	95	817	101	612	95	681	101						
11	Хўжайли	463	49	494	52	316	49	354	52					495	630
12	Чимбой	683	83	729	88	536	83	596	88						
13	Шўманай	454	48	485	51	307	48	344	51						
14	Элликқалъа	864	112	923	120	717	112	798	120	165		550			
15	Тахиатош	174	10	185	11	32	10	36	11						
	ЖАМИ	**10960,0**	**1370,4**	**11710,0**	**1469**	**8760,0**	**1370,4**	**9748,0**	**1469,0**	**660**	**775**	**2200**	**2565**	**990**	**1260**

- қафас мосламаларда, очиқ сув ҳавзаларида ва ёпиқ сув айланма тизимида балиқ етиштиришни кўпайтириш учун уларда озуқа таъминотини яхшилаш чораларини кўриш;

- минерал ўғитни бошқа муқобил ўғитлар билан алмаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни йўлга қўйиш.

Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик тармоғининг озуқа базасини мустаҳкамлаш, балиқ маҳсулотлари ҳажмини ошириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4005-сон Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 845-сонли қарори
3. «Қорақалпоқбалиқсаноат» МЧЖнинг 2017 ва 2018 йилдаги маълумотлари

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУВ ҲАВЗАЛАРИНИ БАЛИҚЛАНТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА БАЛИҚ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Айтимбетов А.К. *– ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси ассистенти*

Мамлакатимизда балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, балиқчилик маҳсулотлари ҳажмларини ошириш, соҳани тартибга солиш бўйича бир қатор Қарор ва норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2939-сон Қарорида «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш, балиқчилик ва балиқ овлаш ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, **табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланиш**, шунингдек, балиқ етиштиришнинг илмий асосланган усуллари ва интенсив технологияларини жорий этиш…» [1] лозимлиги таъкидланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4005-сон Қарорида «Балиқчилик хўжаликларига **бириктирилган сув ҳавза майдонларидан илмий ёндашув асосида самарали фойдаланиш**, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, ресурс тежамкор технологиялар ва инновацияларни кенг кўламда

жорий қилиш ишларига етарли даражада эътибор берилмаяпти» [2] деб таъкидлаб ўтилган.

Юқорида номи қайд этилган Қарорларда белгиланган вазифаларни бажариш, хусусан, табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланиш, балиқчилик хўжаликларига бириктирилган сув ҳавза майдонларидан илмий ёндашув асосида самарали фойдаланиш, сув ҳавзаларини балиқлантириш ва етиштириладиган балиқ ҳажмини ошириш бўйича изланишлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2018 йилда табиий ва сунъий сув ҳавзаларини балиқлантиришнинг ҳозирги ҳолати ўрганилганда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди (жадвал). Қорақалпоғистон Республикасида жами балиқчилик хўжаликлари сони табиий кўллар бўйича 128 тани, сунъий кўллар бўйича эса 273 тани ташкил этган. Барча балиқчилик хўжаликларига бириктирилган ер майдонлари табиий кўлларда 83281 га. ни, сунъий кўлларда 1215 га. ни ташкил этган.

Қорақалпоғистон Республикасида 2017 йилда овланган балиқ ҳажми 6106,7 тоннани ташкил этган. Табиий ва сунъий сув ҳавзаларини балиқлантиришни бирмунча қониқарли ташкил этилганлиги ҳисобига 2018 йилда овланган балиқ ҳажми 20075 тоннани ташкил этди. Буни ижобий баҳолаш лозим. Республиканинг Мўйноқ (7 та), Қораўзак (3 та), Хўжайли (11 та), Тахиатош (-), Тахтакўпир (11 та) ва Шўманай (11 та) туманларида сунъий сув ҳавзалари сони кам бўлиб, уларнинг сонини ва бириктирилган ер майдонлари ҳажмини ошириш ҳамда етарли балиқлантириш чоралари кўрилиши лозим. Бу сув ҳавзаларини балиқлантиришни кўпайтириш ва балиқ ҳажмини ошириш имконини беради.

Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик хўжаликларига бириктирилган ер майдонларини балиқлантириш ҳолати таҳлил қилинганда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди. Сунъий сув ҳавзаларининг ўртача 1 га ер майдони турли миқдорда балиқ чавоқлари билан балиқлантирилган. Масалан, 1 га ер майдони Шўманай туманида 10,5 минг дона, Қўнғирот туманида 10,1 минг дона, Нукус ва Тўрткўл туманларида 9,9 минг дона балиқ чавоқлари ташланган.

Қораўзак туманида 7,8 минг дона, Беруний туманида 8,1 минг дона, Қонликўл ва Элликқалъа туманларида 8,2 минг дона балиқ чавоқлари билан балиқлантирилган. Бундан кўринадики, туманлар кесимида балиқлантириш бир-биридан кескин фарқ қилмоқда. Бу эса балиқлантиришнинг илмий асосланган тизими мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистон Республикасида қуйидаги йўналишларда ишларни тизимли ташкил этиш балиқ ҳажмини янада ошириш имкониятлари мавжудлигини белгилайди:

- сунъий сув ҳавзаларидан илмий ёндашув асосида фойдаланишни йўлга қўйиш;
- шоли экин майдонларини балиқлантиришни тизимли ташкил этиш;
- табиий сув ҳавзаларида янгидан ташкил этиладиган қафас (садок) мосламалари сонини ошириш ва уни балиқлантириш;

Жадвал

2018 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича табиий ва сунъий сув ҳавзаларини балиқлантириш бўйича маълумот [3]

т/р	Туманлар номи	Балиқ хўжаликлар сони		мавжуд ер майдони (га)		чавоқлар сони (минг дона)		
		табиий кўллар (сони)	сунъий сув ҳавзалари	табиий кўллар	сунъий сув ҳавзалари	табиий кўллар	сунъий сув ҳавзалари	қафас (садок) (25 та)
1	Амударё	6	40	179	157	350	1 340	
2	Беруний	5	21	119	101	415	815	
3	Мўйноқ	24	7	65 064	25	12 000	210	
4	Қораўзак	8	3	487	14	480	110	
5	Қонликўл	1	13	57	71	10	580	
6	Кегейли	7	14	4 598	44	900	380	
7	Тўрткул	15	13	559	81	950	800	
8	Элликқалъа	26	36	2 261	110	1 550	900	
9	Хўжайли	4	11	63	48	220	400	
10	Тахиатош	2	-	37	-	50	-	
11	Чимбой		16		79	-	700	
12	Тахтакўпир	20	11	4 569	65	1 000	600	880
13	Нукус т	2	52	27	243	100	2 400	
14	Қўнғирот	3	25	5 200	139	60	1 400	
15	Шўманай	5	11	60	38	300	400	
	Жами	**128**	**273**	**83 281**	**1 215**	**18 385**	**11 035**	**880**

давоми

т/р	Туманлар номи	мавжуд ер майдонларини балиқлантириш											
		10-20 апрель кунлари		20-30 апрель кунлари		1-5 май кунлари		5-10 май кунлари		10-15 май кунлари		15-20 май кунлари	
		табиий	сунъий	табиий	сунъий	табиий	сунъий	табиий	сунъий	табиий	сунъий	табиий	сунъий
1	Амударё	-	200	-	220	50	220	100	220	100	220	100	260
2	Беруний	-	215	-	200	50	200	100	200	100	-	165	-
3	Мўйноқ	-	-	-	-	-	-	-	-	5 000	100	7 000	110
4	Қораўзак	-	-	-	-	-	-	-	-	200	50	280	60
5	Қонликўл	-	70	-	70	2	80	2	150	3	110	3	100
6	Кегейли	-	100	-	100	100	100	100	80	350	-	350	-
7	Тўрткул	-	200	-	200	100	200	100	200	300	-	450	-
8	Элликқалъа	-	200	-	200	250	200	250	200	500	100	550	-
9	Хўжайли	-	200	-	200	50	-	50	-	50	-	70	-
10	Тахиатош	-	-	-	-	50	-	-	-	-	-	-	-
11	Чимбой	-	200	-	200	-	150	-	150	-	-	-	-
12	Тахтакўпир	-	-	-	-	-	-	-	-	880	300	1 000	300
13	Нукус т	-	400	-	400	25	500	25	500	25	600	25	-
14	Қўнғирот	-	-	-	-	-	-	-	-	20	700	40	700
15	Шўманай	-	200	-	200	75	-	75	-	75	-	75	-
	Жами	**-**	**1 985**	**-**	**1 990**	**752**	**1 650**	**802**	**1 700**	**7 603**	**2 180**	**10 108**	**1 530**

- интенсив усулда кичик сув ҳавзаларида балиқ етиштириш ҳажмларини ошириш чораларини кўриш;
- сунъий сув ҳавзаларини балиқлантиришни илмий асосда ташкил этиш;
- балиқчилик хўжаликларига хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш орқали балиқ маҳсулотлари ҳажмини ошириш чораларини кўриш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2939-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4005-сон Қарори.

«Қорақалпоқбалиқсаноат» МЧЖ ва «Ипотека-банк» АТИБ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг 2018 йилдаги маълумотлари

ЎЗБЕКИСТОН ФОНД БОЗОРИДАГИ ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ КЕНГАЙТИРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

Азизов О.М. *- ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси катта уқитувчи*
Жонузоқов Э. *- ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит йўналиши 3.13и-гуруҳи талабаси*

Республикамизда фонд бозорини ривожлантиришга ҳукумат томонидан катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда молия бозорини жумладан, унинг таркибий қисми ҳисобланадиган қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш зарур ҳисобланади. Чунки қимматли қоғозларнинг бозорини ривожлантирмасдан тўлақонли бозор иқтисодиёти амал қилиши мумкин эмас. Дунёнинг ривожланган мамлакатлар тажрибасига назар ташласак, қимматли қоғозлар бозори узоқ йиллар давомида стихияли равишда юзага келган. Шундан кейин қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиб турувчи қонунлар қабул қилинган. Мамлакатимизда эса, миллий қимматли қоғозлар бозори билан биргаликда, унинг фаолиятини тартибга солиб турувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар параллел равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Бозор иқтисодиётида тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаоллиги кун сайин ортиб бормоқда, бу банкларимизга бўлган ишонч, активларини тўғри жойлаштириши ҳамда жаҳон талабларига мос фаолият олиб борилаётганлигидан далолатдир. Республикамизда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунга асосан тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида қуйидаги операцияларни амалга оширадилар.

Мамлакатимизда фаолият юритадиган тижорат банкларининг аксарияти “Тошкент” Республика фонд биржаси листингига киритилган

бўлиб, уларнинг биржадаги операциялар ҳажмида салмоғи юқори ҳамда “А“ тоифадаги листингга киритилган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари орасида банклар шу билан ажралиб турадики, улар фонд бозорининг қонунчилик билан рухсат берилган деярли барча молиявий воситаларида: акция, облигация, депозит сертификатлари ва векселларни эмитент сифатида чиқариши мумкин.

Масалан, “Тошкент” Республика фонд биржаси Матбуот хизмати берган хабарга кўра, савдо битимлари ҳажми ва сони бўйича энг пешқадам эмитентлар сифатида энг йирик битим “InFinBank” АТБнинг 27,9 млн. дона акцияси билан 8,9 млн. АҚШ долл. (савдо кунидаги МБ курси бўйича 28,5 млрд. сўм) миқдорида тузилган. “InFinBank” АТБнинг акциялари билан 54,0 млрд. сўмлик 29 та савдо битими амалга оширилган ҳамда ушбу банк фонд биржасида савдо айланмаси ҳажми бўйича йилнинг энг пешқадам эмитенти деб топилган.

Умуман олганда, савдо айланмаси ҳажми юқори бўлган ТОП-5 эмитентларни “InFinBank” АТБ (йиллик савдо айланмасининг – 18,1 %), “Ipoteka-bank” АТБ (28,4 %), “HI-TECH BANK” АТБ (6,3 фоиз), “TYVQTZ” АЖ (4,6 %) ва “Asia Alliance Bank” АТБ (4,4 %) ташкил этган. Уларнинг қимматли қоғозлари билан жами 128,0 млрд. сўмлик савдо битимлари амалга оширилди. Бу йиллик савдо айланмасининг 43,0 фоизи демакдир.

Бундан ташқари, “Ipoteka-bank” АТБ тузилган савдо битимлари сони бўйича етакчилик қилиб, ушбу банкнинг 7,9 млн. дона акциялари билан 477 та савдо битими имзолангандир.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, ижобий натижалар билан бир қаторда мамлакатимизда фонд бозорининг изчил ривожланмаганлиги билан боғлиқ бўлган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Энг аввало, фонд бозори иштирокчиларининг асосий қисмини банклар ташкил этмоқда. Бу билан фонд бозорининг ресурслар билан етарли даражада таъминланганлик даражасига эришиб бўлмайди. Хориж амалиётидаги фонд бозорлари фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, бундай бозорлар ўзларининг йирик молиявий маблағлари билан қатор соҳаларни молиялаштириш имкониятига эгадирлар. Мамлакатимизда фонд бозорининг молиявий ресурслар билан етарли даражада таъминланишига эришиш учун ушбу бозорда банклардан ташқари бошқа компаниялар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва саноат корхоналарини ҳам кенгроқ жалб этишни тақозо этади. Шунингдек, хорижий инвесторларнинг иштирокини янада ривожлантириш лозим. Бунда эса, инвесторларга барча маълумотларни ўз вақтида етказиш тизими такомиллашмаганлиги асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. Чунки, ушбу ҳолатда ўз маблағлари ҳисобидан қимматли қоғозларни сотиб олмоқчи бўлган инвесторларга янги ахборотларни вақтида тўлиқлигича етказиш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Фонд бозорига корхона ва тижорат банкларини листингга киритиш тизими нисбатан мураккаб бўлиб, автоматлаштирилган тизим орқали корхоналарни листингга киришлари ёки делистинг бўлишларини баҳолаш тизими тўла-тўкис яратилмаган. Бунинг учун мамлакатимизда фаолият

юритаётган резидент ва норезидент корхоналар ҳақида маълумотлар жамланган ягона ахборот базаси яратилса, нафақат юридик шахсларни листингга киритиш ёки делистинг қилиш, балки кредитлаш ва бошқа молиявий хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратади.

Фонд бозори молия-банк тизимини барқарорлигини таъминлаш мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва тижорат банкларимиз учун даромад манбаини яратиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда халқаро фонд бозорига интеграциялашувини амалга оширишда долзарблиги билан ажралиб туради.

АГРАР СОҲАДА ТЕХНИК САЛОҲИЯТНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Юсупов З.З. *- ТДАУ мустақил изланувчиси*

Аграр соҳа Республика иқтисодиётини равнақ топишида алоҳида аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида республикамиз ҳукумати томонидан аграр соҳани техник салоҳиятини ошириш бўйича бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, мустақилликкка эришганимиздан сўнг қишлоқ хўжалигида ўсимликчиликдаги мавжуд техник салоҳиятни сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш ҳамда юқори унумдор техника воситаларини бир жойга жамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги 95-сонли “Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш-техник хизмат кўрсатиш соҳасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Давлат кафолати остида лизинг асосида АҚШнинг етакчи қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи бўлган “Кейс” Корпорациясининг юқори унумли техника воситалари олиб келина бошланди. Ундан сўнг, собиқ ширкат хўжаликларидаги мавжуд техник салоҳиятни сақлаб қолиш мақсадида 1998 йил 10 мартдаги “Машина-трактор паркларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг хизматларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 106-сонли қарори билан муқобил МТПлар ташкил этила бошланди.

1996 йил 31 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг” холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги 45-сонли қарори қабул қилинди ва «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компаниясини ташкил этилди.

Сўнгги йилларида республикамизда лизинг муносабатларини кенг ривожланиши учун мустахкам ҳуқуқий ва меъёрий асослар яратиб берилаётганлиги натижасида турли лизинг компаниялари сонининг ортишига, улар ўртасидаги рақобатни кучайишига олиб келмоқда. Аксарият тижорат банклари ва кредит муассасалари ҳам ўзларининг лизинг дастурларини амалга ошира бошладилар. Лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техника воситаларини сотиб олиш аграр соҳа субъектларининг асосий талабларидан бирига айланиб улгурди ва соҳани техник ва

технологик жиҳатдан салоҳиятини оширишида муҳим восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримовнинг2012 йил 21 майдаги ПҚ-1758-сонли “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”гиқарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ривожланишида янги босқични бошлаб берди десак муболаға бўлмайди. Янгиликлар қаторида замонавий қишлоқ хўжалиги техника воситаларини яратиш бўйича ихтисослаштирилган конструкторлик бюросини ташкил этилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу тузилма мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари ва пахтачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва озуқа ишлаб чиқаришда фойдаланиб келаётган тупроққа ишлов бериш, экиш, йиғим терим техникаларига бўлган талабларни ҳисобга олган холда техника ва жиҳозларни лойиҳалаштиришга ихтисослаштирилди.

Мамлакатимизда чет эл инвесторлари учун қулай ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилганлиги боис, ривожланган давлатларнинг сармояси иштирокида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда, жумладан: “ЎзКейсмаш”, “ЎзКейстрактор”, “ЎзКлассагро” ва бошқа қўшма корхоналар фаолият юрита бошлади.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, техник ва технологик салоҳиятини ошириш асосан уч босқичдан иборат бўлди, биринчи босқич бу 1995-1998 йилларни қамраб олиб, Мавжуд техник ва технологик салоҳият сақлаб қолишга харакат қилинди ҳамда замонавий техника ва технологиялар жорий этиш бошлаб берилди. Иккинчи босқич эса 1999-2011 йилларни ўз ичига олиб, бунда Қўшма корхоналар томонидан замонавий қишлоқ хўжалиги техника воситалари ишлаб чиқарилиши ва улар билан аграр соҳани таъминлашга ва натижада қишлоқ хўжалигини техник ва технологик салоҳияти оширишга эришилди.

Ва ниҳоят, учинчи босқич 2012 йилдан бошланди, ҳозирги вақтгача давом этиб келмоқда. Бу даврда аграр соҳа машинасозлиги тизимини бошқариш тизими такомиллаштирилди. Қабул қилинган комплекс дастурлар асосида қишлоқ хўжалигини техник ва технологик салоҳияти янги босқичга кўтарилишига замин яратилди.

Аграр соҳада техник салоҳиятни ошириш учун келгусида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, жумладан:

- қишлоқ хўжалигини мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган техника воситалари билан таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим;

- қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводларини модернизациялаш, уларни техник ва технологик янгилаш ҳамда қайта жиҳозлаш учун инвестиция маблағлари ҳажмини ошириш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи заводлар билан фермер хўжаликлари ўртасида узвий боғлиқликни таъминлаш ва бунда фермерларни техника воситаларига бўлган талабини тўлиқ ҳисобга олиш;

- фермерларни янги техника ва илғор технологияларни жорий этганлиги учун манфаатдорлигини ошириш механизмини ишлаб чиқиш ва уларга солиқ, молия-кредит ва суғурта имтиёзларини янада кенг жорий этиш ва бошқалар.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш учун ушбу соҳада бозор муносабатларини кенг жорий этиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича тизимли дастурлар ишлаб чиқишва уни босқичма-босқич амалга оширилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Лизинг тўғрисида”. -Т.: 1999 14 апрел.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги 95-сонли “Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш-техник хизмат кўрсатиш соҳасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори (www.lex.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 майдаги ПҚ-2176-сонли «Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
4. Ҳусанов Р.Ҳ., Ҳамдамов А. Н, Рафиқов И.Э. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати. Муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари. Тошкент – 2001.
5. Интернет сайтлар:
   http://textbook.ru/catalogue/book:
   http://web.book.ru/cgi-bin/book.plpageқ4&bookқ88899

ЛОВИЯДА МАЪДАН ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИ ВА АЗОТНИ ФАОЛ ЎЗЛАШТИРУВЧИ ТУГАНАК БАКТЕРИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

***Усмонова Д.Х.** – ТДАУ талабаси,*
***Иминов А.А.** – ТДАУ ўқитувчиси, илмий раҳбар*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июлдаги «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3027-сонли қарорида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш ва бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нарҳларини барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни экиш каби муҳим

вазифаларни қўйилганлиги, дархақиқат Республикада тупроқ унумдорлигини ошириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш нечоғлик устувор, долзарб масала эканлигини намоён этмоқда. Ана шундай экинлардан бири ловия экини бўлиб, республикамиз шароитида ушбу экинни асосий ва такрорий экин сифатида етиштириб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда фермер хўжаликларини иқтисодий томондан ривожлантириш мумкин.

Юқорида келтирилган вазифалардан келиб чиқиб, ПСУЕАИТИ нинг тажриба участкаси далаларида ловия экини бўйича 2015-2017 йилларда ўтказилган илмий-тадқиқотлардан олинган натижалар иқтисодий томондан таҳлил этилиб, етиштирилган маҳсулотни сотишдан тушган умумий даромад билан ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқ, шартли соф фойда ҳамда азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактериялар ва маъдан ўғитлар меъёрларининг такрорий экин сифатида етиштириладиган ловия етиштиришдаги иқтисодий самарадорлиги аниқлаб берилди. Маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.ни такрорий экин сифатида етиштиришда маъдан ўғитлар меъёрлари ва азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактерияларни қўллаш бўйича

Таъкидлаб ўтамизки, такрорий экин сифатида ловияни уруғларини экиш олдидан азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактериялар билаб ишлов берилган уруғларини экиш ва ловияни парваришлашада қўлланиладиган маъдан ўғитлар меъёрлари ҳамда ловия экиндаги қўлланилган агротадбирларни иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда 2017 йилнинг нарх навоси инобатга олинган. Масалан 1 кг ловия донининг нархи 3000 сўм қилиб белгиланади, шунингдек қўлланилган маъдан ўғитлар ва азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактерияларга, ёқилғига, уруғликка ва мехнат ҳақига сарфланган харажатлар ҳам инобатга олинган. Шундай экан, такрорий экин ловияни ҳеч қандай ўғитларсиз парвариш қилинган назорат вариантда 13,8 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, уни сотишдан тушган пул маблағи 4 140 000 сўм/га ни, жами харажатлар 1 800 000 сўм/га ни ташкил этиб, 2 340 000 сўм/га шартли соф фойда олинди ва рентабеллик даражаси 130,0 % ни ташкил этган.

Такрорий экин ловияда маъдан ўғитларнинг N-30, P_2O_5-90, K_2O-60 кг/га меъёри қўлланилган 2-вариантда 21,2 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, уни сотишдан тушган пул маблағи 6 360 000 сўм/га ни, жами харажатлар 2 394 000 сўм/га ни ташкил этиб, 3 966 000 сўм/га шартли соф фойда олинди ва рентабеллик даражаси 165,7 % ни ташкил этди. Маъдан ўғитларнинг N-60, P_2O_5-90, K_2O-60 кг/га меъёри қўлланилган 3-вариантда 25,1 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, уни сотишдан тушган пул маблағи 7 530 000 сўм/га ни, жами харажатлар 2 464 000 сўм/га ни ташкил этиб, 5 066 000 сўм/га шартли соф фойда олинди ва рентабеллик даражаси 205,6 % ни ташкил этди. Маъдан ўғитларнинг N-90, P_2O_5-90, K_2O-60 кг/га меъёри қўлланилган 4-вариантдан эса 24,7 ц/га дон ҳосили олинган бўлиб, уни сотишдан тушган пул маблағи 7 260 000 сўм/га ни, жами харажатлар 2 535 000 сўм/га ни ташкил этиб, 4 725 000 сўм/га шартли соф фойда олинди ва рентабеллик даражаси 186,4 % ни

ташкил этган.

Такрорий экин ловияни уруғларини экиш олдидан азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактериялар билан ишлов берилиб экилган вариантларда маъданли ўғитларни ловиядаги самарадорлиги ҳам ортиб, бу эса ўз навбатида юқори иқтисодий самарадорликка эришишни таъминлаган.

Такрорий экин ловияни уруғларини экиш олдидан азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактериялар билан ишлов берилиб, уни парваришлаш жараёнида ҳеч қандай маъдан ўғитлар қўлланилмаган 5-вариантдан 17,6 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, уни сотишдан тушган пул маблағи 5 280 000 сўм/га ни, жами харажатлар 1 900 000 сўм/га ни ташкил этиб, 3 380 000 сўм/га шартли соф фойда олинди ва рентабеллик даражаси 177,9 % ни ташкил этган. Ловияни уруғларини экиш олдидан азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактериялар билан ишлов берилиб, уни парваришлаш жараёнида маъдан ўғитларнинг P_2O_5-90, K_2O-60 кг/га меъёри қўлланилган 6-вариантда 20,6 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, уни сотишдан тушган пул маблағи 6 180 000 сўм/га ни, жами харажатлар 2 423 800 сўм/га ни ташкил этиб, 3 756 200 сўм/га шартли соф фойда олинди ва рентабеллик даражаси 155,0 % ни ташкил этган.

1-жадвал

Такрорий экин ловияда маъдан ўғитлар меъёрлари ва азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактериялар қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги (2015-2017 йй)

№	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га (NPK)	Иқтисодий кўрсаткичлар					
		Ҳосил-дорлик, ц/га	Қўшим-ча ҳосил, ц/га	Сотишдан тушган умумий даромад, сўм/га	Ишлаб чиқариш харажат-лари, сўм/га	Соф даромад, сўм/га	Рентабел-лик даражаси, %
1.	Ўғитсиз	13,8	-	4 140 000	1 800 000	2 340 000	130,0
2.	$N_{30}P_{90}K_{60}$	21,2	7,4	6 360 000	2 394 000	3 966 000	165,7
3.	$N_{60}P_{90}K_{60}$	25,1	11,3	7 530 000	2 464 000	5 066 000	205,6
4.	$N_{90}P_{90}K_{60}$	24,2	10,4	7 260 000	2 535 000	4 725 000	186,4
5.	Нитрагин (ўғитсиз)	17,6	3,8	5 280 000	1 900 000	3 380 000	177,9
6.	$P_{90}K_{60}$ + Нитрагин	20,6	6,8	6 180 000	2 423 800	3 756 200	155,0
7.	$N_{30}P_{90}K_{60}$ + Нитрагин	27,4	13,6	8 220 000	2 494 360	5 725 640	229,5
8.	$N_{60}P_{90}K_{60}$ + Нитрагин	26,5	12,7	7 950 000	2 564 920	5 385 080	210,0

Ловияни уруғларини экиш олдидан азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактериялар билан ишлов берилиб, уни парваришлаш жараёнида маъдан ўғитларнинг N-30, P_2O_5-90, K_2O-60 кг/га меъёри қўлланилган 7-вариантда энг юқори иқтисодий самарадорликка эришилиб, дон ҳосили 27,4 ц/га ни, уни

сотишдан тушган пул маблағи 8 220 000 сўм/га ни, жами харажатлар 2 494 360 сўм/га ни ташкил этиб, 5 725 000 сўм/га шартли соф фойда олинди ва рентабеллик даражаси 229,5 % ни ташкил этган.

Ловияни уруғларини экиш олдидан азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактериялар билан ишлов берилиб, уни парваришлаш жараёнида маъдан ўғитларнинг N-60, P_2O_5-90, K_2O-60 кг/га меъёри қўлланилган 8-вариантдан 26,5 ц/га дон ҳосили олишга эришилиб, уни сотишдан тушган пул маблағи 7 950 000сўм/га ни ташкил этган бўлсада, жами харажатлар 2 564 920 сўм/га ни ташкил этиб, 5 385 080 сўм/га шартли соф фойда олинди ва рентабеллик даражаси 210,0 % ни ташкил этган.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, ловияни такрорий экин сифатида уруғларини экиш олдидан азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактериялар билан ишлов берилиб, уни парваришлаш жараёнида маъдан ўғитларнинг N-30, P_2O_5-90, K_2O-60 кг/га меъёрини қўлланилиши энг юқори рентабеллик даражасига эришишни таъминлаб, ҳеч қандай маъдан ўғит қўлланилмаган назорат вариантига нисбатан 99,5 % га, маъдан ўғитларнинг N-30, P_2O_5-90, K_2O-60 кг/га меъёрини ўзи (азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактерияларсиз) қўлланилган варинтган нисбатан эса 63,8 % га юқори бўлганлиги кузатилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1.06.2017 й. ПҚ-3027-сон «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш. экин учун талаб этиладиган моддий техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Тошкент. 2017.

2. Халиков Б.М. Ўзбекистоннинг суғориладиган худудларида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни қисқа ротацияда алмашлаб экишда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг илмий-амалий асослари: қ.х.ф.д. автореферати. Тошкент. 2007. 44 б.

АГРАР СОҲАДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ - ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Менгноров А.А. *– ТДАУ катта ўқитувчиси,*
Саидакбаров Х.Х. *– ТДАУ доценти*

Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартириш, мулк ва хўжалик юритиш шаклларининг тенг ҳуқуқли шароитда фаолият юритишини таъминлаш орқали мулкдорлар синфини шаклантириш масаласи тармоқда ислоҳотларни жадаллаштиришни талаб этади. Бу эса тармоқда, шунингдек, инвестиция фаолиятини ҳам ривожлантириш орқали молиявий барқарорликка эришиш зарурлигини келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда аграр соҳа корхоналари фаолиятига ички

инвестицияларни жалб килишда қуйидаги муаммолар кўзга ташланмоқда:

- инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда кредит учун гаров предметининг етарли бўлмаслиги;
- маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги;
- инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномасини сифатсиз тайёрланиши;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- хом ашё сотиб олишга айланма маблағлар етишмаслиги;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда хом ашёнинг етишмаслиги (помидор, ўрик, ва бошқа.);
- инфратузилмага оид муаммолар, жумладан корхоналарнинг электр энергияси билан мунтазам таъминланмаётганлиги ёки табиий газ ва ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар борлиги;
- технология ва асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг стандартларга жавоб бермаслиги ва рақобатбардош эмаслиги;
- корхоналарда маркетинг хизматининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, товар ишлаб чиқарувчиларнинг чет эл бозорлари, ишлаб чиқарувчилари ва харидорлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланмаганлиги, корхоналарда маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар билимининг паст даражадалиги.

Юқоридаги муаммоларнинг ечимини топиш учун қуйидаги бир қатор тадбирларни амалга оширишни талаб этилади:

- ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштириш ва хом-ашё базаси билан боғлиқ масалаларни лойиҳа ташаббускорлари билан бирга ишлаб чиқиш;
- корхоналарни узлуксиз равишда электр энергияси ва табиий газ билан таминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- технологик асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш мақсадида халқаро кўргазма-савдоларда иштирок этиш, тежамкор технологияларни танлаш ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш;
- ўрта ва кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти, маркетинг ва маҳсулотларни сотишга бағишланган ўқув машғулотлари, семинарлар ва кўргазмаларни ташкил этишни йўлга қўйиш.

Шу билан бирга мамлакатда мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришнинг манзилли чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қуйидаги чора-тадбирлар тизимига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- ишлаб чиқариш тизимида янги ва юқори технологик ишланмалардан самарали фойдаланиш, ресурслар тежамкорлигига эришиш, меҳнатни самарали ташкил қилиш ва унинг натижаларини рағбатлантириш мезонларини яратиш;
- фан ва техника марказлари фаолиятини ислоҳ қилиш ва уларнинг ишлаб чиқариш муносабатларига таъсирчанлигини ошириш орқали мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш муносабатларини

такомиллаштиришга эришиш;

- иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида тармоқлараро инновация хизмати бўлинмаларини ва ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялаш фондларини ташкил этиш.

Мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш, том маънода, ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён ҳисобланмайди. Уни юзага келтириш учун муайян фаоллик талаб этилади. Бошқача айтганда, ушбу фаоллик бир қатор ўзига хос циклик муносабатларни ўз ичига олган ташкилий-иқтисодий механизмни юзага келтиради. Ушбу механизм эса, ўз навбатида, мамлакатга салоҳиятли инвесторларни жалб этиш ва улар инвестиция фаолиятларини такомиллаштиришни устувор мақсад сифатида белгилаши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда республикамизда ва унинг ҳудудларида инвестиция муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича жуда кўп ишлар қилинганлигини таъкидлаш мумкин. Аммо шунга қарамасдан, ҳам республика, ҳам вилоятлар иқтисодиётида мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қуйидаги бир қатор муаммо ва вазифалар ўз ечимини кутиб турганлигини ҳам таъкидлаш мумкин:

- барча вилоятлар учун бирдек хос бўлган чет эл инвестицияларига хизмат кўрсатиш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма объектларининг етарли даражада шаклланмаганлиги ва такомиллашмаганлиги;

- мавжуд ишлаб чиқариш тизимлари ўртасидаги интеграл тармоқ боғланиш ва уларга хизмат кўрсатиш тузилмаларининг ривожланмаганлиги;

- мавжуд фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий қилиш ва интелектуал бойликлардан самарали фойдаланишнинг рағбатлантирувчи механизмларининг етарли эмаслиги;

- ижтимоий инфратузилма объектларидан, жумладан курортлар салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги каби муаммо ва вазифалар шулар жумласидандир.

Хусусан, бугунги кунда хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, давлатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмак бериш, бунинг учун чет давлатларнинг молиявий, моддий, интеллектуал ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш, улардан оқилона фойдаланиш ва янги иш ўринлари яратиш орқали аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришдан иборатдир.

Маълумки, хорижий инвестиция ва унинг иштирокидаги корхоналар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бир қатор қонун ҳужжатларида белгиланган бўлиб, уларга берилган имтиёзлар ва кафолатларни янада кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида қонунчилигимизга, хусусан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар

киритилди. Жумладан, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, банклар томонидан чет эллик инвесторларнинг ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаблар ва чекловлар белгилаш тақиқланиши ҳақида меъёрлар билан тўлдирилди.

Бу эса хориж инвестицияларининг давлат томонидан кафолатланганлиги, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат ҳамда қонун ҳимоясида эканлигини кўрсатади.

Айтиш керакки, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланишига оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан доимий назорат йўлга қўйилган.

Умуман, хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Янги кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун уларнинг бу борадаги фаолиятини бир поғона кўтаришга, бундай корхоналарнинг янада ривожланишига, пировардида юртимиз иқтисодиётини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги ушбу муаммо ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда вилоятлар иқтисодиётида мақбул инвестиция муҳитини шакллантиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- биринчидан, вилоятлар ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари тизими ўртасидаги миллий ва халқаро интеграл логистик тармоқ тизимини тубдан такомиллаштириш. Бунда асосий эътибор энг аввало, маҳаллий ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш муносабатлари тизимидаги логистика хизматларини уйғунлаштириш чора-тадбирларига қаратилиши лозим;

- иккинчидан, маҳаллий бошқарув органлари тизими мустақиллигини янада кучайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда асосий эътибор нафақат инвестицияларни жалб этишга, балки улардан оқилона фойдаланиш, даромад олиш ва уларни реинвестициялаш мақсадларига қаратилиши лозим;

- учинчидан, манфаатдор институционал муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришлари ва такомиллаштиришлари зарур. Бунинг учун эса салоҳиятли маҳаллий ва чет эл инвесторларнинг ихтисослаштирилган ахборот ресурс базаларини шакллантириш, уларнинг молиялаштирилиш манбаларини гуруҳлаш, таҳлил қилиш ва самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда ўз ишлаб чиқариш муносабатларини бошқа тармоқлар иқтисодиётига реинвестициялаш ва кооперациялаш жараёнларига махсус инновация-инвестиция хизматларини кўрсатиш каби масалаларга алоҳида устуворлик бериш лозим.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш унинг мустаҳкам ташкилий-иқтисодий механизмини яратиш ва унинг самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларига боғлиқдир. Ушбу чора-тадбирлар тизими механизмдаги ҳар бир элементнинг такомиллашиш ва ривожланиш даражасига боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 30 апрел.
2. Мардиев Н. Многокритериалная оценка вариантов исползования инвестиционных ресурсов.// Вопросы моделирования и информатизации экономики. Вып.20.- Т.:НИСО АН РУз. 2001.- с.51-62.
3. Р.Х.Эргашев ва б. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. 2018 йил. 11-17 бет.
4. www.lex.uz
5. www.ziyonet.uz

АГРАР СОҲА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Менгноров А.А. *– ТДАУ катта ўқитувчи*

Ҳозирги кунда Республикамиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўплаб турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасида катта имкониятга эга. Лекин, бу имкониятлардан ҳозирча етарлича фойдаланилаётгани йўқ. Мамлакат экспорт салоҳиятининг юксалишида қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ҳуқуқий-меъёрий, иқтисодий ва ташкилий механизмлари таклиф этиш мумкин.

Ҳуқуқий – меъёрий механизм:

- экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи махсус ҳудудларни шакллантириш мақсадида “Қишлоқ хўжалиги экспорт ҳудудлари” дастурини ишлаб чиқиш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишнинг соддалаштирилган тартиби бўйича ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;
- юридик ва жисмоний шахслар экспорт фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқлар тенглигини таъминлаш;
- тез бузилувчи маҳсулотларни қўшни мамлакатлар ҳудудларидан олиб ўтиш бўйича давлатлараро битим тузиш;
- такроран солиққа тортишда МДҲ давлатлари билан солиқ юкини енгиллаштириш бўйича битим тузиш.

Иқтисодий механизм:

- кичик бизнес корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларида экспорт олди кредитлаш механизмини ишлаб чиқиш;

- янги барпо этилган боғ ва токзорларни ҳосилга киргунча ягона ер солиғидан озод қилиш;
- ёқилғи - мойлаш материаллари ва кимёвий ўғитлар сотиб олиш учун имтиёзли кредитлаш механизмини тадбиқ этиш;
-мева-сабзавот маҳсулотларини республика ҳудуди бўйича ташишда автомобиль ва темир йўл тарифларини мавсумий пасайтирилган ставкаларини жорий этиш.

Ташкилий механизм:
- мавжуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорлар фаолиятини такомиллаштириш, яъни катта сиғимга эга омборхоналар, музлаткичлар, ювиш, саралаш, қадоқлаш, ўраш тизимини ташкил қилиш;
- миллий экспортёрларни жаҳон бозорларидаги конъюнктуравий ўзгаришлар тўғрисидаги жорий ва башорат ахборотлари билан таъминлаш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш мақсадида ички ва ташқи бозорлар маркетинг марказини ташкил этиш;
- маҳсулотлар сифатини ошириш мақсадида стандартлаш ва сертификациялаш, жумладан фитосанитар, техник, экологик стандартлар ва талабларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Республикамизда аграр тармоқ экспорт салоҳиятини оширишда қўйидаги ижобий ва салбий омиллар таъсир қилади.

Ижобий омиллар қуйидагилардан иборат: Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қулай иқлим шароити мавжуд; арзон ишчи кучи кўп; маҳсулотларни қайта ишлаш учун корхоналар қуввати етарли; маҳсулотларни қадоқлаш тизими яратилган; давлат томонидан экспорт қилувчиларга бир қатор имтиёзлар берилган.

Салбий омиллар қуйидагилардан иборат: мева-сабзавот маҳсулотлари сифати паст; мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш тизимида муаммолар кўп; маҳсулот етиштириш учун ер майдони асосан майда хўжаликларда, кичик ҳажмда етиштирилмоқда; ишлаб чиқариш харажатлари нисбатан юқори; экспорт қилувчиларнинг кўпчилиги экспорт бўйича етарли даражада билимга эга эмас; экспорт қилувчиларнинг кўп қисми таваккал иш тутади; экспорт қилишда олдиндан кўпроқ пул тушумини таъминланмаган; маҳсулотлар асосан паст нарх таклиф қилаётган қўшни давлатларга сотилмоқда; «экспорт харажатлари» кескин ошиб бормоқда; денгизга чиқиш учун камида икки давлат ҳудудини кесиб ўтиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи бозорларга экспорт қилишнинг мамлакат ва миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун қуйидаги афзаллик томонлари мавжуд:

- маҳсулотларнинг ички истеъмолдан ортган қисмини жаҳон бозорларида сотиш мамлакат учун валюта маблағлари ишлаб топиш, валюта резервларини ошириш ҳамда тўлов балансини мустаҳкамлашга имкон яратади;

- товар ишлаб чиқарувчилар учун ўз маҳсулотларини экспорт қилиш валюта ишлаб топиш, сотишдан пул тушумлари ва фойдани кўпайиштириш

учун қўшимча имкониятлар очади;

- жаҳон бозорлари, айниқса Европа Иттифоқи каби ривожланган мамлакатлар бозорларида озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол, сифат ва экологик хавфсизлик жиҳатларига қўйиладиган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари талаблари жуда юқори бўлиб, бу ҳолат миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ўз маҳсулотларининг истеъмол хусусиятлари, сифати ва экологик хавфсизлигини мунтазам ошириб боришга мажбур қилади;

- ички бозор тўйинган шароитда ортиқча маҳсулотларни экспортга чиқариш жаҳон бозорларининг бир қисмини эгаллаш орқали сотувлар ҳажмини ва даромадларни оширишга, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эвазига таъминланадиган “кўлам самараси” маҳсулотлар таннархини пасайтиришга, сотилмай туриб қоладиган маҳсулотларни йўқотишдан келадиган зарарлардан сақлашга имкон беради;

- жаҳоннинг турли минтақаларидаги бозорларда фаолият кўрсатиш иқлимдаги хилма-хиллик ва мавсумийликка боғлиқ ҳолда маҳсулот турлари ҳамда ишлаб чиқаришни доимо диверсификация қилишга йўл очади;

- ички бозорда йилнинг маълум мавсумида ўз маҳсулотини сотиши мумкин бўлган товар ишлаб чиқарувчилар иқлимдаги хилма-хиллик эвазига жаҳон бозорларида йил давомида маҳсулот сотишга эришишлари мумкин;

- давлатлараро ва корхоналараро товар айланмаси ҳамда кооперацион-ишлаб чиқариш алоқалари кенгаяди;

- халқаро савдо ишлаб чиқариш ресурсларини оптимал тақсимлашга йўл очиб, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиради ва ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиради;

- миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун жаҳоннинг капитал, товар, хомашё-ресурс, молиявий, меҳнат, илмий ва ахборот бозорларига кенг йўл очилади;

- жаҳон бозорларида кучли рақобат муҳитининг мавжудлиги товарлар ассортименти ва сифатининг яхшиланишига, қўшимча сервис хизматларининг ривожланишига олиб келади;

- халқаро савдо ва иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ўз навбатида инфратузилмалар ҳамда коммуникация тармоқларининг ривожланишига олиб келади;

- миллий бозор сиғими кичик бўлган мамлакатлар учун янги бозорларга чиқиш имконияти пайдо бўлади;

- миллий ва хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро тажриба алмашишга, янги билим ва кўникмаларни эгаллашга ҳамда илғор технологиялар ва инновацион ғоялардан биргаликда фойдаланишга йўл очади.

2018 йил январ-декабр ойларида республика ташқи савдо айланмасида юқори улушга эга давлатлар кетма-кетлиги жорий йилнинг январ ойидан буён деярли ўзгаришсиз қолмоқда.

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификация қилишни, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини

босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида экспорт таркибида сезиларли ўзгаришга эришилди.

2018 йилнинг январ-декабри якуни бўйича товарлар экспорти билан шуғулланувчи корхоналар ўтган 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 446 тага кўпайган бўлиб, улар сони 3509 тани ташкил этган.

2018 йил январ-декабр ойлари якунларига тўхталадиган бўлсак, республикада ташқи савдо айланмаси 33815,3 млн.АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 27,3 фоизга ўсган. Шу жумладан, экспорт ҳажми 14257,9 млн. АҚШ долларга (ўсиш суръати 13,6 фоиз) ва импорт ҳажми 19557,4 млн. АҚШ долларига(ўсиш суръати 39,6 фоиз) етган. Ташқи савдо салдоси минус 5299,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган.

1-жадвал

Республика ташқи савдо айланмасида 2018 йилда юқори улушга эга бўлган бешта давлат

(млн. АҚШ доллари)

Давлат номи	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
				Улуши, фоизда	ўзгариш суръати, фоизда
Хитой	6 427,8	2 869,0	3 558,9	19,0	135,2
Россия	5 730,6	2 193,1	3 537,6	16,9	121,2
Қозоғистон	3 022,5	1 457,8	1 564,7	8,9	147,0
Туркия	2 171,8	936,2	1 235,6	6,4	139,9
Корея Республикаси	2 137,2	91,7	2 045,5	6,3	154,0

Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқаларини ривожланиши бозор ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида мавжуд бўлган миллий иқтисодиётнинг реал эҳтиёжлари асосида амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш ва ҳажмини кўпайтириш учун хосилдорлик ва экин майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, қишлоқ ахолисини иш билан таъминлаш, экспорт ҳаражатларини камайтириш, экспорт географиясини кенгайтириш, экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва мунтазам равишда амалиётга жорий этиш лозим.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини яхшилаш учун экспорт қилувчи корхоналар ва экспортга алоқадор ташкилотлар томонидан маркетинг изланишларини чуқурроқ олиб бориш керак. Шу орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янги бозорларга экспорт қилиш имконияти ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 майдаги “Экспортни янада рағбатлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги

рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
2. Н.А. Миклашевская, А.В.Хлопов. Международная экономика. Учебник. – М.: Дело и сервис, 2004. – 22 с.
3. Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Экономическое обозрение. Тошкент 2014.
4. www.gov.uz

АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ ВА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Юлдошев Ж.Т. *– ҚарДУ ассистенти*

Бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида, инновацияларни жорий этиш, миллий корхоналар рақобатдошлигини ошириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини ва бозордаги мавқеини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Инновациявий фаолият, ишлаб чиқариш ва инсон ҳаётий фаолиятининг бошқа соҳалари эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим услубларидан бири ҳисобланган ҳолда, у фойдаланиладиган маҳсулотларнинг сифат ўзгаришлари, фаолият воситалари ва услубларини янгилаш йўли билан амалга оширилади.

Аммо сифат ўзгаришлари фақатгина фундаментал билимлар асосида ўзгартириш мумкин бўлиб, улар техник босқичдан ишлаб чиқариш соҳасига ўтган ҳолда, унда прогрессив ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ушбу соҳадаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, саноати ривожланган мамлакатларда инновациявий фаолият маҳсулотларини сотиш ҳисобига миллий даромаднинг 20 фоизгача ўсиши таъминланиши мумкин.

Инновациявий бошқарув - Ўзбекистон иқтисодиёти учун нисбатан янги тушунча бўлиб, фан-техника тараққиётини бошқариш жараёнлари ва илмий-техник ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг асосий жиҳатларини қамраб олади.

Инновациявий бошқарувнинг энг муҳим амалий вазифаларидан бири - инновациявий жараёнларни бошқаришнинг самарали тизимини шакллантиришдир ва у қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутади:

- инновациявий бошқарувнинг тегишли назарий базасини ишлаб чиқиш;
- инновациявий бошқарув соҳасида мавжуд муаммоларни ечиш услубларини асослаш;
- инновациявий жараёнлар самарадорлигини баҳолаш услубиёти ва уларга таъсир кўрсатиш воситаларини ишлаб чиқиш.

Корхонада рўй бераётган инновациявий жараёнларнинг самарадорлиги, инновациявий стратегияни шакллантиришда қўлланиладиган усул ва услубларга, инновациявий маҳсулот категориясига, ишлаб чиқилаётган инновациялар турларига, илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришда қўлланилишига боғлиқ бўлади. Улар орасида энг муҳим элементлар бўлиб қуйидагилар саналади:

1. Инновациявий характердаги ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга

оширишнинг самарали стратегиялари;

2. Муайян ташкилий тузилмада бундай стратегияни амалга ошириш жараёнини бошқарув механизми.

Тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва маркетинг стратегиялари билан бир қаторда юқорида қайд этилган инновациявий стратегия, ташкилот умумий иқтисодий стратегиясининг муҳим бўғини сифатида қаралади.

Фермер хўжаликлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига таянган ҳолда, мазкур тизимда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масаласини қуйидаги расмдагидек ифода этишни тавсия этамиз.

Умуман олганда, фермер хўжаликларида бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар республикамизда аграр соҳани ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларига мос келади ва фермер хўжаликлари иқтисодий салоҳиятини янада оширишга яқиндан ёрдам беради.

Мотивлаштириш ҳатти-ҳаракатни ички, психологик ва физиологик бошқаришнинг динамик жараёни бўлиб, у ўзида жараённинг ташаббускорлиги, йўналиши, ташкил этилиши, қўллаб-қувватланиши ва эҳтиёжни қамраб олади. Мотивлаштиришга анъанавий ёндашув шунга асосланадики, ишловчилар-ресурс, актив холос. Уни самарали ишлашга ундашимиз лозим.

Фермер хўжаликларида бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш жиҳатлари

Ташкилий механизмни такомиллаштириш бўйича	**Иқтисодий механизмни такомиллаштириш бўйича**
Фермерлик фаолиятида тариф-малака йўриқномасини ишлаб чиқиш	Фермер хўжаликлари мақомини янада кўтариш
Фермерлик фаолиятида бошқариш техникасини замонавийлаштириш	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор қоидаларидан фойдаланишга ўтиш
Бошқарув технологиясини бозор иқтисодиёти талаблари асосида такомиллаштириш	Такомиллашган бизнес - режалаштириш амалиётини қўллаш
Бошқарув назорати натижавийлигини таъминлашда ҳужжатларнинг соддалаштириш	Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш
Фермерларга бошқарувни ташкил этиш бўйича консалтинг-малаҳат хизматларини, семинарларни ташкил этиш	Хўжаликлар билан давлат ўртасида иқтисодий, молия-кредит ва солиқ имтиёзлари асосида муқобиллаштириш
Ходимлар мотивациясини амалга ошириш	Фермер хўжалиги хизмат кўрсатиш сифатини оширишда шартнома шартлари бузилганда жазо чораларини қўллашни кучайтириш

Расм. Фермер хўжаликларида бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш

Бугунги кунда республикада инновацион фаоллик ривожланишига ҳалақит бераётган омиллар қуйидагилардан иборат:

- вазирлик ва идоралар, корхона ва хўжаликларнинг илмий-техник лойиҳалар танловида қатнашишга бўлган қизиқишининг пастлиги сабаби - ўз маблағи етишмаслиги, кредит шартлари оғирлиги, керакли ҳужжатлар ва ҳисоботлар тайёрлашнинг мураккаблиги;

- бир қатор инновацион лойиҳаларнинг иқтисодий сиёсат устувор йўналишларига, шунингдек, узоқ муддатли стратегик ривожланиш, истиқболда жаҳондаги илмий инновацион ривожланишга мос келмаслиги;

- жамоатчилик, нодавлат тизимлар, кичик ва хусусий тадбиркорларнинг инновацион дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш бўйича танловлар ҳақида етарлича ахборотга эга эмасликлари;

- чет эллик ҳамкорлар ва хусусий сектор билан ҳамкорлик натижаларининг пастлиги ва камлиги;

- иқтисодий рағбатлантириш паст самаралилиги ва ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини қабул қилишга бўлган қизиқишни рағбатлантириш механизмининг йўқлиги;

- инновацион маркетинг ва инновацион фаолият билан шуғулланаётган менежерлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими ривожланмаганлиги;

- инновацион лойиҳалар хавф-хатарлик даражасига баҳо берувчи ва суғурталовчи инновацион венчур ва суғурта компаниялари тизими шаклланмаганлиги;

- мамлакатдаги рақобат механизми асосида фаолият юритаётган турли мулкчилик шакллари, истеъмол-бозор муносабатлари республика ва ҳудудларнинг халқаро инновацион жараёнга мослашиши учун асос бўла олмаётганлиги.

Бу жараён хусусий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни узлуксиз равишда танлов асосида ривожлантиришни талаб қилади, бунга кўпроқ илм-фан талаб қиладиган технологиялар орқали эришиш мумкин. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ишларини мутлақо ўзгартириш ва агросаноат мажмуасини янги технологиялар билан таъминлашга қаратиши лозим.

Республикада ислоҳотлар доирасида давлат бошқарувини номарказлаштириш давлат бошқарув даражалари ўртасидаги ваколатларни аниқ чегаралаш ва бир қатор давлат бошқарув функцияларини босқичма-босқич маҳаллий бошқарув ва ўз-ўзини бошқарув органларига бериш орқали амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, олиб борилган тадқиқот натижаларига қараганда, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизими бозор муносабатлари шароитига тўла мослаша олмаяпти ва уни такомиллаштириш зарурияти туғилмоқда.

Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- аграр сиёсатни амалга ошириш, назорат қилиш ва республика қонунларига риоя қилиш, иқтисодий дастакларни қўллаш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулотлар кафолатли сотилиши учун шарт-шароит яратиш, илмий-техник тараққиёт

ютуқларидан фойдаланишни ташкил этиш. Қишлоқ хўжалиги вазирлигида АСМ фаолиятининг барча муҳим йўналишлари бўйича давлат бошқарув функциялари айтарли амалга оширилмаётганлиги;

- қатор функциялар турли хил ҳокимият органлари ўртасида асосланмаган тарзда жамланганлиги ва ички манфаатларни мувофиқлаштирилмаганлиги;

- давлат бошқарув органларининг ҳуқуқ ва жавобгарлик тамойиллари бузилганлиги, қишлоқ хўжалигида республика, вилоят, туман бошқарув органлари хўжалик тузилмалари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари орасидаги муносабатларда меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилмаганлиги;

- давлат бошқаруви, хўжалик ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимининг ўзаро муносабатлари ва таъсирлари бўйича аниқ механизмини ишлаб чиқилмаганлиги.

Аграр ишлаб чиқаришни бошқаришда бозор муносабатларининг ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш лозим. Жумладан, асосий эътибор маҳсулот ишлаб чиқаришга эмас, балки истеъмол бозорининг талаби (маҳсулот маркетинги)га қаратилиши ва ишлаб чиқаришни шу асосда ташкил қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Комилжонов Б.И. “Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш”. Монография. - Тошкент, ФАН, 2007. -186 б.
2. Бабаходжаев Ғ.А. ва бошқалар “Фермер хўжалигида янги ва тежамкор технологиялар” Дарслик-Тошкент. 2017 йил
3. http://www.tsue.uz/- Тошкент давлат иқтисодиёт университети
4. http://www.stat.uz/-Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитаси
5. www.lex.uz

АГРАР СОҲАДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Юлдошев Ж.Т. *– ҚарДУ ассистенти*

Ҳозирги кунда аграр соҳадаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишнинг муҳим омили ва шарт-шароитларидан бири - бу инвестицион фаолликни янада кучайтириш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун институционал ўзгаришларни амалга ошириш жуда муҳим, бироқ, соҳага кенг қамровли инвестицияларни олиб кириш вазифасини хал этмасдан туриб, мазкур йўналишда кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Шу сабабли инвестицияларни қишлоқ хўжалигига кенгроқ жалб этиш ва тармоқ корхоналари инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг қулай шароитларини яратиш давлат томонидан амалга ошириладиган аграр ислоҳотларнинг асосини ташкил этиши лозим.

Инвестиция маблағлари фойдаланиш характерига қараб: ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган

инвестиция маблағларига бўлинади, яъни:
- ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган маблағларга трактор, комбайн, қишлоқ хўжалик машиналари, уй ҳайвонлари ва маҳсулдор моллар сотиб олиш, чорва фермалари учун бинолар ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради;
- ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган маблағларга турар жой, маданий-маиший, маориф ва соғлиқни сақлаш бинолари ҳамда ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатлар киради.

Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш самарадорлиги, энг аввало, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришга таъсир қилувчи табиий иқлимга ҳамда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказилиш билан ҳам боғлиқ. Инвестициялар қишлоқ хўжалиги ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, булар жумласига қуйидагилар киради:
- фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш кучлари ва воситаларини мақбул жойлаштириш;
- қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи барча йўналишлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш;
- тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фермер ва деҳқон хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва молиявий ўсишни таъминловчи инфратузилмаларни фаоллаштириш;
- аграр соҳани фаоллаштириш орқали мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилишдан иборат.

Инвестиция маблағи режалаштирилаётганда хўжаликдаги мавжуд фондлар ва янгиликларнинг эскириши, ишдан чиқиши ҳам ҳисобга олинади. Ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантириш учун инвестиция маблағлари сарфини белгилашда:
- инвестиция маблағларидан фойдаланиш йўналишининг таркиби;
- қурилишнинг бажарилиш усули;
- инвестицион қурилишларнинг навбати;
- бажарилган иш ҳажми ва муддати;
- бозор иқтисодиётида инвестициядан кўзланган мақсад ва унга таъсир этадиган омиллар аҳамияти эътиборга олинади.

Қишлоқ хўжалигида инвестициялар самарадорлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичларни ажратиш лозим:
1. Бевосита иштирокчилар учун лойиҳаларни амалга оширишда молиявий натижаларни акс эттирувчи тижорат (молиявий) самарадорлик кўрсаткичи.
2. Мамлакат, ҳудуд ва маҳаллий бюджетда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижаларини ифода қилувчи бюджет самарадорлиги кўрсаткичи.
3. Мамлакат, ҳудуд, туман ёки шаҳар, шунингдек иштирокчилар манфаатини ҳисобга олувчи ва лойиҳа натижаларни ҳамда харажатларни акс эттирувчи иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг натижа ва харажатларини баҳолаш давомийлиги қуйидагиларни инобатга олган ҳолда ҳисобот даври учун амалга оширилади:

- объектни қуриш, фойдаланиш ва тугатиш даври;
- технологик воситаларнинг меъёрий хизмат даври;
- белгиланган иқтисодий кўрсаткичларга эришиш (фойда, даромад, капиталнинг фойда меъёри).

Инвестиция маблағи орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда техника, технологияларни кенгайтириш ҳамда унинг техник-иқтисодий самарадорлигини ошириш лозим. Инвестиция маблағидан мақсадли ва самарали фойдаланиш корхона рентабеллигини оширади.

Инвестиция маблағларидан фойдаланишнинг тежамли йўлини аниқлаш ва сарфланган маблағларнинг ҳар бир сўми эвазига кўпроқ маҳсулот етиштириш, сарфланган инвестиция маблағини қоплаш муддатини қисқартиришга боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги тармоғи ўзига хос бир қатор хусусиятлар таъсирида инвесторлар учун жозибадорлиги паст соҳа ҳисобланиши туфайли бу тармоққа инвестиция жалб этиш имкониятлари чекланган. Жумладан, қишлоқ хўжалигига ички инвестицияларни жалб қилишда қуйидаги муаммолар кўзга ташланади:

→ қишлоқ хўжалигининг табиий–иқлимий шарт-шароитларга (жуғрофий жойлашув, об-ҳаво, табиий-иқлимий шароитлар, экологик мувозанат ҳолати, сув тошқини, жала, дўл, қурғоқчилик, ер силкиниши каби табиий офатларга) боғлиқлиги;

→ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг биологик хусусиятлари (тез бузилувчан бўлганлиги учун узоқ масофаларга ташиш ва узоқ вақт сақлаш имкониятларининг чекланганлиги);

→ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ноэластиклиги;

→ тармоқда капиталнинг секин айланиши натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари даромадларининг пастлиги ва бошқалар.

→ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларида инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда кредит учун гаров таъминотининг етарли эмаслиги;

→ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги;

→ молиялаштиришнинг муқобил усулларидан (лизинг, факторинг, қимматли коғозлар бозори) суст фойдаланиш;

→ инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномасини сифатсиз тайёрланиши;

→ инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ва бошқалар.

→ инвестиция инфратузилмаларининг етарлича ривожланмаганлиги;

→ тадбиркорларнинг бизнес-кўникмалари, шу жумладан инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги;

→ лойиҳа ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий аҳволи оғирлиги;

→ маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида батафсил маълумотлар билан таъминлашда фаол эмаслиги ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида капиталнинг секин айланиши тармоққа

инвестициялар жалб этиш имкониятларини чеклайди. Айниқса, қишлоқ хўжалигига хусусий ички инвестициялар ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи ҳали тўлиғича ўз ечимини топгани йўқ.

Умуман, қишлоқ хўжалигини инвестициялаш имкониятлари ундаги муаммолар билан тескари пропорционалликка эга. Шу сабабдан тармоқдаги муаммолар ечими бугунги аграр ислоҳотларнинг асосий йўналишини ташкил этмоқда. Бунда мазкур жараёнда давлатнинг марказлашган инвестициялар билан иштирокини тадқиқ этиш ва унинг ҳолатига бахо бериш ўз аҳамиятига эгадир.

Мамлакатда, хусусан, қишлоқ хўжалигида инвестиция фаолиятининг ривожланиши инвестицияларни жалб этиш учун яратилган инвестиция муҳитига боғлиқлиги сабабли чет эл ва ички инвестицияларни иқтисодиётга кенг жалб этиш учун қулай инвестиция шарт-шароитларини, жумладан, ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва амалиётга жорий қилиш зарур деб ҳисоблаймиз. Инвестиция муҳитини аниқлашда ҳудудларнинг ҳам инвестицион жозибадорлигини ҳисобга олган ҳолда муҳитнинг реал шароитларига таъсир этувчи кенгайтирилган кўп омилли ёндашувдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Лекин, қишлоқ хўжалиги соҳасида инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича мавжуд инвестиция муҳитини коникарли даражада, деб бўлмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларига уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва мавжуд иқтисодий аҳволидан келиб чиқиб жалб қилишни амалга ошириш лозим, тахлилларига кўра, иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этувчи қишлоқ хўжалигига киритилган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг кичик салмоққа эгалигини бундай йирик тармоққа ички имкониятлар чекланган ҳозирги шароитда хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш амалий ҳаракатларининг республикада ўта суст олиб борилаётганлигининг оқибати билан боғлаш мумкин.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги доимо давлатнинг қўллаб-қувватлаб туришига муҳтож тармоқ ҳисобланади. Шу сабабли бу тармоқ давлат эътиборидан четда алоҳида ҳолатда ўз-ўзидан ривожланиб кета олмайди. Шунинг тасдиғи сифатида тармоққа бўлган эътиборнинг сусайиши унинг ривожланиш имкониятларидан тўла фойдаланиш даражасини таъминлаб бера олмаслигига олиб келиши мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Умумий ҳисобда, мустақилликдан кейинги давр ичида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ва иқтисодий эркинлаштириш жараёнлар натижасида улкан ютуқларга эришилди. Лекин, инвестициялаш имкониятлари, асосан, тармоқдаги хўжалик юритиш субъектлари ва мамлакатнинг ички имкониятлари ҳисобига ҳосил бўлди.

Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд шароит ва тармоқ корхоналари инвестицион фаоллигини оширишнинг зарурий асосларига таяниб, аграр ислоҳотлар жараёнида қуйидаги муаммоларнинг амалий ечими ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилиниши мақсадга мувофиқдир:

- жойларда маҳаллий ҳокимликлар, давлат органлари ва бошқа тегишли

назорат ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига ўринсиз маъмурий аралашишлар ва уларга ўз таъсирини ўтказишга ўринишлари;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг аксарияти ички бозорда сотилиши ва ташқи бозорга бевосита чиқиш имкониятларининг чекланганлиги уларнинг валюта бозори ва қимматли қоғозлар бозорида иштирок этмаслиги - акция ва облигациялар чиқара олмаслиги, юқори даражали рискли инвестициялаш объекти ҳисобланмиши, тижорат банкларининг бу тармоққа кредит ажратиш мойиллигининг пастлиги кабилар ҳам жиддий муаммолардан ҳисобланади;
- аграр соҳада ўзига хос самарали амортизация сиёсатини қўллаш механизмининг мавжуд эмаслиги ва б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрел.
2. Мардиев Н. Многокритериалная оценка вариантов исползования инвестиционных ресурсов.// Вопросы моделирования и информатизации экономики. Вып.20.- Т.:НИСО АН РУз. 2001.- с.51-62.
3. www.ziyonet.uz

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДАГИ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Шодмонқулов К.М. *- ТДАУ “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедраси ассистенти*

Жаҳон миқиёсида мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилиш кўпгина давлатларда бизнес ҳисобланади. Халқаро иқтисодий қиёслашларда мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмол даражасининг юқорилиги мамлакат иқтисоди ривожланганлигини белгиловчи омиллар орасига киритилган. Жумладан, ушбу маҳсулотлар аҳоли жон бошига истеъмол даражасини кўрсатади. Ушбу маҳсулотлар истеъмол даражаси киши бошига АҚШда 295,2 кг, ЕИда 278,8 кг ва Японияда 265,1 кг ни ташкил қилиб, бу кўрсаткичлар бошқа давлатларга нисбатан анча юқоридир.

АҚШда мева-сабзавот экспорти даромадлилик даражаси гўшт экспортига тенглаштирилади. АҚШ қишлоқ хўжалиги Департаментининг янги ҳисоботига асосан мева-сабзавотчиликда даромаднинг кўтарилиши, транспорт ҳаражатларини камайиши, технологияларнинг яхшиланиши, ўзаро манфаатли халқаро битимлар тузишга эришилиши жаҳон миқёсида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси айланмасининг асосий қисми ЕИ, Шимолий Америка эркин савдо ҳудуди ва Осиё давлатларига тўғри келади.

Хитой мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти стратегияси биринчи навбатда Осиё ва жаҳон бозорларини эгаллашга қаратилган. Хитой асосан, Осиё давлатларида машҳур бўлиб улгурган америка мева ва сабзавот навларини етиштиришни ўзлаштира бошлади. АҚШ қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари экспортининг 38 фоизи Осиё бозорларига тўғри келган. Лекин, бугунги кунда Хитой Осиё бозорларини эгаллашга эришди ва АҚШнинг ушбу бозорларига мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиши кескин камайди.

Жаҳон мева ва сабзавотчилик соҳасининг ҳолати таҳлилари шуни кўрсатмокдаки, бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорти асосан Хитой, АҚШ ва ЕИ тўғри келмоқда.

Мева-сабзавот маҳсулот турларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш жараёнларини ўз ичига олувчи мева-сабзавотчилик қуйи мажмуасининг давлатлар томонидан ўз иқлим шароити, жаҳонда тутган стратегик ўрни ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда таркибий тузилишларини, уларнинг афзалликларини ушбу соҳада етакчи бўлган давлатлар мисолида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Туркия жаҳонда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларни эгаллайди. Туркияда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган хўжаликлар орқали эмас, балки фермерлар томонидан амалга оширилади.

Ушбу сектордаги асосий маҳсулот турлари узум ва майиз ҳисобланади. Туркия жаҳондаги узум етиштирувчилар бешлигига киради. Бир йилда 3,2-3,6 млн. тонна узум ҳосили йиғиштириб олинади. Умумий ишлаб чиқарилган узум ва майизнинг 70 фоизи экспортга йуналтирилган. Мамлакатда ушбу маҳсулот турининг 1200 яқин навлари етиштирилади. Шу билан бирга қуритилган мевалар (туршак, анжир) хам ишлаб чиқариш ташкил қилинган. Туршак ишлаб чиқариш учун хом ашё булган ўрик етиштирилади. У асосан Малатья ҳудудида етиштирилади. Ушбу ҳудуддаги барча ўрик ҳосилининг 95 фоизи экспортга йуналтирилган туршак ишлаб чиқаришга ажратилади. Давлат экспортга йуналтирилагн маҳсулотларнинг сифатини назорат қилади.

Охирги йилларда Туркияда маҳсулотни даладан истеъмолчига етказиш тизими сезиларли даражада ўзгарган. Етказиб берилаётган мева-сабзавотларни музлатиш имкониятига эга бўлган гипермаркетлар тармоғи шакллантирилди.

Туркия хукумати мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида Жанубий-Шаркий Анатолия ҳудудини ривожлантириш дастурини амалга оширмоқда. Шу билан бирга, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига етказиш учун сарфланадиган вақт ўртача 2-5 соатга ортганини инобатга олган ҳолда бошқа ҳудудлар билан биргаликда, мазкур ҳудудда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини музлатиш корхоналари ҳам қурилди. Давлат мазкур тармоққа инвестицияларни, жумладан, хусусий капитални жалб қилиш буйича ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари тармоғини яратиш режалаштирилган.

Бир қатор компаниялар ўз қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан барқарор таъминлаш имконини берувчи хусусий плантацияларга эгалар. Кўпчилик экспортчилар ишлаб чиқарувчиларга бўнак маблағлари ва бошқа

турдаги кўмаклашувни амалга ошириб, мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олиш ҳақида олдиндан келишиб оладилар.

Хитойнинг мавжуд салоҳиятидан имкон даражада кенгрок фойдаланиши ва ишлаб чиқарувчиларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашини инобатга олганда, жаҳон мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида ўз мавқиени сақлаб қолиши шубхасиз. Ишлаб чиқариш суръатларини оширишни бошламас эканмиз, Хитой мева-сабзавотларининг бозорларимизни эгаллашига ўзимиз замин яратган бўламиз.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортни молиялаштириш тизими ва солиқлар воситасида тартибга солиш, экспортни рағбатлантириш умумий тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Булар орасида экспортни кафолатлари, экспорт олди кредитлаш энг самарали ҳисобланади. Унда ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш асосий ўринни эгаллаши лозим.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини қуллаб-қувватлаш тизимининг таркибий қисмларидан бири миллий экспортёрлар ҳимоясини таъминлаш учун экспорт кредитларини тижорат ва сиёсий хавф-хатарлардан суғурталаш, шунингдек, хорижий бозорларни ўзлаштириш бўйича экспорт операциялар суғурталаш ҳисобланади. Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш учун республикадаги банклар ишини фаоллаштириш лозим.

1-жадвал

Ўзбекистон ва Хитой мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт салоҳиятини баҳолаш мезонлари

№	Мезонлар	Ўзбекистон	Хитой
1	Маҳсулот ишлаб чикаришнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари, фоизда (2013- 2016йй.)	6.0-6.2	5.5-6.0
2	Маҳсулот етиштириш учун иқлим шароити	қулай	қулай
3	Тиббий меъёрга нисбатан ишлаб чиқариш даражаси, фоизда	112.5	145.0
4	Қайта ишлаш, умумий маҳсулот ҳажмига нисбатан фоизда	20-25	40-50
5	Қишлоқ хўжалигида банд булган аҳоли, фоизда	60	50
6	Ҳўл мева-сабзавотларнинг сифат даражаси	паст	ўрта
7	Қайта ишланган маҳсулотларнинг сифат даражаси	ўрта	юқори
8	Экспортни давлат томонидан куллаб-кувватлаш шарт-шароитлари: -иқтисодий -ташкилий -ҳуқуқий -халқаро миқёсда	 Ўрта Ўрта Ўрта Паст	 Юқори Юқори Юқори Юқори
9	Экспорт харажатлари	юқори	паст
10	Экспорт географиясининг диверсификациялашув даражаси	Паст	Юқори

Манба: ЎзР Давлат статистика кумитаси маълумотлари асосида тузилган.

Юқоридаги жадвалда келтирилган мезонлар Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар мавжудлигидан далолат беради.

Шунинг билан бирга мева-сабзавот маҳсулотларининг йиғим-терим даврида, бозорда чет эллик харидорлар билан шартномалар тузиш ва мазкур буюртмаларни йирик маҳаллий компанияларда жойлаштириш ва маълум тўлов эвазига улар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланувчи унча катта бўлмаган воситачи фирмалар - трейдерлараро фаолияти юрғизади.

Миллий экспортёрларни бошка мамлакатларда куллаб-кувватлаш максадида Хитойнинг хорижий мамлакатлардаги элчихоналарда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини ривожлантиришга катта эътибор каратилган. Шу жумладан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш буйича кенг доирадаги хамкорлик алокалари олиб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро рақобатбардошликда нафақат маҳсулот нархи, янгилиги, экологик жиҳатдан тозалиги каби омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда кўплаб мамлакатлар ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини инновациялардан фойдаланиш, юқори технологик хусусиятга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига таъминланмоқдалар. Бу эса илмий-технологик салоҳиятини кенг ривожлантиришни тақозо этади.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш ва ҳажмини кўпайтириш учун хосилдорлик ва экин майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, қишлоқ ахолисини иш билан таъминлаш, экспорт ҳаражатларини камайтириш, экспорт географиясини кенгайтириш, экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва мунтазам равишда амалиётга жорий этиш лозим.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги таклиф ва тавсияларни қилиш имконини беради:

- Республикадаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шу орқали мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарида иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланган экин турлари бўйича ҳосилдорлик даражасини янада ошириш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва уларни ташқи ва ички бозорларга сифатли етказиб беришни таъминлаш мақсадида агрологистика марказларини сонини кўпайтириш ва ундаги ишчи-ходимларнинг малакасини ошириш керак;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш, қадоқлаш, бирламчи қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи корхоналарга янада кўпроқ қулайликлар яратиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга етказиб бериш билан боғлиқ жараёнларни янада соддалаштириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 майдаги “Экспортни янада рағбатлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони
2. Мирзиёев Ш.М. “Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси” Gov.Uz
3. Отабоев М., Эшонқулов.А. Ўзбекистоннинг мева-сабзавот комплекси. Муаммо, тажриба ва ечимлар. -Т.: Меҳнат. 1991. –14-15б.
4. «Ўзбек озиқ овқат холдинг» компанияси маълумотлари.
5. www.stat.uz

АГРАР СОҲАДА ХАЛҚАРО БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шодмонқулов К.М. *- ТДАУ “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедраси ассистенти*

Мамлакатимиз кенг кўламли ислоҳотлар туфайли аграр соҳада ҳам туб бурилишлар содир бўлмоқда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон Фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сонли Қарорининг қабул қилинганлиги нафақат фермерлик ҳаракатини балки бутун қишлоқ хўжалигини янада юқори даражада тараққий этишига замин яратилди.

Аграр бозорда халқаро бизнесни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, Жаҳон ҳўжалик тизимида миллий иқтисодиётлар ривожланишининг ўзаро боғлиқлиги тобора кучайиб бормоқда, турли давлатлар ва минтақалар интеграцияси жадал кечиб, халқаро савдо муносабатларининг кенгайишига ижобий таъсир қилмоқда. Шу жиҳатдан олганда, миллий иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясининг тобора чуқурлашуви, аграр бозор кўламини янада кенгайишига олиб келади.

Аграр бозорда халқаро бизнесни бошқариш халқаро савдо муносабатлари экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишда, турли халқаро тендерлар ўтказиш, инвестициялар жалб қилишда, товар ва хизматлар кўринишида намоён бўлиб, мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига ва жаҳоннинг турли бурчакларида фаолият юритувчи трансмиллий корпорациялар манфаатларига хизмат қилмоқда.

Товарлар ва хизматларнинг мамлакатлар бўйлаб кўчиб юриши билан

боғлиқ ушбу мураккаб жараён – халқаро маркетинг заруратини юзага келтиради. Халқаро маркетинг давлатларнинг ташқи бозор конъюнктураси асосида миллий ишлаб чиқаришни шакллантириш, мамлакатлар ихтисослашуви ва турли компанияларнинг ташқи иқтисодий, савдо фаолиятини ташкил қилиши, бошқарув ва назоратнинг марказлашуви билан тавсифланади. Чунки, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви мамлакатлар ва турли минтақавий тузилмаларнинг халқаро ихтисослашувини кучайтиради ва ўзаро товар ва хизматлар айирбошлашнинг ривожланишига хизмат қилади. Ушбу ҳолат товарлар ва хизматларни ташқи бозорда силжишида барча омиллар ва хўжалик алоқаларининг турли шаклларини ҳисобга олишни талаб қилади.

Ҳозирги кундаги ташқи иқтисодий муносабатларнинг халқаро меҳнат тақсимоти асосида ихтисослашуви, мамлакатлар ва минтақавий интеграцион тузилмалар ўртасида объектив, барқарор савдо-сотиқ муносабатларни намоён этади. Жаҳон иқтисодиётида халқаро маркетингнинг шаклланиши халқаро меҳнат тақсимоти, халқаро ихтисослашув ва кооперацияга ҳамда хўжалик фаолиятининг байминаллашувига асосланган объектив жараён ҳисобланади.

Халқаро компаниялар ташқи бозорда товарлар ва хизматларни муваффақиятли силжитиш халқаро маркетинг имкониятларидан – замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда товар сотиш ва хизмат кўрсатиш тизими, жаҳоннинг товар бозорлари конъюнктураси ва истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжлари тадқиқотларидан самарали фойдаланишдан иборат бўлиб, халқаро компаниялар миллий компаниялардан фарқи шундаки, унинг товарлари оралиқ ёки тайёр ҳолда бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юради.

Аграр бозорда халқаро бизнесни бошқаришда мамлакатлар ва компанияларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштироки қуйидагича бўлиши мумкин:

– мамлакат ёки компания мунтазам товарларни экспорт қилмайди ва чет элдан товар ва хизматларни импорт қилади;

– мамлакат ёки компания халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштироки натижасида хом ашё ва замонавий технологиялар импорт ёки экспорт қилинади.

– мамлакат ёки компания қўшма ишлаб чиқариш шаклида халқаро саноат ва илмий-техник ҳамкорликларда иштирок этади.

Одатда мамлакат ва компанияларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги фаоллигига зарурият сифатида қуйидаги сабаблар кўрсатилади:

– ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва тўла фойдаланиш ҳамда замонавий технологиялар, ноу-хауларни киритиш;

– товар ёки хизматлар экспортидан молиявий имкониятларни ошириш;

– мамлакат ёки компаниянинг жаҳондаги мавқеини оширишга интилиш;

– мамлакат ёки компанияни рақобатбардошлигини таъминлаш;

– хорижий валюта жалб қилиш имкониятини кенгайтириш.

Бугунги кунда Европа Иттифоқида кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари турлари бўйича бозорлар фаолият юритиб келмоқда ва бу Иттифоқ

таркибидаги давлатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 95 фоизи шу бозорларда сотилмоқда.

АҚШда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосан катта биржаларда улгуржи савдолар ўтказиш орқали сотилади. Бу биржалардаги савдоларнинг туб моҳияти фьючерс шартномалари ҳисобланади. АҚШ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорида улгуржи савдо ассортимент кенглиги; маҳсулотларни етказиб бериш; сотиш тизимига ва оборот қисмига қараб тавсифланади ва ташкил этилади.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда озиқ-овқат товарлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи сотишни кенг тарқалган шакллари қуйидагилар:

- саноат ва савдо компанияларининг фермерлар билан қишлоқ хўжалиги хом ашёсини сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш;
- фермер кооперативлари маҳсулотларини қабул қилиш орқали сотиш;
- тармоқлараро битимлар доирасида маҳсулотларни катта партияда сотиш, булар кооперативлар, қишлоқ хўжалиги компаниялари, муассасалар ва бошқа турдаги тадбиркорлар бўлишлари мумкин;
- биржа савдолари;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бевосита фермерларнинг ўзи улгуржи воситачилар ёки қайта ишловчи агентлар, савдо ташкилотларига сотиши.

АҚШ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти орқали жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш биринчи навбатда, тармоқни хусусийлаштириш ва эркинлаштириш орқали эришилган. Аммо бунда давлатнинг роли ҳам сақланиб қолинган. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги субъектлари бутунлай давлат назоратида бўлди дейиш ҳам тўғри эмас. Амалиётда эса бозор механизмларини ишлаш тамойиллари муҳим аҳамият касб этган.

АҚШ давлати қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам жаҳонда илғор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу қўллаб-қувватлаш, асосан, қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1. Қишлоқ хўжалиги ресурсларини сақлаш.
2. Қишлоқ хўжалигига фан ва техника ютуқларини жорий қилиш.
3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ва ташқи бозорни ривожлантириш ва бошқалар.

Республика қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича АҚШда тўпланган тажрибаларнинг қуйидагиларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- маҳсулот етиштирувчи, маҳсулот сотиб олувчи ва сервис хизмати кўрсатувчи тизимлар ўртасида рақобатни ривожлантиришга давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш;
- паст фоизларда имтиёзли кредит беришда фермерларнинг ихтисослашганлик даражасига эмас балки мавжуд эҳтиёжига қараб кредит бериш тизимини йўлга қўйиш;
- маҳсулотлар турларини етиштириш ва танлаш бўйича эркинлик бериш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини чегаралашни камайтириш;

- маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириб боришда мунтазам равишда давлат томонидан аграр фанни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

Шундай қилиб, аграр бозорда ташқи иқтисодий фаолият орқали молиявий манфаатга эришиш мақсадга эришиш ҳисобланади. Шуни қайд этиш керакки, ташқи иқтисодий фаолиятда халқаро маркетингни амалга ошириш жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви таъсири асосида маркетинг тамойилларида ўзгаришлар бўлишини тавсифлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
2. Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Тошкент 2014. - 24 б.
3. Дадабоев Т., Умарова Г. Боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини ривожлантириш. «Аграр ислоҳотларини чуқурлаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари». –Андижон, - 2007. –Б. 503-506.
4. Умурзоқов Ў.П. ва бошқалар. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма.- Тошкент.: “Молия-иқтисод”, 2007 й. 276 бет.
Интернет сайтлари:
www.fao.org
www.stat.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Давлатов С.А. *- ТДАУ “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедраси ассистенти*

Иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, улардан кўзда тутилган мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва фаолият қилишнинг энг яхши шароитларини яратиш, уларнинг маънавий-ахлоқий етуклигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Ислоҳотларни амалга оширишдан олдин бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий модели яратилди. Бу моделда янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий томонлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилади, ислоҳотларнинг асосий йўналишлари белгиланади.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- мулкий муносабатларни ислоҳ қилиш;
- аграр ислоҳотлар;
- молия-кредит ва нарх-наво ислоҳоти;
- бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфратузилмасини яратиш;

- ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти;
- ижтимоий ислоҳотлар.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида қуйидаги иккита вазифани бирданига ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилгди:

- тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;

- Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш.

Республикада бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар унинг ўз тараққиётида кейинги сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошлаш учун мустаҳкам шарт-шароит яратди:

- давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш;
- ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш;
- иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаёқ қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлди:

- мамлакатимиз иқтисодиётида аграр соҳа устунликка эгалиги, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида бандлиги, иқтисодий ўсишнинг кўп жиҳатдан шу тармоқ аҳволига боғлиқлиги;

- республика бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил қиладиган саноатнинг кўпгина тармоқларини (пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил, озиқ-овқат, кимё саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва бошқалар) ривожлантириш истиқболлари бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқлиги;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (асосан пахта) ҳозирги вақтда валюта ресурслари, республика учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, техника ва технология ускуналарини четдан сотиб олишни таъминлаётган асосий манба эканлиги;

- мустақиллик шароитида қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги ролининг ортиб бориши.

Ўзбекистонда аграр ислоҳотларнинг асосий мақсадлари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- аҳолига керакли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноати учун хом ашё етказиб беришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш;
- истеъмол бозорларини барқарорлаштириш;
- қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш имкониятларини шакллантириш;
- аграр тармоқ самарадорлигини таъминлаш ва унинг аста-секинлик

билан мамлакат иқтисодиётининг барқарор бўлишидаги ҳиссасини оширишга эришиш.

Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги асосий воситалардан фойдаланиш лозим эди:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги мулк шакллари турларидан самарали фойдаланиш. Бунда рақобатга асосланган мулкчилик тизимидан фойдаланиш, яъни, қаерда қайси мулк шакли энг кўп самара берса, ўша ерда шу мулк шаклидан фойдаланиш тамойили асосида иш юритиш муҳим аҳамият касб этади.
2. Аҳолининг даромадларини ошишига хизмат қиладиган аграр сектордаги меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш.
3. Иш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, бу ўз навбатида меҳнат шароитлари ва уларнинг натижаларини ўзгартиради.
4. Ички аграр ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш, молиялаштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш.
5. Қишлоқ ҳаёти ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши инфратузилмасини шакллантириш.
6. Агросаноат ишлаб чиқаришида бозор механизмини такомиллаштириш ва корхоналар рақобатбардошлигини таъминлаш.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларга бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатди. Объектив омилларга асосан қуйидагилар киради:

- қишлоқ хўжалигини мавжудлик ва ташкил этиш хусусиятлари;
- аграр сектордаги биоклимат салоҳияти даражаси;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг катта меҳнат сиғимига эга эканлиги;
- аграр секторда бозор муносабатларининг тўла ривожланмаганлиги ва уни қишлоқ аҳолисининг қабул қилиши қийин бўлаётганлиги;
- аграр соҳа фаолиятини ташкил қилиш жараёнига давлатнинг аралашувининг зарурлиги.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларда субъектив омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Субъектив омилларга кишилар, яъни ишлаб чиқарувчилар, раҳбарлар, истеъмолчилар ва бошқалар киради. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларга қуйидаги умумий омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

- корхона ҳажми йириклашувининг технологик самараси;
- техник ривожланиш (биологик, механик, ташкилий-техник);
- тадбиркорликнинг махсус омиллари;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш омилларини ўз вақтида таъсир кўрсатишини таъминловчи жиҳатлар;
- умумиқтисодий ривожланиш (талабнинг ўсиши, товар ва хизматлар баҳоси);
- сиёсий ўзгаришлар.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда амалга оширилган мулк ислоҳоти натижасида:

- тармоқда мулк “давлат мулки” ва “жамоа мулки” (ширкат ва жамоа хўжаликлари) шаклидан “хусусий мулк” (деҳқон ва фермер хўжаликлари)

шаклига ўтказилди;

 жамоа мулки бўлган боғ ва токзорлар, чорва фермалари ва моллари, техникалар ҳамда бошқа мол-мулклар хусусийлаштирилди;

хусусий мулкларни ҳимоя қилиш ва уларнинг ривожланишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш бўйича меъёрий хужжатлар қабул қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ronald D Knutson, J.B.L.Penn, Barry L. Flinchbaugh. Agricultural and Food Policy. 2015, Edition: 6 nd.
2. Саидова Д.Н., Рустамова И.Б.,.Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овкат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Т.: “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси босмахонаси” нашриёти, 2016. 257 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
4. www.agriculture.uz – Ўзбекистон агроахборот тизими портали.
5. www.fao.org – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) сайти.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Давлатов С.А. *- ТДАУ “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедраси ассистенти*

Республикада қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва унинг ҳудудий ҳамда туман тузилмалари ташкил этилган, уларга кенг ҳуқуқ ва ваколатлар берилган, Мазкур Кенгашлар фермерлик ҳаракатининг ўзаги, йўналтирувчи кучи бўлмоқда. Натижада фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси ҳамда аграр соҳани ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни ҳамда ишлаб чиқаришларни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда.

Фермер ўзига иш жойи яратиб ва ўзини иш билан таъминлаб қолмасдан, балки бошқалар учун ҳам иш жойларини яратиш, одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий муаммоларидан бир қисмини давлат зиммасидан ўз зиммасига олувчи субъект сифатида намоён бўлмоқда.

Фермер хўжаликларининг барқарор ривожланиши натижасида фермер хўжаликларининг сони, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши, чорва моллари бош сони ҳамда фермер хўжаликларида ишловчиларнинг сони тез суръатларда ўсиб бормоқда. Фермер хўжаликларига хос бу хусусият аграр

соҳада уларнинг хўжалик юритишнинг энг самарали шаклларидан бири сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаётганини кўрсатмоқда.

Фермер хўжаликларининг ўрни улар етиштираётган пахта, галла ёки озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан белгиланмасдан, улар мулк эгаси, етиштирилган маҳсулот ва ижарага олинган ер эгаси сифатида - мулкдорлар синфининг қишлоқдаги хақиқий вакили бўлиб намоён бўлмокда.

Фермерларнинг даромади фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан эмас, балки мулкдан, маҳсулотни қайта ишлашдан, уни ички ва ташқи бозорда сотиш ва ниҳоят, бошқа тармоқлар фаолиятидан шаклланмокда. Фермер хақиқий тадбиркор, бозор субъектига айланиб бормоқда. Фермер хўжаликларини иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг аҳамияти қуйидагилар билан белгиланади:

- қишлоқ хўжалигида ер, меҳнат маҳсули ва ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган мулкдор синфини ривожлантириш;
- сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш;
- қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлаш;
- қишлоқ ҳудудларида ижтимоий муҳитни мустаҳкамлаш, сиёсий барқарорликни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалигида ташкилотчи, тадбиркор ва маънавий етук шахсларни шакллантириш, янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини яхшилаш;
- ердан сифатли фойдаланиш асосида тупроқ унумдорлигини ошириш ва харажатларни камайтириш орқали атроф-муҳит ва экологиянинг мусаффолигини таъминлаш.

Фермер хўжаликлари мамлакат қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда асосий бўғин ҳисобланади. Улар стратегик аҳамиятга молик бўлган ғалла, пахта ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларга эга бўлди. Шу билан қишлоқ хўжалигида барқарор ривожланишга эришиш асоси таъминланди. Давлат фермерларни қўллаб-қувватлаш, улар ривожини рағбатлантиришнинг молиявий-иқтисодий механизмларини жорий этди. Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлашди, бу қишлоқ аҳолисининг даромадларини кўпайишига, турмуш фаровонлигини ошишига олиб келмоқда. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари самарадорлигини ошиши, фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотларининг кенгайиши, истиқболда ишлаб чиқариш кооперациясига асосланган кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. Бу – молиявий-иқтисодий жиҳатдан бақувват, барқарор ривожланиш манбасига эга бўлган фермер хўжаликларини шаклланишини кафолатлайди.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш асосида фермер хўжаликларини иқтисодий барқарорлигини таъминлашда янги фермер хўжаликларини ташкил этиш эмас, балки фаолият юритаётган фермер

хўжаликларининг иқтисодий эркинлиги ва барқарорлигини рақобат муҳитида ривожланишини таъминлаш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Фермер хўжаликларини иқтисодий барқарорлигини таъминлашда асосий мезонлардан бири - тадбиркорлик даражасини ривожлантириш ҳисобланади. Бу фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда турли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиши орқали уларнинг рақобатдошлик даражасини ҳам белгилаб беради.

“Иқтисодий барқарор ривожланиш” фермер хўжалигини юритишида бундай янгича йўналиш унинг мазмун моҳияти ва амалиётда қўллаш йўллари кўпгина мамлакатларда, шу билан бирга, халқаро ташкилотлар доирасида катта қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда. Бундай ривожланиш дунёнинг кўпгина давлатлари учун бирдек маъқул ривожланиш деб эътироф этилмоқда. Бунинг асосий тавсифи эса ижтимоий, иқтисодий ва экологик мақсадларнинг ўзаро уйғунлигидир.

Иқтисодий барқарор фермер хўжаликлари фаолиятининг мақсади маълум бир даврдаги юқори самарадорликка эришиш эмас, балки узоқ келажакда аҳолининг меъёр талаблари даражасида экологик жиҳатдан тоза бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом ашё билан таъминлашдан иборат. Фермер хўжалигини иқтисодий барқарор ривожлантиришда асосий эътибор қишлоқ аҳолисининг даромадлари, уларнинг турмуш тарзи, ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатлилик даражаси, экологик мувозанат ва атроф-муҳит муҳофазасига қаратилади яъни, бу ерда мақсад юқори ҳосил олиш эмас, балки иқтисодий самарадорлик мезонларига мос ҳамда юқори сифатга йўналтирилган ишлаб чиқариш барқарор фермер хўжалигининг асосий мақсади сифатида эътироф этилади. Содда қилиб айтганда, иқтисодий барқарор фермер хўжалиги сон эмас, сифат учун ишлайди.

Фермер хўжаликларини иқтисодий барқарорлигини таъминлаш уларни янада самарали ривожлантириш ҳамда давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш омилларига боғлиқ. Мамлакатимизда фермер хўжалигини барқарор ривожлантиришда тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, бу жараённи давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимиз фермер хўжаликларининг ривожланиши ҳолатидан келиб чиқиб, фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожланишини таъминлашга агротехник, экологик, ижтимоий, микроиқтисодий ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали эришиш мумкин:

- агротехник барқарорлик, тупроқ, умуман, деҳқончилик қилинаётган ерларнинг унумдорлигини узоқ муддат сақлаб қолиш;
- экологик барқарорлик, атроф-муҳитга зарар етказмаслик ва қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳаларнинг тўлиқ сақланиши;
- ижтимоий барқарорлик-қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасининг кўтарилиши, даромадининг ошиши ва қишлоқда ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш

даражасининг кўтарилиши;
 микроиқтисодий барқарорлик - қишлоқ хўжалиги корхоналарини қишлоқдаги иқтисодий субъект сифатида узоқ муддат фаолият кўрсатишига шароит яратилиши;
 макроиқтисодий барқарорлик - ички бозорни маҳсулот билан тўлиқ таъминлаш ва ташқи бозордаги рақобатбардошликни таъминлашдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2012.
2. David Colman, Trevor Young. Principles of Agricultural Economics. Markets and prices in less developed countries. Cambridge, United Kingdom: Cambridge University Press, 2002.
3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Тураев С.Ж. *- ТДИУ "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси ассистенти*

Маълумки, сақлаш деган тушунча кенг маънога эга бўлиб, деярли барча сабзавот маҳсулотларни бир неча соатдан 8 - 9 ойгача сақлашни кўзда тутади. Аммо сақланаётган даврда маҳсулот табиий вазниннинг атиги бир фоизга камайишини бартараф этишнинг ўзи ҳам бу маҳсулотни ўн минг тонналаб тежаб қолиш имконини беради.

Тез бузиладиган ва мавсумий тарзда ёппасига пишиб етиладиган мева-сабзавот маҳсулотларини бозорларга чиқиш олдидан омборхоналарда мавсумий сақлаш ишларининг самарали йўлга қўйилиши, маҳсулотларни сақлаш учун зарур шароитлар яратилиши, сақлаш жараёнида маҳсулотлар сифати ўзгариши устидан назорат ўрнатилиши, сақлаш қоидаларига амал қилиниши, маҳсулотларни саралаш, идишларга жойлаш ва ташиш жараёнларининг тўғри ташкил этилиши маҳсулотнинг бозорбоплиги ва рақобатбардошлиги даражаси ортишида асосий омил ҳисобланади.

Бугунги кунда харидор талаби асосан сифатли ва ташқи кўриниши жозибали мева-сабзавотларга кўпроқ бўлиб, бозордаги ушбу ўзгаришларни ишлаб чиқарувчи, сақлаш ва сотиш тизими ходимлари кўпроқ илғаб олиши ва унга мослашиб бориши даражаси даромадлари ошишининг асосий манбаи бўлиб қолмоқда.

Сақлаш тизимини ривожлантириш, замонавий омборхоналар барпо этиш, уларни жиҳозлашда замонавий техникалар ва технологиялардан кенг фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотлар нобудгарчилигининг олдини олиш ва сифатининг бузилишини камайтириш орқали фермерга ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига даромад олиш имкони яратилади.

Сабзавот ва меваларнинг оила дастурхонида доимий бўлиши, оила аъзоларининг жисмоний соғлом бўлишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга ортиқча маҳсулотини сотиш билан оила бюджетига қўшимча сармоя киритади.

Таҳлиллар кўрсатишича, республикада етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг кўп қисми бозорга кириб бормасдан нобуд бўлаётган бир вақтда, йирик шаҳарларимиз деҳқон бозорларида ташқаридан олиб келинган олма, нок, данакли мевалар, узум сотилмоқда. Республикамизга импорт қилинаётган мевалар таъм кўрсаткичлари ва инсон организми учун фойдалилиги даражаси бўйича республикамизда етиштирилган мевалар билан рақобат қилиш имконига эга бўлмаса-да, ташқи кўриниши, қадоқланиш шакли, сотилиш усулининг харидорни ўзига жалб қилиши билан ажралиб туради. Шу боисдан, истиқболда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг харидоргирлиги, рақобатбардошлигини ошириш, сифатини сақлаш механизмларини ривожлантириш ва янги техника, технологияларни жорий этиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, мева-сабзавотчилик соҳасида фермер хўжаликлари ихтисослашувини чуқурлаштириш ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитидан кенгроқ фойдаланиш имконини беради. Етиштирилган меваларни янги узилган ҳолда сақлаш, ташиш ва сотиш тизимини ривожлантириш, қайта ишлаш жараёни самарали, чиқиндисиз бўлишини таъминлаш асосида нобудгарчиликларнинг олдини олишни рағбатлантириш, соҳа ривожланишини иқтисодий, молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда мева, узум, сабзавот маҳсулотларини кўплаб етиштириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми ички бозор талабига нисбатан анча ортиқ бўлиб, бу бозорда маҳсулот баҳосининг деҳқон учун зарарли нуқтага яқинлашиб қолишига олиб келади. Шунинг учун ҳам мева-сабзавотчилик учун йил яхши келган даврларда етиштирилган маҳсулотларни янги узилган ҳолда ёки қайта ишланган ҳолатда республикадан ташқарига олиб чиқиб сотишнинг самарали механизмини яратиш ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

Мева сабзавот маҳсулотлари асосан янги узилган ҳолда ва сақлаб, қайта ишланмаган ҳолда истеъмол қилиниши билан биргаликда уларни қайта ишлаш орқали консервалар, мурабболар, турли мева шарбатлари, қуйилтирилган шарбатлар тайёрланади, қандолатчилик саноатида сифатини сақлаш механизмларини ривожлантириш ва янги техника, технологияларни жорий этиш лозим.

Республикамиз вилоятлар тупроқ-иқлим шароитига қараб, ҳудудларга бўлинган. Ана шу ҳудудларни ҳисобга олган ҳолда республикамизнинг дала томорқларига мева-узум ва сабзавотларнинг Давлат реестрига кирган навлари тавсия қилинади.

Сабзавот экинларидан келгуси йили ҳосил олиш учун эрта кузги ва тўқсонбости муддатларда уларни экиш яхши самара беради.

Сабзавот, полиз ва картошка экинларида барвақт, сифатли ва юқори ҳосил олиш учун қуйидаги тадбирларга амал қилиш зарур:

1. Сабзавот ва полиз экинлари уруғларини экишга тайёрлашда албатта уларга ишлов бертиш зарур. Бу уруғдаги бактериал ва вирус касалликларини йўқ қилади. Ўсимлик соғлом ўсади.
2. Картошка туганакларини “яровизация” ниш чиқартириб кейин экиш керак. Бунда ниҳолларни пайдо бўлиши 15-20 кунга тезлашади.
3. Помидор кўчатларини етиштиришда уларни фосфор ўғити билан тўйинтириш, ҳосилдорликни 20-25 фоизга оширади.
4. Экинларга азотли минерал ўғитнинг 20-25 фоизни экиш олдидан, қолган қисмини тенг иккига бўлиб, кўчатлар тутиб олгандан кейин ва иккинчисини ўсимлик қийғос гуллаганда бериш зарур.
5. Кўчати ёки уруғи билан экилган экинлар эрта баҳорда пленка остида етиштирилса ҳосил 20-25 кун олдин етилади ва умумий ҳосилдорлик ҳам 15-20 фоизга ошади, сувни иқтисод қилади.
6. Экинларни фақат кечқурун 3-4 соат мобайнида кичик меъёрда суғориш ҳам ҳосилдорликни оширади.
7. Иложи бўлса томорқанинг ҳар бир сотих ерига 3-4 тоннадан чириган гўнг солинса, ҳосилдорлик юқори бўлади ва сифати кескин яхшиланади.

Олманинг сақлашга чидамлилиги уни пишиб етилиш ҳусусияти билан аниқланади. Олманинг эрта пишар навлари кам муддат, кечки навлари эса 7-8 ойгача баъзан 10 ойгача сақланиши мумкин. Олма сақлаш учун одатда яшикларга жойлаштирилади. Бунда олма қоғозга ўралса яхшироқ сақланади. Олма яшикларга жойлаштирилганда улар орасига қоғоз ёки қиринди солинса ҳам бўлади.

Яшиклар омборга девор томондан 25-30 сантиметр, яшиклар орасида икки метрли йўл қолдирилиб жойлаштирилади. Бир тахда 7-8 та яшик бўлади. Энг юқоридаги яшик билан омбор шипининг орасида 50-60 сантиметр жой қолиши керак.

Олмани сақлашда уларни полиэтилен плёнкаларга жойлаштириб сақлаш усули ҳам қўлланилади. Бунда сиғими 1-3 килограмм полиэтилен халтачалардан фойдаланилади. Бундай халтачалар ичида 1,5-2 ой ичида кислороднинг миқдори 14-16 фоизга, карбонат ангидрид эса, 5-7 фоизга етади.

Шунингдек, юртимизда сабзи кўп истеъмол қилинадиган асосий сабзавот экинларидан ҳисобланади. Республика бўйича ҳар йили 70-80 минг тонна сабзи етиштирилиб, шундан 50-60 минг тоннаси қишга сақланади. У сабзавот қуритиш ва консервалаш саноатида кенг ишлатилади.

Мева-сабзавотчилик соҳасида фермер хўжаликлари ихтисослашувини чуқурлаштириш ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитидан кенгроқ фойдаланиш имконини беради. Етиштирилган меваларни янги узилган ҳолда сотиш, сақлаш, ташиш тизимини ривожлантириш, қайта ишлаш жараёни самарали, чиқиндисиз бўлишини таъминлаш асосида нобудгарчиликларнинг олдини олишни рағбатлантириш, боғдорчилик соҳаси ривожланишини иқтисодий, молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари бўйича таклиф ва

тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Аграр сектор экспорт салоҳияти – қулай табиий-иқлим шароити, меҳнат ресурсларининг етарлилиги, нисбатан ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги, асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик даражаси билан изоҳланади.

Республикамизда аграр тармоқ экспорт салоҳиятини оширишда қўйидаги ижобий ва салбий омиллар таъсир қилади.

Ижобий омиллар қуйидагилардан иборат: Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қулай иқлим шароити мавжуд; арзон ишчи кучи кўп; маҳсулотларни қайта ишлаш учун корхоналар қуввати етарли; маҳсулотларни қадоқлаш тизими яратилган; давлат томонидан экспорт қилувчиларга бир қатор имтиёзлар берилган.

Салбий омиллар қуйидагилардан иборат: мева-сабзавот маҳсулотлари сифати паст; мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш тизимида муаммолар кўп; маҳсулот етиштириш учун ер майдони асосан майда хўжаликларда, кичик ҳажмда етиштирилмоқда; ишлаб чиқариш харажатлари нисбатан юқори; экспорт қилувчиларнинг кўпчилиги экспорт бўйича етарли даражада билимга эга эмас; экспорт қилувчиларнинг кўп қисми таваккал иш тутади; экспорт қилишда олдиндан кўпроқ пул тушумини таъминланмаган; маҳсулотлар асосан паст нарх таклиф қилаётган қўшни давлатларга сотилмоқда; «экспорт харажатлари» кескин ошиб бормоқда; денгизга чиқиш учун камида икки давлат ҳудудини кесиб ўтиш зарур.

2018 йилнинг январ-декабр ойларида жами 1230,6 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 874,5 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати - 35,5 фоиз). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2018 йилнинг январ-декабр ойларида 670,1 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 307,6 млн. АҚШ долларига ёки ўтган 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 305,9 минг тоннага кўп миқдорда экспорт қилинган.

Шунингдек, 2018 йилда 307,6 минг тонна мева ва резаворлар 357,7 млн. АҚШ долларига экспорт қилинган бўлиб, экспорт ҳажми 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 23,1 минг тоннага кўпдир.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни экспорт қилиш ҳажми ошиб бормоқда. Жумладан, 2018 йилнинг январ-декабр ойларида мева резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 665,3 млн.АҚШ долларига етди (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 40,9 фоизга ўсган).

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини қуллаб-қувватлаш тизимининг таркибий қисмларидан яна бири миллий экспортёрлар ҳимоясини таъминлаш учун экспорт кредитларини тижорат ва сиёсий хавф-хатарлардан суғурталаш, шунингдек, хорижий бозорларни ўзлаштириш бўйича экспорт операцияларни суғурталаш ҳисобланади. Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш учун республикадаги банклар ишини фаоллаштириш лозим.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари экспортини ташкил қилиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хом ашёсини даладан оралиқ истеъмолчилар (қайта ишлаш корхонлари, савдо компаниялари ёки улгуржи воситачилар)га улгуржи сотиш;

- чакана савдода хом-ашё кўринишида истеъмол қилиш учун озиқ-овқат товарлари ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи сотиш;

Шунингдек, озиқ-овқат товарлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи сотишни кенг тарқалган шакллари қуйидагилар:

- саноат ва савдо компанияларининг фермерлар билан қишлоқ хўжалиги хом ашёсини сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш;

- фермер кооперативлари маҳсулотларини қабул қилиш орқали сотиш;

- тармоқлараро битимлар доирасида маҳсулотларни катта партияда сотиш, булар кооперативлар, қишлоқ хўжалиги компаниялари, муассасалар ва бошқа турдаги тадбиркорлар бўлишлари мумкин;

- биржа савдолари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бевосита фермерларнинг ўзи улгуржи воситачилар ёки қайта ишловчи агентлар, савдо ташкилотларига сотиши.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини яхши сақлаш учун ҳосил йиғиштирилганда шикастланишига ва сўлиб, совуқ урушига йўл қўйиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини яхши сақлаш учун сақлаш тизимининг, сақлаш усулининг ва сақланаётган маҳсулот турининг аҳамияти катта.

Мева ва сабзавотларни яхши сақланиб нобудгарчиликни камайтириш орқали фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа сақлаш корхоналарининг даромадини ошириш мумкин. Шунингдек, аҳолини доимий равишда сифатли ва арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мумкин.

Мева-сабзавот маҳсулотларини яхши сақлаш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш ва ҳажмини кўпайтириш учун эса хосилдорлик ва экин майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, қишлоқ ахолисини иш билан таъминлаш, экспорт ҳаражатларини камайтириш, экспорт географиясини кенгайтириш, экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва мунтазам равишда амалиётга жорий этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.Расулов. Сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини сақлаш. “Меҳнат” нашр. Т . 2005 й. 206 б.

2. Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Экономическое обозрение. Тошкент 2014.

3. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. - Тошкент, 2004.

4. www.gov.uz

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Тураев С.Ж. *- ТДИУ "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси ассистенти*

Республикамизда етиштирилган маҳсулотларни нобудгарчилигига йўл қўймаслик, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар негизида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни етакчи хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқариладиган замонавий илғор мини-технологиялар ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда шу асосда қишлоқ хўжалиги хомашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашни йўлга қўйиш, сифатли ва рақобатбардош экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг аҳамияти катта.

Бугунги глобаллашув даврида озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни ҳаётга изчил татбиқ этишнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилгани фуқароларнинг соғлом ҳамда фаровон ҳаёт кечириши яхшиланмоқда. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилиб, бу борада олиб борилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 5 мартдаги ПҚ-2505 сонли Қарори билан тасдиқланган "2016-2020 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашё базасини, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 6 январдаги ПҚ-2716 сонли "2017-2018 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва чуқур қайта ишлаш қувватларини ташкил этишни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги дастурлар доирасида 740,1 млн доллар қийматга тенг 434 та лойиҳанинг амалга оширилиши белгиланган.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали қўшилган қиймат яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришда янги технологияларни қўллаш натижасида юқори иқтисодий самардорликка еришиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хом ашё базасини ташкил этиш зарур. Бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши даркор." Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради.

Юртимизда озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати жадал ривожланмоқда. Агросаноатни модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми тобора ортиб бораяпти. Шунинг билан бирга, аҳолини йил давомида мева-сабзавотлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида замонавий иссиқхоналар бунёд этиш, боғлар, токзорлар майдонини кенгайтириш, етиштирилган ҳосилни куз-қиш даврида сифатли сақлаш имконини берадиган - омборхоналар барпо этиш саъй-ҳаракатлари ҳам алоҳида эътибордаки, бу озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотининг барқарорлигига, бошқача айтганда, аҳоли дастурхони фаровонлигига хизмат қилади. Жумладан, Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча турдаги маҳсулотлар бўйича уларнинг кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиздаги қайта ишлаш корхоналарига хом ашё ресурсларини мунтазам етказиб бериш, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатдош бўлган мева-сабзавот ҳамда уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган товарларни экспорт қилиш ҳажмини, турларини кенгайтириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва харид қилиш бўйича ягона тизим шакллантирилмоқда. Эндиликда мева-сабзавотлар давлат буюртмаси бўйича харид қилинади. Маҳсулотларни саноат усулида қайта ишлаш учун давлат буюртмаси доирасида харид қилиш фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси таркибига кирадиган хусусий шаклдаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган контрактация шартномалари асосида шартнома қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўнак бериш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, маҳсулотлар фермер ва деҳқон хўжаликлари билан келишилган ҳолда, бозор нархларида харид қилинади. Бунинг натижасида, фермер ҳамда деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошади, уларга ўзлари етиштирган маҳсулотларни сотиш ва реализация қилишда амалий ёрдам берилади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини барқарор ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар қуйидагилардир:

- қайта ишлаш корхоналарини қувватларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги, яъни:
- ўсимлик ёғи – 55 фоиз
- гўшт ва гўшт маҳсулотлари – 30,5 фоиз
- сут ва сут маҳсулотлари – 17 фоиз
- ёғ - мой саноатида хом-ашё базасини етишмаслиги. Жойларда кунгабоқар, соя ва махсар каби мойли экинларга ҳосилдорлиги паст бўлган ерларнинг ажратилиши;
- гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига етказиб берувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари ўртасида ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш учун нақд пул маблағларининг етишмаслиги.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини

ривожлантириш орқали етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нобуд бўлиши олди олинади;

- қишлоқ хўжалигида маҳсулотни қайта ишлаш саноатини такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарини янада кўпроқ маҳсулот етиштиришга ундайди;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш орқали қишлоқда янги иш ўринлари яратилади;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш орқали замонавий технологиялар жалб қилинади ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга еришилади.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сонининг ошиши қайта ишлаш соҳасини технологик модернизация қилишга тадбиркорларни ундамайди, сабаби меҳнат ресурслари ўртасида рақобат муҳитининг мавжудлиги кам ойлик маошга ҳам ишлашга тайёр ишчилар билан таъминлайди. Натижада тадбиркор замонавий, ҳам харажатли, меҳнат унумдорлиги юқори ва ҳам меҳнат кучи сарфланадиган техника технологияни жорий қилишдан кўра арзон ишчини ишлатишдан манфаатдор бўлади. Қайта ишлаш тармоғида банд бўлган ишчиларнинг юқори малакага эга бўлиши технологияларни жалб қилишда ҳаражатларни камайтирса, аксинча кадрлар малакасининг пастлиги уларни замонавий технологиядан фойдаланиш учун малака ошириш ҳаражатларини ҳам келтириб чиқаради, бу эса тадбиркорни технологик модернизация қилиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил якунлари ва 2018 йилда амалга ошириладиган устувор вазифаларга бағишланган маъруза. 22 декабр 2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 6 январдаги маърузаси.
3. Саматов Г.А., Рустамова. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш фанидан Услубий қўлланма. ТошДАУ нашр таҳририяти. Тошкент. 2013.-65 б.
4. www.stat.uz.
5. www.lex.uz
6. www.ziyonet.uz

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бобомурадов С. *– ТДАУ талабаси*
Кушаров З.К.*– ТДАУ доценти, илмий раҳбар*

Инновацион жараён-илмий ғояни муайян маҳсулотга, хизматга ёки технологияга айлантириш ва улардан амалий фойдаланишни таъминлаш, яъни илмий билимларни инновацияга айлантириш жараёнидир. Ушбу жараён

иқтисодий, техник, экологик ва ижтимоий таъсирни таъминлайдиган бозорда талаб қилинадиган янги товарлар (маҳсулотлар, хизматлар ва технологиялар) ни яратишга қаратилган. Инновацион жараён ҳар қандай илмий тадқиқотлар (фундаментал ва амалий), лойиҳа, технологик, тажрибали ишланмалар, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уларни бозорларга олиб чиқишни ўз ичига олади. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги маҳсулотлари, технологиялари ва шакллари пайдо бўлади. Бу бозор иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг самарали ишлаши учун зарур шартлардан бири бўлган илмий ва технологик тараққиётнинг муҳим томонидир. Инновацион жараён доирасида инновацион фаолият амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 31 октябрь куни қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотлар экспортини ошириш масалаларига бағишланган йиғилишида: “қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар, илмий ишланмалар, айниқса, томчилатиб суғориш технологиясини кенг жорий қилиш” масаласига алоҳида эътибор қаратди[7].

Инновацион фаолият маҳсулот турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, технологияларни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида янгиликларни излаш ва амалга оширишга қаратилган фаолиятдир.

Инновацион фаолиятнинг асосий шарти - эскирган, эскирган нарсаларни мунтазам равишда алмаштириш зарурати унинг тараққиёт йўли ҳисобланади.

Муваффақиятли инновацион фаолият учун инновацияларни диққат билан ўрганиш керак. Технологик параметрларга қараб, инновациялар маҳсулот ва жараёнларга бўлинади. Янги маҳсулотни олиш - бу маҳсулот инновацияси ҳисобланади. Жараён янгиликлари - ишлаб чиқариш, технология, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш шаклларининг янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш жараёнидир.

Янгилик даражасига кўра, инновациялар саноат учун ва ушбу корхона учун ҳам кутилмаганда янги(корхоналар гуруҳи)лик бўлади. Киритилган ўзгаришларнинг қамров кенглигига қараб:

- йирик ихтироларни амалга оширадиган ва янги авлодларни ва технологияларни ривожлантириш йўналишларини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилувчи радикал (асосий) инновациялар ажратилади;

- одатда кичик ва ўрта ихтироларни амалга оширади ва илмий- техник тараққиётнинг тарқалиши ва барқарор ривожланиш босқичларида устунлик қилади;

- техника ва технологияларнинг эскирган авлодларини қисман яхшилашга қаратилган модификация (хусусий).

[7] Мирзиёев Ш.М. ―Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, Gov.Uz

Қайта ишлаб чиқариш жараёнидаги аҳамиятига кўра, инновациялар истеъмолчи ва инвестицияларга бўлинади. Инновация миқёсига қараб мураккаб (синтетик) ва оддий турларга бўлинади.

Инновацион фаолиятнинг рағбатлантирувчиси бозор рақобатидир. Олдинги техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналари ишларни амалга ошириш натижасида бу корхонлар фаолияти зарар билан якунланади, шунинг учун улар инновация орқали ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга мажбур. Самарали инновацияларни биринчи бўлиб ўзлаштирган корхоналар ишлаб чиқариш харажатларини камайтириши ва шунинг учун шу каби маҳсулотларни таклиф қилувчи корхоналар билан рақобатдаги мавқеини мустаҳкамлаши мумкин.

Инновацион фаолият-бу ишлаб чиқаришнинг пасайишини енгиб ўтиш, унинг таркибий тузилишини таъминлаш, бозорни турли рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш учун кучли воситадир. Иқтисодиётнинг инновацион моделига ўтиш нафақат барқарорлаштиришни, балки маҳаллий ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражасини доимий равишда оширишни ҳам англатади.

Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш энергия ва ресурс тежайдиган технологиялари;

- ички бозорни арзон ва сифатли озиқ-овқат билан тўлдиришга ёрдам берадиган инновациялар;

- техника ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш унумдорлигини, самарадорлигини, таъмирланишини яхшилаш, хизмат кўрсатиш муддатини узайтириш, самарадорликни ошириш имконини берувчи янгиликлар;

- иқтисодиётнинг инновацион моделини яратишни ҳисобга олган ҳолда, АСМ учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

- экологик вазиятни яхшилаш чора-тадбирлари.

Инновацион фаолиятда энг муҳим роль аслида давлатга тегишли. Инновацион соҳадаги устуворликларни молиялаштириш ва танлаш, стратегик режалаштириш, давлат буюртмаси предмети бўлиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар рўйхатини аниқлаш, инновацион соҳада ўз-ўзини ташкил этиш механизмларини яратиш, инновацион лойиҳаларда иштирок этиш учун катта капитални рағбатлантириш, инновацион лойиҳаларни экспертиза қилиш ва таҳлил қилишни таъминлашда давлатнинг роли муҳимдир.

АСМ тармоқларида инновацион фаолиятнинг натижаси экинлар ҳосилдорлиги ва ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш бирлигининг таннархи ва интенсивлигини камайтириш, фойда олиш ва атроф-муҳит ифлосланишидан иқтисодий зарарни камайтириш бўлиши керак.

АСМ тармоқларида инновацион фаолиятнинг иқтисодий самараси қуйидаги формулада, сўмда ҳисоблаш тавсия этилади:

$$ИС = \left(\frac{P_н}{О_н} - \frac{Р_б}{О_б}\right) О_н$$

бунда $Р_н$, $Р_б$ — янги ва базавий вариантлар бўйича фойда, сўм;

$О_н$, $О_б$ — янги ва базавий вариантларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, т.

Инновацион фаолиятнинг иқтисодий самарадорлиги инновацияларни жорий этишдан иқтисодий самаранинг белгиланган харажатларга нисбати билан тавсифланади. Бунинг таъсири ялпи ва соф маҳсулот, фойда билан ифодаланиши мумкин. Инновацион фаолият харажатлари самарага эришиш учун сарфланган моддий маблағларнинг жамияти сифатида тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион фаолият рақобатбардош маҳсулотлар яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қишлоқ хўжалиги рентабеллигини оширишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, озиқ-овқат, меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари бозори билан бир қаторда, илмий-техник маҳсулотлар бозори шаклланмоқда, бу эса рақобат тамойилларига мувофиқ ушбу маҳсулотларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатли бўлишини таъминлаши керак. Афсуски, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчисидан илмий ишланмаларга бўлган қизиқишнинг йўқолиши туфайли ушбу бозорни шакллантириш ва бошқаришда катта муваффақиятларга эришиш паст даражада эканлигини таъкидлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. - Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Gov.Uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-Фармонининг 1-иловаси “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Lex.uz.

3. Лернер П. С. Инновационные образовательные технологии // Инновационная школа. - 2006. - №6., 155-168.

4. Печатнова А. П. Инновационное развитие сельского хозяйства: проблемы и перспективы // «Молодой учёный». № 4 (63). Апрель, 2014 г.

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЧОРВА МОЛЛАРИ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ТАРМОҚ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бахранова З. *– ТДАУ талабаси*
Бустанов К. *– ТДАУ доценти, илмий раҳбар*

Қишлоқ хўжалигида давом этаётган таркибий ўзгаришлар жараёнида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакллари

этиб, фермер ва деҳқон хўжаликлари танлаб олинди. Фермер хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш уларнинг барқарор ва самарали ривожланишида муҳим омил ҳисобланади.

Мамлакатлар иқтисодиёти тури ва ривожланиш даражасига қараб, асосан, хом-ашё ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиёт, индустриал иқтисодиёт, постиндустриал иқтисодиёт, аралаш иқтисодиёт ва инновацион иқтисодиёт ёки билимлар иқтисодиётига асосланган мамлакатларга бўлинади.

Инновацион иқтисодиёт иқтисодиётнинг энг юқори ривожланган тури ҳисобланади ва у учун билимли жамият хосдир. Ҳозириги кунда фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш учун турли механизмлар ва институционал тузилмалар, яъни миллий инновацион тизим шаклланмоқда. Қишлоқ хўжалигини барқарорлаштиришда қишлоқ хўжалигини технологик жиҳатдан модернизация қилиш устувор йўналишлардан биридир. Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника сиёсатини амалга ошириш мақсадида 2018 йилги кўргазмалар якунлари бўйича мамлакатимиз тадбиркорлари ва хорижий компаниялар ўртасида минитехнологиялар, ихчам ускуналар ва қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун умумий қиймати 145 миллиард сўмдан зиёд 1180 та шартнома имзоланди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инновацион жараёнларни чуқурлаштиришга ва инновация базасини мустаҳкамлаш учун барча зарур ижтимоий-иқтисодий асослар мавжуд. Бироқ аграр соҳани инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, ёки бошқача айтганда, инновацион лойиҳаларни бир, ҳатто бир неча фермер хўжаликлари миқёсида ҳам амалга оширишда муаммолар мавжуд, чунки:

-биринчидан, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи субъектлар ҳозирги вақтда илмий тадқиқот ишларига буюртма бериш ҳамда тадқиқотларни молиялаштиришда иштирокининг сустлиги;

-иккинчидан, илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқишда тадқиқот олиб бориш ва илмий-тадқиқотларни молиялаштиришни ҳам хўжалик субъекти ўзи амалга ошира олмайди;

-учинчидан, янги технология, янги навлардан фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчиларнинг етарли даражада билимларга эга эмаслиги, улар олимлар ва мутахассислар хизматидан фойдаланишлари зарур, шунингдек, маҳсулотни қайта ишлаш ва сотишда ҳам фермерлар маълум даражадаги қийинчиликларга дуч келмоқдалар;

-тўртинчидан, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари олимлари томонидан тайёрланган инновацион ишланмаларга ишлаб чиқарувчиларнинг талаби етарли даражада эмаслиги, улар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд эмас;

-бешинчидан, айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг масъулиятсизлиги.

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтиш ҳозирги кундаги устувор вазифалардан бири сифатида баҳоланиб келинмоқда. Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон аграр секторида инновациялар ҳажми жами ялпи ички маҳсулот ҳажмида 1-2 фоизни ташкил этади, қишлоқ инфратузилмаси тармоғида эса бу кўрсаткич ундан ҳам кам, ваҳоланки ушбу кўрсаткич бошқа ривожланган мамлакатларда 50-60 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Бутун дунёда озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳар доим биринчи ўринда туради. Бу ҳар доим талаб қилинадиган ва фаол ривожланаётган соҳа бу саноатдир. Озиқ-овқат саноати бутун дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлайди. Ва маҳсулотлар жуда хилма-хил ва ҳар доим етарли даражада бўлади. Агросаноат комплексининг энг муҳим вазифаларидан бири чорвачилик ва ўсимликчилик тармоқларини турли хил маҳсулотлар билан таъминлашдир. Афсуски, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш сектори бу соҳада айтарли марраларга эриша олмаётганлиги ҳаммага аёндир. Асосий кўрсаткичлар камаяди ва натижада фойдага таъсир кўртади.

Биргина чорвачиликдаги айтайлик чўчқа гриппи вируслари билан боғлиқ ҳолатлар олдинга қўйилган мақсадга эришишга кутилмаганда вазиятни ўзгартириб юбориш каби жиддий муаммолар юзага келиши мумкин. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сонини камайтиришга таъсир қилади. Ва бу муҳитда импорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажми ўз-ўзидан ошади. Чорвачилик саноатининг кам ривожланиши билан кўплаб муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Мисол учун, қишлоқда ишсизлик ва қашшоқлик.

Чорвачилик жуда истиқболли саноатдир ва диққатга сазовор ва, албатта, бу давлатимиз томонидан доимо қўллаб-қувватланиб келинган. Ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини илгари суришда ушбу маҳсулотнинг юқори сифатини, келажакда эса аҳолининг ишончини кафолатлаши мумкин.

Чорвачилик юқори сифатли наслчилик ишлари етишмаяпти, бу эса чорвачиликнинг нормал кўпайишига йўл қўймайди.

Чорвачиликнинг яна бир муҳим тармоғи мавжуд бўлиб, бу қорамолчилик саноати. Бу жуда тез ривожланади ва ижобий ўсиш динамика кўрсаткичларига эга. Қорамол гўшти ишлаб чиқаришдаги яхши ютуқлар гўшт бозорида бошқа гўштлардан кўра қимматроқ бўлишига олиб келди. Қорамол саноати нафақат йирик ишлаб чиқариш корхоналарида, балки кичик фермер хўжаликларида ҳам ривожланади, бу ерда чорва моллари бир неча ўнлаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда ем-хашак базасини ривожлантиришнинг ўзига хос тенденциялари қуйидагилардир:

-мелиорация, кимё ва комплекс механизациялаш асосида унинг ем-хашак манбаларининг барча турларини жадаллаштириш;

- кўк масса ишлаб чиқаришни оммавий ташкил этишни ўз ичига олган озуқа йиғиш учун саноат усулларини ва илғор технологияларни қўллаш;

- тўғридан-тўғри фермаларда махсус қурилмаларда протеин, қўшимчалар ва каротин каби элементлар билан бойитилган озуқалар тайёрлаш, донни қайта ишлаш ва ўсимликларнинг яшил массасини омухта ем, моно-озуқа, суяк уни, брикетлар ва бошқаларни тайёрлаш.

Технологиянинг ривожланиши ҳаётимизни тезда ўзгартиради. Кеча ҳақиқатдан кутилмаганда юз берган янгилик бугунги кунда одатий ҳолга айланиб бормоқда. Инсоннинг вазифаси бу ривожланишга эришиш ва тараққиёт тўлқинида бўлишдир[8].

Инновацион жараёнлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларида муҳим рол ўйнайди ва уларнинг асосий вазифаси жараённи янада сифатли, тезроқ ва самаралироқ қилишдир.

Чорвачилик соҳаси бошқа саноат тармоқлари каби, табиат билан бирликда фаолият қилади, аммо натижаларга эришиш учун инсон ақли самарадорлик ва сифатни ошириш учун шароит яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сонли қарор Қарор.

2. А.У.Абдурахимов, З.К. Кушаров. Қишлоқ хўжалигида гўшт ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш истиқболлари.-Т.: 2012. Монография. ООО «REN-Poligraf», -114 бет

3. Лапидус Л.В**.** Цифровая экономика: управление электронным бизнесоми электронной коммерцией. –М.: ИНФРА-М, 2017. -281 с

BOG‘DORCHILIK SOHASINI INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA RIVOJLANTIRISHNING TASHKILIY –IQTISODIY ASOSLARI

Mo‘minxo‘jayeva O.*- TDAU талабаси*
Boltayev M. *- TDAU доценти, илмий раҳбар*

Respublikada meva-sabzavotchilik tarmog‘ini rivojlantirishga aloxida e’tibor berilmoqda, sohani rivojlantirish, mahsulot sifati va ko‘lamini oshirishga doir amaliy ishlar qilinmoqda. Meva va sabzavotchilik mahsulotlarini ishlab chiqarish va uni sotishning yuqori samaradorligini hisobga olib, uni istiqbolda ko‘paytirish imkoniyatlaridan to‘laroq va tezroq foydalanish dolzarb masalalardan biridir.

[8] https://viafuture.ru/katalog-idej/innovatsionnye-tehnologii-v-zhivotnovodstve#innovatsionnyj-podhod-k-kormleniyu-2-3-4

Meva-sabzavotchilikni rivojlantirishda respublikadagi mavjud imkoniyatlardan samaraliroq foydalanish, ichki bozorni to‘ldirish, eksportni oshirishda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2006 yil yanvardagi “Meva-sabzavotchilik va uzumchilik soxasida iqtisodiy isloxotlarni chuqurlashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni xamda “Meva-sabzavotchilik va uzumchilik soxasini islox qilish bo‘yicha tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori soxani rivojlantirshda muhim ahamiyatga ega bo‘ldi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2008 yil 20 oktabrdagi “Oziq-ovqat ekinlari ekiladigan maydonlarni optimallashtirish va ularni yetishtirishni ko‘paytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmonining qabul qilinishi meva-sabzavotchilikni rivojlantirishda yana bir turtki bo‘ldi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan qabul qilingan «Oziq-ovqat ekinlari ekiladigan maydonlarni optimallashtirish va ularni yetishtirishni ko‘paytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Farmonida oziq-ovqat ekinlari mahsulotlarini yetishtirish hajmlarini yanada oshirish hamda ularning turlarini ko‘paytirish va shu asosda aholining oziq-ovqat mahsulotlariga bo‘lgan talabini to‘laroq qondirish, pirovard natijada qishloq aholisi daromadlari va turmush darajasini yuksaltirish borasidagi ustuvor vazifalar belgilab berildi. Unga ko‘ra, keyingi yillarda mamlakatimizda meva-sabzavot, maydonlari kengaytirildi.

Meva va sabzavotlar nisbatan sermehnat resurslar potensialiga, ayniqsa quyosh nuriga va suvga talabchan ekinlar tarkibiga kiradi. Bu tarmoqni intensiv rivojlantirish mehnat, sug‘oriladigan yer va boshqa resurslardan foydalanish samaradorligini oshiradi. Sabzavot ekinlaridan 2 marta hosil olish tarmoqning samaradorligini keskin oshiradi.

Meva-sabzavotchilik sohasidagi tub islohotlar sohaga yangicha ilmiy asoslangan yondoshuvni talab etadi. Meva va sabzavotchilikni yanada rivojlantirish, sohani modernizatsiya qilish bo‘yicha qator chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 12 apreldagi “Meva-sabzavot, kartoshka va poliz mahsulotlarini xarid qilish va ulardan foydalanish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori bu yo‘nalishdagi ishlar ko‘lamini oshiradi. Mazkur qaror asosida qayta ishlash korxonalarini xomashyo bilan muntazam ta’minlash, ichki iste’mol bozoriga yil davomida sabzavotlar, kartoshka, meva va poliz mahsulotlarini uzluksiz yetkazib berish, ho‘l meva va qayta ishlangan meva-sabzavot mahsulotlarini eksport qilish hajmini ko‘paytirish va turlarini kengaytirish uchun ularni yetishtirish, ishlab chiqarish va xarid qilish bo‘yicha yagona tizim shakllantirilmoqda.

2016 yilgi hosildan boshlab O‘zbekistonda ho‘l meva-sabzavot, kartoshka, poliz mahsulotlari va uzum xarid qilish bo‘yicha davlat buyurtmasi joriy etildi. Bu O‘zbekiston Prezidentining 12 apreldagi «Meva-sabzavot, kartoshka va poliz mahsulotlarini xarid qilish va ulardan foydalanish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi qarorda ko‘zda tutilgan.

Ho‘l meva-sabzavot, kartoshka, poliz mahsulotlari va uzum xarid qilish bo‘yicha davlat buyurtmasi «O‘zbekoziqovqatxolding» kompaniyasi tarkibiga kiradigan xususiy mulk shaklidagi qayta ishlash korxonalarini xomashyo bilan

barqaror ta’minlash, ichki iste’mol bozorini qish-bahor mavsumida barqaror ta’minlash maqsadida zaxiraga g‘amlash, shuningdek, tashqi bozorlarda xaridorgir bo‘lgan ho‘l meva-sabzavot mahsulotlarini eksport qilish ushbu mahsulotlarga nisbatan talabdan kelib chiqqan holda shakllantiriladi.

Davlat buyurtmasi doirasida mahsulotlarni sanoat asosida qayta ishlash uchun xarid qilish fermer va dehqon xo‘jaliklari va «O‘zbekoziqovqatxolding» tarkibiga kiradigan xususiy mulk shaklidagi qayta ishlash korxonalari o‘rtasida tuziladigan kontraktatsiya shartnomalari asosida shartnoma qiymatining 40 foizidan kam bo‘lmagan miqdorda bo‘nak berish orqali amalga oshiriladi. Qarorda belgilanganki, ho‘l meva-sabzavot, kartoshka, poliz mahsulotlari va uzum fermer va dehqon xo‘jaliklaridan kelishilgan, bozor narxlarida xarid qilinadi. Ho‘l meva va qayta ishlangan meva-sabzavot mahsulotlari «O‘zagroyeksport» ixtisoslashtirilgan tashqi savdo kompaniyasi tomonidan xorijiy sheriklar bilan to‘g‘ridan-to‘g‘ri tuzilgan eksport shartnomalari, shuningdek, fermer va dehqon xo‘jaliklari, agrofirmalar va qayta ishlash korxonalari o‘rtasida tuziladigan komissiya shartnomalari bo‘yicha eksport qilinadi.

Shuningdek, Qarorga ko‘ra quritilgan va qayta ishlangan meva-sabzavot mahsulotlari eksportga oldindan 100 foiz to‘lash yoki akkreditiv ochish yoxud xaridorning moliyaviy barqarorlik darajasi yuqori bo‘lgan eng ishonchli banklari kafolati bilan, ho‘l meva-sabzavot mahsulotlari esa oldindan kamida 30 foiz to‘lash shartlari asosida yetkazib berilishi belgilandi. Qarorning yana bir muhim jihati shundaki, 2019 yilning 1 yanvarigacha meva-sabzavot, kartoshka, poliz mahsulotlari va uzumni qayta ishlaydigan xususiy mulk shaklidagi korxonalar, idoraviy mansubligidan qat’iy nazar, zamonaviy uskuna va texnologiyalar olib kirishda bojxona to‘lovlaridan (bojxona yig‘imlaridan tashqari), “O‘zbekoziqovqatxolding” xolding kompaniyasi tarkibiga kiradigan qayta ishlash korxonalari yagona ijtimoiy to‘lovdan tashqari daromad solig‘i, yuridik shaxslar mulk solig‘i, mikrofirma va kichik korxonalar yagona soliq, davlat maqsadli jamg‘armalariga majburiy ajratmalar to‘lashdan ozod etiladi.Bunda, ushbu bandga muvofiq soliq va bojxona imtiyozlari berilishi hisobidan bo‘shaydigan mablag‘lardan ishlab chiqarishni texnik qayta jihozlash va modernizatsiya qilish uchun maqsadli foydalanilishi lozim. Bo‘shagan mablag‘lardan maqsadsiz foydalanilgan taqdirda ular qaytarib olinib, byudjet va tegishli davlat maqsadli jamg‘armalariga o‘tkazilishi belgilandi. Shuni ta’kidlash joizki, meva-sabzavot, kartoshka va poliz mahsulotlarini davlat buyurtmasi asosida xarid qilinishi dehqon va fermer xo‘jaliklarining manfaatlariga to‘la mos keladi va bu o‘z navbatida aholi turmush darajasini oshishiga xizmat qiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti qarorida belgilangan chora- tadbirlar sohada amalga oshirilayotgan ishlarning mantiqiy davomi, yangi bosqichidir. Qishloq xo‘jaligida chuqur tarkibiy o‘zgarishlar amalga oshirildi: zamonaviy mulkchilik shakli joriy etildi, ekin maydonlari optimallashtirildi, hosildorlik oshirildi, meva-sabzavotlarni saqlash va qayta ishlash yo‘lga qo‘yildi. Bir so‘z bilan aytganda, bugungi bosqich uchun poydevor yaratildi. Buning samarasida qishloq xo‘jaligi ekinlaridan har yili mo‘l hosil olinmoqda. So‘nggi yillarda qariyb 100 ming gektarda mevali bog‘ va tokzorlar barpo etildi. Keyingi uch yilda 22

ming gektardan ziyod maydonda ilmiy asoslangan intensiv bog‘ tashkil qilindi. Seleksionerlarimiz yaratgan iqlim sharoitimizga mos, qurg‘oqchilikka, kasallik va zararkunandalarga chidamli sabzavot, poliz ekinlari va kartoshkaning 170 dan ortiq navi, meva va rezavor ekinlar va uzumning 175 navi parvarishlanmoqda. Bunda paxta maydonlari qisqarib, meva-sabzavot, poliz va uzum yetishtirishga ixtisoslashgan maydonlarning kengayishi muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Xalqimizni arzon, sifatli, ekologik toza meva-sabzavot mahsulotlari bilan yanada to‘liq ta’minlash, eksport hajmini ko‘paytirish, yetishtirilgan mahsulotlarni chuqur qayta ishlash orqali qo‘shilgan qiymat yaratish bo‘yicha mamlakatimizda katta salohiyat mavjud bo‘lib, amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli tadbirlar ana shu salohiyatdan yanada samarali foydalanish imkonini beradi.

Respublikada meva-sabzavotchilik tarmog‘ining tashkiliy-huquqiy asoslarining kengayishi meva-sabzavot yetishtirishda yerdan foydalanish samaradorligini oshirish meva-sabzavotchilik tarmog‘ini va agrar iqtisodiyotning rivojlanishida muhim ahamiyatga ega bo‘lib, buning natijasida quyidagilarga erishiladi[9]:

- meva-sabzavotchilikda yerdan foydalanish samaradorligini oshirish katta iqtisodiy samara beradi, yalpi sabzavot mahsuloti oshadi, mahsulot tannarxi pasayadi, tannarxni pasayishi foydaning ko‘payishiga sabab bo‘ladi;
- meva-sabzavot yetishtiruvchi subyektlarning daromadini oshirish rentAbellikning oshishiga olib keladi;
- ko‘p sifatli va arzon meva-sabzavot mahsulotlari ishlab chiqarilsa va sotilsa, ishlab chiqaruvchilarning daromadi ko‘payadi, tarmoqda madaniy-maishiy sharoitlarga mablag‘ ajratiladi.

Mamlakatimizda sabzavot va poliz mahsulotlarini yetishtirish, ularni joylarda modernizatsiya qilish, xududlarda innovatsion texnika va texnologiyalarni joriy etish, suv tanqisligi muammolarini yechimini hal qilishda zamonaviy va xorij tajribalaridan foydalangan holda, tomchilatib sug‘orish tizimini chet el kompaniyalari bilan qo‘shma korxonalar tuzish yo‘li orqali amalga oshirish, yetishtirilgan mahsulotlarni sublimatsiya qilish - sabzavotchilik taraqqiyotini ta’minlab, iqtisodiy samaradorlikni oshirish imkoniyatlarini beradi.

Tarmoqni modernizatsiyalash, joylarda innovatsion texnika va texnologiyalarni xorij kompaniyalari bilan hamkorlikdagi tuzilayotgan korxonalar faoliyatini amalga oshirilishi, sabzavotchilik va polizchilik tarmog‘ini modernizatsiya qilish, innovatsion texnika vatexnologiyalarni joriy etish uchun xorij kompaniyalari ishtirokidagi, jumladan Janubiy Koreya mamlakati bilan suv tanqisligini hisobga olib, tomchilatib, tumanlatib sug‘orish modelini joriy etish bo‘yicha Qo‘shma korxonalarni tuzishni ko‘paytirish O‘zbekiston qishloq xo‘jaligining jadal rivojlanishiga imkon yaratmoqda.

Mamlakatimizda Prezidentimiz rahnamoligida meva-sabzavot mahsulotlari yetishtirish, ularning sifatini yaxshilash, shuning barobarida, mevali daraxt ko‘chatlari turini ko‘paytirish orqali intensiv bog‘lar barpo etish borasida keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqda.

[9] G‘.Babaxodjaev va boshqalar- “Fermer xo‘jaliklarida yangi va tejamkor texnologiyalar”-Daslik-2017 yil

2017 yilda respublikada 11 ming gektarda intensiv bog‘ va yangi tokzorlar, 1 ming 500 gektarda issiqxonalar barpo etildi. Intensiv bog‘lar tashkil etish uchun Polsha, Serbiya va boshqa mamlakatlardan mevalarning sarxil navlarining 6 milliondan ziyod ko‘chatlari olib kelindi. Bunday bog‘larning ko‘plab afzalliklarga ega ekani bugungi kunda amalda namoyon bo‘lmoqda. Misol uchun, oddiy mevali daraxt ekilganidan boshlab dastlabki hosilini berguniga qadar odatda 4– 5 yil o‘tadi. Intensiv bog‘dorchilikda esa daraxt ikkinchi-uchinchi yildayoq hosilga kiradi. Intensiv bog‘lardagi pakana va yarim pakana daraxtlarning tanasi kichik bo‘lganligi bois ularga yorug‘lik tushishi, havo aylanishi yaxshi bo‘lganligi uchun mevasining sifati va ta’mi yaxshi bo‘ladi. Qolaversa, bunday bog‘larga ishlov berish juda qulay, mevasini terish ham oson. Ayniqsa simbag‘azga olingan bog‘larda narvon ishlatmasdan hosil teriladi. Bunda ish unumli, yuqori bo‘lishi bilan birga terilgan mevalar kelgusida yaxshi saqlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 12 apreldagi “Meva-sabzavot, kartoshka va poliz mahsulotlarini xarid qilish va ulardan foydalanish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori;

2. G‘. Babaxodjaev va boshqalar- “Fermer xo‘jaliklarida yangi va tejamkor texnologiyalar”-Daslik-2017 yil

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ

Атаева У. *– ТДАУ талабаси,*
Абдурашидова О. *- ТДАУ Андижон филиали, илмий раҳбар*

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни рационал ташкил этиш, фан ва техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишни, юқори самара берадиган янги машиналар ва асбоб-ускуналарни, агротехника ва зоотехника усулларини, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни янги методларини жорий этишни тақозо қилади. Энг самарали усул ва методларни танлаш ва жорий этиш учун уларни олдиндан текшириб кўриш, уларга ташкилий-иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш талаб қилинади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бундай баҳо бериш миллий иқтисодиётнинг самарадорлик мезони, яъни ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошириш асосида амалга оширилади, меҳнат унумдорлигининг ошиши эса ишлаб чиқариш ҳажмини ва миллий даромадни ўстиришда ифодаланади. Бунга ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларини қисқартириш, соф даромадни орттириш асосида эришилади.

Бу қоидаларга асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришнинг янги усул ва методлари иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар қўлланилади:

- бир гектар ер ҳисобига ва бир бош мол ҳисобига олинадиган юқори сифатли маҳсулот миқдори;

-меҳнат унумдорлиги;

-маҳсулот таннархи;

-соф даромад ва рентабеллик;

-капитал маблағлар ва уларнинг ўз ўрнини коплаши.

Мазкур кўрсаткичлар бир-бири билан боғланган ва бир-бирини тақозо қилади. Маҳсулот миқдори қанча кўп бўлса, унинг сифати яхши бўлса, меҳнат унумдорлиги юқори, таннархи арзон бўлса, соф даромад кўп ва рентабеллик юқори бўлса, капитал маблағлар шунча кам талаб қилинади ва улар тезроқ ўз ўрнини қоплайди, янги усул ва методларнинг иқтисодий самарадорлиги шу қадар юқори бўлади. Янги усул ва методлар, агар зарур бўлиб қолса оптималлаштирилади. Бу оптималлаштириш хўжалик вазифаларини ҳал қилиш учун мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда жуда кўп, хилма-хил вариантлардан энг самаралиларини танлаб олиш имконини беради**.**

Қишлоқ хўжалигида юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш ва унинг бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожланишдан орқада қолмаслиги учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлган турли хилдаги мулк ва мулкчилик шаклларининг, уларга асосланган тадбиркорлик турлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатларининг назарий, услубий асосларини такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан-техника ютуқларини, янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчи капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узоқ муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўлларини аниқ белгилаш, барча харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, деҳқон ва ишчиларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш негизида фойда суммасини кўпайтириш йўлларини асосланган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Чорвачиликда инновацион ривожланиш муаммолари Ўзбекистон учун алоҳида долзарблик касб этади, чунки фақатгина янги ресурс тежовчи, илғор технологиялардан кенг ва самарали фойдаланган ҳолда инновацион ривожланиш атроф-муҳитни сақлаб қолишни ҳисобга олиб иқтисодиёт барқарорлигини жадал суръатларда ўсишини таъминлайди.

Инновацион технологияларнинг турли вариантларини таққослаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ерга энг кам ишлов бериш, жорий ва инвестициявий харажатларни тежаш, таннархи анча паст бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва нархларнинг бир хил даражасида ҳар бир экин бўйича бир гектар ердан кўпроқ даромадлар олиш имконини беради.

Технологияларни ўзгартириш – тизимли ёндашувни, анъанавий технологиялардан янги ресурсни тежовчи технологияларга ўтишда

корхонанинг технологик тизимида юз берадиган барча ўзгаришлар ҳақидаги билимларни талаб қилувчи мураккаб жараён. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги корхоналарида технологик ва ташкилий-иқтисодий инновацияларни жорий этишнинг жараёнли алгоритмлари ишлаб чиқиш зарур.

Чорвачиликда илмий таъминот тизимидаги ютуқлар: Олимлар амалий муаммоларни ечишда бевосита чорвачилик фермалари буюртмалари асосида иш олиб боришади. Ҳар бир соҳа ихтисослашган бўлиб, бир мутахассис барча соҳани кам-кам билиб "унверсал" бўлиши рағбатлантирилмайди. Чорвачилик фаннинг фундаментал соҳаси давлат томонидан молиялаштирилади.

Шунингдек, узоқ йиллик селекция ва наслчилик ишлари натижасида мамлакатнинг мавжуд табиий-иқлим шароитларига мос келадиган юқори маҳсулдор чорва моллари насллари яратилганлиги, диққатга сазовордир. Хорижий давлатларда чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатиш ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари доирасида ташкил этилган бўлсада,

Ўзбекистон учун аҳамиятли жиҳатлари сифатида **чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини инновацион ривожлантириш**да қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

➢ чорвачилик соҳасини инновацион ривожлантириш давлатнинг доимий назоратида бўлиши билан биргаликда, фермерлар фаолиятини бозорга мослаштиришда кооперативлар кўринишидаги нодавлат ташкилотларни қўллаб қувватлаш орқали хизматлар сифатини оширишга кўмаклашиш йўналишини кўриш мумкин. Шунингдек, чорвачилик тармоғини ривожлантиришнинг асосини давлат томонидан қўлланиладиган иқтисодий рағбатлантирувчи тадбирлар ташкил этади;

➢ мамлакатда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотлари сифати, озиқовқат сифатидаги хавфсизлиги устидан назорат жуда кучли бўлиб, қўйилган юқори даражадаги талабларга алоҳида фермерлар жавоб бериши қийинлиги боис профессионал кооперативларни ривожлантиришга аҳамият берилади;

➢ чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари, чорва моллари наслчилиги билан шуғулланувчи тармоқлар, маҳсулотларни қайта ишловчи бўғинлар, зооветеринария соҳасидаги илмий-тадқиқотлар соҳаси ва савдо-тижорат соҳаси манфаатларини уйғунлаштиришдаги натижалар чорвачилик тармоғи ривожланишида асосий пойдевор ҳисобланади.

Чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматларини инновацион ривожлантиришнинг асосий мақсади соҳани барқарор ривожланишини, рақобатбардошлигини ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи инфратузилма хизматларини такомиллаштириш.

Чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришда бир қатор вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим:

➢ чорвачилик тармоғининг даромадлилиги ва барқарор ривожланишини таъминловчи инновацион тизим ва инновацион инфратузилмани шакллантириш;

➢ инфратузилма хизматлари сифатини ошириш ва турларини кенгайтириш ҳисобига мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш;

➢ чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ва турларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ва шу орқали жаҳон бозорига чиқиб, чорвачилик маҳсулотларини экспортга йўналтириш.

Шунинг учун ҳам республикамизда келажакда чорвачилик соҳасида фаолияти бозорга йўналтирилган чуқур ихтисослашувга эга бўлган кооперативлар ёки шунга ўхшаш тузилмалар томонидан фермерларга хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш, наслчилик масалалари, тўйимли озуқа етиштириш, шунингдек бошқа турдаги хизматларни ташкил этиш асосий эътибор талаб муаммо бўлиб қолиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 23 мартдаги ПФ-308-сонли Фармон.
2. "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2008 йил 22 апрелдаги ПҚ-842-сонли Қарор.

АГРОСАНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ

Бабаддинов Д.О. *– ТДАУ талабаси,*
Кувнақов Х.Қ. *– ТДАУ доценти, илмий раҳбар*

Ўзбекистонда инновацион технологиялар ютуқларини иқтисодиёт ва унинг бошқа тармоқларига тезкор жорий этиш уни жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётини модернизациялаш шароитида давлат томонидан миллий инновацион тизимни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, агросаноат корхоналари ишлаб чиқаришда юқори технологияларни жорий этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтда, ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг самарадорлигини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтиришда инновацион технологияларни жорий этиш борасидаги олиб борилаётган ишлар этарли жаражада фаол эмас.

“Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш”[10].

Ўзбекистонда, бу борада кўплаб кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали мувофиқлаштирилмагани сабабли мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузли ва обрўли халқаро тузилмалар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтингида иштирок этмаяпти. Иқтисодиёт тармоқларининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги, вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаётгани бу борадаги биринчи навбатдаги мақсадлар ва вазифаларга эришиш имконини бермаяпти.

Ҳозирги кунда замонавий тараққиёт тенденциясида барқарор иқтисодий ўсишнинг самарали ресурсларидан бири сифатида иқтисодиётни инновацион ривожланишини рағбатлантириш биринчи ўринга қўйилмоқда. Барча ривожланган мамлакатлар ўзларининг юксак тараққиёт даражасига фан ва техникада эришилган энг сўнги инновацияларни ишлаб чиқаришга тез ва кенг кўламли жорий этиш ҳисобига эришмоқдалар.

Ҳозирги вақда илм-фан ва ишлаб чиқариш вазифалари белгиланди, улар ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, унинг натижалари бугун ўз самараларини бераётир. Ўзбекистонда илмий-таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари иштирокида инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасини ўтказиш анъанага айланди.

Иқтисодиётнинг энг муҳим тавсифномаси фан, илғор технологиялар, технологик базаларнинг қандай ҳолатда эканлиги бўлиб, бу ўз навбатида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлик даражасини белгилаб беради. Натижада ҳукумат томонидан чиқарилаётган фармон ва фармойишлар юқори ишаб чиқариш корхоналарида инновацион технологияларни ривожлантириш ва шакллантиришга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бизга маълумки инновацион иқтисодиётни ривожлантириш бир тарафдан таълим тизимининг ривожланиши, иккинчи тарафдан бизнес муҳитини шакллантириш билан боғлиқ. Чунки айнан бизнес муҳитини шакллантириш рақобатни шакллантиришга, ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспортга йўналтиришга ёрдам беради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инновацион фаолиятнинг муфаққияти кўпроқ даражада уни ташкил қилиш шакллари ва молиявий қўллаб қувватлаш усуллари билан белгиланади. Янги илмий ишланмалар ва

[10] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5544-сон фармони. WWW. «Газета.uz».

технологиялар мамлакатни жаҳон миқёсида рақобатдошлигини таъминлашнинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, илмий салоҳият биринчи навбатда фанларнинг фундаменти тадқиқотларни ривожлантиришга инвестицияларнинг ҳажми ҳамда патентлар ва лицензияларнинг сони ва бошқалар билан белгиланади. Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими мулкчилик тури, марказлаштирилганлик даражаси, ҳам мулк эгаларининг даражаси ва молиялаштириш шакллари билан фарқланувчи шакллар ва манбаларнинг мураккаб бирикиб кетишидан иборатдир. Бюджетдан маблағ ажратилиши инновацион фаолиятнинг ҳар хил шаклларининг муҳим молиявий манбалари бўладилар, улар ҳисобидан мақсадли мажмуавий дастурлар, давлатнинг устувор лойиҳалари бажарилади.

Давлат инновацион сиёсатини амалга оширишнинг молиявий механизми бутун инновацион даврни ресурсли таъминлаш тизимидан иборат. Давлат инвестицион ва илмий-техник дастурлари давлат томонидан мақсадли молиялаштиришнинг объекти бўлишлари керак. Танлов бўйича танлаб олинган лойиҳалар уларнинг асосий мажмуини ташкил қиладилар.

Самарали инновацион фаолият нафақат агросаноат ишлаб чиқариш, балки мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини кучайтиришни ҳам белгилайди. Шу учун, саноатни таркибий жиҳатдан ўзгартиришда рақобатдош юқори илмталаб қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда инновацион омил асосий ўрин эгаллаши лозим. Аввалambор, технологик жиҳатдан янги босқичга ўтиш учун замонавий илмий-технологик ва инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши зарур

Ўзбекистонда мавжуд инновацион муҳитни келгусида жадал ривожланиши йўлида амалга ошириладиган чора-тадбирлар узоқ муддатни кўзда тутадиган барқарор ривожланиш ва шу билан бирга миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Шунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

-инновацион фаолиятнинг барча босқичларини амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий базани ва инновацион инфратузилмани яратиш;

- иқтисодиётнинг реал сектори томонидан энг замонавий технологиялар ва янгиликларга, инновацион маҳсулотларга бўлган талабни рағбатлантириш;

- агросаноатда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилишни таъминловчи устувор тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш;

- мамлакатнинг йирик агросаноат корхоналари инновацион фаоллигини кучайтиришда уларнинг инновацион лойиҳаларни ва инновацион инвестицияларни суғурта қилиш;

- илм-фанга асосланган ва амалий натижалар бера оладиган устувор йўналишларни давлат томонидан аниқ белгилаб бериш;

- илмий ташкилот, таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида корпоратив алоқаларини кучайтиришда инновацион соҳадаги ахборотни ривожлантиришда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат;

-бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали инновациялар бошқарувчи давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

-аҳолининг олий маълумотли қатлами салмоғини ошириш ҳамда табиий ва техник фанлар йўналишида таҳсил олаётган талабалар сонини кўпайтириш белгиланган.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва ички бозорда монополия юзага келишининг олдини олиш каби йўналишларни ҳам санаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони, WWW. «Газета.uz»

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон фармони. WWW. «Газета.uz».

IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISM FOR THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE PROCESSES IN THE AGRICULTURAL SECTOR

Galimova F.R. *– Ph.D., Associate Professor of Agribusiness and Investment Activities*
Dekhkanova N.S. *– Senior Lecturer of Agribusiness and Investment Activities*

The strategic direction of sustainable socio-economic development of the agricultural sector is to improve the forms and methods of organizing and stimulating the innovative activity of enterprises in all areas of the agricultural sector. The development of a new policy of effective interaction between the state and business, which really contributes to the intensification of innovative activity in agriculture, is one of the key problems of the modern economy.

Recognizing the effectiveness and high importance of innovation for the national economy, it is necessary to state that the transition to a controlled development of innovative activity will require the creation of a new organizational and economic mechanism aimed at the development of innovative activity in the region. The development of this mechanism will make it possible, by combining agricultural science and production, to solve one of the main problems of agriculture - increasing the scientific and technical potential of the

industry.

The functioning of this mechanism will ensure:acceleration of the introduction of new knowledge through the formation of a system for bringing innovations to real production;growth of investment activity and increase of investment attractiveness of the agricultural sector of the economy;rational and efficient use of unclaimed resources of large enterprises;creation of conditions for the integration of subjects of innovation with government authorities that regulate relations and have a set of administrative resources.

The modern functioning of the agricultural complex should be carried out under the influence of an economic mechanism aimed at creating scientific, technological, managerial and organizational conditions for the innovative development of the industry.

The economic mechanism for the innovative development of the agro-industrial complex is a system of interconnected forms and methods of organizing and stimulating R&D, business development in the scientific and technical sphere of the agro-industrial complex and state support at all stages of the process (creation, distribution, implementation and development of innovations) based on mutual partnership of its participants with the aim of increasing socio-economic and innovative development of agricultural production.

In accordance with the innovation development strategy of the agro-industrial complex, the formation of the economic mechanism should be carried out in the following areas:the creation of regulatory systems for innovation;program-targeted management of the development of innovation in the agricultural sector at the republican and regional levels;development of public-private partnerships.

A study of the content of the economic mechanism of the innovative development of the agro-industrial complex allows us to single out a set of institutional, instrumental, methodological and regulatory components in it. Each of them determines its own forms and methods of organizing and stimulating innovative activity in agricultural production, as well as the directions of the main tasks to be solved, among which are: stimulating the innovative activity of economic entities along the entire chain of innovation formation; capacity development of business entities; increasing the investment attractiveness of the industry; development of infrastructure and markets for agricultural products.

A study of foreign experience shows that the process of innovative development in the agricultural sector should begin with stimulating the research activities of industrial research institutes by providing them with benefits, creating conditions for the integration of business, universities and research centers with innovative small enterprises operating in the state scientific technical topics in the field of agribusiness in the framework of national programs.

The new organizational and economic mechanism for ensuring the innovative development of agriculture, which includes a set of interlinked and providing measures whose tasks are to create favorable conditions for passing all stages of the scientific and technical updating of production, involves the consolidation of efforts of entrepreneurs, government bodies, local self-

government, science and higher education to promote scientific, technical and innovative products to the consumer.

The economic mechanism should be implemented within a certain direction, which consists in the formation of an innovation policy in the agro-industrial complex in the priority areas of this process. This provision will allow to develop a strategy for the transition to the option of sustainable development of agricultural production.

As part of the organizational component, it is necessary, first of all, to consider the development of innovation-oriented forms of management, the development of production and technological infrastructure, the creation of regional and interregional information and consulting centers that provide information support for innovation processes, the formation of an effective management system in the innovation sphere, the promotion of science integration and education. In this regard, an organizational infrastructure for the development of innovative processes is proposed as a set of state regulatory bodies operating in the field of coordination of innovative processes in the region's economy and commercial and non-profit organizations that provide services to enterprises operating in the innovative sphere.

The economic component of the organizational and economic mechanism includes increased funding for R&D and innovative projects from budgetary funds and concentration of resources in priority areas, support for financial leasing of innovative entrepreneurship, the use of venture capital in financing innovative activities, the rational use of economic levers of state regulation in agriculture (prices, taxes, finance, credit, etc.). It is implemented within the framework of the innovation policy of the state and is aimed at enhancing innovation in the agricultural sector in the most priority areas for the development of this process.

In modern conditions of lack of financial and material resources, it is almost impossible to master any innovation in the agricultural sector as a whole. Therefore, the so-called point technology of innovation is appropriate: to concentrate innovations in specific territories, create "growth points" - the basis for testing new technologies. Such innovative landfills can be technological platforms, agrotechnological parks, agrotechnopolises, business incubators, innovation and technology centers, transfer centers for agricultural innovations, etc., where you can fully use the ideas and results of scientific research, for example, in the production of environmentally friendly products.

To achieve this goal, it is necessary to solve the following problems aimed at creating a coherent effective innovation system:

- integration of the resources and organizational structures available in the republic and their focus on priority areas for the development of the innovation sphere;

- ensuring the innovative development of high-tech sectors of the economy of the republic by creating and developing a sectoral technical and technological base for the development and implementation of high-tech and high-tech products and technologies in production in the form of industrial districts, technopolises, technology parks;

- providing conditions for the formation of a progressive technological structure and attractiveness of the innovation space of the republic by creating innovative infrastructure, implementing institutional, resource-credit, fiscal and tariff policies;

- increasing demand for innovation and attracting private capital to finance sectoral projects for technological re-equipment of industry and other industries;

- involvement of the scientific and technical potential of the republic in the innovation process;

- reduction of transaction costs of innovation processes in the republic, including by minimizing risks in the implementation of innovative projects through insurance protection mechanisms.

Bibliography

1. Andreev, P.A. Innovative processes in agriculture. - M.: RAMA, 2012. - 184 p.
2. Innovative management. Ed. S.D. Ilyenkova.- M.: Uniti- Dana. 2012. - 327 p.
3. The organizational and economic mechanism for the development of innovative processes in agriculture (methodological recommendations). M.: GNU VNIIESKH, 2005.102 p.

АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Жуманиёзов С. *– ТДАУ талабаси,*
Зиядуллаев И. *– ТДАУ ўқитувчиси, илмий раҳбар*

Ўзбекистон миллий инновация тизимини янада ривожлантириш, хусусан, инновацион илмий-техника фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, жаҳон иқтисодиётининг тобора глобаллашуви шароитида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишининг инновацион стратегияни шакллантириш ва интеллектуал салоҳиятини ошириб бориш, инновацияларнинг ишлаб чиқаришдаги самарадорлигини янада ошириш; қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни кенг жорий қилиш; Ўзбекистон миллий инновация тизимиининг салоҳияти ва самарадорлигини баҳолаш; олий таълимда фан, таълим ва ишлаб чиқариш инновацион ҳамкорлигини мустаҳкамлаш каби масалалар кун тартибидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, ҳар қандай инновация иқтисодий ва технологик салоҳиятни рўёбга чиқаради, бу албатта ўз- ўзидан бўлмайди, мустакам билим, тажриба, кўника ва малакага эга бўлган давлат юзага чиқади.

Мамлакатимизда инновацион лойиҳалар ва технологияларни амалга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармонини қабул қилиниши ривожланишнинг янги йўналишини очиб берди десак мубалоға бўлмайди.

Ҳужжатда қайд этилишича, замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, қуйидаги тизимли муаммоларнинг мавжудлиги, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланмаслик кўзланган ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишига ҳамда мамлакатнинг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Фармон билан Ўзбекистон инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб олинди, хусусан:

-инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

-аграр соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни, шу жумладан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини тарғиб қилиш;

-иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш кабилардир.

Иқтисодиётни ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги: иқлим ўзгаришини инобатга олган ҳолда ўрта хўжаликлар ва агрокластерларни ривожлантириш орқали юқори технологияли қишлоқ хўжалигини яратиш масаласи белгилаб олинган, бу масалаларни ечишда албатта инновацион технологияларнинг ўрни катта.

Давлат субсидиялари юқори даражада бўлишига қарамасдан, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги сектори самарадорлиги паст бўлиб қолмоқда. Хусусан, 2017 йилда қишлоқ хўжалигида иш билан банд бўлган бир кишига тўғри келган қўшимча қиймат хизмат кўрсатиш соҳасига нисбатан 1 800 АҚШ долларга кам бўлди[11].

Агар мавжуд бўлган ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш модели сақлаб қолинса, озиқ-овқат танқислиги ортади, ерларнинг сифати ёмонлашади, сув захиралари камаяди.

Маҳсулот турлари бўйича ер участкаларини тақсимланиши, га

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ушбу маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёжни қондириш учун етарли миқдорда сабзавот, мева ва гўшт ишлаб чиқаради

Бироқ сут маҳсулотлари, шакар ва ўсимлик ёғларини импорт қилиш хажмини оритиши эҳтиёжи аллақачон мавжуд.

[11] Ўзбекистон Республикасининг 2035-йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси, 52 бет. Манба: http://uzbekistan2035.uz/ UZB.pdf



2035 йилга бориб, қуйидаги омилларга боғлиқ бўлган ҳолда, бошқа озиқ-овқат турларига эҳтиёжлар юзага келиши эҳтимоли мавжуд:

• Озиқ- овқат танқислиги аҳоли сонининг ўсиши ва ёш таркиби катталар фойдасига ўзгариши шуларга боғлиқ бўлади.

• Озиқ-овқат етишмаслигининг ўсиши қуйидагилар билан боғлиқ: – ер ва сув ресурслари чекланган – 2030 йилга қадар суғориш меъёрлари 5-10 фоизга ошадиган иқлим ўзгариши тахмин қилинмоқда.

Бундай мақсадларга эришиш учун илмий-назарий ва услубий-амалий йўналишдаги қуйидаги масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланди.

Жумладан:

-биринчидан, инновация категориясининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар талаб этиладиган йўналишларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

- иккинчидан, инвестиция ва инвестицион фаоллик тушинчаларининг иқтисодий-ижтимоий моҳиятини очиб бериш;

-учинчидан, қишлоқ хўжалигини инновацион модел асосида модернизациялашнинг ўзига хос хусусиятлари ва йўналишларини асослаш;

-тўртинчидан, қишлоқ хўжалигида инновацион, инвестицион ва модернизациялаш жараёнларининг ўзаро алоқадорлик ва таъсир этиш тамойилларини ҳамда ишлаб чиқариш логистик занжиридаги ўрни ва ролини илмий-амалий нуқтаи назардан асослаб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёни логистик занжирида инно- вация, инвестиция ва модернизация омиллари мана шу келтирилган тартибдаги ўринни эгаллаб, ўзаро алоқадорлик ва таъсир этиш тамойилларига мувофиқ ривожланиш тенденциясига мойилдир. Яъни, қандай тармоқ ёки соҳа бўлмасин унинг жадал ва истиқболли тараққиётини таъминлаш биринчи навбатда янги илмий, техник ва технологик ғояларни шакллантириш ва уларни амалиётга тезкор равишда самарали татбиқ этишни талаб қилади.

Шу сабабдан ҳам, ривожланишнинг бирламчи асосини инновацион ғоялар, улар- ни амалга ошириш ва татбиқ этиш тизими ташкил этади. Бироқ, бу тизим доирасидаги барча чора-тадбирлар ўз навбатида тегишли ҳажмдаги инвестициялар жалб этишни тақозо этади, зотан улар-сиз инновация жараёнини амалга ошириб бўлмайди.

Бинобарин, инвестициялар ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) логистик занжирининг иккинчи узвий халқаси ҳисобланиб, инновация ва модернизация жараёнларини боғловчи зарурий оралиқ омил (ресурс) ролини бажаради.

Хулоса ўрни шуни таъкидлаш мумкинки, қишлоқ хўжалигида интенсификация қилиш минерал ўғитларга бўлган талабни юзага келтиради, қишлоқ хўжалигининг жуда катта самара билан ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билимларга асосланадиган тўғри қарорлар қабул қилиш лозим. Қишлоқ хўжалиги ривожи паст бўлган шароитда фермерларни қишлоқ хўжалигидаги энг яхши амалиётларга ўргатиш фермерларнинг ўзлари учун ҳам, ўғитлар ёки қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар учун ҳам фойдали бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармони;

2. Ўзбекистон Республикасининг 2035-йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси, 52 бет. Манба: http://uzbekistan2035.uz/ UZB.pdf

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Мардиев Н. *- ТДАУ доценти,*
Сагдиев Ғ.М. *– ТДАУ талабаси*

Маълумки, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан унинг бошқарув тизимини самарадорлигига боғлиқдир. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришдан мақсад бутун ишлаб чиқариш тизимини янгилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техник, интелектуал ва иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини оширишдан иборатдир.

Иқтисодиётни тузулмавий ислоҳ этиш ва модернизациялаш туфайли нафақат экспорт ҳажмини юқори суръатларда барқарор ўсишига, балки унинг таркибини сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилмоқда.Жумладан, 2018 йилда кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 58,4 % ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 98,1 % ни ташкил этди. Янги ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 11,4 % ташкил этди[12].

[12] Stat.uz

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва улар фаолиятига бошқарувнинг иннновацион технологияларини жорий этиш қуйидаги омиллар ҳисобига муҳим зарурият ҳисобланади:

1. Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиш хусусиятларига эга эканлиги инновацион технологияларни жорий этишда йирик корхоналарга нисбатан юқори таваккалчиликнинг пастлиги жиҳатидан яхши самара беради;

2. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига инновацион технологияларни жорий этилиши уларни юқори трансакцион ҳаражатларини камайтириб, рентабеллик кўрсаткичларини оширади;

3. Кичик бизнес субъектларининг янгиликларни тезкорлик билан ўзлаштира олиш салоҳияти уларга инновацияларни тижоратлаштиришдан юқори даромад олиш имкониятини беради;

4. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига бошқарувнинг иннновацион технологияларини жорий этилиши улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш, товар ва хизматлар номенклатурасини ошириш, янги товарлар турларини сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш ҳисобига уларнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширади.

Бугунги кунда инновация жараёнларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилишида ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ижобий фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади, бу эса охир-оқибатда инновация фаолиятини рағбатлантиришнинг мамлакатимизда ишлаб чиқилган тизимини ривожлантириш имконини беради.

Инновация тадбиркорлиги учун янги ғояни қидириш муҳим аҳамиятга эгадир. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш қандайдир аниқ режага асосланади ва асосида фаоллик ҳамда чуқур ўйланган инновация ташаббуси ётган тадбиркорлик ғояси ишлаб чиқаришни тўлиқ, шунингдек, унинг бир ёки бир нечта алоҳида қисмларини қамраб олиши мумкин.

Агар эътибор тадбиркорлик ғояларининг айнан айрим қисмларига қараттилса, ғояларни амалга ошириш, яъни корхонани тўлиқ ёки қисман янгилаш учун мумкин бўлган тадбиркор фаолиятининг асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизимини ўрганиш;
- янги техника ёки технологияларни қўллаш;
- маҳсулотни ишлаб чиқаришда янада тежамли ёки мустаҳкам янги материаллардан фойдаланиш;
- маҳсулотларнинг дизайни, қадоқланишини яхшилаш;
- корхона реклама компаниясини ташкил қилишнинг принципиал янги тизиммни яратиш.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг инновация характери, нафақат, ишлаб чиқариш омиллари, ишлаб чиқариш

жараёнининг ўзига ёки маҳсулотни ташкиллаштиришга нисбатан, балки ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётганларни жой-жойига кўйишга нисбатан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолда тадбиркорлик ғояси қуйидаги фаолиятларга асосланган бўлиши мумкин:

- малакаси етарли бўлмаган ходимларни чиқариб юбориш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнида барча иштирокчиларни бутунлай ёки қисман алмаштириш;
- жамоада ишлаётганларнинг "ишга мойиллик кайфиятини" ташкил қилиш;
- ҳар бир ходим ўз иш вақтидан унумли фойдаланиши учун чора-тадбирлар қабул қилиш.

Инновацион ғояларнинг аниқ манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- истеъмолчиларни, яъни уларнинг талабларини ўрганиш;
- олимлар, агар улар товар маҳсулотлари, хизматларнинг оригинал ёки такомиллаштирилган вариантларини яратишга олиб келиши мумкин бўлган материаллар, товар хусусиятларини ихтиро қилиш билан шуғулланадиган бўлса;
- рақобатчилар, баъзи ҳолларда уларнинг истеъмолчилар талабини қондиришга қаратилган фаолияти тадбиркорни ўзининг инновация режасини шакллантиришига туртиши мумкин;
- савдо агентлари, дилерлар ва бошқа воситачилар;
- инновацион фаолиятнинг аниқ элементлари бўйича тадбиркорнинг маслаҳатчилари;
- корхонанинг бевосита ходимлари.

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг инновацион жараёнларни бошқариш тизими турли вазиятларга мосланувчан бўлиб, комплекс характерга эга. Унинг зиммасига маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий этиш, ташкилий тузилма шаклларини ва бошқарувчилик функцияларини қайта тузиш, янгиликларни амалиётга жорий этиш, инновацион жараёнларни бошидан охиригача бошқариш имкониятини таъминлаш каби бир қатор вазифалар юклатилади.

Ҳозирги иқтисодий шароитларда ҳаттоки, муваффақиятларга эришаётган кичик тадбиркорлик тузилмалари доим ҳам янги инновацияларни қўлламасдан ҳамда йирик ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмасдан янги маҳсулот ёки технологияларни ишлаб чиқишга қодир бўлмайди. Сўнгги йилларда республикада инновацион фирмалар пайдо бўлмоқдаки, уларнинг бошланғич капитали ақлий ресурслардир. Ушбу консалтинг инновацион фирмалар катта имкониятларга эга. Бундай фирмаларнинг асосий маҳсулоти - турли хилдаги маърузалар шаклини олган ғоялардир. Бу ерда жаҳон тараққиёти йўналишлари бўйича прогнозлар ишлаб чиқилади, иқтисодиётни таркибан қайта қуришнинг янги вариантлари таклиф этилади, турли лойиҳаларни баҳолаш ва техник - иқтисодий асослаш ишлари олиб борилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Наринбоева Г.К. *- ТДАУ, катта ўқитувчи*
Каримова К.Р. *- ЎзМУ талабаси*

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб мақсади, мамлакат иқтисодиётини барқарор ва жадал ривожлантириш эвазига аҳолининг турмуш даражасини ошириш, уларга муносиб ҳаёт даражасини яратишга қаратилмоқда. Бу мақсадни самарали амалга ошириш мамлакат иқтисодиётида мавжуд ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали ишлашига боғлиқ.

Инновациявий фаолиятнинг натижаси бўлиб «ноу-хау» ҳисобланади. “Ноу-хау”-техник, иқтисодий, маъмурий, молиявий ёки бошқа характердаги маълумотларни ўз ичига олган, тўлиқ ёки қисман сир бўлган бўлимлар, тажриба ва кўникмаалардир. «Ноу-хау»дан фойдаланиш ҳуқуқи муайян устуворлик ва тижорат фойдасини таъминлайди.

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакат аҳолиси дастурхонини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўкин-сочин қилиш, истеъмолчилар талабини мамлакатда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлари ҳисобига тўла қондириш лозимдир.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг тез мослашувчан, замонавий кичик мини инновацион технологиялардан фойдаланадиган, шу жумладан, хорижий инвесторлар иштирокидаги агросаноат фирмаларини ихтиёрийлик асосида шакллантириш, мавжуд қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш керак.

Умуман олганда, инновацияларнинг энг қулай вариантини танлаш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш муаммоси, бир томондан, инновациялардан фойдаланишдан олинадиган пировард натижанинг, уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш харажатларидан юқори бўлишини, иккинчи томондан эса, олинган натижаларни бошқа ўхшаш инновациялардан олиниши мумкин бўлган натижалар билан таққослашни талаб килади.

Шундай қилиб, инновациялардан фойдаланишнинг самараси ҳисобга олинадиган натижа ва харажатларга боғлиқ бўлади. Ва у натижалар ва харажатлар нисбати орқали белгиланади. Инновациявий фаолият натижалари муайян буюмлашган шаклга эга бўлиш ёки буюмлашмаган шаклда бўлиши мумкин.

Республикамизда сўнги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашни ривожлантириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, қайта ишланган маҳсулотларни ички ҳамда ташқи бозорга йўналтириш масалаларига алоҳида эътибор берилиши натижасида республикада кичик корхоналар очиш ва шунинг билан бирга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга имкониятлар яратилди. Кичик қайта ишлайдиган ускуналар хориждан келтирилиб, маҳсулотни

экспортбоп қилиб тайёрлаб, маҳсулот турини янада кўпайтиришга йўл очиб бермоқда.

Мамлакатимизда қуёш энергиясидан фойдаланиб ишлайдиган турли хилдаги қуритгич кичик мосламалар ихтиро қилинган бўлиб, бундай ускуналар ҳозирда республикамизнинг кўпгина боғдорчилик хўжаликларига татбиқ этилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашда энергия-тежамкор янги технологияларни татбиқ этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилишда муқобил энергия манбаларини топиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бу борада мамлакатимизда муайян ютуқларга эришилган. Бундай ютуқлардан бири қуёш энергияси билан ишловчи мева-сабзавот қуритгичлари бўлиб, кўпгина боғдорчилик фермер ва дехқон хўжаликларида етиштирилаётган меваларни нес-нобуд қилмасдан жаҳон андозаларига мос ҳолда сифатли қуритиш, мазкур ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда муқобил табиий энергиядан фойдаланиш ва шу асосда хўжаликнинг даромадини янада оширишга имкон бермоқда.

Қуёш энергияси билан ишловчи бундай мева-сабзавот қуритгичи конструкциясининг соддалиги, республикамизнинг барча вилоятларига татбиқ этиш мумкинлиги, қуритилган маҳсулотнинг экологик тозалиги, сифатлилиги, ташқи об-ҳавонинг ноқулай омилларидан ишончли ҳимояланганлиги, энг муҳими, жаҳон андозаларига мос қуритилган маҳсулот олиниши ва бир кеча кундузда 350 кг гача маҳсулот қуритиш мумкинлиги билан ажралиб туради.

Жаҳон хўжалик муносабатларида рақобат кучайиб бораётгани сабабли иқтисодиётнинг инновация йўналиши мамлакатимизнинг ички бозорда импорт маҳсулотлар ўрнини босадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган экспортга йўналтирилган бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмига айланди.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, соҳасига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш учун :

- ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилаётган маҳсулотларнинг, технология, ускуна ва бошқа воситалардан самарали фойдаланишда инновация усулларини жорий этиш;
- янгидан ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарида молиявий барқарор ривожлантиришга эришиш учун инновацион ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни ривожлантириш мақсадида уларда янги инновацион ғоялар билан таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ходимларини малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни яхшилашга доимо эътибор бериш ва инновацион фикрларини инобатга олиш лозим.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Каххарова М. *– ТДАУ талабаси*
Азимов Р. *– ТДАУ ўқитувчиси, илмий раҳбар*

Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Шунинг учун ҳам давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисоднинг ривожланиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтди: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий контсептситаси”ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради.

Нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда. Шунинг учун Ҳукуматга икки ой муддатда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича “йўл ҳаритаси”ни ишлаб чиқиш топширилади. Бу борада ахборот ҳавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли Фармон[13]ини ижро этиш борасида, шунингдек, республикамизда рақамли иқтисодиётни давлат бошқарув тизимида замонавий ахборот технологияларни жадал ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш, шунигдек, ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августда рақамли иқтисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Ресбубликасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832- сон Қарорларини ҳам шу тадбирлар жумласига киритиш мумкин.

Мамлакатмизда 2024 йилдан то 2030 йилларгача давлат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасининг барча соҳалари тўлиқ рақамли трансформациясини амалга оширишни режалаштирмоқда.

Бунинг учун рақамли технологиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, рақамли инфратузилмани модернизация қилиш, иқтисодиёт ва давлат бошқарувининг асосий соҳаларида рақамли амалиётларни жорий этиш, ўтиш даври учун кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш зарур.

[13] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349 сонли Фармони

Юқоридаги фармон ва қарорларнинг муваффақиятли бажарилиши учун рақамли иқтисодиётнинг моҳияти нима ва унинг асосий тишунчали нималардан иборатлиги пишиқ-пухта билиб олиш талаб қилинади. Ушбу қизиқарли ва жозибали рақамли иқтисодиёт соҳасига саёҳатимизни бошлашдан аввал ахборотлашган жамият ва у билан узвий боғлиқ бўлган бир қанча асосий тушунчалар билан яқиндан танишиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Чунки шундагина ушбу рисолада акс эттирилган масала, муаммо ва концепцияларни тўғри тушуниш мумкин бўлади. Қисқа ва лўнда қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт - бу жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон ҳамда ахбороткоммуникатсион технологияларини кенг жорий этишни кўзда тутадиган инсоннинг хўжалик фаолиятини тадқиқ этувчи фандир.

Рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади.

Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади.

Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт назарияси ўз ривожланишининг бошланғич давридадир, чунки цивилизациянинг рақамли ахборот босқичига ўтиши бир неча ўн йилаввалгина бошланган.

Умуман олганда, мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни ривожлантириш ва жорий этишнинг босқичлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, дастлабки босқичларининг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, ҳайвонларининг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига юқори технологияларни жорий этиш бўйича тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳисобланади.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, рақамлаштириш жараёни мамлакат иқтисодиётида борган сари кучайиб боради ва трансмиллий корпоратсияларнинг мамлакат минтақавий ва миллий иқтисодиётларидаги роли ортиб боради.

Иқтисодиётнинг рақамли сегменти мамлакат иқтисодиёти ва жамиятда рўй берган сифат ўзгаришлари туфайли долзарб аҳамиятга эга бўлади. Янги рақамли технологиялар ва платформалар жисмоний шахслар ва корхоналар менежментига тобора катта кўламда ўзаро алоқаларда трансаксия ҳаражатларини қисқартириш ҳамда давлат узилмалари ва хўжалик юритувчи объектлар билан яқин алоқаларни амалга 17 оширишга имкон беради. Буларнинг натижасида тармоқ сервисларига асосланган рақамли ёки электрон иқтисодиёт шаклланади.

Қишлоқ хўжалиги амалиётида рақамли технологияларни жорий этиш бўйича қуйидагиларни амалга оширишни инобатга олади:

-бошқарув самарадорлигини ошириш;

-ресурстежамкор технологиялар, хусусан аниқ уялаб экадиган сеялкалар, GPS ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ хўжалиги техникаларини қўллаш;

-сув ресурслари, ўғитлардан самарали фойдаланишни назарда тутувчи сувтежовчи суғориш технологиялари;

-қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини парваришлаш ва сутни соғиш бўйича робототехникалар;

-қишлоқ хўжалигига янги замонавий касб эгалари бўлган ходимларни (мутахассисларни) жалб этиш;

-маълумотлар алмашинувининг рақамли форматига ўтиш, ҳисобот турларини қисқартириш билан иштирокчиларнинг ўзаро ва давлат билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;

-республиканинг қишлоқ хўжалиги қуйи тармоқлари ва ҳудудлари кесимида умумфойдаланишга қаратилган билим ва технологиялар банкини яратиш;

-иқлим ўзгаришларига мослашувчанлиги ва чидамлилигини ошириш;

-рақобатбардош, бозор ва экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалигини шакллантириш;

-озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтириш;

-давлат сарф-харажатларининг самарадорлигини, шу жумладан давлат-хусусий шерикчилик асосида ошириш;

-хорижий аналогларга мос келадиган “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини режали асосда жорий этиб бориш;

-инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг логистика инфратузилмаси самарадорлигини ошириш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида ҳам рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш ишларни янада яхшилаш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349 сонли Фармони

2. Лапидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. –М.: ИНФРА-М, 2017. -281 с.

3. Ходиев Б.Ю. Цифровая экономика в Узбекистане. //Мировая экономика, 2017, №12

4. Аюпов Р.Х., Балтабаева Г.Р. Рақамли валюталар бозори: инновациялар ва ривожланиш истикболлари. –Т: Фан ва технология, 2018, 172 бет.

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Умурзаков Х. *– ТДАУ тадабаси*
Кувнақов Х.Қ. *– ТДАУ доценти, илмий раҳбар*

Мамлакатимизда ҳам чорвачилик соҳасида самарадорликни ошириш масаласи давлат даражасида амалга оширилмоқда ва соҳага янгидан-янги инновацион технологиялар қўлланилмоқда. лекин шунга қарамасдан чорвачилик соҳасида ҳам айрим муаммолар ҳамон сақланиб келмоқда.

Чорвачиликдаги асосий муаммолар:

- кичик товар ишлаб чиқаришга асосланганлиги;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг паст маҳсулдорлиги;
- озиқ-овқат саноатини ривожланмаганлиги;
- ветеринария масалалари;
- чорвачилик учун озуқа экин майдонларнинг этишмаслиги;
- малакали кадрлар, консалтинг ва илмий тадқиқотлар этишмаслиги;
- тармоқни молиялаштиришнинг этарли эмаслиги;
- рақобатдошликнинг заифлиги.

Мамлакат аҳолисини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш — бу соҳада масъул шахсларнинг вазифасини хорижий ҳамкасблар тажрибаси ёрдамида янада бойиб бормоқда ва улар билан биргаликда муваффақиятларга эришмоқдалар.

Чорвачилик соҳасидаги амалга оширилаётган ва амалиётда ўз натижасини бераётган томонларни ҳам айтиш лозим:

1) Маҳсулдор зотларга ўтиш. Бундай ёндашув табиий равишда миқдорий маҳсулдорликни оширади.

2) Ҳайвонларни парвариш қилишни яхшилаш, шу билан бирга даволаш ва доривор харажатлар масаласи ҳал этилади.

3) Сақлаш ва парвариш қилиш учун ускуналар. Янги технологиялардан фойдаланган ҳолда сифатли сақлаш шароитлари яратилмоқда[14].

Технологик инновация нима? Ушбу инновациялар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги усулларини англатади. Улар саноатни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноатини тубдан янгилашга имкон беради. Инновацияларни ривожланишдан тўлиқ тижорат амалиётига қадар ривожлантириш технологияларнинг узатилишига ёрдам беради. Ушбу тадбирлар нафақат саноат соҳасидаги инновацияларни топибгина қолмай, балки тайёр маҳсулотни олиш имконини берадиган хусусий ва тижорат корхоналари томонидан амалга оширилади.

Замонавий дастурий таъминотлар ёрдамида таълим соҳасида янги стандартлар яратилмоқда. Бу ерда инновациялар муаммоли ва шахсий таълим жараёнини осонлаштиради, таълим жараёнига индивидуал

[14] https://viafuture.ru/katalog-idej/novye-tehnologii

ёндашувни шакллантиради. Ҳар қандай янгилик илмий ва технологик тараққиётнинг кўрсаткичларини яхшилашга имкон беради.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда янги технологиялардан фойдаланиш ишчиларнинг меҳнатини осонлаштиради ва айни пайтда ходимларни малакасини оширишни талаб қилади. Инновациялар бутун бозор учун эмас, балки фақат алоҳида қишлоқ хўжалиги корхонаси учун ҳам янгилик бўлиши мумкин. Бу шуни англатадики, ташкилот ўз мутахассисларини қандай шароитда ва маконда бўлишидан қатъий назар қайта тайёрлаш ва малакасини муттасил оширб боришга ғамхўрлик қилиши керак. Бу эса инновациянинг асосини ташкил қилади, чунки билимга асосланган иқтисодиёт – бу инновацион иқтисодиётдир.

Бунга таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш имконини берадиган таълим ва ўқитишда энг янги технологиялар киритилган. Улар мактабгача ва олий таълим, табиий фанларни ўқитиш, мактабларда гуманитар фанлар, кадрлар тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш учун ишлатилади.

Услубий янгиликлар ташкилий жиҳатдан бевосита бир-бирига узвий боғлиқдир. Улар амалда бирон бир мақсадни қандай амалга оширишни аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда қийматни ифодалайди. Кўпинча бундай инновациялар индивидуал таълимда, камдан — кам ҳолларда-дидактикада, шунингдек, таълим назариясида қўлланилади.

Чорвачилик ва у билан боғлиқ жараён мураккаб тизимдир. Шунинг учун бу соҳада инновацион жараёнларнинг ривожланиши истиқболга эга. Чорвачилик қуйидаги таркибий қисмларга бўлинади:

- **Ходимларни танлаш.** Ходимлар билан кўпинча бу соҳада қийинчиликлар мавжуд, чунки қишлоқ хўжалиги таълими замонавий стандартларга мос келади;

- **Наслларни танлаш**-ҳар бир ишлаб чиқариш фермасида натижага эришиш ва муваффақиятга эришиш учун мавжуд бўлиши керак. Селекция, маълум бир талаб ва хусусиятларга (маълум касалликларга генетик мослашув, гўшт ва сут сифати, ўсиш ва пишиб этиш тезлиги) имкон қадар аниқ наслдан наслга олиб келади);

- **Хизмат ва ғамхўрлик** —бу ерда гап ходимларнинг молиявий ҳолати, малакаси ва билимлари ҳақида кетмоқда;

- **Жараённи автоматлаштириш** — ҳар бир босқични режалаштириш ва ҳужжатларни юқори талаблар даржасида автоматлдаштириш жараёнига ўтказиш;

- **Маҳсулотни йиғиш ва қайта ишлаш** — жараённинг энг муҳим босқичи ҳисобланади;

- **иш натижаларини умумлаштириш**-йўл қўйилган хатоларни ва амалга оширилган инновацияларнинг самарадорлигини аниқлаш.

Озиқлантиришда инновацион ёндашув.

Чорвачилик йўналишидаги ҳар бир фермер, менежер, ёки фақат натижа учун масъул шахслар, молларни парваришлаш ва озиқлантириш шакли ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ, сўнгги жаҳон тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, чорва молларини энг сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари

билан мувозанатли озиқлантириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Маълумки, олдин чорва молларини табиий озиқлантиришга устунлик берилган эди.

Озиқлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ёндашув йўналиш ва тамойилларни ўзгартирди, илмий-тадқиқотлар олиб борилишига асосий мавзу бўлиб қолди. Бу технологияларни ривожлантириш ва чорвачилик соҳасида инновацион технологияларни жорий этиш орқали амалга оширилмоқда.

Кўпгина ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалик корхоналарида чорвачиликни озиқлантириш тизимини оқилона ташкил этиш орқали озуқа олишнинг икки асосий манбасини оптимал комбинацияси назарда тутилмоқда:

1. иқтисодий бўлмаган-хўжаликлараро ҳамкорлик доирасида етказиб бериш; алмашиш, минерал қўшимчалар, премикслар ва бошқаларни сотиб олиш.

2. хўжаликлараро - дала ва ўтлоқли озуқа ишлаб чиқариш, озиқлантириш. Бунда хўжаликни ўзида ем-хашак ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ташкил этишнинг таркибини тузишда – чорвачилик фаоиятини ўзини учта асосий гуруҳга бўлинадиган турли хил озиқ-овқат билан самарали таъминланади: ўсимлик, ҳайвонот ва минераллар.

Ҳар бир хўжалик қуйидаги асосий талабларга жавоб берадиган барқарор озуқа базасини ташкил этишга интилиши керак:

-озуқа ишлаб чиқариш учун ҳар бир гектар фойдали майдондан унумли фойдаланиш;

-рациондаги озуқа таркиби ва озуқа моддаларининг таркиби чорвачиликнинг самарадорлигини оширишга имкон беради;

-табиий ерлардан олинган озуқа, шунингдек, тўлдирувчи маҳсулотлар ва қайта ишлаш корхоналарининг чиқиндилари тўлиқ ишлатилади.

Турли хил хўжаликларда маълум озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш учун тенг шароитлар мавжуд. Шунинг учун, ҳар бир алоҳида ҳолатда, энг самарали озиқлантириш ва парҳез турини танлаш керак, максимал даражада алоҳида озиқ-овқат, ҳайвон тури ва гуруҳини етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларига мос келади.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларига нисбатан турли хил озиқ-овқат маҳсулотларининг иқтисодий жиҳатдан мос нисбатларини топиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 23 мартдаги ПФ-308-сонли Фармон.
2. "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2008 йил 22 апрелдаги ПҚ-842-сонли Қарор.

QISHLOQ XO‘JALIGIDA INNOVATSION JARAYONLARGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR

Nurmatova O‘. *– TDAU talabasi*
Abdullayev F. *– TDAU assistenti, Ilmiy rahbar*

Qishloq xo‘jaligining barqaror rivojlanishida tabiiy omillar ta’siri yuqoriligi bilan bir qatorda qishloq xo‘jaligini agrotexnik, huquqiy, tashkiliy va iqtisodiy jihatdan davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash muhim ahamiyat kasb etadi. Bugungi kunda qishloq xo‘jaligini rivojlantirish uchun investitsiyalar ajratish, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish jarayonlari, suv xo‘jaligi obyektlari faoliyatining muntazamligini ta’minlash, qishloq xo‘jaligi ishlab chiqaruvchilarining texnika ta’minotini kuchaytirish, yerlarning meliorativ holatini yaxshilash, hosildorligi past yerlarda paxta xomashyosi yetishtiruvchi xo‘jaliklarni qo‘llab-quvvatlash, kadrlar tayyorlash va ilmiy tadqiqotlar olib borish kabi yo‘nalishlar davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlab kelinmoqda.

O‘zbekiston agrar sektorining barqaror rivojlanishi ko‘p jihatdan innovatsion faoliyatning samaradorligiga bog‘liq. Innovatsiyalarni o‘zlashtirish natijasida qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarish bazasi texnologik, texnik va tashkiliy-iqtisodiy jihatdan yangilanib boradi. Bu esa o‘z navbatida, O‘zbekistonning jahon bozoriga integratsiyasini kuchaytiradi. Mamlakatlar iqtisodiyoti turi va rivojlanish darajasiga qarab, asosan, xomashyo ishlab chiqarishga ixtisoslashgan doindustrial (preindustrial) iqtisodiyot, industrial iqtisodiyot, postindustrial iqtisodiyot, aralash iqtisodiyot va innovatsion iqtisodiyot yoki bilimlar iqtisodiyotiga asoslangan mamlakatlarga bo‘linadi

Innovatsion iqtisodiyot iqtisodiyotning eng yuqori rivojlangan turi hisoblanadi va u uchun bilimli jamiyat xosdir. Hozirigi kunda fan-texnika yutuqlarini keng joriy etish va undan samarali foydalanish uchun turli mexanizmlar va institusional tuzilmalar, ya’ni milliy innovatsion tizim shakllanmoqda.

Umuman, innovatsion g‘oyalarni faol rivojlantirishda qishloq xo‘jaligi tarmog‘ining deyarli hamma sohalarida imkoniyatlar mavjud. Biroq, g‘oyalarni amalga oshirishda tizimdagi ilmiy tadqiqot va oliy ta’lim muassasalarining bo‘lim va laboratoriya boshliqlari, yetakchi, katta ilmiy xodimlari, kafedra mudirlari, professor, dotsent va katta o‘qituvchilar, o‘qituvchilar va yosh olimlarning innovatsion faolligini talab darajasida deb aytib bo‘lmaydi. Shuningdek, innovator olimlarning doirasi ham u qadar keng emas[15].

Hozirgi kunda O‘zbekistonda innovatsion jarayonlarni chuqurlashtirishga va innovatsiya bazasini mustahkamlash uchun barcha zarur ijtimoiy-iqtisodiy asoslar mavjud. Biroq agrar sohani innovatsion rivojlanish yo‘liga o‘tkazish, yoki boshqacha aytganda, innovatsion loyihalarni bir, hatto bir necha fermer xo‘jaliklari miqyosida ham amalga oshirishda muammolar mavjud, chunki:

[15] Xamraeva S.N. “Qishloq xo‘jaligida innovatsion rivojlantirish tendnensiyasi” Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar –ilmiy elektron jurnal-2018 yil №3

birinchidan, fermer xo‘jaliklari va qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlovchi subyektlar hozirgi vaqtda ilmiy tadqiqot ishlariga buyurtma berish hamda tadqiqotlarni moliyalashtirishda ishtirokining sustligi;

ikkinchidan, ilg‘or innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqishda tadqiqot olib borish va ilmiy tadqiqotlarni moliyalashtirishni ham xo‘jalik subyekti o‘zi amalga oshira olmaydi;

uchinchidan, yangi texnologiya, yangi navlardan foydalanish uchun qishloq xo‘jaligi mahsuloti ishlab chiqaruvchilar va qayta ishlovchilarning yetarli darajada bilimlarga ega emasligi, ular olimlar va mutaxassislar xizmatidan foydalanishlari zarur, shuningdek, mahsulotni qayta ishlash va sotishda ham fermerlar ma’lum darajadagi qiyinchiliklarga duch kelmoqdalar;

to‘rtinchidan, OTM va ilmiy tadqiqot muassasalari olimlari tomonidan tayyorlangan innovatsion ishlanmalarga ishlab chiqaruvchilarning talabi yetarli darajada emasligi, ular o‘rtasida uzviy bog‘liqlik mavjud emas;

beshinchidan, ayrim qishloq xo‘jaligi mahsuloti ishlab chiqaruvchilarning masuliyatsizligi.

Innovatsion rivojlanish muammolari O‘zbekiston uchun alohida dolzarblik kasb etadi, chunki faqatgina yangi resurstejamkor, ilg‘or texnologiyalardan keng va samarali foydalangan holda innovatsion rivojlanish atrof-muhitni saqlab qolishni hisobga olib iqtisodiyot barqarorligini tezkor sur’atlarda o‘sishini ta’minlaydi.



Rasm. Qishloq xo‘jaligida innovatsion jarayonlarga ta’sir etuvchi ijobiy va salbiy omillar

Qishloq xo‘jaligida tabiiy hamda moddiy-texnik resurslaridan samarali foydalanishda innovatsion texnologiyalarini qo‘llashning o‘ziga xos xususiyatlari mavjud. Ularga:

●qishloq xo‘jaligida moddiy-texnika vositalarini ishlatishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish mavsumiy tavsifga ega bo‘lib, ulardan foydalanish samaradorligini oshirish bilan bog‘liq muammolarni keltirib chiqaradi, o‘rim-yig‘im kombaynlarini mavsumga tayyorlash bilan bog‘liq bo‘lgan xarajatlar, boshqa texnika-mashinalarning mavsumga tayyorgarlik monitoringini olib borish va x.k.

●moddiy-buyumlashgan ko‘rinishdagi moddiy-texnika resurslari tabiiy sharoitlar ta’siriga uchraydi va ularni saqlash bo‘yicha sarf-xarajatlarning oshib borishi;

●qishloq xo‘jaligida foydalaniladigan moddiy-texnika resurslari tarkibiga jonli organizmlar, o‘simliklar va chorva mollarini kirishi;

●ishlab chiqarishda foydalaniladigan ayrim moddiy resurslar shu xo‘jalikning o‘zida yaratiladi (chorvachilikda foydalaniladigan yem-xashak, o‘simlikchilikda urug‘lik, organik o‘g‘itlar va boshqa.).

Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishni samaradorligini innovatsion texnologiyalarini qo‘llash asosida oshirish ko‘p jihatdan zamonaviy texnika va texnologiyalar bilan qurollanishga bog‘liq bo‘lib bormoqda va bu holat fermer xo‘jaliklarini mddiy-texnika vositalari bilan ta’minlash yunalishlarini takomillashtirish bilan uzviy bog‘liqliqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947-Farmonining 1-ilovasi “2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi”. Lex.uz.

2. Xamraeva S.N. “Qishloq xo‘jaligida innovatsion rivojlantirish tendnensiyasi”, Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar –ilmiy elektron jurnal-2018 yil №3

FERMER XO‘JALIGI FAOLIYATINI DIVERSIFIKATSIYALASHDA INNOVATSIYALARNING O‘RNI

Abduraxmanova N.- *TDAU talabasi,*
Abdullayev F.- *TDAU assistenti, ilmiy rahbar*

Fermerlikni rivojlantirish, fermer xo‘jaliklarining iqtisodiy va moliyaviy mustaqilligi uchun mustahkam huquqiy asoslar va kafolatlarni yaratib beruvchi yer kodeksi, “Fermer xo‘jaligi to‘g‘risida”gi Qonun hamda boshqa normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindi. O‘tgan 28 yil davomida fermerlikni rivojlantirish hamda ularning mulkiy munosabatlari ishonchli himoya qilinishini ta’minlash sohasidagi qonun hujjatlarini yanada takomillashtirilishi natijasida fermer xo‘jaliklari haqli

ravishda qishloqda yetakchi bo‘g‘inga, qishloq xo‘jalik mahsulotlarini ishlab chiqaruvchi asosiy kuchga aylandi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 9 oktabrdagi PF-5199-son Farmon[16]i qabul qilindi. Farmonga asosan, endilikda fermer xo‘jaliklari faoliyatida tubdan o‘zgarish, ya’ni fermer xo‘jaliklarida bosqichma-bosqich ko‘p tamoqli faoliyat yo‘lga qo‘yish ishlari amalga oshiriladi. Unga ko‘ra, faqatgina qishloq xo‘jaligi mahsuloti ishlab chiqarish bilan shug‘ullangan fermer-tadbirkorlarimiz bozor talablaridan kelib chiqib o‘zlarida qo‘shimcha yo‘nalishlarni joriy qiladi. Ushbu talabga javob bermaydigan, ko‘p tarmoqli faoliyatni yo‘lga qo‘ymagan subyektlar 2022 yilning 1 yanvaridan boshlab yangilik va yangilanishga intiluvchan, yangi g‘oyalar asosida ish yuritishga qobiliyatli, tadbrkorlik qilish, nafaqat o‘zining, balki butun xalqimiz dasturxonini to‘kin bo‘lishiga hissa qo‘shishga tayyor bo‘lgan shaxslar, ayniqsa yoshlarga joylarini bo‘shatib beradilar.

Bu esa o‘z navbatida fermer xo‘jaliklar faoliyatini diversifikatsiyalash vazifasini quyadi. Respublikamizda amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli agrar islohotlar fermer xo‘jaliklarida ishlab chiqarish faoliyatini diversifikatsiyalash, ya’ni zamonaviy ko‘p tarmoqli fermer xo‘jaliklarini shakllantirish va ularni rivojlantirishga qaratilgan bo‘lib, bunda mazkur sohaga davlat agrar siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirishning ustuvor yo‘nalishi sifatida qaralmoqda.

Diversifikatsiya ishlab chiqarishda yuqori samaradorlikka erishish, iqtisodiy foyda olish, bankrotlikka barham berish va boshqa maqsadlarda amalga oshiriladi. Ilgari bir sohaga ixtisoslashgan fermer xo‘jaliklarning (sanoat, qishloq xo‘jaligi, taransport, moliya va hokazo) boshqa ishlab chiqarish tarmoqlari, xizmat ko‘rsatish sohalariga, birinchi navbatda, yuqori foyda beradigan sohalarga kirib borishi ularning xo‘jalik faoliyati sohalari va imkoniyatlarini kengaytiradi.

Diversifikatsiya - lotincha so‘zdan olingan bo‘lib, o‘zgarish va turli tumanlik ma’nosini ifodalaydi. Bu xo‘jalik faoliyatining (ishlab chiqariluvchi mahsulot va xizmat turlarini shuningdek, faoliyatning jo‘g‘rofiy maydonini kengaytirish) yangi soxalarini o‘zlashtirishdir. Tor ma’noda diversifikatsiya atamasi yordamida korxonani to‘g‘ridan to‘g‘ri xech qanday ishlab chiqarishga va asosiy faoliyatiga xos funksional boqliqlikka ega bo‘lmagan soxalarga kirishi tushuniladi. Diversifikatsiya natijasida korxona murakkab ko‘p tarmoqli majmua xoliga aylanadi.

Fermer xo‘jaliklari faoliyatini diversifikatsiyalashda ham 3 xil diversifikatsiya turlari mavjud bo‘lib:

1.Vertikal diversifikatsiya- mavjud bozorda yangi mahsulotlar bilan ishtirok etish, ya’ni qishloq xo‘jaligi mahsulotlar turini ko‘paytirish (meva-sabzavot, chorvachilik, baliqchilik, asalarichilik va boshqalar).

2.Gorizontal diversifikatsiya- yangi bozorda mavjud mahsulotlar bilan ishtirok etish, ya’ni bir turdagi mahsulotni qayta ishlab, yangi bozorga qatnashish (klaster usuli, masalan paxtachilik tarmog‘ida).

[16] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сон Фармон

3.Lateral diversifikatsiya- yangi bozorda yangi mahsulotlar bilan qatnashish, ya’ni noqishloq xo‘jalik faoliyatini rivojlantirish (kasanachilik, serviz xizmatlari, qandolat va boshqalar)

Fermer xo‘jaligi ishlab chiqarishini diversifikatsiyalash bozor innovatsiyasi bo‘yicha, yuqorida ko‘rilayotgan choralardan tashqari, yetishtirilgan mahsulotdan samarali foydalanish, qayta ishlash sanoatini kengaytirish, har xil iste’mol tovarlari turlarini ishlab chiqarishni kengaytirishni talab etadi. Bu qishloq xo‘jalik mahsulotlarining ishlab chiqarish samaradorligini oshiradi, shuningdek ichki bozordagi singari tashqi bozorda hammahsulotlar raqobatbardoshligini ma’lum darajada ko‘taradi. Fermer xo‘jaliklarida ishlab chiqarishni diversifikatsiyalash, raqobatbardosh mahsulotlarni ko‘paytirishning asosiy yo‘nalishlari:

- iqtisodiy munosabatlarni takomillashtirish;
- ishlab chiqarishni modernizatsiyalash;
- ishlab chiqarish innovatsion texnologiyalarni jalb etish;
- ekinlar navlarini to‘g‘ri joylashtirish, mahsulot sifati va ekinlar hosildorligini oshirish:
- chorva mollari naslini yaxshilash va chorvachilik tarmog‘ini raqobatbardoshligini oshirish;
- qayta ishlash va qayta ishlovchi subyektlar raqobatbardoshligini oshirish;
- qishloq xo‘jaligiga servis xizmati ko‘rsatish va servis korxonalari raqobatbardoshligini oshirish;
- global iqlim o‘zgarishi va suv tanqisligi sharoitida aholini oziq ovqat mahsulotlari bilan barqaror ta’min etish;
- suv tanqisligi salbiy oqibatlarini yumshatishda qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishi tizimini takomillashtirishdan iborat.

Fermer xo‘jaligi ishlab chiqarishini diversifikatsiyalash o‘z mazmun-mohiyatiga ko‘ra, bir tomondan, modernizatsiyalashning zaruriy tarkibiy qismi, boshqa tomondan, uni taqozo etuvchi sabab hisoblanadi. Shu jihatdan ushbu ikki jarayon o‘zaro uzviy bog‘liq. Diversifikatsiyalash ham ko‘p mazmunli va serqirra bo‘lib, uni fermer xo‘jaligining ko‘plab soha va jarayonlariga nisbatan qo‘llash mumkin. Fermer xo‘jaligi ishlab chiqarishini diversifikatsiyalash deganda, birinchi navbatda, uning faoliyat sohasini kengaytirish nazarda tutiladi.Odatda, fermer xo‘jaligining faoliyat sohasi u mansub bo‘lgan tarmoq ishlab chiqarishi bilan belgilanadi.

Fermer xo‘jaligi faoliyatini diversifikatsiyalash, shuningdek, ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar yoki ko‘rsatilayotgan xizmatlar assortimentini ko‘paytirishni nazarda tutadi. Bu o‘rinda fermer xo‘jaligi turli faoliyat sohalari bilan shug‘ullanishi shart emas. Odatda, bozor iqtisodiyoti sharoitida yagona, bitta mahsulot turini ishlab chiqarishga ixtisoslashgan fermer xo‘jaligi barkarorligi xavf-xatarning yuqori darajasi bilan tavsiflanadi. Chunki, ushbu mahsulot bozoridagi konyunkturaning salbiy o‘zgarishi fermer xo‘jaligi faoliyatiga jiddiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Shunga ko‘ra, fermer xo‘jaligi an’anaviy tarzda ishlab chiqarayotgan mahsulotlari tarkibini bozor-da yangi talab shakllangan va izchil ravishda o‘sib borayotgan mahsulotlarni ishlab chiqarish hisobiga kengaytirishi maqsadga muvofiq. Bunday holda, bozordagi u yoki bu mahsulotga bo‘lgan talab

qisqarishi yoki narx pasayishi ta’sirida paydo bo‘lgan yo‘qotishlar boshqa mahsulotlarga bo‘lgan talab yoki narx o‘sishi hisobiga qoplanadi.

Fermer xo‘jaliklari faoliyatini diversifikatsiyalashda innovatsiyalar va innovatsion texnologiyalardan foydalanishda qo‘yidagilarga alohida e’tibor berish kerak[17]:

– fermer xo‘jaliklarida moddiy-texnika bazasini innovatsion texnika va texnologiyalar kiritish asosida yaxshilash va yangilash;

– ishlab chiqarish innovatsion texnologiyasini takomillashtirish va qishloq xo‘jalik mahsulotini yetishtirishda tor ixtisoslashtirishga o‘tish;

– xo‘jalikdagi har bir jarayonni ilmiy asoslangan holda raxbarlik qobiliyatiga ega shaxs tomonidan boshqarilishi va kadrlarni to‘g‘ri tanlay bilish;

– turli agroinnovatsiyalarni xo‘jalikka jalb etish va uni tatbiq qilish;

–fermer xo‘jaliklarida qo‘shimcha tarmoqlarini rivojlantirish;

– bozor konyunkturasi, talab va taklifning elastikligini hisobga olgan holda kuchli raqobatga dosh bera olish va raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish;

– har bir xo‘jalik yurituvchi subyekt o‘z imkoniyatlaridan kelib chiqib istiqbolli diversifikatsiya strategiyasini ishlab chiqishi lozim.

Fermer xo‘jaliklari faoliyatida qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish bilan bir qatorda, uni qayta ishlash, tayyorlash, saqlash, sotish, turli xizmatlar ko‘rsatish kabi ko‘p tarmoqli faoliyatni yo‘lga qo‘yish ularning moliyaviy-iqtisodiy barqarorligini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. “Fermer xo‘jaligi to‘g‘risida”gi Qonun. 2004 yil, 26 avgust.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 9 oktabrdagi “Fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, qishloq xo‘jaligi ekin maydonlaridan samarali foydalanish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5199-son Farmon

3. G‘. Babaxodjaev va boshqalar- “Fermer xo‘jaliklarida yangi va tejamkor texnologiyalar”-Daslik-2017yil

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Зокирхўжаев А. *– ТДАУ талабаси,*
Сиддиков З.Т. *– ТДАУ доценти, илмий раҳбар*

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг муваффақиятли фаолиятининг асосий шартларидан бири уларни ўз вақтида барча зарурий воситалар ва меҳнат қуроллари билан таъминлашдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжи амалдаги услубий тавсияномалар бўйича аниқланади. Талаб қилинадиган машиналарнинг умумий миқдоридан

[17] G‘.Babaxodjaev va boshqalar- “Fermer xo‘jaliklarida yangi va tejamkor texnologiyalar”-Daslik-2017yil

хўжаликда мавжуд машиналар сони чиқариб ташланади ва уларни олиш зарурати режалаштирилган йилга киритилади. Бу зарурият ҳар томонлама асосланиши, бажариладиган ишлар, маҳсулотлар ишлаб чиқариш режаси ва хўжаликнинг молиявий имкониятлари билан боғлиқ бўлиши, аниқ тузилган бизнес-режа асосида амалга оширилиши керак.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксиз амалга ошириш ва тармоқни интенсив ривожлантиришда юқори унумли замонавий машиналар, техника воситалари, асбоб-ускуналар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра республикамиз қишлоқ хўжалигида иш жараёнларининг механизациялашув даражаси пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида 85 %дан, озуқа экинлари экишда 75 %дан, уларни йиғиштиришда 50 %дан, боғдорчиликда 40 %дан ва сабзавотчиликда 35 %дан юқорини ташкил этади.

Истиқболда қишлоқ хўжалигида иш жараёнларининг механизациялашув даражаси ортиб бориши билан ҳайдов ва чопиқ тракторларига, чизел, плуг ва борона каби машиналар тизимига, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш комбайнларига ҳамда юк ташиш транспорти воситаларига талаб ортиб бораверади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг якуний натижалари экинларни ишлов бериш агротехнологияларига ва механизациялашганлик даражасига боғлиқ бўлиб бормоқда.

Гарчи кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини юқори унумли машиналар ва техника воситалари билан таъминлаш борасида бир қатор давлат дастурлари қабул қилинган ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича йирик чора-тадбирлар амалга оширилган бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигининг уларга бўлган талабини тўлиқ қондирилган деб бўлмайди. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда қишлоқ хўжалигида мавжуд барча русумдаги тракторларнинг 22,3 %и 20 йил ва ундан ортиқ, 21,5 %и 16-20 йил, 21,6 %и 11-15 йил муддат хизмат қилган, яъни 10 йилдан ортиқ хизмат қилганлари жамига нисбатан 65,4 %ни ташкил этган. Қолган қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича таҳлил қилинганда ҳам худди шунга яқин кўрсаткичлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини юқори унумли ва ресурс тежовчи замонавий техника-технологиялар билан қуроллантириш масаласи ҳал қилиниши лозим бўлган энг устувор вазифалардан бири сифатида ўзини номоён қилмоқда. Бу вазифани бажариш мақсадида бир қатор президент ва хукумат қарорлари қабул қилиниб амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилишига жами 38,6 млн. доллар сарфланиши кўзда тутилган. Бу инвестициялар истиқболда қишлоқ хўжалигининг машина-трактор паркини тубдан янгилашга, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унумдорлигини оширишга

ҳамда техник қуролланиш даражасини ошишига, ёқилғи, уруғлик ва жонли меҳнат сарфини сезиларли равишда тежаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги техникалари, машиналари ва уларга бутловчи узеллар ҳамда деталлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ихтисослаштириш, уларни жойлаштиришнинг оптимал нисбатларини шакллантириш ортиқча сарф-харажатлар тежалишига ва тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга олиб келади. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида хорижий мамлакатлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларнинг бошқарув тизимини янгилаш илғор тажрибалар, замонавий менежмент усуллари ва инновацион технологияларни жорий этиш ишларини жадаллаштиради.

Тармоқни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш, техника воситалари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни мамлакатимиз ҳудудида маҳаллийлаштириш ишларига давлат сиёсати даражасида кенг эътибор берилаётгани, бу тадбирларга марказлашган давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, банк кредитлари ва корхоналар ўз маблағларининг йўналтирилаётгани истиқболда соҳа ривожига муҳим ҳисса қўшади. Тармоқда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари, машиналар, бутловчи узеллар ва деталлар сифатининг ошишига ҳамда таннархининг арзонлашувига имкон яратади.

Аммо, бугунги кунда қишлоқ хўжалигини техника воситалари билан таъминлашда ечилиши лозим бўлган айрим муаммолар ва камчиликлар ҳам мавжуд. Хусусан, тармоқ ривожига доимий равишда давлат томонидан катта эътибор қаратилаётган ҳамда ички ва хорижий инвестициялар жалб этилаётганига қарамасдан, йиллар давомида маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасида барқарор ўсиш тенденцияси ўрнига ўсиш суръатлари пасайишлар билан алмашиб турмоқда.

Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги қуйи тармоғида асосий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ва динамикаси талабни қондириш даражасида эмас. Хусусан, қишлоқ хўжалигида чопиқ, ҳайдов ва транспорт тракторларига талаб жуда юқори бўлишига қарамасдан 2000-2014 йилларда тармоқда трактор ишлаб чиқариш ҳажми 1,0 минг донадан 2,2 минг донага ошди. Ваҳоланки, 2012 йилга келиб қишлоқ хўжалигида мавжуд 78352 дона тракторларнинг 65,4 %ини 10 йилдан ортиқ хизмат қилган эски тракторлар ташкил этган эди. Бундай вазиятда аграр ишлаб чиқаришни янги техника ва технологиялар асосида модернизациялаш ҳамда тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган трактор тиркамалари, уруғлик экиш ускуналари (сеялкалар), культиваторлар ва пахта териш машиналари ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳам ички истеъмолни қондириш учун етарли эмас.

Республикамиз қишлоқ хўжалигининг пахтачилик ва ғаллачилик тармоқлари техник таъминоти нисбатан қониқарли даражада бўлсада, мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачилик тармоқларининг механизациялашув даражаси ва техник таъминоти талаб даражасида эмас. Чорвачиликка ихтисолашган фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги

техникалари билан таъминланганлик ҳолати ҳам жуда паст даражада қолмоқда. Мавжуд МТПлар асосан пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларига хизмат кўрсатишга мослашган. Мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари бир томондан махсус техника воситаларининг етишмаслиги, иккинчи томондан эса МТПлар хизматларидан етарли фойдалана олмаслигидан қийин аҳволда. Бу тармоқларда хизмат кўрсатишга мослашган махсус техника воситаларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг бу тармоқлари юқори даражада механизациялашганлиги билан ажралиб туради. Айниқса, ҳозирги ривожланиш босқичида интенсив технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурияти буни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги “Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4269-сонили қарори

2. Пулатова Р.Х. «Агросаноат мажмуасида инфратузилма фаолиятини ташкил этиш» Ўқув қўлланма ТошДАУ 2006.

3. Ў.Р. Умирзоқов., А.Ж.Тошбоев, Ж.Х. Рашидов, А.А.Тошбоев “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менеджменти”. -Т.: “Иқтисод-Молия” 2008.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Тохирхўжаев А. *– ТДАУ талабаси,*
Исламов Ф.Р. *– ТДАУ катта ўқитувчиси, илмий раҳбар*

Мустақиллик йилларида республикамиз аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалигида турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритишнинг фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари шаклланиб, фаолият кўрсатмокда.

Эндиликда деҳқон ва томорқа хўжаликлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол қатнашиб нафақат ўзларини маҳсулот билан таъминлаш, балки мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, ер ва сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини такомиллаштириб авлоддан-авлодга етказиш, қишлоқда янги иш жойларини ташкил қилиш ва ёш авлодни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

Маълумотларга кўра 2018 йил бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражаси хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилинганди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 70,0 %и - деҳқон ва

томорқа хўжаликларига, 27,3 % и - фермер хўжаликларига, 2,7 % и - қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда деҳқон ва томорқа хўжаликларининг салмоғи йилдан йилга ошиб бормоқда.

Таҳлиллардан дон экинлари ва ғўза майдонларининг асосий қисми фермер хўжаликлари, картошка, сабзавотлар, полиз, мева ва узум майдонлари деҳқон ва томорқа хўжаликлари ихтиёрида қолаётганлиги кузатилмоқда. Бугунги кунда республика бўйича 4 млн 792 мингдан ортиқ деҳқон хўжаликлари фаолият юритмоқда. 2018 йилда ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 102 495,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 95,3 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 53,2 % ни ташкил қилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича 2018 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 6 375,4 минг тонна (87,5 %) дон экинлари ишлаб чиқарилган, 2 750,1 минг тонна (98,4 %) картошка кавлаб олинган, 9 635,1 минг тонна (94,3 %) сабзавотлар, 1 904,9 минг тонна (93,8 %) озиқбоп полиз, 2 589,7 минг тонна (99,0 %) мевалар ва резаворлар, 1 564,5 минг тонна (96,2 %) узум йиғиб олинган.

Ҳозирги пайтга келиб аграр соҳада деҳқон ва томорқа хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотларининг аксарият турларини асосий ишлаб чиқарувчилари бўлиб қолмоқда, ҳисобот даврида картошка умумий ҳажмининг 88,4 %и, сабзавотларнинг 74,3 %и, полизнинг 60,8 %и, мевалар ва резаворларнинг 62,6 %и, узумнинг 55,0 %и улар томонидан ишлаб чиқарилди. Дон экинларининг эса асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилди, ишлаб чиқарилган ушбу маҳсулотлар ҳажмининг 78,7 %и улар ҳиссасига тўғри келади.

2018 йилда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 90 204,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 106,5 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 46,8 % ни ташкил этди.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, тирик вазндаги гўштнинг умумий ҳажмидан 92,6 %и деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим, шунингдек сутнинг 95,6 %и, тухумнинг 58,4 %и, жуннинг 87,5 %и, қоракўл терининг 83,2 %и ҳам деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади

Шунингдек 2019 йининг 1 январ ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 5,0 %и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 93,6 %и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 1,4 %и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 10,9 %и фермер хўжаликларига, 84,1 %и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 5,0 %и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 14,1 %и фермер

хўжаликларига, 58,0 %и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 27,9 %и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

Деҳқон хўжаликларида моддий манфаатдорлик юқорилиги боис банд бўлган бир киши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш фермер хўжаликларига нисбатан 1,4 марта, бир гектар экин майдонидан олинаётган маҳсулот қиймати эса 10-12,0 марта юқори бўлмоқда. Бугунги кунда деҳқон хўжаликлари нафақат қишлоқ хўжалиги, балки саноат маҳсулотлари, касаначилик - маҳаллий хом ашёга асосланган ярим тайёр маҳсулотлар, халқ амалий санъати буюмлари ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш соҳасига оид хизматлар кўрсатиш каби фаолиятлар билан ҳам шуғулланмоқда. Деҳқон хўжаликлари фаолияти доираси кундан кунга кенгайиб бормоқда.

Истиқболда деҳқон ва томорқа хўжаликларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалигида мустаҳкам ўрингa эга бўлишлари учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

-деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларни ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш, яъни маълумотларнинг ҳаққонийлик даражасини ошириш;

-қишлоқ ҳудудларида деҳқон хўжаликларига хизмат ва таъминот (уруғчилик, кўчатчилик, экинлар агротехникаси, селекция, чорвачилик, наслчилик ишлари ва бошқалар) кўрсатишга ихтисослашган хусусий шохобчаларни ташкил этилишини рағбатлантириш;

-деҳқон хўжаликларида етиштирилган чорва маҳсулотларини кооперация асосида сотиб олиш, сақлаш, тайёрлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарни ташкил этиш;

-деҳқон хўжаликлари фаолиятини моддий-техник ресурслар билан таъминлашни кучайтириш, жумладан, лизинг асосида моддий-техника воситаларини (кичик технология, минитрактор, асбоб-ускуналар ва бошқалар) харид қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-деҳқон хўжаликлари даромад ва харажатлари шаклланишини ҳисобга олиш услубиётини такомиллаштириш лозим. Бугунги кунда деҳқон хўжаликлари фаолиятини статистик ва иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш учун самарали ва содда ҳисобот тизимини шакллантириш жуда муҳим. Чунки, деҳқон хўжаликларида даромад ва харажатлар шаклланиши, деҳқон оиласининг бюджети ва деҳқон хўжалигининг бюджети борасида аниқ ишлаб чиқилган назарий ва амалий йўналишлар мавжуд эмас. Бу эса деҳқон хўжалиги даромадини кўпайтиришга ёки камайтиришга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларидан унумли фойдаланиш йўлларини асослаб бериш лозим;

-деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, жумладан улар фаолиятини баҳолашнинг меъзонлари ва индикаторлар тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий амалий ва фундаментал тадқиқот ишларини кенгайтириш.

Мазкур муаммоларни ҳал этилиши деҳқон хўжаликларининг аграр соҳани ривожлантиришдаги салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон фармони – Халқ сўзи, 2017 йил 10 октябрь.
2. Абдуғаниев А., Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007 йил, 340 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. 2010-2019 йй.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА- ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Халиков С.Р. - *ТДАУ, доценти,*
Бердиев Х. - *ТДАУ талабаси*

Ҳозирги вақтда инновациялардан фойдаланиш асосида жаҳон хўжалиги ривожланишининг янги парадигмаси шаклланмоқда. Ўзбекистон ушбу жараёнларни инкор эта олмайди ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларнинг фаоллашувини таъминлаши зарур. Ушбу масалаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Иқтисодий ривожланишнинг инновацион йўлига ўтиш нафақат Ўзбекистон иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги тармоғида тўпланиб қолган муаммоларни, балки ушбу тармоқ олдида турган асосий вазифаларни ҳам ҳал этиш зарурлиги билан боғлиқ. Ҳозирги шароитда инновацион фаолият қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Мазкур омилдан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш мамлакатимизда агросаноат мажмуининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ягона йўлидир. Ижтимоий - иқтисодий ўзгаришлар жадаллашиб, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви кучайиб бораётган шароитда мамлакатимиз қисқа муддатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг инновацион жараёнга жадал ўтишни амалга ошириши, иқтисодиётнинг ушбу стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоғини замон талабларига жавоб берадиган сифат жиҳатдан янги техник-технологик асосда тиклаши лозим. Ҳозирги кунга қадар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши энг муҳим устувор

йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ аҳолиси, балки мамлакатимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоғининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан инновацион фаолиятнинг самарадорлигига боғлиқ. Инновацияларни ўзлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш базаси технологик, техник ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан янгиланиб боради. Ҳозирги кунда фан -техника ютуқларини кенг жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш учун турли механизмлар ва институционал тузилмалар, яъни миллий инновацион тизим шаклланмоқда. Қишлоқ хўжалигини барқарорлаштиришда қишлоқ хўжалигини технологик жиҳатдан модернизация қилиш устувор йўналишлардан биридир. Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника сиёсатини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир

Бугунги кунда Ўзбекистонда инновацион жараёнларни чуқурлаштиришга ва инновация базасини мустаҳкамлаш учун барча зарур ижтимоий-иқтисодий асослар мавжуд. Бироқ аграр соҳани инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, ёки бошқача айтганда, инновацион лойиҳаларни бир, ҳатто бир неча фермер хўжаликлари миқёсида ҳам амалга оширишда муаммолар мавжуд, чунки: биринчидан, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи субъектлар ҳозирги вақтда илмий тадқиқот ишларига буюртма бериш ҳамда тадқиқотларни молиялаштиришда иштирокининг сустлиги; иккинчидан, илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқишда тадқиқот олиб бориш ва илмий-тадқиқотларни молиялаштиришни ҳам хўжалик субъекти ўзи амалга ошира олмайди; учинчидан, янги технология, янги навлардан фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчиларнинг етарли даражада билимларга эга эмаслиги, улар олимлар ва мутахассислар хизматидан фойдаланишлари зарур, шунингдек, маҳсулотни қайта ишлаш ва сотишда ҳам фермерлар маълум даражадаги қийинчиликларга дуч келмоқдалар; тўртинчидан, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари олимлари томонидан тайёрланган инновацион ишланмаларга ишлаб чиқарувчиларнинг талаби етарли даражада эмаслиги, улар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд эмас; бешинчидан, айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг масъулиятсизлиги.

Жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда мамлакатлараро интеграция шароитида республикада қисқа вақт ичида қишлоқ хўжалиги тармоғини ва қишлоқни, шу билан бирга қишлоқ инфратузилмасини, янги инновацион ривожланиш йўлига ўтиши зарур. Бу йўл орқали замонавий техник-технологик асосида қишлоқнинг мавқеини ошириш имконияти пайдо бўлади. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтиш ҳозирги кундаги устувор вазифалардан бири сифатида баҳоланиб келинмоқда. Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон аграр секторида инновациялар ҳажми жами ялпи ички маҳсулот ҳажмида 1-2 % ни ташкил этади, қишлоқ инфратузилмаси тармоғида эса бу кўрсаткич ундан ҳам кам, ваҳоланки ушбу кўрсаткич бошқа ривожланган мамлакатларда 50-60 % дан кўпроқни ташкил этади. Ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологияларнинг қўлланилиши қуйидаги имкониятларни келтириб чиқаради: жаҳон миқёсидаги талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши; маҳсулот таннархи аҳамиятли даражада пасайтирилиши ҳисобига корхонанинг молиявий натижалари юқори бўлиб, имкониятлари кенгайиши; хом-ашё ва ресурслар тежалиши; атроф-муҳитга салбий таъсир қисқариши ва ҳ.к.

Агар мазкур техника ва технологиялар инновацион тавсифга эга, яъни илгари амалда қўлланилмаган ишланма ва ғояларга асосланган бўлса, у ҳолда улардан фойдаланишнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти янада юқорироқ бўлади.

Инновацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши ушбу соҳада қўлланиб келинаётган технологияларга нисбатан юқорироқ самарага эришиш имконини беради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни рационал ташкил этиш, фан ва техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишни, юқори самара берадиган янги машиналар ва асбоб - ускуналарни, агротехника ва зоотехника усулларини, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни янги методларини жорий этишни тақозо қилади.

Энг самарали усул ва методларни танлаш ва жорий этиш учун уларни олдиндан текшириб кўриш, уларга ташкилий – иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш талаб қилинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида бундай баҳо бериш миллий иқтисодиётнинг самарадорлик мезони, яъни ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошириш асосида амалга оширилади, меҳнат унумдорлигининг ошиши эса ишлаб чиқариш ҳажмини ва миллий даромадни ўстиришда ифодаланади. Бунга ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларини қисқартириш, соф даромадни орттириш асосида эришилади. Бу қоидаларга асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришнинг янги усул ва методлари иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар қўлланилади : бир гектар ер ҳисобига ва бир бош мол ҳисобига

олинадиган юқори сифатли маҳсулот миқдори; меҳнат унумдорлиги; маҳсулот таннархи; соф даромад ва рентабеллик; капитал маблағлар ва уларнинг ўз ўрнини қоплаши. Мазкур кўрсаткичлар бир - бири билан боғланган ва бир - бирини тақозо қилади. Маҳсулот миқдори қанча кўп бўлса, унинг сифати яхши бўлса, меҳнат унумдорлиги юқори, таннархи арзон бўлса, соф даромад кўп ва рентабеллик юқори бўлса, капитал маблағлар шунча кам талаб қилинади ва улар тезроқ ўз ўрнини қоплайди, янги усул ва методларнинг иқтисодий самарадорлиги шу қадар юқори бўлади. Янги усул ва методлар, агар зарур бўлиб қолса оптималлаштирилади. Бу оптималлаштириш хўжалик вазифаларини ҳал қилиш учун мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда жуда кўп, хилма - хил вариантлардан энг самаралиларини танлаб олиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан саналади.

Бу борада:

- пахта ва бошоқли дон экин майдонларини қисқартириш эвазига картошка, сабзавот, полиз, озуқа ва мойли экинлар, янги интенсив боғлар ва узумзорлар майдонини кенгайтириш ва оптималлаштириш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш, тармоққа интенсив, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори техникалардан фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мос янги селекция навларини ва юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ҳамда жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш асосида озиқ-овқат ва қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган замонавий қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш, сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмаларини ривожлантириш;

Қишлоқ хўжалигида юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш ва унинг бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожланишдан орқада қолмаслиги учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлган турли хилдаги мулк ва мулкчилик шаклларининг,

уларга асосланган тадбиркорлик турлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатларининг назарий, услубий асосларини такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан-техника ютуқларини, янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчи капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узоқ муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўлларини аниқ белгилаш, барча харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш йўлларини асосланган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда- инновацион ривожланиш муаммолари Ўзбекистон учун алоҳида долзарблик касб этади, чунки фақатгина янги ресурс тежамкор, илғор технологиялардан кенг ва самарали фойдаланган ҳолда инновацион ривожланиш атроф-муҳитни сақлаб қолишни ҳисобга олиб иқтисодиёт барқарорлигини жадал суръатларда ўсишини таъминлайди ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида технологик ва ташкилий-иқтисодий инновацияларни жорий этишнинг жараёнли алгоритмлари ишлаб чиқиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-иловаси “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Lex.uz.

3. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.– Т.: ТДИУ, 2007 - 23 б.

4.Муродов Ч. Қишлоқда бозор инфратузилмаси асосларини шакллантириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 1999. - № 3. 2 – 4 б.

5.Хамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириш. Монография - Тошкент: 2017 – 73 бет.

УЎТ: 597.2/5

ОҚ АМУР БАЛИҒИНИНГ ҲАЗМ ЙЎЛИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Рахматова Г.Т., Эшова Х.С.
Ўзбекистон Миллий университети

Кириш. Карплар (*Cyprinidae*) оиласи балиқлари суякли балиқлар (Teleostei)га мансуб, суякли балиқлар умуртқали ҳайвонлар орасида энг катта гуруҳ ҳисобланади. Суякли балиқлар морфологик ва экологик жиҳатдан хилма-хил бўлиб, турли иқлим ва гидрологик шароитларда учрайди [3,4]. Суякли балиқлар барча типдаги озиқа билан озиқланишга мослашган, улар орасида ўсимликхўрлари ва йиртқичлари мавжуд. Суякли балиқлардан карплар (*Cyprinidae*) оиласи вакиллари барча хилдаги озиқа билан

озиқланишга мослашган. Ҳар бир таксонга мансуб балиқларнинг мослашиши уларнинг ривожланиш тарихини белгиловчи морфологик тузилиши асосида озиқланиши хилига мос равишда шаклланган. Ҳазм тизими тузилиши турли гуруҳ балиқларда фарқ қилади, масалан тишлар ёки ошқозоннинг мавжудлиги ёки бўлмаслиги, алоҳида гуруҳ балиқларда ҳазм тизимидаги бу фарқлар уларда озиқланиши билан боғлиқ турли морфо-функционал мослашишларни юзага келтиради Балиқларнинг озиқага мослашиш хусусиятлари уларнинг систематик ҳолати билан боғлиқ ҳолда озиқланиш типи асосий белги сифатида аниқ дифференцироват қилиш имконини беради. Шунинг учун балиқлар ҳазм тизимининг тузилишини комплекс тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга [2].

Хўжаликда катта аҳамиятига эга бўлган оқ амур балиғининг афзалиги шундаки, сув ҳавзаларини бегона сув ўтларидан тозалаш ишларида ижобий натижалар кўрсатади.

Тадқиқот мақсади. Карплар (*Cyprinidae*) оиласи балиқларидан ўсимликхўр балиқ ҳисобланган оқ амур - *Ctenopharyngadon idella* ҳазм йўлининг тузилишига тавсиф бериш, ҳазм аъзолари ва озиқа ҳазм бўлишни филогенетик ва мослашиш хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқот материали ва услублари. Оқ амур балиғи ҳазм йўлининг тузилишини ўрганиш ва унинг озиқага мослашиш хусусиятларини очиб бериш.Шунинг учун турли ўлчамдаги 20 та балиқларнинг. ички аъзолари умум ихтиологик ва анатомик услублар ёрдамида ўрганилди, ичак узунликлари ва диаметри ўлчанди, ҳазм йўли тузилишига тавсиф берилди.

Тадқиқот натижалари. Оқ амур ҳазм йўлини ўрганишда аввал унинг тана узунлиги ва диаметри ўлчанди. Унинг анал тешиги ёнидан ўткир пичоқ ёрдамида танаси очилди. Ичакларнинг умумий кўринишини кўриш мақсадида тана девори очилди ва қорин бўшлиғидаги ичакларнинг ҳолати кузатилди. Ички аъзолар ҳолати ва ранги табиий ҳолатда эканлиги кузатилди. Ичаклари бошқа ички аъзоларидан пинцет ёрдамида эҳтиётлик билан ажратиб олинди ва кюветага солинди.

Оқ амур балиғининг чавоқлари ичак тизимида зооппланктон организмлар қолдиқлари кузатилди Вояга етғанларида эса юксак ўсимликларва детритлар қолдиқлари борлиги аниқланди.

Оқ амур оғиз тешиги унча катта бўлмаган баққувват мушакли “лаблардан” ташкил топган бўлиб, жағларидаги тишларнинг бўлмаслигига қарамай ўсимликларни осонликча узиб олиши мумкин. Оғиз – хиқилдоқ қисми кўндаланг тирқиш кўринишида ва калта бўлади, юмшоқ тўқималардаги қалинлашган қавати хисобига танглайнинг олдинги қисмида бўйламасига йўналган бурмалар бўлади, орқа қисмида эса турли шаклда бўртмалар ҳосил бўлган. Оқ амурни чайнов аппарати ўзига хос равишда тузилган, икки қатор жойлашган хиқилдоқ тишларидан ташкил топган бўлиб, бу тишларнинг тож қисми чайнаш учун мослашган юзадан иборат ва бу юзаларда кўндаланг эгатчалар мавжуд бўлиб қирғични эслатади. Ҳар бир юза бўйламасига эгатчалар билан икки бўлимга бўлинган. Хиқилдоқ тишларининг рўпарасидаги дорсал қисмида дағал донадор юзали, овал

шаклдаги тузилма жойлашган. Тузилма ва хиқилдоқ тишларга баққуват мушаклар тутами келган бўлиб, бу мушаклар мия суягининг орқасига келиб бирлашади ва жайнов аппаратини ҳаракатга келтиради, натижада узиб олинган ўсимликни майда бўлакчаларга майдалаш мумкин[1].

Ўсимликхўр балиқларнинг ичаклари нисбатан узун бўлиб тана узунлигидан 2-3 маротаба катта бўлади. Оқ амур тана узунлиги ўлчанганда думи билан 54 см, дум сузгич қанотисиз 45 см ни ташкил этиши аниқланди. Ичакнинг узунлиги умумий 72 смни ташкил этди, яъни ичак танадан 1,6 маротоба катталиги аниқланди. Уларда ичакнинг бошланғич қисми бирмунча кенгайган бўлади. Ичакларнинг қолган қисмларда ичак диаметрини катталиклари ўзгармайди. Тадқиқот учун олинган балиқ ичагининг бошланғич қисми ўлчанганда 1,0 см ни ташкил этди, қолган қисмларида ичак диаметри 1 см га етмаганлиги аниқланди. Оқ амурнинг ичаклари узунлигига қараб 2 дан 4 тагача халқалар ҳосил қилади. Халқаларнинг сони ичакларни онтогенез даврида узайишига боғлиқ бўлади. Ичакларни узайиши натижасида халқаларнинг сони ҳам қорин бўшлиғиги нисбатан ортиб боради ва юқори тарафидан эгила бошлайди. Ичакларининг кенгайган қисмидаги шиллиқ қавати анастамозларга бой бўлган кўндаланг бурмалар ҳосил қилиб катаксимон тузилишга эга. Ичакнинг кейинги қисмида бурмалар кўндаланг, халқасимон, айрим ҳолларда эгри бўлиб шакилланади. Аналолди қисмида бу бурмалар бўйламасига жойлашади. Бошқа ўсимликхўр балиқларда бу бурмаларнинг йўналиши ва жойлашишида тафовутлар бўлади. Ичакларнинг ички юзаси таркибида қадаҳсимон ҳужайралари бўлган бир қаторли цилиндрсимон эпителий билан қопланган. Деярли барча ичаклар бўйлаб жойлашган эпителий ҳужайралари баланд ва ингичка шаклда бўлиб, таркибидаги ядролари эса базал қисмида жойлашади. Фақатгина ичакнинг аналолди қисмидагина бу эпителоцитлар бирмунча яссилашган бўлиб ядролари ҳужайранинг деярли ўртасида жойлашади. Бурмаларнинг учки қисмида эпителий тўқимасининг ҳужайралари бир қатор жойлашган, асосига яқинлашган сайин улар зичлаша боради, ядролари эса нотекис жойлашади ва сохта кўп қаторли эпителий кўринишига ўтади. Оқ амурда аналоди қисмидан ташқари бутун ичак бўйлаб хусусий шиллиқ қавати сийрак бўлиб шакилланган. Унинг асосини сийрак бириктирувчи тўқимали строма ташкил этган бўлиб, у асосан коллаген толалардан иборат бўлади. Уларнинг бўлакларига қон ва лимфатик томирлар жойлашиб бурмалар ичкарисига кириб борган бўлади. Эпителий тўқимасининг остки қисмидан алохида капилялар ўтган бўлиб, бириктирувчи тўқимали толачалар бурмаларга ўтади ва уларни учларигача боради. Шиллиқ қаватидаги лимфоид элиментлар кам ривожланган. Лимфоид элиментлар асосан лимфоцитлардан ва кўп бўлмаган, цитоплазмасида эозинофил донадор ҳужайралар ва цитоплазмасида полисахорид компоненти сақловчи ҳужайралардан ташкил топади. Бу ҳужайраларнинг барчаси, шунингдек ичак элиментларида ва ундан ташқарида хам учрабди ва кўчиб юрувчи ҳужайралар сарасига киради. Ичакларнинг мушак қавати айланасига ва бўйламасига йўналтирилган силлиқ мушак толаларидан ташкил топган, лекин олдинги қисмнинг

бошланишида кўндаланг тарғил мушаклар тутами учрайда, у қизил ўнгачдан ўтган бўлади. Бутун ичак бўйлаб жойлашган халқали мушаклар бўйламасига жойлашган мушакларга нисбатан 2-3 баробар кўп бўлади. Барча фитофаг балиқларнинг ичаклари ихтисослашган тузилма сифатида аҳамиятга эга. Оқ амур ичакларининг тузилиши сазан балиғиникига ўхшаш. Унинг морфологик эврибионтлиги, физиологик жиҳатдан, айниқса оқсилли моддаларни ҳазм қилиш ҳусусиятнинг юқорилиги ва бошқа хусусиятлари билан ўхшашлиги ўз навбатида оқ амурнинг ичак тузилишида овқатланиш спектрини кенгайганлигидан далолат беради.

Демак, оқ амур ҳазм йўлининг тузилишидаги морфологик эврибионтлиги, физиологик жиҳатдан, айниқса оқсилли моддаларни ҳазм қилиш хусусиятининг юқорилиги ва бошқа хусусиятлари уларнинг ҳазм йўлининг озиқага ихтисослашганлигидан ва мослашганлигидан, овқатланиш спектрини кенгайганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Моисеев П.А., Азизова И.А., Куранова И.И. Ихтиология. “Легкая и пищевая промышленность”, 1981. 382 с.
2. Мирабдуллаев И.М., Мирзаев У.Т., Кузметов А.Р., Кимсанов З.О. Ўзбекистон ва қўшни ҳудудлар балиқлари аниқлагичи Тошкент “Сано-стандарт” . 2011. 100 б.
3. Вундцеттель М.Ф. Ихтиология бассейна реки Сырдарьи. Дмитрово: Дмитров. Фил. АГТУ, 2006. 294 с.
4. С.Қ.Хусенов, Д.С. Ниёзов, Ғ.М. Сайфуллаев “Балиқчилик асослари” Бухоро, 2010 йил.

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМДА ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ

Исмагулова Г.Н. *- Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти катта ўқитувчиси, ТДАУ мустақил изланувчиси*

Юртбошимиз Ш. Мирзиёев **“Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак”** [1],- деган фикрни таъкидлаб ўтдилар. Албатта, ҳар қандай ислоҳотларнинг натижаси, аввало аҳолининг кенг қатламларига қаратилган бўлиб, жамиятдаги моддий ва маънавий оламни уйғунлаштириш, инсон ҳаёти ва унинг фаровонлигига қаратилиши ҳамда хизмат қилиши лозим. Бу жараёнда жамият иқтисодий тафаккурини шакллантириш ва уни ривожлантириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Умуман, иқтисодий тафаккур қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий категория ва қонунларнинг жамият томонидан англаниш жараёни ҳамда уни қонунлар орқали ҳаётга татбиқ этилиш шакли;
- жамиятда иқтисодий муносабатлар амал қилиши асосида вужудга келган тушунча ва хулосалар;

- иқтисодий билимларга эга бўлиш ва улардан самарали фойдаланиш лаёқати;

- сезги, идрок ва тасаввурлар орқали бевосита билиб бўлмайдиган иқтисодий жараён ва муносабатларни акс эттирувчи ҳодисаларнинг онгли равишда намоён бўлиши.

Фикримизча, иқтисодий тафаккур умумий тафаккурнинг шундай шаклики, унда иқтисодий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш тамойиллари асосида жамиятда юзага келадиган иқтисодий тушунча, хулоса ва қарорлар, иқтисодий қарор қабул қилишда шахсий эҳтиёж ва манфаатларнинг ўзаро таъсири жараёни ва унинг натижасидир.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигига қаратилган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бир қатор маънавий ислоҳотлар халқнинг руҳияти, турмуш тарзи, қадимий урф-одат ва анъаналар асосида тадрижий тарзда босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Ислоҳотлар самараси, аввало аҳолининг иқтисодий жараёнларга муносабати, мамлакатда ва жаҳон миқёсида юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор эканини чуқур ҳис этиши ва шундан хулоса чиқариши билан асосланади.

Ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган иқтисодий жараёнлар жамият иқтисодий тафаккуридаги ўзгаришлар билан тенг бораётганлигини кўрсатиш мумкин. Иқтисодий тафаккурни ўрганишда турли усулларнинг инсон ҳаётида иқтисодий муносабатлар юзасидан вужудга келган турли масалалар (кундалик,назарий, педагогик, харбий, техник ва бошқалар)ни таҳлил қилиш учун қўлланувчи умумлаштирилган йўл, усул ва тамойилларнинг мажмуи сифатида тушуниш керак.

Бир қатор иқтисодчилар [2,3,4,5] иқтисодий тафаккур шаклланишини “Иқтисодиёт назарияси” фани предметини ўрганишдаги таҳлил услубларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилганлар. Маълумки, иқтисодий тафаккур шахс ва жамият аъзоларида турли кўринишда намоён бўлади. Иқтисодий тафаккур усуллари қуйидаги мезонлар асосида ажратиб олинади:

- иқтисодий тафаккур шаклланишига хизмат қилувчи усуллар;
- иқтисодий тафаккур даражасини аниқлашга қаратилган усуллар;
- иқтисодий тафаккур ривожлантиришга қаратилган усуллар.

Жамиятда иқтисодий тафаккур шаклланишига хизмат қилувчи усулларни қуйидагиларга боғлаб тушунтириш мумкин:

- иқтисодий тафаккур илмий билишнинг бир қатор тарихий босқичларига таянади;

- иқтисодий тафаккур иқтисодий фаолият асосида неъматларни ўзлаштириш усулларига таянади;

- иккиламчи истеъмол, яъни эҳтиёжларнинг физиологик қондирилиш усулларига таянади.

Иқтисодий тафаккур шаклланишида илмий билиш билан бир қаторда алоҳида тарихий босқичларни босиб ўтган. Тарихда жамият томонидан илмий билимлар қабул қилиниши баъзи даврларда аста-секинликн, баъзи даврларда тезкор ўзлаштирилган. Илмий билимларнинг бундай тарзда ўзлаштирилишига сабаб жамият томонидан турли услубларнинг яратилиши

ва улар асосида илмий билимларнинг қабул қилинишидир. Иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши илмий билимларни уч услуб асосида қабул қилиш орқали кечади.

Биринчи услуб, борлиқ қонуниятларининг кишилар томонидан амалий тажриба асосида қабул қилиниши. Бунда иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши индивидуал услубдан жамоа услуби томон қаратилиши дейиш мумкин.

Иккинчи услуб – илмий тадқиқот услуби эмпирик билимлар асосида кечади.

Учинчи услуб, кишилар томонидан ўрганилган билимларнинг илмий тажрибадан назарий билимларга айланиши.

Охирги услуб, фикримизча, иқтисодий билимларнинг назарий ривожланиш услубларига асосланишидир. Иқтисодий тафаккур назарий ривожланишининг ҳозирги босқичи назарий тафаккур фаолиятида бир қатор илмий тадқиқотлар, сифат ўзгаришлари билан боғлиқ. Назарий билимларнинг сифат жиҳатидан ихтисослашуви хусусий асосда ишлаб чиқиш ҳамда илмий тафаккурга асосланган. Иқтисодий тафаккур шаклланишига қаратилган илмий-назарий билимлар ҳозирда эмпирик тадқиқотлар ўтказмай, шахс тафаккури туфайли кечмоқда. Иқтисодий тафаккур шаклланиши иқтисодий неъматлардан фойдаланиш босқичларига ҳам боғлиқ.

Шахс ёки жамият аъзолари иқтисодий тафаккури ҳаётий фаолияти давомида кечаётган ўзгаришлар унинг физиологик ва ижтимоий ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Шахснинг физиологик истеъмоли яшаш шароитининг фаровонлашуви билан боғлиқ бўлиб, уни иқтисодий истеъмоли эҳтиёжлари ўзгариши туфайли янги яшаш жойи, жамоа ва бойлик билан боғлаш мумкин. Иккиламчи истеъмол шахснинг ҳаётий мақсади сифатида унинг иқтисодий тафаккури чуқурлашуви, иш жойидаги карьера, хусусий мулк мероси туфайли рўй беради, дейиш мумкин. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, иккиламчи истеъмол физиологик қондирилиш усуллари: шахс тафаккурида янги турдаги истеъмолнинг юзага келтириш ва жамият аъзолари фаровонлигини оширишга қаратилган усуллар ҳисобланади.

Шахс тафаккурида янги турдаги истеъмолни юзага келтиришга қаратилган усулларга шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар: оила, ирсият, атрофмуҳит асосида кечувчи тарбияни киритиш мумкин. Умуман, уларни тарбия бериш усуллари деб қараш мумкин. Тарбия бериш усулларига суҳбат, маслаҳат, маъруза ўқиш, ўргатиш кабилар билан бир қаторда қаттиққўллик, жазо каби усулларни ҳам киритиш мумкин. Умуман, тарбия усуллари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар;
- фаолият жараёнида ижтимоий тажрибаларни шакллантириш усуллари;
- мустақил билим олиш усуллари;
- рағбатлантириш ва жазолаш усуллари.

Жамият аъзолари фаровонлигини оширишга қаратилган усуллар давлат томонидан ижтимоий ҳимояга йўналтирилиб, иқтисодий маданият, мафкура, ватан туйғусини шакллантиришга қаратилади. Булар қаторига маънавиймаърифий тадбирлар ташкил этиш, моддий кўринишга эга реклама, кўрсатувлар тайёрлаш орқали тарғибот усулларини киритиш мумкин.

Иқтисодий тафаккурнинг шаклланиш даражасини аниқлашга қаратилган усуллар сифатида қуйидагилар фарқланади:

- кузатиш усули;
- суҳбат усули;
- тест, масала – машқ усули;
- маълумотларни таҳлил қилиш усули;
- тажриба усули;
- таққослаш, статистик, математик ва график усуллар.

Иқтисодий тафаккурни ривожлантиришга қаратилган усуллар асосан узлуксиз иқтисодий таълим тизимида қўлланилувчи усуллар ҳисобланади. Бугунги кунда уларнинг кўпгина турлари ишлаб чиқилган. Жумладан, илмий тадқиқот усули, баҳс-мунозара, моделлаштирувчи амалий ўйинлар, муаммоли маъруза ва ҳоказо.

Уларнинг асосий мақсади қуйидагилар:

- иқтисодиётни пухта ўзлаштириш;
- таҳлилий фикрлашни ривожлантириш;
- индивидуал қобилиятни юзага чиқариш;
- рақобатбардош кадрларни тайёрлаш.

Мазкур мақсадлар ҳозирги пайтда инновацион иқтисодиётнинг тамойилини инобатга олган ҳолда давлат иқтисодиётини юритиш, иқтисодиёт ва таълимда тайёр билимни ўзлаштириш эмас, балки интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш, таҳлил қилиш, мамлакатдаги сиёсийиқтисодий вазиятларни тўғри баҳолаш, қарор қабул қилиш ва албатта меҳнат бозорида рақобатбардош кадр – ишчи кучи тайёрлашдек объектив заруратга айланди. Бу зарурат иқтисодиётнинг асосий таянчлари бўлган иқтисодий ресурслар, ер, капитал, ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилиятига ахборот тизимини киритиш, ахборот ва унинг манбаларидаги турли кўринишларданфойдаланиш амалда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 14-б.
2. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ҳ., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Молия” нашриёти, 2002. 26 б.
3. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 2002, 34 б.
4. Шодмонов Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси (дарслик). – Т .: Фан ва технология, 2005. 76 б.
5. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2006. 44 б.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В АГРАРНОЙ СФЕРЕ

Акабирова Д.Н. *- ТГАУ*

Особенностью современного периода развития всех отраслей и сфер агропромышленного производства является необходимость ускорения научно-технического прогресса на основе инновационных процессов, позволяющих вести непрерывное обновление производства на базе освоения достижений науки, техники и передового опыта. Мировой опыт показывает, что инновационные процессы, как правило, не только поощряются, но и регулируются государством путем формирования соответствующей политики и планомерной организации инновационной деятельности.

Опыт развитых стран мира в последние годы убедительно показывает, что повышение эффективности агропромышленного производства достигается преимущественно за счет активизации инновационной деятельности, то есть успешного функционирования научно-технической сферы отрасли. Конечным результатом инновационной деятельности является создание инноваций и их освоение непосредственно в производстве, что будет способствовать систематическому и все более прогрессирующему организационно-экономическому, техническому и технологическому обновлению агропромышленного производства и повышению его эффективности.

В соответствии с международными стандартами инновация определяется как конечный результат инновационной деятельности, получивший воплощение в виде нового или усовершенствованного продукта, внедренного на рынке, нового или усовершенствованного технологического процесса, используемого в практической деятельности.

Отдельными исследователями понятие “инновация” трактуется по разному. Например, некоторые ученые считают, что инновация – это общественно-экономический процесс, который через практическое использование идей и изобретений приводит к созданию лучших по свойствам изделий и технологий с получением выгоды и добавочного дохода.

Применительно к агропромышленному производству, инновационную деятельность следует понимать, как совокупность последовательно осуществляемых действий по созданию новой или улучшенной сельскохозяйственной продукции, новой или улучшенной продукции ее переработки, или усовершенствованной технологии и организации их производства на основе использования результатов научных исследований и разработок или передового производственного опыта.

Постоянное и непрерывное осуществление инновационной деятельности в АПК предопределяет формирование инновационного процесса, который выступает как закономерно и последовательно чередуемая система конкретных мероприятий по проведению научных исследований и

разработок, созданию инноваций и освоению их непосредственно в агропромышленном производстве.

Инновация, инновационная деятельность, инновационный процесс являются ключевыми терминами. Кроме них, практика развития инновационного процесса, характер инновационной деятельности обусловили появление многих других терминов, применительно к особенностям агропромышленного производства:

- инновационная политика в АПК - часть аграрной политики государства, направленная на развитие инновационной деятельности в агропромышленном производстве, которая формируется и реализуется в отрасли в целях обеспечения его инновационного развития;

- инновационный потенциал АПК (государства, региона, организации) - совокупность различных видов ресурсов, включающих материальные, финансовые, интеллектуальные, научно-технические или другие ресурсы, необходимые для осуществления инновационной деятельности в агропромышленном производстве;

- инновационная активность – степень готовности, стремление и темпы перехода предприятий или регионов к инновационной модели производства сельскохозяйственной продукции и продуктов ее переработки;

- инновационный проект – экономический документ, определяющий конкретный переход к разработке и освоению (или только освоению) инноваций в агропромышленном производстве, согласованный по ресурсам и срокам исполнения;

-инновационная программа – комплекс инновационных проектов и мер по их реализации, согласованных по ресурсам и срокам исполнения, обеспечивающих эффективность решения задач по освоению и распространению новых видов продукции, технологий, приемов и т.д. в агропромышленном производстве;

- инновационная восприимчивость – способность предприятия или отдельных физических лиц быстро осваивать инновации в процессе производства сельскохозяйственной продукции или продуктов ее переработки.

Провозглашение отношения государства к инновационной политике и ее реализации может быть зафиксировано в инновационной доктрине. При определении степени развития инновационной деятельности применяются такие термины как инновационная экономика, инновационная сфера, инновационная инфраструктура, при выборе методов финансирования – инновационные фонды, инновационно-инвестиционный процесс, инновационно-инвестиционная инфраструктура и т.д.

Применительно к различным отраслям и сферам народного хозяйства сущность инновационной деятельности не имеет принципиальных отличий, однако характер и направления инновационного процесса в них могут иметь существенные различия.

В частности, инновационный процесс в АПК имеет свою специфику, обусловленную, прежде всего, особенностями агропромышленного

производства, и, в частности, входящего в него сельского хозяйства. Такими особенностями являются: множественность видов сельскохозяйственной продукции и продуктов ее переработки, существенная разница в технологиях их возделывания и производства; значительная зависимость технологий производства в сельском хозяйстве от складывающихся природных и погодных условий; большая разница в периоде производства по отдельным видам сельскохозяйственной продукции и продуктам ее переработки; высокая степень территориальной разобщенности сельскохозяйственного производства и существенная дифференциация отдельных регионов по условиям производства; разный социальный уровень работников сельского хозяйства, требующий значительно большего внимания к подготовке кадров и повышению уровня их квалификации.

К числу наиболее характерных особенностей развития инновационных процессов в АПК относятся:

-множественность форм и связей сельскохозяйственных товаропроизводителей с инновационными формированиями;

- обособленность большинства сельскохозяйственных товаропроизводителей на всех уровнях: от организаций, производящих научно-техническую продукцию, до предприятий, осуществляющих ее реализацию;

- отсутствие четкого и научно обоснованного организационно-экономического механизма передачи достижений науки сельскохозяйственным товаропроизводителям и, как следствие, существенное отставание отрасли по освоению инноваций в агропромышленном производстве.

Инновационный процесс в АПК может протекать в разных формах. В частности, он может развиваться интенсивно, замедленными темпами или очень медленно, то есть экстенсивно. В России, на определенных стадиях развития сельского хозяйства, делались попытки ускорения темпов развития инновационного процесса. Типичным примером такой попытки является массовое внедрение интенсивных технологий в сельском хозяйстве в первой половине 80-х годов. Интенсивные технологии возделывания сельскохозяйственных культур являются конечным результатом научных исследований в области технологии производства сельскохозяйственной продукции.

Несмотря на проведенную значительную работу по массовому внедрению интенсивных технологий, в целом по стране выдающихся результатов достигнуто не было, хотя и урожайность основных сельскохозяйственных культур, и продуктивность животноводства в эти годы несколько увеличились.

В настоящее время, по прошествии многих лет после этого этапа стало очевидным, что это было единственно верное направление развития сельского хозяйства. В это время значительно активизировалась инновационная сфера АПК и можно было предвидеть, что такое направление

приведет к увеличению производства, а, следовательно, и потребления продукции сельского хозяйства.

Все это сопровождалось совершенствованием существующих и созданием принципиально новых организационных форм инновационного процесса. Появились научно-производственные и производственные системы, создаваемые на базе научно-исследовательских учреждений и передовых сельскохозяйственных предприятий, научно-производственные объединения, органически сочетающие научно-исследовательский процесс с производством наукоемкой продукции. В регионах стали формироваться и активно заработали центры научного обеспечения АПК. Все эти относительно новые формы научно-производственной интеграции явились прообразом формирования впоследствии технопарковых формирований (агротехнопарков, агротехнополисов).

Создание указанного комплекса организационно-экономических и социальных условий предопределяет и действие соответствующих им факторов инновационной активности в АПК. К ним относятся:

-заинтересованность сельскохозяйственных товаропроизводителей в получении дополнительного эффекта от внедрения научных разработок;

-ускорение разработок новшеств, отвечающих запросам сельскохозяйственного производства;

-информированность товаропроизводителей всех сфер АПК о научных разработках, рекомендуемых к освоению в производстве;

-научная и организационная подготовленность кадров на всех уровнях инновационного процесса;

-выбор приоритетных направлений при освоении научных достижений в агропромышленном производстве;

-экономическое стимулирование работников инновационной сферы за результативность своей деятельности.

Таким образом, применительно к агропромышленному комплексу организационно-экономическая сущность инновационных процессов связана с целями и задачами их развития, которые заключаются в постоянном организационно-экономическом, техническом и технологическом обновлении агропромышленного производства, направленном на его совершенствование с учетом достижений науки, техники и мирового опыта.

Конечной целью инновационного развития отрасли является формирование аграрной экономики инновационного типа.

Литература:

1. Андреев П.А. Развитие инновационных процессов в условиях рынка. – М.: Колос, 2015.
2. Гасанова Х.Н. Повышение эффективности освоения инноваций в сельском хозяйстве. – М.: ГОУ РосАКО АПК. 2016.
3. Оглоблин Е.С. Основы определения эффективности инновационного процесса. // Интенсификация и эффективность агропромышленного производства: Сборник научных трудов. М.: ГНУ ВНИИЭСХ, 2014.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА АГРОКЛАСТЕРНИНГ ЎРНИ

Муродова М.Ч. *– ТДИУ докторанти*

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши аксарият жиҳатдан унинг рақобатбардошлигини оширишга боғлиқдир. Ушбу йўналишда Ўзбекистонда агрокластерларни барпо этиш муҳим омил ҳисобланади. агрокластерни иқтисодий моҳияти, ташкил этиш ва ривожлантириш тамойиллари, шарт-шароитлари, босқичлари ва самарадорлигини аниқлаш борасида кенг қамровли назариясининг тўлиқ шаклланмаганлиги натижасида турлича ёндашувлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда, бевосита агрокластер билан боғлиқ бўлган назарий қарашларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

“Кластер” атамаси «cluster» инглиз тилидан таржима қилинганда бир қанча бир хил элементларнинг бирлашуви, тўпланиши, гуруҳ маъноларида ва маълум даражада ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мустақил бирлик сифатида, дастлаб математикада ва аксарият табиий фанларда ишлатилган. 1970 йилларда иқтисодиётда, швед иқтисодчилари К.Фредрикссон ва Л. Линдмарклар [1] чегараланган ҳудудда корхоналарни тўпланишини белгилашда кластер атамасидан фойдаланганлар. Илмий жараёнга XX асрнинг 80-йилларида М.Портер томонидан “кластер” атамаси иқтисодий категория сифатида киритилган. Унинг фикрича, кластер - маълум соҳада фаолият кўрсатаётган компания ва институтларнинг географик жиҳатдан тармоқлараро бирлашуви [2] ҳисобланади.

Бевосита агрокластернинг моҳияти А.А.Настин томонидан атрофлича асосланган. Жумладан, унинг таърифича, “агрокластер, бир вақтда ва ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилиш ва атроф муҳитни ҳимоя қилишда бирлашиш мақсадидагеографик жиҳатдан бир жойда жойлашган,ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи, турли мулк эгалари-оилавий ферма, фермерларни кооператив корхоналари, ижтимоий ва илмий ташкилотлар, таълим муассасалари ва маслаҳат хизматлариидан иборат бозор субъектлари тизими” [3] дан иборат.

Агрокластерлар ўзининг иқтисодий мазмунига кўра агросаноат мажмуида тадбиркорлик агрокластери тарзида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам,назарий жиҳатдан унинг иқтисодий категория сифатида талқин этилиши агрокластернинг моҳиятини кенгроқ очиб беради. Жумладан, А.В.Глотка томонидан берилган таърифда “агросаноат мажмуидаги тадбиркорлик агрокластери - ушбу тизимда маълум даражада ўзаро алоқа қилиш маданиятига эга бўлган боғлиқлик билан, иштирокчиларининг умумий иқтисодий манфаатларини амалга оширувчи ва технологик занжир тамойили асосида ташкил этилган ҳудудий жиҳатдан алоҳида инновацион йўналтирилган интеграцион тузилма” [4] тарзида баён этилган бўлса, Тохчуков Р.Р. эса, янада аниқроқ тарзда “тадбиркорлик агрокластери-пировард натижаси синергетик самара олиш ҳисобланган ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб

чиқаришдан тайёр маҳсулотни сотишгача жараёнларни ягона такрор ишлаб чиқариш тарзида мужассамлаштирган турли фаолиятбилан шуғулланувчи ташкилотларни бирлашуви” [5] дан иборат эканлигини сифатида таърифлайди.

Шунингдек, Э.Галвес-Ногалес агрокластерни содда ҳолда ифодалаб-“маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва институтларнинг умумий манфаат олиш ва имкониятларни кашф этиш йўлида расмий ёки норасмий тарзда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўзаро боғланиши ва тармоқлараро алоқаларни ўрнатишидир ” дея таъкидлайди [6]. Ушбу назарий таърифларни янада такомиллаштирган ва кенгайтирган ҳолда умумлаштириб, “агрокластер-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ягона занжирга бирлаштириш ва юқори технологик инновациялардан фойдаланиш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ жойларда инфратузилма мажмуини шакллантириш ва ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини иш билан бандлиги даражаси ва даромадларини ошириш ҳамда келажакда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва экологик муҳитни яхшилашда фаолият юритадиган хўжалик юритиш субъектларидан таркиб топади”деган хулосага келиш мумкин.
Шунингдек, давлат томонидан “кластер сиёсати” бевосита бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган учта йўналишда амалга оширилиши лозим,яъни, инновациялар учун тўсиқларни бартараф этиш,инсон капитали ва инфратузилмага инвестицияларни йўналтириш ва агрокластер иштирокчиларини географик жиҳатдан тўпланишини қўллаб-қувватлаш.

Агрокластерларни ташкил этиш зарурияти, тамойиллари, босқичлари, ривожлантириш йўллари ва самарадорлигини баҳолашда кенг қамровли ёндашув талаб этилади. Жумладан, аввалambор, назарий жиҳатдан бир хил гуруҳлар объектларини иқтисодий-географик жойлашувига кўра,кўп ўлчовли статистик жараёнларни жамланмаси таҳлиллари амалга оширилади. Методологик жиҳатдан,эса кластерлар ҳудудий-тармоқ мажмуаси назарияси, тизимли ёндашув, ишлаб чиқаришни ташкил этиш тамойиллари ва иқтисодий ўсиш концепцияларини ўзаро алоқаларини акс эттиради.Ниҳоят, амалий жиҳати, кластер иштирокчилари- қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларни фаолиятини ривожлантиришни стратегик бошқаришдан фойдаланиш ва эришилган натижаларини ташкил этади.

Агрокластерлар ўз фаолиятида учта хусусиятга асосланишлари мумкин:

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий ихтисослашув ва маҳаллийлаштириш;

-тармоқнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар;

- турли тармоқлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ўзаро алоқаларнинг шаклланганлиги кабилар.

Агрокластернинг маркази стратегик ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома асосида ўз атрофига қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари (фермер ва деҳқон хўжаликлари), илмий-тадқиқот муассасалари, турли хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари, маҳсулотларни сотиш, реклама қилувчи маркетинг хизматини ўз атрофида бирлаштирган қайта ишловчи корхоналар бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда агрокластерларни шакллантиришга уч хил ёндашув мавжуд, жумладан:

- минтақалар маъмурияти мутахассислари, агрокластерни ташкил этишдан манфаатдор бўлган ва реал ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлган ташкилотлар асосида кенгайтирилган ишчи гуруҳлари ташкил этиш;
- хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш орқали давлат ва маҳаллий бошқарув ташкилотларини минтақаларда фаолият юритаётган илмий-тадқиқот муассасалари, маслаҳат фирмалари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги;
- бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун агрокластерлар янги институционал бирлик бўлганлиги учун ҳам,махсус давлат ташкилоти, масалан,Иқтисодий ривожлантириш агентлиги ёки Ўзбекистон шароитида савдо - саноат палатаси, Республика Фермерлар кенгаши томонидан амалга оширилиши, бунда, таъсисчилар сифатида давлат томонидан минтақалар ташкилотлари (кўчмас мулк ва бошқа мулклар билан таъминлаши)-маҳаллий давлат ҳокимият ташкилотлари (туман ҳокимлиги)- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари (туман фермерлар кенгаши ва деҳқонлар)-илмий-тадқиқот муассасалари-олий ўқув юртлари-қайта ишловчи корхоналар-турли хизматлар кўрсатувчи инфратузилма субъектлари ва маҳсулотни сотувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ёки алоҳида ташаббуси бўйича ташкил этиш мумкин

Агрокластерни ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан- унинг иштирокчиларини биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини –ишлаб чиқариш-қайта ишлаш-сотиш- илмий тадқиқот жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалиётда қўллаш орқали бир-бирларига ишончларини юқорилиги ҳисобланади. Ўзбекистонда агрокластерларни барпо этиш, аввалambор, ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларининг давлат томонидан шакллантирилиши даркор. Ушбу йўналишда биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Агрокластерларни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши. Иккинчидан, агрокластерлар учун қўшимча инфратузилма объектлари яъни агротуризм, меҳмонхона ташкил этиш, учинчидан, агрокластерлар фаолиятини ўрганиш бўйича мониторинг олиб бориш, тўртинчидан, республикада агрокластерлар ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳини тузиш ва уларнинг вазифалари белгилаб олиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Spatial analysis, industry and the industrial environment.Progress in research and applications.Vol. 1. Industrialsystems / Edited by F. E. I. Hamilton and Linge G. J.

R.Chichester, N. Y, Brisbane, Toronto: Wiley, 1979.
2. Porter, M. 1998. Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review.Available at: http://hbr.org/product/clusters-and-the-new-economics-of-competition/an/98609-PDF-ENG
3. Настин А.А. Сельскохозяйственный кластер Дании // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2011. №4,стр.45.
4. А.В. Глотко. Инновационна кластерная развития АПК.Материалы межрегион. научно-практ. конф. с междунар. участием “ Проблемы и переспективы государственно-правового, экономического и социального развития субъектов Российской Федерации” 3-4 октябрь 2008г., Горно-Алтайский, РИО ГАГ, 2008 с.104.
5. Тохчуков Р. Р., Предпринимательский агропромышленный кластер: теоретические основы создания и функционирования в системе апк. рубрика: экономика четверг, 19 апрель 2012 , современные научные исследования: электронный научный журнал ,http://www.sni-vak.ru/ info@sni-vak.ru
6. Galvez-Nogales, Eva. Agro-based clusters indeveloping countries:staying competitive ina globalized economy. Food and Agriculture Organization of the United Nations(FAO). Rome, 2010

QISHLOQ XO‘JALIGIGA INNOVATSIYALARNI JORIY ETISH BO‘YICHA ILG‘OR XORIJIY TAJRIBALAR VA ULARNI O‘ZBEKISTON SHAROITIDA QO‘LLASH IMKONIYATLARI

Mahmadiyorov B.M. *- TDAU Termiz filiali,*
Nurmatov N.J. *-Hunan Universiteti, Xitoy Xalq Respublikasi*

Olimlarning taxminlariga ko‘ra, Yer sayyorasi aholisi yaqin 30 yil ichida 2 milliardga ko‘payib, hozirdagi 7,7 milliard kishidan 2050-yilda 9,7 milliardga, asr oxiriga esa 11 milliardga yetishi mumkin. Aholi sonining ko‘payishi qishloq xo‘jalik mahsulotlari ishlab chiqarishni ham unga mutanosib ravishda ko‘paytirishni talab etadi. Ammo, ekologik vaziyatning yomonlashishi, suv taqchilligi va ekin maydonlarining cheklanganligi talab darajasidagi oziq-ovqat ishlab chiqarishda jiddiy to‘siq bo‘lishi ham ta’kidlanmoqda. Bu muammolarni esa qishloq xo‘jaligi tarmog‘ini innovatsion usullar asosida boshqarish, xususan, sohaga IoT (Internet of Things — narsalar interneti) konsepsiyasi kabi zamonaviy texnologiyalar va innovatsion yechimlar kiritish, bir so‘z bilan aytganda, “aqlli” qishloq xo‘jaligi orqali hal etish mumkin. Bu borada mamlakatimizda ham izchil islohotlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, 2017-yilning 29-noyabrida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to‘g‘risida”gi PF-5264 sonli farmoni qabul qilindi. Farmonda ushbu vazirlikning asosiy faoliyat yo‘nalishlaridan biri sifatida qishloq xo‘jaligiga innovatsiyalarni joriy etish sohasida eng avvalo, mavjud yer, suv va boshqa tabiiy resurslardan oqilona foydalanish imkonini beruvchi “Aqlli qishloq xo‘jaligi” konsepsiyasiga

asoslangan qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining zamonaviy sinalgan shakllarini joriy etish, agrar sektorda qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishini maksimal darajada avtomatlashtirish, hosildorlikni jiddiy oshirish va moliyaviy ko‘rsatkichlarni yaxshilash, shuningdek, mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash imkonini beruvchi innovatsion g‘oyalar, ishlanmalar va texnologiyalarni joriy etishga ko‘maklashish kabilar belgilandi [1].

2019-yil 23-oktabrda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5853 sonli farmoni qabul qilindi. Ushbu farmon asosida qabul qilingan strategiyada ilm-fan, ta’lim va ishlab chiqarishning samarali integratsiyasini amalga oshirish, qishloq xo‘jaligida intensiv innovatsion texnologiyalarni joriy qilishni rag‘batlantirish tizimini takomillashtirishga ham alohida e’tibor berilgan. Mazkur strategiyada ilmiy-tadqiqot, ta’lim va axborot-maslahat xizmatlarini ko‘rsatishni bog‘laydigan qishloq xo‘jaligiga oid bilim va axborotlarni tarqatish bo‘yicha samarali tizimning yo‘qligi sohani ilmiy asosda rivojlantirishdagi jiddiy to‘siqlardan biri ekanligi ko‘rsatib o‘tilgan. Hozirda ilmiy-tadqiqotlar uchun davlat tomonidan amalga oshirilayotgan investitsiyalar qishloq xo‘jaligi umumiy budjetining 0,2 foizini tashkil etadi. Ilm-fan va ishlab chiqarish o‘rtasida o‘zaro aloqalarning samarali mexanizmi mavjud emasligi davlat tomonidan moliyalashtiriladigan ilmiy-tadqiqot natijalarini amaliyotga joriy qilishni sezilarli darajada cheklamoqda. Shuni inobatga olgan holda ushbu farmonning 2-ilovasida keltirilgan O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasida belgilangan vazifalarni amalga oshirish bo‘yicha yo‘l xaritasi keltirib o‘tilgan. Ushbu yo‘l xaritasining “Qishloq xo‘jaligida ilm-fan, ta’lim, axborot va maslahat xizmatlari tizimini rivojlantirish” deb nomlanuvchi bo‘limida qishloq xo‘jaligi ishlab chiqaruvchilariga tadqiqot natijalarini yetkazish va innovatsiyalarni joriy etishning samarali mexanizmlarini 2021-yilning 1-choragiga qadar ishlab chiqish belgilab qo‘yilgan [2].

Qishloq xo‘jaligini intensiv rivojlantirish, sohaga resurs tejamkor, yetishtirilayotgan mahsulotlar sifati va hajmini keskin oshirish imkonini beruvchi innovatsion texnologiyalarni joriy etishda shu sohada yuqori natijalarga erishgan xorijiy davlatlar tajribasini o‘rganish va uni mamlakatimiz qishloq xo‘jaligiga joriy etish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Qishloq xo‘jaligini innovatsion rivojlantirish bo‘yicha yuqori natijalarga erishgan davlatlardan biri Niderlandiyadir. Ushbu mamlakat o‘zining yarim million gektar ekin ekiladigan maydoni bilan qishloq xo‘jalik mahsulotlari eksporti bo‘yicha dunyoda ikkinchi o‘rinni egallaydi va 2018-yilda 102 milliard AQSh dollari hajmida qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini eksport qilgan. Birinchi o‘rinni AQSh egallagan bo‘lib, uning ekin maydoni Niderlandiyadagi ekin maydonidan 205 marotaba kattadir. Niderlandiyada issiqxonalar faoliyati ham juda yaxshi yo‘la qo‘yilgan bo‘lib, iqlimi nisbatan salqin hudud bo‘lishiga qaramasdan pomidor kabi issiqsevar mahsulot eksporti bo‘yicha dunyoda peshqadam hisoblanadi. Bundan tashqari, piyoz va kartoshka eksporti bo‘yicha ham mamlakat dunyoda birinchi o‘rinni egallaydi. Qishloq xo‘jalik ekinlari urug‘lari savdosi bo‘yicha dunyoda tuziladigan

shartnomalarning uchdan biri Niderlandiyada hissasiga to‘g‘ri keladi. Innovatsion texnologiyalarni qo‘llash natijasida Niderlaniyalik fermerlar suv sarfini 90 foizga kamaytirishdi, issiqxonalarda kimyoviy o‘g‘itlarni ishlatishdan esa to‘liq voz kechildi, parrandachilikda antibiotiklarni ishlatish 60 foizga kamaydi.
Niderlandiya aholisining soni 17,1 million kishi bo‘lib, aholisining 8,7 foizi qishloq joylarda istiqomat qiladi va iqtisodiyot tarmoqlarida band bo‘lganlarning atigi 2,3 foizi qishloq xo‘jaligi tarmog‘i hissasga to‘g‘ri keladi. 2017-yil holatiga qishloq xo‘jaligida mehnat qilayotgan bitta xodim hisobiga 83534 AQSh dollari miqdorida mahsulot yaratilgan bo‘lib, bu ko‘rsatkich AQShda 79108, O‘zbekistonda esa 2147 AQSh dollarini tashkil etgan [3].

E’tiborli jihatlaridan biri – Niderlandiyada qishloq xo‘jaligi tarmog‘ida faoliyat yuritayotgan tadbirkorlar (fermerlar, ishlab chiqarish vositalari bilan ta’minlovchilar, qayta ishlovchi korxonalar va savdo kompaniyalari), ilmiy-tadqiqot muassasalari (oliy ta’lim muassasalari va ilmiy-tadqiqot markazlari) hamda mamlakat hukumati o‘rtasida mustahkam hamkorlik aloqalari yo‘lga qo‘yilgan bo‘lib, gollandlar buni “oltin uchburchak” deb atashadi. Fan ushbu “oltin uchburchak”ning muhim elementi hisoblanadi. Amaliy ilmiy-tadqiqot dasturlari hukumat tomonidan moliyalashtiriladi. Yangi navlarini yaratish, mahsulot sifatini yaxshilash, ishlab chiqarish xarajatlarini qisqartirish, savdo belgilarini yaratish va ularni tanitish, shu bilan bir qatorda tarmoqda suv va elektr sarfini qisqartirish bo‘yicha ilmiy izlanishlar uchun xususiy sektor tomonidan ham qo‘shimcha mablag‘lar yo‘naltiriladi. Tadqiqot natijalari fermerlar va firmalarga taqdim etiladi hamda ushbu innovatsiyalar ular tomonidan ishlab chiqarish jarayoniga joriy etiladi. Ushbu tadqiqot natijalaridan barcha foydalanishi uchun sharoit yaratilgan bo‘lib, undan barcha xohlovchilar bahramand bo‘lishlari mumkin. Bu holat ham fan yutuqlari, innovatsiyalarni qishloq xo‘jaligiga joriy etishni tezlashtirishga xizmat qiladi. Tadbirkorlar o‘zlarining faoliyatida duch kelayotgan muammolarni zudlik bilan hal etish uchun o‘zaro hamkorlikda qanday tadbirlarni amalga oshirish zarurligi to‘g‘risida hukumat va ilmiy-tadqiqot muassasalariga fikrlarini bildirib boradilar. Masalan, operativ xarajatlarni qisqartirish zaruriyati, qishloq xo‘jalik mahsulotlari yetishtirish samaradorligini oshirishning innovatsion yechimlari, fermerlar malakasini oshirish va boshqalar.

Yana bir e’tiborli jihati – Amsterdamdan janubi-sharqda 50 km masofada qishloq xo‘jaligiga oid ilmiy izlanishlar markazi tashkil etilgan va u “Oziq-ovqat vodiysi” (“Food Valley”) nomi bilan ham mashhurdir. AQShdagi Stanford Universiteti “Kremniy vodiysi”ning intellektual o‘zagi bo‘lgani singari, Wageningen University & Research (WUR) ham mazkur “Oziq-ovqat vodiysi”ning asosiy ilmiy-tadqiqot markazi hisoblanadi. Hozirgi kunda “Oziq-ovqat vodiysi”da 8000 dan ortiq olimlar va tadqiqotchilar turli yo‘nalishlarda ilmiy tadqiqotlar olib boradilar. 2004-yilda tashkil etilganidan buyon “Oziq-ovqat vodiysi”da oziq-ovqat sanoatining muammolarini samarali hal qilishga yordam beradigan kompaniyalar va ilmiy-tadqiqot institutlarining keng tarmoqlarini yaratildi. Bu yerda oziq-ovqat sanoatiga oid ko‘plab innovatsion ishlanmalar yaratilgan va amaliyotga joriy qilingan. Jumladan, avtonom traktorlar, skaner dronlari, LED issiqxona lampalari va boshqalar. “Oziq-ovqat vodiysi” nafaqat

ekinlarni yetishtirish usullarini takomillashtirish uchun yangi texnologiyalarni o‘rganish va rivojlantirish bo‘yicha ilmiy-tadqiqotlar olib boriladigan markaz bo‘libgina qolmay, balki ko‘plab startaplarni jalb qilish orqali tadbirkorlik muhitini rivojlantirishga ham katta hissa qo‘shib kelmoqda.

Qishloq xo‘jaligini intensiv rivojlantirish bo‘yicha yuqori natijalarga erishgan davlatlardan yana biri – Isroildir. Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti tomonidan taqdim etilgan ma’lumotlarga ko‘ra, 2017-yil holatiga Isroilda ilmiy tadqiqotlar va rivojlanish (R&D) uchun YaIMning 4,5 foizi miqdorida mablag‘ sarflangan va bu borada dunyoda yetakchi mamlakat hisoblanadi (https://data.oecd.org). Ilmiy tadqiqotlarga qaratilayotgan e’tibor tufayli Isroilda qishloq xo‘jaligiga oid ko‘plab innovatsiyalar yaratilgan. Shulardan biri – tomchilatib sug‘orish texnologiyasidir. Ushbu texnologiyani O‘zbekiston sharoitida qo‘llash hozirgi kunda dolzarb masalalardan biridir. Chunki, mamlakatimizda qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan 20,2 mln. gektar yerlarning atigi 20,7 foizi sug‘oriladigan yerlardir. Mamlakatimiz suv resurslarining qariyb 80 foizi transchegaraviy suv havzalari hisobiga shakllanadi. Jahon resurslari institutining prognoziga ko‘ra, 2040-yilga borib O‘zbekiston suv tanqisligi eng yuqori bo‘lgan 33 ta mamlaktning biriga aylanadi. Ikkinchi tomondan esa aholi soning ko‘payishi qishloq xo‘jalik mahsulotlari yetishtirish hajmini oshirishni talab etadi. Ushbu muammolarning yechimilaridan biri – tejamkor sug‘orish usullarini qo‘llash orqali mavjud sev resurslaridan samarali foydalanish, shu orqali sug‘oriladigan ekin maydonlarini ko‘paytirishdir. Bunda “Isroil texnologiyasi” deb nomlanuvchi tomchilatib sug‘orish usulini keng joriy etish yuqori natija beradi. Hozirgi vaqtda mamlakatimizda sug‘oriladigan yerlarning faqatgina 1,7 foizida tomchilatib sug‘orish joriy etilgan. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasiga muvofiq, mahalliy suv tejovchi texnologiyalarni ishlab chiqaruvchilar va xaridorlarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarini takomillashtirish belgilangan.

Bizning fikrimizcha, ilg‘or xorijiy tajribalarni o‘rgangan holda mamlakatimiz qishloq xo‘jaligini innovatsion rivojlantirish uchun quyidagilarga e’tibor berish lozim:

- qishloq xo‘jaligida innovatsion faoliyatni tashkil etish va uni rivojlantirishning huquqiy-me’yoriy asoslarini takomillashtirib borish, bunda rivojlangan xorijiy davlatlar tajribasini o‘rganish;
- qishloq xo‘jaligida faoliyat yurituvchi tadbirkorlik subyektlarining o‘z faoliyatiga innovatsiyalarni joriy etishdan moddiy manfaatdorligini oshirish, ularning o‘z daromadlarini oshirib borishiga turtki beruvchi iqtisodiy erkinligini ta’minlash. Shunday sharoit ta’minlansa qishloq xo‘jaligida faoliyat yurituvchi tadbirkorlar innovatsion faoliyat bilan shug‘ullanishga, resurslarni tejovchi va unumdorlikni oshiruvchi texnologiyalarni o‘z faoliyatiga joriy etishga harakat qiladilar;
- qishloq xo‘jaligida faoliyat yurituvchi tadbirkorlik subyektlarining ilmiy-tadqiqot muassasalari bilan to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqalarini kuchaytirish, ular o‘rtasidagi munosabatlarda o‘zaro manfaatdorlik tamoyillari amal qilishiga erishish.

Bunda ilmiy-tadqiqot natijalarini tijoratlashtirish uchun barcha huquqiy-me’yoriy asoslarni yaratish muhim ahamiyatga ega.

- davlat tomonidan qishloq xo‘jaligi sohasida amalga oshirilayotgan ilmiy-tadqiqotlarni moliyalashtirish mexanizmini takomillashtirish, shu maqsadda davlat budjetidan sarflanayotgan mablag‘lardan samarali foydalanish ustidan doimiy monitoring yuritish;
- qishloq xo‘jaligiga innovatsiyalarni joriy etish bo‘yicha yuqori natijalarga erishgan rivojlangan xorijiy mamlakatlarning ilg‘or tajribalarini o‘rganish va ularni mamlakatimiz agrar sohasiga joriy etish chora-tadbirlarni amalga oshirib borish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-noyabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to‘g‘risida”gi PF-5264 sonli farmoni, Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 01.12.2017-yil, 06/17/5264/0339-son
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 23-oktabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5853 sonli farmoni, Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 24.10.2019-yil, 06/19/5853/13955-son
3. World Food and Agriculture. Statistical Pocketbook, Food and Agriculture Organization of the United Nations, Rome, 2019

QISHLOQ XO‘JALIGIDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHNING TASHKILIY-IQTISODIY ASOSLARI

Nurmatov N.J. *- Hunan Universiteti, Xitoy Xalq Respublikasi),*
Mahmadiyorov B.M. *- TDAU Termiz filiali*

Hozirgi globallashuv va yuqori darajadagi axborot almashinuvi davrida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining hayotimizda tutgan o‘rni beqiyosdir. Ushbu texnologiyalar hayotimizning barcha jabhalariga, shu jumladan iqtisodiy jarayonlarga ham faol kirib keldi va “raqamli iqtisodiyot” termini paydo bo‘ldi. Raqamli ma’lumotlar dastlab qo‘llanilgan shaxsiy axborotlardan hozirgi kunga kelib turli platformalardan joy olgan ijtimoiy va biznesga oid ma’lumotlargacha bo‘lgan rivojlanib bosqichini bosib o‘tdi. BMT tomonidan taqdim etilgan ma’lumotlarga ko‘ra, dunyo miqyosida IP-protokollar traffigi 1992-yildagi kuniga 100 GBdan 2017-yilga kelib soniyasiga 45000 GBga yetdi va ushbu ko‘rsatkich 2022-yilga borib soniyasiga 150700 GBga yetishi kutilmoqda. Ushbu raqamlar hayotimizda zamonaviy raqamli texnologiyalardan foydalanishning ortib borayotganligini ko‘rsatadi. Raqamli iqtisodiyot – bu axborotlardan samarali foydalanish orqali iqtisodiy jarayonlarning barcha qatnashchilari ehtiyojlarini maksimal darajada qondirishga qaratilgan iqtisodiyotdir. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi ko‘plab iqtisodiy imkoniyatlarni yaratadi. Hozirgi vaqtda raqamli iqtisodiyotning YaIMga qo‘shgan ulushini aniqlashning yagona uslubiyati ishlab

chiqilmagan, ammo BMT tomonidan taqdim etilgan ma’lumotlarga ko‘ra, 2018-yilda dunyo YaIMida raqamli iqtisodiyotning ulushi 15,5 foizni tashkil etgan. AQSh, Xitoy, Yaponiya kabi mamlakatlarda bu ko‘rsatkich ancha yuqori [2].

Mamlakatimizda ham iqtisodiyot tarmoqlariga zamonaviy raqamli texnologiyalarni joriy etish masalasiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev 2018-yil 28-dekabrdagi Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomasida mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish masalasiga ham urg‘u berib, “Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko‘zda tutadigan Raqamli iqtisodiyot milliy konsepsiyasini ishlab chiqishimiz kerak. Shu asosda “Raqamli O‘zbekiston-2030” dasturini hayotga tadbiq etishimiz zarur”, – deb ta’kidlagan edi. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning me’yoriy-huquqiy asoslari yaratilmoqda. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 3-iyuldagi “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3832 sonli qarorida raqamli iqtisodiyotning maqsad va vazifalarini belgilab berilgan.

Dunyo miqyosida qishloq xo‘jaligi tarmog‘ida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llash tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Hozirgi vaqtda elektron qishloq xo‘jaligi (e-agriculture) va “aqlli” qishloq xo‘jaligi (smart agriculture) tushunchalari ham paydo bo‘ldi va ushbu tushunchalar zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llash orqali qishloq xo‘jaligini rivojlantirishga qaratilgan yangicha yondoshuvlardir. Xususan, elektron qishloq xo‘jaligi tarmoqda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishning innovatsion usullarini konsepsiyalash, loyihalash, ishlab chiqish, baholash va qo‘llashni o‘z ichiga oladi.

2019-yil 23-oktabrda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5853 sonli farmoni qabul qilindi. Ushbu farmon asosida qabul qilingan strategiyada mamlakatimizda “aqlli qishloq xo’jaligi”ni rivojlantirish davlat dasturini ishlab chiqish vazifasi belgilab berilgan [1].

Hozirgi vaqtda qishloq xo‘jaligida quyidagi zamonaviy raqamli texnologiyalar qo‘llanilmoqda:

- sensorli texnologiyalar: tuproq tarkibini aniqlash va uni yaxshilash, suvdan foydalanishni nazorat qilish, yorug‘lik, namlik va haroratni boshqarish kabi maqsadlarda;
- dasturiy ta’minot: alohida fermer xo‘jaliklari uchun mo‘ljallangan yoki buyumlar interneti (IoT) platformalaridan foydalanish uchun mo‘ljallangan maxsus dasturiy yechimlar, mobil ilovalar va boshqalar. Buyumlar interneti (Internet of things) – bu uskunalarning internet orqali o‘zaro bog‘lanishini nazarda tutadigan konsepsiya bo‘lib, ma’lumotlar to‘plash va o‘zaro almashish, masofadan turib real vaqt rejimida (jumladan, avtomatik rejimda) jarayonlarni monitoring va nazorat qilish hamda buning asosida ularni boshqarishga imkon beradigan tizimdir.
- aloqa tizimlari: uyali, LoRa va boshqalar;

- joylashuvni aniqlash: GIS, GPS, sun’iy yo‘ldoshdan signallarni qabul qiluvchi vositalar va dasturlar.
- robototexnika: avtonom traktorlar, dronlar, agrotexnik tadbirlarni amalga oshirishda foydalaniladigan robotlar va boshqalar.
- katta hajmdagi ma’lumotlar (Big data) tahlilini amalga oshirishda qo‘llaniladigan texnologiyalar va dasturiy ta’minot: bu jarayon SPSS, STATA, Eviews kabi dasturiy ta’minot asosida kompyuterlarda amalga oshiriladi.

Qishloq xo‘jaligida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llashining ahamiyatini aniq misollar yordamida ko‘rib chiqamiz. Hozirgi vaqtda qishloq xo‘jaligi sohasida faoliyat olib borayotgan tadbirkorlar uchun dolzarb muammolardan biri – tayyor mahsulotni sotishni to‘g‘ri tashkil etishdir. Bizga ma’lumki, aksariyat qishloq xo‘jalik mahsulotlari saqlash uchun noqulay mahsulotlar hisoblanadi, ya’ni mahsulot tayyor bo‘lgandan so‘ng uni zudlik bilan sotishni talab etadi. Tayyor bo‘lgan mahsulotni sotish jarayonini o‘z vaqtida to‘g‘ri tashkil eta olmaslik natijasida quyidagi salbiy holatlar yuzaga kelishi mumkin:

- mahsulotlar qisman yoki to‘liq isrof bo‘ladi. Bundan tadbirkor ham, jamiyat ham zarar ko‘radi, ya’ni tadbirkorlar moliyaviy zarar ko‘rsalar, mamlakatning oziq-ovqat xavfsizligiga ham putur yetadi;
- qishloq xo‘jalik mahsulotlari narxi shakllanishiga salbiy ta’sir etadi. Tarmoqda ishlab chiqarish mavsumiy xarakterga ega bo‘lganligi sabali barcha ishlab chiqaruvchilarning mahsuloti deyarli bir vaqtda tayyor bo‘ladi va bozorda mahsulotning taklifi ortib ketadi. Sotish muammosi avvaldan hal etilmagan holatlarda qishloq xo‘jalik mahsulotlarini yetishtiruvchilar o‘z mahsulotlarini ancha past darajada shakllangan narxlarda ham sotishga majbur bo‘lishi mumkin. Bu esa qishloq xo‘jalik mahsulotlari yetishtiruvchilarning daromadlari pasayishiga olib keladi va natijada ular tomonidan ishlab chiqarish jarayoniga yetarli miqdorda investitsiyalarni amalga oshirish imkoniyatlarini kamaytiradi. Ayrim hollarda mazkur turdagi mahsulotlar yetishtirish hajmining qisqarishiga ham olib kelishi mumkin.

Mazkur muammolarning innovatsion yechimlaridan biri – tarmoqqa zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etishdir. Bunda qishloq xo‘jalik mahsulotlarini yetishtiruvchilar, uni eksport qiluvchilar va iste’molchilarni, shuningdek logistika xizmatini ko‘rsatuvchilarni birlashtiruvchi elektron savdo platformalarini tashkil etish yuqori samara beradi.

Platformada quyidagi imkoniyatlar mavjud bo‘lishi mumkin:

- bozor konyunkturasini tahlil qilish uchun zarur axborotlar;
- taklif etilayotgan mahsulotlar uchun xaridorlarni qidirish;
- qishloq xo‘jalik mahsulotlarining turlari bo‘yicha takliflar paketi va narxlari bo‘yicha ma’lumot olish;
- kelishuvni onlayn rejimida muhokama qilish;
- kelishilgan shartnomalarni tasdiqlash;
- qishloq xo‘jalik mahsulotlari yetishtiruvchilar uchun o‘zaro fikr almshish uchun sharoit yaratish;
- logistika xizmatini ko‘rsatuvchi korxonalar to‘g‘risidagi ma’lumotlar va ular bilan onlayn rejimida muloqot qilish;

- foydali interaktiv xizmatlar.

Bunda ushbu platformani ishga tushirish uchun zarur mobil ilovalar yaratish hamda undan barcha tadbirkorlik subyektlari foydalanishlari uchun sifatli internet xizmatini yo‘lga qo‘yish muhim hisoblanadi.

Qishloq xo‘jaligida zamonaviy raqamli texnologiyalarning qo‘llanishiga yana bir misol – bu yer maydonlarining mahsuldorligini aniqlashda raqamli texnologiyalardan foydalanishdir va bu “aniq dehqonchilik” termini bilan atalmoqda. Bunda sensorli texnologiyalar yordamida ekin maydonining “hosildorlik xaritasi”ni tuzish va shu orqali yerlarning unumdorligini oshirish bo‘yicha amalga oshiriladigan tadbirlarning aniqligini oshirish asosiy maqsad qilib qo‘yilgan. Odatda, qishloq xo‘jalik ekin maydonlari mahsuldorligi ko‘rsatkichini aniqlashda ushbu maydondan yig‘ishtirib olingan umumiy hosil ekin maydoniga taqsimlanadi. Masalan, 20 gektardan yig‘ishtirib olingan jami hosilni 20 ga taqsimlash orqali har bir gektar yerdan qancha hosil olinganligini, ya’ni ekin maydonimizning mahsuldorligini aniqlaymiz. Bu ko‘rsatkich bizga ma’lum ma’noda ekin maydonining mahsuldorligiga baho berish imkonini bersada, kamchiliklardan xoli emas. Ushbu ekin maydonining hamma qismida mahsuldorlik darajasi, tuproq tarkibi bir xil bo‘lmaydi, qaysidir qismi unumdor, boshqa qismida esa unumdorlik darajasi past bo‘lishi mumkin. Biz qo‘llayotgan usulda ushbu holatga baho berishning imkoni yo‘q, o‘rtacha mahsuldorlik darajasi aniqlanadi xolos. Ekin maydonining mahsuldorligini oshirish, tuproq unumdorligini yaxshilash uchun amalga oshiriladigan tadbirlarda yer maydonining aynan qaysi qismiga alohida e’tibor berish kerakligini aniqlashning iloji yo‘q, shu sababli ushbu tadbirlar ekin maydonining barcha qismi uchun bir xilda amalga oshiriladi. Bunda ekin maydoning qaysidir qismida tuproq unumdorligi talab darajasida bo‘lishi, unga qo‘shimcha mineral va mahalliy o‘g‘itlar berish kabi choralarni amalga oshirishni talab etmasligi mumkin. Buning natijasida samarasiz xarajatlarning amalga oshirilishiga olib keladi. Yoki aksincha, ekin maydonining ma’lum qismiga yetarli miqdorda ishlov berilmasdan, tuproq unumdorligi pastligicha qolaverishi mumkin. Ushbu muammoni hal etish uchun hosilni yig‘ib oluvchi kombaynlarga sensorli texnologiya o‘rnatiladi va ekin maydonining har bir qismidan qancha hosil olinayotganligi qayd etib boriladi va maxsus kompyuterga ma’lumotlarni uzatadi. Ushbu texnologiya bizga ekin maydonimizning hosildorlik xaritasini tuzib beradi, xaritada hosildorlik darajasiga qarab ekin maydoni o‘tkir yoki och ranglarda belgilanadi. Ushbu xarita orqali ekin maydonining qaysi qismida hosildorlik darajasi qanday ekanligini bilib olamiz. Ushbu hosildorlik xaritasi bizga ekin maydoniga ishlov berishda asosiy ma’lumot manbasi bo‘lib xizmat qiladi va ekin maydonining mahsuldorlik darajasini yaxshilash, tuproq unumdorligini oshirish uchun qilinadigan agrotexnik tadbirlarda ekin maydonining har bir qismiga individual yondoshishimiz va ko‘zlangan natijaga erishishimiz hamda samarasiz xarajatlarning oldini olishimiz mumkin. AQSh va Yevropa mamlakatlarida ishlab chiqarilayotgan qishloq xo‘jalik texnikalarini bu kabi sensorlar bilan jihozlash keng yo‘lga qo‘yilgan.

Qishloq xo‘jaligida raqamli iqtisodiyotni shakllantirishning asosiy shartlaridan biri – zarur infratuzilmani shakllantirishdir. Qishloq hududlarida ham

zamonaviy raqamli texnologiyalardan foydalanishni yo‘lga qo‘yish uchun sifatli aloqa va internet xizmatini yo‘lga qo‘yish muhim ahamiyatga ega.

Bizning fikrimizcha, qishloq xo‘jaligida raqamli iqtisodiyotni shakllantirish va uni yanada takomillashtirish uchun quyidagilarga amalga oshirish lozim:

- qishloq xo‘jaligi tarmog‘i uchun milliy AKT siyosatini ishlab chiqish, sohaga investitsiyalarni jalb etishni jadallashtirish;
- qishloq xo‘jaligiga AKTlarni qo‘llash bo‘yicha amalga oshirilayotgan ilmiy-tadqiqotlarni yanada jadallashtirish;
- sohada zamonaviy raqamli texnologiyalarni qo‘llash uchun zarur bo‘lgan infratuzilmani shakllantirish va uni rivojlantirib borish;
- fermerlar uchun sohaga AKTni qo‘llash usullari, vositalari, ularning afzalliklari bo‘yicha treninglar tashkil etish va tashviqotlarni olib borish;
- qishloq xo‘jaligi tarmog‘ining ehtiyojidan kelib chiqqan holda ushbu yo‘nalishda kadrlar tayyorlashni yo‘lga qo‘yish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 23-oktabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5853 sonli farmoni, Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 24.10.2019-yil, 06/19/5853/13955-son
2. Digital Economy Report 2019. Value creation and capture: implications for developing countries. United Nations Publications, New York, USA, 2019

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ И РАЗМЕЩЕНИЕ ПРОИЗВОДСТВА ТАБАКА В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Джалилов Б.С. *- доцента Самаркандского института ветеринарной медицины, Самарканд*
Джалилов Ш*.Б. - магистр Вроцлавского университета, Вроцлав, Польша*
Кучимов С.Х. *- соискатель Самаркандского филиала Ташкентского государственного экономического университета*

Ургутский район Самаркандской области Республики Узбекистан распо-лагает надежным природно-климатическим потенциалом для возделывания различных сельскохозяйственных культур и лекарственных растений, а также других технических культур, необходимых для пищевой, фармацевтической и перерабатывающей промышленности.

Табаководство, как особая отрасль АПК, занимает важное социально-экономическое значение для обеспечения устойчивого развития экономики Ур-гутского района, является одним из основных факторов формирования произ- водственной и социально-рыночной инфраструктуры.

Сельскохозяйственное производство табачного сырья и его послеуборочная обработка – трудоёмкий процесс, требующий больших

трудовых затрат, особенно ручного труда и поэтому считается самой трудоёмкой культурой. С другой стороны, табак является наукоёмкой культурой, где используются со- временная техника, технология и технологические процессы, требующие спе- циальной подготовки, определённых знаний и навыков. В этом плане, табако-водство, как отрасль и сфера приложения труда, несмотря на все его плюсы и минусы, является инновационным направлением формирования устойчивой экономики и модернизации сельского хозяйства района [1, 2, 3].

В Ургутском районе табак выращивался ещё в прошлом столетии, когда его площадь достигала более 10 тыс. га. В 70-80-годах прошлого столетия в районе было сосредоточено 96,2 % посевных площадей табака Самаркандской области и 91,5 % посевных площадей всей республики. Одновременно заготавливалось 96,4 % табачного сырья области и 93,2 % республики, обеспечивая занятость сельского населения, внося большой вклад в формирование дохода тружеников и их семей [4, 5].

В результате реформ в экономике сельского хозяйства при переходе на ор-ганизацию фермерских хозяйств, изменения отраслевой структуры, производства и устойчивого обеспечения населения продовольственной продукцией, площадь табака сократилась более чем в 9,2 раза, а валовой сбор снизился в 5,2 раза. Установлено, что в настоящее время в районе табаководством непосред-ственнозаняты до 5,0 тыс. работников. Кроме этого, привлекаются сезонные рабочие, около 2,0-2,5 тыс. чел., а также на работах переработки, маркетинга и логистики заняты ещё 2,5 тыс. чел. В целом, в табаководстве занято 8-10,0 тыс. чел., что составляет до 12,5 % занятых в сельскохозяйственном секторе. В рай-оне функционирует 632 табаководческих фермерских хозяйств.

Сегодня в табаководстве производится 1,9 % сельскохозяйственной, в том числе свыше 7 % растениеводческой продукции района. Тенденция снижения до-ли табаководства в структуре стоимости валовой растениеводческой продукции связана с сокращением посевных площадей табака и ростом площадей продоволь- ственных культур.

Существенное уменьшение площадей посадки Узбекистана отрицательно сказалось на уровне валовых сборов при отсутствии устойчивого роста уро-жайности (таблица 1).

К настоящему времени существенное изменение претерпела и структура производимого табачного сырья. Если к концу 90-х годов прошлого столетия почти весь объем производимого табачного сырья составляло сырье сортотипаДюбек восточный, то за последние годы структура изменилась в пользу высоко ароматичных мелколистных сортов табака. В этом заключается основная при- чина низкой урожайности [4, 5].

Таблица 1.

Развитие табаководства в Республике Узбекистан

Годы	Площадь, га	Валовой сбор, т	Урожайность, ц/га
2006	5127	6604	12,9
2007	5688	7084	12,5
2008	6092	6514	10,7
2009	5983	6943	11,6
2010	6751	8895	13,2
2011	6874	8230	12,0
2012	6482	7337	11,3
2013	4287	5738	13,1
2014	4128	5404	13,1
2015	3320	3951	11,9
2016	2583	2600	9,9
2017	2331	2040	12,9
2018	1549	1541	10,4
2019 (план)	1900	2450	12,8

Сокращение посевных площадей в 2015-2016 гг. связано, в первую очередь, с поэтапным расширением выращивания в Узбекистане табака сорта Вирджиния, урожайность которого примерно в 2 раза выше, чем у восточных табаков таких сортов, как Измир и Басма (таблица 2) [5].

В период 2008-2018 гг. произошел существенный рост цены продаж по всем сортотипам табака. Однако с учетом мировых цен и с точки зрения эффек-тивности использования земли эти изменения совершенно недостаточны для формирования устойчиво-эффективной экономики табаководства. Уровень и динамика доходности сортотипов табака при сложившейся цене меняется по- разному. За 2015 г. наиболее высокая доходность отмечается по сортам Дюбек и Вирджиния, наименьшая – у сортотипа Измир .

Многофакторный корреляционный анализ многолетних данных, характе-ризующих развитие экономики производства табака в Узбекистане, показал, что наиболее существенное влияние на величину прибыли с 1 га табака оказы- вают такие факторы как качество сырья – 26,9 %, урожайность – 19,7 %, оплата труда – 11,4 % и обеспеченность трудовыми ресурсами – 9,7 % .

Для дальнейшего расширения инновационного производства табака в Уз-бекистане необходимо, чтобы приоритетными направлениями в работе пред- приятий этой зоны табаководства были повышение качества товарных достоинств сырья и поэтапное снижение его себестоимости.

Таким образом, мониторинг экономики формирования табаководства в Республике Узбекистан показывает, что:

1. Ургутский район Самаркандской области Республики Узбекистан рас- полагает необходимым почвено-климатическим и трудовым

потенциалом для возделывания различных видов сельскохозяйственных культур, включаятабак.

Таблица 2.

Структура сортовых посадок табака в Республике Узбекистан

Годы	Сорт табака											
	Измир			Басма			Дюбек			Вирджиния		
	площадь, га	ловый сбор, т	урожайность, ц/га	площадь, га	ловый сбор, т	урожайность, ц/га	площадь, га	валовый сбор, т	урожайность, ц/га	площадь, га	ловый сбор, т	ожайность, ц/га
2006	2173	1580	7,3	423	324	7,7	2531	4700	18,6	-	-	-
2007	3403	2823	8,3	635	561	8,8	1650	3700	22,4	-	-	-
2008	3850	2940	7,6	679	555	8,2	1533	3200	20,9	-	-	-
2009	3914	2899	7,4	873	780	8,9	1189	2251	18,9	-	-	-
2010	4622	5142	11,1	1047	1202	11,5	1075	2536	23,5	7	15	21,4
2011	4516	4445	9,8	1292	1370	10,6	1037	2364	22,8	29	50	17,2
2012	4106	3590	8,7	1315	1403	10,7	722	1709	23,7	339	634	18,7
2013	1245	962	7,7	920	805	8,7	1612	3143	19,5	510	828	16,2
2014	1448	1220	8,0	1152	1232	11,0	1040	2060	20,0	488	892	18,0
2015	1289	1015	8,0	1101	1079	10,0	697	1567	22,0	140	-	-
2016	1300	754	7,4	732	608	9,4	307	620	20,0	112	-	-
2017	1009	900	9,0	605	668	11,0	95	205	22,0	376	-	-
2018	167	138	8,0	608	637	10,0	-	-	-	539	-	-
2019 (план)	-	-	-	1200	1200	10,0	-	-	-	700	-	-

* Систематический учет валового сбора в 2015-2018 гг. отсутствует.

2. Табаководство – важная растениеводческая отрасль АПК для обеспечения устойчивого сельскохозяйственного развития производства и является одним из основных фарватеров формирования как производственной, так и со- циально-рыночнойинфраструктуры.

3. Возделывание табака является частью сельскохозяйственного и пере-рабатывающего сектора АПК и считается одним из важных коммерческих и высокодоходныхкультур.В настоящее время существенное изменение претерпела и сортовая структура табачного сырья. Если к концу 90-х годов прошлого столетия почти весь объем производимого табачного сырья составляло сырье сорта типа Дюбек восточный, то за последние годы структура изменилась в пользу высокоароматичных мелколистных восточных сортов табака (Измир, Басма). В то же самое время, в 2016-2018 гг. закупочные цены местного переработчика на 1 кило-грамммелколистныхвосточныхтабаковсортовИзмириБасмабылив3-4раза выше, чем на Дюбек. Следует отметить, что внедрение новых сортов связано с потребностями табачной промышленности как на ароматичное, так и на

скелетное (нейтрально наполнительное) табачное сырье.

4. Начато выращивание крупнолистного табака сортотипа Вирджиния солнечной и искусственной (паро-воздушной) сушки. Особенно следует отме-тить, внедрение инновационного метода искусственной сушки листьев табака сортов типа Вирджинии, которое позволило повысить долю механизации в от- расли на более чем на 40 %. При этом заготовка осуществляется в виде свеже- убранного табака, при которой исключаются такие трудоёмкие ручные опера- ции, как низка (нанизывание), сушка и послеуборочнаяобработка.

Список использованных источников

1. Кучимов Х.Э. Повышение региональной экономики табачного комплекса. Ташкент: «Мехнат», 1990. 145с.
2. Развитие и совершенствование инновационных исследований и разработок для научного обеспечения табачного агропромышленного производства России // Сб. науч. трудов ВНИИТТИ. Краснодар. Просвещение-Юг, 2012. Вып. 180. 435с.

№ 1(33). С. 7-10.

3. Умурзаков Э.У. Технология возделывания восточных и американских сортотипов табака. Самарканд, 2019, с. 245.
4. Джалилов Б.С. Повышение качества табака и его экономическая эффективность (на примере хозяйств Зарафшанской долины). Ташкент, 1990. 20 с.
5. Умурзаков Э.У., Хушвактов С.Х., Джалилов Б.С., Исаев А.П., Кучимов Х.Э. Аграрная экономика табаководства Республики Узбекистан в условиях научно-технического сотрудничества с Россией // Сборник научных трудов института. Краснодар: Просвещение-Юг, 2016. Вып. 181. С.353-361.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИДА ИННОВАЦИОН САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Эркинхожиев И.И. *– ТДАУ, магистратура талабаси*
Саидов М,Х. *– ТДАУ Агрологистика кафедраси мудири, и.ф.д.,профессор*

Инновацион иқтисодиёт иқтисодиётнинг энг юқори ривожлангантури ҳисобланади ва у учун билимли жамият хосдир. Ҳозириги кунда фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш учун турли механизмлар ва институционал тузилмалар, яъни миллий инновацион тизим шаклланмоқда.

2022 йилгача бутун дунё бўйлаб **«ақлли» қишлоқ хўжалиги** учун автоматлаштирилган тизимлар ва технологияларнинг оммалашиши тахмин қилинмоқда. Хусусан, **VRT** (ўзгарувчан тезликдаги технология) тизими ва **GPS**-қабул қилувчи қурилмалар ушбу тармоқ ўсишига салмоқли ҳисса қўшади.

Қишлоқ хўжалигини барқарорлаштиришда қишлоқ хўжалигини технологик жиҳатдан модернизация қилиш устувор йўналишлардан биридир. Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника сиёсатини амалга ошириш мақсадида хар йили май ойида **“Uzbekistan Agrominitech Expo”**кўргазма-савдоси ўтказилади. Ушбу кўргазма-савдосида Хитой, Жанубий Корея, Франция, Италия, Германия, Бельгия, Австрия, Болгария, Беларусь, Нидерландия, Эрон, Россия, Туркия каби дунёнинг 83 та давлатидан 200 тага яқин компаниялар иштирок этади.

Инновацион техника ва инфратузилмани ўзгартириш албатта, буларнинг устида ишлаш учун ҳозиргидан тамомила бошқача машиналар ва агрегатлар керак. Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи дунёнинг етакчи компаниялари ўз тараққиёт стратегияларини деҳқончилик жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгилаб олишни аллақачон бошлаб юборишган.

Масалан, АҚШнинг **JOHN DEERE (Deere & Company)** компанияси қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчилардан бири. Компания ўз тракторларига **IoT** (**Internet of Things** — нарсалар интернети) датчиклари ва веб-интерфейслар билан қўллаб-қувватланган мажмуаларни жорий этишга киришган. Аграр техникалар соҳасида **«ақлли»** қурилмаларни қўллаш даражаси бўйича Европа ҳозирча АҚШдан ортда қолмоқда. ЕИда 80 фоиз қишлоқ хўжалиги техникалари навигация тизимлари билан сотилишига қарамай, уларнинг қарийб 30 фоизи амалда тармоққа уланган холос. Бунга сабаб, ЕИда йирик фермер хўжаликлари АҚШдагига нисбатан анча кам. Чунки Европада етарли техникаларга эга кичик оилавий фермалар устуворлик қилади ва уларни анча қиммат бўлган «ақлли»ларига алмаштиришга шошилишмайди.**Асосий инновацион ечимлар** учувчисиз транспорт воситалари. Tractica консалтинг компанияси маълумотига кўра, 2024 йилга бориб, қишлоқ хўжалиги роботлари етказиб бериш 32 мингтага ошиб, 594 минг бирликни ташкил этади. 2016 йили дунё бўйича аграр ишлаб чиқариш комплекси (АИЧК)ни роботлар билан таъминловчи 150дан ортиқ саноат иштирокчилари рўйхатга олинган. Таҳлилчилар АИЧКда роботлар қўллашнинг қуйидаги муҳим соҳаларига эътибор қаратишади:

- ҳайдовчисиз тракторлар ва учиш аппаратлари;
- моддий ресурсларни бошқариш;
- қишлоқ хўжалиги вегетацияси автоматлаштирилган тизимлари;
- ўрмон ва ерости бошқаруви;
-қорамол фермаларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари.

- трактор ва юк ташувчи машиналарга ўрнатилган ўзиюрар тизимларнинг инсон омили таъсирини камайтириш билан бир қаторда, яна бир муҳим афзаллиги бор: улар дон ва ёнилғи сарфини камайтиришга имкон беради.

Интеллектуал фермаларда нафақат ҳайдовчисиз транспорт воситалари, балки камера ва юқори сезувчи сенсорлар билан таъминланган учувчисиз учиш аппаратларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Улар бир неча соат давомида қишлоқ хўжалиги участкаларида тадқиқот олиб бориш, камера ва сенсорлар ёрдамида йиққан маълумотларни фермерга етказиш, майдонлар электрон харитасини 3D форматда яратиш, экинларни самарали ўғитлаш мақсадида меъёрлаштирилган вегетация индексини ҳисоблаш, олиб борилаётган ишларни хатлаш, ерни ҳимоялаш ва бошқа имкониятларга эга. Ҳозирда учувчисиз қурилмалардан АҚШ, Хитой, Япония, Бразилия ва ЕИ мамлакатлари қишлоқ хўжаликларида кенг фойдаланилмоқда.

Датчик ва сенсорлар. Деҳқончиликда датчик ва сенсорлардан фойдаланиш - интеллектуал ферма ташкил этишда муҳим қадам ҳисобланади. Ўнлаб квадрат километр жойдан улар радиоканаллар орқали назоратдаги объектлар ҳолати — асосан, тупроқнинг намлик даражаси, ҳарорат, ўсимликнинг соғломлик даражаси, ёнилғи захираси ва бошқа муҳим параметрлар ҳақида узлуксиз маълумот етказиб тура олади.

Масалан, назорат нуқталарига ўрнатиладиган сенсорлар тупроқ хусусиятларининг асосий тизимларини аниқлашга мослаштирилган. Датчиклар эса табиий хилма-хиллик (релеф, тупроқ тури, ёруғлик, об-ҳаво, бегона ўтлар ва зараркунандалар миқдори), касалликка чалинган ўсимлик, ҳосилдорлик ҳақида олдиндан маълумот беради. Сенсор ва датчиклар нафақат экин етиштиришга, балки ҳосилни тўлиқ сақлашга ҳам ёрдам беради. Буларнинг бари ўсимликларни парваришлашга ақл билан ёндашувни таъминлайди.

Электрон қурилмалар чорвачилик ва балиқчилик хўжалигини самарали бошқаришга ҳам ёрдам беради - қорамоллар жойлашган жой ва об-ҳаво ўзгаришларини назорат қилади. Бундай қурилмалар орқали фермерлар аллақачон жониворлар ҳомиладорлиги, соғиш вақти ва касаллик белгиларини аниқлашни ўрганиб олишган.

Қорамолларни сунъий йўлдош орқали назорат қилувчи **«FindMySheep»** машиналараро ечими бунга ажойиб мисол бўла олади. Бу тизим датчиклари харитада ҳар қандай ҳайвоннинг ҳаракатини кўрсатиб, уларни бириктириб туради. **«General Alert»**нинг бошқа бир тизими эса фермалардаги ҳайвонларни кузатиш билан бирга, уларнинг саломатликларини ҳам текширади.

Албатта, қишлоқ хўжалигида технологиялардан фойдаланиш янгилик эмас. Дастлабки газ тракторлари ва кимёвий ўғитлар XIX асрдаёқ пайдо бўлган бўлса, деҳқончиликда сунъий йўлдошдан фойдаланиш XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. **JOHNDEERE**нинг GPS-датчиклар билан жиҳозланган тракторларига ҳам салкам йигирма йил бўлиб қолди.

Узоқ йўлни босиб ўтган технологиялар ҳамон ривожланишда. Бугунга келиб, веб-интерфейсли қурилмалар ва хизматлар анча кўп оммалашди, шунинг учун ҳам нарсалар интернетига бўлган қизиқиш рекорд даражада юқори ўринни банд этиб турибди. Фермерликнинг анъанавий усуллари ўсиб бораётган озиқ-овқат талабига тенглаша олмайди, шу боис фермерлар ақлли қишлоқ хўжалигига тобора кўпроқ мурожаат қилишмоқда ва бу келажаги порлоқ ягона соҳа бўлишига шубҳа йўқ.

Ўзининг барча афзалликларига қарамай, ақлли қишлоқ хўжалиги ҳали ривожланишнинг бошланғич босқичида. «АҚШнинг Trimble» компанияси ҳисоботига кўра, дунёдаги ҳар тўртта фермадан фақат биттаси маълумотлар йиғиш базасидан фойдаланади. Бунга молиявий омиллар (бундай инфратузилмани ташкил этиш фермерлар томонидан салмоқли дастлабки сармоя талаб қилади) асосли тўсиқ бўлиб турибди. Бундан ташқари, маълумотлар хавфсизлиги, деҳқончиликдаги ўзига хос сиёсат ва об-ҳаво ҳам аксарият фермерларни иккилантиради.

Юртимиз замини серҳосил, баҳорда таёқ суқсак кузда мева беради. Лекин, аҳолимизнинг йилдан йилга кўпайиб бораётганини, сув, электр энергияси ва бошқа табиий захираларимизнинг чекланганини инобатга олсак, «ақлли» қишлоқ хўжалигининг нақадар аҳамияти катталигинианглабетамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сонли қарори“Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”.
2. Умурзоков Ў.П, Тошбоев А.Ж, Рашидов Ж, Тошбоев А.А “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти ”. -Т.: Иктисод-Молия, 2008 й.
3. “Ўзагросаноатхолдинг ” АЖ расмий маълумотлари.
4. 4. Интернетда эълон қилинган соҳага тегишли илмий маълумотлар.
5. УДК: 631.5:636.31

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РЕНТАБЕЛЛИК ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ

Жонибеков Ф.Б. - *СамВМИ катта ўқитувчиси,*
Назарова М.Ш. - *СамВМИ катта ўқитувчиси,*
Саламов И. - *СамВМИ илмий маслаҳатчи*

Қишлоқ хўжалигининг икки тармоғи ўртасидаги муносабатлар, деҳқончиликнинг сабзавотчилик (жумладан, бодринг уруғчилигидаги янги илмий-амалий тавсиялар), мевачилик ,узумчилик, чорвачиликнинг қорамолчилик ва балиқчилик йўналиши бўйича 2018 йилнинг иқтисодий таҳлил натижаларини таққослаш якунлари келтирилган. Фермер хўжаликлари,жумладан кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятидаги

ўзгаришлар бўйича инновацион техника ва технологияларни қўллашнинг афзалликлари берилган. Жомбой туманига хориждан импорт қилинган инновацион помидор комбайнининг бугунги ҳаракатланиши ҳақида, маҳсулот-товарларни сотиш эвазига олинган фойда, йўналишларнинг рентабеллик (фойдалилик) даражаси вилоятда ва туманларда ушбу тармоқлар бўйича бўлаётган ўзгаришлар, миқдор, сифат, ялпи пул тушуми, маҳсулотлар таннархи, истиқболда ўсимликшунослик ва чорвачилик тармоқларида амалга оширилиши керак бўладиган таклифлар ҳамда фойдаланилган манбалар рўйхати берилган.

2017 йил 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М Мирзиёев Сурхондарё вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқида улуғ аждодимиз Абдурауф Фитратнинг “Халқимиз аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик либосини кийиб, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ” [1] – деб айтган сўзларини келтирган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августда “Чорвачиликни янада ривожлантириш, тармоқ фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-285 қарори, 2017 йил 18 октябрда 845-сонли “Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори қабул қилинган эди. Бу қарорлари, шу соҳада фаолият кўрсатиб келаётган ёки энди фаолият кўрсатишни орзу қилаётган тадбиркорлар меъёрий ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Кейинги йилларда республикада чорвачилик ва балиқчилик тармоқларини ривожлантиришга, наслчилик ишини такомиллаштиришга, уларда етиштирилаётган маҳсулотларни кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда 6 мингдан ортиқ чорвачилик ва 3 мингта балиқчилик хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2018 йил якунлари бўйича 2319 минг тонна гўшт, сунъий ҳовузларда 60 минг тонна балиқ етиштириш режалаштирилган бўлиб, у ортиғи билан бажарилди. Агар, 2017 йилда балиқчилик чорвачилик тармоғида энг паст рентабеллик даражасига эришган бўлса,2018 йил якуни билан бу йўналиш Самарқанд вилоятида чорвачилик тармоғи ичида энг юқори рентабеллик даражасига эришган йўналиш бўлди.Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда Самарқанд вилоятида истиқомат қилаётган аҳоли сони ва уларнинг ушбу маҳсулотларга бўлган йиллик истеъмол меъёрлари асосида ишлаб чиқариш бизнес режалари тузилади.

Чорвачилик ва деҳқончилик тармоқлари маҳсулотлари етиштиришда уларнинг турларини,хилма - хиллигини кўпайтириш имкониятлари мавжуддир. Сабзавотларни етиштириш нафақат мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган инсон саломатлигини сақлаш учун витаминли озиқ-овқат ва аҳоли даромадларини ошириш, оилавий фаровонлигини яхшилаш

масалаларини ҳал этишда зарурий аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Машҳур Америкалик шифокор Н.Уокер сабзи ҳақида кўплаб китоблар ёзган.Унинг сабзи тўғрисидаги берган баҳоси қуйидагича бўлган: “Сабзи даҳшатли рак касаллигига қарши курашда давримизнинг мўжизаси ҳисобланади”[4]- деб таърифлаган.

Тармоқлар ва тармоқлар ичидаги йўналишларни тараққиёти кадрларга боғликдир. Деҳқончиликда ва чорвачиликда етиштириладиган маҳсулотлар бугунги кун талабларига жавоб бермоғи лозим. Тармоқларда инновацион техника ва технологияларни қўллаш билан олдинги йилларга нисбатан ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Масалан, чорвачиликда гўшт етиштириш, ўсимликшунослikда пахта,ғалла, сабзавот, мева, узум, полиз етиштиришда янгича ёндашишлар бор. Узумчиликни лалмикор ерларда,сув кам ҳудудларда ривожлантиришда қуйидаги инновацион технологилар ишлаб чиқаришга жорий этилган. Республикамизнинг Навоий вилояти Хатирчи туманидаги узумчилик ва майизчиликга қадимдан ихтисослашган Учқора қишлоғида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сувни ўзига шимиб оладиган ва сув сарфини 40-45 фоизга тежайдиган **“гидрогел моддаси”** фермер хўжаликларида ва томорқа ер эгалари токзорларида қўлланилмоқда. Бу қишлоқ ер шарининг 41-меридиани ва 41- параллелида қора тошли тоғ бағрида жойлашганлиги туфайли узумлари таркибидаги **қанд миқдори 38 фоизгача боради.**

Собиқ Иттифоқ даврида Москвадан махсус вакиллар томонидан космонавтлар истеъмоли учун Учқора қишлоғининг деҳқонларидан Учқора майизи олиб кетилган. Ўзбекистондаги узумзорлар узумидаги қандлик миқдори 26 фоизни ташкил қилади. Дунё мамлакатларида эса таркибида 17-18 фоиз қанд бўлган узумлар истеъмолда ишлатилиб келинмоқда. Тошкент вилоятининг Паркент туманида ток қаламчалари 1,0-1,5 метр чуқурликка экилиб, йил давомида бу токзорлар суғорилмасдан ёмғир ва қор сувлари ҳисобига ҳамда ер ости сувларидан фойдаланилиб токзорлардан юқори ҳосил олинмоқда. Вилоят ва туманларда барча йўналишлар бўйича ҳисоботлар мавжуддир. Ушбу ҳисобот маълумотларига асосланиб, иқтисодий таҳлиллар натижалари илмий-амалий изланишлар асосида ўрганилмоқда.

Чорвачиликда балиқчилик йўналишини иқтисодий таҳлил қилганимизда, 2018 йилда 3 730 тонна балиқ вилоятда етиштирилган, ушбу балиқ миқдорини етиштириш учун 45 059 миллион сўм харажат сарфланди, олинган ялпи пул тушуми 54 636 миллион сўм, истеъмолчиларга сотишдан олинган фойда 9 578 миллион сўм бўлди. Тармоқ рентабеллик даражаси 21,3 фоизни ташкил қилди. 1 тонна балиқни сотишдан олинган ялпи пул тушуми 14 648 минг сўмни 1 тонна балиқнинг таннархи 12 080 минг сўмни ташкил этди. Яъни, балиқчиликда сарфланган 1 сўм харажат, йил охирида 1 сўм 21 тийин бўлиб ёки рентабеллик даражаси 121,3 фоизни ташкил қилганини кўрсатади. Ўсимликшунослик билан таққосласак, масалан, сабзавотчилик тармоғи бизда анча сердаромад тармоқ ҳисобланади. Балиқчиликга нисбатан 5,3 пунктга рентабеллик даражаси сабзавотчилик тармоғида юқоридир.

Балиқчиликка кейинги йилларда вилоятда катта эътибор қаратилаётганлиги туфайли, тармоқ тез ривожланиш йўлига ўтмоқда.

Ўсимликчиликнинг сабзавотчилик тармоғидаги бодрингнинг бугунги кунда селекционер олимлар томонидан яратилаётган навлари мавжуд бўлиб, улардан олинган ҳосил аччиқликга эга эмас. Лекин, бодринг етиштириш агротехникасини амалга оширишда инновацион техника ва технологиялардан фойдаланилса, унга амал қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Етиштириш агротехникасига қуйидаги инновацион техника ва технологияни жорий этиш зарур бўлади. Шу боисдан биринчи навбатда сифатли маҳсулотга эга бўлиш учун уруғчилигига асосий эътиборни қаратишимиз керак бўлади. Одатда деҳқонлар кўпинча сарғайиб пишган бодрингни уруғини тўлиқ олиб, уруғлик учун қўллайдилар. Натижада бодринг сифати бузилиб аччиқ бўлади. Бодринг уруғини олишда маҳсулот пишиб сарғайганда уни палакдан узиб олиб, у уч қисмга бўлиниши керак бўлади. Бодрингнинг уч томонидан кесиб олинган икки бўлагидан уруғлик учун бодринг уруғи олинади. Учинчи охирги бандга яқин бўлаги олиниб чорвачилик тармоғида озиқаларга қўшиб ишлатилади. Айримлар шу кесиб олинган учинчи қисм бодрингни бутунлай ташлаб юборишни тавсия этишадилар. Ҳаммамиз билишимиз керакки, кераксиз нарсанинг ўзи йўқ. Иккинчиси, ҳаддан ташқари бодринг палакларининг иссиқ ҳавода қолиб кетишининг олдини олиш, палак ёш бўлганда қондириб суғориш, сув кам бўлган майдонларда томчилатиб суғориш, экин майдонидаги тупроқнинг намлигини доимий сақлаш, суғоришда сувни палакнинг тубигача етказиш, баргларига сувни туман ҳолатда пуркаб туриш бодрингнинг аччиқ бўлишидан сақлайди. Ўтказиладиган инновацион тадбирлар агротехникаси эрта тонг ва қуёш ботишидан кейин амалга оширилса, кутилган натижаларни беради.

Вилоятимизда 2018 йилда сабзавот экинларининг жами ер майдони 25 544 гектарни ташкил қилди.Уларнинг ўртача ҳосилдорлиги 236 ц/га, ялпи ҳосил эса 602 636 тонна, олинган ялпи пул тушуми 376 036 миллион сўм, қилинган харажатлар 297 144 миллион сўмни ташкил этди. Сабзавотчиликдан олинган фойда 78 893 миллион сўм, рентабеллик даражаси эса 26,6 фоизни ташкил этади. Бу дегани, 1 сўм қилинган харажат,йил якунида 1 сўм 27 тийин бўлиб қайтди демакдир. Сабзавотчиликда 1 гектар ерга сарфланган жами харажат 11 633 миллион сўмни, олинган жами даромад эса 14 721 миллион сўм, 1 гектардан олинган фойда 3 088 миллион сўмни ташкил қилди. 1 тонна маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси 624 минг сўм, 1 тонна маҳсулот таннархи эса 493 минг сўмни ташкил қилди.1 тонна маҳсулотни сотишдан олинган фойда 131 минг сўмни ташкил қилди[3].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса: *биринчидан,* чорвачиликни ривожлантиришда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш зарур. *Иккинчидан,* хорижий ва маҳаллий тажрибалардан фойдаланиш талаб даражасида эмас. *Учинчидан,* деҳқончилик экинлари ва маҳсулотлари қолдиқларидан самарали човачиликда омихта емга қўшиб беришда фойдаланиш имкониятларидан айниқса, шаҳарларда тўлиқ фойдаланилмаяпти. *Тўртинчидан,* гўшт етиштириш рентабеллик даражаси вилоятда 2018 йилда 10,1 фоизни,

пахтачиликда - (-9,9 %), ғаллачиликда -16,9 %, тухум етиштиришда -20,8 %, асалчиликда -18,3 %, балиқчиликда -21,3%, полизчиликда-10,1%, сутчиликда-8,5%, ғаллачиликда-16,9%, сабзавотчиликда-26,6%, узумчиликда- 31,9%, мевачиликда-30,9 %, полизчиликда- 28,2% ташкил этди[3]. Хулоса қилганимизда, икки тармоқнинг барча йўналишларида рентабеллик даражаси ҳар хилдир. Паст рентабелик даражасига эга бўлган йўналишларда инновацион техника ва технологияларни хориж компаниялари, тадбиркорлари иштирокида юқори иқтисодий самара берадиган тармоқ ва йўналишларга чиқариш имкониятларидан фойдаланиш максадга мувофиқдир. **Таклифлар:** 1) Вилоятдаги мавжуд фермер хўжаликларини кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантиришда, уларни моддий техника базаси билан таъминланишига имтиёзли кредитлар ажратиш; 2) Деҳқончилик тармоғи билан чорвачилик тармоғининг бир бутунлигига эътиборни қаратиш зарур, айниқса ўсимликлар ва озиқ-овқат қолдиқларини ҳар куни йиғиштириш ва чорвачилик тармоғи озуқасига ишлатиш ҳамда чорвачилик тармоғидаги гўнгларни органик ўғит сифатида чиритиб ерга бериш ва тупроқ унумдорлигини ошириш; 3) кадрлар тайёрлашга алоҳида эътиборни кучайтириш; 4) Жиззах вилоятининг Фориш туманида “Farish agro valley” МЧЖи томонидан минг бош “Заанен” зотли эчки боқишга мўлжалланган замонавий ферма барпо этилишини янада тезлаштириш[2]. Ушбу фирмани фаолиятини кўз билан кўриш учун тадбиркорларни саёҳатини уюштириб туришни ташкил этиш икки тармоқни ривожлантиришга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1.Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” китоби, Тошкент “Ўзбекистон” 2017. 296-бет.
2.Абдусатторов Алижон. Форишда “Заанен” эчкилари Қишлоқ ҳаёти газетаси 6 июль 2017 й. 3 бет.
3.Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалик ва статистика бошқармаларининг 2018 йил якунлари бўйича ҳисоботлари.
4. Машҳур Америкалик шифокор Н. Уокер сабзи ҳақида кўплаб китоблар ёзган. (Қаҳҳоров Б. Сабзи еган соғ бўлар: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 2002 йил. №5. 59-бет).
5. Муаллифларнинг илмий-амалий изланишлари натижалари, матбуот, телеведения, радио ва шу соҳанинг ихлосмандлари билан уюштирилган суҳбатлар ва сўровномалар.
6. Интернет маълумотлари ва бошқа манбалар.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА МИЛЛИЙ ИННОВАЦИОН ТИЗИМНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

Ашурметова Н.А. *- ТДАУ доценти, и.ф.н.*

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Шу жиҳатдан, маҳаллий корхоналарни техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатдош товарларни кўпайтириш ва янгиларини яратиш инновацион фаолият тизимини шакллантириш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади.

Мамлакатда инновацион муҳитни шакллантириш учун, ўз навбатида, инновацион тизим ва тегишли ташкилий-ҳуқуқий базани шакллантириш зарур.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида “миллий инновацион тизим”нинг расмий таърифи келтирилмаган, бу тушунча Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилгача инновацион ривожланиш Концепциясида “инновацион фаолиятни ривожланишини таъминлайдиган ташкилий, қонуний, таркибий ва функционал компонентларининг йиғиндиси” сифатида талқин этилган [1].

Миллий инновацион тизим фаолиятининг мақсади миллий иқтисодиётни технологик модернизация қилиш, уларнинг инновацион фаоллиги даражасини ошириш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш, илғор технологияларни қўллаш, инсон фаровонлигини яхшилаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш усулларини қўллаш орқали меҳнат унумдорлигини ва маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Миллий инновацион тизимни шакллантиришда инновацион фаолиятни таъминловчи ва амалга оширувчи ўзаро боғлиқ институтлар (ҳуқуқий, қонунчилик, молиявий, ижтимоий), давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, илмий муассасалар, инвестиция жамғармалари ва бошқалар) ҳамда жисмоний шахслар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар муҳим ўрин тутади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, инновацион муҳит айнан бозор механизмлари тўлиқ жорий этилган, инновацион иқтисодиётни узлуксиз ишлаб чиқариш ва рақобатни таъминлашга хизмат қиладиган инновацион инфратузилма ривожланган шароитдагина вужудга келади.

Ҳозирги кунда миллий инновацион тизим шаклланиш босқичида бўлиб, бу тизимда инновацион фаолиятни амалга ошириш учун барча базавий элементлар мавжуд. Кейинги йилларда республикада илмий, илмий-

техникавий ва инновацион салоҳиятни сақлаш ва ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилди. Илм-фанни бошқариш тизими такомиллаштирилди, илмий-инновацион фаолиятнинг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базаси замонавий асосда кенгайтирилди ва мустаҳкамланди, академик ва олий ўқув юртларининг илм-фан тизимлари қайта ташкил этилди, ишлаб чиқаришнинг инновацион даражасини ошириш, ахборот ва инновацион инфратузилмани, кичик илмий-интенсив корхоналарни, юқори технологиялар комплексини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Илмий-техник ва саноат соҳасидаги инновацияларни солиқ орқали рағбатлантириш инновацион жараёнларни тартибга солиш бўйича бозор механизмини тўлдиради ва кенгайтиради. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга оширувчи ташкилотлар ҚҚСдан озод этилди. Бу эса илмий-технологик чора-тадбирларни молиялаштириш ҳажмини ошириб, ишлаб чиқаришни тубдан янги технологик асосда ривожланишни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва бозорга чиқаришга ёрдам беради.

Республикамизда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни тартибга солишнинг қонуний асосини таъминлаш, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчиларни ҳуқуқий кафолатлаш, илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан соҳаси тўғрисида” ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида” қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Инновацион ишланмалар махсус портали (http//:portal.spcenter.uz) ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу портал орқали тижоратлаштириш, амалий самара ва илмий тадқиқотларнинг натижавийлигини таъминлаш мақсадида “буюртмачи-тадқиқотчи-инвестор” доимий боғлиқлик таъминланади.

Бугунги кунда республикада илмий изланишлар олиб бораётган 668 дан ортиқ ташкилот рўйхатга олинган. Давлат илмий-техник дастурларини амалга оширишда кейинги 10 йилда 224 та илмий-тадқиқот муассасаси, олий ўқув юртлари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари, кичик инновацион марказлар иштирок этди.

2018 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси илмий-тадқиқот институтларида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ўқув юртларида, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий ташкилотлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг илмий ва олий ўқув муассасаларида, илмий ва инновацион марказларда, шунингдек, юқорида санаб ўтилган вазирликлар таркибига кирмайдиган лойиха, тажриба-конструкторлик ташкилотларида 680038,0 млн сўмлик илмий тадқиқот ишлари, фундаментал тадқиқотлар, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишлар, тажрибавий нусха-намуналар, партиялар, буюмлар (маҳсулотлар) тайёрлаш, қурилиш учун лойиҳа ишларини амалга оширилди ва илмий-техник хизматлар кўрсатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишланмалар (ИТТКИ)ини бажарган ташкилотлар сони, бажарилган ишлар хажми ва харажатлар

	2015 йил	**2016 йил**	**2017 йил**	**2018 йил**
ИТТКИ бажарган ташкилотлар *(бирлик)*	323	437	389	668
ИТТКИ хажми *(млн.сўм)*	339856,9	426122,9	449905,4	680038,0
ИТТКИларга харажатлар *(млн.сўм)*	365160,1	440285,2	470938,3	528777,5
шу жумладан:				
Табиий фанлар	116191,3	143634,3	174455,1	219634,7
Техника фанлари	136297,4	154625,7	144214,4	153356,2
Тиббиёт фанлари	26630,2	28737,3	30427,6	29449,2
Қишлоқ хўжалиги фанлари	27345,8	36706,1	45539,7	49951,8
Ижтимоий фанлар	35934,2	47288,8	49819,5	37842,8
Гуманитар фанлар	22761,4	29293,1	26481,9	38542,7

Кўриниб турганидек, 2018 йилда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларга қилинган харажатларнинг асосий қисми табиий ва техника фанлари ҳиссасига (жами харажатларнинг мувофиқ равишда 41,5 ва 29,0 фоизи) тўғри келган. Қишлоқ хўжалиги фанларига эса 49951,8 млн. сўм сарфланиб, бу 9,4 %ни ташкил этган.

Ўз кучи билан бажарилган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларга харажатларнинг асосий қисми (55,1%) давлат секторига тўғри келиб, таҳлил йилида 284 409,1 млн. сўмни ташкил қилди.

Давлат бюджети маблағлари давлат илмий-техника дастурларини молиялаштириш учун хар йили 25-30 фоизга кўпайтирилиб, уларнинг амалга оширилишида хар йили 150 тадан зиёд илмий, таълим муассасалари ва тажриба-конструкторлик ташкилотлари иштирок этмоқда. Ҳозирги вақтда ажратилган бюджет маблағларининг 35 фоизи асосий тадқиқотларга, 56% - амалий дастурларига ва 9% - инновацион ишланмаларга тўғри келади.

Ўзбекистоннинг шубҳасиз афзалликларидан бири бу аҳолининг умумий таълим даражаси ва илмий салоҳият мавжудлигидир. Таълим даражаси бўйича Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари билан бир қаторда туради. Таъкидлаш жоизки, мамлакатда таълим харажатлари ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади, бу нафакат Марказий Осиёда, балки Европада ҳам энг юқори кўрсаткичдир. Дастлабки маълумотларга кўра, давлат бюджетининг 2018 йилдаги харажатлари (давлат мақсадли жамғармаларисиз) 79736,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ундан 19504,3 млрд. сўм ёки 24,5 фоизи таълимга, 389,3 млрд. сўм 049 фоизи фанга ажратилди (2-жадвал).

2-жадвал

Мамлакатда таълим ва фанга сарф қилинган харажатлар миқдори ўзгариш динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015	2016	2017	2018*
Жами харажатлар (мақсадли фондларсиз)	млрд. сўм	36257,3	40911,3	49343,7	79 736,1
	фоизи	100	100	100	100
шу жумладан:					
таълимга	млрд. сўм	12162	13832	15979,6	19504,3
	фоизи	33,5	33,8	32,4	24,5
фанга	млрд. сўм	216,7	238,2	275,5	389,3
	фоизи	0,60	0,58	0,56	0,49

* дастлабки маълумот

Мамлакатимиз шароитида фанга сарф этилаётган молиявий ресурслар ҳажми нисбатан паст кўрсаткичлари сақланиб қолмоқда. Ундан ташқари у фақатгина давлат илмий-техник дастурлари доирасидагина амал қилиб, хусусий секторнинг қизиқиш ва манфаатлари пастлигича қолмоқда.

Шунингдек, республика иқтисодиётининг турли тармоқларида ишлаб чиқилаётган инновацияларни жорий этишда тармоқлар интеграцияси таъминланмаганлиги; яратилаётган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларининг амалиётдан узилиб қолаётганлиги ёки уларни тижоратлаштиришдаги муаммолар; мулкчиликнинг турли шаклидаги субъектларда инновацион фаолиятнинг замонавий бозор муносабатларидан келиб чиқиб ташкил этилмаганлиги; нодавлат секторининг инновацион фаолиятга нисбатан қизиқишнинг пастлиги; соҳада кадрлар билан боғлиқ муаммолар; мавжуд норматив-ҳуқуқий базанинг бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, интелектуал мулк ҳимояси борасидаги ҳуқуқий маданият етишмаслиги; соҳа ривожи учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, айниқса инновацион фаолиятни кредитлаш ва суғурталаш тизимида мавжуд муаммолар ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлидаги жиддий тўсиқлар сифатида чиқмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда инновацион ривожланишнинг асосий йўналишлари сифатида даставвал инновацион муҳит ва инновацион инфратузилмани яратиш асосий масалалардан бири бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахтамов О.О. “Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш: муаммо ва истиқболлар” дисс. СТИБОМ - Т: 2016 йил.
2. Муродхўжаев А.А. Инновацион ривожланиш - бу келажак пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси, -Т:-2016 йил.
3. stat.uz

РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИОННОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В АПК

Ахмедов Т.Х. - *ТГАУ*

Инновационный потенциал страны, его развитие в последние годы все чаще увязывается с проблемами научно-технического предпринимательства, коммерциализации результатов НИОКР.

Направленность предпринимательской деятельности в научно-технической сфере традиционно связывается прежде всего с необходимостью получения преимуществ разного рода за счет освоения новых технологий и других инноваций, которые получены на основе результатов научных исследований и разработок. Для целей предпринимательства инновации должны обладать новизной, удовлетворять имеющемуся рыночному спросу и приносить социально-экономический эффект их производителю и в целом обществу.

Развитие форм предпринимательства, коммерциализации результатов НИОКР необходимо рассматривать и с точки зрения решения основного вопроса для большинства отечественных научных организаций, включая и аграрного профиля – вопроса выживания в современных условиях. Причем не с позиции выживания как такового, а с позиции активного поиска своего места в научном обеспечении социально-экономического развития АПК и возможности влиять на инновационное развитие его отраслей.

Предпринимательство, организованное с целью реализации коммерческого потенциала результатов научно-технической деятельности, может служить основой создания долгосрочной финансовой базы научного учреждения для поддержания его функционирования и развития, повышения его конкурентоспособности на рынке инноваций. В условиях формирования рыночных отношений значение предпринимательства, в том числе и в научно-технической сфере, носит полифункциональный характер и представлено многообразными видами, и формами, которые не являются четко определенными и однозначными, они имеют подвижный характер.

Оценка развития научно-технического предпринимательства в АПК требует глубокого анализа текущей ситуации, в которой находятся аграрные научные организации и малые инновационные структуры, выявления признаков, форм и особенностей осуществления предпринимательской деятельности в научно-технической сфере, реальных проблем, связанных с развитием этого вида деятельности.

В условиях рыночной экономики научно-техническое предпринимательство становится активным фактором экономического развития страны, коммерциализации результатов НИОКР, трансфера технологий, стимулирования творческой деятельности создателей и разработчиков новой научно-технической продукции (высокотехнологичных продуктов и услуг), ее реализации, которое может осуществляться в различных формах.

Научно-техническое предпринимательство, как особый вид коммерческой деятельности, имеет целью получение прибыли путем создания и активного распространения новейших НИОКР и инноваций на их основе во всех сферах народного хозяйства.

Коммерческая реализация результатов НИОКР и завершенных технологических решений прежде всего зависит от их готовности служить основой для сделок, способных принести окупающие результаты научно-технической деятельности доходы. Оценки свидетельствуют, что гораздо больший вклад в возможные доходы владельцев технологий способны сделать как раз те формы их реализации, которые предлагают более готовый для потребления финальный продукт, то есть более материализованные и производственные, освоенные новшества.

Предпринимательская деятельность в научно-технической сфере, как свидетельствует зарубежный и отечественный опыт последних десятилетий, принимает все более дифференцированные, ориентированные на производство организационные формы по передаче (трансферу) новых научных результатов, полученных в вузах и НИИ, которые по принципу разделения труда участвуют в конкретных стадиях и направлениях инновационного процесса.

Спектр предпринимательской деятельности организационных структур научно-технической сферы может охватывать трансфер знаний и технологий в форме, например, продаж простых, исключительных и полных лицензий на изобретения и ноу-хау, в форме получения заказов на разработку новшеств с определенными технико-экономическими характеристиками, путем осуществления совместных с НИИ и вузами научно-исследовательских проектов, оказания научно-технических услуг вплоть до самостоятельного маломасштабного производства высокотехнологичной продукции или применения новых методов, разрабатываемых ими. Подобные инновационные организационные структуры в научно-технической сфере не берутся за освоение выпуска промышленного продукта, реализующего создаваемые технологии. Они специализируются только на разработке все новых технологий для разных отраслей, закреплении прав собственности на эти технологии и последующей продаже как этих прав, так и необходимого их получателю ноу-хау (посредством продажи разработанной конструкторской и технологической документации, предоставления образовательно-консультационных услуг).

В литературе выделяют четыре основные модели развития научно-технического предпринимательства и специфику в них экономических отношений.

Модель I. Организация нового бизнеса. Многих научных организаций и ученых в настоящее время привлекает возможность организации собственной корпоративной структуры и получения более высоких доходов. Они стремятся к созданию предприятий с долгосрочным потенциалом реализации новых высокотехнологичных товаров и осуществлению контроля над внедрением разработанных инноваций.

Наряду с определенными преимуществами, данный подход имеет свои недостатки. Такой путь коммерциализации новой технологии требует значительных начальных затрат капитала, времени и энергии. Частыми являются случаи возникновения проблем в отношениях между основными участниками предпринимательской деятельности. Без участия внешнего инвестора реализовать план создания нового бизнеса представляется крайне затруднительным, при этом инвестор, как правило, требует получения части контролирующих функций. В итоге для ученого снижаются возможности в проведении НИОКР. Данная модель коммерциализации технологий относится к числу наиболее рискованных, ответственность за отрицательные результаты ложится полностью на предпринимателей. Однако в новой экономике, в отличие от периода индустриализации, этот путь вовлечения новых технологий в хозяйственный оборот получает все большее и большее распространение.

Модель 2. Лицензирование технологий. Лицензирование представляет одну из основных форм торговли технологиями. Лицензия дает разрешение отдельным лицам или организациям использовать защищенные патентами изобретения, технические знания, технологические и конструкторские секреты производства, товарный знак и т.д.

Предоставление лицензии составляет коммерческую операцию, является объектом договора о продаже (покупке), согласно которому владелец патента (лицензиар) выдает своему контрагенту (лицензиату) лицензию на использование в определенных пределах своих прав на патенты, ноу-хау, товарные знаки и т.д. В отличие от первой модели здесь не требуется больших инвестиций и потенциально возможно получение высоких доходов. Лицензиат, как правило, берет на себя затраты по производству и маркетингу инновации и несет полную ответственность за ее коммерческий успех. Здесь у ученого нет риска финансовых потерь. Сохраняется возможность проведения НИОКР.

К недостаткам данной стратегии коммерциализации инновации принято относить, в первую очередь, трудности и большие затраты времени при нахождении подходящего лицензиата. Ученый при этом не имеет прямого контроля над менеджментом по проекту, и весь его доход как разработчика инновации зависит от успехов лицензиата, который и получает большую часть прибыли.

Модель 3. Продажа технологий. Продажа новой техники, технологий, инвестиционное сотрудничество осуществляется чаще на основе беспатентных лицензий. Коммерциализация технологий предполагает три рода операций: продажу технологий, существующих на уровне всего лишь результатов в той или иной степени завершенных исследований, либо производственно освоенных разработок (сделки на рынке технологий), продажу технологий как таковых, но по сути составляющих лишь часть более комплексных трансакций, что может выражаться, например, в существовании пакетов параллельно заключаемых и выполняемых сделок (контрактов); коммерческую (возмездную, с прибылью) передачу технологий

в рамках крупных комплексных хозяйственных договоров (контрактов), либо при продажах на определенных условиях материальных объектов, воплощающих соответствующие технологии с обеспечением технического обслуживания, консультирования, предоставлением дополняющих товаров и услуг.

Главное достоинство этой модели – немедленная отдача. Доход изобретателя не зависит от коммерческой неудачи реализации проекта. Он сразу же может заняться другой научной разработкой. Однако он полностью теряет контроль и права на владение технологией. Поскольку финансовые поступления носят разовый характер, то очень трудно найти покупателя технологии, готового сразу заплатить значительную сумму средств. Поэтому для продажи идеи или готовой технологии необходимо проведение маркетинговых исследований.

Модель 4. Стратегическое партнерство. При таком подходе и производитель, и покупатель технологии делят между собой затраты, ответственность и доход от коммерциализации технологии. Неудачи во многом зависят от способности к нахождению компромиссов в вопросах преданности делу, разделения контролирующих функций, определения доли прибыли.

Принадлежность предприятия к категории научно-технических или инновационных организаций необходимо связывать с характером осуществляемых услуг и работ, составом реализуемой продукции, а также характером используемых материальных и трудовых ресурсов. Для осуществляемых научно-производственных процессов малыми научно-техническими предприятиями характерны: разработка и продвижение на рынки новых продуктов и передовых технологий; высокая доля НИОКР для создания новых конкурентоспособных продуктов и услуг; масштабное влияние инноваций, новых изделий и передовых технологий на прибыль и оборот малого предприятия; высокая доля инвестиций в НИОКР и связанное с ними обновление производства в общей инвестиционной политике предприятия; значительная доля научных и инженерно-технических работников в общей численности персонала предприятия; значительная доля научного, лабораторного и испытательного оборудования в основных фондах предприятия; высокий уровень риска, связанного с осуществлением инновационных проектов.

Литература:

1. Арсланов Ш.Д. Развитие региона посредством обеспечения инновационной политики и повышения инвестиционного потенциала / Ш.Д. Арсланов // Теоретические и практические вопросы функционирования экономики.
2. Иванов В.А. Методологические основы инновационного развития агропромышленного комплекса // Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. 2008. № 2.

УДК: 635.665:631.445.56-67 (575.192)

СОЯ НАВЛАРИНИНГ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИ БЎЙИЧА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Сотторов О, Ачилов Ф. *– ТДАУ ўқитувчилари*

Кириш. Кундалик рационда инсон оқсил, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар ва бошқаларни истеъмол этиши лозим. Инсон қанчалик турли-туман озиқланса, унинг ҳаётфаолияти шунчалик фаол, организм эса шунчалик соғлом бўлади. Таъкидлаш жоизки, инсон организми маромида фаолият кўрсатиши учун оқсилга талаб бир кунда унинг вазнининг ҳар бир килограмми учун 0,7 г дан кам бўлмаслиги лозим [2].

Кейинги йилларда озиқ - овқат маҳсулотлари ва чорва учун ем ишлаб чиқаришнинг жадалашиши соя дони етиштиришни кўпайтиришни тақозо этмоқда. Соя таркибида тўла қимматли оқсил мавжуд бўлиб, у озиқлик қиммати бўйича ҳайвон оқсилидан қолишмайди. Унинг таркибида ноёб биологик фаол моддалар, лецитин, холин, А.В ва Е витаминлари, макро ва микроэлементлар ва бошқа қимматли моддалар мавжуд. Соя таркибида лактоза ва холестерин учрамайди [3].

Маълумки, оқсил тақчиллиги муҳим муаммодир, унинг етишмаслиги кўпгина касалликларни келтириб чиқаради. Озиқ-овқат маҳсулотлари орасида соя салмоғини ошириш билан нафақат бу муаммони ҳал этиш, балки тиббий препаратлар истеъмолини ҳам бирмунча камайтириш мумкин [4]. Кундалик рационни Американинг “Экспресс” технологияси бўйича тайёрланган соя маҳсулотлар билан бойитиш овқатланишни самарали, хуштаъм ва фойдали қилишга ёрдам бериши мумкин.

Соядан ишлаб чиқариладиган асосий қандолатчилик маҳсулотлари, тўлдирувчилар, гўшт, сут, пишлоқ ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Мойи эса озиқ-овқатда, майонез, маргарин ишлаб чиқаришда ишлатилади. Кўпгина олимлар ва ишлаб чиқарувчилар “соя-озиқ-овқат, ем-хашак ва келажак” дейишади. Соя ёрдамида тўла ўсимлик оқсили ишлаб чиқариш муаммоси ҳал этилади. Охирги йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғориладиган ерларида соя ўсимлигини етиштириш кенг йўлга қўйилмоқда [1]. Лекин бу ўсимликнинг навлари, етиштириш агротехнология, суғориш тартиблари ва соя етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги етарлича ўрганилмаган. Шуни учун Ўзбекистонда юқорида келтирилган муаммоларни ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда [1].

Тажриба услуби. Юқорида келтирилган долзарб муаммолардан келиб чиққан ҳолда 2015-2018 йиллар давомида Қашқадарё вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экилган соянинг Орзу, Ўзбекистон-2, Олтинтож ва Селекта-201 навларининг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича дала тажрибалари олиб борилди. Тажриба майдонининг тупроғи типик бўз, оғир механик таркибли сизот сувлари чуқур жойлашган (>3). Тажриба 12 вариантда, 3 такрорланишда олиб борилди ва соя навларининг суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги 70-70-70 %, 70-75-75 %

ва 70-80-80 % (тупроқнинг чекланган нам сиғимига нисбатан) бўлган тартибда суғоришлар ўрганилди.

Тажриба натижалари. Соя экинидан мўл ҳосил олиш ва ундан юқори иқтисодий даромад олишда етиштириладиган навларнинг биологик хусусиятлари ва уларни етиштириш агротехнологиялари, жумладан суғориш тартиблари катта амалий аҳамиятга эга. Серҳосил, ташқи муҳит таъсирига бардошли, қурғоқчилик ва шўрланиш таъсирларга чидамли навлардан кўп иқтисодий даромад олиш мумкин, аксинча кам ҳосил берадиган, жойининг иқлим тупроқ шароитларига мослашмаган, кассаликлар ва зараркунандалар таъсирга чидамсиз навлари кам ҳосил беради ва уларни етиштириш иқтисодий жиҳатдан самара бермайди.

Тажриба майдонида ўрганилган соя навлари узоқ йиллар давомида илмий-тадқиқот институтларида, уруғчилик тажриба хўжаликларида синовдан мувофаиққиятли ўтган ва улар мўл ҳосил берувчи, ташқий муҳит таъсирга чидамли, кассалик ва зараркунандаларга бардошли навлар эканлиги аниқланди.

Тажриба майдонида ўрганилган соя навларининг суғориш тартиблари бўйича аниқланган иқтисодий самародорлиги натижалари 1- жадвалда келтирилган ушбу жадвалда соя навларини етиштириш учун қилинган барча харажатлар (уруғ нархи, шудгорлаш, ерни экишга таёрлаш, экиш, қатор ораларга ишлов бериш, ўғит сотиб олиш ва уларни ерга солиш, суғориш, ҳосилни йиғиштириб олдиш, ташиш каби харажатлар) ҳисобга олинган.

Бунда соя навлари ва суғориш тартиблари бўйича қилинган барча харажатлар гектарига 3117000-3400000 сўмни ташкил қилди.

Маҳсулотни сотишдан келган даромадни аниқлаш учун 2017 йилда соянинг харид нархидан (навлар бўйича ўртача 2500 сўм /кг) фойдаланилди. Юқорида келтирилган ҳисоб-китоблар бўйича олинган энг кўп соф фойда тажирбада ўрганилган соянинг Ўзбекистон-2 ва Олтинтож навларини суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧНС га нисбатан 70-75-75% бўлиб, мавсум давомида 6 марта 600-980м^3/га ҳисобида суғорилганда қайд қилинди.

Бунда соянинг Ўзбекистон-2 навидан олинган соф фойда 4115000 сўм/га, рентабелик даражаси 121 %, маҳсулотнинг танархи 1128 сўм/кг бўлди. Соянинг Олтинтож навидан олинган соф фойда 3605000 сўм/га, рентабллик даражаси 107 %, маҳсулотнинг таннархи 1208 сўм/кг ни ташкил қилди.

Хулоса. Тадқиқот натижаларига асосланиб хулоса қилиш мумкинки, Қашқадарё вилоятининг типик бўз сизот сувлари чуқурлиги (>3 м) жойлашган ерларида соянинг Ўзбекистон-2 ва Олтинтож навларини етиштиришда суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧНС га нисбатан 70-75-75 % бўлиб, 6 марта суғорилганда энг кўп дон ҳосили ва юқори иқтисодий самара олиш мумкин.

Жадвал

Соя навларининг суғориш тартиблари бўйича иқтисодий самарадорлиги

Вар.№	Соя навлари	Ҳосилдорлиги ц/га	Ҳосилни етиштирш харажатл, сум/га	Сояни сотишдан келган даромад сум /га	Соф фойда сўм/га	Таннарх сўм/га	Рентаблик %
1	Орзу	24,1	3317000	6025000	2708000	1376	82
2		25,6	3360000	6525000	3165000	1312	94
3		25,3	3394000	6325000	2931000	1341	86
1	Ўзбекистон-2	27,2	3340000	6800000	3460000	1228	103
2		30,0	3385000	7500000	4115000	1128	121
3		29,0	3400000	7250000	3850000	1172	113
1	Олтинтож	24,4	3317000	6100000	2783000	1359	84
2		27,1	3370000	6975000	3605000	1208	107
3		26,4	3394000	6600000	3206000	1286	94
1	Селекта-2	24,1	3317000	6075000	2758000	1376	83
2		26,9	3370000	6725000	3355000	1253	100
3		26,2	3394000	6550000	3156000	1295	93

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017й 14 мартданги ПҚ-2832-сонли “2017-2021йилларда Республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Атабаева Х.Н. Соя. Тошкент-2009. 106 бет
3. Сулаймонов Б.А., Атабаева Х.Н., Тиллаев Р ва бош. Соя экинини етиштиришни биласизми? (қўлланма), Т-2017. 7 бет
4. Вавилов П.П., Посыпанов Г.С. Бобовые культуры и проблемы растительного белка. Росссельхозиздат, 1983. 76 бет
5. Баранов В.Ф Довыденко О.Г. Кочегур А.В “техналогии высокобелковой сои” Краснодар, 2005 г ностр.

АГРАР СОҲА КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жўраев Ф.М. *– ТДАУ ассистенти,*
Файзуллаев Ш.Ш. *–ТДАУ ассистенти*

Бугунги кунда барқарор иқтисодий ўсишни ва аграр секторнинг ривожини инновацияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки айнан инновацияларнинг жорий этилиши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг техник-технологик базасида сифат жиҳатидан ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган бўлиб, улар ёрдамида жахон стандартларига мос ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради.

Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришда инновациялар асосида тармоқни модернизациялаш масалаларига асосий эътибор қаратилган. Жумладан,

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектларини янгилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш белгилаб олинган[18].

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан ишлаб чиқариш соҳасини инновацион ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида урғу берилмоқда. Иқтисодиётимизни модернизациялаш жараёнларида мамлакатимиз маҳсулотларини экспорт қилувчи ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва янги бозорларни ўзлаштириш чора-тадбирлари давом эттирилмоқда.

Республика Президенти таъкидлаганидек, аввало, “селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйишимиз, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур”[19].

Бозор иқтисодиёти шароитида фан ва техника ютуқлари асосида турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг самарали технологияларини жорий этиш техник жиҳатдан янгилашни ҳақли равишда агросаноат мажмуи субъектларининг ички имкониятларини сафарбар этишнинг, иқтисодий ўсиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштиришнинг ҳал килувчи йўналиши сифатида қаралмоқда.

Технологик тизимларни модернизацияламасдан корхоналар юксак сифат талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, демакки товарнинг ҳам, корхонанинг ҳам рақобатбардошлигини таъминлаш имкониятига эга бўлмайди.

---

[18] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони – 07.02.2017 й. ПФ-4947-сон. www.lex.uz

[19] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони- 29.11.2017 й. ПФ-5264-сон

Инновацион жараёнлар мамлакат иқтисодиётининг аграр соҳасидаги ишлаб чикариш, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал килишнинг самарали воситасидир. Шу билан бир вақтда айнан самарадорлик тармоқда инновацион жараёнларни фаоллаштириш учун муҳим шарт-шароит ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги шароитда агроиқтисодиётнинг инновацион фаолиятида ушбу жараённи ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш зарур. Бу агроиқтисодиётнинг ҳар бир тармоғини ва ҳар бир йўналишини инновация жараёни самарадорлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқишни тақозо этади.

Маълумки аграр соҳада иқтисодий самарадорликка эришиш ва уни таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда кўпинча маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги харажатларни қисқартириш ёки ресурслар сарфини меъёрлаштириш билан боғланмоқда. Лекин ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишнинг фақат ресурслар сарфини камайтириш билан боғлиқ бўлган йўналишини танлаш ва шу орқали мақсадга эришишга интилиш бизнингча ягона тўғри йўл деб бўлмайди. Тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш муаммосига комплекс тарзда ёндашиш, жумладан замонавий илғор технологиялар ва инновацион янгиликларнинг кириб келишини таъминлаш масаласи ҳам сифат ва самарадорликни таъминлашнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Чунки, инсон томонидан янгиликка интилиш натижасида яратилган маҳсулот, илғор ғоянинг ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилиниши илмий-техник тараққиётни сифат жиҳатдан яна бир босқичга оширади. Илмий-техник тараққиёт эса, энг аввало, фаннинг ривожи билан бевосита уйғунликда ривожланади[20].

Фикримизча, инновацион фаолиятни ташкил этишнинг таклиф этилаётган методикаси қуйидаги тамойилларга асосланади:

– мақсадлилик;

– тизимлилик;

– ташкил этувчи барча таркибий қисмларнинг концептуал бирлиги.

Мазкур методикани ишлаб чиқишнинг асосий мақсади саноат корхоналари инновацион фаолиятини ташкил этиш бўйича маълум дастур яратиш ҳисобланади. Қўйилган мақсаддан келиб чиқувчи вазифалар қуйидагилардан иборат:

– корхонада инновацион фаолиятни ташкил этиш ишларининг мазмуни ва мантиқий изчиллигини таъминлаш;

– инновацияларнинг яратилиши ва тарқалиши бўйича корхонанинг барча бўғинлари ҳамда хизмат бўлимлари фаолиятининг мувофиқлигини таъминловчи мос ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш;

– инновацион фаолиятнинг муайян жиҳатлари бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

[20] http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/46629--agrar-sohada-innovatsiyalar-va-intllktual-mulkdan-foydalanish-samaradorligini-oshirish-yollari-

– корхонада инновацион фаолиятнинг мақсадлилиги ва тизимлилигини таъминлаш;

– корхонада инновацион фаолиятни илмий асосда ташкил этиш[21].

Таъкидлаб ўтганимиздек, ҳозирги пайтда “инновация” тушунчасини аниқлаб берувчи, шу жумладан, дунё мамлакатлари қонунчилигида турли хилдаги изоҳлар мавжуд. Хусусан, Россия Федерациясининг инновациялар тўғрисидаги қонунида инновация амалдаги қонунчиликка кўра интеллектуал мулк сифатида тан олинган, илмий, илмий-тадқиқот ёки илмий-техник фаолият натижаси сифатида тавсифланган. Масалан, Россия Федерациясининг амалдаги расмий статистикаси инновацияга “инновация бу – инновацион фаолиятнинг пировард натижаси сифатида бозорга чиқарилган янги ёки мукаммаллаштирилган маҳсулот ёки хизматлар ҳамда амалиётда фойдаланишга жорий этилган янги ёки мукаммаллаштирилган технологик жараён ёки ишлаб чиқариш (хизмат) усулларидир”, дея таъриф берилган.

Инновация фақатгина бозорга чиқарилганда ёки ишлаб чиқариш жараёнига қабул қилингандагина намоён бўлади. Ўз-ўзидан маълум бўладики, корхонанинг инновацион фаолияти расмий статистикада қайд этилиши билангина амалга ошган ҳисобланмайди. Ташкилий-бошқарув соҳасида (айнан маркетинг соҳасида) инновацияларсиз корхонанинг самарали инновацион ривожланишини таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун, ушбу методик тавсиямизда “инновация” тушунчасини турли ўринларда, айнан, давлатнинг тартибга солиш функциясидан келиб чиқувчи талаблари, статистика ва корхона талаблари нуқтаи назаридан акс эттириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Инновацион фаолият таҳлили қуйидаги йўналишларни ўз ичида мужассамлаштириши зарур:

– корхонанинг ўз бўш пул маблағлари ва умумий молиявий ҳолати таҳлили;

– инновацион лойиҳалар учун харажатлар таҳлили;

– кўриб чиқилаётган, жорий этишга қабул қилинган, жорий этилаётган, жорий этилган ва рад этилган лойиҳаларнинг тузилмавий таҳлили;

– инновацион лойиҳаларни жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашни ҳисобга олиш тизимини тадқиқ этиш;

– жорий этилган инновацион лойиҳаларнинг корхонанинг бутун хўжалик фаолияти натижаларига таъсирини баҳолаш;

– корхонанинг моддий ресурслари ва кадрлар базаси салоҳиятининг инновацион фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги таҳлили;

– инновацион фаолиятни амалга ошириш самарадорлигининг интеграл кўрсаткичлари;

– корхонанинг инновацион ривожланишига ташқи муҳит таъсирининг таҳлили.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион фаолиятни ташкил этишнинг таклиф этилаётган методикаси мамлакатимиз корхоналари инновацион

[21] http://biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/36785-korxonalarda-innovatsion-faoliyatni-boshqarish

фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш учун зарур асос бўлиб, бу борадаги ишларнинг амалга ошириш тезлигини орттиришга хизмат қилади. Зеро, миллий корхоналаримизда инновацион ишлаб чиқаришнинг жадаллик билан ривожлантирилиши улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ортишига ва жаҳон бозорида етакчилик ўрнини мустаҳкамлашга имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони – 07.02.2017 й. ПФ-4947-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. 29.11.2017 й. ПФ-5264-сон
3. http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/46629--agrar-sohada-innovatsiyalar-va-intllktual-mulkdan-foydalanish-samaradorligini-oshirish-yollari-http://biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/36785-korxonalarda-innovatsion-faoliyatni-boshqarish

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ботиров Э.Х. *- ТДАУ "Агрологистика" кафедраси доценти, и.ф.н.*
Деҳқонова Ш.С. *– катта ўқитувчи*

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида,ҳ ар бир минтақа (қишлоқ жойлари)да ижтимоий сиёсатни тартибга солиш усуллари орқали мамлакат иқтисодиёти таркибий тузилишини ўзгартиришга таъсир этади.

Мамлакат қишлоқ жойларини иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тартибга солиш мақсадини амалга оширишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг барча қишлоқларини барқарор ривожлантириш учун уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаларини имкон даражада тенглаштириш;
- қишлоқларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш;
- ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши ва ривожланишидаги асоссиз вужудга келтирилган номутаносибликни бартараф этиш;
- қишлоқ жойлари ихтисослашувини оқилона ташкил этиш ва туманлараро иқтисодий алоқаларни оптималлаштириш;
- қишлоқ жойларининг ташқи иқтисодий интеграциялашуви, айрим қишлоқ жойларининг иқтисодий ва ижтимоий биқиқлигига барҳам бериш.

Қишлоқ жойлари ривожланишини давлат томонидан тартибга солишда қуйидаги вазиятларни инобатга олиш лозим бўлади:
- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари иқтисодий базасини;
- маҳаллий бюджетларнинг ҳолати;
- хусусий сектор ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантиришга берилган имкониятлар;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шаклларига;
- солиқ имтиёзларини қўллаш тажрибасига;
- бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ҳолатига;
- молиявий ресурсларга;
- қишлоқ жойларининг инвестициявий ва экспорт имкониятларига;
- вилоятлараро ва туманлараро, шунингдек, ташқи иқтисодий алоқаларга;
- бозор инфратузилмаси объектлари ривожланиш даражасига;
- аҳолининг иш билан бандлик муаммоларининг хусусиятларига;
- қишлоқ жойларидаги экологик вазиятга боғлиқ.

Қишлоқ жойлари ривожланишини давлат томонидан тўғридан-тўғри тартибга солиш республика бюджети, дотация ва субвенциялар ҳисобига мақсадли дастурлар ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали амалга оширилади.

Қишлоқ жойларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солишдан кўзланган бош мақсад қишлоқ жойларини барқарор ривожлантиришни рағбатлантириш ва иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражалари ўртасида кескин фарқларнинг вужудга келишига йўл қўймаслик учун шароит яратишдан иборат.

Қишлоқ жойларини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад қишлоқ жойлари иқтисодиётни унинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ташқи манбаларни жалб этиш йўли билан мутаносиб ва оқилона ривожлантиришдан иборатдир.

Ушбулардан келиб чиқиб, қишлоқ жойлари дастурларини ишлаб чиқишда қўйидаги вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади:
- қишлоқ жойлари ижтимоий-иқтисодий аҳволини умумий баҳолаш ва иқтисодий ривожланишнинг асосий тенденциялари, иқтисодий ўсиш муаммоларини ва резервларини аниқлаш;
- қишлоқ жойларининг маҳаллий минерал-хом ашё, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг миқдор ва сифат даражаларини таҳлил қилиш;
- қишлоқ жойларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш, истиқболли тармоқлар ва қишлоқ жойларининг ихтисослашиш соҳасини, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш;
- махаллий қишлоқ хўжалиги ва минерал хом ашёлардан самарали фойдаланишга асосланган, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни шакллантиришнинг аниқ йўлларини белгилаш, жаҳон даражасидаги тайёр

маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни вужудга келтириш;
қишлоқ жойларида қулай, жозибадор инвестицион муҳитни яратиш, хорижий инвесторлар, маҳаллий корхоналар, тадбиркорлар, аҳоли маблағлари ва ресурсларини кенгроқ жалб этиш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш;
- хўжалик субъектлари ўртасида рақобат шароити ва тўлақонли бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;
- қишлоқ жойларини озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа оммавий истеъмол моллари билан ўзини-ўзи таъминлашини амалга ошириш;
- қишлоқ аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш учун қулай шароитни шакллантириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш орқали унинг қишлоқ жойлари ялпи ички маҳсулотидаги улушини ошириш;
- қишлоқ жойларининг ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш, экспорт ва импорт таркибини, қишлоқ жойларида фаолият юритаётган хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини янада яхшилаш ва янги қўшма корхоналарни ташкил этиш.

Диверсификация – (лотинчадан diversus- ҳар хил ва facere-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

Диверсификация стратегияси – корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ва маҳсулот етиштириш мавсумий характерга эга бўлганлиги ва табиий-иқлим шароитларига боғлиқлиги, шунингдек, ўсимликлар ва чорва моллари турли касаллик ва зараркунандалар тарқалиши, бозордаги талабнинг ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларининг паст бўлиши, ёнилғи мойлаш материаллари, минерал ўғитлар баҳоларининг ортиб кетиши, баъзи турдаги иш ва хизматлар бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан қўйиладиган юқори нархлар фермер хўжаликлари даромадининг пасайишига, тўловга лаёқатсиз қилиб қўяди. Бундай шароитда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан биргаликда ўз хўжаликларида ноқишлоқ хўжалик фаолиятини ривожлантириши лозим бўлади. Бундай фаолият турларига қуйидагилар киради:
- етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш;
- қишлоқ жойларда маданий-маиший, хизмат кўрсатиш ва савдо-сотиқ;
- касаначилик, ҳунармандлик;
- қурилиш хизматлари ва бошқалар.

Аграр соҳада туб ислоҳотларни амалга оширишда давлат томонидан қишлоқ жойларини ташкилий-ахборот, ташқи иқтисодий фаолият, хорижий кредитлар, грантлар олиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, халқаро дастурлар ва техник кўмаклар лойиҳаларида иштирок этишида ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАНИШИ

Қаршиев Ш.Э. - - *ТДАУ "Агрологистика" кафедраси доценти, и.ф.н.*

Чорвачилик- аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминловчи асосий тармоқ бўлиб, республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи улушининг 40,0 фоизи чорвачилик махсулотлари хиссасига тўғри келади. Жорий йилда чорвачиликни ривожлантириш борасида Президентимиз томонидан 2 та мухим қарор қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги "Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4243 –сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги "Ветеринария ва чорвачилилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5659-сонли фармони шунингдек, 2012-2020 йилларда чорвачиликни ривожлантиришга мўлжалланган Дастурларнинг қабул қилиниши чорвачилик сохасини ривожланишини таъминламоқда.

Президентимиз томонларидан сохани ривожи учун қабул қилинган иккита муҳим қарор ва ушбу қарорлар билан чорвачилик соҳасига берилган имтиёзлар эвазига, тежалган маблағлар наслчилик ишларини яхшилашга, янги технологияларни олиб киришга замин яратиб, чорва мол бош сонлари ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўпайишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-308, ПФ-842, ПФ-5659-сонли фармонлари ва ПҚ-4243-сонли қарорига асосан чорва моллари озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида озуқа экинлар майдонини ошириш, лалми ва яйлов ерларини доимий ёки узоқ муддатга ижарага бериш,озуқа экинлар уруғчилигини ташкил этиш, кучли озуқалар етказиб бериш тизими белгилаб берди.Ушбу қарорга асосан ҳар бир туманда уруғчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари ташкил этиш масаласи бугунги кунгача тўлиқ ўз ечимини топгани йўқ. Шу сабабли озуқа экинларининг элита ва суперэлита навлари билан таъминлаш мақсадида худудий дон корхоналарининг масъулиятини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Қарорга асосан ҳар бир туманда омухта ем, шрот ва шелуха сотиш бирлашмалари ва уларнинг кўплаб шахобчалари ташкил этилган бўлиб, бундан асосий мақсад шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига кучли озуқаларни етказиш тизимини соддалаштириш,

истеъмолчиларга тенглик асосида кучли озуқаларни ортиқча овворагарчиликсиз етказиб бериш кўзда тутилган.

Ушбу ҳолат аҳолини чорвачилик маҳсулотларига бўлган енгил хазм бўлувчи ва организм талабини 100 дан ортиқ турли-туман ноёб озиқ моддалари билан таминлайдиган сут, гўшт ва тухум махсулотлари билан таъминлашга ўз таъсирини кўрсатмоқда.Аҳолини медицина меъёрида сут, гўшт ва тухум махсулотлари билан таъминлаш ва бу борада кенг қамровли ишлар олиб бориш, алохида дастурлар қабул қилиш долзарб вазифалар бўлиб ҳисобланади.

Ветеринария ва чорвачилилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-5659-сонли фармони қабул қилиниши долзарб бўлиб, мамлакатимизда чорва моллари ва паррандалар бош сонини барқарор оширишни таъминлаш, ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария хизматлари сифатини ошириш, ҳайвонларнинг соғлиғини ҳимоя қилишни самарали ташкил этиш, эпизоотик осойишталик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.Шу билан бирга, чорва молларининг наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик йўналишидаги чорвачилик хўжаликлари фаолиятини ҳамда чорвачилик маҳсулотлариниетиштиришда йирик тадбиркорлик субъектлари кўпайтирилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.Республикада наслчилик-селекция ишларини юритишнинг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сунъий уруғлантиришни тизимли ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасидаги эпизоотик осойишталик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилди.Ушбу қўмитанинг асосий вазифалари ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ушбу соҳада давлат, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ветеринария фаолиятини лицензиялашни амалга ошириш,ветеринария соҳаси ва чорвачиликни барча тармоқларини, шу жумладан қорамолчилик, қўйчилик, қоракўлчилик, эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчиликни ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ушбу йўналишлар бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш,мамлакат ҳудудларини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, ҳайвонлар касалликлари профилактикасининг ва уларни даволашнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқаришни ташкил

этиш,эпизоотик осойишталикни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир профилактикаишларининг самарадорлигини мониторинг қилиш, чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмларини амалга ошириш, чорвачилик хўжаликларига озуқа етиштириш учун ажратилган ер майдонларида чорва озуқа экинларини жойлаштиришни ташкил этиш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришишни мониторинг қилиш,чорвачилик тармоқларида ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш ишларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштириш,ветеринария ва наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ва муомаласи юзасидан давлат назоратини амалга ошириш,ветеринария ва наслчилик-селекция соҳаларида илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновация ишланмалари натижаларини ветеринария ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этилишини мувофиқлаштириш,чорвачилик маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этиш, ветеринария ва чорвачилик соҳаларига хорижий инвестициялар ва грант маблағларини жалб қилиш,соҳа кадрларини тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, раҳбар ҳамда мутахассисларнинг иш услуби ва шаклларини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, унинг тизими ва ҳудудий ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.05.2019 йилдаги ПФ-4337 қарори экспорт фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш ва суғурта ҳимояси бўйича бутункомплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади. Ушбу қарорга асосан 2019 йил 1 июндан бошлаб тирик ҳолдаги товуқ, қуён ва балиқ ҳамда уларни қайта ишланган маҳсулотлари экспорти учун Президент ёки Ҳукуматдан рухсати талаб қилинмайди. Бу эса қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари учун катта имконият бўлиб маҳсулотларнинг экспорт қилиш ҳисобидан валюта тушумини ошириш имконини беради.

ИПАКЧИЛИК МАЖМУИДА ЗАМОНАВИЙ ИНТЕГРАЦИОН АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бахриддинов А. *- ҚХИИТИ катта илмий ходим,*
Менгликулов Б.Ю. *– ТДАУ профессори, и.ф.н.*

Пиллачилик ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажмуи агросаноат мажмуасининг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади. Ипакчилик тармоғини ривожлантириш мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошиши ҳамда чет эл валютаси тушумига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, маҳаллий ва хорижий инвестициялар оқимини тезлаштиради. Ипакчилик мажмуида интеграцион жараёнларни ривожлантириш, тармоқ корхоналарининг янгидан-янги мақсадли бозорларга чиқиши ҳамда ҳозирда фаолият кўрсатаётган бозорларда янада мустаҳкам ўрин эгаллаши, бозордаги улушларини кенгайтириши, рақобат муҳитини яхшилаши пиллачилик мажмуини барқарор ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан ҳисобланади.

Шу сабабли мустақиллик йилларида пиллачилик мажмуини ислоҳ қилиш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, пилла ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича Республика раҳбарияти ҳамда тегишли вазирлик ва давлат идоралари томонидан кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб босқичма-босқич равишда амалга ошириб келинмоқда. Шу жиҳатдан республика пиллачилик тармоғида юзага келган ҳолат ва тармоқдаги катта салоҳият ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз Президенти томонидан 2017 йил 29 мартда “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2856-сонли қарори қабул қилинганлиги тармоқни тубдан ислоҳқилиш ва ривожлантиришда тарихий аҳамиятга молик ҳужжат бўлди.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар республикамизнинг ипакчилик тармоғидаги мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти ва табиий-иқлим шароитларидан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида пилла хомашёси етиштириш ва қайта ишлаш тармоқлари ўртасида тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда интеграцион муносабатларни ривожлантиришни талаб этади.

Шу жиҳатдан иқтисодиётининг ипакчилик мажмуида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади тармоқда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда унинг таркибий тузилишини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, пилла хомашёси ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш, шунингдек, иқтисодий муносабатларни мамлакатимиз ва ривожланган хорижий давлатларда тўпланган илғор ҳамда инновацион тажрибалардан оқилона фойдаланган ҳолда ташкил этиш ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда пиллачилик мажмуи таркибига кирган ихтисослашган фермер хўжаликлари, пилла ва ипак маҳсулотларини тайёрлаш, ташиш, қайта ишлаш хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи корхона ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий, ташкилий–

иқтисодий муносабатларнинг замонавий талаблар асосида ўрнатилмаганлиги улар фаолиятини интеграцион асосда ривожлантириш, модернизация-лаш ва диверсификация қилиш жараёнларини ривожлантиришга маълум даражада салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Аграр иқтисодиётни ислоҳ қилиш натижасида пайдо бўлган интеграциялашган тузилмалар бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятларга эгалигига қарамай, уларнинг барчасини ўзаро фойдали ҳамкорликнинг иқтисодий механизмини шакллантиришни талаб этади. Ушбу жараённи чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчилар ва савдо корхоналари манфаатларини уйғунлаштиришга имкон берувчи янги бозор стратегияларини қидириб топишни тақозо этади.

Ипакчилик мажмуида интеграцияга умумий ҳолда қишлоқ хўжалигининг пиллачилик тармоғи ёки пилла хомашёси ишлаб чиқариш тармоғининг саноат ва унга боғлиқ бўлган хизмат кўрсатувчи тармоқлар билан ўзаро муносабатлари асосида бирлашиш жараёни сифатида қараш мумкин. Ипакчилик тармоғи корхоналарида интеграция негизини ташкил қилишда ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш масаласи муҳим ўрин тутади.

Интеграция жараёнига жалб этилган корхоналар маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланадилар. Шу асосда асосий бўғин ипакчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари бирламчи бўғин шаклида хомашёни қайта ишлаш эвазига қўшилган қийматни оширгани ҳолда, олинган даромадни тақсимловчи сифатида муҳим ўрин тутади. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштирувчи хўжаликларни қўллаб-қуватлашсиз, уларнинг иштирокисиз агросаноат интеграцияси вужудга келмайди. Ана шундай ишлаб чиқариш интеграциясида тармоқлараро алоқалар бирмунча соддалашади, яъни ташқи ва ички алоқалар боғлиқлиги кучаяди. Натижада ташқи ва ички алоқалар мақсади узаро уйғунлашади ва уларнинг «эгилувчанлиги», ишончлилиги ортади.

Шундан келиб чиқиб, пиллачилик тармоғида пилла ва ипак маҳсулотларини етиштиришдан тортиб, истеъмолчига етиб боргунга қадар ягона технологик занжирнинг барча бўғинларини қамраб олувчи истиқболли ташкилий-бошқарув тузилмаларини яратиш, бунда мажмуадаги кооперация ва интеграцион ривожланишни таъминлаш борасидаги назарий манбааларни ўрганиш ва аграр иқтисодиётнинг бошқа йўналишларида бажарилган илмий ишларни танқидий жиҳатдан ўрганиш, ушбу йўналишдаги ривожланган хорижий давлатлардаги иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган фикр мулоҳаза ва таклифлар республикамизда айнан ипакчилик тармоғи учун мақбул бўлган жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш кутилган натижаларни беради.

Бу ўз навбатида республикамизда пилла ва ипак маҳсулотлари устун ривожланган ҳудудларида ҳозирги кунда жаҳон ва ривожланган хорижий давлатларда кенг ва муваффаққиятли амал қилиниб келинаётган яъни агросаноат интеграциясини бирмунча такомиллашган шакли бўлмиш

кластерли ёндашувни қўллаш заруратини келтириб чиқаради. Тўғри бугунги кунда республикамизда, хусусан мева-сабзавотчилик тармоғида агросаноат кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш давлатимизда юритилаётган аграр сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Лекин, Мухтарам Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек бу масалага шошқолоқлик ёки яна бир "компаниябозлик" тадбири сифатида эмас тармоқ ва ҳудудларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бажариш лозимлигини уқтирмоқдалар.

Шу жиҳатдан тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда пилла хомашёси етиштириш ва ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизими ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги, яъни, етиштирилган пилла хомашёси тўлиқ қайта ишлашга муҳтожлиги, уларнинг истеъмолчига етиб боргунича бир неча босқичдан ўтиши, яъни, тайёрлаш, қайта ишлаш, ташиш ва сотиш жараёнида олинадиган соф фойданинг асосий қисми оралиқ бўғинларида қолиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқарувчи – фермер ва деҳқон хўжаликларининг моддий манфаатларининг пасайишига олиб келиши, бу эса, ўз навбатида, маҳсулот сифатини яхшиланиши ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳамда ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг юксалишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жиҳатларни ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиёт тармоқларида шу жумладан пиллачилик мажмуида ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер усули интеграцион жараёнларнинг энг замонавий кўринишларидан бири сифатида эътироф этилади.

Таҳлил натижалари кўрсатишича, ҳозирги кунда уюшма томонидан бундай ёндашув асосида интеграцион алоқаларни шакллантириш ишлари пиллани қайта ишлаш жараёнида ташкил этилган. Келтирилган расмдан кўриш мумкинки Уюшма тизимида пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан ҳудудларни кластер усулида бириктириш орқали пилла етиштириш жараёни асосан учта босқичдан иборат бўлиб,корхона томонидан ипак қурти уруғини етказиб бериш ва пилла етиштириш жараёни, озуқа базаси мавжудлиги ва таъминоти ва шартнома муносабатлари ва пиллани харид қилиш тизимини қамраб олган. Фикримизча уюшма тизимида пиллани қайта ишлаш корхоналаритомонидан ҳудудларникластер усулида бириктириш орқали пилла етиштириш жараёнининг амалдаги ҳолати маълум даражада шакллантирилган бўлсада замонавий интеграцион тамойилларга тўлиқ жавоб бермайди.

Интеграцион муносабатларни ташкил этиш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишловчи саноатни интеграциялашуви пировард маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча омилларини бирлаштирувчи, истеъмолчига янада яқинлаштирувчи объектив иқтисодий жараён ҳисобланади ва бу ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ишловчи тармоқлар билан доимий ва барқарор алоқа ўрнатиши билан боғлиқ.

Республикамиз агросаноат мажмуаси ва унинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган пиллачилик мажмуини ривожлантириш бевосита унинг барча тармоқларини биргаликда бир мақсадни кўзлаган ҳолда комплекс тарзда амалга оширишни талаб этади. Чунки бугунги кунда мамлакат аграр тармоғида пилла ва ипак маҳсулотлари етиштириш ва уни экспорт қилиш борасида катта тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд.

Шу жиҳатдан келажакда қишлоқ хўжалиги, хусусан пиллачилик мажмуини барқарор ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти тармоқларида олиб борилаётган таркибий ислоҳотлар, яъни иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш, ташкилий-иқтисодий муносабатларни ўрнатишда бутунлай янги усул ва тамойилларда ёндашишни таъминлайдиган ва дунё давлатларида синовдан ўтган агросаноат тармоқларини ривожлантиришнинг кластерли ёндашув усулларини кенг жорий этиш каби масалаларни республикамиз пиллачилик тармоғидаги мавжуд шарт-шароит ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги вақтда дунё иқтисодиётида кенг тарқалган илғор тажрибаларни назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш ва уларни жорий этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ва рақобат курашининг кескинлашуви тезлашган ҳозирги шароитда иқтисодиётни кластер ёндашуви асосида ташкил этаётган минтақа ва ҳудудлар иқтисодий ривожланишда олдинги ўринларга чиқиб олмоқдалар. Бундай ҳудуд ва истиқболлар ўзлари жойлашган давлат ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражасини белгилаб бермоқда. Иқтисодий ривожланишнинг кластер усулидан фойдаланмаётган, яъни анъанавий ёндашувни қўллаётган ҳудудлар эса сезиларли натижаларга эриша олмаяпти ва иккинчи даражали ҳудудларга айланмоқдалар.

Пилла ва ипак маҳсулотларини қайта ишлаш саноатида интеграцион жараёнларни ривожлантиришнинг инновацион усулларидан ҳисобланган кластерларни ташкил этиш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уларни рақобатбардошлигини оширишда бир қатор рақобат устунликларини яратади: биринчидан уларнинг кластерга кирган фирма ва тармоқ корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ошиши ва маҳсулот сифатининг яхшиланишини, иккинчидан инновацион ривожланиш имкониятларини оширади, учинчидан тадбиркорликни янги турлари ривожланишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2856-сонли қарори.

2. У.Нигмаджанов “Проблемы трансформации и функционирования АПК Узбекистана в переходной период к рыночной эканомики” Автореферат на сиоиск. Д.э.н. Ташкент.:Уз НИИРР.2002г с-22.

3. А.Калныньш, В.Цибульский Развитие агропромышленной интеграции и экономического механизма Рига. Авантс, 1986. -9 с.

4. Х. Хушвақтова “Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари” дисс. и.ф.н. Тошкент.: ЎзБИИТИ. 2005 й-10 б.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Шодмонқулов К.М. *- ТДАУ “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедраси ўқитувчиси*
Джуманов Д.С. *– ТДАУ “Агрологистика” кафедраси доценти*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 5199 сон Фармонида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, фермер ва деҳқонларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилганлиги эътироф этилиб, .”Шу билан бирга, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, тизимда бозор механизмларини жорий этишда, кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор ошириб боришда ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда” деб таъкидланган.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва фермер хўжаликларини ривожлантириш йўллари, фаолиятининг мақсади маълум бир даврдаги юқори самарадорликка эришиш эмас, балки узоқ келажакда аҳолининг меъёр талаблари даражасида экологик жиҳатдан тоза бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом ашё билан таъминлашдан иборат. Фермер хўжаликлари иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида кўп тармоқли фермер хўжаликлари сифатида фаолият юритишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида фаолият кўрсатмоқда ва ўз истиқболини топмоқда.

Фермер хўжаликларини ривожланишида асосий эътибор ердан самарали фойдаланиш, қишлоқ аҳолисининг даромадлари, уларнинг турмуш тарзи, ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат даражаси, экологик мувозанат ва атроф-муҳит муҳофазасига қаратилади яъни, бу ерда мақсад юқори ҳосил олиш эмас, балки иқтисодий самарадорлик мезонларига мос ҳамда сифатли ҳосилдорликка йўналтирилган ишлаб чиқариш барқарор

қишлоқ хўжалигининг асосий мақсади сифатида эътироф этилади. Иқтисодий барқарор фермер хўжаликлари фаолиятининг мақсади маълум бир даврдаги юқори самарадорликка эришиш эмас, балки узоқ келажакда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом ашё билан таъминлашдан иборат.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва фермер хўжаликларини ривожланишини таъминлашда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши, замонавий технологияларни жорий этиши, фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, экин турларини ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, мамлакат эҳтиёжлари ва бозор талаблари асосида жойлаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ҳар бир гектар майдон ҳисобига олинадиган фойда миқдорини кўпайтиришга қаратилган самарали тизимларни жорий қилиш устувор йўналишлардан бири эканлигини атрофлича ўрганиш мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва тармоқнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аграр тармоқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун барча ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмокда. Бунинг натижасида йилдан-йилга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги мустаҳкамланиб бормоқда.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги тажрибаларининг кўрсатишича, оилавий фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришдаги янгиликларга бўлган қизиқиш устун ривожланади, ер ва мулкни қадрига етиш, оила аъзоларининг бир-бирига бўлган муносабати қаттиқ тарбияланади, ахлоқий урф-одатлар мустаҳкам сақланади ва авлоддан-авлодга ўтиб келади. Шунинг учун жаҳон қишлоқ хўжалигида оилавий фермер хўжаликлари ўзининг иқтисодий барқарорлиги ва мустаҳкамлиги билан алоҳида ажралиб туради ҳамда юқори баҳоланади. Деҳқончилик – бу қишлоқ хўжалигининг оддий тармоғи ҳисобланмасдан, унда меҳнат қилаётган фуқарорлар жамиятда бир ахлоқий ва маънавий бойликларни сақловчи ва тарқатувчи йирик куч сифатида алоҳида қадрланади. Унинг асосини эса шахснинг эркинлиги, оила ва ўз ерига муҳаббат ташкил этади.

Сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш юзасидан Ўзбекистонда фермер хўжаликларини босқичма-босқич ташкил этиш ва кўпайтириш қисқа муддатда қишлоқдаги меҳнаткаш ва тажрибали деҳқонлар қобилиятини тўла кўрсатиши ҳамда ишга солишга шароит яратади.

Деҳқонларда мулкка эгалик ва мустақил меҳнат қилиш шароитини яратилиши эса бозор муносабатларига ўтиш жараёнида қишлоқ хўжалигида нобарқарор вазиятни олдини олиш, қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ер майдонлари ва моддий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларни ўз муддатидан олдин ҳисобдан чиқарилишига чек қўяди, қўшимча ер майдонларини ўзлаштириш имкониятини яратади. Бу эса пировард натижада

мамлакат саноатини хом ашёга, аҳолини эса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, жаҳон бозорига сифатли, тайёр рақобатбардош маҳсулот экспорт қилиш орқали валюта тушумини мустаҳкамлашда муҳим пойдевор ҳисобланади.

Фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг меъёрий-хуқуқий асослари яратилди. Бунда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонун муҳим ўрин тутиб, у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва юритишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берди. Қишлоқда деҳқоннинг ерга ва ўзи яратган маҳсулотга эгалик ҳиссини оширишга қаратилган мулкий муносабатлар ҳамда унинг мукаммал ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Булар қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқариш хажмини ошириш, сифатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ерларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бунинг учун биринчи навбатга ернинг хақиқий эгаларини топиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, сақлаш, қайта ишлаш, экспортга йўналтириш, уларга маблағ топиб бериш каби масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни барқарор ривожлантиришга оид муносабатлар, уларнинг ҳуқуқий асослари ривожланиб бормоқда. Фермер хўжаликларини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган. Бугунги кунда фермерлик ҳаракати билан боғлиқ муносабатлар 4 та кодекс (Фуқаролик, Ер, Меҳнат, Хўжалик процессуал Кодекслари), 10 га яқин қонунлар (Фермер хўжалиги, Сув ва сувдан фойдаланиш, Ветеринария, Ўсимликларни ҳимоя қилиш, Наслчилик, Уруғчилик ва бошқа Қонунлар), 15 дан зиёд Президент Фармон ва қарорлари, 20 дан ортиқ Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тартибга солиниб келинмоқда.

Республикада қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши ва унинг ҳудудий ҳамда туман тузилмалари ташкил этилган, уларга кенг ҳуқуқ ва ваколатлар берилган, Мазкур Кенгашлар фермерлик ҳаракатининг ўзаги, йўналтирувчи кучи бўлмоқда. Натижада фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси ҳамда аграр соҳани ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни ҳамда ишлаб чиқаришларни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда.

Фермер ўзига иш жойи яратиб ва ўзини иш билан таъминлаб қолмасдан, балки бошқалар учун ҳам иш жойларини яратиш, одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий муаммоларидан бир қисмини давлат зиммасидан ўз зиммасига олувчи субъект сифатида намоён бўлмоқда.

Фермер хўжаликларининг барқарор ривожланиши натижасида фермер хўжаликларининг сони, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши, чорва моллари бош сони ҳамда фермер хўжаликларида

ишловчиларнинг сони тез суръатларда ўсиб бормоқда. Фермер хўжаликларига хос бу хусусият аграр соҳада уларнинг хўжалик юритишнинг энг самарали шаклларидан бири сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаётганини кўрсатмоқда.

Фермер хўжаликларининг ўрни улар етиштираётган пахта, галла ёки озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан белгиланмасдан, улар мулк эгаси, етиштирилган маҳсулот ва ижарага олинган ер эгаси сифатида - мулкдорлар синфининг қишлоқдаги хақиқий вакили бўлиб намоён бўлмоқда.

Фермерларнинг даромади фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан эмас, балки мулкдан, маҳсулотни қайта ишлашдан, уни ички ва ташқи бозорда сотиш ва ниҳоят, бошқа тармоқлар фаолиятидан шаклланмоқда. Фермер хақиқий тадбиркор, бозор субъектига айланиб бормоқда. Фермер хўжаликларини иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг аҳамияти қуйидагилар билан белгиланади:

- қишлоқ хўжалигида ер, меҳнат маҳсули ва ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган мулкдор синфини ривожлантириш;
- сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш;
- қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлаш;
- қишлоқ худудларида ижтимоий муҳитни мустаҳкамлаш, сиёсий барқарорликни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалигида ташкилотчи, тадбиркор ва маънавий етук шахсларни шакллантириш, янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини яхшилаш;
- ердан сифатли фойдаланиш асосида тупроқ унумдорлигини ошириш ва харажатларни камайтириш орқали атроф-муҳит ва экологиянинг мусаффолигини таъминлаш.

Фермер хўжаликлари мамлакат қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда асосий бўғин ҳисобланади. Улар стратегик аҳамиятга молик бўлган ғалла, пахта ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларга эга бўлди. Шу билан қишлоқ хўжалигида барқарор ривожланишга эришиш асоси таъминланди. Давлат фермерларни қўллаб-қувватлаш, улар ривожини рағбатлантиришнинг молиявий-иқтисодий механизмларини жорий этди. Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлашди, бу қишлоқ аҳолисининг даромадларини кўпайишига, турмуш фаровонлигини ошишига олиб келмоқда. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари самарадорлигини ошиши, фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотларининг кенгайиши, истиқболда ишлаб чиқариш кооперациясига асосланган кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. Бу – молиявий-иқтисодий жиҳатдан бақувват, барқарор ривожланиш манбасига эга бўлган фермер хўжаликларини шаклланишини кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ -4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сонли қарори.
3. Abdug`aniev A., Abdug`aniev A.A. «Qishloq xo`jaligi iqtisodiyoti», T.: «O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot Jamg`armasi», 2012.
4. C.R.McConnell, S.B.Brue. Economics. 17th Ediion.Mcgraw-hill/Irwin, USA, 2013.2.
5. www.stat.uz

ДИНАМИКА ЭФФЕКТИВНОСТИ И ОПТИМИЗАЦИИ ПРОЦЕССОВ ПРОИЗВОДСТВА ПРОДУКЦИИ ПЧЕЛОВОДСТВА В СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ ХОЗЯЙСТВАХ

Джурабаев О.Д. *– ТГАУ соискатель*

В настоящее время необходимость повышения эффективности производственных процессов в отрасли пчеловодства заключается в достижении более рационального использования биологических, материальных и трудовых ресурсов, опираясь на факторы интенсивного развития[1].

Экономическая эффективность пчеловодства измеряется натуральными, а также стоимостными показателями, такими как продуктивность пчелосемей, себестоимость, валовая продукция и прибыль [3].

Для точного уточнения динамики эффективности процесса производства продукции пчеловодства, в ходе исследования был проведен анализ эффективности пчеловодства на примере двух крупных государственных лесных хозяйств Узбекистана, таких как Бричмуллинского государственного лесного хозяйства и Ахангаранского государственного лесного хозяйства.

В качестве подсобных сельских хозяйств в таких крупных лесхозах Узбекистана создаются пасеки, продукция которых используется для реализации населению и дополнительного заработка в качестве диверсифицированного продукта. Одновременно, обеспечивается оказание помощи аграрному сектору в повышении урожайности сельскохозяйственных культур путем перекрестного опыления полей и лесных угодий.

Бричмуллинское государственное лесное хозяйство расположено в Ташкентской области на территории Угам-Чаткалького национального парка. Общая земельная площадь составляет 354 378 га, общая лесная площадь 79660,1 га, что составляет 22,5 % от общей площади хозяйства. Главной

целью деятельности лесхоза является сохранение и создание на закрепленной за ним территории высокопродуктивных качественных, биологически устойчивых, оптимального видового и возрастного состава лесов и лесной фауны.

Таблица 1.

Количество пчелосемей и объемы произведенной продукции в Бричмуллинском и Ахангаранском государственном лесном хозяйствах в 2012-2018 гг.

Год	Количество погибших семей	Отвод-ка семей	Количество пчелосемей на начало отчетного периода, шт.	Произведено меда кг.			Произве-дено воска кг.
				Валовое производство, кг.	Мед на корм кг.	Сдано в склад, кг.	
Бричмуллинский государственное лесное хозяйство							
2012	152	-	650	9512	9100	412	-
2013	170	-	650	8600	6960	1640	7,77
2014	160	-	550	10164	6887	3277	-
2015	72	102	660	12470	8840	3630	52,36
2016	75	123	762	13028	9218	3810	-
2017	-	126	885	18497	14154	4343	76,7
2018	-	-	1011	20767	15142	5625	98,2
Ахангаранское государственное лесное хозяйство							
Годы	Куплено семей	Отводка семей	Количество пчелосемей на начало отчетного периода	Произведено меда кг.			Произве-дено воска кг.
				Валовое производство, кг	Мед на корм кг.	Сдано в склад, кг.	
2012	118	-	511	4716	2358	2358	-
2013	-	-	540	5220	2420	2800	-
2014	100	-	561	4060	2030	2030	-
2015	50	-	691	7680	3840	3840	-
2016	42	-	801	8280	4140	4140	-
2017	-	-	881	4903	4903	-	-
2018	-	-	969	5225	4820	405	-

Из таблицы 1., видно, что Бричмуллинское государственное лесное хозяйство, наряду с производством меда, занимается производством воска. В начале пчеловодческой деятельности, в 2012-2014 гг. в хозяйстве около 20% пчел погибали при зимовке.

После проведения своевременных ветеринарных мероприятий и усиления кормовой базы пчел в зимний период, гибель пчелиных семей заметно уменьшилось, начиная с 2017 по 2018 гг. полностью прекратилась.

В ходе исследования выяснилось, что в 2017-2018 гг. Бричмуллинский лесхоз наращивал выпуск товарного меда [2].

Таблица 2.

Медовый баланс Бричмуллинском и Ахангаранском государственном лесном хозяйствах в 2012-2018 гг.

Год	На начало отчетного периода	Погибло	Куплено	На начало медосбора	Восстановлено	Получено товарного меда кг.	Скормлено сахара кг.	Производство кормового меда	Валовое производство меда кг	Доля товарного меда в валовом производстве, %
Бричмуллинское государственное лесное хозяйство										
2012	650	155	-	495	155	412	2680	9100	9512	4
2013	650	170	-	470	80	1643	6017	6960	8603	19
2014	550	92	-	509	202	3277	7440	6887	10164	32
2015	660	72	-	588	72	3630	5930	8840	12470	29
2016	762	93	-	669	93	7683	9600	11142	18825	41
2017	885	188	-	690	218	4343	9758	14154	18497	23
2018	1011	92	-	919	92	5625	9850	15142	20767	25
Ахангаранское государственное лесное хозяйство										
2012	511	-	118	511	-	2358	2245	2358	4716	50
2013	540	-	-	540	-	2800	4520	2420	5220	53
2014	561	-	100	561	-	2030	6420	2030	4060	50
2015	691	-	50	691	-	3840	6204	3840	7680	50
2016	801	-	42	801	-	4140	6501	4140	8280	50
2017	881	-	-	881	-	0	8250	4903	4903	0
2018	969	-		969	-	405	8620	4820	5225	8

Из данных таблицы 2. видно, что в Ахангаранский государственное лесное хозяйства достигло максимальной продуктивности в 2015-2016 гг., а в 2017-2018 гг. наблюдается тенденция к снижению объемов производимого меда. Выпуском других видов продукции пчеловодства Ахангаранский лесхоз не занимается.

Следует отметить, что Бричмуллинский лесхоз восстановил количество пчелиных семей за последние годы за счет наращивания силы имеющих пчелосемей путем разведения собственных пчелопакетов, без дополнительной покупки их у других хозяйств. Из таблицы 2.3.2. видно, что к 2018 г. хозяйство планомерно наращивало валовое количество меда, однако доля товарного меда в валовом производстве остается достаточно низкой, на уровне 25-30% (исключение составляет 2016 г., когда эта доля достигла 41%).

Ахангаранское государственное лесное хозяйство также расположено на территории Угам-Чаткалького национального парка. Общая земельная

площадь хозяйства составляет 143652 га, общая лесная площадь 37565,1 га, или 26,2 % от общей площади. Пчеловодство также не является основным видом деятельности хозяйства. Лесное хозяйство занимается разведением и восстановлением леса, защитой лесов от вредных насекомых и болезней.

Из данных таблицы 2.3.2. следует отметить, что в 2012-2016 гг. доля товарного меда в составе валового меда колебалась в пределах 50-53%. Однако, в 2017 г. хозяйство не производило товарного меда, весь произведенный мед являлся кормовым. В 2018 г. доля товарного меда составляла 8%, что говорит о необходимости принятие ряда мер по повышению объемов производимого товарного меда.

Для этого необходимо определить факторы, влияющие на эффективность производства продукции пчеловодства в Бричмуллинском и Ахангаранском государственных лесных хозяйствах. В первую очередь следует рассчитать себестоимость продукции пчеловодства в Бричмуллинском государственном лесном хозяйстве в 2012-2018 гг.

Таблица 3.

Себестоимость продукции пчеловодства в Бричмуллинском и Ахангаранском государственном лесном хозяйствах в 2012-2018 гг.

Статья затрат	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Бричмуллинское государственное лесное хозяйство							
Оплата труда, тыс.сум.	16900	22200	24900	26700	27900	28300	29500
Корма, тыс.сум.	2680	6017	7440	5930	9600	9758	9850
Содержание основных средств, тыс. сумм.	-	-	-	-	-	-	-
Всего, тыс. сумм.	**19580**	**28217**	**32340**	**32630**	**37500**	**38058**	**39350**
Ахангаранское государственное лесное хозяйство							
Оплата труда тыс.сум.	20100	25300	32100	51400	59700	77100	85000
Корма тыс.сум.	34594	26487	31286	79562	7226	36872	16200
Содержание основных средств тыс.сум.	-	-	16500	-	6400	-	16400
Всего тыс.сум.	**54694**	**51787**	**79886**	**130962**	**73326**	**113972**	**117600**

Валовая выручка от реализации меда в анализируемый период была меньше, чем себестоимость его производства (то есть чем затраты на оплату труда работников и корм пчелам).

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1.Жилин В.В. Повышение эффективности производственных процессов в пчеловодстве (теория, методология, практика): дис. на соискание ученой степени доктора экономических наук, М., 2009. – 292 с.

2. Бухгалтерская отчетность Бричмуллинского и Ахангаранского государственных лесхозов.

3. Жилин В.В., Маннапов А.Г. Организационно-экономические аспекты развития отрасли // Пчеловодство. - 2006. - № 5. с.12

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Эргашев Р.Х. *- ҚарМИИ Иқтисодиёт кафедраси профессори, и.ф.д.,*
Хамраева С.Н. *– кафедра доценти, и.ф.н.*

Аграр соҳани, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантиришда инновацион инфратузилмани шакллантириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигининг илмий-техник соҳасидаги институционал ислоҳотлар инновацион инфратузилмани шакллаштириш, аграр соҳа ва унга хизмат кўрсатувчи корхоналарни илмий-тадқиқот муассасалари билан интеграциялашга йўналтирилган бўлиши керак.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг асосий шартларидан бири юқори даражада техник жиҳозланганлик, илғор технологияларни қўллашга хизмат қилади, яъни инновацион фаолият ривожланган мамлакатлар иқтисодий стратегияси асосидир. Ҳисоб-китобларга кўра, иқтисодий ўсишнинг 30 %и меҳнат харажатларини ошиши, 40 % и - меҳнат унумдорлиги ошиши ҳисобига ва 30 % и эса инновацион технологияларни қўллаш ҳисобига таъминланар экан[22].

Аграр соҳада инновацияларни шакллантириш ва ўзлаштириш мамлакатда аграр илм-фанни ривожланиш даражаси, соҳанинг илмий-техник салоҳияти, тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектлар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари)нинг инновациялар ва фан-техника ютуқларини ўзлаштиришга тайёргарлиги ҳамда салоҳияти (иқтисодий ва молиявий салоҳият, корхона раҳбарлари ва мутахассисларининг фан-техника ютуқлари ва янгиликларга хайрихоҳлиги ва ҳоказолар) билан боғлиқ. Ижобий муҳитдаги ҳолатда жамиятда барча таркибий элементларни қамраб олган инновацион тизим шаклланади, шу жумладан, инновацион инфратузилма ҳам уларнинг ўзаро таъсирини таъминлайди.

Инновацион инфратузилма ўз таркибига инновацион салоҳиятни юксалтириш асосида инновацион фаолиятни самарали амалга ошириш ва янгиликларни ўзлаштиришга қаратилган инновацион-саноат мажмуаларни, инновацион-технологик марказлар, технологик инкубаторлар, технопарк, ўқув – тадбиркорлик марказлар ва бошқа ташкилотларни қамраб олган[23].

Шунингдек, инновацион инфратузилма таркибига инновацион менеджмент, инвестицион, консалтинг, венчур, суғурта ва бошқа турдаги хизматлар ҳам киради.

---

[22] Карташов Е.Ф. Модернизация сельскохозяйственного производства на основе трансфера инновационных технологий // Фундаментальные исследования. – 2012. – № 11 (часть 2) – с.493-497.

[23] Шлепкин А.К., Паршуков Д.В. Формирование инновационной инфраструктуры АПК Красноярского края/ Вестник Кр ас Г АУ. 2 011. №12. Стр. 42

Қишлоқ хўжалигида инновацион инфратузилма таркибини қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ:

- илмий-инновацион фаолиятнинг институционал асосини ташкил қилувчи давлат муассасалари;
- илмий-техник ривожланишнинг асосини шакллантирувчи ҳамда фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасалари;
- инновацион кадрлар салоҳияти ривожланишини таъминловчи, инновацион ривожланиш учун шароитларни шакллантирувчи, шунингдек, инновацияларни ишлаб чиқиш, мослаштириш ва оммавий жорий этишни таъминловчи таълим муассасалари;
- банк тизими, турли йўналишдаги давлат ва хусусий инвестицион фондлар, кичик инновацион бизнесни қўллаб-қувватловчи молиявий институтлар;
- инновацион инфратузилманинг воситачилик элементлари ҳисобланган бизнес-инкубаторлар, технопарклар, илмий-технологик марказлар, инновацион-технологик марказлар, инновацион марказлар, бизнес-инкубаторлар, қишлоқ хўжалиги марказлари, технологиялар трансферти марказлари;
- илмий-тадқиқот ва серияли ишлаб чиқариш ўртасида алоқани таъминловчи кичик инновацион ва тажриба конструкторлик корхоналари;
- якка тарзда тадқиқот ва кашфиёт билан шуғулланувчи тадбиркор ва ихтирочилар.

Инновацион инфратузилмага технополис, инновацион-техник ва технологик марказлар, технопарклар, бизнес-инкубаторлар, трансфер - технологиялари марказлари, инновацион фаолият учун кадрларни тайёрлаш марказлари, венчур фондлар ва бошқа таълим муассасалари киради.

Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмаларни ишлаб чиқишда ўзлаштираётган ташкилий тузилмалардан агротехнополис ва агротехнопаркларнинг ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. Айнан ушбу инновацион ташкилотлар давлат, тармоқ, ҳудудий илмий-техник дастурлар ва халқаро лойиҳаларни амалга оширишда илмий-техник маҳсулотларни мажмуавий тарзда ўзлаштириш имконини беради.

Технопарклар нафақат ахборот технологиялар соҳасида, балки бошқа соҳалар бўйича, ҳаттоки бир неча соҳаларни қамраб олган ҳолда ҳудудий ёки тармоқ тамойилларига асосланган ҳолда ташкил этилиши мумкин. Технопарклар одатда давлат ва соҳа мутассади ташкилотлари кўмагида юқори илмий-техник ва кадр салоҳиятига эга илмий жамоа ташаббуси билан ташкил этилади. Бозор коньюнктурасига жавоб берадиган юқори самарали ишланмаларни олишдан манфаатдор тижорат тузилмалар ва корхоналар технопаркларнинг ҳомийлари бўлиши мумкин.

Технопарклар майда инновацион фирмалар ва йирик илмий жамоалар ўртасидаги алоқаларни боғлайди. Агротехнопарклар илмий муассасаларга инновацион жараёнда фаол иштирок этиш ва ўз инновацион маҳсулотлари билан бозорга кириб боришини таъминлайди, шу асосда инновацион

маҳсулот ва илмий ишланмаларга сарфланган харажатларни тезда қоплаш имконини беради. Айнан агротехнопарк орқали инновацион маҳсулотларини (ишланма, хизмат) реализация қилишганида уларни қисқа вақтда ва бозор нархида амалга оширишлари мумкин.

Агротехнопарклар бошқа тармоқларда ташкил этилган технопарклардан фарқли равишда уларнинг фаолияти қишлоқ хўжалигида ҳам асосий ишлаб чиқариш воситаси, ҳам меҳнат предмети ҳисобланган ер билан боғлиқ, шунингдек, тирик организмлар, яъни қишлоқ хўжалиги экинлари, чорва моллар билан ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқа шу каби воситалар билан чамбарчас боғлиқ, бу эса унинг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Аммо шу билан бирга ушбу хусусиятлар агротехнопарклар фаолиятини бошқариш тизимига камроқ таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигида технопарклардан қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологияларини ўзлаштириш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Агротехнопарклар ушбу агротехнологияларни комплекс баҳолаб боради ва келажакда табиий, иқлим ва ишлаб чиқариш шароитлари бир хил бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга оммавий тарзда жорий этишга кўмаклашади. Мазкур ишланмага янги техника ёки техникаларнинг янги авлоди, чорва молларининг янги зотлари, кимёлаштириш усуллари, ҳаттоки корхонани ташкил этиш ва бошқариш усуллари бўлиши мумкин.

Илмий таъминот марказлари доирасида технопарклар эришган ютуқларини тарғиб ва реклама қилиш, ярмарка, аукцион, кўргазма, ижодий кечалар ва семинарларни ташкил этиш учун кенг имкониятларга эга.

Қишлоқ хўжалигида агротехнопаркларни ташкил қилиш ва уларда тугалланган илмий ишланмаларни жорий этиш бўйича инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бир қатор вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

- танлов асосида ишлаб чиқаришга илмий-техник ишланмаларни жорий этиш мақсадида илмий ташкилот ва аграр соҳадаги ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ўзаро манфаатдор ҳамкорликни таъминлайди;
- аграр соҳада фаолият юритаётган корхоналарда (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларида) якунланган илмий-техник ишланмаларни жорий этиш, ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш ва серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муддатларини анча камайтиради;
- агротехнопарк объектларида юқори технологиялар, машина ва ускуналарни жорий этиш учун турли хил инвесторларнинг молиявий воситаларини концентрациялаш.

Ҳозирги даврда бутун иқтисодиётда бўлганидек аграр соҳасида ҳам илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида илмий-тадқиқотлар олиб бориш ва инновацион фаолият билан шуғилланувчи тизим яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги “Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази”, унинг таркибига кирувчи илмий-

тадқиқот институтлари, вазирлик таркибидаги Олий таълим муассасаларидаги илмий бўлинмалар шулар жумласига киради.

Юқорида номи қайд этилган муассасалар томонидан фундаментал ва амалий аҳамиятга молик илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, яъни инновацион фаолият ҳам улар зиммасига юклатилган. Аммо ҳозирги кунда аграр соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар натижасида яратилган инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этилиш даражаси анча паст бўлиб, бу борада тегишли давлат ташкилотлари томонидан қатор ишларни амалга ошириш лозим[24].

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигидаги илмий-тадқиқот изланишлари соҳасида ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасалари фаолият юритмоқда, улардан энг йириклари Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти, пахтачилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон полиз-сабзавот экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги механизацияси ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, М.Мирзаев номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, қишлоқ хўжалигида инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш жараёни мажмуавий ва кўп жиҳатли характерга эга. Унинг шаклланиши ва ривожланишига, биринчидан, макроиқтисодий омиллар таъсир этса, иккинчидан, инфратузилма элементларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида инновацион инфратузилмани ривожлантиришга макро, мезо ва микродаражада таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўз олдига аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олган давлатнинг инновацион сиёсати;
- инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва инновацион сиёсатни амалга оширишда мавжуд инновацион салоҳиятдан унумли ва самарали фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, тадқиқотчилар ва таълим соҳалари ўртасида ҳакорликни доимий равишда яхшилаб бориш;
- инновацион инфратузилма объектлари (инновацион марказ, агротехнопарк, бизнес-инкубаторлар) орқали давлат томонидан аграр соҳада инновацион жиҳатдан салоҳиятли ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш;
- инновацион инфратузилма объектларига нисбатан солиққа тортишда ва кредит ажратишда имтиёзлар қўллаш;
- ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон шароитида уларни жорий этиш.

[24] Нурматов Ш. “Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқларида инновацион бошқарув фаолиятини модернизациялаш ва ривожлантириш муаммолари” мавзудаги конференциядаги кириш сўзи. - Тошкент, 2013- 4бет

ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН ЕТИШТИРИЛГАН ЯСМИҚ НАВЛАРИГА ҚЎЛЛАНИЛГАН МАЪДАНЛИ ЎҒИТЛАР ВА НИТРАГИН ШТАММИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Хамидова Ф.Ю. *- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кафедраси ассистенти*

Бугунги кунда асосий вазифа қишлоқ хўжалигида донли ва дуккакли экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда сифатли экологик тоза дон ҳосилини кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш кун тартибида турган бош вазифадир. Дуккакли экинлар ҳосилдорлигини оширишда бир қатор агротехник тадбирлар мавжуд бўлиб, айниқса маъданли ўғитлар берилганда дуккали экинларнинг дон ҳосили тўғридан тўғри ошиши амалда кузатилади. Маъданли ўғитлар фосфор ва калийли ўғитларнинг турли меъёрларни бериш ясмиқ ўсимлигининг вегетация даврида пояларининг бавқувват ўсишига ва дуккакларининг тўлиқ шаклланишига ва донларининиг йирик бўлишига олиб келади. Шуни таъкидлаб ўтиш керак-ки, ясмиқ агротехникаси, хусусан маъданли ва биологик нитрагин штамми ўғитларини қўллаш ва олинган маҳсулотни қайта ишлаш ҳали бизда жуда кам ўрганилган ҳамда ясмиқнинг ўсимликшунослик ва қайта ишлаш саноатида иқтисодий самарадорлиги ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб ясмиқ навлари - назорат Олтин-дон, Дармон ва Сарбон навларининг маъданли ўғитлар ва нитрагин штамми таъсирида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги, илдизларида тугунаклар ҳосил қилиши ҳамда озиқавий қиймати, ясмиқ донларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди ва шу навлардан олинган дон ҳосилдорлигига боғлаб қўлланилган маъданли ва нитрагин ўғитлари самарадорлиги аниқланган.

Қишлоқ хўжалик экинларини ўстиришда ва қайта ишлашда қўлланиладиган агротехник усуллар ва технологик жараёнларнинг афзалликлари иқтисодий самарадорлик даражасининг юқори ёки пастлиги билан белгиланади. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар билан боғлиқ.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида ясмиқнинг Олтин-дон, Дармон ва Сарбон навларни маъданли ўғитлар фосфор ва калийли меъёрлари ва барча вариантларга нитрагин штаммини қўлаш ва ўртапишар ясмиқ навларини ўстиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда тажриба ўтказилган йилларда ясмиқ донининг харид нархлари (6500 сўм) ҳисобга олинган ҳолда ўтказилди. Чунки мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалик экинлари донини харид нархи ўзгариб турди. Шунинг учун ишлаб чиқариш тажрибаларида ясмиқ навларни ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва дала тажрибалари 2017-2019 йиллардаги ясмиқ донининг супермаркетлардаги харид нархлари бўйича аниқланди.

Суғориладиган майдонларда ўртапишар ясмиқ навларини ўстиришда бир гектар майдонга сарфланган харажатларни аниқлашда, уруғликни баҳоси

биологик ва маъданли ўғитлар, тупроққа ишлов бериш, қатор орасини ишлаш, ҳосилни йиғиштириш, донни ташиш ва тозалаш, меҳнат ҳақи, қишлоқ хўжалиги машиналарини жорий таъмирлаш ва амортизация, ёқилғи - мойлаш ва суғурта харажатлари ҳисобланади. Етиштирилган маҳсулотнинг ялпи баҳоси, 1 гектар экинзорга сарфланган харажатлар, етиштирилган 1 центнер доннинг таннархи, 1 гектардан олинган шартли соф фойда, рентабеллик даражаси навлар ҳамда қўлланилган маъданли ўғитлар турлари ва меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариб борди.

1-жавдал

Ясмиқ навларини маъданли ва нитрагин штамми билан экилганда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

Вариантлар	3 йилда ўртача ҳосилдорлик, ц/га	Сотишдан жами тушум, минг сўм/га	Жами харажатлар, минг сўм/га	1 ц ясмиқ донининг таннархи, сўм	Соф даромад, сўм	Рента-беллик, %
Олтин-дон нави						
Ўғитсиз	13,9	9 035	1.203	86 546	7.832	65,1
Р 50	16,2	10 530	1 487	91 790	9 043	60,8
Р 50 К 50	16,1	10 465	1 577	97 950	8 888	56,3
Р 100 К 50	17,8	11 570	1 692	95 056	9 878	58,3
Р 150 К 100	17,0	11 050	1 687	99 235	9 363	55,5
Дармон нави						
Ўғитсиз	17,1	11 115	1.680	98 245	9 435	56,1
Р 50	20,2	13 130	1 813	89 752	11 653	64,2
Р 50 К 50	20,8	13 520	1 867	89 759	11 534	61,7
Р 100 К 100	24,7	16 055	1 986	80 404	14 069	70,8
Р 150 К 100	23,5	15 257	1 961	83 446	13 296	67,8
Сарбон назорат нави						
Ўғитсиз	16,5	10 725	1 562	94 666	9 163	58,6
Р 50	17,9	11 653	1 951	108 990	9 702	49,7
Р 50 К 50	18,6	12 090	2 023	108 760	10 067	49,4
Р 100 К 100	19,7	12 805	2 007	101 870	10 798	53,8
Р 150 К 100	18,0	11 700	2 005	111 388	9 695	48,3

Самарадорлик бўйича хулосалар. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики 1 гектар майдондан олинган ясмиқнинг ялпи дон маҳсулотни сотишдан келган даромад мақбул маъданли ўғит ва мақбул ясмиқ навини танлаб олишга имкон берди. Дарбон нави ва Сарбон назорат нави Олтин - донга қараганда бир гектар майдонга Р 100 ва К 100 кг меъёрда - нитрагин штамми билан берилганда энг юқори даромад олинди. Дарбон навидан Р 100 ва К 100 кг меъёрда - нитрагин штамми қўлланилганда, бир гектардан 14069 минг сўм соф даромад олинди ва рентабелли даражаси 70,8 % ни ташкил қилди. Дармон навида бу кўрсаткич худди шу вариантда 10798 сўмни ва рентабеллик даражаси 53,8 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодий самарадорлик бўйича олинган маълумотлар таҳлилидан кўринадики, ясмиқнинг Дармон ва Сарбон назорат навларини Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида экиш иқтисодий жиҳатдан самаралидир**.**

3-ШУЪБА. АГРАР СОҲА ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, АУДИТ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ТИЗИМЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Дусмуратов Р.Д. *– ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси мудири, и.ф.д., профессор, «Ўзбекистон Республикаси олий таълими аълочиси»*

Инновация фаолиятини ривожлантириш борасида мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан етарли шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу боис, илмий-тадқиқотлар самарадорлигини баҳолаш учун уларнинг натижадорлигини тавсифлайдиган мезонларни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида кам харажат қилиб юқори натижаларга эришиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий мезони бўлиб келмоқда. Ялпи фойданинг қўшимча ўсишини аниқлаш самарадорлик даражасини ҳисоблаб чиқариш учун энг содда усул бўлиб, шартли бир йиллик иқтисодий самара ($ИС_{шй}$) деб ҳам аталади.

$$\mathbf{ИС_{шй} = (ЯФ_я - ЯФ_б) - (Х_я - Х_б),} \qquad (1)$$

Бунда, $\mathbf{ЯФ_я}$ ва $\mathbf{ЯФ_б}$ − технологиялар (усуллар, воситалар) нинг янги ва базис вариантлари бўйича ялпи фойда, минг сўм/га;

$\mathbf{Х_я}$ ва $\mathbf{Х_б}$ − янги ва базис вариантлар бўйича 1 га ерга қилинган бевосита харажатлар.

Эслатма: Ҳисоб-китобларни соддалаштириш учун таққослаш вариантларида умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинмайди.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида янг ишланмаларни яратиш учун маълум давр(йиллар) талаб қилинади. Бунда янги ишланма самарадорлигини баҳолаш учун капитал харажатларга тузатиш (корректировка) киритилиб, йиллик иқтисодий самара ($ИС_{й}$) кўрсаткичи аниқланади:

$$\mathbf{ИС_{й} = [(Т_б + К_я К_б) - (Т_я + К_н К_я)] \times М_н,} \qquad (2)$$

Бунда, $\mathbf{Т_б}$ ва $\mathbf{Т_я}$ − базис ва янги вариантлар бўйича маҳсулот бирлигининг таннархи, минг сўм;

$\mathbf{К_б}$ ва $\mathbf{К_я}$ − базис ва янги вариантлар бўйича маҳсулот бирлигига тўғри келадиган капитал қўйилмалар, минг сўм;

$К_н$ − капитал қўйилмалар самарадорлигининг норматив коэффициенти;

$М_н$ − ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, натурал бирликларда.

Эслатма: янги вариантда маҳсулот сифати яхшиланиб, унинг нархи ошган бўлса, янги ва аввалги (эски) нархлар ўртасидаги фарқни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга сарфланган ва унда мужассамлашган (меҳнат сарфининг энергетик эквиваленти) энергияларни ҳисобга оладиган, самарадорликни баҳолашнинг энергетик усулини кенг қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу усулда **энергетик самарадорлик коэффициенти(*К*эс)** асосий кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич маҳсулотда мужассамлашган энергия миқдорининг ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларга нисбати каби аниқланади:

$$К_{эс} = М_{Х} * Э_{э} / Э, \qquad (3)$$

бунда, $М_{Х}$ - асосий маҳсулот ҳосилдорлиги, т/га;
$Э_{э}$ - 1 тонна маҳсулотнинг энергетик эквиваленти, МДж/т;
$Э$ - асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган энергия миқдори, МДж/га.

Эслатма: $Э$-ўлчови энергиянинг бевосита сарфи (ёнилғи-мойлаш материаллари, электроэнергия, иссиқлик), унинг моддийлашган (ўғитлардаги, гербицидлардаги, кимёвий препаратлардаги ва бошқалар) харажатлари, жонли меҳнат энергия сарфи ва механизация воситаларининг энергия талаблиги суммаси сифатида белгиланади.

Энергетик самарадорликни баҳолашнинг бошқа методикалари ҳам мавжуд. Жумладан, П.Н. Синкевич меҳнатнинг энергетик самарадорлигини умумий кўрсаткич сифатида кўриб чиқишни таклиф қилади:

$$Э_{м} = (Э_{а} - Э_{мм}) / М_{х}, \qquad (4)$$

Бунда, $Э_{а}$- маҳсулотдаги алмаштирма энергия миқдори;
$Э_{мм}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган энергиянинг моддийлашган миқдори;
$М_{х}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинган бевосита меҳнат харажатлари.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашга энергетик ёндашув молиявий ёндашувга қараганда афзалликларга эга. Чунки бозор конъюнктураси энергетик кўрсаткичларга таъсир кўрсатмайди ва уларнинг мумкин бўлган ўзгаришлари янги технология ва техникаларни қўллаш билан бевосита боғлиқ. Лекин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга кетадиган энергия харажатларини ҳисоб −китоб қилишда ишлаб чиқариш омилларини акс эттирадиган ва унинг якуний натижаларига турлича таъсир қиладиган кўрсаткичлар жамланади. Булар ҳисобга олинмаяпти. Шу боис, А.К. Нанаенко[25] томонидан янги технология ва унинг элементлари самарадорлигини баҳолаш учун сермаҳсул ва умумлашма кўрсаткичларни ўз ичига оладиган комплекс кўрсаткич ёрдамида баҳолашни таклиф қилинган:

$$П_{т} = 10^{3} * М_{Х} / Р_{ж}, \qquad (5)$$

Бунда, $П_{т}$ - сарфланган жами ресурслар ва меҳнат харажатларининг бир бирлигига тўғри келадиган ҳосилдорлик улуши, кг/МДж;
$Р_{ж}$ - ишлаб чиқаришга сарфланган жами ресурслар ва меҳнат харажатлари, МДж/га.

[25] **Нанаенко А**. Эффективность производства сельскохозяйственных культур// Экономика сельского хозяйства России. − 2007.− № 3.

А.К.Нанаенко томонидан таклиф қилинган формуладан қишлоқ хўжалик экинларига ишлов беришда қўлланиладиган технологияларнинг самарадорлигини умумий баҳолаш учун фойдаланиш мумкин. Бирон-бир агротехнология билан боғланмаган усуллар ва воситалар самарадорлигини баҳолашда эса бу формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Агротехнологиялар ва машиналар алоҳида - алоҳида ишлаб чиқилаётганлиги боис, кўпинча машиналарга қўйилаётган агротехник талаблар қўлланилаётган технологияларга тўла мувофиқ келмайди. Янги усул ёки воситалар фақат улар учун махсус ишлаб чиқилган ёки мўлжалланган технологиялар таркибида фойдаланилгандагина, мазкур усул ёки воситаларнинг самарасини баҳолаш мумкин. Шундан келиб чиқиб, технологик усул (ёки восита) самарадорлигини қуйидаги формула бўйича баҳолаш таклиф этилади:

$$\mathbf{C_{у(в)}} = \mathbf{10^3} * \boldsymbol{M_х} / (\mathbf{P_о} + \mathbf{P_{у(в)}}), \qquad (6)$$

Бунда, $\mathbf{C_{у(в)}}$ - қишлоқ хўжалик экинларига ишлов беришга доир маълум бир усул ёки воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичи, кг/МДж;
$\mathbf{P_о}$ ва $\mathbf{P_{у(в)}}$ - маълум бир усул (восита)ни қўллаган ҳолда ва сарфланаётган жами ресурслар ва меҳнат харажатлари, МДж/га.

Фикримизча, маълум бир усул (восита) ушбу усул (восита) учун мўлжалланган технологиядан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилинган ёки синовдан ўтказилган бўлса, у ҳолда таклиф қилинаётган формула бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоб унинг унумдорлиги ва ресурслар сарфи бўйича самарадорлигини холис баҳолашга имкон беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, селекция-уруғчилик фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоб-китоб қилишда ушбу хусусиятларни инобатга олиш лозим.

Янги нав нафақат уни яратган ва (ёки) товар уруғликлар етиштирадиган, балки янги навдан ишлаб чиқаришда фойдаланган корхоналарга ҳам даромад келтириши лозим. Ғаллачилик иқтисодий жозибадор фаолият турига киради, лекин унинг самарадорлиги уруғчиликка таянади, уруғларнинг сифати эса бевосита дон маҳсулотлари сифатига таъсир кўрсатади.

Ҳозирча мамлакатимизда селекция ва уруғчилик иқтисодиёти масалалари, айниқса, иқтисодиётни модернизациялаш шароитига мосравишда тўла ўрганилмаган. Адабиётларда, асосан юқори репродукцияли уруғларни ишлаб чиқаришга доир агротехника усулларига катта эътибор қаратилган бўлиб, кўпинча уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобга олинмайди. Шу боис, дон селекцияси ва уруғчилиги мамлакатнинг озиқ-овқатхавфсизлигини таъминлаш борасида иқтисодий самарали восита бўлиши учун навлар иқтисодий ўсиш омили бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунда нафақат ҳосилга қўшиладиган устама, балки навдан олинадиган фойда ҳам ҳисобга олиниши лозим, яъни янги нав тижорат талабларига жавоб бериши зарур.

Янги навлар (гибридлар) самарадорлигини қиёсий баҳолаш учун биз дон ҳосилдорлигининг ўсиб бориш кўрсаткичлари ва ялпи дон йиғими

кўрсаткичларини қўлладик. Ҳақиқий натижаларни баҳолаш ва уларни базисвариант билан таққослаш дон экинлари селекцияси самарадорлигини, қўшимча харажатларнинг қопланишини аниқлашга имкон берди.

Йиллик иқтисодий самарани янги ва базис навларига ишлов беришдан олинган соф даромад айирмасининг янги нав етиштирилган майдонга кўпайтмасидан келиб чиқиб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ кўринади.

$$ИС_{й} = (СФ_{ян} - СФ_{бн}) \times S_{я}, \quad (7)$$

Бунда, **ИС$_{й}$**– йиллик иқтисодий самара;
СФ$_{ян}$– янги нав бўйича соф фойда, 1 га ердан, минг сўм;
СФ$_{бн}$ – базис нав бўйича соф фойда, 1 га ердан, минг сўм;
S$_{я}$– янги нав жорий этилган майдон, га.

Лекин навнинг иқтисодий самарадорлигини бундай акс эттириш тўлиқ ҳисобланмайди. Мазкур формулада нав ёки гибрид яратиш ишларини бошлашдан олдин қилинган харажатлар ўз аксини топмаган, шунингдек, сифат кўрсаткичларининг роли ҳам кўрсатилмаган. Биз йиллик иқтисодий самарани қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқаришни таклиф қиламиз:

$$\mathbf{ИС_{й} = [(СФ_{янҳ} - СФ_{бнҳ}) + (СФ_{янс} - СФ_{бнс})] * S_{я} - Х_{т} - Х_{ж}}, \quad (8)$$

Бунда, ***СФ$_{янҳ}$*** – янги нав (гибрид) бўйича ҳосилдорликнинг ошишидан олинадиган соф фойда, 1 га ердан, минг сўм;
СФ$_{бнҳ}$– базис нав (гибрид) бўйича ҳосилдорликнинг ошишидан олинадиган соф фойда, 1 га ердан, минг сўм;
СФ$_{янс}$ - янги нав (гибрид) бўйича сифат ошиши ҳисобигаолинган соф фойда, 1 га ердан, минг сўм;
СФ$_{бнс}$- базис нав (гибрид) бўйича сифат ошиши ҳисобигаолинган соф фойда, 1 га ердан, минг сўм;
S$_{я}$– янги нав (гибрид) жорий этилган майдон, га;
Х$_{т}$– нав (гибрид) яратишга тайёргарлик харажатлари, минг сўм;
Х$_{ж}$– нав (гибрид)ни ишлаб чиқаришга жорий қилиш харажатлари, минг сўм.

Селекция жараёнининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ўзига хосдир. Ҳисоб-китобдаги барча маълумотлар таққосланувчан бўлиши зарур. Бунда ҳар хил даврлардаги маълумотларни таққослаш муаммо туғдириши мумкин. Чунки капитал сарфлар нав (гибрид) даромад келтира бошлаган даврдан анча аввал қилинади. Ушбу омилнинг салбий таъсирини бартараф этиш учун биз дисконтлаш усулидан фойдаланишни тавсия қиламиз.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

Менгликулов Б.Ю. *– ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси профессори,*
Худойназарова Н.*А. - ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси ассистенти*

Хорижий инвесторлар томонидан мамлакатимизда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига инвестиция киритиши ва улар билан ўзаро тенг ҳамкорликда ишни ташкил этишлари учун мазкур субъектларнинг активлари ва молиявий ҳолати тўғрисида етарлича ахборотга эга бўлишлари лозим. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан миллий стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация қилишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармонида 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгилаб берилган. Ҳаракатлар стратегиясида бошқарув тизимида халқаро инструментлар ва стандартлардан кенг фойдаланишни кўзда тутувчи вазифалар белгиланган [1].

2015 йил 24-апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сон Фармони қабул қилинган. Мазкур Фармоннинг 9-бандида: «2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши маълумот учун қабул қилинсин» деб таъкидланган [2].

Ушбу вазифаларни бажариш ҳам Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарт (МҲХС)лари асосида молиявий ҳисобот тузиш методологиясини такомиллаштиришни тақозо этади. Бунга молиявий ҳисоботни МҲХСлар асосида трансформациялаш орқали эришилади.

Аввало, трансформация сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида **Трансформация** (лот. трансформатио - қайта ўзгариш, қайта ҳосил бўлиш) маъносини билидириши келтирилган [3]. Шунингдек, бошқа манбада **Трансформация** (лотинча Трансформатио – ўзгартириш, қайта ташкил этиш) 1) Структура, шакл ва услубларини қайта ташкил этиш, фаолиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш; 2) айлантиришнинг битта усулларидан бири, халқаро ҳуқуқ нормаларини ички давлат ҳуқуқи нормаларига қайта ташкил қилиш маъноларини англатади, дейилган [4].

Молиявий ҳисоботни трансформация қилиш мамлакатимизда амал қилинган қонунчиликка мувофиқ ҳисоб тизимидаги қоидалар, принциплар,

усул ва услубларни ҳамда ахборотларни бошқа мамлакат ёки халқаро қоидаларига мувофиқлаштирган ҳолда айлантиришдир.

Трансформация қоидаларини белгилайдиган махсус МҲХС йўқ. Лекин, МҲХСга биринчи марта ўтишда 1-сон МҲХС “МҲХСларини биринчи марта қўллаш” стандарти қоидалари бажарилиши талаб этилади.

Молиявий ҳисоботнинг транформациясини таърифлашда унинг қайси санадаги ҳолат бўйича ўтказилиши, унинг асосий мазмуни миллий стандартлар асосида тузилган ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботга ўтказишга қаратилганлиги, трансформация жараёнида МҲХСларига мувофиқ ҳолатда қайта гуруҳлаштириш, қайта тан олиш, қайта баҳолаш, тўғрилашлар киритиш асосида халқаро талабларга жавоб берадиган ахборотларни шакллантирадиган янги тизимга ўтказиш ва қайта ташкил қилиш жараёни эканлигига алоҳида урғу бериш керак.

Молиявий ҳисобот трансформациясига иқтисодий адабиётларда мазмунан бир-бирига яқин турлича ёндашувлар берилган. Иқтисодчи олим С.Н.Ташназаров ўзининг дарслигида қуйидагича таъриф берган: «*Молиявий ҳисобот трансформацияси* - бу ҳисобот санаси ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган ҳисобот компонентлари моддаларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларига мувофиқ ҳолда қайта гуруҳлаштириш, уларнинг моддаларини қайта тан олиш, қайта баҳолаш, тузатишлар киритиш ва қайта очиқлашлар асосида МҲХСлари ҳисоботлари ахборотларининг янги тизимига ағдариш ва қайта ташкил қилиш жараёнидир» [5]. Ушбу таъриф молиявий ҳисобот трансформацияси мазмунини очиб беради.

МҲХСлари қўлланилиши мажбурий эмас, у тавсиянома тавсифига эга. У миллий стандартларидаги каби хўжалик субъектлари тақдим этиши шарт бўлган молиявий ҳисобот шаклларини белгиламайди. МҲХСлари молиявий ҳисоботнинг асосий компонентлари ва уларда акс эттириладиган минимал ахборотлар таркибини белгилайди. МҲХСларини қўллаш хўжалик субъектининг мутлақ ваколатидаги масала ҳисобланади. МҲХСларига ўтиш ёки БҲМСлари асосида қайта тузилган МҲХСлари асосида молиявий ҳисобот тузиш қуйидаги имкониятларни яратади:

- субъект фаолияти натижаларининг шаффофлигини оширади;
- ахборот фойдаланувчиларида битта хўжалик субъекти доирасида молиявий кўрсаткичларни даврлар бўйича ҳамда бир нечта хил корхоналар бўйича эса тааллуқли кўрсаткичларни бир-бирига солиштириб таҳлил ўтказиш имконияти туғилади;
- кредиторлар, акциядорлар, кредит берувчи ташкилотларда хўжалик субъектига ишонч ошади ва юқори ишонч билан субъект фаолиятига пул қўяди, компаниянинг кредит олиш имконияти кенгаяди;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик юксалади;
- дунё бозорларига чиқиш, хом-ашё, валюта, меҳнат биржаларига, халқаро капитал бозорига чиқиш имкониятлари туғилади;

- субъект менежерларига бошқарув қарорларини қабул қилишлари учун ишончли, объектив, уйғун ҳамда ўз вақтида тизимлашган молиявий ахборотларни олиш имкониятлари юзага келади;
- хўжалик субъекти фаолиятини бюджетлаштириш, режалаштириш ва стратегик ривожланишини баҳолашда зарур ахборотлар таъмин этилади;
- субъект бошқариш механизмларини такомиллаштириш, хўжалик субъекти рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот сифатини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга эришилади;
- меҳнатни рағбатлантириш тизими тубдан яхшиланади, моддий манфаатдорлик ошади ва ҳоказо.

МҲХСларига исталган пайтда, тайёргарликсиз, тўғридан-тўғри ўтиб бўлмайди. Агарда тайёргарликсиз молиявий ҳисобот МҲХСлар бўйича трансформация қилинган тақдирда ҳам кутилган натижани бермайди.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг миллий стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар талабларига трансформация қилиш, субъект маълумотларидан хорижий инвесторлар қулай фойдаланишлари ва инвестиция жалб этишда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдалнилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони. 7.02.2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720 Фармони. 24.04.2015.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2004. 587 б.
4. Dic.academic.ru/dic.nsf/dic_economic_law/16427/ TRANSFORMATSIYA.
5. С.Н.Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Олий ўқув юртлари магистратура мутахассисликлари учун дарслик. – Тошкент.: 2018. 524 б.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИНГ ТАҲЛИЛИ, УНИ ПАСАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамадияров Д.У. *– ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси доценти,*
Болтаев А.С. *– ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси*

Аграр соҳани модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини камайтириш ва маҳсулот таннархи даражасини пасайтириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис, маҳсулот ишлаб чиқариш

билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳажми динамикасини ҳамда маҳсулот таннархи даражасини, таркиби ва структурасини узлуксиз равишда таҳлил қилиб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки, таҳлил қилиб ўрганиш жараёнида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имкониятлари аниқланади, қандай омиллар ва шароитлар ҳисобига камайтиришнинг мавжуд имкониятлари ўрганилади, натижада улардан фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми ва маҳсулот таннархи даражасини таҳлил қилиб ўрганишда асосий вазифалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми ва унинг динамикасини объектив баҳолаш;
- ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсир даражаларини аниқлаш;
- ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини камайтириш имкониятларини кўрсатиш;
- маҳсулот таннархи динамикаси ва унинг ўзгаришини ўрганиш;
- таннарх таркиби ва структураси ўзгаришининг динамикасини ўрганиш;
- таннарх даражасининг ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқлаш;
- маҳсулот таннархи даражасини пасайтириш имкониятларини кўрсати.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми ва маҳсулот таннархи даражасини таҳлил қилишда бизнес-режа, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (2-шакл), “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида”ги (1-ФХ шакл) статистик ҳисобот ва ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи тегишли счётлар маълумотлари ахборот манбаи ҳисобланади.

Монографик тадқиқот объекти бўлган «Azizjon» фермер хўжалигининг юқорида кўрсатилган ахборот манбалари маълумотлари асосида ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини таҳлил қилиб ўрганганимизда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, «Azizjon» фермер хўжалигининг маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари 2017 йилда 786714 минг сўм бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 966035 минг сўмга тенг бўлган. Бундан кўринадики, фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари 2017 йилга нисбатан 179321 минг сўмга кўпайган. Албатта, бундай натижаларни ижобий ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайишига барча маҳсулот турларини ишлаб чиқариш харажатларининг 2017 йилга нисбатан ортиши таъсир кўрсатган. Жумладан, фермер хўжалигида 2018 йилда 2017 йилга нисбатан дон экинларини етиштириш харажатлари 16955 минг сўмга, сабзавотлар етиштириш харажатлари 9944 минг сўмга, гўшт етиштириш харажатлари 31919 минг сўмга, сут ишлаб чиқариш харажатлари 80693 минг сўмга ва йирик шохли қорамоллар етиштириш харажатлари эса 39810 минг сўмга кўпайган.

1-жадвал

«Azizjon» фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари умумий ҳажмининг таҳлили

№	Маҳсулот турлари	Йиллар		Ўзгариши (+;-)
		2017	2018	
1	Дон экинлари, минг сўм	63724	80679	+16955
2	Сабзавотлар, минг сўм	54283	64227	+9944
3	Гўшт, минг сўм	140035	171954	+31919
4	Сут, минг сўм	354022	434715	+80693
5	Йирик шохли қорамоллар, минг сўм	174650	214460	+39810
	Жами:	786714	966035	+179321

1-жадвал маълумотларига кўра, фермер хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисмини сут ишлаб чиқариш харажатлари ташкил этади. Яъни, фермер хўжалигида сут ишлаб чиқариш харажатлари 2017 йилда 354022 минг сўмга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 434715 минг сўмни ташкил этган. Демак, фермер хўжалигида сут ишлаб чиқариш харажатлари 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 80693 минг сўмга кўпайган.

Мазкур кўпайиш қандай омиллар ҳисобига содир бўлганлигини аниқлаш мақсадида сут ишлаб чиқариш харажатларини калькуляцион моддалари бўйича таҳлил қилиб ўрганганимизда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди (2-жадвал).

2-жадвал

«Azizjon» фермер хўжалигида сут ишлаб чиқариш харажатларининг калькуляцион моддалари бўйича таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Йиллар		Ўзгариши (+;-)
		2017	2018	
1	Моддий харажатлар, минг сўм	188879	231824	+42945
2	Меҳнат ҳақи харажатлари, минг сўм	99408	122155	+22747
3	Ягона ижтимоий тўлов, минг сўмда	11929	14659	+2730
4	Амортизация харажатлари, минг сўм	36105	44341	+8236
5	Бошқа харажатлар, минг сўм	17701	21736	+4035
	Сут ишлаб чиқариш харажатлари	354022	434715	+80693

2-жадвал маълумотларига кўра, «Azizjon» фермер хўжалигида сут ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайиши барча харажат моддаларининг 2018 йилда 2017 йилга нисбатан ортганлиги ҳисобига юзага келганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, фермер хўжалигида сут ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайишига 2018 йилда 2017 йилга нисбатан моддий харажатларнинг 42945 минг сўмга, меҳнат ҳақи харажатларининг 22747 минг сўмга, ягона ижтимоий тўлов суммасининг 2730 минг сўмга, амортизация харажатларининг 8236 минг сўмга ва бошқа харажатлар суммасининг 4035 минг сўмга ортиши таъсир кўрсатган.

«Azizjon» фермер хўжалигида сут ишлаб чиқариш харажатларининг бундай кўпайиши маҳсулот таннархи даражасининг ортишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Демак, фермер хўжалиги раҳбарияти сут ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги кўпайиши кузатилган харажат моддаларининг

ошиб кетиш сабабларини аниқлаши ва уларни камайтириш имкониятларини излаб топиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозим.

Шунингдек, «Azizjon» фермер хўжалигида сут ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайиши маҳсулот таннархи даражасининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатганлигини таҳлил қилиб ўрганганимизда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди (3-жадвал)

3-жадвал

«Azizjon» фермер хўжалигида 1 центнер сут таннархининг омилли таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йилдаги сут ишлаб чиқариш харажати ва 2017 йилдаги ялпи сут миқдори бўйича	2018 йил	Ўзгариши (+;-)	шу жумладан	
						сут ишлаб чиқариш харажат-лари ўзгариши ҳисобига	ялпи сут миқдори-ни ўзгариши ҳисобига
1	Сут ишлаб чиқариш харажат-лари, минг сўм	354022	434715	434715	+80693	X	x
2	Ялпи сут миқдори, центнер	2229	2229	2895	+666	X	x
3	1 центнер сут таннархи, сўм	158825	195027	150161	-8664	+36202	-44866

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, «Azizjon» фермер хўжалигида 1 центнер сут таннархи 2017 йилда 158825 сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 150161 сўмга тенг бўлган. Бундан кўринадики, фермер хўжалигида 1 центнер сут таннархи 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 8664 минг сўмга камайган. Яъни, 1 центнер сут таннархи даражаси 2017 йилга нисабатн 2018 йилда арзонлашган.

Бундай ўзгаришга иккита омил таъсир кўрсатган бўлиб, биринчи омил, сут ишлаб чиқариш харажатларининг 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 80693 минг сўмга кўпайиши, 1 центнер сут таннархини 36202 сўмга қимматлашишига таъсир кўрсатган.

Иккинчи омил, яъни ялпи сут миқдорининг 666 центнерга кўпайиши, 1 центнер сут таннархини 44866 сўмгача арзонлашишига олиб келган.

Умуман олганда, «Azizjon» фермер хўжалигида 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 1 центнер сут таннархининг арзонлашишини ижобий баҳолаш мумкин. Агарда 2018 йилда сут ишлаб чиқариш харажатлари 80693 минг сўмга кўпаймаганда эди, 1 центнер сут таннархи 44866 сўмга арзонлашган бўларди. Демак, фермер хўжалигида 1 центнер сут таннархини пасайтиришнинг асосий имкониятлари бўлиб, сут ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини камайтириш ва маҳсулдорликни янада ошириш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, «Azizjon» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларни тежашга доир аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши зарур. «Azizjon» фермер хўжалиги ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва

маҳсулот таннархи даражасини пасайтириш учун қуйидагиларни таъминлаши лозим деб ҳисоблаймиз:

- фермер хўжалигида бошқарув усулларини такомиллаштириш; маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий асосланган ҳолда ташкил этиш;
- хўжалик фаолияти билан боғлиқ барча харажатларни ўз вақтида тўлалигича ҳисобга олиш;
- харажатлар ҳақидаги маълумотларни етиштириладиган маҳсулот турлари бўйича алоҳида счётларда ҳамда ҳисоб регистрларида тўғри акс эттириб бориш;
- харажатларни уларни пайдо қилган объектлари ёки уларни ташувчилари, яъни алоҳида маҳсулот турлари бўйича жамлаб бориш; ишлаб чиқариш харажатларини ҳақиқатда сарфланиши устидан назорат ўрнатиш ва уларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиб ўрганиш.

СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамадияров Д.У. *– ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси доценти, и.ф.н,*
Назаров Х.Ҳ *- ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси ассистенти*

Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида Республикамиз иқтисодиётининг реал секторларида бир қатор ижобий натижалар қайд этилди. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Хусусан, бу борада Республика Президенти Ш.Мирзиёев тегишли тузилма ва ҳокимликларнинг жиддий ва кундалик эътиборини талаб қиладиган яна бир муҳим йўналиш борлигини. Яъни, “бу - хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан химоясини таъминлашдир” [26] деб таъкидлаганлар. Бу бозор муносабатлари шароитида эркин рақобатни вужудга келтириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга ҳамда фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг ошишига имкон беради.

Дарҳақиқат, суғурта ташкилотларининг молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши уларнинг фаолияти давомидаги молиявий натижаларининг тўғри шакллантирилиши ва ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Чунки, суғурта

[26] Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 26 б.

ташкилотларида ҳисобот даври давомида шакллантирилган молиявий натижалари унда ишловчиларнинг моддий таъминланишининг, молиявий-хўжалик фаолиятининг кенгайтирилиши каби ишларнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Молиявий натижаларнинг моҳияти, таснифи ва тавсифи, тан олиниши, счётлар тизими ва улар бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидаги меъёрий ҳужжатларда, жумладан “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, 2-сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар», 3-сон БҲМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”, 21-сонли БҲМС “Бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” ва «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида» Низомда атрофлича ёритилган.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ молиявий натижалар - бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисобни ташкил этишда молиявий натижалар ҳисоби ўзига хос мураккабликларга эга бўлган фаолият турлари бўйича гуруҳлашни талаб қилади. Хусусан, юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари суғурта ташкилотлари “Суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида”ги Низомда белгиланган молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда шакллантиришни талаб этади. Мазкур Низомга мувофиқ суғурта ташкилотларининг харажатлар таркиби “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан белгиланади, бунда суғурта хизматларининг таннархи таркибига қўшимча (махсус) харажатлар киритилади:

- суғурта қилиш (биргаликда суғурта қилиш) ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта товонларининг тўловлари суммаси (хусусан, суғурта ташкилотига тегишли улуш);
- суғурта ҳолатлари бўйича тартибга солиш ҳамда тўлов билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- суғурта қилинган мулкнинг бахтсиз ҳодисага дуч келиши, йўқотилиши ёки шикастланишини огоҳлантириш бўйича молиявий чора-тадбирлар захирасига бўладиган ажратмалар;
- қайта суғурта қилиш операциялари бўйича ҳисоблаб чиқилган воситачилик мукофотлари ва тантъемалар.

Бошқарув ҳисоби мақсадлари учун харажатлар моддаларининг рўйхати ва уларнинг таснифи ҳисобот йилида суғурта ташкилотининг ҳисоб сиёсатида акс этиши лозим.

Суғурта ташкилотларининг даромадлари таркиби ҳам юқоридаги Низомга мувофиқ белгиланади, бунда суғурта хизматларининг сотишдан олинган соф тушум қуйидагича аниқланади:

бевосита суғурта қилиш ва биргаликда суғурта қилиш бўйича мукофотларнинг (хусусан, биргаликда суғурта қилиш шартномасида белгиланган суғурталовчининг улуши) қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари) чиқариб ташланган ҳолдаги умумий суммаси;

қўшув қайта суғурта қилишга олинган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари;

қўшув/айирув ишланмаган мукофот захираси (кейинчалик матнда - ИМЗ) ўзгаришининг қайта суғурталовчиларнинг ИМЗдаги улушига тузатиш киритилган натижаси;

қўшув/айирув баён қилинган, бироқ тартибга солинмаган зарарлар захираси (кейинчалик матнда - БҚЗЗ) ўзгаришининг қайта суғурталовчиларнинг БҚЗЗдаги улушига тузатиш киритилган натижаси;

қўшув/айирув содир бўлган, бироқ баён қилинмаган зарарлар захираси (кейинчалик матнда - СБҚЗЗ) ўзгаришининг қайта суғурталовчиларнинг СБҚЗЗдаги улушига тузатиш киритилган натижаси;

қўшув/айирув ҳаётни суғурта қилиш бўйича захиралар (кейинчалик матнда - ҲЗ) ўзгаришининг қайта суғурталовчиларнинг ҲЗдаги улушига тузатиш киритилган натижаси;

қўшув/айирув бошқа техник захиралар ўзгаришининг қайта суғурталовчиларнинг тегишли захиралардаги улушига тузатиш киритилган натижаси;

қўшув суғурта агенти, брокери, воситачисининг хизмат кўрсатганлиги учун ҳисоблаб чиқарилган воситачилик ҳақлари ва бошқа мукофот пуллари;

қўшув қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича ҳисобланган воситачилик мукофотлари;

қўшув сюрвейер ва авария комиссари-аджастернинг хизмат кўрсатганлиги учун мукофот пуллари;

қўшув бевосита суғурта хизматларини кўрсатишдан олинган бошқа даромадлар.

Суғурта ташкилотларида суғурта хизматларини сотишдан олинган соф тушум юқоридаги каби аниқлангандан сўнг қолган молиявий натижа кўрсаткичлари “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- суғурта хизматларини кўрсатишдан ялпи фойда – суғурта хизматларини кўрсатишдан олинган соф тушумдан кўрсатилган суғурта хизматлари таннархини чегириш йўли билан аниқланади. Яъни ялпи фойда қуйидагича аниқланади:

ЯФ = ССТ - ИТ

бунда:

ЯФ – суғурта хизматларини кўрсатишдан ялпи фойда;

ССТ- суғурта хизматларини кўрсатишдан соф тушум;

ИТ – кўрсатилган хизматлар таннархи.

- Асосий фаолиятдан кўрилган фойда сотишдан олинган ялпи фойда суммасидан давр харажатлари чегирилиб, асосий фаолият натижасида олинган бошқа даромадлари қўшилади ва қуйидагича аниқланади:

АФФ = ЯФ - ДХ + БД

бунда:

АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда;

ЯФ - ялпи фойда;

ДХ - давр харажатлари;

БД - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

- Умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижа субъектнинг асосий фаолияти натижасида олинган фойда суммасидан молиявий фаолияти натижасида кўрилган зарар суммаси чегирилади ва олинган фойда суммаси қўшилади. Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

УФФ = АФФ + МД - МХ

бунда:

УФФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда;

МД — молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ — молиявий фаолият харажатлари.

- Солиқ тўлангунга қадар фойда умумхўжалик фаолияти молиявий натижасига фавқулодда ҳолатлардан олинган фойда суммаси ёки кўрилган зарарларнинг суммаси чегирилади.

СТФ = УФ –ФЗ + ФФ

- Ҳисобот даврининг соф фойдаси солиқ тўлангунга қадар фойдадан даромад солиғи ва фойдадан тўланадиган бошқа солиялар ва мажбурий тўловлар суммасини чегириш йўли билан аниқланади.

СФ = СТФ – ДС - БС

Ҳисобот даврининг соф фойдасини ҳисоблаш учун бухгалтер ёпиладиган ўтказмаларни тузиши лозим, бошқача қилиб айтганда, бу “балансни реформация қилиш (ўзгартириш)” деб аталади. Суғурта ташкилотларининг ҳисобот топшириш даврларидан қатъий назар, ёпиладиган ўтказмаларни ҳар ойда тайёрлаш мақсадга муфовиқдир. Бу қуйидаги муҳим кўрсаткичлар: ялпи даромад, даромад ва харажатлар, тақсимланмаган фойда ва бошқалар тўғрисида тезкор маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратади.

Монографик тадқиқот объекти бўлган «Ўзагросуғурта» АЖ Тошкент шаҳар филиали ҳам “Суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида”ги Низомда белгиланган молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда шакллантирган. Хусусан, жамиятнинг ҳисобот давридаги даромадлари ва харажатлари қуйидагича бўлган: суғурта хизматларини кўрсатишдан олган соф тушуми 17797464,30 минг сўм; кўрсатилган хизматлар таннархи

6093913,1 минг сўм; давр харажатлари – 6640040,7 минг сўм; асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари – 1261720,2 минг сўм; молиявий фаолият даромадлари – 4949,5 минг сўм; молиявий фаолият харажатлари – 2529,1 минг сўм; фойдадан бошқа солиқ ва йиғимлар – 921094,4 минг сўм.

Якуний молиявий натижани аниқлаш мақсадида ушбу даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи счётларни ёпиш бўйича қуйидаги ёпиладиган ўтказмалар тузилади:

- даромадлар счётининг ёпилиши:

Дебет 9000 – “Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар” – 17797464,30 минг сўм

Дебет 9300 – “Асосий фаолиятни бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар” - 1261720,2 минг сўм

Дебет 9500 – “Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар” - 4949,5 минг сўм

Кредит 9910 - “Якуний молиявий натижа” – 19064134 минг сўм.

- харажатлар счётининг ёпилиши:

Дебет 9910-“Якуний молиявий натижа” – 13657577,3 минг сўм

Кредит 9100-“Кўрсатилган хизматлар таннархи” – 6093913,1 минг сўм;

Кредит 9400-“Давр харажатлари” – 6640040,7 минг сўм;

Кредит 9600-“Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар” – 2529,1 минг сўм;

Кредит 9820-“Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар” – 921094,4 минг сўм;

Сўнгра 9910-“Якуний молиявий натижа” счётининг дебети ва кредити орасидаги фарқни ҳисоблаймиз. Ушбу счётнинг дебет обороти кредит оборотидан кўп бўлган тақдирда, фарқ қопланмаган зарарни ташкил этади ва қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 8710-“Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”

Кредит 9910-“Якуний молиявий натижа”.

Бунда баланс пассивидаги капитал бўлимида тақсимланмаган фойда счётининг дебет қолдиғи манфий сумма ёки қизил ранг билан акс эттирилади.

Агарда кредит обороти дебет оборотидан кўп бўлган ҳолатда, фарқ ҳисобот даври бўйича соф фойда суммасини кўрсатади.

«Ўзагросуғурта» АЖ Тошкент шаҳар филиалининг ҳисобот даври маълумотларидан кўринадики, яъни 9910 – “Якуний молиявий натижа” счётининг кредит обороти 17797464,30 минг сўмни ташкил этган бўлса, унинг дебет обороти 13657577,3 минг сўмни ташкил қилган. Демак, юқоридаги қоидага кўра ҳисоб-китоб қиладиган бўлса, жамият ҳисобот даврида 5406556,7 минг сўм соф фойда олган. Ушбу соф фойдани тақсимланмаган фойда сифатида акс эттириб, 9910-“Якуний молиявий натижа” счётини ёпиш тартиби қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9910-“Якуний молиявий натижа” – 5406556,7 минг сўм

Кредит 8710-“Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” – 5406556,7 минг сўм.

Шундай қилиб, «Ўзагросуғурта» АЖ Тошкент шаҳар филиалида даромадлар ва харажатларни ўз вақтида ва тўғри ҳисобда акс эттирилиши якуний молиявий натижанинг аниқ шаклланишини таъминлар экан. Бу эса, молиявий ҳисоботнинг объектив ва ишончли бўлишини таъминлайди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ АУДИТДА ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Давлетов И.Р. *- ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси доценти, и.ф.ф.д. (PhD)*

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида аудитни трансформациялашга зарурат туғилди. Анъанага кўра аудитда хўжалик муомалаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бироқ, бугунги кунда аудитор ҳал қилиши талаб қилинадиган вазифалар сезиларли равишда кенгаймоқда. Уларнинг орасида корхонанинг имкониятларини ва ривожланиш истиқболини баҳолаш, унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва бошқа шу каби масалалар мавжуд. Бу ҳолатда аудитор томонидан қарорлар тайёрланиши ва қабул қилиш жараёнида ахборотларни қайта ишлашнинг таҳлилий амалларидан фойдаланиш учун дастлабки шароитлар яратилмоқда. Аудитнинг эволюцияси, ўз навбатида таҳлилий амалларни фаол қўллаш асосида аудиторлик текширувини ўтказиш методикаларини ривожлантиришни назарда тутувчи аудиторлик текшируви жараёнида таҳлилий амаллар ўрнининг кучайиши билан боғлиқ. Илмий билимлар соҳаси сифатида аудитнинг ривожланиши жараёнида ҳал қилиниши талаб қилинадиган масалалар орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: иқтисодий таҳлил методикаларини аудиторлик фаолиятига мослаштириш; таҳлилий амалларни ўзига хос мазмун билан тўлдириш ва уларни аудиторлик текшируви дастури, таҳлилий амалларни бажариш натижаларини ҳужжатлаштиришга киритиш.

Иқтисодий таҳлилнинг назарий жиҳатлари ва амалий алгоритмлари аудитда биринчи бор М. В. Мельник ва В. Г Когденколарнинг «Аудитда иқтисодий таҳлил (Экономический анализ в аудите)»[27] ўқув қўлланмасида баён қилинган. Кейинчалик Д.А.Ендовицкий, К.П.Агупова[28], С.В.Панкова, О.В.Киселева [29] ва бошқа муаллифларнинг ишларида ушбу методикани тўлдириш ва аниқлаштиришга уринишлар келтирилган. С.В.Панкова ва

[27] Мельник, М. В. Экономический анализ в аудите / М. В. Мельник, В. Г. Когденко. М. : ЮнитиДана, 2007.

[28] Ендовицкий Д. А., Агупова К. П. Оценка использования экономического анализа в аудиторской деятельности // Соврем. экономика: проблемы и решения. 2010. № 7.

[29] Панкова, С. В. Применение инструментов комплексного экономического анализа хозяйственной деятельности предприятия в процессе аудиторской проверки / С. В. Панкова, О. В. Киселева // Вестн. Оренбург. гос. ун-та. 2010. № 13 (119).

О.В.Киселёвалар томонидан комплекс таҳлил тамойиллари ва усулларини аудитда қўллаш имкониятлари кўриб чиқилган.

Биз С.В.Панкова ва О.В.Киселевалар фикрига қўшиламиз ва молиявий ҳисоботни, умуман олганда ҳисобнинг айрим бўлимларини аудиторлик текшируви жараёнида, шунингдек аудит сифатини оширишда мижоз бизнесини тушунишга ёрдам берувчи (унинг фаолият соҳаси, бизнеснинг мавжуд қонуниятларини ва кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни тушунишга), унинг фаолияти натижалари ва хусусиятларини тўлиқ идрок қилишга қодир бўлган хўжалик юритувчи субъект фаолияти ҳақида билимлар олиш воситаси сифатида комплекс иқтисодий таҳлилни фаол қўллаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари комплекс иқтисодий таҳлил аудитор олдида турган корхона раҳбариятининг иш юритиш самарадорлигини баҳолаш, ёки корхонанинг узулуксиз фаолият кўрсатиши каби махсус вазифаларни ечишга имкон беради.

Бироқ, аудиторлик фаолиятида комплекс иқтисодий таҳлилни қўллаш ўзига хос хусусиятларга эга. Шу сабабли комплекс иқтисодий таҳлилнинг мавжуд методикасини аудитнинг мақсади ва вазифаларига мослаштиришни талаб қилади. Шундай қилиб, С.В.Панкова ва О.В.Киселеваларнинг «аудит жараёнида кўрсаткичлар таҳлилига ёндашувни қайта кўриб чиқиш зарур» деган таъкидларига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Бизнинг фикримизча, муаллифлар «бухгалтерия ҳисоботлари кўрсаткичлари асосида ҳисобланган кўрсаткичлар ретроспектив ҳолатни акс эттириши, бир пайтнинг ўзида аудитор корхонани ривожлантиришнинг истиқболларини аниқлаши зарур»лигига асосли равишда аҳамият беришган[30].

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва нашр қилинган ишларни танқидий таҳлил қилиш таҳлилий амалларни аудиторлик текширувининг бутун жараёнига қўллаш зарурлигини, бироқ амалларнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни улар аудиторлик текширувининг қайси босқичида амалга оширилишига боғлиқлигини таъкидлашга имкон беради. Шунинг учун комплекс таҳлилни ўтказиш кетма-кетлигини аудиторлик текшируви босқичларига тақсимлашни таклиф қиламиз (расмга қаранг).

Шу билан бир қаторда, комплекс таҳлилнинг барча йўналишларини аудиторлик текшируви жараёнида амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаш керак. Мисол учун, интеллектуал мулк объектлари аудиторлик текширувида уларнинг корреляцион-регрессион таҳлилини амалга оширишдан мазмун йўқ, чунки аудитор учун кўрсаткичлар ўртасидаги ҳар қандай, шу жумладан стохастик боғланишлар мавжудлиги ҳар доим ҳам аудиторлик далилларининг ўз вақтидалиги (ўринлилиги) талабига мос келавермайди. Ўз навбатида, аудиторлик текшируви жараёнида комплекс таҳлил тизимига кирмайдиган таҳлилий амаллар ҳам бўлиши мумкин.

Интеллектуал мулк объектларининг комплекс таҳлилини ўтказишнинг

[30] Панкова, С. В. Применение инструментов комплексного экономического анализа хозяйственной деятельности предприятия в процессе аудиторской проверки / С. В. Панкова, О. В. Киселева // Вестн. Оренбург. гос. ун-та. 2010. № 13 (119).

таклиф қилинаётган кетма-кетлигини аудиторлик текшируви босқичларига қўллаш мумкин.

Амалиётда аудитор учун аудиторлик текшируви жараёнида таҳлилий амалларнинг мазмунини билиши муҳимдир. Жадвалда келтирилган интеллектуал мулк объектлари аудиторлик текшируви босқичларида таҳлилий амалларнинг мазмуни ва уларнинг ушбу активларнинг комплекс таҳлили йўналишлари билан ўзаро боғланиши ушбу амалларни амалиётда бажаришни сезиларли равишда осонлаштириши мумкин.

Шундай қилиб, аудиторлик текширувининг ташкилий-тайёргарлик ва тадқиқот (ўрганиш) босқичларида сифат ва миқдорий таҳлилий амаллар қўлланилади. Бунда миқдорий амаллар номоддий активлар комплекс таҳлили йўналишлари билан осонликча ўзаро боғланади. Ўз навбатида, сифат тавсифидаги амал-лар ўзаро боғланмайди. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, ушбу амалларни мустақил блокка ажратишга зарурат вужудга келади.



Расм. Интеллектуал мулк объектлари комплекс таҳлилини ўтказиш кетма-кетлигининг аудиторлик текшируви босқичларига нисбатан қўлланилиши[31]

Жадвалдан кўриниб турибди-ки, аудиторлик текширувининг ташкилий-тайёргарлик босқичида молиявий ҳисобот моддалари ИМО қисмини тренд, горизонтал ва вертикал таҳлилдан ўтказиш зарур. Таҳлил жараёнида аудитор ИМОнинг мавжудлиги, динамикаси ва тузилиши ҳақида хулосалар қилиши зарур. Ушбу таҳлилий амалларнинг мақсади – ноодатий суммаларни, молиявий ҳисобот моддалари кўрсаткичлари ўзгариш тенденциясини, улар орасидаги одатий бўлмаган нисбатларни аниқлашдир. Шундай қилиб, аудиторлик текширувининг ташкилий-тайёргарлик босқичида таҳлилий амалларнинг қўлланилиши аудиторлик текширувидан ўтказилаётган корхонанинг фаолиятида ИМОнинг аҳамияти ва ўрнини тушунишга, ушбу активларни ҳисобга олишнинг потенциал нозик соҳаларини аниқлашга, аудиторлик риски даражасини аниқроқ белгилашга ҳамда ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизими самарадорлигини баҳолашга ёрдам беради, яъни ИМОни аудиторлик текширувидан ўтказишни самарали режалаштиришни таъминлайди.

жадвал

Интеллектуал мулк объектлари аудиторлик текшируви босқичларида таҳлилий амалларнинг қўлланилиши[32]

Аудит босқичлари	Таҳлилий амалларнинг мазмуни	ИМО комплекс таҳлили йўналиши
Ташкилий-тайёргарлик	Корхонанинг умумий ривожланиш стратегиясини ИМОдан фойдаланиш йўналишлари билан солиштириш. ИМОнинг узоқ муддатли активлар, шунингдек мулклар таркибидаги улушини аниқлаш.	ИМОга талаб таҳлили
	Фойдаланилаётган ИМОнинг бозор кўрсаткичларини баҳолаш	ИМО талаб ва таклифи таҳлили
	Кетма-кет бир неча йиллар кесимида ИМО миқдорлари ўзаро нисбатини ўрнатиш. Ҳисоботларнинг ИМОга тегишли қисмини тармоқнинг ўртача кўрсаткичлари билан таққослаш.	ИМО динамикаси таҳлили
	ИМО умумий таркибида айрим турларининг улушини аниқлаш, яъни ИМО таркибни текширишда вертикал таҳлил усулларини қўллаш	ИМО тузлиши таҳлили
	ИМО умумий таркибидаги муҳофаза қилинган ва муҳофаза қилинмаган ИМОнинг улушини аниқлаш. Муҳофаза ҳужжатларини олишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳисоб-китоби.	ИМОнинг ҳуқуқий муҳофазаланганлиги
	Назорат тизимининг номоддий активларга тегишли қисмини фаолият хусусияти ва ҳажмига мувофиқлигини текшириш. Аудиторлик текширувидан ўткази-лаётган субъектнинг ИМО билан боғлиқ хўжалик муомалаларининг миқдори ва қийинлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ИМО билан ишлаш бўйича ташкилий тузулманинг мослигини текшириш. Ходимлар сиёсати ҳолатини текшириш.	Қўшимча амаллар блоки
Тадқиқот	ИМОнинг ҳаққоний қийматини ҳисоблашда ва унинг қиймати ва	ИМО қийматини баҳолаш

[31] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган
[32] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

(ўрганиш)	қайта баҳоланишини текширишда баланс қиймати билан таққослашда эксперт баҳоларини қўллаш ИМОнинг қиймати пасайишида уларнинг сифатини баҳолаш.	
	ИМОнинг ҳаракати ва ҳолати кўрсаткичлари ҳисоб-китоби, уларни таққослаш.	ИМО ҳолати ва ҳаракати таҳлили
	Кетма-кет бир неча йиллар кесимида даромадлар миқдорининг ўзаро нисбатини белгилаш. Даромадларнинг умумий ҳажмида алоҳида турдаги даромадларнинг улушини аниқлаш.	ИМОдан фойдаланишдан даромадлар таҳлили
	ИТТКИ ва ИМОдан фойдаланишдан пул оқимларини режалаштириш ва прогнозлаштириш. Корхонада яратилган ИМО ва ИТТКИ ҳажми, тузилиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш. НМАларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ҳамда ИМОнинг молиявий ҳисоботларда акс эттирилишининг техник ва услубий жиҳатларини ўрганиш ва текшириш. ИТТКИни бюджетлаштириш таҳлили.	ИМОнинг инвестицион таҳлили
	ИМО амортизациясиини текширишда олдинги даврлар билан таққослаш усулининг қўлланилиши. НМАларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини текширишда баланс усулининг қўлланилиши. ИМО кўрсаткичлари тавсифи аниқлаш ва уларни ҳисобдан чиқаришда молиявий ва номолиявий маълумотларнинг ишончлилигини мантиқий назоратнинг қўлланилиши. Ўзаро боғланган кўрсаткичларни бир йўла текшириш.	Қўшимча амаллар блоки
Якуний	ИМОдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари ҳисоб-китоби. ИМОдан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг омилли таҳлили. ИМОнинг истиқболдаги самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда динамик ёндашувнинг қўлланилиши.	ИМОдан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили
	ИМОдан фойдаланиш самарадорлигининг фаолият натижаларига таъсирининг омилли таҳлил	ИМОдан фойдаланишнинг корхона фаолияти натижалари ва молиявий ҳолатига таъсири таҳлили
	ИМОдан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш учун кўп ўлчовли таққослашлардан қўлланилиши	ИМОдан фойдаланиш самарадорлиги комплекс баҳолаш

Аудиторлик текширувининг ташкилий-тайёргарлик босқичи дастурни тайёрлаш билан якунланади. Бизнинг фикримизча, амалдаги ИМО аудити методикасининг камчиликларидан бири, аудиторлик текшируви амалиётида қийинчиликларга олиб келувчи ушбу амалларнинг аудиторлик текшируви дастурида мавжуд эмаслигидадир. Тадқиқотлар натижасида таҳлил амалларини қўллаш асосида ИМО аудиторлик текшируви дастурининг намунавий шакли шакллантирилди.

Интеллектуал мулк объектлари аудитининг тадқиқот (ўрганиш) босқичида, бизнинг фикримизча, баланс усули (ушбу активларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини текширишда; ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг бир хиллигини баҳолашда), интеллектуал мулк объектлари бўйича ноодатий четланишларни аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаракати, ҳолати кўрсаткичларини горизонтал таҳлилдан ўтказиш, ушбу активлар бўйича амортизация ажратмалари нормалари ва суммаларини таққослаш усулларини қўллаш каби таҳлилий амалларнинг қўлланилиши долзарбдир.

Аудиторлик текширувининг якуний босқичида, ҳисоботлар тайёрлан-

гунгача, энг аввало, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш билан боғлиқ таҳлилий амалларнинг қўлланилиши корхона раҳбариятининг иш юритиш самарадорлигини баҳолаш ва аудиторлик текширувидан ўтказилаётган хўжалик субъектининг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш имкониятларини баҳолаш, шунингдек ИМОдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш имконини беради.

Аудиторлик текшируви жараёнида интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш самарадорлиги комплекс таҳлилини амалга оширишнинг таклиф қилинган ёндашувида ушбу активларни таҳлилий амаллардан фаол қўллаш асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш методикасини ривожлантиришга маълум ҳисса қўшади, бу эса ўз навбатида аудиторлик тешкруви жараёнида асосланган қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мельник, М. В. Экономический анализ в аудите / М. В. Мельник, В. Г. Когденко. М. : ЮнитиДана, 2007.
2. Ендовицкий Д. А., Агупова К. П. Оценка использования экономического анализа в аудиторской деятельности // Соврем. экономика: проблемы и решения. 2010. № 7.
3. Панкова, С. В. Применение инструментов комплексного экономического анализа хозяйственной деятельности предприятия в процессе аудиторской проверки / С. В. Панкова, О. В. Киселева // Вестн. Оренбург. гос. ун-та. 2010. № 13 (119).

КРЕДИТЛАР АУДИТИНИ ДАСТЛАБКИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Тажекеев З.К. *- Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчиси*

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида кўпчилик аграр корхоналар, хусусан, фермер хўжаликларида қарз маблағларига эхтиёж вужудга келмоқда. Режалаштирилган ишларни фақат ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширишга ҳар доим ҳам имкон бўлавермайди. Бунда корхона ҳар хил кредиторларга ёрдам сўраб мурожат қилишга мажбур бўлади. Буларга банклар, кредит уюшмалари, молиявий барқарор корхоналар ва бошқалар киради.

№15 “Бухгалтерия баланси” номли БҲМСнинг 19-22 бандларига мувофиқ корхона мажбуриятларининг таркибида қуйидаги ахборотлар акс эттирилиши лозим:

- узоқ муддатли кредитлар (570 сатр) ва қарзлар (580 сатр) бўйича қарздорликлар мавжудлиги ва уларнинг ўзгариши;

- қисқа муддатли кредитлар (730 сатр) ва қарзлар (740 сатр) бўйича қарздорликлар мавжудлиги ва уларнинг ўзгариши.

Таъкидлаш жоиз-ки, кредит олиш, уларга фоизлар ҳисоблаш ва тўлаш заруратини юзага келтиради, фоизларни ҳисобда акс эттириш тартиби эса кўплаб хусусиятларга эга. Шунингдек, бухгалтерия балансининг 570 сатр "Узоқ муддатли банк кредитлари" (7810); 580сатр "Узоқ муддатли қарзлар"(7820, 7830, 7840); 730 сатр "Қисқа муддатли банк кредитлари" (6810); 740 сатр "Қисқа муддатли қарзлар" (6820,6830,6840) ҳамда 750 сатр "Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми" (кредитлар ва қарзлар қисми) моддалари бўйича кўрсаткичларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш етарли даражада сермеҳнат ва мураккаб масала ҳисобланади.

Шу билан бирга кредитлар ва қарзлар бўйича операцияларни текшириш усуллари аниқ ва батафсил, назорат амаллари изчил ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Шундагина аудитор текширув жараёнига ёрдамчи(ассистент) жалб қилиши мумкин.

Баён қилинганларни умумлаштириб, шуни таъкидлаш мумкин-ки, аудит жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

- ички назорат тизимининг аҳволини баҳолаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерияси ва бошқа хизматлар ходимларидан сўров ўтказиш;
- қарз маблағларини жалб қилиш бўйича операциялар аудитининг дастурини, унга зарур ва етарли даражадаги аудиторлик амаллари рўйхатини қўшган ҳолда тузиш;
- иш ҳужжатларини расмийлаштириш ва режалаштирилган аудиторлик амалларини бажариш учун зарур бўлган воситалар(дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва ҳ.к) таркибини аниқлаш;
- аудиторлик амалларини бажаришга доир вазифаларни аудитор ёрдамчилари ўртасида тақсимлаш.

№3 "Аудитни режалаштириш" номли аудиторлик фаолияти миллий стандарти(АФМС)га мувофиқ аудиторлик текширувларини режалаштириш жараёнида аудитнинг умумий режаси ва аудит дастури тузилиши ҳамда расмийлаштирилиши лозим. Дастурда аудитнинг умумий режасини амалга ошириш учун қўлланиладиган аудиторлик амалларининг ҳажми ва вақт сарфи ҳамда хусусиятлари батафсил ёритилади.

Таъкидлаш жоиз-ки, аудитни режалаштириш аудиторлик текширувини амалга оширишнинг муҳим жараёнларидан ҳисобланади.

Аудитни режалаштириш босқичларига умумий негизга таянган ҳолда илмий, ўқув-услубий ва меъёрий манбаларда турлича ёндашилган.

Бизнингча, кредитлар ва қарзлар аудити батафсил режалаштирилиш қуйидаги босқичлар бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- аудитнинг стратегияси ва тактикасини аниқлаш;
- аудиторлик текширувининг умумий режасини тузиш;
- аудиторлик дастурини тузиш;
- аниқ аудиторлик амалларини аниқлаш.

Аудит дастури бир вақтда иккита муҳим функцияни бажаради. Бир томондан, у аудитор учун текширув ўтказиш йўриқномаларининг тўплами бўлса, иккинчи томондан, аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан аудиторлар ишларининг бажарилишини ва сифатни назорат қилиш воситаси ҳисобланади.

Афсуски, бу ҳолда стандартда маълум терминологик ноаниқликлар мавжуд. Хусусан, бухгалтерия ҳисоби бўлимлари деганда нима тушунилиши мавҳум баён қилинган. Бизнинг фикримизча, мазкур ҳолатда бухгалтерия ҳисобининг бўлимлари деганда, биринчи навбатда молиявий ҳисоботнинг моддалари тушунилади. Чунки, бундай моддалар тўпламидан иборат молиявий ҳисоботни тасдиқлаш аудитнинг асосий мақсади ҳисобланади. Тадқиқот объекти бўйича бундай моддаларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- 570 сатр.Узоқ муддатли банк кредитлари(7810)(3,4-устун);
- 580 сатр.Узоқ муддатли қарзлар(7820,7830,7840) (3,4-устун);
- 730 сатр.Қисқа муддатли банк кредитлари(6810) (3,4-устун);
- 740 сатр.Қисқа муддатли қарзлар(6820,6830,6840) (3,4-устун);
- 750 сатр.Узоқ муддатли мажбуриятларни жорий қисми(6950) (3,4-устун).

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ “Мижоз фаолияти тўғрисида ахборотлар” (Knowledqe of Client Business) иш ҳужжати аудитнинг режаси ва дастуридан олдин тузилади. Бизнингча, бундай дастлабки ахборотларни қуйидаги шакл бўйича умумлаштириш зарур (1-жадвал).

1-жадвал

Фермер хўжалигида асосий молиялаштириш манбаларининг 1 январ 2020 йил ҳолати (тавсия)[33]

Кўрсаткичлар	Сумма	%, жамига нисбатан
Ўз маблағлари манбалари		
Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари		
Кредиторлик қарзи ва мақсадли молиялаштириш маблағлари		
Жами		100,0

“Мижоз фаолияти тўғрисида ахборотлар” иш ҳужжати аудиторлик ташкилоти томонидан ҳар йили тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда тузилади ва иш ҳужжатлари папкасида сақланади. Агар тўлдирилган иш ҳужжати ўзгартирилмасдан кейинги йилларга ўтказилса, ундан нусха олиниши ва олдинги йилдаги папкада сақланиши зарур.

Бизнинг фикримизча, кредитлар ва қарзлар аудитини дастлабки режалаштириш босқичида “Дастлабки режалаштириш ишчи жадвали” тузилиб, унда аудиторлар мазкур объект бўйича операциялар тўғрисида қуйидаги ахборотларни акс эттириши лозим (2-жадвал).

Шундай қилиб, дастлабки режалаштириш ишчи жадвали корхонадаги текширилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳажмини ва аудит ўтказиш учун сарфланадиган жами вақтни аниқлаш учун хизмат қилади.

[33]тадқиқотчи томонидан тузилган

2-жадвал

Кредитлар ва қарзлар аудитини дастлабки режасини тузиш бўйича ишчи жадвал (тавсия)[34]

№	Аудит обьекти	Иш мазмуни
1	Банк кредитларини жалб қилиш бўйича операциялар ҳажми (бир йилда тузилган кредит шартномалари сони кўрсатилади)	
2	Қарзларни жалб қилиш бўйича операциялар ҳажми (бир йилда тузилган қарз шартномалари сони кўрсатилади)	
3	Кредитлар ва қарзларни жалб қилиш бўйича операциялар:	
	а) асосий воситаларни қуриш	
	б) асосий воситаларни сотиб олиш	
	в) товар моддий қийматликларни сотиб олиш	
	г) иш ҳақи бериш	
	д) бошқалар	

Ишчи жадвал бўлғуси мижоз фаолиятини дастлабки ўрганиш учун юборилган аудиторлар томонидан тузилади. Бунда корхона раҳбари, бош бухгалтери ва бухгалтерия ходимлари билан ўтказилган суҳбатлар ҳамда ҳужжатларни кўздан кечириш натижаларига асосланилади. Баҳолаш жараёнида ва унинг натижалари бўйича варақага олинган ахборотлар ёзилади ёки таклиф қилинган вариантлардан биттаси танланиб, тегишли катагига белги қўйилади. Агар мижоз қандайдир ахборотни аниқ тақдим этишдан бош тортса, у ҳолда унинг тахминий мазмуни(қиймати) ёки “рад қилди” деб ёзилиши мумкин.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИСИ

Болтаев А.С. *– ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси,*
Ражабова Н.У. *- ТДАУ талабаси*

Бугунги кунда мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тадбиркорликни ва соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва рағбатлантириш ҳамда ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга йўналтирилган солиққа тортиш ва божхона-тариф тизимини тартибга солишнинг самарали тизимини шакллантириш бўйича кенг қамровли ишлар

[34]тадқиқотчи томонидан тузилган

олиб борилмоқда. Шунингдек, иқтисодиётнинг айрим секторларида тадбиркорлик субъектларига сезиларли миқдорда имтиёз ва преференциялар берилганини ҳисобга олган ҳолда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг амалдаги тартибидаги мавжуд бўлган номутаносибликлар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлашда қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини яратиш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш имкониятини бермаяпти. Бунинг яққол исботини қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилар бўлган фермер хўжаликлари мисолида кўришимиз мумкин.

Ҳаммамизга маълумки, барча қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчилари, яъни фермер хўжаликлари амалдаги солиқ қонунчилигига кўра соддалаштирилган тартибда ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланадилар. Бундай тартиб ердан фойдаланиш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда солиққа тортиш механизмини соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги «Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сонли қарорига асосан 1999 йилнинг 1-январидан бошлаб жорий қилинди. Шу сабабли ҳам уларга бошқа солиқ солиш режимини танлаш, яъни умумбелгиланган солиқ солиш тартибини қўллаш ҳуқуқи чекланган эди. Бу албатта, фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда зарур бўлган товар-моддий захираларни сотиб олишда тўланган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олиш имконини бермасди. Бундай ҳолатда фермер хўжалиги сотиб олинган товар-моддий захиралар бўйича ҳисобланган ҚҚС суммасини уларнинг қийматига қўшган ҳолда ишлаб чиқариш харажатлари таркибида ҳисобга олган. Бу эса, фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларини кўпайишига, маҳсулот таннархи даражасининг ошишига ва асосий фаолият фойдасининг камайишига сезиларли таъсир кўрсатар эди.

Айни вақтда ҚҚСнинг тўлақонли занжирини яратиш ва барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сонли Фармонига мувофиқ ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари, яъни фермер хўжаликлари ҚҚСни тўловчиси ҳисобланади. Чунки, мазкур Фармонга мувофиқ 2019 йил 1 августдан бошлаб фермер хўжаликлари ихтиёрий равишда ҚҚСни тўлашга ўтиши мумкинлиги белгиланган. Бунда фермер хўжалиги белгиланган тартибида солиқ органига мурожаат қилиб ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиши ва 1 августдан бошлаб харидорга тақдим этиладиган счёт-фактурага ҚҚС суммасини алоҳида ажратиб кўрсатиши мумкин. Бундай тартибнинг жорий қилиниши фермер хўжалиги учун катта имконият ҳисобланади. Бу имконият, фермер хўжалиги учун

маҳсулот таннархида сезиларли улушга эга бўлган менирал ўғит, ёқилғи-мойлаш ва механизация хизматлари каби моддий харажатлар бўйича киритилган ҚҚСни алоҳида ҳисобга олиш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, агарда фермер хўжалиги ихтиёрий равишда ҚҚСни тўлашга ўтса, сотиб олган товар-моддий захиралари ва хизматлари учун тўланган ва маҳсулот таннархига киритилган ҚҚСни эндиликда таннархдан ажратиш ва шу миқдорга сотишдан олган ҚҚСни камайтириш ҳисобига маҳсулотининг таннархи арзонлашади.

Шу билан бирга, Фармонга мувофиқ 2019 йил 1 октябрдан бошлаб 2019 йил январь ойидан сентябрь ойигача 1 миллиард сўмдан ортиқ пул айланмаси (тушуми)га эга бўлган ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ер майдонларига эга бўлган ягона ер солиғи тўловчилари қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланишади. Шу сабабли, улар белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт. Бунда, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб белгиланган пул айланмаси (тушуми) чегаравий даражасига етган ягона ер солиғи тўловчилар ушбу даражага эришилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтади.

Фақатгина пахта хом ашёсини ишлаб чиқарувчилар 2019 йил ҳосилидан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтадилар. Бунда, уларга 2018 йилнинг 1 октябридан илгари бўлмаган вақтда ҳақиқатда олинган ва пахта хом ашёсини етиштириш учун ишлатилган товарлар (иш, хизматлар) учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқи берилади.

Яна шуни алоҳида таҳкидлаб ўтиш керак-ки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837-сонли Фармонига мувофиқ 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилди.

Солиқ тизимида бундай ўзгаришлар фермер хўжалигига нима беради?

Биринчидан, юқорида айтиб ўтганимиздек, мол етказиб берувчи ва пудратчилардан сотиб олинган товар-моддий захиралар ва хизматлар қийматида мавжуд бўлган ва тўлаб берилган ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқини беради.

Иккинчидан, ҚҚС тўловчиси сифатида ўзи томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича харидорга тақдим этиладиган счёт-фактурага ҚҚС суммасини алоҳида ажратиб кўрсатган ҳолда сотиш ҳуқуқини беради.

Учинчидан, солиқ юки камайишига эришилди. Яъни, амалдаги солиқ ставкасининг 20 фоиздан 15 фоизга туширилиши, маҳсулот баҳосининг 5 фоизга тушишига бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, амалга оширилаётган солиқ ислоҳотларидан кўзланган асосий мақсад бу ҚҚС бўйича тўлақонли занжирни яратиш ва барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш босқичларида барқарор нарх сиёсатига эришишдир.

Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларга ҚҚСнинг мазмун-моҳиятини (Нима учун ҚҚС муҳимлиги?, Фермер хўжалиги ҚҚС тўловчиси бўлса, нима ўзгариш бўлишини?, ҚҚСнинг фермер хўжалик фаолиятига таъсирини ва бошқа) тушунтириш;
- ҚҚСни ҳисоблаш, ҳисобга олиш ва бюджетга тўлаш тартиби бўйича семинарлар, тренглар ва мулоқатнинг бошқа самарали усулларидан фойдаланган ҳолда кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;
- ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг барчасини ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатга олиш.

Юқоридагиларнинг амалга оширилиши қўшилган қиймат солиғи бўйича тўлақонли занжирни яратиш, уни ҳисоблаш, ҳисобга олиш ва бюджетга тўлаш бўйича номутаносибликларни қисқартиришга ҳамда белгиланган мақсадга эришишга хизмат қилади.

ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Болтаев А.С. *– ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси*

Қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши бир қатор омилларга, жумладан меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Чунки, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайиши ва сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига маҳсулот таннархи даражасини пасайтириш имконини беради. Шу боис, қайта ишлаш корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бу меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги деганда аниқ вақт бирлиги (1 киши-соат ёки 1 киши-куни) ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат ҳажми тушунилади.

Бугунги кунда меҳнат унумдорлиги ва унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили иқтисодчи олимлар М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исроилов ва Б.И.Исроилов [35] , А.В.Ваҳобов, А.Т.Иброҳимов ва Н.Ф.Ишонқулов[36], М.Қ.Пардаев, Б.А.Хасанов, Ж.И.Исроилов, М.Э.Пўлатов, Ў.Т.Эшбоев ва А.Н.Ҳолиқулов[37], Т.Қудратов ва Н.Файзиева[38]ларнинг илмий

[35] Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил: Ўқув қўлланма. –Т, 2017. 203 б.

[36] Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. –Т.: “Шарқ”, 2005. -195 б.

[37] М.Қ.Пардаев ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т.: “Чўлпон”, 2012. – 147 б.

ва ўқув-услубий асарларида ўрганилган. Мазкур иқтисодчи олимларнинг асарларида меҳнат унумдорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бу 1 киши-соат ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, 1 киши-куни ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва 1 ишчи ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори каби кўрсаткичлар бўлиб, уларни аниқлаш тартиби қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

Меҳнат унумдорлигининг таҳлилида мазкур кўрсаткичлар аниқланиб, уларнинг базис йилидаги кўрсаткичи билан таққосланган ҳолда ўзгаришлари аниқланади. Шундан сўнг, уларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатган омилларнинг таъсир даражалари ҳисоб-китоб қилиб ўрганилади. Таҳлил натижалари асосида меҳнат унумдорлигининг ўзгариш сабаблари ва унинг даражасини ошириш имкониятлари кўрсатиб берилади.

1-жадвалда кўрсатиб ўтилганидек, ишчининг бир соатлик иш унумини аниқлаш учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, бир ишчининг йил давомида ишлаган киши-соатларига бўлиш лозим.

Бундан кўринадики, ишчининг бир соатлик иш унумининг ўзгаришига қуйидаги икки омил таъсир кўрсатади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши;
- бир ишчининг йил давомида ишлаган киши-соатларининг ўзгариши.

1-жадвал

Меҳнат унумдорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби

№	Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби	Изоҳ
1	1 киши-соат ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот (Кс)	**Кс = М / С** Бу ерда: М – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, С – сарфланган жами киши-соат миқдори	Бу кўрсаткич 1 киши-соат ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини кўрсатади
2	1 киши-куни ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот (Кк)	**Кк = М / К** Бу ерда: М – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, К – сарфланган жами киши-кунлари миқдори	Бу кўрсаткич 1 киши-куни ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини ифодалайди
3	1 ишчи ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот (Ки)	**Ки = М / Ис** Бу ерда: М – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, Ис – ишчилар ўртача сони	Бу кўрсаткич бир ишчи ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини кўрсатади

Юқорида иқтисодчи олимларнинг асарларида меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгаришига мазкур омилларнинг таъсирини аниқлаш тартиби “Қайта ҳисоблаш” ва “Занжирли боғланиш” усуллари ёрдамида шартли маълумотлар асосида атрофлича ёритиб берилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керак-ки, меҳнат унумдорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзгаришига фақатгина маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва

[38] Т.Қудратов, Н.Файзиева. Корхоналар фаолиятининг таҳлили ва назорати. –Т.: “Ворис-нашриёт”, 2012. – 80 б.

бир ишчининг йил давомида ишлаган киши-соатлари (ишчилар сони ёки бир ишчининг йил давомида ишлаган киши-кунлари)дан ташқари бевосита ишчиларнинг умумий ходимлар сони таркибидаги улуши, ишлаган кунлари ҳамда иш кунининг давомийлиги каби омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, меҳнат унумдорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткич бўлиб, бир нафар ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ифодаловчи миқдор ҳисобланади. Бу кўрсаткични аниқлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ходимларнинг ўртача йиллик сонига бўлиш керак. Бироқ, ушбу кўрсаткични аниқлашда қуйидаги омилларнинг кўпайтмаси кўринишида ҳам ифодалаш мумкин:

$$\mathbf{Км = У_л \times К_к \times К_д \times К_с}$$

Бундан кўринадики, меҳнат унумдорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткич (бир нафар ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот)нинг ўзгариши қуйидаги омиллар ҳисобига юзага келади:

- ишчиларнинг умумий ходимлар сони таркибидаги улушининг ўзгариши ($У_{л1}$ - $У_{л0}$);
- бир ишчининг йил давомида ишлаган киши-кунларининг ўзгариши ($К_{к1} – К_{к0}$);
- иш куни давомийлигининг ўзгариши ($К_{д1} – К_{д0}$);
- бир киши-соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши ($К_{с1} – К_{с0}$).

Мазкур омилларнинг меҳнат унумдорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткичга таъсирини аниқлашда “Занжирли боғланиш” усулидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун, биринчи навбатда меҳнат унумдорлигининг қуйидаги боғланиш кўрсаткичларини аниқлаб олиш лозим:

1. $Км_0 = У_{л0} \times К_{к0} \times К_{д0} \times К_{с0}$ – базис давридаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи;
2. $Км_{ш1} = У_{л1} \times К_{к0} \times К_{д0} \times К_{с0}$;
3. $Км_{ш2} = У_{л1} \times К_{к1} \times К_{д0} \times К_{с0}$ } шартли меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи;
4. $Км_{ш3} = У_{л1} \times К_{к1} \times К_{д1} \times К_{с0}$;
5. $Км_1 = У_{л1} \times К_{к1} \times К_{д1} \times К_{с1}$ – ҳисобот давридаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи.

Меҳнат унумдорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткичнинг ўзгариши ҳисобот давридаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичидан базис давридаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини чегириш орқали аниқланади:

$$\pm\Delta \text{ Км} = (У_{л1} \times К_{к1} \times К_{д1} \times Кс_1) – (У_{л0} \times К_{к0} \times К_{д0} \times К_{с0})$$

Шундан сўнг, иш вақти фондининг ўзгаришига омиллар таъсири ҳисоб-китоб қилиниб аниқланади. Бу қуйидагича амалга оширилади:

- умумий ходимлар сони таркибидаги ишчиларнинг улушининг ўзгариши меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатганлиги аниқлаш учун 1-шартли меҳнат унумдорлиги кўрсаткичидан базис давридаги кўрсаткични чегириш лозим:

$$\pm\Delta У_л = (У_{л1} \times К_{к0} \times К_{д0} \times К_{с0}) – (У_{л0} \times К_{к0} \times К_{д0} \times К_{с0})$$

- бир ишчининг йил давомида киши-кунларининг ўзгаришини меҳнат унумдорлигига таъсирини аниқлаш учун 2-шартли меҳнат унумдорлиги кўрсаткичидан 1-шартли меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини чегириш керак:

$$\pm\Delta К_к = (У_{л1} \times К_{к1} \times К_{д0} \times К_{с0}) – (У_{л1} \times К_{к0} \times К_{д0} \times К_{с0})$$

- иш куни давомийлигининг ўзгаришини меҳнат унумдорлигига таъсирини аниқлаш учун эса 3-шартли меҳнат унумдорлиги кўрсаткичидан 2-шартли кўрсаткичини чегириш лозим:

$$\pm\Delta К_д = (У_{л1}\times К_{к1}\times К_{д1}\times К_{с0}) – (У_{л1}\times К_{к1}\times К_{д0}\times К_{с0})$$

- бир киши-соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини меҳнат унумдорлигига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот давридаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичидан 3-шартли кўрсаткичини чегириш лозим:

$$\pm\Delta К_с = (У_{л1}\times К_{к1}\times К_{д1}\times К_{с1}) – (У_{л1}\times К_{к1}\times К_{д1}\times К_{с0})$$

Ушбу омилларнинг таъсир кўрсатиш натижаларининг йиғиндиси меҳнат унумдорлигининг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\pm\Delta Км = (\pm\Delta У_л) + (\pm\Delta К_к) + (\pm\Delta К_д) + (\pm\Delta К_с)$$

“НАМУНА” масъулияти чекланган жамият маълумотлари асосида меҳнат унумдорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткични “Занжирли боғланиш” усулининг қоидаларига амал қилган ҳолда таҳлил қилиб ўрганганимизда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди (2-жадвал).

2-жадвалдан кўриниб турибдики, “НАМУНА” масъулияти чекланган жамиятда бир нафар ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ҳақиқатда бизнес режага нисбатан 360 минг сўмга кўпайган. Бошқача айтганда, меҳнат унумдорлиги даражаси 14,4 (360 × 100 / 2500) фоизга ошган. Буни ижобий баҳолаш лозим.

“НАМУНА” масъулияти чекланган жамиятда бир нафар ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг бизнес режага нисбатан кўпайишига юқорида таъкидлаб ўтган омилларимиз таъсир кўрсатган бўлиб, уларнинг таъсир даражалари ҳисоб-китобларга кўра қуйидагича бўлган:

- биринчи омил, саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибида ишчилар улушининг бизнес режага нисбатан ҳақиқатда 1,7 фоизга ошиши бир нафар ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини 54 минг сўмга ошишига таъсир кўрсатган:

$\pm\Delta У_л$=(0,817×220×8×1,776) – (0,80×220×8×1,776) = 2554–2500 = +54 минг сўм

- иккинчи омил, бир ишчини ишлаган киши кунларининг бизнес режага нисбатан ҳақиқатда 10 кунга камайиши, бир нафар ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини 116 минг сўмга камайишига таъсир кўрсатган:

$\pm\Delta К_к$=(0,817×210×8×1,776) – (0,817×220×8×1,776)= 2438–2554=-116 минг сўм

- учинчи омил, иш куни давомийлигининг бизнес режага нисбатан ҳақиқатда 0,2 соатга камайиши, бир нафар ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 61 минг сўмга камайишига таъсир кўрсатган:

$\pm\Delta К_д$=(0,817×210×7,8×1,776)– (0,817×210×8×1,776)= 2377–2438=-61 минг сўм

- тўртинчи омил, бир киши-соат ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг бизнес режага нисбатан ҳақиқатда 361 минг сўмга кўпайиши эса бир нафар ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 483 минг сўмга камайишига таъсир кўрсатган:

$\pm\Delta К_с$=(0,817×210×7,8×2,137)–(0,817×210×7,8×1,776)= 2860–2377 = +483 минг сўм

2-жадвал

“НАМУНА” масъулияти чекланган жамиятда бир нафар ходимнинг меҳнат унуми ва унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Бизнес режа	Ҳақиқатда	Ўзгариши (+;-)
1	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўм	500000	577720	+77720
2	Умумий ходимлар сони, киши	200	202	+2
3	Шу жумладан ишчилар сони, киши	160	165	+5
4	Жами меҳнат сарфи, минг киши-соат	281,6	270,3	-11,3
5	Ишчилар сонининг умумий ходимлар сони таркибидаги улуши, %	80	81,7	+1,7
6	Бир ишчининг йил давомида ишлаган киши-кунлари, киши-куни	220	210	-10
7	Ўртача иш кунининг давомийлиги, соат	8,0	7,8	-0,2
8	Бир киши-соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	1776	2137	+361
9	Бир нафар ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	2500	2860	+360

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, “НАМУНА” масъулияти чекланган жамият меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларидан етарли даражада фойдалана олмаган. Яъни, бир ишчининг ишлаган киши-кунлари ва иш куни давомийлигида бизнес режага нисбатан йўқотишларга эга бўлган. Бу эса, меҳнат унумдорлиги даражасига салбий таъсир кўрсатган. Шу боис, келгусида меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида йўл қуйилган камчиликларни тўғрилаш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозим деб ҳисоблаймиз. Албатта бу жамиятда келгусида меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларидан етарли даражада фойдаланиш имконини беради.

РАҚАМЛИ ҲИСОБ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАФФОФЛИК ГАРОВИ

Азизов О.М. *- ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси*
Собирова Д.А. *- ТДИУ ҳузуридаги ПККТУМО Тармоқ маркази катта ўқитувчиси*

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт соҳасидаги инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантириш ишлари давлат даражасида давом этмоқда.

Ушбу вазифалар 2017-2021 йиллар Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган бўлиб, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этишни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 сентябрдаги ПҚ-3300-сон ҳамда «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон қарорлари, шунингдек, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига онлайн режимида узатишни таъминловчи назорат-касса машиналарини қўллашни янада такомиллаштириш ушбу соҳани замонавий технологиялар ёрдамида автоматлаштириш ҳамда ундаги муаммоларни бартараф қилишга қаратилгандир.

Онлайн назорат-касса машиналарига фискал модулга боғланиш имкониятига эга бўлган, фискал ҳужжатларни ҳосил қилувчи, фискал ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига онлайн режимида узатишни таъминловчи ва қоғозга чоп этувчи электрон ҳисоблаш машиналари киради. Онлайн назорат-касса машиналарининг афзаллиги шундаки, аввалги касса аппаратидан фаркли ўлароқ, ушбу қурилмалар орқали реал вақт режимида харид чеклари ва тадбиркорлик субъектининг ҳақиқий товар айланмаси ҳақидаги маълумотлар солиқ органларига юборилади.

Фискал модул ўзи уланган қурилманинг ҳисоблаш қувватини ва дастурий маҳсулотини ишлатмаган ҳолда фискал маълумотларни қонунчиликда белгиланган тартибда миллий стандартлар асосида криптографик ҳимоясини таъминловчи фискал хотира вазифасини бажарувчи ихтисослаштирилган физик қурилмадир.

Фискал маълумотлар оператори бўлиб, онлайн режимида қабул қилинган фискал маълумотларни мустақил ва доимий равишда қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш ишларини бажарувчи давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази давлат унитар корхонаси ҳисобланади.

Оператор қуйидагиларни таъминлашилозим:

– назорат касса машиналари фойдаланувчиларига фискал модулни зарур дастурий ва техник ресурслар билан бирга беғараз тақдим этиш;

– назорат касса машиналаридан олинган дастлабки маълумотларни тўлиқ ҳажмда давлат солиқ қўмитасига онлайн режимида узатилишини амалга ошириш;

– онлайн режимида қабул қилинган фискал маълумотларни, шунингдек, электрон фискал ҳужжатларни кечаю кундуз автоматлаштирилган режимда ва доимий қабул қилиш, қайта ишлаш ва тўғрилаб бўлмайдиган сақлашни амалга ошириш;

– давлат солиқ қўмитасига фискал маълумотлардан онлайн режимда фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

– фискал модул фойдаланувчиларининг шахсий маълумотларини ҳимоялаш;

– назорат касса машиналари касса чекининг ҳаққонийлигини QR-код орқали текшириш имконинини берадиган ҳамда Фискал модул ва назорат касса машиналари орасида маълумотларни алмашиш протоколи жойлаштирилган бутунжаҳон интернет тармоғидаги расмий веб-сайтини юритиш;

– пластик карталар орқали тўловларни қабул қилишда назорат касса машиналардан фойдаланиш имкониятини яратиш.

Ўз навбатида давлат солиқ қўмитаси қуйидагиларни таъминлашга мажбур:

– назорат касса машиналаридан кирувчи маълумотларни онлайн режимида қабул қилиш ва дастлабки маълумотларни тўлиқ ҳажмда сақлаш;

– фойдаланувчиларни рўйхатга олиш;

– назорат касса машиналари касса чекининг ҳаққонийлигини QR-код орқали кечаю кундуз автоматлаштирилган режимда текшириш имконини берадиган бутунжаҳон интернет тармоғидаги расмий веб-сайтини ишлатиш.

Ушбу тизим фойдаланувчилари қуйидагиларни бажариши лозим:

– фойдаланиладиган фискал модулни фойдаланувчининг шахсий кабинетида рўйхатдан ўтказиш;

– савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида пулли ҳисоб-китобларни шу жумладан назорат касса машиналари орқали ҳам амалга ошириш;

– Назорат касса машиналари ишдан чиққанда ва (ёки) фойдаланишдан олинганда бу ҳақда операторга ва давлат солиқ хизмати органларига бир сутка ичида хабар бериш;

– Назорат касса машиналарининг интернет тармоғига узлуксиз уланишини таъминлаш бўйича ўзи томонидан барча чораларни кўриш.

Ишлаб чиқарувчилар қуйидагиларга мажбур:

а) фискал маълумотларни модификациялаш (корректировка қилиш), шахсини кўрсатмаслик, тўсиш, ўчириш ва йўқ қилиш имкониятини берувчи дастурий таъминотдан фойдаланилишига йўл қўймаслик;

б) назорат касса машиналари билан ишлашда ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш ва юзага келадиган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш;

в) касса чекининг алоҳида ажратилган майдонида текшируви кодланган шаклдаги реквизитларини ўз ичига олган касса чеки (ҳисоб-китоб амалга оширилган сана ва вақт, фискал ҳужжатнинг тартиб рақами, ҳисоблаш белгиси, ҳисоб-китоб миқдори, фискал модул завод ишлаб чиқариш рақами) камида 20х20 мм ўлчамдаги QR-коди ёрдамида касса чеки ҳақиқийлигини текшириш имкониятини берадиган, бутунжаҳон интернет тармоғидаги веб-сайти белгиси кўрсатилган ёки бошқа воситалар (масалан, мобил аппликация) орқали QR-код шаклланишини таъминлаш;

г) касса чекларида ва автоматлаштирилган ҳолда узатишда қуйидаги маълумотлар акс этишини таъминлаш:

– чекнинг тартиб рақами;

– тадбиркорлик субъектининг номи ва идентификация рақами;

– пулли ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган манзил;

– товар/хизмат номи;
– товар/хизматнинг қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси;
– тўлов шакли: нақд ёки пластик карта ёрдамида;
– тўловнинг жами суммаси;
– тўлов санаси ва вақти;
– фискал модулнинг уникал рақами;
– берилган касса чекининг ҳақиқийлигини текшириш учун QR-код.

Харидорлар онлайн назорат-касса машиналари орқали берилган чеклар ҳақиқийлигини мобил қурилмалар ёрдамида QR- кодни аниқлаш дастури орқали текшириб олишлари мумкин. Бу дастурларни App Store ва Google Play иловалари орқали юклаб олишлари мумкин.

Натижада истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Сифатсиз ёки нуқсонли маҳсулотларни сотиб олган харидор уни қайтариб бериш имкониятига эга бўлади. Бунда чекнинг қоғоз нусхасини сақлаб юриш талаб этилмайди. Маҳсулотнинг харид қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базасида ҳамда харидорнинг мобил телефонида ишончли тарзда сақланади.

Тадбиркорлар ўзларига қулай бўлган ҳар қандай қурилма орқали тизимга уланишлари мумкин. Онлайн касса аппаратлари сифатида интернетга уланган ҳар қандай қурилма –мобил телефондан ёки планшетдан фойдаланса бўлади. Бунда QR- кодни чоп этиш имконияти бўлган принтерга эга бўлиш етарли, чунки онлайн кассанинг ҳар бир чеки ноёб кодга эга.

Демак, фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш, маҳсулотларни сотилган вақти ва жойини кўрсатган ҳолда маълумотларни солиқ органларига онлайн узатишни таъминловчи назорат-касса машиналари орқали тушумларни назорат қилувчи автоматлаштирилган шаффоф тизимни шакллантиради.

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Турсункулова Г.Б. *- ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси 2-босқич таянч докторанти*

Бугунги кунда дунё бозорларида харидор талаби асосан сифатли ва ташқи кўриниши жозибали мева-сабзавотларга кўпроқ бўлиши ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда ҳам агроозиқовқат секторининг ҳолати ва унинг ривожланишига давлат сиёсатининг янгича ёндошувлари талаб қилмоқда. Мамлакатимиз томонидан 180 турдан ортиқ янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари 80 тадан кўпроқ мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Мамлакатимизда мева-сабзавотларни пишиб етилганда хаммаси бир вақтда пишиб етилади ва уларнинг 3/1 қисми нобуд бўлади. Мева-сабзавотларни тўлалигича сақлаб қолиш ҳам иқтисодий жиҳатдан ҳам ижтимоий жиҳатдан бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис мева сабзавот маҳсулотлар сифатини сақлаш

механизмларини ривожлантириш ва янги техника технологиялар жорий этиш лозим бўлади.

Республикада етиштирилаётган маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш ва уларни сифатли сақлаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони [39] нинг 1-иловаси Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари бўлими 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:-бандида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлат сиёсатининг устивор йўналишлари белгилаб берилди.

Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини ривожланишини тўхтатиб турган омиллардан бири ҳам замонавий совутгичлар ва рефрижераторларнинг етишмаслиги бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари тез бузиладиган маҳсулотларни асосий транзит маршрутлар ва чегара постларида тезлик билан ташиш масалалари ҳам мавжуд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўсиқларсиз кўчиришга ва уларни сақлаш ва ташишга кетадиган харажатларни пасайтиришга кўмаклашиш мақсадида инфраструктура лойиҳаларида мақсадли инвестициялар жорий қилиш зарурлиги ортиб бормоқда.

Тез бузиладиган ва мавсумий тарзда ёппасига пишиб етиладиган мева-сабзавотчилик маҳсулотларини бозорларга чиқиш олдидан омборхоналарда мавсумий сақлаш ишларининг самарали йўлга қўйилиши, маҳсулотларни сақлаш учун зарур шароитлар яратилиши, сақлаш жараёнида маҳсулотлар сифати ўзгариши устидан назорат ўрнатилиши, сақлаш қоидаларига амал қилиниши, маҳсулотларни саралаш, идишларга жойлаш ва ташиш жараёнларининг тўғри ташкил этилиши маҳсулотнинг бозоргирлиги ва рақобатбардошлиги даражаси ортишида асосий омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳлотлар натижасида деҳқон фермер хўжаликлари етиштирилаётган сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари ортиб бормоқда. Бу қуйидаги статистик маълумотлар асосида жадвал таҳлилида ҳам кўришимиз мумкин бўлади (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимизда етиштирилаётган маҳсулотлар миқдори 2018 йил маълумотларни 2014 йилдаги кўрсаткичлар билан солиштирилганда картошка 297,7 минг тонна, сабзавотлар 348,4 минг тонна, полиз маҳсулотлари 208,8 минг тонна, мева ва резаворлар 117,7 минг тонна, узум 202,5 минг тоннага кўпроқ етиштирилган буни ижобий баҳолаш лозим.

Таъкидлаш лозимки, мева-сабзавотчилик соҳасида фермер хўжаликлари ихтисослашувини чуқурлаштириш ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитидан кенгроқ фойдаланиш имконини беради. Етиштирилган меваларни янги

[39]"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Фармон. Т.:2017 й.7-феврал. ПФ-4947-сон

узилган ҳолда сақлаш, ташиш ва сотиш тизимини ривожлантириш, қайта ишлаш жараёни самарали, чиқиндисиз бўлишини таъминлаш асосида нобудгарчиликларнинг олдини олишни рағбатлантириш, соҳа ривожланишини иқтисодий, молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

1-жадвал

Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби ва ўсиш динамикаси

Маҳсулот турлари	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йил 2014 йилга нисбатан
Минг тонна						
Картошка	2452,4	2696,9	2958,4	3014,6	2 750,1	297,7
Сабзавотлар	9286,7	10129,3	11 275,8	11433,6	9 635,1	348,4
Полиз	1696,1	1853,6	2044,9	2094,8	1 904,9	208,8
Мева ва резаворлар	2 472,0	2 731,0	3 042,8	3 076,3	2 589,7	117,7
Узум	1 362,0	1 556,0	1 735,8	1 748,9	1 564,5	202,5
Ўтган йилга нисбатан фоизда						
Картошка	108,9	109,9	109,7	101,9	91,2	-17,7
Сабзавотлар	109,0	109,1	111,3	101,4	84,2	-24,8
Полиз	108,8	109,3	110,3	102,4	90,9	-17,9
Мева ва резаворлар	105,1	110,5	111,4	101,1	84,2	-20,9
Узум	105,6	114,2	111,5	100,7	84,4	-21,2

Маълумки, мева ва сабзавотларни сақлашда республикамиз аҳолиси катта тажрибага ва узоқ тарихга эга. Бугунги кунда мева ва сабзавотларни сақлашнинг қуйидаги усуллари мавжуд: – табиий усулда сақлаш: бунда маҳсулотлар турли хил ертўла ва ўраларда сақланади, бундай усулда сақлашдаги жараённи назорат қилиш имкони бўлмайди, яъни бу ҳолда маҳсулотлар атроф-муҳит ҳарорати ва намлигига боғлиқ бўлади; – сунъий усулда сақлаш: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сунъий усулда сақлашда маҳсулотлар махсус лойиҳалаштирилган биноларда сақланади. Бугунги кунда дунё бозоридаги сақланиб, истеъмолга чиқариладиган маҳсулотларнинг карийиб 80 % дан ортиғи сунъий усулда сақланган маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келади. Бунда бинолардаги совутиш камераларида махсус жиҳозлар ёрдамида мева ва сабзавотларни янги узилган кўринишдаги ҳолатини таъминлаб берувчи муҳит яратилади ва ушлаб турилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш жараёни билан боғлиқ сарф ҳаражатларни доимий ва ўзгарувчан ҳаражатларга ажратиш мумкин. Доимий ҳаражатларга сақлаш омбори қурилган ер майдони, у ердаги бинолар ва совутиш камерасини иш фаолиятини таъминлаб берувчи жиҳозлар киради. Ўзгарувчан ҳаражатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ сарф ҳаражатлар қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларинидан тубдан фарқ қилади.

Мева ва сабзавотларни сақлаш жараёни билан боғлик бўлган қолган турдаги ҳаражатлар қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Мева-сабзавотларни сақлаш жараёнидаги ўзгарувчан харажатлар

№	Мева-сабзавотларни сақлашдаги жараёнлар ва материаллар	Босқичлардаги харажатлар, %
1	Маҳсулот сифатини аниқлаш лабораторияси	2
2	Совутиш камерасини ишга тайёрлаш харажатлари	2
3	Сақлаш учун керакли идишларни тайёрлаш	15
4	Хом ашёни ташиш ва тушириш транспортлари	10
5	Хом-ашёни совутиш жиҳозлари	4
6	Хом ашёни камерада сақлаш жараёнидаги харажатлар	55
7	Маҳсулотни ортиш жиҳозлари	2
8	Қўшимча генераторлар	10

Жадвал маълумотларидан кўринадики, мева ва сабзавотларни сақлаш жараёнидаги ўзгарувчан сарф харажатларни энг катта қисми 40% гача хом ашёни сотиб олиш учун сарфланади. Қолганларини технологик жараёнлар кетма-кетлигида ифодалаш мумкин ва уларни фоизларга бўлиниши келтирилган.

Тез бузиладиган мева-сабзавотчилик маҳсулотларини сақлаш ва ташиш тизими яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳисобига кўрилаётган зарар фермер учун келтирилган катта йўқотиш ҳисобланади. Сақлаш тизимини ривожлантириш, замонавий омборхоналар барпо этиш, уларни жиҳозлашда замонавий техникалар ва технологиялардан кенг фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотлар нобудгарчилигининг олдини олиш ва сифатининг бузилишини камайтириш орқали фермерга ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига даромад олиш имкони яратилади.

Хулоса қилиб айтганда мева-сабзавотчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини яхшилашнинг қуйидаги йўналишларини тавсия этиш мумкин:

❖-мева-сабзавотларни бино ичида ҳаво оқими бошқариладиган, сунъий совутиладиган, ҳарорат ва намлик даражаси назорат қилинадиган йирик ҳажмдаги омборхоналар барпо этиш;

❖-мева-сабзавотларни тартибга солинадиган газли муҳитда полиэтилен ниқобларда маҳсулот сифатини назорат қиладиган омборлар барпо этиш;

❖-кичик ҳажмдаги ва тез бузилмайдиган мева-сабзавотларни сақлашда табиий ҳолда ҳарорат ва намликни сақлаш имконини берувчи, ҳаво тизими бошқариладиган кичик омборхоналар қуриш;

❖-маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро андозалар ва сифат талабаларига мувофиқлигини таъминлаш учун улгуржи бозорлар ва логистика марказлари мавжуд бўлиши;

❖-божхона ва чегара пунктларида мева-сабзавот маҳсулотларини фитосанитар назоратдан ўтказиш учун жиҳозланган лабораториялар кўпайтириш;

❖-экспорт бозорлари учун қадоқлашни қўллаб-қувватлаш ҳамда брэндинги чегараланмаслиги ҳамда воситачилар орқали паст нархларда сотилишига йўл қуймаслиги;

❖-тижорат банкларнинг қисқа муддатли банк кредитлари фоизларнинг юқори бўлмаслиги ҳамда гаров бўйича кўпчилик фермерлар амалга ошира олмайдиган юқори талаблар мавжуд бўлмаслиги;

❖-дунё бозорлари стандартлари билан мувофиқ келадиган стандарт маҳсулотлар ишлаб чиқиш;

❖-фермер хўжаликлари ва агробизнесга хусусий сертификатлаш ва маслаҳат хизматлари кўрсатадиган амалий тизимлар яратиш;

❖-иқлим ўзгаришларига чидамли бўлган замонавий қишлоқ хўжалиги экинларининг навларини жорий қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони. -Т.:2017 й.7-феврал.
2. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги статистик тўплами. Тошкент -2018

БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА БОШЛАНҒИЧ ҲИСОБНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ

Вафоев А.У. *–ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси 2-босқич таянч докторанти*

Маълумки, мамлакатимизда балиқчилик тармоғини ривожлантириш мақсадида республика Президенти ва Ҳукуматининг қатор Қарорлари қабул қилинди. Статистик маълумотларга кўра 2018 йилда жами 90 984,3 тонна балиқ овланиб, шундан шундан 35 665,8 тоннаси фермер хўажликлари, 9 578,7 тоннаси деҳқон(шахсий ёрдамчи) хўжаликлар ва 45 739,8 тоннаси қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади. Шунингдек, балиқчилик корхоналари жами 5 376 тага етиб, шундан 5279 таси балиқ етиштириш ва 97 таси қайта ишлашга ихтисослашган.Тармоқ корхоналарини барқарор ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири бошқарув тизимини ишончли ахборотлар билан таъминлайдиган бухгалтерия ҳисоби, хусусан унинг ибтидоси – бошланғич ҳисобни тўғри йўлга қўйишдан иборат. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонунининг 14 – моддасига мувофиқ:*«операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи **бошланғич ҳисоб ҳужжатлари** ва уларни ўтказишга доир фармойишлар хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун **асос** бўлади»*[40].

Демак, барча хўжалик операциялари тегишли бошланғич ҳисоб

[40]Ўзбекистон Республикаси қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (янги таҳрири), Халқ сўзи, 2016 йил 14 апрель, № 73 (6508).

ҳужжатлари билан расмийлаштирилиши шарт. Бошқача айтганда, ҳужжат йўқ, асос йўқ, хўжалик операцияси қонуний ҳисобланмайди!

Лекин, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини юритишда қўлланиладиган бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг тегишли тарзда тасдиқланган ва рўйхатга олинган намунавий шакллари мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам корхоналарда, хусусан балиқчилик хўжаликларида хўжалик операцияларини бошланғич ҳисоб ҳужжатлари билан расмийлаштиришда айрим муаммолар вужудга келмоқда.

Ушбу мақолада балиқчилик хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда қўллаш учун бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг намунавий шакллари ва уларни расмийлаштириш қоидалари келтирилган. Тавсия қилинаётган бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг намунавий шакллари балиқчилик хўжаликлари ишлаб чиқариш - технологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда тузилган.

Балиқчилик хўжаликларида балиқлар бош сонини ҳисобда акс эттириш муҳим ва мураккаб масаладир. Шунинг учун балиқлар бош сонининг бошланғич ҳисобини ташкил этиш амалдаги аналитик ҳисоб тизими билан боғлиқ ҳолда, хўжаликларнинг ихтисослашганлик даражаси билан белгиланади. Бунда хўжаликда қўлланилаётган ишлаб чиқариш технологияси, балиқларнинг тури ва зоти ҳамда ёш гуруҳлари бўйича қуйидагича туркумлаш тавсия этилади:

а) вояга етган маҳсулдор балиқлар (икки, уч, тўрт ва ҳ.);
б) бир йиллик балиқчалар;
в) чавоқлар;
г) ёш балиқчалар (мальклар);
д) личинкалар.

Балиқларнинг юқорида келтирилган гуруҳлари ва уларнинг бир гуруҳдан бошқасига ўтказилиши тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш лозим. Улардан асосийларини тавифлаймиз.

«Насл олиш натижалари тўғрисида Далолатнома» [41] шаклини корхона ҳисоб сиёсати доирасида ишлаб чиқиш ва унда балиқчилик хўжаликларида насл олиш натижаларини расмийлаштириш тавсия этилади. Далолатномада маҳсулдор балиқлар ва олинган личинкаларнинг мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирилади.

Далолатнома балиқлардан насл олиш (инкубация) даврида буйруқ билан тайинланган комиссия томонидан икки нусхада тузилиб, биринчи нусхаси ҳисобот учун бухгалтерияга топширилади ва иккинчиси бош бухгалтерда қолади. Далолатномада увилдириқ(икра) олиш учун ишлатиладиган балиқларнинг тури, зоти, тангали қопламаси, увилдириқ олиш санаси, ишлатилган маҳсулдор балиқлар сони, уларнинг ўртача оғирлиги, увилдириқ(икра) олинган урғочи балиқлар сони, нобуд бўлган маҳсулдор балиқлар сони, олинган увилдириқ(икра)нинг умумий миқдори, олинган личинкаларнинг умумий миқдори, урғочи балиқларнинг

[41]Мақола ҳажми ошиб кетмаслиги учун бошланғич ҳужжатлар намуналари берилмади

маҳсулдорлиги кўрсатилади. Шунингдек, далолатномада сотилган, ўстиришга қўйилган ва нобуд бўлган личинкалар миқдори ҳам кўрсатилади.

Далолатнома бош балиқчи, бухгалтер ва хўжаликнинг ходимлари иштирокидаги комиссия аъзолари томонидан имзоланади ҳамда раҳбари томонидан тасдиқланади.

Далолатнома тузилган кун эртасига маҳсулдор балиқлар ва олинган личинкалар тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш учун бухгалтерияга топширилади.

Ушбу далолатнома маълумотлари ўзининг асосий вазифаси - маҳсулдор балиқлар ва олинган личинкалар тўғрисидаги маълумотларни расмийлаштиришдан ташқари, балиқчилик хўжалигининг ходимларига иш ҳақи ҳисоблаш учун ҳам қўлланилади.

«Мавсумда личинкаларни ўстириш натижалари тўғрисида Далолатнома»ни балиқчилик хўжалигининг бош балиқчиси томонидан икки нусхада, хўжаликнинг ҳисоб сиёсатида қабул қилинган ва ҳужжатлар айланиш графигига мувофиқ белгиланган муддатда тузиш таклиф қилинади. Унинг биринчи нусхаси бухгалтерияга топширилади ва иккинчиси – бош балиқчида сақланади.

Далолатнома олинган личинкалар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Далолатномада личинкаларнинг тури, қайси зотга мансублиги, ўстириш учун ҳавзага қўйилган миқдори, ёш балиқчаларнинг тақсимоти (ҳовузларга қўйилган ва сотилган миқдори) кўрсатилади. Далолатнома бош балиқчи, бухгалтер ва балиқчилик хўжалигининг ходимлардан иборат комиссия аъзолари томонидан имзоланади ҳамда раҳбари томонидан тасдиқланади.

Сўнгра ўстирилган личинкалар тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш учун бухгалтерияга топширилади.

Балиқчилик хўжаликларида қўлланилади ва ҳовузларни балиқлантириш (ҳавзага чавоқ қўйиш) ишларини расийлаштириш учун ***«Ҳовузни балиқлантириш тўғрисида Далолатнома»*** ва ***«Қишлатиладиган ҳовузларни балиқлантириш тўғрисида Далолатнома»*** лар тавсия этилади. Ушбу ҳужжатлар икки нусхада тузилиб, биттаси моддий жавобгар шахсда қолади ва иккинчиси бухгалтерияга топширилади. Далолатномалар хўжалик раҳбарининг буйруғи билан тайинланган комиссия томонидан тузилади ва раҳбар томонидан тасдиқланади. Комиссия таркибига қуйидаги мутахассисларни киритиш мумкин: бош балиқчи, бухгалтерия ходими ва балиқчилик хўжалигининг бошқа тегишли ходимлари.

Балиқларни битта ёш гуруҳидан бошқа ёш гуруҳига ўтказиш бўйича хўжалик операцияларини ҳисобга олиш учун *«Балиқларни гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш Далолатномаси»* тавсия этилади. Далолатнома бош балиқчи томонидан бевосита балиқлар бир гуруҳдан бошқасига ўтказилган куни тузилади ва балиқларни қабул қилган ҳамда топширган масъул шахслар томонидан имзоланади. Далолатномада қуйидагилар кўрсатилади: балиқлар қайси гуруҳдан қайсинисига ўтказилаётганлиги, гуруҳларнинг инвентар рақами, миқдори, баланс қиймати, қабул қилинаётган балиқларнинг кимга

бириктирилаётганлиги ва уларни қабул қилган шахсларнинг имзолари.

Далолатнома балиқчилик хўжалигида қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ ҳужжатлар айланиш режа-графигида ўрнатилган даврда маҳсулдор балиқлар, ремонт пода ва ўстирувдаги балиқларнинг мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

Ой охирида далолатнома бухгалтерияга топширилади ва балиқларни қабул қилиб олган шахсларга иш ҳақи ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириш учун асос бўлади.

Амалиётда кўп ҳолларда у ёки бу сабабларга кўра балиқлар ва балиқлантириш материаллари(чавоқлар)нинг нобуд бўлишини расмийлаштиришда муаммоли вазиятлар вужудга келади.Уларни бартараф этш учун ***«Балиқлар нобуд бўлганлиги тўғрисида Далолатнома»*** тузиш таклиф қилинади. Ушбу ҳужжат нобуд бўлган балиқларнинг технологик гуруҳлари кесимида турлари бўйича алоҳида донаси ва оғирлиги кўрсатилган ҳолда ҳар бир ҳолат учун тузилади. Нобуд бўлган балиқлар, кўпайтириш ва балиқлантириш материалларининг ҳажми нобуд бўлган балиқлар, кўпайтириш ва балиқлантириш материалларининг миқдорини уларнинг ҳисоб ҳужжатларидаги ўртача оғирлигига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Далолатнома бош балиқчи, ихтиолог, ветврач (веттехник) ва мазкур балиқ тўдасини сақлаш учун масъул ходимдан иборат комиссия томонидан тузилади. Далолатнома уч нусхада тузилиб, комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва раҳбар томонидан тасдиқланади. Унинг бир нусхаси бухгалтерияга ва иккинчиси ветеринария хизмати вакилига топширилади.

Далолатномада сув ҳарорати, тиниқлиги, кислородга бойлиги, ишқорланганлиги, шўрланганлиги, ҳовузлар чуқурлиги ва балиқлантириш зичлиги тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ихтиопатологик текширувлар натижалари кўрсатилади.

Далолатнома балиқлар нобуд бўлган куни тузилади ва зудлик билан корхона раҳбариятига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Далолатномада увилдириқ(икра) ва балиқлар нобуд бўлган вазият ва сабаблари ҳамда кейинчалик улардан фойдаланиш мумкинлиги (мумкин эмаслиги) батафсил кўрсатилиши лозим. Сув ҳайвонлари нобуд бўлганида далолатномада сабаблари ва ташҳиси кўрсатилиши лозим. Балиқлар айрим ходимлар айби билан нобуд бўлган ҳолларда ушбу балиқларнинг қиймати бозор баҳоси бўйича баҳоланиб, айбдор шахслардан белгиланган тартибда ундирилади.

Нобуд бўлган увилдириқ(икра), личинкалар ва чавоқлардан ҳосил бўлган чиқитлар, агар уларнинг миқдори катта бўлмаса дона ҳисобида ёки ҳажм-оғирлик усули бўйича ҳисобга олинади. Личинкалар ва ёш балиқлар ёппасига қирилиб кетганида 1 квадрат метрга тўғри келадиган чиқит миқдори аниқланиб, нобуд бўлиш кузатилган жами майдонга ҳисоб-китоб қилинади. Ҳисоб-китоб натижаларини алоҳида далолатнома билан расмийлаштириш зарур.

Нобуд бўлган балиқлар йиғиштириб олиниб, ҳужжатлаштирилади (накладной ёки кирим ордери билан) ва хўжалик омборига топширилади.

Бундай ҳужжат маҳсулотни қабул қилган омборчи томонидан имзоланади ва ***«Балиқлар нобуд бўлганлиги тўғрисида Далолатнома»*****га илова қилинади.** Далолатнома балиқчилик хўжалигининг раҳбари томонидан тасдиқланганидан сўнг балиқларни чиқим қилиш учун бухгалтерия бухгалтерия ёзувларини расмийлаштиришга асос бўлади.

Шундай қилиб, тармоқ корхоналарида бошланғич ҳисобни тўғри ташкил этиш, тавсия этилаётган бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг намунавий шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга кенг татбиқ этиш бошқарув самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (янги таҳрири), Халқ сўзи, 2016 йил 14 апрель, № 73 (6508).
2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 6 апрелдаги «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 3657-сонли Қарори, «Qishloq hayoti», 10.04.2018 й., 37 (8900).
3. ЎзбекистонРеспубликаси Бухгалтерия ҳисобимиллийстандартлари 21-сон БҲМС. – Тошкент:«NORMA», 2012.– 256-бет.
4. R.D.Dusmuratov. Buxgalteriyahisobinazariyasi. –T.: «Fan vatexnologiya»,2013, - 476 bet.

РОЛЬ ЭТИЧЕСКИХ НОРМ В КАЧЕСТВЕ ВНУТРЕННЕГО КОНТРОЛЯ

Абдиева Н.Ш. - Старший преподаватель кафедры «Аудит и экономический анализ» ТФИ, PhD
Куйлиева А.Ш. - Студентка факультета «Бухгалтерский учёт и аудит», ТФИ

Соблюдение морально-этических норм членами делового сообщества способствует развитию высоких стандартов деловой практики, создавая для компании благоприятные долгосрочные перспективы на рынке, формируя и развивая её позитивный имидж у инвесторов и потребителей и оказывая положительное влияние на результаты деятельности компании в целом. Деловая этика не является отраслью экономики, но в бизнес среде работает правило: чем больше этики, тем больше капитала

Одним из наиболее значимых «бухгалтерских противоречий» последних лет, вызвавшим большой резонанс в мировом деловом сообществе, стало возрастающая роль и значение вопросов этики и этичного поведения в деловой практике, хотя Кодекс этики внутренних аудиторов существует уже 10 лет.

Сотрудники Службы внутреннего аудита должны на практике соблюдать не только принятые в организации нормы деловой этики, но и

Кодекс этики Института внутренних аудиторов (IIA), который был разработан как руководство по этичному поведению для внутренних аудиторов. Сотрудники СВА должны отлично знать описанные в нем принципы и правила, а также уметь связывать разные понятия, касающиеся профессиональной этики, с их деловой практикой.

Кодекс этики очень важен для этой профессии, поскольку в ее основу положено доверие пользователей к представляемым внутренними аудиторами гарантиям качества выполненных проверок. Он распространяется на физических лиц, оказывающих услуги внутреннего аудита, и представляет принципы деятельности внутреннего аудита и правила поведения, описывающие поведение, ожидаемое от внутренних аудиторов.

Ниже рассмотрим принципы этики внутренних аудиторов, принятых Международным Институтом внутренних аудиторов в качестве Международных основ профессиональной практики внутреннего аудита (рис.1).

Рисунок1. Этические принципы внутреннего аудитора[42]

Принцип честность предполагает прозрачность, отсутствие обмана, корыстных целей и является фундаментом, на котором основывается доверие к мнению аудитора. Соответствуя этому принципу внутренний аудитор должен выполнять свои обязанности и обязательства не только честно, но и добросовестно, то есть старательно и четко в рамках действующего законодательства и профессиональных стандартов. Честности - предполагает отказ от абсолютно любых действий, которые могут очернить профессию внутреннего аудита или организацию. Вклад внутреннего аудитора в достижение целей, поставленных перед организацией, будет честным, если эти цели юридически и этически оправданы.

[42] https://na.theiia.org

Какие действия организации считаются юридически и этически неправильными?

- Неоправданное использование своей лидирующей позиции на рынке и специальная ценовая политика с целью вытеснения конкурентов.
- Использование логотипов более известных организаций для обозначения своей продукции.
- Преднамеренное нанесение экономического ущерба с помощью конфиденциальной информации, полученных о конкуренте.
- Рэкет при заключении сделок по покупке бизнеса.
- Выпуск продукции или оказание услуг, заведомо не соответствующих заявленному качеству.
- Подкуп сотрудников организаций-клиентов или организаций-поставщиков.

Принцип объективности предполагает отсутствие предвзятости, беспристрастность в процессе сбора, оценки и передачи информации об организации и является единственным вектором для эффективного и поэтапного аудита. Внутренний аудитор не должен принимать участие в деятельности, которая может нанести ущерб беспристрастности, включая деятельность, которая компрометирует интересы организации. Сотрудники службы внутреннего аудита не должны принимать дары от сотрудников отделов, в которых проводится к аудиторская проверка, так как это может привести к искажению мнения внутреннего аудитора. Внутренние аудиторы должны предоставлять все выявленные им в результате аудиторской проверки нарушения, которые могут исказить отчеты о результатах аудиторских проверок, при сокрытии.

Примеры ситуаций, которые нарушают объективность мнения аудитора:

- Предпочтения собственным интересам, а не интересам подразделения или организации при планировании и проведении аудиторской проверки или в рамках оказания консультационных услуг.
- Давление или шантаж со стороны проверяемой организации.
- Ситуация, при котором аудитор испытывает конкуренцию, когда аудируемую сторону проверяет одновременно эксперт со стороны.
- Проверка отделов, в которых внутренний аудитор работал ранее.
- Проверка отделов, в которых родственники или близкие друзья внутреннего аудитора занимают руководящие позиции.

Принцип конфиденциальности указывает на необходимость предотвращения утечки или разглашения информации, которую внутренний аудитор получает в процессе её сбора, анализа и передачи, а также во время проведения аудиторской проверки. Таким образом, несоблюдение принципа конфиденциальности может подорвать авторитет сотрудников службы внутреннего аудита в глазах руководства и сотрудников аудируемых отделов и нанести непоправимый вред деятельности этого подразделения в организации. Внутренние аудиторы должны быть осмотрительны в использовании и хранении,

конфиденциальной информации и не использовать её в личных интересах.

Почти вся информация, полученная в аудируемой организации считается конфиденциальной, ниже прив6едены примеры некоторых из них:

- Финансовая отчётность, налоговые расчеты.
- Управленческая отчётность;
- Условия контрактов с поставщиками, клиентами и кредитными организациями, включая ценовые условия;
- Технологические карты производственного процесса;
- Личные данные сотрудников;
- Структура компании;
- Инвестиционные проекты и сделки организации;
- Сроки и условия проведения рекламных акций;
- Проекты разработки и запуска новых продуктов и услуг.

Принцип компетентность предполагает опыт и наличие необходимых профессиональных знаний для эффективной работы сотрудников СВА. Внутренние аудиторы должны участвовать только в тех заданиях, для реализации которых у них достаточно навыков и знаний в предметной области, и которые соответствуют Международным стандартам внутреннего аудита.

Сотрудники СВА должны постоянно повышать свою квалификацию, и профессиональное обучение должно быть для них осознанной необходимостью, поскольку только так они смогут обеспечить высокую эффективность и качество оказываемых услуг, направленных на совершенствование деятельности компании.

Список использованной литературы

1. Закон РУз «Об аудиторской деятельности» от 26 мая 2000 г.
2. Положение о службе внутреннего аудита на предприятиях (Приложение N 2 к Постановлению КМ РУз. от 16.10.2006 г. N 215**)**
3. Положение о порядке сертификации сотрудников службы внутреннего аудита ПРИЛОЖЕНИЕ к Приказу министра финансов от 02.04.2012 г. N 90, зарегистрированному МЮ 12.05.2012 г. N 2361
4. Кодекс профессиональной этики аудиторов Узбекистана (Утвержден постановлением Совета Палаты аудиторов Узбекистана от 25 июня 2005 года N 3 и Постановлением Совета Национальной Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана от 26 августа 2005 г. N9)
5. Кодекс Этики внутренних аудиторов. Международные основы профессиональной практики внутреннего аудита

ДИРЕКТ-КОСТИНГ ТИЗИМИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

Машарипов О.А. *–ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси доценти, и.ф.н.*,
Назаров Х.Ҳ. *- ТДАУ Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси ассистенти*

Агар молиявий натижаларни аниқлашнинг халкаро тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, фойда ва зарарларни аниқлаш, аввало, харажатларни калкуляция килишга бевосита боғлиқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Молиявий натижани аниқлаш харажарларни ҳисобга олишнинг усулларига бевосита боғлик еканлигини директ-костинг ва абзорпшен-костинг усуллари оркали кўриб ўтамиз.

Халқаро ҳисобнинг директ-костинг усули чет мамлакатларида кенг тарқалган ва ўзининг кўп сонли тарафдорларига эга. Бу усул “бевосита харажатлар ҳисоби тизими”, “харажатлар сотиш тизими”. Франция эса “маржинал бухгалтерия” деган номлар билан ҳам атади.

Кўпгина китобларда “директ-костинг” ёки “харажатлар-сотиш” усулининг муаллифи сифатида америкалик олим, Нобел мукофоти лауреати В. В. Леоньтев тан олинади. Бу усул Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Умумевропа иқтисодий ҳамдўстлиги (ЕХ), Иқтисодий ривожланган ва ҳамкорлик ташкилоти, Ҳисоб бўйича Африка кенгаши, Бухгалтерия ҳисоби андозалари бўйича халкаро қўмита ва бошқа нуфузли халқаро жамоат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланган.

Хўш, бунчалик кенг халқаро жамоатчилик томонидан кенг тан олинган бу усулнинг хусусиятлари, афзалликлари нималардан иборат? “Директ-костинг” усулида таннарх ҳисоби юритишда фақат ўзгарувчан, ялпи бевосита сарфланган материал, меҳнат ва молиявий харажатлар киритилади. Ўзгармас характердаги умумхўжалик харажатлари таннархи таркибига кирмайди, бундай харажатлар бевосита фирманинг молиявий натижаларига олиб борилади. Бу усул тарафдорларини фикрича, билвосита харажатлар бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тааллукли бўлмайди, улар фақатгина малум ҳисобот даврига тааллукли бўлиб, вақт тақазоси билан вужудга келади.

И.ф.д., профессор Б.Ҳасановнинг фикрича, “Директ-костинг” учун энг характерли хусусият бўлиб, ҳисобга бевосита харажатларни билвосита харажатлардан қатъий ажратиш ҳисобланади. Таннарх фақатгина бевосита харажатлар бўйича ҳисобланади ва ҳисобга олинади. Билвосита харажатлар фирманинг кўшимча харажатлари ҳисобланиб, улар бевосита фирма фойдасидан қопланади ва шунга мос равишда ҳисобда акс эттирилади.

Директ-костинг ёки бошқачасига “ Харажатлар - сотиш “ усулида бошқарув қарорини қабул қилиш бевосита сотиш натижаларига асосланади. Бу дегани, фирма фаолиятининг молиявий натижалари сотиш кўрсаткичларида ифодаланади.

“Директ-костинг” тизими бўйича молиявий натижани аниқлаш кўйидаги кўринишда бўлади:

“**Директ-костинг” тизими бўйича молиявий натижани аниқлаш тартиби**



.

Директ-костинг фирма фойдасини яхлит ҳолда молиявий ҳисоб малумотлари бўйича ҳисоблашга имкон беради. Яъни, бу усулда фойда ишлаб чиқарилган, жўнатилган ва сотилган маҳсулотларни ҳақиқий таннархини изчил, кетма-кет ҳисоблашсиз топилади. Бу, ўз навбатида, молиявий натижани кейинги ойнинг биринчи саналаридаёк тез аниқлашга, яни “Реализация” ҳисоби бўйича молиявий натижанинг услубига қараганда қарийб икки ҳафта олдин аниқлашга имкон беради.

Директ-костинг тизимида, юкорида айтганимиздек, билвосита умумхўжалик харажатлари давр харажатлари ҳисобланиб, улар бевосита молиявий натижаларга олиб борилади. Бу харажатларни фойдадан қоплаш, шунингдек фойдадан қилинган бошқа сарфларни алоҳида ҳисобга олиш молиявий натижаларни (фойда ва зарарларни) алоҳида фаолият турлари, жумладан, сотиш, умумхўжалик, тасодифий ҳамда бошқа фаолият ва ҳоллар бўйича аниқлашга имкон беради. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ҳисобга олинишининг бундай тартиби ҳам мулк эгаси учун, ҳам давлат назорат органлари учун ҳам жуда қулай ҳисобланади. Айнан шу афзалликлари директ-костинг усулини дунё мамлакатлари амалиётига тез қириб бориши ва тарқалишига сабаб бўлмокда.

Лекин “Директ-костинг” усулини камчиликлардан ҳоли, деб бўлмайди. Бу усулнинг фирма ва компания хўжайинлари ҳамда раҳбарларини тўлиқ қониқтирмайдиган томонлари мавжуд. Жумладан, харажатларни шартли равишда бевосита ва билвосита турларга ажратган ҳолда ҳисобга олиш вақтни талаб қилади, айримлардан ишончсизлик тўғдиради, айникса, баҳони белгилашда. Бундан ташқари, тадбиркорлар ҳамма вақт ҳам барча сарф ва тўловларни бевосита фойда ҳисобидан қоплашни ҳоҳламайдилар, солиққа тортиладиган фойдани камайтиришга ҳаракат киладилар. Шунинг учун ҳам директ-костинг усулини кенг кўламда ёйиш аксарият мамлакатларда бевосита давлат органлари талаби асосида амалга оширилмокда.

Хорижий амалиётда тузиладиган фойда тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий вазифаси ҳисобот даври учун корхоналар фаолиятининг натижалари тўғрисида фойдаланувчиларга ахборот беришдан ҳамда ана шу натижага таъсир этган омилларни тақдим этишдан иборат. Таъкидлаш лозимки, ана шу ҳисоботда фаолият натижалари солиқ солинишига қадар ва солиқ солингандан кейин белгиланади, солиққа тортиладиган базани ҳисоблаб чиқиш жараёни эса бухгалтерия ҳисобидан ташқарида, ҳисоб-китоб йўли билан мустақил амалга оширилади.

Фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари, корхона фаолиятининг мутлоқ кўрсатгичларидан ташқари, ҳисобот ва молиявий бозорлардан фойдаланувчилар учун бир қанча кўрсатгичларни ҳисоблаб чиқиш имконини беради. Булар қаторига рентабеллик ва айланиш кўрсаткичлари киради.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида иш кўраётган хорижий мамлакатлар компанияларида “ Фойда ва зарар тўғрисида” ги ҳисоботлар шакли қаттиққўллик билан чеклаб кўйилмайди. Шаклнинг қайишқоқлигига унинг стандартига нисбатан кўпроқ аҳамият берадилар. Корхонанинг ҳисобот давридаги фойдаси ҳар томонлама асосланган бўлиши керак.

Бу фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботда ўз аксини топган, ушбу ҳисоботда тугалланган операциялардан фойда ва зарарлар, фавқулодда, ғайриоддий фойда ёки зарар, шунингдек ҳисоб юритиш тизимидаги ўзгаришларнинг фойдага таъсири очиб берилади. Ҳисоботда, шунингдек, ҳар бир акция учун тўғри келадиган фойданинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар ҳам тақдим этилади.

Юқорида баён этилган ҳисобот шакли компаниянинг фойдалари ва зарарлари тўғрисида ва унга қандай маълумотлар акс этгани ҳақида тасаввур беради.

КОРПОРАЦИЯ ФОЙДАСИГА СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Машарипов О.А. *– ТДАУ доценти, и.ф.н.*

Компаниялар солиққа тортиладиган фойдани аниқлайдилар, бунинг учун улар даромаднинг ялпи суммасидан амалий фаоллик билан боғлиқ бўлган барча харажатларни чегириб ташлайдилар. Харажатларнинг қайси бир турларини чегириб ташлаш керак ва қайсиларини ялпи дараомадга қўшиш лозим? Бу хорижий мамлакатларнинг федерал ва солиқ қонунлари билан белгилаб берилади.

Солиқни тўлаган ва 70000 долларлик фойда олган корпорация 12500 доллар миқдорида федерал солиқ тўлаши лозим еди. Мазкур сумма 7500 доллар (дастлабки 5000 долларга солиқ бу солиққа тортиладиган фойдадир) ни 500 доллар (5000 доллардан ошган сумма, яни 20 минг долларлик суммaнинг 25%и)га қўшиш билан ҳисоблаб чиқилади.

Корпорация фойдасига солиқни ҳисоблаб чиқиш учун солиқ ставкалари, кўйида (долларда) келтирилган.

1-жадвал

Корпорация фойдасига солиқни ҳисоблаб чиқиш тартиби

Солиққа тортиладиган фойда		**Солиқ суммаси**	
Ортиқ	Ортиқ эмас		Қуйидагидан ортиқ бўлмаган суммадан
	50000	0 + 15%	
5000	75000	7500 +25%	50000
75000	100000	13750 +34%	75000
100000	335000	22250 +39%	100000
335000	-	113900 +34%	335000

Фойда солиғини тўлаш бўйича харажатлар (инсоме тахес эспенсе) - компаниянинг жорий фаолиятдан олинган фойдага дахлдор харажатлардир. Ушбу харажатлар суммаси, компания ҳақиқатда тўлаган солиқлар суммасига тенг бўлиши ёки тенг бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу сумма мамлакат солиқ кодексига асосан белгиланади. Аксарият чоғроқ фирмалар учун, солиқларни ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган усул асосида бухгалтерия ёзувларини юритиш анча қулайроқдир. Шундай қилиб, фойдалар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган солиқ тўлаш учун харажатлар солиқ бошқармасига тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига баробар бўлади.

Биз юқорида баён этилган амалиёт умум қабул қилинган стандартларга биноан ҳисоблаб чиқилган фойда билан солиқ органлари услуби бўйича ҳисоблаб чиқилган фойда ўртасида моддий тафовут бўлмаганида мақбулдир. Аммо бухгалтерия ҳисоб-китобларидан мақсад - умум қабул қилинган бухгалтерия принципларига мувофик соф фойдани аниқлашдан иборатдир, солиқ кодексининг вазифаси эса - солиққа тортиладиган фойдани аниқлашдан ҳамда федерал солиқ қонунчилиги ва айрим штатларнинг қонунчилигига мувофиқ тарзда солиқ суммасини аниқлашдан иборатдир. Компания маъмурияти энг кам солиқларни ҳисоблаб чиқишга имкон берадиган усуллардан фойдаланишни истайди, аммо ҳисоб қоидаларига боғланган бухгалтерлар эса солиқ суммасини камайтириш вазифаси молиявий ҳисоботни тайёрлаш усулларига (айниқса бу, нотўғри натижаларга олиб келадиган бўлса) ўз ҳукмини ўтказишига юл қўя олмайдилар.

Шу боисдан ҳам, айниқса йирик корпорацияларда ҳисоблаб чиқилган фойда билан аслида солиққа тортиладиган фойда ўртасидаги тафовут пайдо бўлиши мумкин. Бундай тафовут корпорация бухгалтериясига ва солиқ идораларида қўлланилаётган даромад ва харажатларни эътироф этиш усулларидаги тафовут натижасида пайдо бўлиши мумкин.

Умум томонидан қабул қилинган бухгалтерия стандартларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган солиқ билан солиқ идоралари қўллаётган усуллар

асосида ҳисоблаб чиқилган, ҳақиқатдан ҳам тўланиши лозим бўлган сумма ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш фойда солиғи тақсимлаш (инсоме тах аллосатион) деб аталмиш усул ёрдамида юритилади. Солиқни тўлаш бўйича амалдаги харажатлар билан тўланиши лозим бўлган фойдага солинадиган ҳисоблаб чиқилган солиқ ўртасидаги фарқ суммаси “Фойдадан олинадиган, муддати узайтирилган солиқ” счётида акс эттирилади.

1-жадвал

Молиявий ҳисоботни тузиш ва солиққа тортиш мақсадида фойдаланиладиган усуллар

Молиявий ҳисоботни тузиш мақсадида фойдаланиладиган усуллар	Солиққа тортиш мақсадида фойдаланиладиган усуллар	
Харажатларни эътироф этилиши	Ҳисоблаб ёзиш ва муддатини суриш усулларига биноан эътироф етилиши	Тушум келган пайтдаги эътироф
Олиш учун счётлар	Чегирмалар ва шубҳали қарзлар буйича резервлардан фойдаланиш	Тўғридан -тўғри ҳисобдан чиқариш
Товар заҳиралари	Ўрта нархлардаги товар заҳираларга баҳо беришдан фойдаланиш	Товар заҳираларга баҳо бериш учун ЛИФО ва ФИФО усулидан фойдаланиш
Амортизация	Тўғри чизиқли усул	Қийматни жадал ҳисобдан чиқариш усули

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, солиқ идоралари томонидан ҳисоблаб чиқилган солиқ суммаси умумий томонидан қабул қилинган бухгалтерия стандартларига кўра ҳисоблаб чиқилган суммадан катта бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда “Фойдадан тўлаш муддати узайтирилган солиқ” счёти дебетланади.

Фойдадан олинадиган, тўлаш муддати узайтирилган солиқ бўйича кредит салдоси компания бухгалтериялари ва солиқ идораларида қўлланилаётган усуллардаги тафовутларга кўра жорий ёки узок муддатли қарздорли деб тавсифланади. Чунончи, ушбу тафовутлар Товар моддий заҳиралари ҳисоби усулларига дахлдор бўлса, бу ҳолда муддати узайтирилган солиқ қисқа муддатли (жорий) қарздорлик моддаси бўйича кўрсатилади, чунончи компания балансидаги Товар моддий заҳиралар айланма маблағларга киритилади. Агар мазкур тафовутлар ускуна амортизацияси ҳисоби усулларига дахлдор бўлса, бу ҳолда сўз узоқ муддатли қарздорлик тўғрисида сўз юритиш мумкин, чунки тафовутлар асосий воситалар ҳисобига тааллуқлидир.

Молиявий ҳисоботдаги фойдадан олинадиган солиқ муддатини узайтиришнинг муҳимлигини тушуниб олган АКШдаги 500 та энг йирик фирмаларнинг молиявий ҳисоботларини ўрганиш ёрдам бериши мумкин. Буларнинг 8% га яқини “фойдадан олинадиган, муддати узайтирилган солиқлар” счёти бўйича кредит сальдосига эгадир ва буларни узоқ муддатли

қарздорликка киритадилар. Ушбу фирмаларнинг қарийб 8 фоизидан олинадиган, муддати узайтирилган солиқларни қисқа муддатли қарздорлик, деб кўрсатадилар.

Солиқ ундириш (net of tax). Юқорида келтирилган жадвалда ва шундан кейинги жадвалларда фойдаланилган “ солиқ ундириш (ёки “ солиқни чегириб ташлаш”) “ деган тушунча шуни англатадики, модданинг молиявий ҳисобга қўшма таъсирини аниқлашда солиқнинг, одатда, фойдадан олинадиган солиқнинг таъсири эътиборга олинади. Бу тушунчадан корпорация ихтиёрида ҳисоботда бўрттириб кўрсатилиши лозим бўлган алоҳида маълумот бўлганида корпорациянинг фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботида фойдаланилади.

Ана шу моддаларнинг ҳар бири уларга даҳлдор бўлган солиқни чегириб ташлаш кўрсатилиши керак, бундан мақсад соф фойда суммаси бузилишининг олдини олишдир. Масалан, фирма солиқ тўланишига кадар ўзи содир этган операцияларда 120000 доллар фойда кўрган, деб тасаввур этайлик. У 66000 доллар солиқ тўлаши керак, ушбу солиқ суммаси солиққа тортиладиган даромад асосида белгиланган, ушбу даромад таркибига асосий воситаларнинг сотишдан тушган 100000 доллар фойда киради, бундан 30000 доллар солиқ тўланиши керак.

Агар тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси солиқ тўланишига кадар жорий фаолиятдан тушган фойдадан ушлаб қолинганида “Ғайриоддий моддалар ҳисобисиз фойда “ моддаси ҳам, “Ғайриоддий фойда “ моддаси ҳам бузилган бўлар эди. Ғайриоддий талафотлар (зарарлар) кўрилган ҳолларда ҳам фирма ўзининг ҳисоб-китобларида ўша усулларни қўллайди.

6000 доллар миқдорида тўланадиган солиқни истисно этганда, 100000 долларлик ғайриоддий зарар кўрилгани сабабли, умумий солиқ 30000 доллар камайиб, тўланадиган вазиятни тасаввур қилайлик.

Мабода биз ушбу мулоҳазаларни корпорациянинг фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботга тақдим этадиган бўлсак, барча моддалар бўйича сумма 124000 долларга баробарлигини кўрамиз. Ушбу сумма беш кисмга бўлинган, бу келтирилган маълумотлардан ҳам кўриниб турибди.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ЖОРИЙ АКТИВЛАР ТУРКУМЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мавлянова Д.М. *– ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби”кафедраси ассистенти*

Бизга маълумки, мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти капитални талаб қилади. Жами капитал таркибида жорий активларлар ҳар қандай шароитда асосий ва устун мавқени эгаллайди. умуман олганда, жорий активларлар ўзининг ҳаракатчанлиги, тез пулга айланувчанлиги билан корхона фаолиятида юқори самара келтирувчи маблағлар ҳисобланади.

Жорий активларлардан самарали фойдаланилса, маҳсулот таннархи камаяди, фойда кўпаяди ва рентабеллик даражаси кўтарилади. Бироқ бу жорий активларларни қай тарзда шакллантириш ва улардан қандай фойдаланишга бевосита боғлиқ. Бу соҳада ҳисоб, таҳлил ва назорат ишларини такомиллаштириш ҳар қандай давр ва иқтисодий тизимда бирдек долзарб аҳамият касб этади.

Корхона активларини, хусусан, жорий активларларни баҳолаш улар ҳолати ва таркибини ўрганиш асосида активларни бошқариш юзасидан тўғри ва аниқ қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу эса капитал ҳаракатининг узлуксизлиги, доимийлиги, тез айланувчанлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича ишончли чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлайди. Шунга кўра, корхона активларини ҳар доим баҳолаб бориш уларни самарали бошқариш орқали корхонада ишлаб чиқаришнинг маромийлигини таъминлаш бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур маълумотларни олишга хизмат қилади. Ўз навбатида, олинган таҳлил натижалари корхона капиталини бошқаришдаги мавжуд муаммоларни ҳам аниқ кўрсатиб беради. Жорий активларларнинг таркиби ва зарурлигини ўрганишда қуйидаги иккита асосий тушунчаларни фарқлаб олиш зарур бўлади:

1. Ялпи айланма капитал — бу хом ашё захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар, қадоқланган материаллар, эҳтиёт қисмлар, дебиторлик қарзлари, пул маблағлари ва келгуси давр харажатлари йиғиндиси.

2. Соф айланма капитал — бу жорий активлардан жорий мажбуриятларни, яъни қисқа муддатли қарздорлик, қисқа муддатли қарзлар ва айрим ҳолларда мижозларнинг депозитлари (жорий фаолият учун муҳим ҳисобланмаган қисқа муддатли қўйилмалар) дан ташкил топган қисқа муддатли мажбуриятларнинг айирмасидан ҳосил қилинган натижа.

Корхонанинг келгуси фаолиятини лойиҳалаштираётганда жами айланма капитал каби соф айланма капитални ҳам баҳолаш зарур ҳисобланади. Одатда, улар корхона жами харажатларининг муҳим таркибий қисми сифатида талқин этилади. Соф айланма капиталга бўлган талаблар, асосан, кредитлар ёки акциядор капиталини кўпайтириш ҳисобига қопланиши мумкин. Тажриба шуни кўрсатадики, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда айланма капиталга бўлган талаб харажатларнинг бошқа турларига нисбатан тўғри баҳоланмайди. Бу ҳол, айниқса, саноат ишлаб чиқаришида айланма капиталга бўлган талабларнинг тўғри ҳисобга олинмаслигида яққол кўзга ташланади. Яна бир жиҳати эса, ривожланган мамлакатлардагига нисбатан ривожланаётган мамлакатларда хом ашё ва товар-моддий қийматликларининг катта заҳирасини ҳосил қилиш зарурияти мавжудлиги ҳолларида барча шароитлардан келиб чиқиб, айланма капиталга талабларнинг тўғри ҳисобга олинмаслигидир. Бундан ташқари, турли соҳаларда айланма капиталга талаблар турличалигини ҳисобга олмоқ ҳам зарур. Масалан, коммунал лойиҳалар бўйича (энергия ва сув таъминоти)

саноат лойиҳаларига нисбатан айланма капиталга нисбатан кам даражадаги талаблар кузатилади.

Корхона маблағлари турли ва жойланишига кўра ишлаб чиқариш доирасидаги, саноатга тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш ва хўжалик маблағларига бўлинади. Ишлаб чиқариш доирасидаги маблағлар бажарадиган вазифасига қараб меҳнат воситалари ва меҳнат буюмларига бўлинади.

Материалларга маҳсулот тайёрлашда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш заҳиралари киради. Уларга хом ашё ва жорий активлар, ярим тайёр жорий активлар, ёқилғи, тугалланмаган ишлаб чиқариш, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар киради. Уларнинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, бир ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинади, яъни ўзининг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига бутунлай ўтказади.

Хом ашё деб, ҳали саноат ишловидан ўтмаган, жумладан, пахта заводлари учун тозалашга келтирилган пахта толаси, металлургия заводи учун руда, кокс комбинати учун ишловга келтирилган тошкўмир ва шунга ўхшаш маҳсулотларга айтилади.

Асосий материаллар деб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибига буюм сифатида кирадиган ва шу маҳсулотнинг асосини ташкил қиладиган меҳнат буюмларига айтилади. Асосий жорий активларларга саноат ишловини бир марта бўлса ҳам ўтган меҳнат буюмлари киради. Масалан, машинасозлик саноатида асосий жорий активларларга металл, прокат, пойабзал фабрикаларига чарм ва чарм ўрнида ишлатиладиган бошқа жорий активлар киради.

Ёрдамчи жорий активлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибига кириб, улар сифат ўзгаришлари ҳосил қилади, яъни маҳсулотга ранг беради, мазасини ўзгартиради, лекин уни асосини ташкил қилмайди. Улар ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат воситаларини парвариш қилиш (мойлаш, артиш ва бошқалар) учун ишлатилади.

Ярим тайёр маҳсулотларга шандай меҳнат буюмлари киради, улар баъзи бир қайта ишлаш босқичларни ўтаган бўлсада, ҳали тайёр маҳсулот ҳолига келтирилмаган бўлади. Уларнинг хусусиятларидан бири, қайта ишлашнинг технологик жараён режасида кўрсатиладиган ҳамма операциялари бирон бир цех ёки ишлаб чиқариш участкасида бўлиб, кейинги цех ёки участкага қайта ишлаш учун беришга мўлжалланган бўлади. Ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олиниши ёки корхонани ўзида ишлаб чиқарилиши мумкин.

Шунинг учун сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар шу корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлардан ажратилган ҳолда ҳисобга олинади.

Ёқилғи ишлаб чиқаришдаги ролига кўра ёрдамчи жорий активларларга ўхшаб кетади. Лекин халқ хўжалигидаги аҳамияти ва ишлаб чиқариш харажатларидаги ҳисоби, бухгалтериядаги ҳисоби алоҳида гуруҳда юритилади. Корхоналарда ёқилғи технологик мақсадларда, яъни металл

эритиш, электр энергияси ишлаб чиқариши ҳамда хўжалик эҳтиёжлари, жумладан, биноларни иситиш учун ишлатилиши мумкин.

Ёрдамчи жорий активларлардан ажратилган ҳолда, эҳтиёт қисмлар ҳам мустақил равишда ҳисобга олиб борилади. Улар машина, асбоб ускуна ва бошқа меҳнат воситаларини тузатиш учун ишлатилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ярим тайёр маҳсулотлардан фарқ қилиб, бирон бир цех ёки участкада қайта ишлаш жараёнини ўтаб бўлмаган меҳнат буюмларидир. Уларга бевосита иш жойлари, дастгоҳларда қайта ишлаш жараёнини ўтаётган меҳнат буюмлари киритилади.

Ишлаб чиқариш доирасидаги материаллар ва муомала босқичидаги маблағлар корхонанинг айланма маблағлар деб юритилади.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект учун ўз молия-хўжалик фаолиятини самарали ташкил этишида жорий активлар муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Умуман олганда, жорий активлар ўзининг ҳаракатчанлиги, тез пулга айланувчанлиги билан корхона фаолиятида юқори самара келтирувчи маблағлар ҳисобланади.

Жорий активлар меъёрлаштирилган ва меъёрлаштирилмайдиган маблағларга бўлинади. Меъёрлаштирилган жорий активларнинг миқдори режада белгиланган бўлади, уларнинг энг оз миқдори маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режасини бажариш учун зарур бўлган корхона эҳтиёжи асосида аниқланади. Меъёрлаштирилмайдиган жорий активларга касса, ҳисоб-китоб счёти ва банкдаги бошқа счётлардаги, жўнатилган товарлар, ҳисоб-китобдаги маблағлар киради.

Айланма активларни ҳисобга олишда уларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки айланма активларни баҳолаш:

- Инвестиция қарорлари қабул қилиш;
- Ишлаб чиқариш қарорларини қабул қилиш;
- Молиявий қарорлар қабул қилиш;
- Даромадлар, фойда ва дивидендлар тўғрисида қарорлар қабул қилиш нуқтаи назаридан долзарб ҳисобланади.

Корхона айланма активларини баҳолаш улар ҳолати ва таркибини ўрганиш асосида активларни бошқариш юзасидан тўғри ва аниқ қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу эса капитал ҳаракатининг узлуксизлиги, доимийлиги, тез айланувчанлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича ишончли чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлайди. Шунга кўра, корхона активларини мунтазам баҳолаб бориш уларни самарали бошқариш орқали корхонада ишлаб чиқаришнинг маромийлигини таъминлаш бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур маълумотларни олишга хизмат қилади.

АГРОСАНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАХИРАЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АҲАМИЯТИ

Акрамов Ш.Ш., Ачилов А.Н., Мирзаева М.А. -
Фарғона Политехника институти

Аграр тармоқни ривожлантириш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни сотишда фойдалига эришиш учун кимё саноати маҳсулотларидан ўз ўрнида фойдаланиш муҳим ахамият касб этади. Худди шу сабабли кимё саноатида товар-моддий заҳиралар хисобини такомиллаштириш, таннархни мумкин қадар пасайтириш йўлларини топиш зарур. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий-иқлимий шароитларга боғлиқлиги, бу тармоқда баҳолар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари даромадининг барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Масалан, қулай об-ҳаво шароитида бозорга талабдан ортиқча маҳсулотнинг кириши баҳонинг кескин пасайишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатни кўпроқ сабзавот, полиз, мева ва узум маҳсулотлари бозорида кузатиш мумкин. Баъзан баҳоларнинг бундай пасайиши маҳсулот таннархини қоплашга ҳам имкон бермаслиги оқибатида фермерлар катта зарар кўради. Табиийки, бундай шароитларда аграр соҳада эркин бозор муносабатлари амал қилаётган бўлса, қишлоқ хўжалиги корхоналари хонавайрон бўлиши турган гап. Одатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ўзгариши унчалик катта бўлмайди.

Бошқача қилиб айтганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб эластик (ёки жуда паст эластикликка эга) эмас. Қишлоқ хўжалиги корхоналари харид қиладиган кимё саноат маҳсулотлари нархи эса кўп ҳолларда тез суръатларда ўсади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарасини пасайтиради ёки умуман зарарли қилиб қўяди. Аксинча, қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари етказиб берувчи ҳамда уларга турли хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳудудлар миқёсида камчиликни ташкил этиб, баъзан монопол мавқега эга эканлиги билан характерланади. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари билан бу тармоқ учун зарур бўлган саноат товарлари ёки хизматлар баҳолари ўртасида йирик номутаносиблик (баҳолар паритети) вужудга келади. Бундай вазиятда давлат қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчлари учун ноқулай бўлган баҳолар номутаносиблигини бартараф этиш ва моддий техника таъминоти ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг монопол мавқеини чеклаш чораларини кўришга мажбур бўлади.

Юқоридаги келажак ниятларимизга эришишимиз учун шубхасиз бугунги кунда кимё саноати корхоналарининг ривожлантириш катта ахамият касб этади. Шу мақсад ва омилларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 23 август куни

«Кимё саноати ривожланишининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Дастури тўғрисида» ги қарори тасдиқланди.[43]

Ушбу қарорга мувофиқ, «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган кимё саноати ривожланишининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Дастури тасдиқланди.

Дастур доирасида Кимё саноатидаги етакчи корхоналар харажатлари тузилмасининг таҳлил қилиниши асосида, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини 2018 йилда «Navoiyazot» АЖда 7,3 фоиз, «Farg'onaazot» АЖда – 11,1 фоиз ва «Аммофос-Максам» АЖда – 5,2 фоизга камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди[44].



1-расм. Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда кимёвий маҳсулотларнинг асосий турлари бўйича ишлаб чиқаришнинг башорат параметрлари[45]

Кимёвий саноат корхоналарида товар-моддий захираларнинг етишмаслиги ҳамда ўз вақтида таъминланилмаганлиги оқибатида ҳам зарар кўрмоқда. Хусусан табиий газ бўлмаганлиги сабабли аммиак, карбамид, азот кислотаси ва аммиак селитраси ишлаб чиқариш цехлари фаолияти тўхтаб қолишига сабаб бўлади. Ишлаб чиқарилиши тўхтатилган аммиак, карбамид, азот кислотаси ва аммиак селитраси каби кимёвий маҳсулотлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ривожланиши, маҳсулдорлигини оширишга сабаб бўладиган асосий омиллардан ҳисобланади. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида корхона мутахассислари томонидан табиий газ бўлмаслиги оқибатида вақтинча тўхтаб қолган цехларни ишга тушириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни тўлиқ йўлга қўйиш учун тегишли чоралар кўриш талаб этилади. Корхона миқиёсида материалларнинг ҳар бир турини тайёрлаш, ҳақиқий таннархини ҳисоблаш кўп меҳнат ва вақт талаб

[43]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли қарори.

[44] Матн: интернетнинг 2017йилнинг 29 декабрдаги «Газета.uz» 485-сонидан олинди.

[45] Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли қароридаги №2 иловадан олинди ва муаллиф томонидан қайта ишланди.

қилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳолларда моддий бойликлар жорий ҳисобда - ўртача сотиб олиниш баҳоси, режа таннархи бўйича ва бошқа баҳоларда баҳоланади. Материалларнинг ҳақиқий таннархи билан ўртача сотиб олиниш баҳоси ёки режа таннархи ўртасидаги фарқ уларнинг гуруҳлари бўйича алоҳида ҳисобварақларда ҳисобга олиш зарур.

Кимё саноати корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, материалларнинг гуруҳланиши ҳам юқорида кўриб ўтганимиздек бошқа тармоқлардан фарқ қилади. Биз томондан таклиф этилган материалларнинг гуруҳланиши таркиби бевосита харажатларни калькуляция моддалари бўйича гуруҳлашга ҳам таъсир этади.

1-жадвал

Ишлаб чиқариш харажатлари калькуляция моддалари бўйича гуруҳланиши[46].

Амалдаги ишлаб чиқариш харажатлар калькуляция моддалари	Таклиф этилаётган кимё саноати корхоналарида харажатлар калькуляция моддалари
1. Хом-ашё ва материаллар.	1. Хом-ашё.
-	2. Материаллар.
2. Технологик мақсадларга мўлжалланган ёқилғи ва энергия	3. Технологик мақсадларга мўлжалланган ёқилғи ва энергия.
-	4. Кимёвий моддалар.(реагентлар)
3.Қайтарилган чиқиндилар (чегириб қолинади).	5. Қайтарилган чиқиндилар (чегириб қолинади).
4.Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақлари.	6. Ишлаб чиқаришдаги ишчилар-нинг асосий иш ҳақлари.
5. Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг қў-шимча иш ҳақлари.	7. Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг қў-шимча иш ҳақлари.
6. Ижтимоий суғурта ва бошқа мажбурий тўловларга ажратмалар.	8. Ижтимоий суғурта ва бошқа мажбурий тўловларга ажратмалар
7.Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари.	7. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаш-тириш харажатлари
8. Асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари.	8. Асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари.
9. Умумишлаб чиқариш харажатлари.	9. Умумишлаб чиқариш харажатлари.
10. Яроқсиз маҳсулотлардан йўқотишлар (фақат ҳисобот бўйича).	-
11. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.	10. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари

Биз харажатларни калькуляция моддаларини умумий тартибга нисбатан бошқа таркиб бўйича гуруҳлашимиздан мақсад, тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаган ҳолда ҳар бир харажат тури бўйича таркибини тўғри аниқлаштириб олишдир. Масалан, кўп ҳолларда хом-ашё ва материаллар битта калькуляция моддаси сифатида кўрсатилади. Лекин, биз хом-ашё билан материалларни ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида-алоҳида калькуляция моддаси сифатида кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Кимё саноат корхоналарида Яроқсиз маҳсулотлардан йўқотишлар тушунчаси йўқ. Чунки кимёвий реакциялар натижасида албатта маҳсулотлар олиш рўй беради. Акс ҳолда қайтарилиш реакцияси оқибатида тугалланмаган жараёнда маҳсулот яна хом-ашёга айланиши юз беради. Бу эса ўз-ўзидан ортиқча харажатларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

[46]Муаллиф ишланмаси.

Корхоналар томонидан техноген чиқиндиларни камайтириш ва фосфогипсни қуйидаги йўналишларда қўлланиш бўйича фаолият режалаштириш ва уни амалга ошириш лозим.

1. Конверсия (ўзгартириш ёки кимёвий ишлов бериш йўли билан маҳсулот яратиш) методи бўйича фосфогипсни янги минерал ўғитларини ишлаб чиқариш технологиясини киритиш.
2. Фосфогипсни қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиш имкониятлари бўйича тадқиқот ишларини ўтказиш.
3. Қишлоқ хўжалигида компсотлаш усулида фосфогипсдан фойдаланиш имкониятлари бўйича тадқиқот ишларини ўтказиш.

Бугунги кунда кимё саноати корхоналарида компьютерларнинг кенг қўлланилиши натижасида материал заҳиралари ҳар бир турининг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш имкониятини яратилган.

Товар-моддий захираларни бундай усулларни қўллашдан ташқари компьютер асосида дастурлаштирилган хисоб усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ саналади. Шунингдек, ҳар бир цехнинг якуний натижаларини молиявий ҳисобини алоҳида счетларда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш лозимки, кимё саноати ҳозирги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантирижда асосий минерал ўғитларни ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келмоқда. Шу ўринда шуни такидлаш керакки,қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда минерал ўғитлар асосий ўринда туради чунки етиштириладиган ҳосилдорликнинг деярли 50 фоизи минерал ўғитдан фойдаланиш ҳисобига олинади. Шунинг учун минерал ўғитлар ишлаб чиқариш мунтазам ўсиб боришини таъминлаш талаб этилади.Кимё саноати корхоналарида товар-моддий заҳиралар ҳисобини ташкил этилиши амалиёти, товар-моддий заҳираларни туркумланишининг ўзига хос хусусиятлари, товар-моддий заҳиралар ҳаракати ҳисобини ташкил қилиниши, товар-моддий заҳираларни сақлаш ва сотиш ҳисоблари тўғрисида баён этилган бўлиб, иқтисодчи олимларнинг фикрлари, корхона олиб борилган амалий ишлар илмий жиҳатдан асосланган таклифлар орқали минерал ўғитларнинг қишлоқ хўжалигидаги самарадорлигини оширишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. В.Т.Чая., О.В.Латыпова. Бухгалтерский учет: учебное пособия–М.: КНОРУС. – 489 стр.
2. A.N.Achilov. Accountig for inventory at the enterprises of the republic of Uzbekistan.Theoretical & Applied Science Америка қўшма штатлари 30.04.(36) 2016.181-183.
3. А.Н. Ачилов. Проблемы бухгалтерского учёта товарно-материальных запасов и пути их решения.Журнал “Научных публикаций аспирантов и докторантов”. Курск, 2016 год май.
4. А.Н.Ачилов.Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кимё саноатининг тутган ўрни, ахамияти, муаммолари ва товар-моддий заҳираларни ҳисобга олишнитакомиллаштириш масалалари. “Иқтисод ва молия” илмий-амалий журнал:, №4,2018 йил 6 б.

4-ШУЪБА: АГРАР СОҲАДА КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЬМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИДА БЮДЖЕТЛАРНИНГ ЎРНИ

Урманова У.Х. *– ТДАУ катта ўқитувчиси*

Иқтисодиётнинг аграр секторини модернизациялаш шароити қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва бошқаришнинг янги ҳамда самарали усулларидан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Фермер хўжаликлари фаолиятида бошқарув ҳисоби тизимини ривожлантириш ва жавобгарлик марказларини аниқлаш ривожланган мамлакатларда кенг жорий қилинган бюджетлаштириш усулини қўллаш зарурати вужудга келмоқда.

Бугунги кунда мамлактимизда аграр соҳани ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стртегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Фермер хўжаликларида ички назорат ва бошқарув ҳисоби тизими ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Уларнинг шаклланиши ва ривожланишининг аниқ шаклланган ва асосланган концептуал асослари мавжуд эмас. Одатда фақат тизимнинг маълум элементлари ҳақида тушунчалар мавжуд, бу эса самарали ишлайдиган тўлиқ ҳуқуқли ягона тизимни яратишга имкон бермайди. Ички назорат ҳамда бошқарув ҳисоби тизимининг элементларидан бири бюджет жараёнидир.

Кўплаб иқтисодчи олимлар «бюджет» ва «бюджетлаштириш» тушунчаларини, уларнинг принциплари, вазифалари, турларини ўрганиб чиққанлар. Жумладан, А.А.Абдуғаниев, А.Х.Пардаев, Б.Х.Пардаев Б.А.Хасанов, А.А.Хашимов, Р.Д.Дусмуратов, Д.У.Мамадияровлар ўз тадқиқотларида бошқарув ҳисобини яхлит тизим сифатида шакллантириш, ушбу тизимда бюджетлаштиришнинг аҳамиятига алоҳида тўхталганлар.

Соҳа мутахассислари Б.А.Хасанов, А.А.Хашимовлар “Бюджетлаштириш самарали бошқарув усулларидан ҳисобланиб, қуйидаги хусусиятларга эга: корхонанинг фаолияти билан бўлинмалар фаолиятини комплекс режалаштирилади; бюджетлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш имконини яратади; тузилган бизнес-режани тасдиқлайди; ўзгариб турувчи ички ва ташқи салбий омилларни бартараф этишга кўмаклашади” деб фикр билдиришган.

Бюджет тизими қуйидаги функцияларни бажаради: режалаштириш, бошқариш, иш фаолиятини баҳолаш, мотивация, мувофиқлаштириш, алоқа.

Белгиланган ва ишлайдиган бюджет тизими билан маълум функцияларни бажариш мумкин, аммо бу тизим фермер хўжаликларида ҳанузгача кенг тарқалган эмас, мавжуд вазиятнинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- бюджет тизимини шакллантириш ва амалга ошириш концепциясини шакллантириш ва асослаб бериш билан боғлиқ қийинчиликларнинг мавжудлиги;

- бюджет тизимининг аниқ концептуал асослари ва таснифи йўқлиги;

-бюджет тизимини билвосита ва қонуний тартибга солишнинг мавжуд эмаслиги;

- бюджет тизимини амалга ошириш фаолиятининг услубий жиҳатлари ишлаб чиқилмаганлиги;

- бюджетлаштириш жараёнининг мураккаблиги ва уни амалга ошириш харажатларининг юқорилиги;

- менежерларнинг бюджет тизимини жорий этишга субъектив истаги йўқлиги;

- юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж мавжудлиги.

Услубий жиҳатни шакллантиришда хўжалик юритувчи субъектнинг тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиш зарур, шу боисдан фермер хўжаликлари учун бюджет тизимини жорий этиш ва шакллантириш бўйича чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиши таклиф этилади. Бюджет тизимини жорий қилиш жараёни, қоида тариқасида, босқичлар ва уларнинг ривожланиши батафсил тавсифланишини акс эттирадиган босқичларда амалга ошириши лозим. Фермер хўжаликлари учун бюджет тизимини жорий қилишнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1. Молиявий таркибий қисм сифатида бюджет тизимини лойиҳалаш:

а) бюджетлаштириш объектлари ва субъектларини аниқлаш;

б) бюджет тўғрисидаги маълумот базасини аниқлаш;

в) бюджет тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш.

2. Бюджетни режалаштиришни ташкил этиш:

а) бюджетларни ишлаб чиқиш, уларни тайёрлаш, келишиш, тасдиқлаш тартиби;

б) асосий бюджетни шакллантириш, уни тузиш, келишиш, тасдиқлаш тартиби.

3. Бюджет кўрсаткичларининг бажарилишини ҳисобга олиш жараёнини ташкил қилиш:

а) бюджетнинг реал кўрсаткичларини акс эттириш тартибини ишлаб чиқиш;

б) бюджет ижроси якунлари бўйича ички ҳисоботларни тузиш.

4. Бюджет ижросини назорат қилиш ва таҳлил қилишни ташкил этиш:

а)бюджет ижроси мониторинги тартибини ишлаб чиқиш;

б) бюджетларни таҳлил қилиш, оғишишларни аниқлаш ва уларнинг сабабларини асослаш тартибини ишлаб чиқиш;

в) бюджетга тузатиш киритиш тартибини ишлаб чиқиш;

г) бюджетни ижро этиш учун жавобгарликни тақсимлаш мезонларини аниқлаш.

5. Бюджет тизимини жорий қилиш ва бюджет тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.

Шунингдек, бюджетлаштиришни иқтисодий фаолият давомида хўжалик томонидан истеъмол қилинадиган ва яратилган моддий, молиявий ва бошқа манбаларни режалаштириш, бошқариш ва таҳлил қилиш тизими сифатида қараш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бюджет фаолият йўналишини белгилайди, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ҳақиқий натижаларини акс эттиради, хўжалик харажатларини бошқариш имкониятини беради, кутилмаган харажатларни башорат қилади, хўжаликнинг молиявий барқарорлигини оширади.

Фермер хўжаликлари учун бюджет тизимини жорий қилиш нафақат назоратсиз ва «ортиқча» харажатларни камайтиришга, балки фермер хўжаликларининг ички назорат ва бошқарув ҳисобига қўшиб, хўжаликларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2017-2021 йилларда йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стртегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони
2. Хасанов Б.А. Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби : олий ўқув юртлари учун дарслик. ТДИУ.-Тошкент:Yanginashr, 2011. .-Б.171
3. Дусмуратов Р.Д., Мамадияров Д.У. Қишлоқ хўжалигида бошқарув ҳисоби: услубиёт ва амалиёт.Т.: “Молия” нашриёти, 2008 й. -Б.120.
4. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби./-Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008.-Б.106 .

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ОКАЗАНИЯ МИКРОФИНАНСОВЫХ УСЛУГ СЕЛЬХОЗПРОИЗВОДИТЕЛЯМ

Журабоев Н.Э *- студент ТФИ*
Муродовой Д.Ч. *- Научный руководитель,*
старший преподаватель, PhD,ТФИ

Кредитование сельхозпроизводителей, в том числе совершенствование практики микрокредитования в нашей стране, является необходимым условием совершенствования практики финансирования их деятельности. В связи с этим в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены следующие меры по модернизации и развитию сельского хозяйства:

- углубление структурных реформ и динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства

экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора;

- дальнейшая оптимизация посевных площадей, направленная на сокращение посевных площадей под хлопчатник и зерновые колосовые культуры, с размещением на высвобождаемых землях картофеля, овощей, кормовых и масличных культур, а также новых интенсивных садов и виноградников;

- стимулирование и создание благоприятных условий для развития фермерских хозяйств, прежде всего многопрофильных, занимающихся как производством сельскохозяйственной продукции, так и переработкой, заготовкой, хранением, сбытом, строительными работами и оказанием услуг;

- реализация инвестиционных проектов по строительству новых, реконструкции и модернизации действующих перерабатывающих предприятий, оснащенных самым современным высокотехнологичным оборудованием по более глубокой переработке сельхозпродукции, производству полуфабрикатов и готовой пищевой продукции, а также тароупаковочных изделий;

- дальнейшее расширение инфраструктуры по хранению, транспортировке и сбыту сельскохозяйственной продукции, оказанию агрохимических, финансовых и других современных рыночных услуг;

- дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники;

- расширение научно-исследовательских работ по созданию и внедрению в производство новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям, и пород животных, обладающих высокой продуктивностью;

- принятие системных мер по смягчению негативного воздействия глобального изменения климата и высыхания Аральского моря на развитие сельского хозяйства и жизнедеятельности населения.

В свою очередь в результате реализации данных мер возникает необходимость классификации сельхозпроизводителей и предприятий достаточными финансовыми источниками. Кредиты, микрокредиты и микролизинги коммерческих банков играют особую роль в финансировании сельского хозяйства. В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему расширению и упрощению системы микрокредитования малого и частного предпринимательства» от 31 января 2017 года ПП-2746 основные задачи льготного микрокредитования. Необходимо отметить, что повышение размера микрокредита привело к росту уровня риска кредита. Поэтому установлено требование дополнительных видов обеспечения для микрокредитов, выдаваемых в сумме более 100 минимальных размеров

заработной платы. Примечательно, при выдаче микрокредитов заемщикам коммерческие банки вправе учитывать в общей сумме кредита расходы, связанные с оформлением залогового обеспечения заемщика. Принятие постановления Президента Республики Узбекистан от 7 июня 2018 года № ПП-3777 «О реализации программы «Каждая семья - предприниматель» позволило повысить размер микрофинансовых услуг, оказываемых сельхозпроизводителям. Согласно данному постановлению в каждом районе и городе страны, прежде всего в отдаленных регионах и местностях с тяжелыми природно-климатическими условиями, реализуется программа «Каждая семья – предприниматель», направленная на обеспечение коренного улучшения материальных условий, значительных позитивных изменений в качестве и уровне образа жизни населения.Основными направлениями программы «Каждая семья – предприниматель» определены:

– обеспечение оказания всемерной поддержки предпринимательских инициатив населения, желающего заниматься предпринимательством, выделения ему льготных кредитов и предоставления ответственными ведомствами систематической практической помощи на каждом этапе организации и осуществления предпринимательской деятельности;

– обучение населения, не занимавшегося предпринимательством и доходообразующей деятельностью, навыкам предпринимательства и оказание практической помощи в организации соответствующего вида деятельности;

– создание возможностей для населения в зарабатывании дополнительного дохода посредством оказания финансовой поддержки в организации субъектов надомного труда и мелких производителей (микрофирм);

– создание мини-кластеров – закрепление предпринимателей, имеющих бизнес-навыки и достигших положительных результатов в данной отрасли, за семьями, начавшими заниматься новой предпринимательской деятельностью в махаллях, с учетом специализации сельской местности и махаллей (ремесленничество, швейное производство, выращивание некоторых видов сельскохозяйственной продукции, организация компактных теплиц и другие);

– коренное расширение объемов услуг, предоставляемых субъектам семейного предпринимательства на местах, создание объектов рыночной инфраструктуры, пунктов обслуживания и сервиса для организации торговли продукцией, произведенной семьями-предпринимателями.

Данные льготные кредиты позволят субъектам, имеющим деловые качества, сформировать первоначальный капитал и сыграют важную роль в развитии предпринимательской деятельности. В нашей республике АКБ «Агробанк» является основным банком в сфере кредитовании сельского хозяйства. Банком из государственных средств выдаются кредиты для выращивания хлопка и пшеницы. В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 28 февраля 2018 года № ПП-3574 «О мерах по коренному совершенствованию системы финансирования

производства хлопка-сырца и зерновых колосовых» с 1 марта 2018 года установлены гарантированные государством цены на закуп хлопка-сырца и зерновых колосовых в разрезе сортов и классов, обеспечивающих повышение рентабельности производителей и стимулирование выращивания высококачественной продукции. Отсрочена на 3 года образовавшаяся по состоянию на 1 января 2018 года задолженность фермерских хозяйств, выращивающих хлопок-сырец и зерновые колосовые, перед обслуживающими организациями, включая внутриотраслевую задолженность, а также перед бюджетом и государственными целевыми фондами со списанием начисленных пени и штрафов. На Министерство финансов Республики Узбекистан возложено обеспечение размещения в недельный срок в АКБ «Агробанк» средств в размере 150 млрд сумов на депозит по ставке 5 % годовых для выделения кредитов фермерским хозяйствам, выращивающим зерновые колосовые сверх предусмотренных объемов государственных закупок, по ставке до 10 % годовых (ПП-3574, 2018) Однако доходность кредитов, выдаваемых для выращивания хлопка и пшеницы, существенно ниже.



Рис.1. Кредиты, выделенные аграрному сектору АКБ «Агробанк» (млрд. сум)

Как видно из рисунка 1, кредиты выданы банком на системной основе за счет своих средств. Рост кредитов наблюдается в 2015 году. Это объясняется тем, что в 2015 году в большом объеме кредиты были выданы для закупки тракторов марки «Магнум» и «МХ» (42 046 млн сум) и комбайнов «Доминатор-130» (18 084). Ниже речь пойдет о микрокредитах, выделенных АКБ “Агробанк”, субъектам частного предпринимательства, осуществляющих деятельность в сельском хозяйстве (рис.2).



Рис.2. Количество микрокредитов, выделенных производителям сельского хозяйства АКБ “Агробанк”, млн. сум

Это свидетельствует об усилении вопросам АКБ «Агробанк» внимания микрокредитования субъектов, ведущих деятельность в данной сфере и продолжающейся политике поддержки государством льготного микрокредитования. Так как у АКБ «Агробанк» нет доступных ресурсов, возможности банка по льготному микрокредитованию ограничены. Кроме того, государством не оказывается финансовая поддержка банку в процессе льготного микрокредитования. В нижеследующей таблице можно оценить процентные ставки микрокредитов, выданных АКБ «Агробанк» субъектам частного предпринимательства, осуществляющим свою деятельность в сельском хозяйстве.

• Различие между средним и максимумом по проблемным кредитам, возникшим из микрокредитов, выданным Агробанком сельскому хозяйству, в 13 раз больше, а минимальная стоимость равна нулю. Главная причина заключается в том, что в отдельные годы для г.Ташкента не были выделены микрокредиты.

• Повышение проблемных кредитов на 1000 сумов, возникших из микрокредитов в Агробанке привело к понижению роста выдачи микрокредитов банком на 0,16 ед.; рост на одну единицу средних процентных ставок по микрокредитам привел к понижению уровня роста микрокредитов на 8,64 ед.

БЮДЖЕТЛАШТИРИШ БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ УСУЛИ

Урманова У.Х. *– ТДАУ катта ўқитувчиси*

Иқтисодиёти модернизациялаш шароитиаграр сектор корхоналарида ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва бошқаришнинг янги ҳамда самарали усулларидан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Бу эса қишлоқ хўжалиги корхоналарида, хусусан фермер хўжаликларида бошқарув ҳисоби тизимини ривожлантириш ва жавобгарлик марказларини аниқлаш ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилаётган бюджетлаштириш усулини қўллаш заруратини вужудга келтирмоқда.

Мазкур масалада иқтисодчи олимларнинг ёндашувларини кўриб чиққанимизда қуйидаги фикр-мулоҳазалар берилганлигининг гувоҳи бўлдик. Б.А.Хасанов, А.А.Хашимовлар бюджетлаштиришни бошқарув усулларига киритишга эътибор қаратади: “Бюджетлаштириш самарали бошқарув усулларидан ҳисобланиб, қуйидаги хусусиятларга эга: корхонанинг фаолияти билан бўлинмалар фаолиятини комплекс режалаштирилади; бюджетлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш имконини яратади; тузилган бизнес-режани тасдиқлайди; ўзгариб турувчи ички ва ташқи салбий омилларни бартараф этишга кўмаклашади” [1].Ушбу фикрлар анча асосли ҳисобланади, чунки бюджетлаштиришни татбиқ этиш бошқарув тизимини кўп жиҳатдан қайта қуришни талаб қилади. Хусусан, марказлашган бошқарувдан узоқлашилади, режалаштириш жараёнига бошқарувнинг қуйи даражасидаги менежерлар, шу жумладан, оддий ходимлар кенг жалб

қилинади, қизиқтириш ва моддий рағбатлаштириш тизими ўзгаради, қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг молиявий томонига эътибор кучайтирилади. Шундай қилиб, бюджетлаштиришни фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятини бошқаришни ташкил қилишга нисбатан ўзига хос, бюджетни жавобгарлик марказлари бўйича ишлаб чиқиш, бюджетларни бажариш устидан назорат юритишни ташкил қилиш, мўлжалланган натижаларга эришиш мақсадида бюджет кўрсаткичларидан четланишларни таҳлил этиш ва фаолиятни шу асосда бошқаришга асосланган ёндашув сифатида тавсифлаш мумкин. Амалиётда айрим корхона ва ташкилотлар у ёки бу кўринишда бюджетлаштириш билан шуғулланишади. Лекин, кўпчилик фермер хўжаликлари расмий равишда, яъни ёзма шаклда мақсад ҳамда стратегияларини шакллантирмайди, уларнинг аксарияти бюджетларни алоҳида ҳужжатлар сифатида расмийлаштирмайди. Одатда бюджетлар жорий режалаштириш доирасида бир йилга мўлжалланиб, чоракларга (айримлари ойларга ёки бошқача даврларга) бўлинган ҳолда ишлаб чиқилади. Лекин кўп тармоқли фермер хўжаликлари инновацион технологияларни жорий қилинаётганда бюджетлардан ўрта муддатли (уч йил ва ундан ортиқ йиллармуддатга)режалаштиришда ҳам фойдаланадилар.

М.С.Абрютина фикрига кўра “Корхона фаолиятини бюджетлаштириш бюджетнинг бошидан охиригача бўлган кўрсаткичларни марказлашган ҳолда ишлаб чиқиш ва кузатиб бориш, жавобгарлик марказлари бўйича табақаланган корхона. Корхона жорий фаолият каби, инвестицион фаолият бўйича ҳам пул маблағларининг тушуми ва сарфланиш кўрсаткичларини ўз ичига олади”[2] деб бюджетлаштириш моҳиятини батафсилроқ очиб берган.

Бюджетлар стратегик бошқарув доирасида амал қилаётган жорий бошқарувнинг муҳим элементи ҳисобланади. Бюджетлаштиришнинг негизида бошқарувнинг асосий вазифаларига, яъни режалаштириш, ташкил этиш, ҳисоб юритиш, назорат ва таҳлилга уйғунлашган ёндашув ётади. Бюджетлаштириш тизими, корхона молия-хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини - ишлаб чиқариш, сотиш, молиявий томонларни қамраб оладиган ва уларни мувофиқлаштириб турадиган мажмуавий тизим ҳисобланади. Бошқарувнинг барча поғоналарида қарорлар қабул қилинаётганда асосий эътибор молиявий масалага қаратилиши зарур. Бу эса харажатларни мақбуллаштириш, фойдани кўпайтириш, жалб этилаётган молиявий ресурсларни қилинаётган харажатлар билан мувозанатлаштириш ва пул оқимларини мувофиқлаштириш каби мақсадларга эришиш, умуман, молиявий аҳволни яхшилаш имкониятини беради.

Бюджетлаштириш стратегик режаларни аниқлаштирувчи корхонанинг асосий фаолиятини режалаштиришга таянади. Бу белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги нуқтаи назаридан олдиндан назорат қилишга, шунингдек, ресурсларни оқилона тақсимлашга имкон беради. Таъриф давлат бюджетига мос бўлсада, у ушбу тушунчанинг моҳиятини етарлича акс эттирганлиги боис, маълум даражада тижорат корхоналарининг бюджетларига ҳам тегишлидир. Бюджетлаштириш ёрдамида даромадлар ва харажатларнинг мувозанатлашганлиги

текширилади, капитал қўйилмалар ва молиявий ресурслар мувофиқлаштирилади ва бутун молия-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш борасидаги ички имкониятлар аниқланади.

Ҳақиқий кўрсаткичлар ҳисоби ва уларнинг бюджет кўрсаткичларидан фарқи, ўз вақтида тузатишлар киритиш мақсадида бюджетлар ижросини назорат қилиш ва бюджетдан четланишларнинг сабабларини аниқлаш, уларни бартараф қилиш йўлларини топиш учун ушбу четланишларни таҳлил қилиш асосини ташкил этувчи бошқарув вазифалари ҳисобланади. Аслида бюджетлаштириш бутун бир тизим бўлиб, унда режалаштириш, ҳисоб, назорат, таҳлил ва фаолият қониқарли молиявий натижаларни ҳамда тўлов қобилияти даражасини таъминлаш нуқтаи назаридан бошқариш уйғунлашиб кетади.

Баъзи мутахассислар бошқарув ҳисоби тизимларининг таъсирчанлиги асосий принципларнинг умумлашмасини таъминлайди холос, дея таъкидлаб, харажатлар, молия ва тижорат фаолиятини бошқаришнинг бюджет усулини умум қабул қилинган бошқарув ҳисоби принципларига киритадилар (аввало йирик ташкилотларга нисбатан). Яъни бошқарув ҳисобида бюджетлаштиришдан фойдаланилмаса, раҳбарият корхонанинг молиявий натижаларини самарали бошқариш учун зарур ахборот билан таъминланмайди. Бундан ташқари, бюджетлаштириш бошқарув ҳисобининг таркибий қисми бўлиб, унда режалаштириш, бюджетлаштириш, синтетик ва аналитик счетларда ҳақиқий маълумотларни акс эттириш, бюджетлар ижросини назорат ва таҳлил қилиш, вазиятларга боғлиқ бошқарув қарорлари учун ахборотларни тайёрлаш кабиларни ўз ичига олади.

Бошқарув ҳисоби албатта келажакка мўлжалланган бўлиши зарур. Унинг асосий вазифаси -ташкилот раҳбарияти учун узоқ муддатли ва қисқа муддатли мақсадларга эришишга қаратилган оқилона қарорларни қабул қилиш учун зарур ахборотларни тайёрлаш ва ташкилотнинг фаолият самарадорлигини оширишдан иборат. Харажатлар ҳисоби тизимининг асосчилардан бири Чартер Гаррисон XX аср бошларида анъанавий бухгалтерияни харажатлар ҳисобига мослаб, “вазифаси аллақачон қилинган харажатлар ҳақида маълумот тўплаш билан чекланувчи соф тарихий таннарх ҳисоби деб аталиши мумкин бўлган нарсанинг одатдаги тимсоли” [3], сифатида тавсифлади. Ҳисоб эса, унинг сафдоши Гаррингтон Эмерсоннинг таърифига қараганда, “...вақт устидан ғалаба қозониш. У бизни ўтмишга қайтара туриб, келажакка қарашга имкон бериш”ни [4] ўз мақсади этиб белгилаши лозим. Бошқарув ҳисоби ўтган ҳодисаларни оддийгина қайд қилишга эмас, келажак учун вазифалар белгилаш ва уларнинг бажарилиши учун кўмак беришга даъват этилган. Бюджетлаштириш татбиқ этилгандагина уларни амалга ошириш имкони туғилади.

Шундай қилиб, замонавий бошқарув ҳисоби бюджетлар тизимига таяниши лозим. Бюджетлар тизими раҳбарга бошқарув қарорларининг самарадорлигини олдиндан баҳолаш, ресурсларни бўлинмалар ўртасида оқилона тақсимлаш, корхонанинг ривожланиш йўлларини белгилаш ва инқироз ҳолатларига йўл қўймасликка имкон яратади. Бюджет тузиш мазкур

муаммоларни ҳал қилишнинг самарали йўли ҳисобланади. Бюджетлаштириш корхона молиявий-иқтисодий фаолиятининг барча жабҳалари: ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш, ёрдамчи бўлинмаларнинг фаолияти ва пул оқимларини бошқаришни қамраб олади.

Хулоса қилиб айтганда, бюджетлаштириш бошқарув ҳисобининг усули бўлиш билан бирга таркибий бўлинмалар ёки корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланган дастурлар асосида ишлаб чиқилган функционал соҳалар бўйича алоҳида бюджетлар тайёрлаш жараёнидир. Яъни, моҳиятан, у ички молиявий бошқарув тизимидир. Айтиш мумкинки, бюджетлаштиришнинг таҳлилий жараёни барча бошқарув вазифаларига боғлиқ бўлиб, корхона имкониятларини бозор шароитларига мувофиқ ҳолатга келтиришга йўналтирилган асос ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хасанов Б.А. Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби : олий ўқув юртлари учун дарслик. ТДИУ.-Тошкент:Yanginashr, 2011. .-Б.171
2. Абрютина М.С. «Экономика предприятия»: Учебник.-М.: Издательство «Дело и Сервис», 2004. –С.488.
3. Гаррисон Ч. Учет себестоимости в помощь производственнику. М.,1935. -148 С.
4. Эммерсон Г. Двенадцать принципов производительности. –М.: Экономика, 1992. -224 с.

АГРАР ТАРМОҚДА КЛАСТЕР ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УНИНГ МОЛИЯВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ёқубов Т.Ғ. - *ТДАУ Андижон филиали*

Мустақил Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида аграр тармоқ етакчи ўринни эгаллайди. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг салмоқли қисми шу соҳада етиштирилади. Шунинг учун соҳани ривожлантириш масалаларига мамлакатимиз мустақилигининг дастлабки кунлариданоқ катта эътибор берила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида“ги қарорига мувофиқ, 2018 йилда мамлакатимиз ҳудудларида 16 пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил қилиниб, уларга фермер хўжаликларининг қарийб 159 минг гектардан ортиқ экин майдонлари бириктирилди. Кейинги йилларда кластер усулида пахта етиштиришни камида 52 фоизга етказиш учун 48 та пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, ғалла ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш керак. Бу соҳа биз учун нисбатан янги эканини инобатга олиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, кредит

тизимини соддалаштириш, харажатларни субсидиялаш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда “Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлашга ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур” деган кўрсатмаларини юқори даражада амалга оширишда бош йўналиши халқаро амалиётда синалган “Кластер” назариясига асосланган тажрибадан фойдаланиш, жумладан, иқтисодиётимизнинг тўқимачилик ва енгил саноат истиқболида муҳим аҳамият касб этади.

Агрокластер – қишлоқ хўжалигининг давлат – илмий-тадқиқот – қайта ишлаш – бизнес каби субъектларнинг ўзаро бозор тамойилларига мос муносабатларини мужассамлаштирган субъект ҳисобланади.

Агрокластерлар уч хусусиятга асосланади, яъни:

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий ихтисослашув ва маҳаллийлаштириш;

– тармоқнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар;

– турли тармоқлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ўзаро алоқаларнинг шаклланганлиги.

Агрокластернинг маркази стратегик ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома асосида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари (фермер ва деҳқон хўжаликлари), илмий-тадқиқот муассасалари, турли хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари, маҳсулотларни сотиш, реклама қилувчи маркетинг хизматини ўз атрофида бирлаштирган қайта ишловчи корхоналар бўлиши мумкин.

Агрокластер маҳаллий давлат ҳокимияти ташкилотлари (туман ҳокимлиги), қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро ҳамкорликдаги ёки алоҳида ташаббуси бўйича ташкил этилади. Уни ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан бири иштирокчиларининг биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини – ишлаб чиқариш – қайта ишлаш – сотиш – илмий-тадқиқот жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалиётда қўллаш орқали бир-бирларига ишончларининг юқорилиги ҳисобланади.

Ўзбекистонда биринчи бўлиб олимларимиздан А.Ш.Бекмуродов ва Янг Сон Бэлар “Ўзбекистон текстиль саноатини ривожлантириш стратегиясига кластер ёндашуви бўйича илмий тадқиқот олиб борганлар. Уларнинг тадқиқотларида чет мамлакатларда иқтисодиётни ривожлантириш бўйича кластерлардан фойдаланиш лойиҳалари тавсифланиб, Америкада ахборот-коммуникация, Японияда автомобиль, нефть-кимё ва текстиль, Италияда керамика ва гилам ишлаб чиқариш, Корея Республикасида текстиль саноатида эришилган натижалар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, А.Ш.Бекмуродов ва Янг Сон Бэлар асосий эътиборни Ўзбекистон текстиль саноати экспорт салохиятини тахлил қилишга қаратиб, соҳага чет эл

инвестицияларини кўпроқ жалб қилиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиққанлар ва маҳсулотни бўяш бўйича саноат ҳудуди Кластери моделини Корея Республикасининг Дегу шаҳридаги тажриба асосида ишлаб чиққанлар.

Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноати тизимида кластерларни шакллантириш масаласи мамлакат миқёсида эмас, балки минтақалар – вилоятлардаги аниқ иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлар асосида, кластер назариясининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кластер тушунчаси "бир-бири билан маълум соҳада ҳамкорлик қилаётган корхоналар ҳамда институтларининг географик яқин жойлашуви" дейиш мумкин. Кейинги пайтларда кластер тушунчаси ўз олдига турли хил мақсадларни қўйиш орқали оммалашиб бормоқда. Баъзи қарашлар кластерлаш сифатида ўз олдига географик жойлашувни бирламчи қўйишса, бошқалари ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказ ва Тошкент давлат аграр университети асосий таянч нуқталар бўлиб ҳисобланади. Маҳаллий уруғ ва кўчатликнинг шакллантирилиши нафақат кластер доирасида, балки республика иссиқхона хўжалигини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам агрокластерларни барпо этиш, аввалambор ушбу жараёнинг қишлоқ хўжалигида янги интитутционал тузилма эканлигидан келиб чиққан ҳолда, унинг хуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари давлат томонидан шакллантирилиши лозимдир.

Масалан, АҚШда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш билан шуғулланувчи кооперативлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга шартномага асосан бўнак берилади ва маҳсулот топширилгандан сўнг ўзаро якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Шу нуқтаи назардан кластер тизимида молиявий менежментнинг муҳим услубий асоси сифатида уни ташкил қилишнинг умумий тамойилларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Бу ўз навбатида молиявий менежмент харакат фаолиятини аниқлаб олиш ва уни амал қилишини умумий мезонларини аниқлаб олиш учун зарур хисобланади. Шунингдек молиявий менежмент корхоналар ички доирасида эмас, балки доимий равишда бюджет, бюджетдан ташқари фондлар, банклар ва бошқа кредиторлар, молия-кредит муассасалари, институционал инвесторларнинг ўзаро муносабатларида хам акс этади.

Аграр тармоқдаги кластер тизимида молиявий менежмент корхоналар молиявий фаолиятида молиявий ресурслардан фойдаланиш ва уларнинг самарали йўналишларини танлаб олишни ўз ичига олиб, бу жараён қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос бўлган хусусиятларини хисобга олган холда тахлил, режалаштириш, бошқарув, молиявий қарор қабул килиш жараёни билан боғликдир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мулкчиликнинг турли шаклларида молиявий бошқарувни бозор

тамойилларига мувофиқлашган холда ташкил этиш самарали хўжалик юритишга имкон беради. Шунинг учун Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнида иқтисодиёт тармоқларида, айниқса аграр тармоқ корхоналарида молиявий менежментни оқилона ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишга алохида эътибор берилиши зарур.

Ҳозирги кунда молиявий менежмент тушунчасининг моҳиятини ёритишда иқтисодчи олимлар томонидан турли хил фикрлар билдириб ўтилмоқда. Умуман олганда, молиявий менежмент тушунчасига рус иқтисодчи олимлари, қолаверса МДҲ давлатларига кирувчи қатор давлатлари олимларининг қарашлари билан, Ғарбий Европа ва АҚШ олимларининг қарашлари нисбатан фарқланади. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, бунинг асосийларидан бири МДҲ таркибига кирувчи давлатларда бўлгани сингари молиявий менежмент фани Россия Федерациясида ҳам янги ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади, яна бир сабаб эса, ушбу давлатларда фирма ва компанияларнинг бошқарув тизимидаги ўзига хос турли хил жиҳатларининг мавжудлиги ҳисобланади.

Бундан ташқари, АҚШ ва Европада мавжуд компанияларининг аксарият қисми асосий фаолиятларидан ташқари, уларнинг хўжалик фаолиятида фонд бозорларидаги иштироки, хусусан қимматли қоғозлар савдоси билан боғлиқ операцияларни амалга оширилиши муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам уларнинг амалиётида, молиявий менежментнинг функциялари кўп ҳолатларда қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни бошқаришга йўналтирилган ҳолда тушунтирилади.

Америкалик иқтисодчи олимлар Джеймс К.Ван Харн ва Джон М.Вахович ўзларининг иқтисодий асарларида, "молиявий менежмент аниқ бир мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган активларни молиялаштириш ва бошқариш бўйича қилинган ҳатти ҳаракатларнинг мажмуидан иборат" деб таъкидлайдилар ва қуйидагича таъриф берадилар: молиявий менежмент (financial management) аниқ бир мақсадларни реализациясига йўналтирилган активларни молиялаштириш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқарув қарорларини қабул қилишдир" деб таъкидлайдилар. Уларнинг фикрига кўра фирма ва компанияларнинг мақсадлари турли хил бўлишига қарамай, улардан асосийси фирма ва компания эгаларининг молиявий ҳолатини максималлаштиришдир.

Умуман олганда АҚШ ва Ғарбий Европалик иқтисодчи олимларнинг келтирилган тарифларига кўра, молиявий менежмент ўзининг бош мақсади сифатида акция курси, бир дона акцияга тўғри келувчи соф фойда миқдори, дивиденд даражаси, ҳиссадорлар мулки ва бошқа ижобий манфаат келтирувчи молиявий натижаларни кўпайтиришни илгари сурувчи фирма ва компаниялар молиясини бошқаришдир.

Юқорида таъкидланган олимлар ушбу муаммоларнинг ўрганиш бўйича турлича фикрларини билдиришган, лекин кўпчилигининг фикри иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр тармоқда молиявий

бошқарувни тўғри ташкил этиш, унинг бошқарувини ташкил қилишга мос келмаслиги ушбу мавзу бўйича изланиш қилишни тақозо этади.

Аграр тармоқ корхоналарида молиявий менежментни ташкил этиш ва уни методологиясини такомиллаштириш, уларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларининг талабларига мувофиқ равишда ташкил этиш билан боғлиқ жараёнлар бугунги куннинг муҳим вазифалари бўлмоқда.

Шунинг учун аграр тармоқда молиявий менежментни ташкил этиш ва унинг методологиясини ўрганиш бир қатор вазифаларни қўймоқда.

Юқорида қайд этилган вазифаларнинг амалий аҳамияти шундаки, ундан Ўзбекистон Республикасида агрокластерларни барпо этиш, аввалambор ушбу жараённинг қишлоқ хўжалигида янги институционал тузилма эканлигидан келиб чиққан ҳолда, кластер тизимидаги корхоналар фаолиятида молиявий менежментни ташкил этишни таҳлил этиш ва уни методологиясини такомиллаштиришда муҳим босқич бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Дж.К.Ван.Харн, «Основы управления финансами», Под ред. проф. Соколова Я.В., -М.: «Финансы и статистика», 1996., - 240 с.
3. Агрокластер как механизм устойчивого развития сельских территорий. О.В. Шумакова, д-р экон. наук, профессор, проректор по учебной деятельности, Омский государственный аграрный университет имени П.А.Столыпина (644008, Россия, г. Омск, ул. Физкультурная, 8 Е; e-mail: shumakovaov@mail.ru)

АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БОРАСИДАГИ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ

Ражамуродов Ҳ.З., Расулова М.Т. *– ТДАУ тадқиқотчилари,*
Ғуломов С.С. *– ТДАУ профессори, и.ф.д., илмий раҳбар:*

Бугунги кескин ривожланиб бораётган ахборотлаштириш даврида бу жараёнлардан четда қолиб кетиш нафақат қишлоқ хўжалиги балки бутун иқтисодиётимиз ишлаб чиқарувчилари учун таназзулга юз тутиш демакдир. Ҳар соҳада глобаллашув жараёнлари юз бераётган даврда бозор иқтисодиёти шароитида ахборот ликвид маҳсулотга айланиб улгурди. Шиддат билан ривожланаётган бу даврда маълум бир вақт бирлигида жуда катта ахборот хажмлари қайта ишланади, қидирув платформалари орасида дунёнинг 90% талабини қондираётган Google бир дақиқада 3,6 млн қидирув талабини қайта ишлайди; интернетга бир кунда 2,5 квинтильон байт янги ахборот жойланади, АҚШнинг ўзи бир дақиқада 2,7 млн Гб янги ахборот жойлаштиради.

Тасаввур қилиш қийин эмас бу маълумотлар хажмлари ичидан ишлаб чиқарувчи учун долзарб, аниқ ва тезкор ахборотни танлаб олиш мушкул

вазифалиги. Бу вазифа ечимини осонлаштиришда албатта ахборот-коммуникация технологиялари, ахборотни йиғиш, кайта ишлаш ва узатиш қўрилмалари, робототехника, илғор фан ютуқлари ёрдамга келади.

Агросаноат мажмуаси барча иштирокчиларини зарурий ахборот билан таъминлаш, уларга тезкор, аниқ ва долзарб ахборотни етказиш миллий иқтисодиётимизнинг йирик ҳал қилувчи соҳаларидан бири қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш йўлидаги асосий масала бўлиб турибди.

Статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришдаги технологиялар қарийб ўзгармасдан келмоқда. Пахта ва ғаллани етиштиришдаги ҳосилдорликнинг ўртача кўрсаткичлари уларга сарфланадиган харажатлар неча йиллар ўзгармасдан келмоқда. Демак қишлоқ хўжалигини ахборотлаштириш соҳасидаги ишларимиз ҳали анча орқада қолиб кетган. Агар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси селекция ва генетика фанининг ютуқлари, янги навлар, ишлаб чиқаришдаги янги технологиялар, суғориш борасидаги ва ўғитни тежаб меъёрида етказиб бериш технологиялари, ерни тайёрлаш, йил келишини тахмин қилиш, ҳосилни йиғиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш, истеъмолчига етказиш ва ҳ.к. лар тўғрисида янги ва аниқ ахборотга эга бўлса унинг маҳсулдорликни ошириб ўз даромадини кўпайтириб турмуш тарзини яхшилаш имкони пайдо бўлади ва ўзи шунга интилади.

Қишлоқ хўжалигини ахборотлаштиришда биринчи навбатда ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатувчи марказлар фаолиятини йўлга қўйиш назарда тутилар экан, агросаноат мажмуаси иштирокчиларига бу фаолиятни ишга туширилиши мақсадга мувофиқ эканлигини исботлаш керак бўлади. Бу аввалambор республикамизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида амалга оширилиши, дастлабки даврда ҳар томонлама давлат томонидан қўллаб-қўвватланадиган соҳа ривожига салмоқли хисса қўшиши кузда тутиладиган дастур сифатида ишлаб чиқилиши керак.

Хукумат томонидан 2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди, бу соҳа олдида катта имкониятлар очмоқда ва шу билан бирга улкан вазифаларни ҳам қуймоқда. Бундан кўриниб турибдики ахборотлаштиришга бўлган талаб яна ҳам кучаяди. Соҳага инновацияларни тадбиқ қилиш фақат ахборотлаштиришни ривожлантириш орқали амалга ошишини инобатга олиш керак. Энди мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасидаги рақамларга назар солсак (2019 йил январь ҳолатига):

	Мобил алоқа воситалари	Интернет фойдаланувчилари	Ижтимоий тармоқ фаол фойдаланувчилари
аҳоли сони	24,84 млн.	15,45 млн	3 млн
%, ҳисобида	76%	47%	9,2%
ўсиш 1 йилда	6,7%	0%	79%

2018 январидан 2019 январигача интернет фойдаланувчилари сони ўзгармасдан қолди ва фаол ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари сони сезиларли даражада ошган, бу нимадан далолат бу қишлоқ жойларда интернет тармоғи билан қамраб олиниши даражаси хали анча паст ва келажакда анча ишлар қилинишидан дарак беради.

Давлат томонидан фаолияти йўлга қўйиладиган ахборот-маслаҳат хизмати марказлари соҳа мутахассисларига ўз кўмагини бера бошлагач ва бу кўмак соҳа иқтисодий ўсиш кўрсаткичларида ўз самарасини бера бошлагандан кейин агросаноат мажмуаси ишлаб чиқарувчиларининг бу фаолиятга талаби ортиб бораверади. Бунинг оқибатида чет эл тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак давлат марказлари қаторида хусусий мулкчиликка асосланган ахборот маслаҳат хизмати муассасалари ҳам очила бошлайди ва бунинг оқибатида соҳада ҳам рақобат ва ривожланиш муҳити шакллана бошлайди. Асосийси дастлабки фаолиятни тўғри йўлга қуйиш.

Хизмат фаолиятига аввалambор қишлоқ хўжалигида яхши билим кўникмаларга эга бўлган доимо малакасини ошириб борадиган турли мутахассисларни ишга жалб қилиш керак. Бу марказлар ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан тўла фойдаланган холда фаолиятини йўлга қуйиб истеъмолчига масофадан туриб кўмак бера оладиган имкониятларга эга бўлади. Бунда улар ўзларининг веб-саҳифалари, ижтимоий тармоқлардаги каналлари орқали, 24 соат давомида онлайн маслаҳат бера оладиган тизимни ишлаб чиқишлари керак бўлади.

Шу билан бирга бу технологиялар фаолиятини қишлоқ жойларда тўғри ишлашини таъминлаб берувчи инфратузилмани ривожлантириш керак. Республика бўйлаб мобил алоқа тармоқлари қамраб олиниш кўлами кенгайиб бормоқда ва ҳозирги кунда у %ни ташкил этади, лекин кўпгина жойларда ҳозиргача 3G, 4G тармоқлари ишлаши йўлга қуйилмаган, бу тармоқларнинг қамраб олиниш даражаси республикамиз бўйича 59% ни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида маълумот олиш борасида қийинчиликларга олиб келади. Мутахассисларнинг таъкидлашича истеъмолчиларнинг 40% и саҳифанинг юкланиши 3 сониядан ошса уни тарк этар экан. Демак алоқа тармоқлари тезлигини шакллантирувчи инфратузилма яхши ишлаши лозим.

	Мобил интернет	Фиксирланган интернет
интернет тезлиги	9,97 мб/с	10,11 мб/с
ўсиш суърати	+50%*	+65%*

*(2017 йил декабрдан-2018 йил декабргача)

Энди асосий масала АКТ имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учун уни ишлатиш бўйича саводхонлик малака ошириш механизмини йўлга қуйиш масаласи келиб чиқади.

Республикада соҳага тегишли илғор бўлган таълим муассасалари иштирокида ва ташкил этиладиган ахборот-маслаҳат хизмати марказлари билан агросаноат мажмуаси иштирокчиларини ахборотлаштириш борасида хар томонлама малака ва кўникмаларини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифалари юкланади.

Ахборотга вақтида эгалик қилиш учун истеъмолчига зарурий шароит ташкил қилиш лозим. Ҳозирги кунда ахборотга эга бўлиш учун бу ахборотни етказувчи ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш керак. Буни фақат ахборотни келажакда маҳсулот сифатида тарқатувчи ахборот-маслаҳат хизматини ривожлантириш дастурида амалга ошириш керак, ва бундан миллий иқтисодиётимиз манфаатдор бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахборот тизимлари ва технологиялари. // С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов.
2. www.stat.uz
3. www.gsmaintelligence.com
4. www.datareportal.com
5. www.domo.com

AGRAR SOHA IQTISODIYOTINI MODERNIZATSIYALASH SHAROITIDA INVESTITSIYA LOYIHALARINING O'RNI

Muxtorov J.F. - O'zR MG HTI, kursant,
Salimov Sh.M. - O'zR MG HTII, lmiy rahbar

Milliy iqtisodiyotning agrar sohasini modernizatsiyalash sharoitida respublikamiz iqtisodiyotiga investitsiyalarni, xususan, chet el investitsiyalarini kengroq jalb etish mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning samarali ijrosini ta'minlashga muhim hissa qo'shadi. Bu esa, milliy iqtisodiyotda

amalga oshirilayotgan investitsiya loyihalari samaradorligini baholashga bo'lgan e'tiborni yanada kuchaytirishi bilan dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Investitsiya loyihalari samaradorligini baholashning jahon tajribasi, tendentsiyalari va muammolaridan tadqiq etgan holda O'zbekistonda investitsiya loyihalarini samaradorligini baholashni takomillashtirish yuzasidan taklif – tavsiyalar ishlab chiqish hisoblanadi. Jahon amaliyotida investitsiya loyihalarining samaradorligini baholash, asosan, diskontlashtirish usullar asosida olib borilmoqda.

Shu o'rinda ta'kidlash joizki, investitsiya loyihalarining samaradorligini baholashni takomillashtirishda ayrim zamonaviy xorijiy iqtisodiy adabiyotlarni o'rganish va chuqur tahlil qilish ularni takomillashtirishda yaxshi asos bo'la oladi.

Investitsiya loyihasini moliyaviy – iqtisodiy baholash mablag'larni real aktivlar bilan turli operatsiyalarga (ob'yektlarga) joylashning mumkun bo'lgan variantlarni tanlash va asoslash jarayonida markaziy o'rinni egallaydi. Moliyaviy tahlil loyihadan keladigan samaraning uning har bir ishtirokchilarining o'z maqsadlaridan kelib chiqib, loyihani amalga oshirishdagi erishilishi lozim bo'lgan natijalarni qo'lga kiritish imkoniyatlarini ochib beradi.

Iqtisodiy tahlilda esa, loyihaning milliy iqtisodiyotga beradigan samarasi nuqtai nazaridan tahlil qilinadi. Xususan, Jahon banki xodimlari (mutaxassislari) har bir loyiha uchun uning iqtisodiyotga boshqa aniq resurslarni joylashtirishdagi o'zaro ziddiyatli variantlarga qaraganda ko'proq samara keltirishni aniqlashda keng tahlil ishlarini o'tkazadilar.

Bizga ma'lumki, O'zbekiston bugungi kunda bozor iqtisodiyotiga asoslangan, jadal sur'atlarda rivojlanib borayotgan davlat hisoblanadi. Bozor munosabatlariga xos qonunlarning yaratilishi, o'zgartirib borilishi va ularning amaliy kuchining ta'minlanishi iqtisodiy erkinlashtirishni hamda o'tish davri islohotlarini jadallashishini ta'minlaydi. Shularning natijasi o'laroq, bugungi kunda respublikamiz iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarning kirib kelishining yil sayin o'sishi, ularning texnik-iqtisodiy asosini va iqtisodiy samaradorligini baholash tartiblarining to'planib va yaxshilanib borishi investitsiyalardan samarali foydalanishga o'z ta'sirini ko'rsatmokda. Bundan tashqari, bunday tajribalarni o'zlashtirish ishlari respublikada juda sust olib borilmoqda. Bizda iqtisodiy rivojlanishni yo'lga qo'yishda chet el tajribalarni, xususan investitsiya siyosatlari olib borilishini o'rganish, loyihalarning samaradorligini baholashning samarali bo'lgan bosqichlarini imkon qadar o'zimizga tadbiq etishni zarur. Xususan, ba'zi bir davlatlarda loyihalarning samaradorligini baholash uch bosqichda amalga oshiriladi: loyihaning ijtimoiy ahamiyatini eksport baholash amalga oshiriladi; loyihaning samaradorlik ko'rsatkichlari tahlil etiladi; loyihadagi ishtirokchilar tarkibi va uning moliyaviy amalga oshirilishi hamda loyiha ishtirokchilari har birining samara aniqlanadi.

Yurtimizda ish olib borayotgan mutaxassislar investitsiya loyihalaridagi mavjud yoki kutilishi mumkin bo'lgan risk va noaniqliklarni aniqlashga birmuncha qiynalishdi. Chet elda esa bu investitsiya loyihasining ochilmagan (topilmagan) yana bir ko'zi hisoblanadi. Shu bois ham ular risk va noaniqlikni, shuningdek

zararsizlik holatini aniqlashni loyihani baholashdagi muhim vazifalar sarasiga kiritadilar.

Investitsiya loyihasi aniqlanishiga ko'ra analitik ishonch bilan prognozlashi mumkin bo'lmagan kelajakka bog'liqdir. Shu sababli, moliyaviy tahlil va baholash ishlari risk va noaniqlikni hisobga olgan holda olib borilishi lozim. Risk o'tgan davrdagi ma'lumotlar asosida turlicha oqibatlar bilan bog'liq ehtimolliklar baholanishi mumkin bo'lgan xollarda vujudga keladi. Noaniqlik esa yuz berishi mumkin bo'lgan oqibatlar ehtimolligini o'tgan davrlarda tegishli ma'lumotlarning bo'lmasligi sababli sub'ektiv ravishda aniqlashga to'g'ri kelgan hollarda mavjud bo'ladi.

Texnik – iqtisodiy asos uchun ma'lumotlarning to'liq va ishonchli bo'lishi risk va noaniqlikning paydo bo'lishining oldini oladi. Biroq noaniqlining umumiy sabablaridan bo'lib inflyatsiya, texnologiyaning o'zgarshi, nominal quvvatni to'g'ri baholamaslik, qurilish va ishga tushirish ishlari davrining davomiyligining to'g'ri baholashmasligi, konvertatsiyaning to'xtatib qo'yilishi, qonunchilikning o'zgarishi kabilar hisoblanadi.

Risklar tahlili loyihaning ishtirokchilari bazaviy va birmuncha xavfli (riskli) variantlarda uning rivojlanish holatini ishlab chiqishni ko'zda tutadi va har bir holat va tegishli sharoitlarda loyihani amalga oshirish mexanizmi qanday ishlashi, bunda daromad va yo'qotishlar, barcha ishtirokchilar uchun samaradorlik ko'rsatkichlari miqdori qanday bo'lishi tadqiq etiladi.

Investitsiya risklari bir necha ko'rinishlarga ega. Odatda, risklarning ko'rinishlari va xavfliligini bilish bilan ularga ta'sir ko'rsatish, ya'ni ularni boshqarish yoki ularning loyihaning iqtisodiy samaradorligiga salbiy ta'sirini kamaytirish mumkin bo'ladi. Shunga ko'ra, risklarni quyidagi asosiy belgilari bo'yicha tasniflash mumkin:

Hosil bo'lish sohalari bo'yicha risklar quyidagi turlarga bo'linadi: iqtisodiy risk – unga iqtisodiy omillarning o'zgarishi bilan bog'liq risklar tegishlidir, masalan, investitsiya faoliyati iqtisodiy sohada amalga oshirilar ekan, u albatta, iqtisodiy riskga ma'lum darajada duch keladi; siyosiy risk – unga davlat tomonidan amalga oshiriladigan siyosiy o'zgarishlar bilan bog'liq, investitsiya faoliyatida vujudga kelgan ma'muriy chegaralashlarning turli xil ko'rinishlari xos hisoblanadi; ijtimoiy risk – unga investitsiyalanayotgan korxonalarning ishchilari ta'siri ostida rejalashtirilmagan ijtimoiy dasturlarni amalga oshirish va shunga o'xshash boshqa ko'rinishdagi risklar tegishlidir; ekologik risk – investitsiyalanayotgan ob'yektlar faoliyatiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi turli xil ekologik ofatlar va fojialar shular jumlasidan hisoblanadi; boshqa turdagi risklar – ularga reket, mulkni talon – taroj qilish yoki o'g'irlash, investitsion yoki xo'jalik hamkorlari tomonidan aldab ketishlar kabilarni kiritish mumkin.

Risklar ta'sirini yuqotishda har qanday investitsiyalash jarayonida quyidagi ikkita yo'l tutilishi maqsadga muvofiq hisoblanadi turli xil risklardan sug'urtalanish yo'llarini topishga harakat qilish; riskni faol nazorat qilish va riskli sharoitda boshqarish imkoniyatlarini aniqlash.

Umuman olganda, xis etuvchanlik tahlilining maqsadi investitsiya loyihasining moliyaviy natijasiga ta'sir etuvchi o'zgaruvchi omillarining darajasini

aniqlash hisoblanadi. Loyihaning moliyaviy natijasini tavsiflovchi integral ko’rsatkichlar sifatida pul oqimida diskontlash mezonlari bo’lgan, avvalroq ko’rib o’tilgan ko’rsatkichlar qaraladi: rentabellikning ichki koeffitsiyenti (IRR); loyihaning qoplanish muddati (PP); foydalilik indeksi (PI); diskontlangan koplash muddati (DPP).

Investitsion loyihalarni tahlil etishda diskontlashtirish jarayoni pulning joriy va kelgusi qiymatini hisoblashga asoslanadi. Diskontlashda qo’llaniladigan «annuitet» tushunchasi kelgusida muayyan summani olish uchun har yili qo’yiladigan pul mablag’lari badallarini (qo’yilmalarni) nazorat etuvchi moliyaviy operatsiyani anglatadi.

Har qanday investitsion loyihaning hayotga tadbiq etilishi uning jalb etuvchanligiga (jozibadorligiga) asoslanadi. Loyihalar samaradorligini baholash usullari esa, uning jalb etuvchanligi va jozibadorligini ko’rsatib berish uchun qo’llaniladi. Investitsiya loyihasining jalb etuvchanligi va jozibadorligini baholash usullari ikki guruhga: diskontlash kontseptsiyasini qo’llashga asoslangan usullar; diskontlash kontseptsiyasini qo’llashni nazarda tutmaydigan usullarga bo’linishi bilan xususiyatlanadi.

Investitsion faoliyatning samaradorligini oshirish uchun olib borilayotgan investitsiya siyosatining ustuvorligini ta’minlashda belgilangan investitsiya siyosati tamoyillarining to’laqonli bajarilishiga erishish zarur. Bu esa, investitsiya loyihalarini amalga oshirishning iqtisodiyotdagi ahamiyatini ta’minlashning barcha jihatlari samarasining yuzaga chiqishiga ko’maklashadi.

Xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning barcha shakllaridan samarali foydalangan holda ularni iqtisodiyotning agrar soha tarmoqlarini rivojlantirishdagi faol ishtirokini ta’minlash bilan O’zbekistonning qishloq xo’jaligi mahsulotlarini eksport salohiyatini yanada oshirishga erishish lozim.

Bugungi kunda investitsion loyihalarning samaradorligini baholash pul oqimlari haqidagi ma’lumotlarga asoslanadi. Lekin pul oqimlari miqdorini aniqlashning ham o’ziga xos muammolari mavjudligi bois pul tushumlari va chiqimilarning xususiyatlarini bilib olish zarur bo’ladi. Pul oqimi miqdorini aniqlashda buxgalteriya hisobi bo’yicha yondashish va pul tushumlari va kirimlarini joriy, investitsion va moliyaviy faoliyatlar bo’yicha alohida hisobga olish va u bo’yicha kerakli qarorlar qabul qilish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, “Xalq so’zi” gazetasi.

ТАКРОРИЙ ЭКИН ЭКИШДА ТУПРОҚҚА МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРИШ

Маъруфхонов.Х.М *– ТДАУ талабаси*
Холмухамедова З.Б *– ТДАУ катта ўқитувчиси, илмий раҳбар*

Республикамизда тупроққа ишлов беришнинг янги йўналиши, яъни уни имкони борича минималлаштириш 1965 йиллардан бошланган эди. Бу борада Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти (ЎзПИТИ), Пахтачиликни механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институтларида кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Олимлар томонидан кейинги йилларда республикамизда тупроқни муҳофаза қилувчи деҳқончилик юритиш тизими бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда (Хасанова ва Карабаев, 2002, 2010; Pulatov, 2002; Эгамбердиев, 2007; Ibragimov et al., 2011; Devkota, 2013).

Типик бўз тупроқлар шароитида минимал ишлов бериш технологиясини қўллаш, ўсимлик қолдиқларидан самарали фойдаланиш ҳисобига тупроқдаги намликни сақлаш ва буғланишни камайтириш, буғдой ва такрорий экинларни етиштиришда доимий пушталардан фойдаланиш яхши натижалар бериши, шу билан бирга ушбу технологияда ечилмаган муаммоларни мавжуд бўлиб уларни бартараф этишни талаб этади. Яъни экиш агрегатларини такомиллаштириш, бегона ўтларга қарши кураш чораларини қўллаш, ҳайдашда ва тупроқни бир юришда экишга тайёрлашда агрегатлар самарадорлиги агротехнологиясини ўрганиш, механик таркиби ҳар хил бўлган тупроқларда ишлов бермасдан экиш, тупроқ ва ўсимликда кечадиган жараёнларга таъсирини ўрганиш масалаларининг ечимини ишлаб чиқиш бўйича тажрибалар олиб бориб ўз олдимизга такрорий экинларни экишда ҳайдамасдан экиш технологиясини қўллаб эртаги ва юқори ҳосил олишга эришишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Тажрибада кузги буғдойдан бўшаган майдонларда тўғридан тўғри экиш агрегати билан мош, гектарига 18 кг экиб парваришлаш (а) ва қабул қилинган технологияга (б) билан солиштириб ўргандик. Тажриба типик бўз тупроқда, механик таркиби оғир, сизот сувлари чуқур жойлашган ПСУЕАИТИ хўжалигида олиб борилган.

Тадқиқот объекти ва предмети: тупроқ, буғдой, такрорий экин, агротехнология, тупроққа ишлов бериш усулларини тупроқ унумдорлиги ва мошни ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири.

Тадқиқот методикаси: дала тажрибасини ўтказиш, фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ, 2007) ва “Методика полевого опыта” (1981) қўлланмаси, тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий ҳамда бошқа таҳлиллар ЎзПИТИда қабул қилинган услублар (1963) асосида олиб борилди.

Илмий янгилиги:тупроққа ишлов беришнинг замонавий ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Амалий аҳамияти: замонавий ресурстежамкор технологияларини қўллаш натижасида тупроққа ишлов бериш сони 25-30%, тракторларни юриш сони камайиш ҳисобига тракторлар билан ишлов бериладиган далаларга нисбатан тупроқ зичланиши камайтириш, техникани ортиқча далага киритилмаслиги ҳисобли тупроқни сув-физик ҳолати яхшиланади, ҳосилдорликни 10-12% оширади.

Ўтказилган тадқиқот турлари:

I.*Агрофизик тадқиқотлар:*

1.1 Тажрибани вазифасидан келиб чикиб, тупроқнинг хажм оғирлиги ва ғоваклиги 50см чуқурликнинг ҳар 10 см қатламидан тупроқ намуналари олиш йўли билан ғўзанинг амал-ўсув даври бошида, охирида ҳар бир экин учун алоҳида аниқланди (Н.А.Качинский усулида).

1.2. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида амал даври бошида ва охирида цилиндр халқалар ёрдамида аниқланди.

1.3. Тупроқни структурасиниAS200 RETSCH Analytical Sieve Shaker AS200 Digit аппарати ва В. Савин усулида аниқланди.

2.*Фенологик кузатувлар:*

Кузги буғдойда:

2.1. Кўчат қалинлиги ўсув даври охирида, ҳар бир вариантда 2 нуқтада 1 м^{2}аниқланди;

2.2.Ҳар вариантда 2 та нуқтада 1м^2 дан, умумий поялар сони, ҳосилдор поялар сони, поялар бўйи ва бошоқ узунлиги (дала шароитида) аниқланди.

2.3.Ҳосилдорлик ҳар бир вариантда 1 м^{2}майдонда (2 нуқтада) аниқланди (1000 дона дон оғирлиги, бошоқ оғирлиги, бошоқдаги дон сони, умумий 1 м^{2}даги дон оғирлиги, умумий ҳосил лаборатория шароитида).

М*ошда:*

2.4. Мошни ўсиб, ривожланиши бўйича фенологик кузатувлар июль, август ва сентябрь ойларининг дастлабки кунларида ўтказилиб, унда бўйи, ҳосил шохи, дукаклар сони аниқланди.

2.5.Кўчат қалинлиги ўсув даври охирида, ҳар бир вариантда ва қайтариқларда аниқланди;

2.6.Ҳосилдорлик ҳар бир вариантда тўлиқ аниқланди, (1000 дона дон оғирлиги, дукакдаги дон сони ва дон оғирлиги, умумий ҳосил далашароитида аниқланди).

Тажриба даласи кўп йиллик бўлиб, 2004 йилдан бошланиб доимий вариантларда ғўза-галла навбатлаб экиш бўйича тажрибалар ўтказилиб келинмоқда. 2014 йилда ғўза қатор орасига кузда культивация (б вар) ўтказиб, (а)-вариантда эса доимий пушта вариантида ишлов берилмасдан кузги буғдойни Краснадар-99 нави экилди. Экиш олдидан ўтказилган тахлилга асосан тупроқ ҳажм массаси тупроқнинг 0-30 см ҳайдалма қатламида ғўза ҳайдаб экилиб парваришлангандансўнг культивация билан кузги буғдой экилган вариантида 1,41 гр/см^3 вадоимий пушта вариантида эса 1,37г/см^{3}ниташкил этди, бу кўрсатгич типик бўз тупроқлар учун мақбул ҳисобланиб, кузги буғдойни ўримидан сўнг ўтказилган тахлилга асосан тупроқни ҳажм массаси кузги буғдой экиш олдидаги маълумотларга

нисбатан бирмунча зичлашгани аниқланди. Тупроқ ғоваклиги вариантлар бўйича мутаносиб ҳолатда бўлди. Тажриба даласида дастлабки тупроқ ҳажм массасини зичлашганини культивацияни 16-18 чуқур ўтказиш ҳисобига камайтиришга эришилди ва дон униб чиқиш даврида тупроқдаги сув ва ҳаво режимини мақбул бўлишини таъминлашга эришилди.

1-жадвал

Турли технологияларни қўллашнинг кузги буғдойни ўсиши ва ривожланишига таъсири (2014-2015 йй).

вар, №	Бўйи,см		Бошоқ узунлиги, см		
	1.05	1.06	1.05	1.06	1.07
а	58,3	60,3	7,92	8,1	8,75
б (назорат)	58,8	59,1	8,39	8,45	8,47

Кузги буғдойни ўсиш ва ривожланишида вариантлар орасида катта фарқ кузатилмади, олинган маълумотлар тахлилига асосан ҳар хил технологиялар натижасида ҳосилдорлик ҳайдамасдан экилгана-вариантда 43,7 ц/га ҳосил олиндиқабул қилинган технология қўлланилган назорат вариантида 40,0 ц/га дон ҳосили олинди.

2-жадвал

Ҳар хил технологияларнингкузги буғдойни ҳосилдорлигига таъсири

Кўрсаткичлар (2015 й)	В-Б	В-А
Умумий поялар сони, дона	146,3	154,8
Ҳосилдор поялар сони, дона	127	135,5
Ҳосилсиз поялар сони, дона,	18,8	20,5
1000 дона дон оғирлиги, гр.	39,2	41,5
Поя узунлиги, см	69,4	68,7
Бошоқ узунлиги, см	8,1	8,47
1дона бошоқдаги дон оғирлиги, гр.	1,7	1,8
1 дона бошоқдаги дон сони, дона	40,4	43,7

НСР $_{05}$=0,45; НСР $_{05}$ %1,11

Кузги буғдойни йиғиштириб олингандан сўнг плуглар билан ер ҳайдалиб, борана босилиб, ер текисланиб (б-вар) мош экилди, ва тўғридан тўғри экиш агрегати билан (а-вар) га ҳам мош экилган. Экиш олдидан тупроқ ҳажм массасини аниқлаш натижасида тупроқнинг 0-30 см қатламида бу кўрсатгич 1,34 г/см^3 ва 0-50 смда 1,44 г/см^{3}ни ташкил этди. Тупроқни зичланиши асосан суғоришлар ҳисобига бўлган, ёзги ҳайдаш ишлари иш дастурига асосан олиб борилди. Икки хил технология асосида мош экилганда уни ўсиш ва ривожланиши бўйича маълумотлар 3-жадвалда келтирилган бўлиб, унда мошни биринчи даврида ўсиш ва ривожланишида фарқ кузатилмаган бўлса, мошни пишиш даврига келиб, ҳайдалиб, ер тайёрланиб, мош экилган вариантда бўйи, ҳосил шоҳи ва дуккаклар сони бирмунча юқори бўлгани кузатилди.

3-жадвал

Турли технологияларни қўллаб кузги буғдойдан сўнг мош етиштирилганда ўсиш ва ривожланиши.

Вариантлар номи	Ўсимлик бўйи, см				Ҳосил шохи, дона				Дуккаклар сони, дона	
	15,08	3,09	17,09	2,10	15,08	3,09	17,09	2,10	17,09	2,10
Б-вариант оддий плуг билан ҳайдаш	11,5	25	30,6	39,6	3,5	4,9	6,1	8,1	1,5	8,4
А- вариант ҳайдамасдан экиш	11,6	25,4	31,7	40,3	3,6	4,9	6,3	8,2	2,1	9,2

Олиб борилган тажриба натижасида кўзги буғдойдан бўшаган майдонларда тўғридан тўғри экадиган агрегат билан такрорий мош экилганда қабул қилинган технологияга нисбатан ишлов бериш сони камйгани ва экишни эрта муддатда олиб бориш ҳисобига мошни тўлиқ ҳосил олишга эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хасанова Ф.М., Карабаев И.Т.. Технология подготовки почвы под посев повторных культур. «Ғўза ва кузги буғдойнинг парваришлаш агротехнологияларини такомиллаштириш» мавзусидаги халқ. илм. амал. конф. мақол. тўп. 24-25 декабр 2002 й. – Тошкент. 2003. 167-169 бетлар.
2. Pulatov A . «Results of Zero Tillage in Wheat Production in Uzbekistan». In Proceedings of the International Workshop on Conservation Agriculture for Sustainable Wheat Production in Rotation with Cotton in Limited Water Resource Areas 14-18 October 2002.
3. Ibragimov N., Steven Evett, Esenbekov Y., Khasanova F., Karabaev I., Mirzaev L. and John Lamers. “Permanent Beds vs, Conventional Tillage in Irrigated Arid Central Asia” USA1002-1013, Agronomy Journal • Volume103. Issue 4 • 2011;

ТОМОРҚАЛАРДА БЕДАДАН ҚЎШИМЧА ҲОСИЛ ОЛИШ

Болтаев Х.Х. *- ТДАУ ТФ, илмий раҳбар*

Хушбоқов Р.Б *- ТДАУ ТФ, талаба*

Хаитов И.Н *- ТДАУ ТФ, талаба*

Алмашлаб экиш тупроқ унумдорлигини ошириб бориш, бегона ўт, касалликларга ва зараркунандаларга қарши самарали қарши курашиш, экинлардан мўл ҳосил олишни кафолатлайди. Барча экинларни етиштиришда беда тупроқ унумдорлигини тикловчи экиндир.

Беда Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиёнинг суғориладиган ерларида кўп экиладиган кўп йиллик серҳосил дуккакли ем-хашак ўсимликлардан биридир. Бедадан хилма - хил озиқлар тайёрлаш мумкин. Бу озиқлар тўйимлилиги билан ажралиб туради. Масалан, беданинг шоналаш даврида

бир килограмм кўкати таркибида 0,20 озиқ бирлиги ва 30 г ҳазм бўладиган оқсил, 1 кг пичанида 0,47 озиқ бирлиги ва 90 г оқсил мавжуд. Беданинг таркибида кальций, фосфор, осон ҳазм бўладиган оқсил, ҳайвонлар ҳаёти учун зарур бўлган витаминлар мавжуд. Беданинг кўкати серсув бўлиб, моллар тез ўсади, суяги бақувват бўлади.

Беда қадимдан экиб келинган ва кенг тарқалган ўсимликлар туркумига киради. Илк бор беда эрамиздан 5 минг йил илгари Ўрта Осиёда ва Кавказда экилган. Буминтақалардан 2-2,5 мингйил илгариХитой, Ҳиндистон, Эрон, Греция, Италия ва Шимолий Африкага тарқалган. Кейинроқ бу ўсимлик Европанинг бошқа зоналарига, Шимолий ва Жанубий Америка ва Австралияга тарқалган. Беданинг ватани Ўрта ер денгизи ва Осиё минтақаси ҳисобланиб, ҳозирги вақтда ер юзида кенг тарқалган ҳолда ўртача 30 млн. гектар ерга экилади. Ўзбекистонда беданинг экин майдони 150 мингдан 300 минг гектарни ташкил этмоқда.

Беданинг 50 га яқин тури бўлиб, улардан энг кўп экиладигани кўкбеда хисобланади. Экма–кўкбеда (Medicago sativa L) айниқса хонадон хўжаликларида экиладиган беданинг асосий қисмини ташкил қилади.

Кўкбеда морфологияси:

Илдизияхши ривожланган ўқилдиз, сершох, тупроққа 2 м дан ортиқ чуқурликка кирибборади. Илдизининг ён тамонига шохланиши ўсимлик турининг шаклига боғлиқ. Тик ўсадиган тур хилларида илдизи пастроқ шохланади.Илдизининг йўғонлашган қисми илдиз бўйни, унинг юқори қисми илдизбошчаси дейилади. Илдизбошчасида поя чиқарадиган куртаклар жойлашган.

Пояси ўтсимон, яхши тукланади, усти силлиқ ёки қирали, туксиз ёки тукли, ичи кавак, паренхима тўқималари билан тўлган, ранги яшил, бўйи 60-120 см. Бир тупда 3-10 та поя бўлади, сийраклашган ҳолда 100 тагача бўлиши мумкин. Тупининг шакли ҳар хил .

Барги мураккаб, тоқ патсимон, учқўшалоқ. Баргчалари чўзинчоқ, тухумсимон шаклда. Поянинг пастки қисмидаги барглар майда, ўрта қисмидагилари йирик, юқори қисмидагилари ўртача ва ингичка бўлади. Барги яшил рангли, тукли ёки туксиз. Баргнинг пояга қўшилган жойи 2 та ёнбарглари бор, уларнинг катталиги ва шакли ҳар хил.

Тўпгулиқисқа зич шингил, баргқўлтиқларида жойлашган. Шингилнинг катталиги, зичлиги, шакли, ҳар хил. Бир шингилда ўртача 10-13 та гул бўлади. Гули икки жинсли, капалаксимон, кўк ва бинафша рангда.

Дуккаги бурама шаклда, туксиз ва тукли, унда 6-12 та уруғ бўлади. Дуккаги сариқ, жигарранг ва қора. Уруғи майда, сариқ, яшил ва жигаррангда, 1000 тасининг вазни 1,5-3,5 г. 100 кг беда пичани 48,8, шунча кўк массаси 17,2 озуқа бирлигига тенг.

Уруғи 1-3° униб чиқади, ўртача ҳарорат +18-20°. Ҳарорат +30°дан ошса, уруғнинг униб чиқишига ноқулай шароит вужудга келади. Майсаси -6° совуққа чидайди. Қишда қор қалин бўлса, беда -40° совуққа чидайди, ўртача қишлаб чиқади. Беданинг поялари ёйилиб ўсадиган турлари совуққа чидамлироқ бўлади. Беданинг қишлаб чиқиши ва совуққа чидамлилиги

кўпинча етиштириш шароитига боғлиқ. Экиш муддати охирги ўримни ўриш вақтига боғликдир. Баҳорда беда +5-7° да ўса бошлайди, қайта ўсишдан гуллаш давригача беда тахминан 800° фаол ҳарорат талаб қилади.

Қулай шароитда уруғ экилгандан 5-6 кундан кейин униб чиқади. Майсаси иккита уруғ барги шаклида ер юзида кўринади. Майсалари жуда майда бўлиб, қатқалоққа дучор бўлса нобуд бўлади. Майсалар кўрингандан 3-4 кун ўтгач, биринчи оддий чинбарги ривожланади. Сўнгра навбатдаги барглар ҳар 4-5 кунда пайдо бўлаверади. Ўсимликда 15-20 та чинбарг ривожланганда шоналаш даври бошланади, бу майсаланишдан 40-60 кун ўтгандан кейин кузатилади. Шоналашдан 10-20 кун ўтгач, гуллаш даври бошланади. Беда пастдан юқорига, марказдан атрофга қараб гуллайди. Баҳорда экилган беда 90-100 кунда гуллайди, 140 кунда тўла етилади.

Беда баҳори ўсимлик, экилган йили 2-4 ўрим беради, 2-3 йилги беда 5-7 ўрим беради, 2-ўримдан уруғ беради.

Сизот сувлари чуқур жойлашган енгил тупроқларда беданинг ҳар ўрими 3 марта суғорилади, сизот сувлари 2 м.дан юқори жойлашган нами етарли тупроқларда беда 2 марта суғорилади.Ўришга 5-6 кун қолганда суғорилади, кейин ер тобига келганда ўрилади. Ўрилган кўкат даладан ташиб чиқарилгандан сўнг дарҳол суғорилади, шунда навбатдаги ўрим тез етилади. Беда кўпинча бостириб суғорилади, бироқ бунда ер бети зичлашади, қатқалоқ босади, сув кўп сарфланади, тупроқнинг ҳаво режими бузилади. Бедани эгат олиб суғориш яхши натижа беради. Эгат чуқурлиги 12-14 см, эгатчалар ораси 60-90 см бўлади. Эгатлар то бедапоя бузилгунча сақланиши керак.

Бедани ўз вақтида ўриб олиш энг муҳим тадбирлардан биридир, чунки олинадиган ҳосил ва озиқнинг сифати, тўйимлилиги ўриш муддатига боғлиқ. Беда таркибидаги органик моддаларнинг миқдори унинг ривожланиш даврига, ёшига ва навига боғлиқ. Беда навига, ёшига, ўсув даврининг давомийлигига қараб жанубий туманларда 5-7, шимолий туманларда 3-5 марта ўриб олинади. Бедани гуллаш даври бошларида ўриш тавсия қилинади.

Сурхондарёнинг иссиқ иқлим шароитида, асосан, аҳоли хонадони хўжаликларида, айнан томорқаларда, беда фақат қўл меҳнати билан йиғиштириладиган майдонларда юқорида айтилганидек, беда ўришга 5-6 кун қолганда суғормасдан, яъни беда суғорилгандан 5-6 кун ўтиб ўрмасдан, балки, суғоргандан 2 кун ўтиб ўриш бир қанча ижобий самараларни беради. Айниқса, ўрилган бедани ўша даланинг анғиз қолдиқлари устига устига ёйиб чиқилса, бедани қўшимча яна бир марта ўриб олиш мумкин. Бу жараёнда беда суғорилгандан 5-6 кун ўтиб ўрилганда (фақат ўрилгунга қадар) буғланиш орқали йўқотиладиган сув сарфи 2 мартага камаяди. Бу эса беданинг кейинги ўсув даврини янада кучайтиришга ёрдам беради. Иккинчидан, ўша ўрилган бедани айнан шу майдонга ёйиб чиқиш беда ўрилгандан кейинги сув буғланишини яна камайтиради. Айниқса, бедани кеч пайт ўриб ёймасдан, эртаси куни тушадиган шудринг кўтарилиб кетмасдан ёйиб чиқилса, бу тупроқда нам сақланишини янада оширади. Учинчидан,

ёйилиб чиқилган беда поялари маълум даражада ҳароратни ҳам бир неча градус ($с^0$) га ошириб туради. Маълумки, беда ўрилгандан сўнг очилиб қолган ғовак найлари ўрнини ёш поялар эгалламагунча суғорилмайди. Ёш поялар ривожланиши учун эса албатта намлик етарли бўлиши керак. Биз айтаётган тадбирларни қўллаш орқали, беда ўримини 4-5 кунга тезлатишимиз, умумий ўрим сонини эса яна бир мартага кўпайтиришимиз мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилганларни катта-катта далаларда амалга ошириб бўлмасада, бироқ аҳоли томорқаларида яхши ижобий самара беради.

Фойдаланилган дабиётлар рўйхати

1. Бу ҳақда қаранг: “Ўсимликшунослик” (амалий машғулотлар) О.Якубжонов, С.Турсунов, Тошкент–2008, “Фан ва таррақиёт” нашриёти, 233 – 240 – бетлар
2. Бу ҳақда қаранг: “Агрокимё” Б.С.Мусаев, Тошкент – 2001, “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 275 – 278 - бетлар

ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ СОИ И ЕГО НАРОДНО ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ЗНАЧЕНИЕ

Болтаев Х.Х. *- ТФ ТГАУ, научный руководитель*

Каршиева С.Х *- ТФ ТГАУ, соискатель*

В постановление Президента Республики Узбекистан от 14 марта 2017 года № ПП-2832 «О мерах по организации посева сои и увеличению возделывания соевых бобов в республике на 2017-2021 годы» посевных площадей сои увеличивается [1].

«РАЗМЕЩЕНИЕ посевных площадей сои под урожай 2017 года

Регионы	**Всего посевных площадей, га**	**В том числе:**	
		основной посев, га	**повторный посев, га**
Рес.Каракалпакстан	950	550	400
области:			
Андижанская	1 602	502	1 100
Бухарская	3 950	250	3 700
Джизакская	1 800	400	1 400
Кашкадарьинская	3 000	1 000	2 000
Навоийская	989	342	647
Наманганская	3 095	1 217	1 878
Самаркандская	1 560	560	1 000
Сурхандарьинская	2 529	579	1 950
Сырдарьинская	2 500	1 000	1 500
Ташкентская	2 400	1 000	1 400
Ферганская	1 500	500	1 000
Хорезмская	1 100	100	1 000
Всего:	**26 975**	**8 000**	**18 975**

Соя – одно из самых древних культурных растений в Юго-Восточной Азии ее возделывали уже в VI тысячи лет до нашей эры. В Европе союовыращивали в конце XVIIIвека и не имело особого успеха. Зато, соя высоко оценили в Америке, где настоящее время сосредоточена примерно половина всех посевов. Соя обладает много полезных свойств, прежде всего, это великолепный источник белков, которых в сое 37-40 % (в2-2,5 раза больше, чем в мясе).

Соя содержит ценнейшее вещество лецитин, необходимое для восстановления нервной ткани. В соевых бобах 20% жира,из них отжимают качественное пищевое масло, богатое лецитином и витаминами Е, B_6иB_9, пригодное не только для салатов, но и для жарки.

Для пищевых целей масло объязателъно нужно рафинировать, так как у него неприятный запах. Еще одно ценное свойство-почти полное отсутствие клетчатки,которая плохо усваивается, и холистирина.

В настоящее время соя является наиболее популярной масличной культурой в мире. В данное время ее доля в мировом производстве масличных культур дастигает 60%, мировой урожай насчитывает почти 260 млн.тонны. Основными производителями данногосельскохозяйст-венного продукта являются США, Бразилия и Аргентина.

Производсво сои по годам, тыс.тонн.

Страна	1985	1995	2005
США	57 128	59 174	828 20
Бразилия	18 279	25 683	50 195
Аргентина	6 500	12 133	38 300
Китай	10 512	13 511	16 900
Индия	1 024	5 096	6000
Парагвай	1 172	2 212	3 513
Канада	1 012	2 293	3 513
Боливия	83	889	1 670
Индонезия	870	1 680	797
Россия	-	290	740

Следует отметить, что соя-незаменимый продукт питания. Поэтому нет более богатого содержанием белка продукта питания, чем соевые растения.

Соя-это культура, которая требует к себе внимательного отношения и создания специальных условий оптимальных для ее роста и развития. Основными фазами роста сои является следующе :

Прорастание-это период,продолжающийся от посева семян до появления первых всходов;

Всходы- период, от появления семядольных до того, как распустятся примордиальные листья;Затем образуется первый тройчатый лист; Начало ветвления; Появляются бутоны; Начало цветения; формируются бобы; наливаются семена ;созревают плоды.

Следует отметить что, если условия блогоприятные, соя даст первые всходы на 6-9-е сутки после посева. При наливе семян соя перестает рости, а когда созревают бобы,растением сбросываются листья. Большенство сортов сои отличается тем, что не происходит растрескывания их созревщих бобов, и растения не полегают, благодаря чему собирать урожай легче. Соя-светолюбивая и требовательная к теплу культура. Если выращивать сою при недостаточном освещении ее стебли начинают удлиняться становятся длиннее черенки листьев, а это не дает образовываться боковым побегам и плодам, приводит к опадению завязей, которые были образованы растением раньше в их нижнихчастях.

Больше всего соя требовательно к теплу в фазах цветения и когда формируются плоды.

Оптимальной температурой воздуха в эти периоды времени должно быть значение +21+22ºС. Если температура воздуха опускается до +14ºС и ниже, растения перестают расти и развиваться. Правила для благоприятного выращивания и развития сои, когда начинается и заканчивается вегетационный период, растениям требуется меньше тепла. К тому же, именно в этот период соя может относительно легко перенести заморозки когда температура воздуха опускается до -2-3,5ºС. Но не только свет и тепло необходимы сое для нормального развития. Эта бобовая культура требует большое количество влаги, правда, на этот параметр также влияет период роста. В начальном периоде роста, до того, как появляются цветы, соя является относительно засухоустойчивой культурой. Но недостаток влаги может оказать негативное влияние на продуктивность растений.

В то время если не обеспечить достаточное количество влаги в период когда растения цветет, образует завязи и семена не получает высокой урожай. Кроме того, когда происходит интенсивное рост и развитие зеленоймассы, больше становится листавой площадьс которий испаряется влаги, когда соя цвести, увеличивается и необходимость в большом количестве влаги. Когда наступает период цветения и образуются бобы, растение требовательно не только к поливам, ей необходим влажный воздух. Если воздух пониженной влажности и ближе к сухому во время цветения и образование плодов сои, не будут появляться новые цветки и бобы,а напротив растение будет сбрасывать те плоды которые образавались.

Специалисты рекомендуют высевать сою на полях, очищенных от сорной растений,для того, чтобы получить высокий урожай растение необходимо получить, все необходимое: регулярные поливы, а также питательные вещества.Количество которых должно превышат в 2-3 раза количество питательных веществ, необходимых зерновымкультурам.

Соя высевается когда почва прогреется до 10-15ºС. Глубина засевания семян сои должно соответствовать 4,5-7,0 см. Между рядами необходимо оставлят расстаяние 0,4-0,6 метров. На норму высева культуры влияют следующие параметры: Сорт растений; Способ посева: Способ борьбы с сорняками. Средней плотностью посева является от 35 до 40 семян на метр.

Уход за посевами после появления всходов, как только появятся первые всходы, нужно проводить прополку, для уничтожения сорняков, а также рыхлить почвы.Когда появлятся 5-6 настояших листьев, наступает цветения сои. В этот период необходимо внесение в почву минеральных удобрения азота, фосфора и калия. Затем производит полив. Созревание плодов сои происходит в различные сроки начиная от 90 дней и закончивая до 245 дней в зависимости от особенности сортов и климатические условия выращивание сои.

Уборка урожая сои начинается после опадения листьея, и бобы приобретут сероватую окраску. Главным условием при хранении сои является параметр влажности- влажность не должен превышать 15% (оптимальное влажности-12%)

На урожайность сои влияют следующие основные показатели: Сорт сои; почвенноклиматические и погодные условия. В целях обеспечения дальнейшего увеличения объямов посева и возделывания соевых бобов, более полного удовлетворения потребности населения в растительном масле, животноводческих и птицеводческих хозяйств питательных кормах, а также эффективного использования производственных мощностей перерабатывающих предприятий. Потому что соя-является один из богатейших белком растительных продуктов питания. Это свойство позволяет использовать сою для приготовления и обогащения разных блюд, а также в качестве основы растительных заменителей продуктов животного происхождения. Из неё производятся многочисленные соевые продукты. Соя и соевые продукты широко используются в восточноазиатских кухне.

Литературы

1.Мирзиёев Ш.М Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 марта 2017 года №ПП-2832 «О мерах по организации посева сои и увеличению возделывания соевых бобов в республике на 2017-2021 годы».
2. Атабаева Х.Н-Возделывание сои в Узбекистане, Т. Матбуот, 1989 г, 68 с
3.Атабаева Х.Н-Особенности возделывания сои в орошаемой зоне Узбекистана, Илмий конференция «Аграрная наука на рубеже веков», Акмола, 1997, с.15
4.Горелов Е.П, Бабаяров М.-Соя на сероземах Узбекистана. Жур. Кормопроизводство, №1,1984, с 35
5. Заверюхин В.И. «Соя на орошаемых землях». Жур. Зерновое хозяйство, 1979, № 5 с 41-43
6.Романов Х.С. Шомуратов А. «Соя на новоорашаемых землях Кизилкумского массива» Труд. СоюзНИХИ, 1979, вып. 50 с. 63-65

ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИК ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Уралов Б.К. *– т.ф.н., доцент, М.Ауэзов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети, Чимкент ш.*
Файзиев О.Р.- *Тошкент давлат аграр университети, "Агробизнес ва инвестицион фаолият" кафедраси ассистенти*

Бозор иқтисодиётида шароитида тадбиркор деган олий унвонига фаолият юритаётган ташкилот ёки корхонанинг рақобат курашида муваффақиятга эришиш учун доимий равишда янгиликлар излаш ва қўллашга мойил бўлган шахсларгагина муносибдир. Бу тадбиркорларга юқоридан берилган қисмат ҳам, маънавий бурч ҳам эмас. Бу қаттиқ рақобат курашида жон сақлаш эҳтиёжи бўлган жиддий ҳаётий (иқтисодий) заруратдир.

Ҳозирги вақтда инновациялардан фойдаланиш асосида жаҳон хўжалиги ривожланишининг янги йўналишалри шаклланмоқда. Ўзбекистон ушбу жараёнларни инкор эта олмайди ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида ҳам инновацион жараёнларнинг фаоллашувини таъминлаши зарур. Ушбу масалаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Исталган мулкчилик шаклидаги тадбиркорларнинг инновацион салоҳиятини баҳолашда қуйидагиларни аниқ фарқлай олиш зарур:

- тадбиркорларни инновациялар рискли йўлига туришга ундайдиган стимуллар;
- тадбиркорлар учун инновацияларни амалга ошириш имкониятлари;
- тадбиркорларнинг инновацион фаоллигини тўхтатиб турадиган чекловлар.

Тадбиркорларни инновацияларга ундайдиган стимуллар. Одатда тадбиркорларни инновацияларга ундайдиган стимуллар уларнинг бозорда сифатлироқ, рақобатбардошлиги баландроқ ва тамомила янги маҳсулот сотиш ёки модификацияланган технология қўллаш ҳисобига олинадиган фойдани оширишга иштиёқи билан боғланади. Муваффақиятли инновациялар ҳақиқатда фойда ва ҳатто қўшимча фойда (инновацион квазирента) ҳам келтиради.

Бироқ, бу қўшимча фойда инновацияларнинг тўлиқ натижаси эмас, уни қўлга киритиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди: янги маҳсулот ва технологияни ўзлаштириш даврида юқори даражадаги харажатлар (тамомила янги маҳсулот ёки технология бўйича, айниқса, юқори бўлган муқаррар ўзлаштириш харажатлари)дир.

Бундан ташқари, янги ёки яхшиланган маҳсулот (товар ёки хизмат) харидорлари ўзини қандай тутиши, бозор уни қанчалик қабул қилиши, харажатларнинг ўзини қоплаши ва сотув ҳажмидан умидлар ўзини оқлаши

маълум эмас. Бунинг устига, янги маҳсулот (технология) охирига етказилмаган, доим ҳар бартараф этиб бўлмайдиган жиддий камчиликларга эга бўлиши ва кутилган самара чиройли бир орзу, хомхаёл бўлиб чиқиши мумкин. Шу сабабли тадбиркор етти ўлчаб бир кесишига, яъни бironта янги ишни бошлашдан олдин яхшилаб ўйлаб кўришига тўғри келади.

Бироқ тадбиркорни барибир инновацион риск томон юришга ундайдиган куч бор. Бу бозор рақобати кучидир. Рақобат қонуни тадбиркорларни фойданинг пасайиши, рақобатбардошликни йўқотиш ва инқироз хавфи остида рискли инновацион йўл тутишга мажбур қилади. «Мен бўлмасам, бошқаси» қоидаси амал қилади. Бозор нафақат бозор «элемент»лари учун, балки харидорлар талаби ва мойиллиги учун ҳам курашадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларга эгадир. Ким хотиржам бўлиб, тортишувларда чарчаб қоладиган, бу мусобақада ортда қоладиган бўлса, эртами-кеч бозордаги ўз ўрнини йўқотади ва хонавайрон бўлади. Бу хавф ҳар бир тадбиркорга – хоҳ кичик, хоҳ йирик тадбиркор бўлсин – таҳдид солиб туради (жумладан, яқинда хонавайрон бўлган, йўқотишлари миллиардлаб долларни ташкил қилган йирик Америка ёки Итальян корпорациялари кабилар).

Ушбу тайзиқлар (бозордаги ўрнини йўқотиш, муваффақиятлироқ рақобатчилар томонидан сиқиб чиқариш ва хонавайрон бўлиш) ва ёғламачилик (инновацион қўшимча фойда кўринишида) сиёсати бутун бозор иқтисодиётини қамраб олган бўлиб, инновацион тадбиркорликнинг асосий стимули ҳамда технологик ва иқтисодий тараққиётнинг асосий механизми ҳисобланади. Бу барча йўқотиш ва мукаммал эмасликларга қарамай, бозор мавжудлигини оқлайди ва узайтиради.

Инновацион лойиҳа билан шуғулланиш имкониятлари. Биринчи навбатда экспертиза ёки синов тариқасида фойдаланишдан ўтган ихтиро ёки илмий-техник фаолиятнинг бошқа натижаси, камида – технологик қўллаш учун яроқли бўлган, жалб етувчан инновацион ғоя бўлиши зарур. Бу шарт-шароитларни ўз тадқиқотчилик бўлинмасига, ихтисослашган ИТИга буюртма бериш, ёхуд ички ёки ташқи бозорда лицензия харид қилиш, патент тадқиқотлари ўтказиш мумкин. Агар муаммо мавжуд бўлиб, уни ҳал қилиш йўллари эса номаълум бўлса – инновация амалга ошмайди.

Бироқ тўғри ифодаланган муаммонинг ўзи, жамиятнинг технологик эҳтиёжлари олимлар, ихтирочилар ва муҳандисларни ушбу муаммонинг ечимини топишга ундайди. Шундай кейин, тадбиркор инновацияларни амалга ошириш учун ресурсларга эга бўлиши, гап тамомила янги маҳсулот (технология), базис инновациялар хақида борганда эса катта ресурсларга эга бўлиши лозим. Бу ёки ўзининг маблағлари (амортизация ва фойда), акциялар эмиссияси, стратегик инвестор ёки узоқ муддатли банк (фонд) кредити излаш йўли билан қўшимча маблағлар жалб қилиш имкониятидир.

Ресурслар имконияти эса ишлаб чиқариш миқёси ҳар хил бўлган ва иқтисодий даврнинг турли босқичларида бўлган тадбиркорларда бир хил бўлмайди. Инқироз ва депрессия босқичида инновациялар учун ресурслар жалб қилиш имконияти жуда чекланган. Жонланиш (аникроғи – депрессия

якунидан бошлаб) ва кўтарилиш босқичида инвестицион шов-шувлар авж олади, рискка мойилроқ бўлади. Инқироздан олдин келадиган барқарорлик (этуклик) босқичида инновациялар самараси пасаяди, ресурслар тақчиллиги ва инновацион риск ортади.

Ниҳоят, инновациялар имкониятлари тадбиркорнинг шахси, унинг рискка мойиллиги, малакаси ва стратегик фикрлаш даражаси билан белгиланади. Бу кўп жиҳатдан тадбиркорнинг ёшига ҳам боғлиқ бўлади. Агар у ҳали ёш, инновацион ёшда бўлса, ишбилармонлар оламида ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаш ниятида бўлса, баъзида рискнинг катта эканлигига қарамай, уни янгиликлар киритишга кўп тортади. Балоғат ёшидаги тадбиркор кўп нарсага эришган, рискли қарорларнинг барча хавф-хатарларини яхши билади, у йўқотиши мумкин бўлган нарсаларга эга бўлади, юзага келган турмуш тарзи ва фаолиятда ўзгаришларга унчалик мойли бўлмайди.

Тадбиркорларнинг инновациялар йўлидаги чекловлар. Бу ресурслар чекланганлиги: ҳар бир тадбиркор ҳам ўз ресурсларига ва йирик инновациялар амалга ошириш учун ташқи манбаларни жалб қилиш имкониятига эга бўлмайди. Бундан ушбу чекловларни енгиб ўтиш учун турли холдинг, концернн, консорсиум, стратегик технологик иттифоқларга бирлашиш зарурати келиб чиқади.

Шунингдек, инновациялар йўлидаги монополистик тўсиқларни ҳам ҳисобга олиш керак. Бу айниқса, гап бошқа мамлакатлардаги инновацион маҳсулот ва технологияларга тўсқинлик қилиш хақида боради. Бундай таъсирлар аломатлари Ўзбекистон ва Қозиғистон давлатлари бозор ислоҳотлари вақтида ҳам бир неча марта намоён бўлган, бунда юқори технологияли корхоналар хавфли рақобатчини йўқ қилиш учун хусусийлаштирилган ёки харид қилинган.

Ниҳоят, янги мураккаб техник тизимнинг пайдо бўлиши учун турли тармоқлар ва мулк эгаларига тегишли бўлган ўнлаб турли корхоналарнинг ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатлари талаб қилинадиган тармоқлараро характери таянч инновацияларнинг чеклови бўлиб хизмат қилади. Бундай алоқаларни давлат кўмагисиз ташкил қилиш жуда қийин. Шундай қилиб, бозор иқтисодиётида тадбиркорларнинг инновацион салоҳияти бирламчи, кучли бўлсада, чексиз эмас. У айниқса, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда маълум бир чекловларга дуч келади. Инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш учун тадбиркорликнинг давлат билан ҳамкорлик алоқалари талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-Фармонининг 1-иловаси “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Lex.uz.

2. Аюпов Р.Х., Балтабаева Г.Р. **Ў**збекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантириш муаммолари ва ечимлари. –Т: Иктисод-молия, 2015, 144б бет

М У Н Д А Р И Ж А

Сулаймонов Б.А. Кириш сўзи	5
1-ШУЪБА: АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ТАЬМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	7
Турдибоева Р.Э. Аграр секторни инновацион ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий таъминотини такомиллаштириш	7
Жўраев Т.И., Сиддиқов З.Т., Исмоилова Г.Т. Инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари	13
Мардиев Н., Мусаев Д.А. Тадбиркорликни янада ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратиш - ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали йўли	16
2-ШУЪБА: АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	19
Хушматов Н.С., Калимбетов Х. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш шароитида ресурслардан фойдаланиш ва ресурстежамкорлик масалалари	19
Юсупов Э.Д. Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришдаги муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари	23
Аманов Ш.Б., Файзиев О.Р. “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”нинг фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясидаги аҳамияти	27
Юсупов Э.Д. Аграр тармоқда оптималлаштириш муаммолари ва уни ҳал қилишнинг услубий жиҳатлари	30
Алиев Я.Э. Аграр соҳада инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш	35
Шодиева З.Ш., Хамдамов И. Доривор қончўп (*chelidonium majus* l) ўсимлигининг дориворлик хусусиятлари ва ундан фойдаланишнинг самарадорлиги	39
Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш жараёнларини эконометрик моделлаштириш	41
Primov A., Eshmatov S., Murodov Sh. Drone technology as a tool for improving agricultural productivity	45
Собирова Д.А., Азизов О.М. «Ақлли қишлоқ хўжалиги» технологиялари келажагимиз равнақи	50
Жўраев Т.И., Исмоилова Г.Т. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш муаммолари	53
Юсупов З.З., Давлетов Д.А. Техник салоҳиятдан фойдаланиш	57

самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари	
Қодирова И.Б., Агзамов Ш.А., Саламов И. Қўшма корхона ва лойиҳалар: ижтимоий-иқтисодий ҳамда бандлик муаммолари ечимидир	60
Худойбердиев Т.Л., Тожибоев Ғ.Ғ. Факторы влияющие на процесс сушки плодов и овощей	64
Маджидова М., Тагаев А.С. Мевачиликда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари	68
Тошбоев А.Ж., Сиддиқов З.Т., Расулова Д. Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш муаммолари ва уни бартараф этиш йўллари	70
Ҳамроев И.А. Зарарли темирчакларга қарши иқтисодий тежамкор кураш чоралари	73
Тангиров А.Э. Чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси рақобатбардошлигини ошириш омиллари	76
Хасанов Н. Замонавий бошқаришнинг назарий услублари	80
Зубайдуллаев А.А., Казакова З.С., Саламов И. Соғим сигирлардан сут маҳсулотлари олишда инновацион техника ва технологияларни қўллашнинг иқтисодий самарадорликни оширишдаги имкониятлари	82
Тошбоев А.Ж., Закимов А. Таркибий ўзгаришлар жараёнида қизилмия етиштиришнинг бошқарув тизимини яхшилаш йўллари	86
Есенбай Н.А., Кенес Д.С., Уралов Б.К., Кушаров З.К. Математическая моделирования деформаций грунтового основании в сельском хозяйстве	88
Азизов О.М., Сабирова Д.А. Начало кардинальной реформы страхового дело в республике Узбекистан	92
Айтимбетов А.К. Балиқчилик тармоғини ривожлантиришда озуқа базасини мустаҳкамлаш йўллари	95
Айтимбетов А.К. Қорақалпоғистон республикасида сув ҳавзаларини балиқлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва балиқ ҳажмини ошириш имкониятлари	98
Азизов О.М., Жонузоқов Э. Ўзбекистон фонд бозоридаги иштирокчиларнинг кенгайтирилиши масалалари	101
Юсупов З.З. Аграр соҳада техник салоҳиятни янада ошириш йўллари	103
Усмонова Д.Х., Иминов А.А. Ловияда маъдан ўғитлар меъёрлари ва азотни фаол ўзлаштирувчи туганак бактерияларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги	105
Менгноров А.А., Саидакбаров Х.Х. Аграр соҳада инвестицион муҳитни ривожлантиришнинг ташкилий - иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	108
Менгноров А.А. Аграр соҳа экспорт салоҳиятини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асослари	112
Юлдошев Ж.Т. Аграр соҳада инновацион бошқариш ва самарадорликни ошириш имкониятлари	116
Юлдошев Ж.Т. Аграр соҳада инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий	119

самарадорлигини ошириш	
Шодмонқулов К.М. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш ва қўллаб-қувватлашдаги хорижий тажрибалар	123
Шодмонқулов К.М. Аграр соҳада халқаро бизнесни бошқаришнинг аҳамияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари	127
Давлатов С.А. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларнинг асосий йўналишлари	130
Давлатов С.А. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва фермер хўжаликларини барқарор ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари	133
Тураев С.Ж. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш тизимини ташкил этиш ва экспорт салоҳиятини оширишнинг аҳамияти	136
Тураев С.Ж. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини модернизациялашнинг зарурияти	141
Бобомурадов С., Кушаров З.К. Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятнинг асосий йўналишлари	143
Бахранова З., **Бустанов К.** Инновацион технологиялар асосида чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш йўллари ва тармоқ самарадорлигини ошириш имкониятлари	146
Mo‘minxo‘jayeva O., Boltayev M. Bog‘dorchilik sohasini innovatsion texnologiyalar asosida rivojlantirishning tashkiliy –iqtisodiy asoslari	149
Атаева У., Абдурашидова О. Чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини инновацион ривожлантириш	153
Бабаддинов Д.О., Кувнақов Х.Қ. Агросаноат корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг устивор вазифалари	156
Galimova F.R., Dekhkanova N.S. Improving the organizational and economic mechanism for the development of innovative processes in the agricultural sector	159
Жуманиёзов С., Зиядуллаев И. Аграр соҳада инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш	162
Мардиев Н., **Сагдиев Ғ.М.** Кичик бизнес ва тадбиркорликни инновацион ривожлантириш омиллари	165
Наринбоева Г.К., Каримова К.Р. Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларнинг аҳамияти	168
Каххарова М., Азимов Р. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий тизимларни рақамлаштириш	170
Умурзаков Х., Кувнақов Х.Қ. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялардан фойдаланиш	173
Nurmatova O‘., Abdullayev F. Qishloq xo‘jaligida innovatsion jarayonlarga ta’sir etuvchi omillar	176
Abduraxmanova N., Abdullayev F. Fermer xo‘jaligi faoliyatini diversifikatsiyalashda innovatsiyalarning o‘rni	178
Зокирхўжаев А., **Сиддиков З.Т.** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини техника воситалари билан таъминлаш муаммолари	181
Тохирхўжаев А., **Исламов Ф.Р.** Қишлоқ хўжалигини	184

ривожлантиришда деҳқон ва томорқа хўжаликларининг аҳамияти	
Халиков С.Р., Бердиев Х. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тармоғининг иқтисодий самарадорлигини оширишда- инновацион фаолиятининг тутган ўрни	187
Рахматова Г.Т., Эшова Х.С. Оқ амур балиғининг ҳазм йўлининг тузилиши	191
Исмагулова Г.Н. Ҳарбий таълимда иқтисодий тафаккурни шакллантириш усуллари ва уларнинг тавсифи	194
Акабирова Д.Н. Организационно-экономическая сущность инновационной деятельности в аграрной сфере	198
Муродова М.Ч. Озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришда агрокластернинг ўрни	202
Mahmadiyorov B.M., **Nurmatov N.J.** Qishloq xo‘jaligiga innovatsiyalarni joriy etish bo‘yicha ilg‘or xorijiy tajribalar va ularni o‘zbekiston sharoitida qo‘llash imkoniyatlari	205
Nurmatov N.J., **Mahmadiyorov B.M.** Qishloq xo‘jaligida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy asoslari	209
Джалилов Б.С., Джалилов Ш.Б., **Кучимов С.Х.** Перспективы развития и размещение производства табака в Республики Узбекистан	213
Эркинхожиев И.И., М.Х.Саидов. Қишлоқ хўжалиги машинасозлигида инновацион самарадорликни ошириш йўллари	217
Жонибеков Ф.Б., **Назарова М.Ш.**, **Саламов И.** Ўсимликшунослик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда инновацион технологияларнинг рентабеллик даражасига таъсири	220
Ашурметова Н.А. Илмий-техникавий ривожланиш ва миллий инновацион тизимни шакллантириш бўйича эришилган натижалар	225
Ахмедов Т.Х. Развитие инновационного предпринимательства в АПК	229
Сотторов О, Ачилов Ф. Соя навларининг суғориш тартиблари бўйича иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш имкониятлари	233
Жўраев Ф.М., **Файзуллаев Ш.Ш.** Аграр соҳа корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш механизмини такомиллаштириш	235
Ботиров Э.Х., Деҳқонова Ш.С. Қишлоқ жойларини ривожлантириш ва диверсификациялашда аҳоли бандлигини оширишнинг аҳамияти	239
Қаршиев Ш.Э. Чорвачилик тармоғини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб қувватланиши	242
Бахриддинов А., Менгликулов Б.Ю. Ипакчилик мажмуида замонавий интеграцион алоқларни ривожлантириш йўллари	245
Шодмонқулов К.М., Джуманов Д.С. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва фермер хўжаликларини ривожлантириш йўллари	249
Джурабаев О.Д. Динамика эффективности и оптимизации процессов производства продукции пчеловодства в специализированных хозяйствах	253
Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалигида инновацион инфратузилма фаолиятини ривожлантириш масалалари	257

Хамидова Ф.Ю. Қайта ишлаш учун етиштирилган ясмиқ навларига қўлланилган маъданли ўғитлар ва нитрагин штаммининг иқтисодий самарадорлиги	261
3-ШУЪБА. АГРАР СОҲА ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, АУДИТ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ТИЗИМЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ	263
Дусмуратов Р.Д. Қишлоқ хўжалигида инновациялар самарадорлигини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш	263
Менгликулов Б.Ю., Худойназарова Н.А. Молиявий ҳисоботни трансформация қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти	267
Мамадияров Д.У., Болтаев А.С. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг таҳлили, уни пасайтириш имкониятлари	269
Мамадияров Д.У., Назаров Х.Ҳ. Суғурта ташкилотлари молиявий натижаларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	273
Давлетов И.Р. Интеллектуал мулк объектлари самарадорлигини таҳлил қилиш усулларини аудитда қўллаш масалалари	278
Тажекеев З.К. Кредитлар аудитини дастлабки режалаштиришнинг ташкилий-услубий жиҳатлари	283
Болтаев А.С., **Ражабова Н.У.** Фермер хўжаликлари қўшилган қиймат солиғи тўловчиси	286
Болтаев А.С. Қайта ишлаш корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва самарадорлиги ошириш йўллари	289
Азизов О.М., Собирова Д.А. Рақамли ҳисоб технологиялари шаффофлик гарови	293
Турсункулова Г.Б. Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини ташкил этиш масалалари	296
Вафоев А.У. Балиқчилик хўжаликларида бошланғич ҳисобни ташкил этиш зарурати	300
Абдиева Н.Ш. Куйлиева А.Ш. Роль этических норм в качестве внутреннего контроля	304
Машарипов О.А., Назаров Х.Ҳ. Директ-костинг тизими бўйича молиявий натижани аниқлаш тартиби	308
Машарипов О.А. Корпорация фойдасига солиқни ҳисоблаб чиқиш тартиби	310
Мавлянова Д.М. Акциядорлик жамиятларида жорий активлар туркумланишини такомиллаштириш	313
Акрамов Ш.Ш., Ачилов А.Н., Мирзаева М.А. Агросаноатни ривожлантиришда кимё саноати корхоналари ишлаб чиқариш захиралари ҳисобини такомиллаштириш аҳамияти	317

4-ШУЪБА: АГРАР СОҲАДА КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЬМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	321
Урманова У.Х. Фермер хўжаликлари ички назорат тизимида бюджетларнинг ўрни	321
Журабоев Н.Э., Муродовой Д.Ч. Современное состояние оказания микрофинансовых услуг сельхозпроизводителям	323
Урманова У.Х. Бюджетлаштириш бошқарув ҳисобининг усули	327
Ёқубов Т.Ғ. Аграр тармоқда кластер тизимини жорий этиш ва унинг молиявий хусусиятлари	330
Ражамуродов Ҳ.З., Расулова М.Т., Ғуломов С.С. Агросаноат мажмуаси иштирокчиларининг ахборот коммуникацион технологиялар борасидаги саводхонлигини ошириш	334
Muxtorov J.F., SalimovSh.M. Agrar soha iqtisodiyotini modernizatsiyalash sharoitida investitsiya loyihalarining o'rni	337
Маъруфхонов.Х.М., Холмухамедова З.Б. Такрорий экин экишда тупроққа минимал ишлов бериш	341
Болтаев Х.Х., Хушбоқов Р.Б, Хаитов И.Н. Томорқаларда бедадан қўшимча ҳосил олиш	344
Болтаев Х.Х., Каршиева С.Х. Технологии выращивания сои и его народно хозяйственное значение	347
Уралов Б.К., Файзиев О.Р. Инновацион фаоллик тадбиркорлик фаолиятининг асоси сифатида	351

Илмий тадқиқот материаллари нашри

«АГРАР СЕКТОРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ, ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ, АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»

мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани

2019 йил 5 ноябрь

Масъул муҳарир: Раджапбай Дусмуратов
Муҳаррир: Бахтиёр Менгликулов

Босишга 25.12. 2019 йилда рухсат этилди.
Бичими 210x108 1/32 Шартли босма тобоғи 22,5. Нашр тобоғи 22,5
Адади 100. Буюртма № 18-019.
ТДАУ таҳририят-нашриёт бўлими

Тошкент давлат аграр университети
Манзил: 100140, Тошкент вилояти Қибрай тумани Университет кўчаси 2-уй.
Телефон: 260-48-00, 260-50-59. **Факс:** 260-38-60
Электрон манзил: tuag_info@edu.uz
Вебсайт: www.tdau.uz